



Шарқ юлдузи  
КУТУБХОНАСИ



Абдуқаюм  
ЙЎЛДОШЕВ



ДАРЁ





*«Шарқ юлдузи» журнали кутубхонаси*

**Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ**

# ДАРЁ

*Роман*

**Sam DTI**  
**axborot-resurs markazi**

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2017

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84 (5Ў)6  
Й-64

### **Йўлдошев Абдуқаюм**

Дарё: Роман / А. Йўлдошев – Т: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи 2017. – 416 б.

Нашриётимиз ижодий жамоаси шу йилдан эътиборан янги сериядаги асарларни чоп этишни бошлади. Қўлингиздаги ушбу китоб «Шарқ юлдузи» журнали кутубхонаси сериясидаги ilk романдир. Эътибор қилган бўлсангиз, таникли ўзвучи Абдуқаюм Йўлдошевнинг ушбу романи «Шарқ юлдузи» журналининг 2016 йилги бир неча сонисида эълон қилиб борилди.

Мақсадимиз – ўқувчиларни энг замонавий, сара ўзбек насри намуналари билан ўз вақтида таништириб бориш. Шояд сиз азизлар хонадонига янги адабиётимиз асарлари ўз вақтида, мунгазам равишда нур каби қириб турса...

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-03-762-5

© Абдуқаюм Йўлдошев  
© Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
2017

Она Дарё минг, миллион йиллардан бери тўхтамай окаяпти: яна минг, миллион йиллар оқади. Биз йўқ эдик. Дарё бор эди. Биз келдик. Дарё бор. Биз ўтамиз. Дарё қолади. Вақт сув каби оқиб ўтади, деймиз. ваҳоланки, аслида Дарё вақт каби оқиб ўтаверади. У неча-неча минглаб, юз минглаб инсонларга жон бахш этди, сувга зорларнинг ташналигини қондирди, саҳроларни бўстонга айлантирди: яна бағрида баликларни парваришлайди, уларни бизга тақдим қилади. Дарё ҳаёт мисоли: сиртдан сокин кўринган сув қаърида не-не пўртаналар, не-не гирдоблар, не-не шиддатли оқимлар яширин. Дарё бизнинг беминнат онамиздай меҳрибон, ғамхўр. Шунинг учун биз уни Она Дарё деб атаёмиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интиҳоси йўқ...

## I боб

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида дарё бўйидаги қамиш босиб ётган маконга улкан бульдозерлар, кранлар, юк машиналари, цистерналар келтирилди. Борликни тутган техникалар ўқиришига ошиғич тарзда ўрнатилган палаткалару қуёш тигида ёниб кетгудай исийдиган ғилдиракли темир вагонларда яшай бошлаган, очиқ ҳавода наридан-бери ясалган кўлбола стол-ўриндикларда, алюмин коса-кружкаларда овқатланиб, чой ичиб кетаверадиган ишчилар ғала-говури кўшилди.

Орадан уч ой ўтар-ўтмас кечқурунлари ёнидан ўтишга ҳайиқиб туриладиган қамишзорлару одам бўйи бегона ўтлар ўсадиган, қундузлари мол бокилиб, таппи териладиган дўнгликлар текисланди, козиқлар қоқилди, чуқурлар қазилди, машина-машина шағал-цемент-арматуралар келтирилди ва шундай юкори суръатда пойдеворлар қуйила бошланди. Тез

орада эса сафга тизилган дастлабки бир хилдаги уйларнинг бетон деворлари кўзга ташланиб қолди: асфальт кўчалар пайдо бўлди, симёғочлар ўрнатилиб, симлар тортилди.

Баайни Бобил кўчиб келгандай, тўрфа тилларда гаплашадиган қурувчилар бир масалада яқдил эдилар: уларнинг ҳаммаси янги бунёд бўлаётган кишлоқни “посёлка” деб атардилар...

Ҳар хилликнинг мероси сифатидами, посёлкага турли миллат вакиллари кўчиб келишди, кўчириб келтирилди. Қишлоқ аҳли орасида ўзбеклардан ташқари козоклар, тожиклар, руслар, греклар ва ҳаттоки немислар бор эди.

Одамнинг қўли гул. Орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас кўккайиб турган хунуқкина бетон уйлар ён-атрофи, кўчалар яшилликка буркана бошлади: ахир дарё бўйида яшашади, сув бемалол; яхши ниятлар билан, тўйларга атаб экилган тераклар бўйи чўзиб қолди. Ажабки, тирикчилиги дарё ва балиқ билан боғлиқ кишлоқ аҳли ҳам бир масалада яқдил чиқиб қолди: кўпчиликнинг “посёлка” атамасига тили келишмаганиданми, кишлоқни бир оғиздан “овул” деб атай бошлашди.

Хуллас, биз қаламга олажак воқеалар юз берган бугунги кунимизда расман ҳам “Сайхуновул” деб юритила бошланган кишлоқ эни-бўйига бир оз кенгайган, йилнинг уч фаслида яшиллик оғушида бўларди. Тўғри, сўнгги пайтлари, айниқса ёзнинг иссиқ кунларига келиб дарёда сувнинг камайиб кетиши, улкан, шиддат билан оқадиган дарёнинг жилдираб турган ирмоққа айланиши ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Аммо асосий тирикчилик барибир дарё билан боғлиқ бўлиб қолаверди: ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар аллақачон алоҳида “кўлча”ларига сув ғамлаб олишиб, катта-кичик хусусий балиқ хўжаликлари ташкил этишган, овул аҳлининг аксарияти ўшаларнинг қўлида ишлашади.

Бу орада овулдан йигирма чақиримча узоқликдаги туман маркази рисоладагидай шаҳарчага айланди. Энг асосийси эса, кичкинароқ бўлса ҳам бир нечта консерва цехи, росмана балиқ бозори ишга тушди-ю, сайхуновулликлар кўча бўйида

сарғайиб балиқ сотиб ўтириш ташвишидан қутулгандай бўлишди. Катта йўлга яқинлиги бонемин, бозор тез орада машҳур бўлиб кетди: сон-саноксиз йўловчилардан ташқари у ёғи пойтахтдан, бу ёғи Жиззаху Самарқанддан, ҳаттоки кўшни Қозоғистондан миждозлар келадиган бўлишгач, сотувчиларнинг қўли кўлига тегмай қолди. Дарёда сув камайган маҳаллари эса бозорни олти Айдаркўлдан ҳамда шу атрофдаги, балиқ хўжалиқларидаги сунъий ҳовузлардан келтирилган балиқлар тўлдирарди. Қўли текканинг оғзи ҳам тегади. Бозор баҳона яна қанча одам ишли, ризкли бўлиб қолди.

Балиқни етти хазинанинг бири деб бежиз айтишмаган. Аммо азалдан маълум: хазина бор жойда унга осонлик билан эга чиқишни истаганлар кўпаяверади. Шаҳарчадаги балиқ бозорида савдо авж олган сайин қандайдир учар дало-лоллару, туллақ воситачилар, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, бироқ хирмонда хозир у нозир ишбилармонлар сафи ҳам орта борди. Улар ўзаро нималарнидир пинҳона келишиб олишар, қандайдир яширинча режалар тузишар, мўлжалларини амалга ҳам оширишар, кимларнидир маҳорат билан бошқаришар, керак жойга узатишар, лозим жойдан чўтал олишар ва ала-окибат бозор нарх-навосини ўзларига мақбул тарзда ушлаб туришга муваффақ бўлишарди. Айрим пайтлари, мутлақо қутилмаганда бозорда нарх бирдан фавқуллодда икки, ҳаттоки уч-тўрт баробарга тушиб кетар, ҳайратга тушган, аслида бу навбатдаги гапга кўнмаган рақибни синдириш учун ишлатилган ҳийла эканлигидан беҳабар харидорлар пештахталардаги балиғу қоқбалиқларни шипириб кетишарди. Эртаси куни эрталабдан эса яна ҳаммаси бояги-бояги, бой отамнинг таёғи қабилда давом этаверар, касодга учраган тараф голиб тарафга бош эгиб борар ёки бозорда қайтиб қорасини кўрсатмасди.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси силлиқкина кетавермасди. Овулнинг не-не ўжар йигитлари, саркаш эркаклари “Қани, кўлингдан нима келади! Бир кўрай-чи!” дегандай бозорга ёриб киришар, кимларгадир пўписа қилаётгандай тез-тез белларидаги ўткир пичоқларининг дастасини ушлаб-



ушлаб кўйишар, чекка-чеккада, одатда намозшом маҳаллари юз берадиган “ур калтак-сур калтак”ларда мардона туриб беришар, йиқилиб, ер билан битта бўлишса ҳам таслим бўлишмас, қайсарлик билан “Мен шу ерликман! Сайхун-овулданман! Сенлар ўзларинг кимсанлар?!. Эртага келиб ҳаммаларингнинг қоринларингни ёриб ташлайман!” деб тугаверишарди. Кўпинча бундай аччиқ ичакдай чўзиладиган ихтилофларнинг якуни шу билан тугардики, “Ҳа, бир тен-так тирикчилигини ўтказиб юрса юрибди-да”, дея бунақанги бош эгмасларни тинч кўйишар, фақат бундай илтифотни том маънода тортиб олган банда майда сотувчилик мақомидан юқори кўтарилмаслиги шарт эди ва буни ўша одамнинг ўзи ҳам жуда яхши билиб турарди...

Шаҳарчада ёмғирдан кейинги кўзикорин мисоли янгидан-янги, бири иккинчисидан ҳашаматли қасрлар бодраб чиқа бошлади: балиқ бизнеси ўз ҳосилини бермоқда эди. Шу баробарида янги пайдо бўлаётган гуруҳлар билан эскилари ўртасида зиддиятлар ҳам кучайди. Қайтарладир, нималарнидир ўрганиб қайтган, юлдузни бенарвон урадиган ишбилармонлар дарёдан унинг неъматларини тортиб олишнинг янгидан-янги усулларини ишлата бошладилар: ибтидоий тўрлар ўрнига динамитлар, хаттоки дарёнинг маълум қисмини иситадиган ажабтовур мосламалар пайдо бўлди: балиқ илик жойга қараб сузади-да...

Яна бир гап. Кейинги йилларда содир бўлган эврилишлар сабаб, овулнинг бир қисм фуқаролари ўз тарихий ватанларига жўнаб кетдилар. Айниқса олмон Миша дурадгорнинг кўчиши кийин кечди: шўрлик овул қабристонига қўйилган кампирини ташлаб кетишга журъат этолмас, бу ёқда эса фарзандлар “Германия! Фақат Германия!” деб қисталанг қилиб туришибди; уста қайси бармоғини тишласа ҳам оғрийди... Аммо кўнгли ниманидир сезган чоғи, дурадгор бекор тайсалланмаган экан: бечора она юртида тўрт ой яшабди, холос; бир окшом ухлабдию, қайта уйғонмабди... Буни эшитиб овул аҳли кўп афсусланди, қариялар йиғилишиб, уста Мишанинг ҳақиқа дуои фотиҳа қилишди...

Россияга. Қозоғистонга кўчиб кетган собик сайхун-овулликлардан айримлари уч-тўрт йил оралатиб келиб, тўрт-беш кун меҳмон бўлиб кетишади. Ўтган йили эса ўзини “Фамилиям Папакирниакопулос” деб таништириб, суҳбатдошнинг кийин аҳволга солиб кўядиган, бироқ кишлоқ аҳли аллақачондан бери ўзинга ўнгай тарзда “Саша грек” деб атайдиган собик этикдўз атай Афинасидан келиб, овўлда нақ бир ҳафта кўнок бўлди. Аввалига “Шаҳарда катта пойабзал фабрикам бор, ишчиларим фақат буюртмага ишлайди, мен бармоғимни ҳам қимирлатмайман, пулнинг ўзи оқиб келиб туради”, деб роса оғиз кўпиртирган Александр Папакирниакопулос уч-тўрт пилла майни ноб ичганидан сўнг нечүкдир хўнг-хўнг йиғлагани, кейин “Э, шу ҳам ҳаёт бўлдими?... Бирим икки бўлсин деб ўн тўрт соатлаб итдай ишлайман! На дам олиш кунини биламан, на таътилни!.. Туғилган кунимниям ишда ўтказдим – хўжайин жавоб бермади!.. Шунчаки гаплашиб ўтиришга биттагина одам тополмайман... Чойхонаям йўқ...” қабилда шикоятлар қилгани рост. Суяр муаллим закийлигини намоён этгандай, Саша грекнинг бу арзи ҳолини унинг ота ватанида юз бераётган – вақтинчалик, албатта – иктисодий бўҳрон билан изоҳлади ва шу билан ҳаммаси ҳаммага, айниқса хорижда ариқлардан сув ўрнига сут оқади, деб тамшанаётган ёшларга аён бўлди-қолди...

Дарвоқе, кўчиб кетаётганларнинг уйлари нархи овўл аҳлининг имкони етмайдиган даражада бирдан кўтарилиб кетди: уларни шаҳарчадан келган қандайдир бадқовок, эсдардлари дарёдан иложи борича кўпроқ балиқ овлаб, бозорга олиб чиқиб сотиш бўлган, шунга яраша қўлларида катта пул ўйнайдиган қимсалар эгаллаб ола бошлашди. Дарвозаларига иккита, баъзан ҳатто учта қўлф ўрнатишдек аллатовур одатга оғишмай амал қиладиган бу одамлар гўё муваққат яшашларини таъкидлашаётгандай овўл аҳлига аралашмас, тўй-маъракаларда иштирок этишмас, ўзларини бегонадай тутардилар. Равшанки, салом қандай бўлса, алик ҳам шундай: Суяр муаллим айтганидай, минг йил бир қозонда

қайнатилса ҳам сайхуновулликларга кони кўшилмайдиган бу кимсалардан овул аҳли ҳам ўзларини четга тортиб юрадиган бўлишди...

\* \* \*

Тоҳир мана шу овулда улғайиб-ўсди. Ҳаётига илоҳий сеҳр, қувонч, масрурлик, ҳаяжон олиб келган, дунёни кўзларига чандон гўзал этган илк муҳаббатига ҳам шу ерда дучор бўлди. Афсус, тез орада йигитнинг бутун турмиш-турмуши остин-устун бўлиб кетди: деярли нақд бўлиб турган висол қувончи ўрнини ҳижрон азоби эгаллади, кечагина минг бир рангларда товланиб турган олам бирдан зулмат оғушида қолди...

Ногоҳ кўз кўзга тушиб қолганида дув кизаришлар, бармоқлар гўёки тасодифан бир-бирига тегиб кетганида ток ургандай сесканишлар, синфдошлару муаллимларнинг кўзларини шамғалат қилганча энтиқиб дил розлари битилган мактуб алмашишлар – буларнинг ҳаммаси парталарга ўйиб ёзилган соддагина “Т+Г=С” ёзуви сингари мактаб дарсхоналарида унут бўлиб қолаверди: дўхтирликка ўқиётган Гулноза биринчи курсни битирар-битирмас бошка институтда ўқиётган бир толиб билан топишиб... Чапак чалиб қолаверган Тоҳирни, айниқса йигитнинг бошка институтда ўқиётгани ҳайратлантиргани рост: бу қанақаси ахир, қачон танишиб улгуришди, қачон бир-бирини синаб-кўриб улгуришди... Наҳот... наҳот умр савдоси шу қадар тез ҳал бўлса...

Эрга теккан Гулноза-ю, Тоҳир овулда бош кўтариб юролмай қолди. Ҳар нечук, баъзи бир синчковрок яқинларига бўлажак тўй хусусида ҳаяжон яширин ишорали гаплар қилишдан ўзини тийиб туролмагани-да йигит бечора... Бу ёқда аллақачон Тоҳирни ўзларининг бўлғуси куёвлари сифатида кўраётган, – овулда гап ётармиди! – унинг қуюқ саломига синчковлик аралаш алик оладиган, ҳатто сўнгги пайтларга келиб уялиқираганча ўзларидан ошқора қоча бошлаган йигитни кўз остидан масрур кузатиб қоладиган Турғунбой ака билан Маърифат хола хижолатда...

Тез орада овулда "лапашанг, олма пиш, оғзимга туш, деб юрган" йигитнинг кўнгил ярасини титкилаб, азоб берадиган учирма гаплар ўрмалаб қолди. Бу аҳволда яшаб бўлмасди...

Тоҳир армияга кетди. Таътилга ҳам келмасдан, олис Сурхонда икки йил хизмат қилди, бироқ Амударёнинг ёввойи шиддат билан оқадиган бўтана сувлари ҳам йигитнинг қалбидаги алам маддаларини ювиб кетолмади... Хизматдан сўнг уйдагилар шунча зўрлашса ҳам ўқишга бормади: шаҳардан кўнгли қолганди унинг.

Бақувват, хизматдан янада чиниқиб келган йигитни инспектор вазифасига ишга олишди. Унинг вазифаси дарёнинг биологик ҳолатини муҳофаза қилиш, балиқларни браконьерлардан асраш эди.

Яхшиям иш бор... Иш балки кимлар учундир тирикчилик, бир бурда нон топиш воситасидир, бироқ Тоҳир учун меҳнат ўзини қундалиқ ташвишларга андармон этиш, жон-жаҳди билан, то сулайиб қолгунча ҳаракат қилиш, уйга ҳориб-чарчаб, аранг судралиб қайтиш, ўзни таппа ўринга ташлашу ўлиқдай қотиб ухлаш омили бўлиб қолди. Тоҳирдай кўксиди гуруллаб ёниб турган олови вужудини кемираётган забардаст йигит учун бир смена ишлар чўт эмасди, шунинг учун у ҳамкасбларининг ўрнига ҳам навбатчиликка чиқаверар, кўпинча эса соатга ҳам қарамасдан, дарёда кезгани-кезган, бирон браконьернинг изига тушганида эса вақт тушунчасини умуман унутар, то мақсадига етмагунга қадар уйқу нималигини билмасдан юраверарди-юраверарди. Ким билади, эҳтимол йигит учун мана шу доимий беоромлик ва хавотир оғушидаги таъқиб жараёнининг ўзи муҳимроқ туюлгандир...

Ҳар не бўлганда ҳам, иш Тоҳирни умидсизликдан, бир умр нолиб ўтиш хасталигидан, доимий аламзадалиқдан асраб қолди. Бироқ бундай мутаассибларча меҳнат ўз қурбонликларини ҳам талаб этарди, албатта.

Овул, ҳар қанча кенгайгани билан, унда истиқомат қилаётганлар бир-бирларини таниб-билиб улгуришганди; бунинг устига, тўй бир, маърака бир; борди-келди, қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик деганлариям бор... Шу сабаб,

қишлоқнинг бу чеккасида яшайдиган кимдир ноқонуний балиқ ови билан кўлга тушар экан, орадан бир чой ичгулик фурсат ўтар-ўтмас бу банд, дейлик, қишлоқнинг у чеккасида истиқомат қиладиган собиқ сифдош дўстининг туғишган укаси ёинки тоғасининг бирга гап сўйдиган ўртоғининг тус божаси бўлиб чиқиши ҳеч гап эмасди... Табиийки, бунақа маҳаллари орага фалончи-пистончилар, энг оғири – қариндош-уруғлар, яқин жигарлар тушади. Бу дунёда одам кўп нарсадан воз кечиши мумкин, аммо ҳешларга кўл силтаб кетолмайди, улар ўртага олиб ниманидир илтимос қилиб, баъзи ҳолларда эса талаб қилиб турганида, айтаётган гапларингга мутлақо қулоқ солмаётганида, изоҳларингга ишонмаётганида иложсизликдан “дод!” деб юборгудай бўласан. Бошингни қаерга уришни билмай коласан...

Ишни энди бошлаган кезлари бунақа савдо ҳафтасига ҳеч бўлмаса бир марта Тохирнинг бошига тушиб турарди. Аввалига унисини у экан, деди, бунисини бу экан, ишқилиб, орага тушганларга имкони даражасида қайишиб турди, айрим маҳаллари далилий ашё бўлган балиқларни дарёга қайтариб кўйиб юборишу, қонунбузарга пишак дўки уриб кўйиш билан кифояланди. Аммо, ҳудо шохид, бировдан бир сўм олмади, бировнинг битта балиғини уйга кўтариб келмади; дарвоза ёнига ташлаб кетилган совға-саломларни эгаларига қайтарди; шу қилиғи сабаб “Ўз фойдасини билмаган тентак” деган лақаб орттириб олди (тўғри, ишонч билан “Олади. Катта-катта олади. Фақат яширинча олади. Катта-катта мафиялардан олади!” деб юргувчилар ҳам овулда анчагина топиларди). Тез орада эса инспектор қатъий бир ҳулосага келди: бунақа масалада бир марта ён бердингми, тамом, кейин кўз очирмай кўйишаркан, баённома қоралай бошласанг бас, “Фалончини шундайгина кўйиб юборибсан-ку, ундан бизнинг қаеримиз кам!.. Шу бир парча қоғозинг биздан авло бўлдимиз?” деб юмма талашаркан, “Бизам хизматдан қочмайдиган, девор бўлмаса кўчани кўрадиганларданмиз”, деб писанда қилишаркан, намойишқорона чўнтак қовлашга тушишаркан, “хай-хай” демасангиз кўйинингизга у-бу тикиб



кетишдан ҳам ҳайиқишмас экан... Тўғри-да, шунақа йўлга юрган, гувоҳлар бор, инчунин, тили қисик; қани, бизнинг қариндошни кўйвормай кўрсин-чи, нақ каттасига ёзармиз... Ана, бўйнида айби бор-да, одамга тик қарамайди, кўзини олиб қочгани-қочган...

Бу аҳволда узоқ ишлаб бўлмасди. Ахири, узоқ мулоҳазалардан сўнг Тоҳир бир қарорга келди ва аста-секинлик билан, заррама-зарра, томчима-томчи ўзининг вужудидаги, қалбидаги мутеликка монанд туйғуни ситиб чиқара бошлади, тошбақа суръат билан бўлса ҳам овулдошларидаги ўзига тепадан беписанд қараш имкониятини йўқота борди. Ў, осон кечмади бу жараён, осон кечмади! Эҳ-хе, бунинг эвазига не-не қора кунлар тушмади бошига, не-не қарғишларга учрамади, не-не яқин жигарлари, қондош хешлари юз ўгириб кетишмади ундан! Ҳатто ёлғиз опаси... Алкаш эри ов ман этилган мавсумда бир қайиқ балиқ билан кўлга тушиб қолганида аввал оёқлари шишиб кетган опанинг ўзи эланиб келди... кейин... кимлар ақл ўргатишган, ноаён!.. уйида бир амаллаб асраётган ягона бойлиги – болали сиғирини етаклаб... Йиғлади... Ранги қорайиб кетган укасини кўндиролмаслигини англагач... кўз ёшларига кўмилганча судралиб қайтиб кетди... Жиянларнинг-ку, ҳалигача Тоҳирни кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқ... Арзғўйларнинг ҳам сони бўлди, саноғи бўлмади...

Уста “ёзғувчи”ларнинг шарофати билан Тоҳир икки марта ишдан бўшатилди, бироқ, ҳудонинг июнотини қаранг, икки сафар ҳам ўрнига қайта тикланди. Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди деганлари шу бўлса керак-да.

Охир-оқибат Тоҳир “гапга кўнмайдиган, яхшилик ёқмайдиган, иш деганда отасиниям танимайдиган инспектор” деган ном орттирди-ю, қонунбузар кўлга олинган захоти қаёқдандир пайдо бўлиб қолиб, орага тушишни дўндирадиган гала-гала илтимосчилар ва сурбет холис элчилардан қутулди ҳисоб.

Бу орада вақт ҳам бир нарсадан қуруқ қолаётгандай шошиб-ҳовлиқиб елаверди ва Тоҳирнинг ёши йигирма еттига

бориб қолди. Овулда шу ёшга етиб ҳам уйланмаслик турли гап-сўзлар ва анчайин ноҳуш талқинларга сабаб бўлиши аён эди. Ўғлига бу мавзуда гапиравериб чарчаган она ахири шартта дастурхон кўтариб қўшни қишлоқдаги бир дугонасиникига совчиликка жўнаворди. Қиз ўша йили тикувчиликни битириб, туман марказидаги цехда иш бошлаган экан.

Одатдагидай, қиз томон “биз бир ўйлаб кўрайлик-чи”, дейишибди. Янгаларнинг талаби ҳам маълум: “жигит учрашувга чиқсин, иккалови бир гаплашиб кўришсин”.

Тоҳир онасига “эртага бораман, индин бораман” дея ишдан қўли бўшамай юрган кунларнинг бирида хўп ғалати хангома содир бўлди.

Дарҳақиқат, юмуш билан андармон Тоҳир овулда ўздан кичик ёшдаги йигитларга эътибор бермас, уларнинг кўпчилигини танимас эди. Тўғри, баъзиларининг юзи танишдай туюлар, аммо ким кимнинг ҳеши эканлигини ажратиб олиш, айниқса гуруллаб чиқиб келаётган ёшларнинг исмларини эслаб қолиш осон эмасди. Шу сабаб бўлса керак, намозшом палла, энди қайиғидан тушиб келаётган Тоҳир тепалик ортидан отилиб чиққан чамаси йигирма ёшлардаги йигитнинг қутуриб ўзига ташланганини кўрганида шошиб қолмади, зеро, касбининг ўзи ундан доим ҳушёр бўлишни тақозо этарди, фақат шуурини “Самаднинг жияни-ёв” деган ўй чақмоқдай тилиб ўтди. Кунни кеча тўртта балиқ билан қўлга тушган Самад далолатномага қўл қўймайман деб роса тихирлик қилган, Тоҳирга ҳезланиб: “Ҳали сен ит билан бошқа жойда, бошқача гаплашаман! Орқасида одами йўқ деб ўйлама, керак бўлса сени маймундай ўйнатиб қўядиган танишларим бор! Ана ўшанда ўзинг олдимга эмаклаб келасан!” дея бўқирганди. Шу экан-да “гаплашиши”...

Тоҳир ҳатто жияннинг нега ёлғиз эканига ажабланиб ҳам улгурмасдан (одатда, “касоскорлар” бир-бирларига мадад бергандай уч-тўрт киши бўлиб келишарди) жағига келиб тушган кучли зарбадан икки қадам орқага учиб кетди, мувоzanатини сақлай олмасдан йиқилиб тушди. Бунақа пайтлари бир тепки ҳаммасини ҳал қилиши аниқ эди. Бироқ жиян

мард экан, ётган ракибни тепмади, унинг ўрнидан туриб олишини кутди, сўнг яна ҳужум бошлади.

Икковлон анча олишишди. Ўзиям садоқатли жиянинг буқадай кучи бор экан... Йўк, барибир охир-оқибат армия тажрибаси, ёш устунлик қилди: Тоҳир йиқиладиган жойида бир амаллаб йигитчанинг қўлини орқага қайриб олишни удалади. Инспектор кутганчалик йигит додлаб юбормади, аммо қўйи лабини жон-жаҳди билан тишлаб олгани, томоғидан эса хириллаган товуш чиққанлиги унинг қанчалик кучли оғриққа чидаётганлигини кўрсатиб турарди. Ҳансираб қолган Тоҳир:

– Тоғанга шуни айтиб қўй... – деб гап бошлади.

Бироқ йигитча гап эшитадиган алфозда эмасди шекилли, инспектор мутлақо кутмаганида тўсатдан чакчайиб:

– Яна бир марта Жамилага одам юборсанг, ўлдираман! – деди.

Тоҳир қўйи лабидан қон тизиллаб оқаётган йигитчага анграйиб қараб қолди. Бу яна нимаси бўлди? Қанақа Жамила? Қанақа одам...

Инспекторнинг қанчалик бўшашганини сезган йигит бир силтаниш билан қўлини бўшатиб олди ва шувуллаб қоронғулик қўйнига сингиди-кетди. Ана шундагина Тоҳир онаси совчиликка борган қизнинг исми Жамила эканлигини эслади.

Бу ёғи қизиқ бўлди-ку... Наҳотки булар аҳдлашишган бўлса-ю... Бир ками энди Қоработир бўлиш қолувди... Аммо агар аҳдлашишганларни чин бўлса, йигит нега энди, Тоҳирдан “одам борганидан” сўнг ғимирлаб қолди?..

Тоҳир қиз билан учрашувга чиқиш олдидан янгалар кўмагида орқаворатдан суриштириб билишга, вазиятга ойдинлик киритишга уринди. Аён бўлдики, овулнинг нариги бошроғидаги уйда уйланган, таксичилик қиладиган акаси, касалмандроқ онаси билан яшайдиган Бердикул қизга бир эмас, уч марта совчи йўллаган, аммо нимагадир ҳар гал рад жавоби олган. Умуман, овулга кейинроқ кўчиб келганлар сафида бўлган бу оила кўпчиликка унчалик аралашмас, ҳали бошқалар билан қариндош-уруғ бўлиб ҳам улгурмаган эди.

Тоҳир не қилсин?.. Уятчан Жамила билан қисқагина давом этган илк учрашувга чиққанида бу ҳусусда сўрай олмади, буни эркак кишига ярашмайдиган иш деб ўйлади; аммо “Кўнглингизда кимдир бўлса, янгаларингизга айтинг, мен тушунаман”, дея олди; бунга жавобан киз дув қизариб, ерга қаради, шу билан бошини қайта кўтармади...

Тез орада тўй бўлди. Базм оқшоми Бердиқул деганлари ичиб олиб, тўполон кўтармоқчи бўлди, шекилли, йўқ жойдан баҳона топиб, атай уч-тўрт меҳмон билан ғижиллашиб қолди, биттасининг қаншарига ўхшатиб мушт туширишга ҳам улгурди; аммо у пайтлар овулда оқсоқолларнинг обрўйи баланд эди. бунақанги ғиди-бидилар уларнинг бир маънодор кош учирлиши билан барҳам топарди: Бердиқулни ҳам тўрт-беш забардаст йигит шартта кўтариб тўйхонадан олиб чиқиб кетишди, кимнингдир молхонасига олиб бориб қамаб қўйишди, устидан қулфлаб кетишни ҳам унутишмади. Роса уринса-да, қафтдай дарчадан чиқиб кетолмаган Бердиқул уриб-тепиб, ахири бир амаллаб лойсувок томни тешиб чиққанида эса аллақачон тонг ёришган, инчунин, бўлар иш бўлиб, бўёғи кўчган эди...

\* \* \*

Биринчи мухаббат тошга ўйилган хат мисоли бир умр юракда сақланиб қолади, дейишарди. Ҳақ гап шекилли. Илло Тоҳир – буни ўзи тан олишни истамаса-да – уйланганидан кейин ҳам анча маҳалгача Гулнозани унутолмай юрди. Айниқса, баъзан кечалари юраги бир сикилади-ей... Бунақа маҳаллари “Дод” деб кўчага чиқиб кетсанг-у, кетаверсанг, кетаверсанг... қаёққалигини ўзинг ҳам билмасанг... оёқларингни тошлар кесса, юз-баданингни тиканлар тилса... сен шунда ҳам сақичдай зулмат оғушида ортингда қонли из қолдирганча кетаверсанг... ва қай бир манзилга борганинда “гуп” этиб йиқилсанг... ҳеч нарсани ўйлай олмай қолсанг, ҳеч нарсани эслай олмай қолсанг... кўзларингни йирганча беҳисберух аҳволда ётаверсанг...



Ваҳоланки, Тоҳир Яратганга шукроналар айтса арзирди: қисмат унга оқила, меҳрибон, ғамхўр, болаларча беғубор жилмайиб турадиган аёлни ёстиқдош этганди. Жамила эрини бошига кўтарар даражада самимий, содда жувон эди. Бунни сезгани, ҳис қилгани сайин эса Тоҳир баттар азобланарди. Зеро у аёлини иззат-хурмат қиларди, керак бўлиб қолса ҳеч ўйланиб ўтирмасдан унинг учун жонини ҳам қурбон этарди, аммо – ҳар қанча истаса-да – уни юраги ўртаниб, титраб-қакшаб сева олмади, уйга юмушдан ҳовлиқиб, ҳаяжон билан, жуфти ҳалолини соғиниб қайтмасди; ҳамон вақт қандай ўтганини билмасдан ишида юраверарди, юраверарди... Тоҳирнинг энг кўрққани – қалбидаги пинҳон туйғулардан маъсума рафиқасининг хабардор бўлиб қолиши эди, шу боис ўзини турмушда вазмин, жиддий, камгап эркак каби тутарди...

Фарзандли бўлишди. Ўғил эр-хотинни бир-бирига янада яқинлаштиргандай бўлди. Бироқ Дилмурод етти ёшга етганида қутилмаган фожиа юз берди.

Уйда тиқувчилик қиладиган, қўли гуллиги боис буюртмаларга кўмилиб қолган Жамила эрининг ишини яхши кўрарди. Вақт топса бас, дарров дарёга келар, Тоҳирнинг қайиғида бирга сайрга чиқарди. Ўша ёз кuni ҳам шундай бўлди. Моторли қайиқда эр-хотин бир оз айланишди.

Қайиқ тез юрар, шамол Жамиланинг сочларини ўйнарди. Тоҳир бир қўлида рулни бошқарар, иккинчи қўлида тутган дурбинида атрофни кузатарди.

Тоҳир бирдан сергак тортиб, қайиқни қирғоқ бўйидаги дарахтзор томон бурди.

Бу ерга келиб тораёган дарё айрича шиддат билан оқарди.

Дарахтлар соясидаги қўлбола дастурхон ёнида эллик ёшлардаги, сочлари қумуш тўсли, кўзойнак таккан, бўйинбоғли шоир Даврон Комил диққат билан ниманидир ўқиб ўтирарди. Сал нарида, қирғоқ бўйида тахминан тўққиз ва олти ёшлардаги иккита иштончан бола ўйнаб юришибди.

Мотор овозини эшитиб, шоир бошини кўтарди, қўлёзмани ёнига қўйиб, ўрнидан турди. Даврон Комилни таниган Тоҳир ҳазиллашди:



– Ашаддий браконьер ким десам, ўзингиз экансиз-қу.  
Даврон ака.

Шоир қўлларини кенг ёйди:

– Худди шундок, Тоҳиржон. Келинг.

Жамила салом берди, шоир алик олди.

Тоҳир атрофга аланглади:

– Жиноят қуроли бўлган тўр, қармоқ кўринмаяпти.

Даврон Комил кулиб юборди:

– Биз мана шунақа кўрсатмай ишлаймиз-да. Уйда битта эски қармоқ бор эди, унияма опкелмадим. Профессионал балиқчи бўлмасак ҳам, “р” харфи йўқ ойларда балиқ овлаб бўлмаслигини яхши биламиз. Май, июнь, июль, август дегандай.

– Яхши-да. Унда “р” харфи бор ойларда бемалол қармоғингизни кўтариб келаверинг. Сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь, январь, февраль, март, апрель дегандай.

– Э, ука, биздан балиқчи чиқармиди. Бош қашишга вақт йўғ-у. Ёшларнинг китобига муҳаррир қилиб қўйишган. Эртага топширишим керак. Уйда ўтириб бўлмай қолди. Дим. Иссиқни бўлса юрак кўтармай қолган. Аксига олиб янгангизам тўйга кетганди. Болаларни олиб тўғри табиат қўйнига келавердик-да.

– Жуда тўғри кипсиз, Даврон ака. Лекин дам оламан десаңгиз, ўзимизнинг пляжга бора қолмабсиз-да.

– Бир боргандим, у ерда ҳаммаёқ одам, шовкин-сурон. Ишлаб бўлмайди.

– Майли-ю, фақат болаларга эҳтиёт бўлинг. Бу ерда дарё сиртидан сокин кўрингани билан тагида тез оқади. Гирдоб ҳам айнан шу ерда.

– Хўп, ука, хўп. Қани, камтарин дастурхонимизга марҳамат.

– Раҳмат. Хизматчилик. Бормасак бўлмайди. Сиз яхши дам олинг. Фақат эҳтиёт бўлишни унутманг.

Шу билан хайрлашишди. Тоҳир моторни юрғазиб, кайикни яна дарёга олиб чиқа бошлади.

– Ким бу киши? – деб сўради Жамила.

– Даврон ака. Шоир Ажойиб одам Китобини опкелгандимку. Даврон Комил деган шоир. Асли шу ўзимизнинг кишлоқдан. Ҳозир шаҳарда яшайди.

Ниманидир эслаган Жамила яшнаб кетди:

– Ҳа. ҳа. Опкелгандингиз! Шеърларини ўқигандим!.. Тирик шоирни биринчи кўришим. Юзида нури бор одам экан.

– Шоирлар шунақанги Худо ёрлакаган одамлар бўлишади-да, аяси.

Жамила шундай улуғ одам билан бемалол гаплашган, хазиллашган эрига хайрат ва ҳавас билан қаради. Бунни сезган Тоҳир мийғида кулимсираб кўйди.

Тоҳирнинг аниқ ёдида: жувон эхтиром тўла нигоҳини шоир томон тикди. Инспектор ҳам қандайдир савқи табиийси билан қирғоққа ўғирилди ва болалардан кичиги тепган копток дарёга тушиб кетганини кўрди. Катта бола ўйлаб ўтирмасдан тез оқиб кетаётган тўп ортидан ўзини сувга отди.

Жамила чинқириб юборди:

– Дадаси!

Бу чинқирик янграмасидан буруноқ Тоҳир қайиқ рулини қирғоқ томон кескин бурганди. Жамила йиқилиб тушди, инспектор аранг музозаванатни сақлаб қолди. Қайиқ қирғоқ томон учди.

Телба сув коптокни ҳам, болақайни ҳам шиддат билан окизиб кетмоқда эди. Кичкинтой бола додлаб юборди:

– Ака!

Тоҳир яна бир нарсани аниқ кўрди: кичкинтойининг бакирганини эшитган Даврон Комил учиб ўрнидан туриб кетди, кўлидаги қоғозларни отиб юбориб, ўғли томон чопди. Кичкинтой бўзлаб йиғлар ва сув юзасига қалқиб-қалқиб чиқаётган, ҳамон шиддат билан оқиб кетаётган акасига ишора қиларди.

Даврон Комил кийимларини ҳам ечмасдан чопиб бориб ўзини дарёга отди, ўғли томон сузди.

Болақайнинг ёнига Тоҳир биринчи бўлиб етиб келди, унга қўл чўзди. Шу лаҳзада, инспектор томон кўлларини узатаётган болақай бирдан сув остига кириб кетди. Ўзини

сுவга отиб, болакай ортидан шўнғиётган Тоҳирнинг сўнғги оний сонияда кўргани кайиқ лабида сувга ваҳима билан караб колган. кўзлари олайиб кетган Жамила эди... Сўнг нима бўлган? Жамила, ўша мунис жувон кийимлари сувга бўкиб, оғирлашган Даврон Комилнинг бирдан гир айлана бошлаганини, кейин сув остига кириб кетганини, яъни тирик шоирнинг гирдобга тушиб колганини сезади ва... ўзини сувга отади. Ёрдам бермокчи, шоирни сувдан олиб чиқмокчи бўлган-да шўрлик...

Ниҳоят бўтана сув қаъридан отилиб чиққан Тоҳир бир кўли билан беҳуш болакайнинг сочидан ушлаб олганди. У жон-жаҳди билан сузиб кирғокқа етиб келди. болакайни ерга ёткизиб, кўкрагидан босди, сунъий нафас олдирди, ишқилиб унинг ичидаги сувни чиқариб ташлади, ўзига келтирди.

Шундан кейингина Тоҳир ҳамон дод солиб йиғлаётган кичик болакайни овутиш учун бош кўтариб, аввал дарёга каради ва узоқда лопиллаб кетаётган бўш қайиқни кўрди. Мана, кайиқ тор ўзанга бориб, нимагадир урилди чоғи. ағдарилиб тушди, чўка бошлади...

Тоҳир бўкириб юборди:

– Жамила!

Гирдоб қаъридан сув юзасига бир бўйинбоғ чиқди, бу Даврон Комилнинг шойи галстуги эди...

Тоҳир чопиб бориб ўзини сувга ташлади, то нафаси кайтиб, ўладиган холга етгунга кадар қайта-қайта шўнғиб, дарё бағридан Жамиласини кидираверди-кидираверди...

Бир хафтача излашди, оким бўйича деярли эллик чақирим жойни тит-пит қилиб чиқишди, аммо шоирнинг ҳам, Жамиланинг ҳам маййити топилмади...

Тоҳир адои тамом бўлди...

Ўша кунлари дарёга караса бас, сувда акс этаётган қуёш ёғдулари орасидан ширингина жилмайиб турган, ўзига хайрат аралаш қувонч билан караётган Жамилани кўрарди...

Бу Тоҳир учун оғир йўқотиш бўлди, даҳшатли даражада оғир йўқотиш. Ўша кунлари у қандай қилиб ақдан озиб колмади, бунни ўзи ҳам тушунмайди...

Дастлаб жуда кийин бўлди.

Шоирнинг ишхонасидан келишди, оиласидан...

Тоҳир бу кўп сонли ҳамдардларнинг тасалли сўзларини эшитмас, эшитган чоғларида маъносини англамас, уларга ҳеч нима кўрмаётган кўзларини тикканча лоқайд ўтираверарди... Шоирнинг яқин хешларидан кимдир каердадир хизмат қиларкан, шу амалдор ҳузурига чорлаб икки марта одам юборди, аммо Тоҳир бормади. Илло, ўша мудҳиш воқеа ҳақида ҳар қандай эслатиш унинг юрагини чидаб бўлмайдиган даражада бўровга солиб азоблар, айбдорлик ва пушмон ҳислари чоғишган армон эса дунёсини қоронғи этарди...

Балки шу сабабдир, орадан бир неча йил ўтиб, раҳматли шоирнинг Тоҳир бир пайтлар ажал чангалидан қутқариб қолган тўнғич ўғли атайлабдан яна бир бор миннатдорчилик билдириш учун укаси билан бирга ишхонасига излаб келганида инспектор улар билан гаплашишни, улар билан юзлашишни истамасди: қайиққа ўтирдию, дарёга чиқиб кетди...

Бироқ бу дунёда аввалига асло битмайдиган каби туюладиган ҳар қандай қалб ярасининг ягона малҳами бор, у ҳам бўлса вақт... Бу малҳам аста-секинлик билан бўлса-да, Тоҳир исмли бандага ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Иш билан раҳматли аёлидан ёдгор қолган фарзанд олдидаги масъулият бу жараёнга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади...

Фурсат чархпалаги тинмай айланиб турган бу рўйи заминда йилнинг уч юз олтмиш беш, қабиса йилининг уч юз олтмиш олти куни қайталаб келаверади, келаверади. Аммо сиртдан икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш кунларнинг айримлари ўзгачароқ эътиборимизни тортади, ҳеч бўлмаганда риёзиёт ёнги фалакиётшунослик нуқтани назаридан. Дейлик, саратон ойи бошланиши олдидан йилнинг энг узун куни ўтишига шоҳид бўламиз.

Ажабки, биз қаламга олажак воқеаларнинг ибтидоси айнан мана шу кунга, аниқроғи йилнинг энг қиска тўғри келди.

Тоҳир учун навбатдаги смена дилхираликдан бошланди.

Дилмурод дарёни ёмон кўриб, ундан нафратланиб ўсди. Шунгами, қачон дадаси уни дарёга таклиф қилса, ковоғини солиб рад жавобини бериб тураверарди. Бугун ҳам шундай бўлди. Дадасининг ишга кетаётганини кўрган Дилмурод дуч келган газетани кўлига олди ва ўзини диққат билан мутолаа қилаётгандай тутди.

Тоҳир илтимос қилди:

– Юрақол энди, ўғлим.

Дилмурод газетадан нигоҳини олмай бош чайқади:

– Бормайман.

Сўнг ота-бола ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Барибирам бекор ўтирибсан-ку.

– Нега бекор бўларканман? Мана, газета ўқияпман. Янгиликлардан хабардор бўлаяпман.

– Ахир бу ўтган йилги газета-ку?

– Менга фарқи йўқ.

– Ўғлим, нима қиласан шу тангу тор уйда зерикиб ўтириб?

Ундан кўра мен билан юр. Сал кўнглинг ёзилади.

– Ўша... – Дилмуроднинг товуши титраб кетди: – ажалнинг уясига борганимдан кўра шу тангу тор уйда зерикиб ўтирганим яхши!

Тоҳир ўзини босиб олишга, иложи борича хотиржам оҳангда гапиришга уринди:

– Майли, ўғлим, ўзинг биласан.

Тоҳир хонадан чиқди, йўлакка ўтиб этигини кийди, ичкарига кўз ташлади. Дилмурод ҳамон газетадан кўз узмасди.

Тоҳир беихтиёр деворга, рамкага олинган суратга қаради. Сурат фожиадан бир ойча бурун олинганди. Унда Тоҳир рафикаси Жамила билан. Ўртада матросларнинг йўл-йўл кўйлагини ва матросча шапка кийган Дилмурод. Улар дарё ўртасида, қайиқда суратга тушишган. Учовлоннинг бахтиёр эканликлари суратда шундоқкина кўриниб турибди.



Дадасининг каёкка караётганини сездими. Дилмурод ўрнидан турди ва чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, намоёншкорона тарзда рамка четларини, ойнани арта бошлади...

Қоронғилик тўшиб улгурганди. Тоҳир овул ёнида дарёга туташ кичкина, ёп-ёруғ, одамлар “пристан” деб атайдиган қайиқлар тўхташ жойига хижил қайфиятда келди. Арқони устунга бойланган моторли қайиғига боришдан олдин ёнғинга қарши қураш мосламалари осилган доска ёнидаги қум тўлдирилган темир яшикка елкасини тираганча бир муддат ўйланиб қолди.

Шу маҳал ён тарафдан “Камандир!” деган овоз эшитилди ва зулмат бағридан Бердиқул чиқиб келди.

Дарвоқе, Тоҳирнинг тўйидан сўнг орадан икки-уч йилча ўтиб Бердиқул ўйланди. Топармон-тутармон акаси алоҳида уй олиб чиқиб кетгач, қатта ҳовлида онаси, хотини билан бирга яшай бошлади. Тоҳирнинг орқаворатдан эшитишига қараганда, Бердиқул фарзандли бўлмаган. Ўша... фожиадан сўнг, орадан йигирма кунлар ўтибми, Тоҳир бир оқшом уйи атрофида айланишиб юрган Бердиқулни кўрди, ҳатто унинг тишлари гўжирлаётганини ҳам аниқ-тиниқ эшитди. Ўзи аламзада бўлиб юрган Тоҳир кўчага чиқди. Ой тўлган кеча эди. Атроф сундай ёруғ. Икки рақиб бир-бирига тик қараб қолишди. Вужуди дидир титраётган Бердиқулнинг нигоҳида нафрат ва интиком ўти ёнарди. Тоҳир кўзларини олиб қочмади, битьакс, баайни ўзининг қайғусига бош айбдор қасни учратган каби қадалиб тикилиб тураверди. Улар бир-бирларини нигоҳлари биланок пармалаб, янчиб-титиб ташлашга тайёр эдилар гўё... Бердиқул муштларини тутди ва шунда Тоҳир бармоқ суякларининг қисирлаб кетганини ҳам эшитди. Аёвсиз, шафқатсиз олишув бўладигандек эди. Аммо қутилмаганда Бердиқул нафрат билан ерга тупурди ва текис йўлда қоқилиб-суринганча дарё томонга кетди. Тоҳир уни тўхташиб ўтирмади...

Тез орада эса, аллақайси тўйда ичиб олиб, тўполон кўтарган, яқка ўзи ўн беш кишини қалтақлаган, биттасининг бурнини, бошқасининг бошини ёрган, бўям камдай, “Жамила”

деган суюккина кўшиқ айтаётган хофизни корнига бир уриб йикитгач, ингичка бўйинбоғидан ушлаб судраган. судда эса гувоҳ сифатида иштирок этаётган ўша бечора хофизга ташланиб қолган Бердиқул узок муддатга камалиб кетди.

Тоҳирнинг эшитишига караганда, Бердиқул камокда ўтирганининг иккинчи йилдами, учинчи йилдами хотин рози-ризоликлар билан ота-онасининг уйига қайтган.

Икки-уч ой бурун Бердиқул яна овулда пайдо бўлиб қолди: амнистияга илиниб, озодликка чиқибди; шаҳарчадаги қайси бир қурилиш ташкилотида қоровул бўлиб ишлаётганмиш ҳам.

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, уларнинг муносабатлари ҳамон тушунарсиз эди: кўчада бир кун тасодифан дуч келиб қолишди. ёши кичик сифатида Бердиқул биринчи бўлиб бош ирғади – сатом берган бўлди. Тоҳир шу тарзда алик олган бўлди. Шу, ҳолос. Мана энди шу пайт қутилмаганда ердан чиққандай пайдо бўлиб турибди. Ҳарқалай, бежиз эмасдир.

Тоҳир Бердиқулга разм солди. Яна озибди, юз терилари салқиб қолибди, балки зах жойда қўп ишлагандир. Анча улғайибди. Айниқса, мўйлови уни ёшига нисбатан каттарок кўрсатарди.

Дўппайиб турган салафан халтача кўтариб олган Бердиқул икки кадамча нарида тўхтади:

– Ассалому алайкум, камандир.

– Яхшимисиз, Бердиқул.

Тоҳирнинг “сиз”лагани эриш туюлдими, Бердиқул истехзоли илжайиб қўйди:

– Яхшиман, камандир.

– Кечаси бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Ишдан қайтаётгандим. Сизни кўрдиму, балки бизга бирон хизмат бормикан деган ўйда олдингизга келавердим.

Бердиқулнинг мазахомуз, беписанд оҳангда гапиришга ўтиши ғашини келтирган бўлса-да, Тоҳир ўзини босиб, хотиржам сўзлашга ҳаракат қилди:

– Хизмат йўқ, Бердиқул. Бемалол бориб дамингизни олаверинг.

– Хўп бўлади, камандир.

Бердиқул бир муддат Тоҳирга синовчан тикилиб турган ортига ўгирилди ва қоронғилик қаърига сассиз сингиб кетди.

Тоҳир бу ташрифнинг маъно-мақсади ҳусусида мулоҳаза юритган ҳолда қайинги томон бораётганида орқадан шошқин қадам товушлари эшитилди, сўнг Маърифат холанинг хавотирли овози эшитилди:

– Тоҳир, ўғлим.

Бу Гулнозанинг онаси эди. Чол-кампир Тоҳирга анча боғланиб қолишган, айниқса Маърифат хола вақт-бемахал ундан бирон масалада кўмак сўраб туришни қанда қилмасди.

Тоҳир шошиб холага пешвоз чиқди:

– Тинчликми?

– Амакингизнинг мазаси бўлмаяпти. Билдирмайман деяпти-ю, билиниб қолаяпти. Анча беҳол. Шунга “Тез ёрдам” чақириб берасизми дегандим.

– Албатта чақирамиз, холажон.

Тоҳир чўнтагидан қўл телефонини олиб, рақам тера бошлади.

– Илоё умрингиздан барака топинг, Тоҳиржон...

\* \* \*

Ўзининг азалий рақиби Тоҳир билан юзма-юз бўлганидан сўнг кўнглидаги ғашлик баттар ортган, қонли интиқом олиш ўрнига ялтоқилик қилгандай тутгани учун ўзини ўзи ёмон кўриб кетаётган Бердиқул оғир хаёллар оғушида бир-бир босиб уйига келарди. Қамокдан кейинги биринчи учрашув бунақа бўлиши керак эмас эди. Айнан қанақа бўлиши керак эди, буни Бердиқулнинг ўзи аниқ билмасди, аммо лаҳаддай тор камерада, маҳбуслар билан қисилишиб ётган чоғлари, бир парча осмонни кўролмасдан “дод” дегудай бўлган маҳаллари бошқача учрашувни кўз олдига келтирарди, бошқача...

Симёгочга ўрнатилган чирок хира ёритиб турган дарвоза ёнидаги қўлбола ўриндиқда Солиҳа эна ҳассасига иягини тираганча, йўлга диққат қулоқ тутган кўйи муштдайгина бўлиб ўтирарди.

Онасини кўриб, юраги санчиб кетган Бердикул кадамини тезлаштирди. Солиҳа эна ўғлининг оёқ товушларини таниди:

– Келдингми, болам?

– Яна кўчага чиқиб олдингизми, эна?

– Хавотир олдим-да, болам.

– Кечроқ келаман дегандим-ку.

– Шу пайтларам мошинлар юрадима?

– Юради, эна, юради. Мана бу сизга, – у кўлидаги ширинкулчалар солинган салафанни берди.

Она-бола одмигина ҳовлига киришди.

– Яна бўличка опкелдингми, болам, – халтачани сиртидан ушлаб кўрди Солиҳа эна. – Овора бўпсан. Кечқурун Кўзибой ош бериб кетди. Сенга опкўйдим. Ҳозир иситиб бераман.

– Овора бўлманг, эна. Қорним тўк. Эртага ермиз... Эна, дўхтирга учрашдим. “Олиб келинг. Худо хоҳласа битта кичкина операция билан онахонга кўз нурини қайтарамиз”, деди.

Солиҳа энанинг ажин босган юзига табассум югурди:

– Болам-эй. Ҳеч тинчимадинг-тинчимадинг-да. Ахир менинг кўзимнинг нури – ўзингсан-ку, болам. – Энанинг ўпкаси тўлди: – Шу уйга... келин келса, неварамни тўйиб хидласам, бағримга боссам – кўзларим чарақлаб очилиб кетгани шу-да.

– Эна...

– Шунинг учун менга кўп овора бўлаверма. Шу ёшимда апераса қилдириб, олма билан ўрик бўлармидим. Ўзингни ўйла, болам, ўзингни.

– Мана кўрасиз, эна, ҳали ҳаммаси бўлади. Кўзларингизам очилади, неваралиям бўласиз.

– Ўша кунларни кўриб кетсам армоним қолмасди.

Бердикул ўзини мажбурлаб жилмайди, онасининг қоқшоқ кўлларини ушлади:

– Кетишга шошилманг, эна. Нима, кетганлар қайтиб келаяптими? Аввал неварангизнинг суннат тўйида ўзингиз

бош-қош бўласиз. кейин уйлантириб кўясиз. Ана ўшандан кейин кетиш масаласини ўйлаб кўрсак бўлади.

Молхона тарафдан кўчкорнинг маъраши эшитилди.

– Ем бердингизми?

– Ҳа, маккайн кайнатиб бердим.

– Сиз уйга кираверинг, мен сувини кўрай-чи.

Бердиқул молхона томон юрди. Солиҳа эна ичкарига кираркан, ўзига ҳар бир қаричига қадар ёд бўлиб кетган осто-нада тўхтади:

– Болам, кечаси бир ёқларга тентиб кетмагин яна...

– Хўп, эна, хўп...

Бердиқул бу сўзларни ўзи ўзига ишонқирамаётгандай, иккиланиброк, дудмолрок тарзда айтди. Солиҳа эна буни сезди, бироқ индамади...

\* \* \*

Айтиб ўтганимиздай, рисоладагидай шаҳарчага айланган туман марказининг энг таниқли ишбилармон “янги ўзбек”ларидан бири бўлган Муҳиддинбой шу маҳал икки қаватли, каттагина ҳовлисига кўчатлари аллақеёқлардан олиб келиб экилган турли экзотик дарахтлар яшнаб турган, мрамар ҳовузли, рангли фавворали уйда кўноғини кузатиб кўймоқда эди.

Неча йиллар бурун, институтда, бир гуруҳда ўқиб юрган кезлари “уч мушкетёр” лақабини олган жўралар – Муҳиддин, Аббос, Қаҳрамоннинг ҳаёт йўллари турлича кечди. Муҳиддин қишлоғига қайтиб келди, қилмаган иши қолмади ҳисоб, ниҳоят қисмат уни дарё бўйидаги мана шу шаҳарчага иргитди, шу ерда унинг тадбиркорлик салоҳияти намоён бўлди, айнан шу соҳада омад тулпори чопди; бунинг эътирофи сифатида исмига “бой” қўшимчаси қўшиб айтиладиган бўлди. Аббос билан Қаҳрамон шаҳарда қолишди, ўзларини ўзлари оёққа турғазиди, амал пиллапояларидан аста-секинлик билан бўлса ҳам юқорига кўтарила боришди, ниҳоят бугунга келиб исмлари ёнига ҳурмат билан қўшиб айтиладиган “...вич” мақомига ҳам эга бўлишди.



Мехмон хурматига Мухиддинбойнинг рафикаси Ҳикоятхон ҳам ховлига чиққан, уй эгасининг бақувват ёрдамчиси Рустам одатига кўра кўзга чалинмасликка уринган холда орқароқда, кўлларини ковуштириб турарди.

– Дутонамни олиб, бематол ўтирадиган бўлиб келинглар-а, Аббос ака, – кўлини кўксига қўйиб мулозамат қилди Ҳикоятхон.

– Албатта, келин, албатта. Шу нақа режа бор...

Мухиддинбой кулиб қўйди:

– Режа бор-у, вақт йўқ.

– Вой, унақа деманг, даласи, булар истасалар вақт топадилар.

– Бу гапингиз тўғри, келин. Истаган имкон топади.

– Яхши боринг. Уйдагиларга салом айтиб қўйинг, Аббос ака.

– Раҳмат. Саломат бўлинг.

Эркактарнинг хайрлашишига халақит бергиси келмаган Ҳикоятхон кўлини кўксига қўйган қўйи уйга кирди.

Икки дўст дарвозага яқинлашишди.

– Аббос Усмонович, мен у ёққа борсам янгамулло ўпкалайди, сиз бу ёққа келсангиз келинингиз. Қачонгача хотинлардан гап эшитиб юрамиз? Келинг, анави масалани ҳам ҳал қилиб қўя қолайлик. Кейин иккита қудагай ўзлари ялашиб-юлқашиб юраверишади.

Мезбонга сездирмасдан ора-сира қорнини ушлаб-ушлаб қўяётган мехмон кулимсиради:

– Булбулнинг ҳам эркаги сайрайди, Мухиддинбой. Сиз тарафдан бир ишора бўлмагандан кейин...

– Э, Аббос Усмонович, худога шўқр, оқ-қорани тушунган замонавий одамлармиз. Ёшларнинг ўзлари кўришишсин, гаплашишсин. Шояд юлдузи юлдузига тўғри келиб турган бўлса. Ана ундан кейин битта мулла, бир қалла қанд, уч сўм пул биздан, жўражон.

– Маъқул. Биз ҳам бунга қарши эмасмиз. Аммо, узунқулоқ гапларга қараганда худди шундок ваъда Қаҳрамон Темпировичга ҳам айтилган эканми-ей...

Мухиддинбой кўлларини юқори кўтарди:

– Бўлган, тан оламан, шундай гап бўлган. Аммо ваъда эмас, таклиф, ҳолос. Разведқангиз зўр ишлайди лекин, Аббос Усмонович.

– Разведка эмас, аёллар деяверинг. Аммо биз бунгаям қарши эмасмиз. Бунни қўнгил иши, умр савдоси дейдилар. Сиз айтгандай аввал ёшлар учрашишсин, гаплашишсин, бир-бирини яқиндан танишсин. Тўй бўлса қочмас. Қўйнидан тўкилса қўнжига. Ё мен билан қуда бўларсиз, ё Қаҳрамон Темирович билан. Ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани. Биз учун энг муҳими ёшларнинг бахти.

Улар дарвозадан ташқарига чиқишди.

Дарвоза ёнида қора хизмат “Каптива” машинаси. Қайдандир пайдо бўлиб қолган Рустам машинанинг орқа эшигини очиб турарди.

Меҳмон машинасига чиқди.

– Яхши етиб боринг. Аббос Усмонович.

– Яхши қолинг. Мухиддинбой.

Рустам эшикни охира ёпди.

“Каптива” йўлга тушди. Мухиддинбой меҳмон ортидан анча вақт қўл силкиб турди, сўнг, машинанинг орт кизил чироклари қайрилишда ғойиб бўлгач, орқада қўл қовуштириб турган ёрдамчисига жаҳл билан ўтирилди.

– Мен сенга Аббос Усмонович чўнтагида бир миллион доллари бор, лекин ошқозони тешик меҳмон деб айтганмидим.

Рустам бошини эгди:

– Айтгандингиз, хўжайин.

– Меҳмон ичмайди, чекмайди, диетада юради, деганмидим?

– Дегандингиз.

– Деган бўлсам нега столга йиғирма хил арок кўйдирдинг?

– Ахир... – Рустам довираб қолди: – ахир... меҳмоннинг ҳурмати...

– Ахмоқ! – шартга ёрдамчисининг гапини бўлди Мухиддинбой. – Аббос Усмоновичга ўхшаган одамлар ўзларининг ҳурматларини сенинг импорт арокларинг билан ўлчамайди. Тушундингми?

– Тушундим, хўжайин.

– Йўқ, сен ўзбекчани тушунмайсан! – афсус билан бош чайқади Мухиддинбой. – Ўрисчаниям тушунмайсан! Билмайман, сенга чулчитчалаб гапириш керакми ё? Меҳмон пархездаги одам деб атай айтиб кўйганман, сен бўлса дас-

турхонга кази-карта кўйдириб ўтирибсан? Тандир кабобга бало борми? Айтгандим-ку озгина тил шўрва, қайнатилган гуруч, балиқ шўрва кўйсанг бўлади деб.

– Уларниям кўйдик-ку, хўжайин, – журъатсизрок тарзда эътироз билдиришга уринди Рустам.

– Кўймаям кўр-чи эди! Лекин нақ бурнининг тагига мойини оқизиб тандир кабобни тикиб кўйганингдан кейин мезбоннинг хурматига бўлсаям тотиб кўради-да меҳмон. Кўрдингми, сенинг касофатингга бечора ошқозонини чангаллаб кетди. Сенга ўхшаган иккита ёрдамчим бўлса, менга душманнинг кераги йўқ экан ўзи.

– Узр, хўжайин.

– Сен узрингни ўзинг пишириб, қовуриб е! Тўшундингми?

– Тўшундим.

– Тўшунган бўлсанг эртага анави нарсани анавинақа қилиб юборинглар.

Ўтган йиллар мобайнида хўжайинининг нима демоқчи эканини наинки ярим оғиз гапи, балки сукутидан ҳам илғаб олишни ўринлатадиган Рустам бир оғиз:

– Хўп, – деди.

– Бошқа тинчликми?

Мухиддинбой одатда саволни жуда қисқа берар ва жавоб ҳам шундай бўлишни талаб қиларди. Буни яхши биладиган Рустам янада камсўз бўлди:

– Тинчлик.

– Дарё-чи? Ҳеч ким лойқалатмаяптими?

– Тинч. Лекин бир-иккита итбалиқ ғимирлаб қолибди, деб эшитдим.

– Агар қонуний ишлашмаётган бўлса, ўша итбалиқларинг росмана балиқларга айланмасидан бурун йўкот!

– Хўп.

Мухиддинбой иш юритувчисига синчков назар ташлади:

– Рустам. Менга кара. Орқаворатдан эшитишимга караганда, бозорда нархни жуда осмонга кўтариб юборганмишсанлар. Ҳатто Тошкент ҳам чангларингда қолиб кетганмишми-ей.



– Йўғ-э, хўжайин. Ҳаммаси талабга қараб.

– Шунақа дегин... Кўзингга қара, бола. Мен иш одами-ман, ҳар биттангнинг орқангдан назорат қилиб юришга вақтим йўқ. Лекин айтиб қўяй: агар бир текширсам, мендан бир сўмингни ҳам бекитолмай қоласан. Мен сени ўғирлик қил деб эмас, ўғирликларнинг олдини ол деб қўйганман бу ишга!

– Албатта, хўжайин.

– Агар харажат-паражатиңг бўлса, тўғри ўзимдан сўрайвер. Уқдингни?

– Уқдим.

– Уққан бўлсанг, бор, ишингни қил!

– Хўп.

Рустам ним эгилган кўйи олисроқда турган машинаси томон сассиз юрди.

Муҳиддинбой ҳовлига кирди.

Ичкаридан кўлида жимитдай телефон билан Ҳикоятхон чиқиб келди.

– Меҳмонни кузатдингизми, дадаси?

– Кузатдим. Дилшод келдим?

– Ҳозир гаплашдим. Бир соатларда етиб келаман деди.

– Қаерда экан?

– Бир ўртоғи билан дискотекага борибди. Туғилган кун эмиш.

– Майли, – хотиржам қўл силтади Муҳиддинбой, – ҳозир шунақа жойларга борадиган ёшда.

Бироқ Ҳикоятхон бу фиркрга кўшилмади:

– Уни сал тергаб қўйсангиз бўларди, дадаси. Бунақанги жойларда ҳар хил қаланғи-қасанғилар кўп бўлади. Яна биронта доғулиси алдаб-сулдаб, илинтириб олмасин боламизни.

– Бу нима деганиңг, хотин? – қизиқсиниб сўради Муҳиддинбой.

– Ҳозир ким кўп – бой эр ё бўлмаса бой куёв излаб юрган кўп. Бунақалардан ҳар балони кутса бўлади.. Аввал ўзларини мулойим супурги қилиб кўрсатишади-да, кейин... Дилшоджонимизнинг соддалигиям бор-да, дадаси.

– Кўп куйнаверма. Содда бўлса пишийди. Хаётнинг ўзи пишיתיб кўяди.

– Ахир не-не орзуларим бор, – дийдиёсини бошлади Ҳикоятхон. – Тагли-тугли оила билан қуда бўлсак дейман...

– Орзу мендаям бор, хотин. Фақат меннинг орзуйим ваҳимага эмас, ишончга асосланган.

– Бу нима деганингиз, дадаси?

– Бу шу деганимки... эрта-индин Дилшод шаҳарга бориб соч-почини олдирсин, кейин бир йўла ўзига тузук крок кийим-бошам олиб келсин. Тушундингми?... Аббос Усмонович биланам, Қаҳрамон Темирович биланам келишилган.

Ҳикоятхон бир зум ўйланиб қолди, кейин яшнаб кетди:

– Тушундим, дадажониси, тушундим.

– Тушунган бўлсанг, эртадан бошлаб шу иш билан шуғуллан.

– Хўп, дадажониси, хўп. Шу бугундан, ҳозирдан бошлайман.

Ҳикоятхон зипиллаганча қайтиб уйга кириб кетди. Муҳиддинбой ҳовлини айланиб, ортиқча кўринган чирокларни бир-бир ўчириб чиқа бошлади. Унинг феъли шунақа: исрофгарчиликка тоқати йўқроқ, ҳамма нарсага кийналиб, машаққатлар туфайли эришгани учунми, тежаб-тергашни яхши кўради; бир сўм сарфлаш имконияти мавжуд жойда ҳеч қачон икки сўм сарфламайди; уйида ҳам, офисида ҳам шу одатини қанда қилмайди; бошқалардан ҳам шунақа муносабатни талаб қилавериш чарчатиб юборади. Қўлида миллиард-миллиард сўмлар ўйнагани ҳолда Муҳиддинбой гоҳи арзимасдай туюладиган бир-икки минг сўм у ёқда турсин, юз-икки юз сўм учун эринмасдан савдолашади, байни шу арзимас писта пули ҳаёт-мамот масаласини ҳал қиладигандек астойдил таллашиб-тортишади, овози бўғилиб қолгунга қадар баҳслашади, ўзининг ҳақлигини исботлашга жон-жаҳди билан уринади, алоҳа мақсадига эришган маҳаллари эса ёш боладай яйраб кетади. Шунга қарамасдан ҳали ҳеч ким ҳаттоки орқаворатдан ҳам Муҳиддинбойни “зикна” деб атамаган, илло кўмакка муҳтожларга нисбатан



унинг фавкулотда саховатли инсон эканлиги барчага маълум эди. Маҳалла кўчасини асфальтлаш, қийналиб қолган оилаларнинг болалари учун камтаринроқ суннат тўйлари ўтказиб бериш каби масалаларда Муҳиддинбой ҳеч иккиланмасдан миллионларни сарфлайверарди...

\* \* \*

Оиланинг ёлғиз эркатоӣ ўғли (икки қиз хали ёш, мактабда ўқишади) Дилшод шу йил молия институтини битирди, энди магистрлик ташвишида юрибди.

Отанинг “бой”га айланганига бирон ўн йиллар бўлди чамаси. Ўшандан кейин оиланинг хеш-уруғлари, таниш-билишлари бирданига кўпайиб кетди. Бу ҳол айниқса тўймаъракаларда яққол кўриниб қоларди. Бошқа маҳаллари эса бу сон-саноксиз яқинлар одатда бирон ўтинч-илтимос билан уйга зир қатнаб турадиган бўлишди.

Муҳиддинбой яна бир темир қондага қатъий амал қиларди: ҳовлисида ҳар қандай меҳмонни иззат-икромини жойига қўйган ҳолда кутиб оларди, аммо ҳеч қачон иш, айниқса қарз ҳақида гаплашмасди, бунақа муаммоларни ҳал қилиш ташвишини офисига ташларди. Бора-бора “бой”нинг бу одатига кўниккан илтимосчилар тўғри ишхонага келадиган бўлишди...

Ким билади, балки шу йўл билан меҳрибон ота фарзандининг бунақа иқир-чикирларга андармон бўлиб қолишини истамагандир? Ҳар не бўлганда ҳам, Дилшод падар истаган тарзда эмин-эркин ўсди, институтни ҳам ўзи танлади, ўзи бюджетга кирди, ўзи ўқиди. Биринчи ўқув йилини тугаллаганида эса отасидан “Нексия” совға олди...

Дилшод анчайин одамови бўлиб ўсди, унинг бирон даврага, айниқса нотаниш одамлар гуруҳига киришиб кетиши қийин эди. Тенгдошлари билан ҳам унчалик борди-келди қилавермасди; шу шаҳарчадаги мактабда бирга ўқиган собиқ синфдоши, бозорда балиқ сотиб тирикчилик қиладиган Мансур билан ора-сира кўришиб, гурунглашиб турарди, холос.

Мана шу Мансур шаҳарчадаги ёшлар орасида машҳур “Ором” ресторанида бирга ўтириб, туғилган кунини нишонлашни таклиф қилганида Дилшод йўқ деёлмади, фақат “Мен эрисам бораман, сенга совғам шу бўлади”, деган шартини кўйди. Мансур бунга кўнди.

Икковлон кеч тушганида ресторан ёнида кўришишди. Сўнг ичкарига кириб, ўтиришди, еб-ичишди, дискотека сахнасига чикиб ўйинга тушишди, қизларга гап отишди, улардан иккитасини ўз столларига таклиф этиб, меҳмон қилишди. Ишқилиб, роса яйрашди.

Соат ўндан бир дақиқа ўтар-ўтмас Дилшоднинг қўл телефони қайта-қайта жиринглайверди. Телефонини ўчириб кўйса онасининг ваҳимага тушиб қолишини билган Дилшод чеккароққа ўтиб, вазиятни тушунтирди.

Шу билан она сал хотиржам тортгандай эди. Аммо орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас телефон яна тинимсиз чақираверди. Дилшод қизлардан узр сўраб, ташқарига чиқди.

Рестораннинг икки тавақали, нақшли эман эшигига мрамар зинадан чикиб келинади. Зинанинг бир томони деворга туташ, иккинчи томонига энлигина бетон суянғич ишланган.

Ичкаридан мусика эшитилаётган, чирокларнинг ўчиб-ёнаётгани кўриниб турган зинада Дилшод онаси билан гаплашди:

– Бир грамм ҳам ичганим йўқ. Фақат “Кола”... Энди соат ўн бўлди-ку... Хўп, ярим соатда бўламан... Хайр.

Эшикдан Мансур шошиб чикиб келди.

– Тез юр, ўртоқ, – ичкарига ишора қилди у. – Дўмбокчаси сени сўраб кўймаяпти... Ўзиям ишқалат экан-а аммо-лекин! Шимининг торлигини кара! Думбаси ёриб юбораман дейди-я... Шундай орқасидан борсанг-у, писка билан тилиб юборсанг...

Дилшод қўл телефонига ишора қилди:

– Кетмасам бўлмайди, ўртоқ.

Мансур тушунди:

– Ойингми?

– Ҳа. Ярим соатда уйда бўлмасам, бу ерга келишданам тоймайдилар.

Мансур иккиланиб қолди:

– Биламан-у, аммо-лекин шундай жононларни ташлаб кетаверамизми? Энди қўлга кираётганида!

– На илож, – қўлларини ёйди Мансур, – Кейинги сафар би-нр яїраб ўтирамыз.

– Насиб.

– Хоҳласанг сен қолақол.

– Йўғ-э! – қўлиб юборди Мансур, – Сенсиз ўтириш татирмиди. Қизлар аламдан сочлари қолиб, мени юлишар... Бирга кетамиз, мен ҳозир, кираману чиқаман.

Дилшод чўнтагидан икки даста пул чиқариб берди:

– Одамни хафа қилма, ўрток... Келишганмиз-ку... Мен инглизча хайрлашиб қўя қолай... Қизларгаям тўлаб қўй.

– Мени ноқулай аҳволга солиб қўйяпсан аммо-лекин... Хўп, хўп, мана, Сени хафа қилмаслик учунок.

Мансур пулни оларкан, хижолат бўлаётганини яшириш учунми, машиналар қаторлашиб турган майдонга қараб қўйди:

– Бизнинг дулдул жойида турибдими ишқилиб? Жа ошиғи кўп-да аммо-лекин.

Дилшод мийиғида қўлимсираб қўйди, Мансур ичкарига кириб кетди.

Дилшод ним қоронғиликда мармардай ялтираб турган майдонча чеккасига ўтиб турди. Шу маҳал унинг ёнгинасида ҳазин илтижо эшитилди:

– Садака қилинг, амак. Садака радди бало дейдилар... Садака қилинг, амак.

Дилшод ўғирилди. Бетон суянғичга ўтириб олган ўттиз ёшлардаги, катак-катак кенг кўйлагига ўраниб олган тиланчи аёл унга мўлтираб қараб, қўл чўзиб турарди.

Йигит чўнтагини қовлаб, гижимланган икки юз сўмликни олди-да, тиланчига тутди. Аёл афтини буриштирди:

– Каттароғидан йўқми, амак? Бунингизга битта аччиқ буханка ҳам бермайди-ку.

Бу гапдан жаҳли чиққан Дилшод аёлни жеркиб берди:

– Мен пулни сўпўриб олмайман, олсангиз шу, олмасангиз катта кўча.

Тиланчи кекирдагини чўзди:

– Бўйнингга илоннинг тилидай қилиб галстук бойлаб олибсан-у, тиланиб турган бечора бир аёлга йиртилиб кетган икки юз сўмликни раво кўрасан. Шўми инсоф?

Дилшод эътироз билдирмокчи бўлди, лекин тилига муносиб сўз хадеганда келавермади. У қўл силтади-да, чўнтагидан яна битта икки юз сўмлик чиқариб узатди:

– Етадими?

– Э, амак, бу ердан чиққанлар камида минг беради менга ўхшаганларга.

– Тиланчимисан, талончимисан?

Дилшод кенггина зинанинг бу чеккасига ўта бошлади. Чаккон аёл икки хатлашда шу тарафга ўтиб, яна бетон суянчикка чиқиб ўтириб олди, кўлини чўзди:

– Садақа қилинг, амак...

– Э, жонга тегдинг-қу!...

Дилшод яна бир бор жаҳл билан қўл силтади. Аммо аёл кутилмаганда сал энгашдими, ишқилиб, ногоҳ йигитнинг кўли унинг елкасига тегиб кетдию, чайқалиб кетган тиланчи “Вой!” деганча пастга қулади.

Дилшод жойида донг котди. Ичкаридан чиқиб келаётган Мансур буни кўриб қолиб, кичкириб юборди:

– Ух!

Мансур зиналардан югуриб тушиб юзтубан холида ётган тиланчи аёлга каради, энгашиб кафтининг орка томонини унинг бўйинига қўйди ва шу захоти отилиб турасола чопиб майдончага чиқди.

– Кет! Дарров кет!

Хамон карахт Дилшод аранг сўрай олди:

– Нима... нима бўпти?

Мансур Дилшодни судраклаб “Нексия”си ёнига олиб борди-да, унинг чўнтагидан калитни олиб, пуьлт тугмачасини босди, эшикни очиб, йигитни ичкарига киритган захоти калитни бураб, моторни ўт олдирди.

– Тез кет, ўрток!

– Нима... нима бўпти ўзи?

Мансур кон кафтини кўрсатиб, каттик шивирлади:

– Ўлиб копти! Томири урмапти. Мияси билан бетонга урилипти аммо-лекин. Юзи мажак бўлган, миясининг қатиги чиқиб, ҳамма ёкка сочилиб кетган.

Дилшод юзини чангаллаб қолди.

Катта кўчадан ўтаётган “Тез ёрдам” машинасининг чироклари уларни ёритганди, ваҳимага тушган Мансур беихтиёр гавдаси билан Дилшодни тўсди. Аммо машина тўхтамасдан ўтиб кетди.

– Энди кет, ўртоқ!

Дилшод ташқарига чиқишга уринди:

– Йўк, мен уни... дўхтирга обораман, тушунтираман. Мен атай қилмадим. Бу тасодиф... эҳтиётсизлик бу...

– Битта гадойни деб келажагингга қора чизик тор-тасанми? Ўзингни ўйламасанг, ота-онангни ўйласанг-чи! Ажалидан беш кун бурун ўлдирмоқчимисан уларни!

– Лекин...

– Лекин-пекини йўк. Сен кет! Мен қоламан.

Дилшод анграйиб қолди:

– Нима?

– Мен қоламан, ўртоқ.

Дилшод кескин бош чайқади:

– Йўк, кетсак бирга кетамиз! Қолсак бирга қоламиз!

Қалт-қалт титрай бошлаган Мансур асабий тарзда Дилшоднинг ёқасидан олди:

– Менга қара! Менинг ҳисоб-китоб қилганимни, эшикдан чиққанимни камида ўнга официант кўрди. Бояги қизларам орқамдан бақрайиб қараб қолишганди. Эртага барибир улар менга қарши гувоҳлик беришади. Сени бўлса ҳеч ким кўрмади. Шундан фойдаланиб қол. Ўзи сени чақирмасам бўларкан.

– Мен тушунтираман! Ҳаммага!

– Ўртоқ! Сен кўркма! Ҳаммаси яхши бўлади. Ўзини камоққа обориб тикдириб кўядиган аҳмоқ йўк. Сен ҳозир кетавер. Мен... – Дилшод ресторан томонга ишора қилди: – мен анавини йўқотишга уриниб кўраман.



Дахшатга тушган Дилшоднинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди:

– Қ-канакасига?

Нимагадир катъий қарор қилгандай тўйқусдан сал хотир-жам тортган Мансур маъюс жилмайди:

– “Мерс” имда ҳеч кимга кўрсатмай опчикиб кетсам бўлди. Кейин бир йўлини топардим.

– Мансур! Бунга хаёлинггаям келтирма!

– Бу дунё тириклар учун, ўртоқ, ўликлар учун эмас. Тириклар яшаши керак.

– Қўлга тушиб қоласан, ахир!

– Қочганам “Худо” дейди, қувганам. Яхши ният қил, ўртоқ! Бор, кет энди!.. Бўлди, кет деяпман! Бос газни!

Дилшод беихтиёр газни босди. Мансур очик ойнадан энгашиб тезлик ричагини қўшди. Машина силтаниб олдинга интилди.

“Нексия” катта кўчага чиккани маҳал вужуди музлаб кетган Дилшод жон-жаҳди билан тормозни босди. Сўнг чирокларни, моторни ўчиргач, олазарак холда ўгирилиб ресторан томонга қаради.

Машиналар қаторлашиб турган майдондан Мансур эски “Москвич” ини ҳайдаб чикмоқдайди. Мана, у машинасида аёл йикилиб тушган жойга борди. Тўхтади. Машинадан отилиб тушди, орқанги эшикни очди, кейин... кейин тиланчи жасадини кўтариб келиб орқанги ўриндикка жойлаштирди. Эшикни ёпди. Ўрнига ўтирди. “Москвич” гуриллаб олдинга интилди.

Бунга кўриб турган Дилшод беихтиёр машинасидан тушди. Бирок “Москвич” унинг ёнидан шиддат билан ўтди-кетди, тўхтамади.

Дилшод машина ортидан гарангсиб қараб қолган чоғи қўл телефони жиринглади. Йигит митти аппаратнинг экранчасига қарагач, руҳсиз тарзда телефонни қулоғига яқин олиб бориб, шивирлади:

– Йўлга чиқдим, ойижон... Ҳаммаси жойида.

Дилшод қўл телефонини ўчирди, машинага ўтирди ва ногахон рулга бошини кўйганча елкалари силкиниб, йиғлаб юборди...

Аммо бу рухни енгиллаштирадиган, қалбни юпантирадиган йиғи эмасди. Билъакс...

Машинани юрғазаркан, Дилшод аввалгидан баттар ҳолатда эди.

Ҳали машина тезлашиб улгурмасидан чироклар ёруғида бир тиланчига ўхшаш аёл чопиб йўлни кесиб ўтгандай бўлди. Дилшод жон ҳолатда тормозни босди, машина чийиллаб тўхтади.

Пешонасига реза-реза тер тошган Дилшод ваҳима билан олдинга, орқага, ён-атрофга қаради. Ҳеч ким йўқ.

Қайрилишдан оқ машина чиқиб келди. “Прадо”. Рустамники. Рулда унинг ўзи. “Прадо” “Нексия”нинг ёнидан ўтиб бораётган маҳал тўхтади.

Рустамнинг машинадан тушаётганини кўрган Дилшод жон ҳолатда тезлик ричагини кўшиб, машинага газ берди. Рустам “Нексия” ортидан хайрон бўлиб қараб қолди.

Ранги қув ўчган, кўзлари бежо Дилшод эса тобора тезликни оширган кўйи бир неча дақиқа ичида уйига етиб келди.

Машина овозини эшитган Ҳикоятхон уйдан шошиб чиқди:

– Келдингми?

– Ҳм.

Ҳикоятхон ўғлига хавотирланиб қаради:

– Тинчликми, болам?

– Шу... сал чарчадим шекилли.

– Ярим тунгача ресторанма-ресторан санкиб юрганингдан кейин чарчайсан-да, болам. – Жаҳли чиқа бошлаган Ҳикоятхон бирдан мўлоиймлашди. Ўғлига кўзлари чакнаб қаради. Афтидан, аёл фарзандига янгликни айтишга шошарди: – Айтгандай, сенга бир гапим бор эди...

– Ойижон, жуда чарчаганман. Миям ҳеч нарсани қабул қилмаяпти. Гапингизни эрталаб айтсангиз ҳам бўладими?

Энди онанинг ростакамига жаҳли чиқиб кетди. Қачондан буён терисига сигмай қувониб, боласининг йўлига кўз тикиб ўтирса-ю, бу бўлса...

– Нима, аммамнинг ўроғини ўриб келаяпсанми. бунча су-  
лаясан? Ё бирон мочағарни топиб олдингми?

– Э-э!

Дилшод қўл силтамоқчи бўлган жойида бирдан чўчиб  
тушди, сўнг, ёв қувгандай шошиб хонасига кирди-кетди.

– Айтиб қўяй, то мен бу уйда тирик эканман...

Дилшоднинг эшикни каттиқ ёпгани эшитилди.

Кўнгли оғриган Ҳикоятхон ўз-ўзига гапириб қолаверди:

– Бу замоннинг болалари... Юки енгил бўлгани сайин  
ётоғи келади-я. Тавба!...

\* \* \*

Нафсиламбрига, тун энди бошланиб келмоқда...

Ким айтади олдимизда йилнинг энг қисқа тунни турибди  
деб? Вақт нисбий. Бизнинг қаламга олажак воқеаларимиз  
хали мўл, инчунин, кимлар учундир бу энг узок давом эт-  
ган, ҳеч тугамайдигандай туюладиган тун бўлиб қолиши  
муқаррар...

Маърифат хола Тохирнинг ёнидан ҳовлиқиб қайтиб кел-  
ганида Турғунбой ота катта уйдаги ўрнида шифтга тикил-  
ганча оғир нафас олиб ётарди. Хонтахта устида чолнинг ке-  
йинги пайтлардаги эрмаги – ёғоч бўлагидан ўйиб ясалаётган.  
Бирок хали битмаган елканли кемача.

Чой баҳонасида чикканини эслаган хола ошхонага кир-  
ди, чой дамлаб, нафасини ростлаб олганидан сўнг ичкарига  
кадам қўйди.

– Тўқсон беш. Аччиккина.

Турғунбой ота кампирига гумонсираб қаради. Буни сез-  
ган Маърифат хола тоқчада турган дорини олди.

– “Энап” дан биттагина еб олсин.

Турғунбой ота кампири кўмагида бошини кўтариб, таб-  
леткани оғзига солди, устидан чой ичди.

– Энди яхши бўлиб қолдимми?

– Яхшиман.

– Худога шукр. Одамни бир кўрқитди-ей. Яна ўша давле-  
ния ўлгурми?



– Сен буйтиб элдан бурун ваҳима қилаверма, кампир. Ҳар замон-ҳар замонда бир оғриб турмаса иссиқ жоннинг иссиқ жонлиги қайда қолади?

Маърифат хола ковоқлари салқинган, кўзлари ич-ичига ботган чолига диққат билан разм солди, юраги увишиб кетди.

– Бемаҳалда бирон ҳамсоя-памсояни безовта қилмадингми ишқилиб, Раҳмонқул чегачининг қизи!

Отанинг одати шунақа: рисоладагидай гаплашган маҳаллари “кампир” дейди, лекин сал жаҳли чиқса ё унинг бирон қилигиданми, гапиданми норози бўлса бас, дарров раҳматли қайнотасини эслаб қолади.

Маърифат хола эътироз билдиришга улгуролмади: дарвоза ёнига келиб тўхтаган машина овози эшитилди. Сўнг уйга оқ халатли шифокор билан ҳамшира салом бериб кириб келишди.

Алик олган Турғунбой ота кампиринга ўшшайиб қаради:

– Чақирибсан-да барибир, Раҳмонқул чегачининг қизи.

Хола ноилжол қолганлигини тан олди:

– Ўзи кўрқитди-да. Нима қилай...

– Э-э... Қариб, ваҳимачи бўлиб қолибсан. Арзимаган нарсага буларни овора қилишнинг нима кераги бор эди?

Ўзини Дониёр деб таништирган, 35 ёшлардаги шифокор тонометрда отанинг қон босимини ўлчаб кўргач, холанинг ёнини олди:

– Ота, қон босими билан ҳазиллашиб бўлмайди. Холам жуда тўғри иш қилибдилар бизни чақириб.

Отанинг тилини кўриб, юрак уришини эшитгач, шифокор ҳамширага ишора қилди:

– Гўзал, укол.

Ҳамшира отага укол қилаётган маҳал Дониёр журнални тўлдирди, сўнг қоғозчага бир нималарни ёзиб, отага узатди:

– Мана йўлланма, эртага касалхонамизга бориб, уч-тўрт кун ётиб даволанамиз энди, отахон.

– Умрим бино бўлиб касалхонада ётмаганман, ўғлим.

– Аввал ётмаган бўлсангиз, мана энди ётасиз, отахон. Ахир қачондир бошлаш ҳам керак-ку.

Хонага Турғунбой отанинг тенгдош дўстлари: шляпасини бошидан кўймайдиган, кўса Ўктабр ота билан ковок кади кучоклаб олган, оппок соколи кўкрагига тушган Серсенбой ота оёк учида кириб келишди. Шифокорнинг сўнгги сўзларини эшитиб колган Ўктабр ота бирдан тутакиб кетди:

– Ким экан у соппа-соғ одамни касалхонага жўнатиб касал киладиган?

Дониёр келганларга хайрон бўлиб каради:

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум.

– Салематмисан, балам.

Ўктабр ота Серсенбой отага дийдиё килди:

– Тилимизам кизиқ-да. Нима эмиш. “касалхона” эмиш. Ахир соппа-соғ одам бунни эшитсаям касал бўлади-қўяди-да. Тўғрими, Саке?

– Туври. Ўсини эсабга алиб... им-м, оврувхона дейув керек.

Жаҳли тез Ўктабр отанинг фиғони фалакка чиқди:

– Э, сенам бопладинг, Саке. “Оврувхона” эмиш! “Шифохона” дейиш керак, “ши-фо-хо-на”.

Серсенбой отанинг дарров ён бергиси келмади:

– Ўлай айтса-да бўлади, булай айтса-да.

Ўктабр ота энди шифокорга ўгирилди:

– Қисқаси, ука, жўрамизни бурга тепса тепгандир. Шунга шунча ваҳиманинг нима кераги бор?

– Лекин...

– Лекин-пекинингниям кўй, ука. – Ўктабр ота Серсенбойга ишора килди: – Саке, ўзимизнинг универсал доридан ол.

Серсенбой ота хонтахта устидаги пиёлани кўлига олди-ю, норози бўлиб атрофга аланглади, афтини буриштириб Маърифат холага каради:

– Келин, каса-паса берсей.

Буларнинг алламбало қилиқларига ўрганиб колган Маърифат хола индамасдан жавондан каттагина коса олиб берди. Серсенбой унга кадисидан кимиз қуя бошлади.



– Нима бу? – хайрон бўлиб сўради Дониёр.

– Қимиз бу, ука, қимиз. Тоғда ўйноқлаб юрган бия сутидан.

– Тап-таза. – дўстиннинг гапини маъқулади Серсенбой ота.

– Лекин отахоннинг қон босими...

Ўктабр ота уни гапиргани кўймади:

– Яна “лекин” дейсан-а. Бунинг бизам биламиз, ука. Шунинг учун тозасидан опкелдик-да, спирт қўшилмаганидан. Бунақаси давлянияни туширади, ука, туширади. Унақаси оширади.

Халқ табобатининг бунақа нозик томонларидан беҳабар Дониёр кулиб юборди:

– Унда майли.

Мамнун бўлган Ўктабр ота кўз қисиб кўйди:

– Унақасиданам бор, ука. Кўнгил тортса озгинагина, а?

– Раҳмат, ака. Хизматдаман.

Ўктабр ота ташвиқотга зўр берди:

– Бунинг бир қосаси турган-битгани витамин. Анави нима дерди... нима дерди, Саке?

– Женшенба?

– Э, унданам зўр. Қисқаси одамўт-да. Бизга ўхшаб захда юрганларга қони фойда бу. Балки озгинагина, а?

– Раҳмат, ака. Бошқа сафар.

– Аммо айтиб кўяй, жўрамизни барибир ўша... оти совук касалхонангга юбормаймиз. Касалхона эмиш-а! Топган гапингни!

Дониёр ўзини қулгидан тўхтатолмади:

– Шифохона бўлса юборасизларми?

– А уни ўйлаб кўрамиз. – бўш келмади Ўктабр ота. – Икки қоса қимиздан кейинам давлянияси ёш йигитчаникидай юз йигирмага-саксон бўлмаса, ана унда ўйлаб кўрамиз.

– Майли. – Врач қоғозчани Маърифат қолага узатди. – Ҳар эҳтимолга қарши йўлланмани қолдираман... Отахонлар, хайр.

Ўқтабр ота шифокорни алқаб қўйди:

– Сен яхши бола экансан.

Серсенбой ота унга жўр бўлди:

– Раҳмет.

Турғунбой ота ҳам бир оғиз:

– Раҳмат, – деди.

Жомадончасини қўлига олаётган шифокор уй бекасига караб “Ташқарига чиқарсиз” дегандай ишора қилди, буни сезган Маърифат хола унга эргашиди.

Дарвоза ёнида турган “Тез ёрдам” машинасига яқинлашганлари маҳал Дониёр пастрок овозда холага мурожаат қилди:

– Гап-гап билан-у, лекин барибир отахонни касал... э, шифохонамизга бир обормасангиз бўлмайди, хола. Ҳамма анализларни кўриб чиқишимиз керак. Нимагадир менга отанинг юрак уриши унчалик ёкмай турибди. Бир эшитсангиз тез, бир эшитсангиз секин. Хуллас, нотекис.

– Албатта оборамиз, ўғлим. Сизга катта раҳмат. Илойим умрингиздан барака топинг.

– Арзимамайди, холажон... – Дониёр атрофга аланглади: – Айтгандай, болалар кўринишмадимми?

– Ёлғиз кизимиз Тошкентга тушган.

– ҲМ-М.

– Чакирсаммикан?

– Агар келиб-кетиши бемалол бўлса...

– Бемалол, болам, бемалол. Ўзининг мошинаси бор. Ўзи хайдайди.

– Унда чакирганингиз тузук. Балки отахон қизини соғингандир... – Дониёр Маърифат холанинг жунжикиб кетганини кўрди: дарё томондан салқин эпкин эса бошлаганди. – Сиз уйга қирақолинг. Қимизбозлик кучайиб кетмасин яна. Хайр.

– Яхши етиб боринглар.

Маърифат хола шошиб уйга кирди.

Дониёр юлдузлар чакнаб турган осмонга қаради, кейин чўнтагидан сигарета олиб чекди. Дарвоза ёнида туриб қолган ҳамшира қўл телефонини унга қаратди:

– Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш вазифасига кирадиган шифокор буркентиб сигарета тутатмоқда. Изоҳ талаб қилинмайдиган манзара!

– Эсадалиқ учун суратга олиб қўйишинг мумкин, – қулимсеради Дониёр.

Гўзалоӣ ростданам суратга олди, сўнг қўл телефонини сумкачасига солиб қўйди-да, машинага ишора қилди:

– Термосда сиз яхши кўрадиган аччиккина қаҳва бор. Бир чашка берайми?

– Яхши бўларди...

Шопмўйлов хайдовчи Эркин сигнал берди:

– Дониёржон! Ошиғич чақирув!..

\* \* \*

Фурсат етди, шахри Тошкентдаги кўп каватли “банковский” уйлардан бирига ҳам бирровгина кўз ташлаб ўтамиз. Бу пойтахт ишбилармонлари орасида анчагина танилиб қолган адвокат Файзулланинг хонадони.

Бу окшом ҳам Гулноза кайфиятсиз тарзда телевизорга тикилиб ўтираверди, ўтираверди. Ахири эшик кўнғироғи жириглади. Жувон илдам бориб очган эшикдан машҳур чарм сумкасини ёнига осган Файзулла гандираклаб кириб келди, тили қалтираб, аранг салом бера олди:

– Ас-ассалому алайкум, хоним.

Эрининг ахволини кўриб энсаси қотган Гулноза индамасдан ичкарига кирди, пойабзалини ечган Файзулла унга эргашди.

Жувон яна диванга ўтириб олган, қовоғини уйганча телевизор экранига тикиларди. Файзулла чайқалиб бориб хотинининг қаршисидаги креслога ўзини ташлади.

– Уф-ф... Хотин деган жонивор ишдан чарчаб қайтган эрини яйраб-яшнаб, қучоқ очиб, ширин сўзлар билан қутиб олса-да, А, нима дейсиз, хоним?

Гулноза нафрат билан девор томон юз бурди. Файзулла гина қилишда давом этди:

– Вахоланки, эр деган жонивор шу рўзгорим, бола-чақам деб куйиб-пишиб ишлайди...

Гулноза истеҳзо билан гап қўшди:

– Бурнидан чиккунча ичади!

Хотинидан садо чикканидан хурсанд бўлиб кетган Файзулла қаддини ростлаб ўтирди, кизгинлик билан ўзини оклашга тушди:

– Нима кипти ичса? Ахир, айтганман-ку, бизнинг соҳада қўп ишлар дастурхон устида хал бўлади. Ичмасдан, уккига ўхшаб хурпайиб ўтирган одамга ишонишмайди, хоним. Бунакаларга сал... шубхаланиб қарашади. Бир балоси бор, дегандай...

Гулноза эрига ўгирилди, ўша оҳангда гап қўшди:

– Оғиз-бурунам ўпишишмайди.

– Ҳа, ўпишамиз. Чунки бу орадаги ишончни мустаҳкамлайди. Ишонч эса, эътиборингиз учун, хоним, жарақ-жарақ пул дегани. Мана!

Файзулла сумкасидан даста-даста пулларни олиб, хотинининг ёнига тахлаб қўя бошлади.

– Бу, хоним, ҳалол гонорарим. Она сутидай ҳалол!

Гулнозанинг афти буришиб кетди:

– Боринг, дам олинг, адаси. Пулингизни эртага санарсиз.

– Хўп бўлади. – Пул дасталарини қайтадан сумкасига солган адвокат ўрнидан туриб, сумкасини бағрига босганча ётоқхонага кираркан, таъкидлади: – Мижоз окланди. Қонуний...

Эрининг ортидан изтироб билан тикилиб қолган Гулноза телевизорни ўчирди, ўтирган жойида бир нуктага тикилиб қолди.

Қўлида дарелик билан хонага кирган Ноила тиз букиб онасининг ёнига ўтирди-да, хобхонага ишора қилди:

– Янами?

Гулноза тўсатдан кизини маҳкам қучиб олди ва йиғи аралаш титроқ овозда, қакшаб шивирлади:

– Кетамиз, кизим... кетамиз...

\* \* \*

Улкан “КамАЗ”нинг ўткир чироклари зулмат бағрини ёриб олдинга интилади. Олисда ёнарқуртлардай ўрмалаб келаётган машиналар кўзга ташланади.

Кичикрок кўргон ортда қолиб, кимсасиз далалар бошланди. Сўнг далалар дарахтзорга уланиб кетди. Таниш йўл, таниш манзаралар...

Тўсатдан Акбаралининг кўзлари катта-катта очилиб кетди: дарахтлар орасидан иккита оқ либосли аёл чопиб йўлга чиқишди, улардан бири деярли йўл ўртасига чиқиб қўл кўтарди.

– Арвоҳларми нима бало?

Акбарали тормозни босди, барибир, баҳайбат машина жойида қотиб қололмаслиги боис рулни кескин чапга бурганча бир амаллаб аёлни айланиб ўтди, ўн беш-йигирма қадамлар нарига бориб машина тўхтагач энгашиб, ўнг томондаги кўзгуга қаради. Оқ шарпалар шу ёкка югуриб келишмоқда эди. Акбарали ҳамиша ўриндиғи ёнида турадиган каттагина пичокни олиб, унинг муздай дастасини маҳкам чангаллаганча моторни ўчирмасдан нима бўлишини кута бошлади.

Биринчи бўлиб етиб келган шарпа интилиб, эшикни очди, ҳансираб сўради:

– Обкетасизми, ака?

Акбарали ҳали жавоб бериб улгурмасидан аёл кабинага чиқиб олди ва ҳаприққан ҳолда ортидан етиб келган дугонасига кўлини узатди:

– Кел, Тамарчик.

Иккинчи қиз ҳам кабинага чиқди. Икковлон жойлашиб ўтириб олишгач, сариқ сочли Тамарчик деганлари эшикни ёпди.

Шундан кейингина қутилмаган тунги йўловчилар ҳайдовчига миннатдор бўлиб қарашди.

– Ассалому алайкум.

– Добрий вечер.



– Ваалайкум... – Бейхтиёр пичокни жойига кўйган Акбарали йўловчиларга синчиклаб разм солишга уринди. Оппок либосли, хатто туфлисининг ранги ҳам оппок бўлган... кизлар йиғирма беш ёшлар атрофида. Қош-кўзлари бўялган, упа-элик меъёрдан сат кўпроқ, лаблар ҳаддан ортиқ қизил рангда. Кўйлак этаги ҳам тиззадан юқорирок. У шошиб кўзларини ёнида ўтирган кизнинг оппок оёқлардан олиб қочди: – Йўл бўлсин?

– Дарёгача борасиз-а? – шошиб сўради қиз.

– Албатта. Йўлимизда-ку.

Қиз енгил нафас олди:

– Кетдик унда, ака...

Машина ўрнидан кўзгалди.

Иккала киз бир-бирининг пинжиги суқилиб олишди. Машинага биринчи бўлиб чиққан киз дугонасининг қулоғига нимадир деб шивирлаганди, икковлон бараварига пиқирлаб кулиб юборишди.

Бейхтиёр кулимсираб кўйган Акбарали кўнглига келган ўйини айтишга чоғланди:

– Сизлар...

Қора соч қиз хайдовчи томон ўгирилди:

– Давом этинг-чи.

– Сизлар... худди тўйдан келаётганга ўхшайсизлар.

– Шунақа десаям бўлади.

– Биров сизларни хафа қилдимми?

– Хафа қилмоқчи бўлишди, лекин қочиб кетиб, йўлга чикиб олдик, ака.

– Ярим кечаси йўлга чиқишга кўркмадиларингизми? Бу атрофда бўрилар бор дейишади.

Қиз хўрсиниб кўйди:

– Баъзида одамлар бўрилардан кўра хавфлироқ бўлади...

Акбарали бош ирғади:

– Бу гапингизам тўғри.

– Тўйга борсанг тўйиб бор деганлари рост экан, – йўлдан кўз узмай гапирарарди қиз. – Ишонасизми, бир бурда нонни халоллаб ейишга кўйишмади аблаҳлар. Шу атрофда яхши

бир кафе бор. Овқатланиб олсак, ака. Пулимиз бор. Сизни меҳмон қилишга ҳам бемалол имкониятимиз етади.

Акбарали кулиб юборди. сўнг узр оҳангида изох берди:

– Раҳмат-у, лекин бизнинг бир ёмон одатимиз бор: йўлда овқатланмаймиз. Ҳам пули чақади, ҳам овқатларининг сифатига ишониб бўлмайди. Бир марта, энди иш бошлаганимизда шунақа қилиб йўлда овқат еб кўйиб, кейин эрталабгача буталар орасида ўтириб чикканмиз: корнимиз бураб оғриган...

Диққат билан олдинга қараб кетаётган қиз жойидан сапчиб кетгудай бўлди:

– Ана, ана мен айтган кафе! Тандир кабобнинг исси келаяпти. Даҳшат! Шу ерда тўхтаган, ака. Бир нарса еб олмасам, ҳозир ўлиб қоламан!

Аммо “КамАЗ” йўл бўйида чироқлари порлаб турган қаҳвахона ёнидан ўтди-кетди. Қиз ҳайдовчига каловланиб қаради.

Қаҳвахона ёнида қаққайиб турган икки мотоциклчига қўл силташга улгурган сариқ сочли қиз ҳам илтимос қилди:

– Ака, тўхтатинг! Орқага қайтинг, чой-пой ичиб олайлик. Илтимос!

– Йўқ, тўхтамайман, – бош чайқади Акбарали. – Биз фақат меҳмонхонада овқатланамиз ё бўлмаса ейдиган нарсаларимизни ўзимиз билан олиб юрамиз. Инструксия шуни талаб қилади. Агар очкаган бўлсаларинг, марҳамат, эрмак қилиб туринглар.

Тезликни пасайтирган ҳайдовчи чўзилиб, орт тарафдан олган салафан халтани қорасоч қизга тутди. Унда кекс, булочкалар, дудланган колбаса, минерал сув бор эди.

Худди шу маҳал пичоқ ёнидаги қўл телефони “пий-пий”лаб қолди-ю, Акбаралининг ортидаги парда сурилди ва иккинчи ҳайдовчи, тақа мўйловли Гиёснинг уйқусираган юзи кўринди.

Гиёс хомуза тортиб, керишди:

– Бирпасда... – ногоҳ у қизларни кўриб қолди. – Ие, ие! Тушимми, ўнгимми? Ўзингмисан, Акбарали? Э, қойил-э! Кесақданам ўт чиқаркан-ку! Қачон улгура қолдинг?

– Бу менинг сменадошим. – тушунтира бошлади Акбарали. – Оти...

Фиёс хурсанд бўлиб кичкириб юборди:

– Отим Фиёс менинг! Фиёсбек! Бўлди. Акбарали. рулни менга бер!

– Балки яна бир оз дам оларсан.

– Э, йўк, дам олиб бўлдим, жўра!

– Булар... тўйдан чиқишган экан. Кечроқ. Дарёгача боориб кўйинг, дейишди. Шунга...

– Тўйдан? – Фиёс кизларга ишонкирамай қаради. – Шунака дейишдими! Жуда яхши-да! Баҳонада гаплашиб кетамиз. Исмлари нима экан бу жононларнинг?

– Менинг отим Дилобар. Дугонамники Тамара. – бажонидил ўзларини таништирди қорасоч киз. – Дугонам ўзи татар, ўзбекчани котириб кўяди.

– Бўлди. Ҳаммаси тушунарли. – ғайрат билан қафтларини бир-бирига ишкалади Фиёс. – Қани, Акбартой, машинани чеккага ол-чи. Роса чарчагандирсан-а? Бу ёғинга ўзим. Бунақаларнинг тилини мана биздан сўра!

Акбарали машинани йўл ёкасида тўхтатди. Ҳайдовчилар жой алмашишди, Акбарали ортга, ётиб ухлаб кетиладиган жойга ўтди.

Машинани юрғазаетган Фиёс Акбаралига караб кўз қисиб кўйди:

– Сенга, ўртоқ, дарё бўйидаги меҳмонхонага боргунча “тихий час”. – Сўнг кизларга ўгирилди: – Жонон кизлар, ҳозир сизлар билан яхшилаб танишиб оламиз!

Акбарали тайёр ўринга чўзилди. Фиёс радиони ўчириб, диск кўйди. Кабинани чет элнинг баланд овоздаги шовкинли мусикаси босди. Фиёс елкаларини учириб, кош қоқиб ўзини ўйнаётгандай кўрсатди. Қизлар қикирлаб кулиб юборишди.

Машина гувиллаб олдинга интилди...

\* \* \*

Ой нурида кумушдай товланиб оқаетган дарёда мотори ўчирилган кайиқни ўз холига кўйиб, оқим измида сузиб ке-



таверишнинг бошқача гашти бор. Кўкка боқасан, гуж-гуж юлдузлар, сувга қарайсан, ҳар замонда балиқлар шалоп этиб юзага сакраб чиқиб, тасвирни жимирлатиб юборишини айтмасанг, яна ўша юлдузлар сайли...

Қанчалик такрор бўлиб туюлмасин, бундайин фусункор манзара ҳар гал янгироқ, бошқачароқ кўриниши билан кишини ўзига маҳлиё этиб қўяди. Тоҳир дарёга чиққан кезлари бу гўзалликни мириқиб томоша қилиш ўрнига бутун эътиборини тунги овга келган бирон қонунбузарни қидиришга қаратгани учун ачинади, аммо на илож, касби шуни тақозо этади.

Мана, олдинда қўл чироғи бир ёниб-ўчди, қандайдир шовур эшитилди. Тоҳир эшқакдан руль ўрнида фойдаланганча шу томонга сассиз сўзди.

Икки эркак эшқакли қайиқда. Улар сувга ташланган тўрни шоша-пиша тортиб олишмоқда эди. Тоҳир дурбинда қаради: новчароғи Самад, қўлга тушавериб, отнинг қашқасидай танилиб қолган; пастга эгилиб олган иккинчисининг юзи аниқ кўринмади.

Тоҳир уларнинг гап-сўзларини аниқ эшита бошлади.

– Тезроқ, Қаҳҳор! Анави аблах келиб қолмасин яна!

Бу Самаднинг зардали буйруғи эди. Қаҳҳор деганлари қаддини ростлаб, тўрдан олаётган каттакон бир балиқни силади:

– Жониворлар-эй... Э, мен-чи, унақанги ўзиям емас, бировгаям бермас инспекторни битта чинчилоғим билан эзиб ташлайман, ҳа!

Тоҳир барибир Қаҳҳорни танимади. Бу қирқ ёшлардаги, гирдиғум, сочини тақир олдирган эркак эди. Балки янги кўчиб келганлардандир.

– Мақтанма, ғоз... Сен яхшиси унинг қорасини кўрганнинг заҳоти бошқа ҳеч қайқа қарамасдан қуённинг расмини чиғиб қол. Шунда қутулиб қолсанг, омадинг чопгани!

– Э, шунча зўр бўлса Рустам акага айтаман, пул билан уриб йиқитади!

Самад пишқирди:

– Бу аблах пулга сотилмайди-да! Бўлмаса-ку, ўзимизам етти авлодига етгудай қилиб таъминлаб ташлардик-а.

Қаххор пиқирлаб қолди:

– Йўғ-э! Роса опкочасан-а! Сотилса керак-у, а-анча кимматга юрса керак-да. Бу дунёда аёл билан инспекторнинг пулга сотилмайдигани бўлмайди. огайни, факат нархни билиш керак. Ўша аблахнинг ҳам ставкаси бўлса керак, менимча. Балки у бизга ўхшаган майда балиқчаларга қирон келтириб, лакка балиқлардан оладиганини олиб юргандир. Мўмайгина...

Қайиғининг учи браконьерларнинг қайиғига тегай деб қолган Тохир садо берди:

– Унақа эмас.

Қаххор деганлари чўчиб тушди, ваҳима билан шу томонга қаради:

– Ким бу?

– Ўша, сиз хозиргина эслаб турган аблах.

Тохирни таниган Самад жон алпозда тўрни сувга ташлаб юборди:

– Қочдик!

– А?

Қаххор доводи раб, тўрга ўралашиб қолди, Самад қайикка ўтирасола эшқакка ёпишди.

Тохир қайиғи чироғини ёқди. Қучли нур Самаднинг кўзларига тушди.

– Самад ака! Биринчи ўкни оёгингизга отаман. Лекин иккинчисида кўзлаб ўтирмайман! Кўтаринг қўлингизни!

Самад ноилож кўллариини кўтарди. Тўрга баттар чалкашиб-ўралиб бораётган Қаххор сувга ағдарилиб тушдию, сув юзасида қалқиб-қалқиб, дод солиб юборди:

– Вой, чўкяпман! Чўкяпман. Ёрдам беринг! Ёрдам! Самад!.. Самад!..

Тохир иштонини хўл қилиб қўйган боладай шуурсиз аҳволда қотиб қолган Самадга мурожаат қилди:



– Тортиб олинг шеригингизни! Тўрни ташлаб юборишни эса ҳаёлингизга ҳам келтирманг! Ўзингиз ташлаб юборсангиз, ўзингиз тушиб опчиқасиз!

Самад жон ҳолатда ёрдамга ошиқиб, чўкаётган Қахҳорнинг кўлидан ушлаб тортди. Тангалари ялтираётган катта-кичик балиқлар илиниб турган тўр ҳам Қахҳорга илашиб чиқа бошлади.

Тоҳир браконьерларнинг қайиғини ўз қайиғида шатакка олиб келди. Пристанга етгач, қайиғини тўхтатиб, моторни ўчирди-да, тахта супага сакраб тушди, қайиғининг арконини устунга боғлади. Ишига пухта Тоҳир аллақачон ўлжа қайиқнинг эшкакларини ҳам ўз қайиғига олиб қўйганди. Браконьерлар бўлса ўз қайиғида қўллари орқага боғланган ҳолда, бир уюм балиқ билан тўр ёнида тўрсайиб ўтиришарди.

Пристан ёнидаги ўриндиқ четидан омонатгина жой олган Маърифат холани кўриб, Тоҳир ажабланди:

– Хола, “Тез ёрдам” ҳалиям келмадимми?

У жаҳл билан чўнтагидан кўл телефонини олди.

– Келди, болам, келди, – шошиб гапирди хола. – Бунинг учун раҳмат. Дўхтир амакингизни эрта-индин балнисага оборинг деб кетди. Шунга... Гулнозни чақирсамми девдим. Ҳозир ухлаётгандир. Ваҳимага соб қўймайлик унияш... Тонг отгандан кейин, агар вақтингиз бўлса яна бир марта телефон қип қўясизми деб... – Маърифат хола чўнтагидан қоғозча чиқариб берди. – Манави номери. Ўзи ёзиб бериб кетгани.

Тоҳир беихтиёр рақамлар ёзилган қоғозчани олгач, бир зум ўйлашиб қолди, сўнг иккиланиброқ гапирди:

– Холажон, мен жон деб... Лекин ўтган сафар... хуллас, хўжайини кўтариб қолган экан телефонни... анча ғишава килди... Мастмикан... Гулнозагаям гап тегиб қолди-ёв.

Масаланинг бу томонини ўйламаган экан, холанинг ўзи хижолат тортди:

– Унда майли, болам, эрталаб ўзим почтага бора қоларман. Амакингизга шунча айтдим, шу савилдан битта олинг деб, қани кўнса...

– Яхшиси, холажон... Келинг, битта хат жўнатайлик. Сизнинг номингиздан.

– Хат?

– Ҳа. Буни SMS дейишади. Гулноза эрталаб туриб хатни кўради. Бўладими?

Хола суюниб кетди:

– Бўлади, болам, бўлади.

– Нима деб ёзай?

– Аввал менинг номимдан салом денг. Ўзига, куёвга, неварамга. Кейин амакингиз номидан ҳам...

– Хола, булар шарт эмас, – жилмайиб кўйди Тоҳир. – Қисқа ёзиш керак. Икки-уч сўз бўлса етади.

– Қисқа? – Хола ўйланиб қолди. – “Вақтинг бўлса кел, отангнинг мазаси йўк”, деб ёзса бўладими?

– Бўлади, холажон, бўлади.

Тоҳир қўл телефонида тез-тез SMS терди.

– Мана, бўлди, холажон. Охирида “онанг” деб қўшим кўйдим. Энди эрталабдан почтага бориб юришингизам шарт эмас. Амакимнинг олдида бўлинг. Агар балнисага оборадиган бўлсангиз, айтинг, машина тўғрилаб бераман.

– Майли, болам, майли. Сизга кўп раҳмат, Тоҳиржон. Илойим болангизнинг роҳатини кўриб яшанг...

Маърифат хола Тоҳирни дуо қила-қила уйи томон кетди.

Тоҳир қайиғига қайтиб бораётган маҳал орқадан таниш овоз келди:

– Камандир!

Тоҳир тўхтади. У янглишмаганди: коронгиликдан Бердикул чиқиб келди, нимадандир мамнун, кўзлари чакнаб турибди. “Ичиб келяпти”, деган ўй ўтди инспекторнинг кўнглидан.

– Яна бир марта ассалому алайкум, камандир.

Тоҳир хайрон қолганини яшириб ўтирмади:

– Бердикул, сиз ўзи ухлайсизми?

– Ҳали роса ухлашга улгурамиз, камандир, – янада мамнун бўлиб жавоб қайтарди Бердикул. – Исрофил бурғусини чалгунга қадар “килт” этмай ухлаймиз.

Бердиқулнинг майнабозчиликка ўтаётганини сезган Тоҳир жиддий тортди:

– Шу совук гапни айтиш учун мени қутиб турганмидингиз. Бердиқул?

– Йўғ-э, камандир. Уйқу келмагандан кейин юрибман-да айланиб. Бойқушман, бойқуш. Ўзи мени штатсиз инспектор қилиб олсангиз зўр иш бўларди-да.

– Буни ўйлаб кўрамиз. Бердиқул.

– Ўйлаб кўринг, камандир.

– Қоровуллик қилаётгандингиз шекилли?

– Э, шуюм ишми? Бир сутка бир жойда қадалиб ўтир, икки сутка дам ол. Одам торе ёрилиб кетади. Бўшасамми деб турибман. Лекин ишсиз юришимам мумкин эмас. Рўйхатда турамиз, камандир, рўйхатда.

Тоҳир ўйланиб қолди. Кўп ҳолларда, аниқроғи дўппи тор келиб қолганда браконьер “Бунинг барини инспекторнинг ўзи уюштирди, унинг менда азалдан касди бор!” деб туриб олади, шу йўл билан айбни бўйнидан соқит қилишга уринади. Ё бўлмаса “Инспектор фалон сўм сўради, бунақа қатта пулни беролмаганим учун мени айбдор қилиб далолатнома ёзди!” дейди. Ишқилиб, терговниям, судниям аччиқ ичкадай чўзади, бир амаллаб қутулиб кетишга ҳаракат қилади. Ахир, чиқмаган жондан умид. Шунақа пайтлари биттагина ҳолис гувоҳ бўлсамми, иш анча енгил кўчади...

Тоҳир ахири бир қарорга келди:

– Сизга бир илтимосим бор, Бердиқул. Фуқаролик бурчингизни бажаришингизга тўғри келади.

– Бу нима деганингиз, камандир? Оддийроқ тилда гапиринг, йиғилишда эмассиз-ку.

Тоҳир қайикдагиларга ишора қилди:

– Нима гаплигини тушуниб турибсиз. Далолатнома тузаман. Шунга гувоҳ бўласиз. Баликларни бирга тарозида тортиб, дарёга кўйиб юборамиз. Кейин далолатномага қўл кўйиб берасиз.

– Майли... Шуларми қўлга тушган?

– Ҳа.



– Қайиклари пишиккина экан. Кўриниб турибди. – Бердиқул кўз кисиб қўйди: – Бегона қилмасак-чи, а?

– Буни хаёлингизгаям келтирманг. Тўр билан қайик давлат фойдасига мусодара қилинади.

Тоҳир қайикни супага яқин тортиб, Самад билан Қахҳорни пастга туширди. Ўзининг қайиғидан тарози олиб, ерга қўйгач, сумкасидан далолатнома қоғози чиқариб текислаётган Тоҳирнинг қўл телефони жиринглаб қолди. Телефонининг экранчадаги рақамга қараб, бирдан сергак тортган инспектор беш-олти кадам узоқлашиб, тескари ўтирилди.

– Эшитаман.

Жуда таниш овоз:

– Ким бу?

– Бу мен, – дея олди томоғи қакраб кетган Тоҳир.

Гулноза таниди:

– Рақамингиз ўзгарибдими?

– Ҳа.

– Ўшандан кейинми?

– Ҳа.

– Нима бўлди? Хабар юборибсизлар.

– Маърифат холам илтимос қилганди.

– Отам...

– Сиз ҳавотир олманг. Амаким яхши. Холам илтимос қилмаганида...

– Ўзингиз бориб кўрдингизми отамни?

– Тўғриси, сменадайдим.

– Тушунарли. Мен ҳозирок йўлга тушаман.

– Айтдим-ку...

Аппаратдан қиска гудоклар эшитилди.

Тоҳир телефонда гаплашаётган пайти Бердиқул ёнидан пичоқ чиқариб, Самад билан Қахҳорга кўрсаткич бармоғини лабига босганча “жим” ишорасини қилди-да, мушукдай чакконлик билан уларнинг ёнига бориб, қўллари боғланган арконларни кесди, сўнг, ҳар икковининг пристанга сассиз чиқиб олишига қўмаклашгач, қайик шатакка олиб келинган арконни ҳам кесди-да. Тоҳирнинг эшакларини ҳам қўшиб

тўр устига ташлаб, қайиқни дарёга итариб юборди. Қайиқ оқимда лапанглаб сузиб кетди. Бердиқул янада чакқонлик билан Тоҳирнинг қайиғидаги моторнинг ингичка бир шлангини юлиб олган эди, қайиқ ичига мотордан бензин жилдираб оқиб туша бошлади.

Шундан кейингина Бердиқул ҳамон гарансиб турган Самад билан Қаҳҳорнинг ёнига келди ва ўзини берилиб дарёни томоша қилаётгандай тутган кўйи чўнтагидан сигарета чиқариб, хотиржам тутатди.

Бу орада Тошкент билан гаплашиб бўлган Тоҳир телефонини ўчириб, ортига ўгирилдию, кўрган манзарасидан донг котиб қолди.

– Бердиқул! – ахири бўкириб юборди Тоҳир.

– Лаббай, камандир.

– Қайиқ... қайиқ қани?

Бердиқул Тоҳирнинг қайиғига ишора қилди:

– Мана, турибди. Бус-бутун.

– Буларники қани? Браконьерларники! Тўр қани? Балиқ қани? Буларнинг қўлини ким ечди?

– Начайник, сизни жин чалиб кетдимми? – гапирган сари ҳузур қиларди бир қўлини намоёншкорона шими чўнтагига солиб олган Бердиқул. Бироқ эътибор берган одам унинг сигарета тутган қўли дир-дир титраётганини сезарди. – Кўзингизга нима балолар кўринаяпти? Қанақа қайиқ? Қанақа браконьерлар? Мана, биз уч ўрток тинчгина соҳилда айланиб юрибмиз. Ё бунга ҳаққимиз йўқми? Ё шунинг учун ҳам сиздан руҳсат сўрашимиз керакмиди, камандир?

Тоҳир ҳаммасини тушунди:

– Бердиқул... Уялмайсанми? Бундан кўра, кўчага чиқиб гадоёйчилик қилганинг яхши эмасми?

– Сен-чи? – Бирдан авзойи бузилди Бердиқулнинг. – Тўртта балиқ учун ўз ҳамқишлоқларингни тутиб беришга уялмадингми! Нима, дарё, ундаги балиқлар катта энангнинг маҳрига тушганми? Ё буларни қон қакшатиб, амал-тақал тирикчилик ўтказиш учун яраб турган охириги қайиғини тортиб олиб, маза қиласанми?



– Бердикул! Ҳозир ов қилинмайдиган ой эканлигини яхши биласан. Бунақанги ўнта браконьер увилдирик дардида юз минглаб баликларни кириб юборишиниям биласан!

– Билмайман! Билишниям истамайман! Раз дарё бўйида яшайманми, демак унда менинг ҳам ҳақким бор. Мен дарёдан ўз ҳақкимни ажратиб олишим керак. Булар ҳам худди шундай!

– Бердикул! Мен барибир буларни камокка оламан. Уларга кўшиб сениям!

– Бир уриниб кўр-чи! – яна мазахомуз оҳангга ўтди Бердикул. – Қайик йўк, балик йўк, тўр йўк, демак далил-неботинг ҳам йўк. Далил-неботсиз қурук гап эса тухмат ҳисобланади. Қасддан тухмат қилганинг учун учаламиз сени судга бериб, юз миллион сўм моддий-маънавий зарар талаб қилиб туриб олайлик, ана шундан кейин орқангга қалампир суртилгандай диконглаб қоласан! Айбсизлик презумпцияси нима эканини биларсан?

Тохир хўрсинди:

– Ҳа, анов ёқларга бориб келганинг биллиниб турибди.

Бердикул тишлари орасидан “чирт” этказиб тупурди:

– Сенинг эса ўша ёқларга бормаганинг биллиниб турибди.

– Демак, қайикни оқимга кўйиб юборгансан. Ҳозир олиб келаман. Мендан осонликча қутулолмайсанлар... Ҳозир...

Тохир чопиб бориб арконни ечди-да, қайиқига сакраб чиқди. У дарёдан кўз узмаган кўйи тугмачани босди, мотор гириллади, аммо ўт олмади. Шундагина моторга қараган Тохир қайиқ тагида кўллаб қолган бензинни кўрди. Тохир аланглаб эшакларни излади.

– Эшаклар қани, аблах!

Бердикул хотиржам сигарета тутатишда давом этарди. Тохир қайиқдан сакраб тушди, арконни яна устунга боғлади.

– Ҳозир!

Тохир дарёга тикилиб қаради, афтидан, у сув ёкалаб чопишга шайланарди. Бердикул буни дарров илғади.

– Маслаҳат бермайман, камандир. – У қайиққа ишора қилди. – Бензини, эшқаги бўлмаса ҳам бу давлат мулки. Дав-

лат мулки кўлингизга ишониб бериб кўйилганми, марҳамат килиб уни асранг. Масалан, мен ўзим чекмайман, лекин ҳозир ким кўп, чекувчи кўп, Билиб бўладими, биронтасининг сигаретасидан билмай битта чўғ учиб келиб қолса ҳам, бу ёнади-кетади. Чўғ бу хусусий, бу давлат мулки деб ажратиб ўтирмайди...

Канака копқонга тушиб қолганлигини тушунган Тоҳир алам билан муштларини бир-бирига урганча, жойида тўхтади.

Бердиқул сигаретасини чуқур тортиб, тутунини осмонга пуфлади, сўнг учи чўғли сигаретасини Тоҳирнинг қайиғи томонга чертди. Сигарета Тоҳирнинг қайиғига келиб тушди. “Пов” этиб ёнган аланга қайикни ўз домига олди.

Тоҳир жон ҳолатда устун ёнидаги ёнғинга қарши ускуналар кўйилган маҳсус бурчакдан кўпикли ёнғин ўчиргич олди, йўл-йўлакай унинг юқори қисмини ерга урганча бориб вошиллатиб кўпик сепиб, оловни ўчиришга киришди.

Бердиқул хотиржамлик билан қоронғилик томон юрди. Самад билан Қаххор шошиб унга эргашишди.

Тоҳир тобора гуруллаётган оч олов билан олишарди...

\* \* \*

Юк машинаси шаҳарчага кириб келганида вақт атлақачон ярим тундан ошган эди. “Ором” ёнидан ўтаётганлари маҳал Гиёс энгашиб чироклари ўчган ресторанга қаради.

– Ёпиб кўйишибди. – деди у афсусланиб.

Дилобар истехзоли кулимсиради:

– Шу пайт ресторан қоладими?.. Ака, айтгандай, сиз “Қирғоқ” қача борасизми?

– Ҳа, ўша ерда дам оламиз.

Дилобар сумкачасини ковлаб, ҳамёнини чиқарди, кўлига бир даста пул олди:

– Бизни ўша меҳмонхона ёнида қолдирсангиз ҳам бўлади. Борар жойимиз яқин.

– Пулингизни жойига солиб кўйинг. Дилобархон. Одамни хафа қилясиз.

Киз дарҳол пулни ҳамёнига қайтариб солди:

– Майли, сизни хафа қилмай бўлмаса.

– Менда бир таклиф бор. – яна жонланиб қолди Фиёс. – Келинлар, меҳмонхонада тўрталамиз бир маза қилиб ўтирамиз. Бизда ҳамма нарса бор.

– Сиз, – яна истехзоли қулишдан ўзини тийиб туrolмади Дилобар, – машинангизга чиққан кизларнинг ҳаммасидан йўл ҳақини шунақа қилиб ундирасизми, Фиёс ака?

– Ҳаммасидан эмас, Дилобархон. Фақат сизларга ўхшаган гўзаллардан. Келинг энди, йўк деманг. Бу ўладиган дунёда бир яйраб қолайлик.

Бир муддатлик мулоҳазадан сўнг Дилобар дугонасига ўгирилди:

– Сен нима дейсан, Тамарчик? Яхши йигит бизни меҳмондорчиликка таклиф қиляпти.

Тамара кабина шифтига тикилганча ўйланиб тургач, ноаниқрок тарзда деди:

– Ўйлаб кўриш керак.

– Э, ўйлаб ўтирасизларми, кизлар? Бир маза қилсак қипмиз-да...

Дилобар эътироз билдирди:

– Лекин биз тўйга паспортимизни кўтариб келмаганмиз.

– У томонини менга қўйиб беринлар, ташкиллаштирамиз. Неча марталаб бу ерда ётиб қолганмиз, ҳаммасини таниймиз...

Машина “Қирғоқ” меҳмонхонаси ёнига келиб тўхтади.

Ҳовлиқиб қолган Фиёс шоша-пиша шеригини уйғотди. Акбарали ётоғидан қаттагина дипломат билан чиқиб келди. Икковлон қабулхонага кириб кетишди.

Навбатчи, ўттиз беш ёшлардаги кўхликкина, дарҳақиқат, юзи таниш Муқаддам исмли жувон ҳайдовчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштиргач, биринчи каватдаги икки кишилик хона эшигини уларга очиб берди, аммо Фиёснинг پاسпорти уйда қолиб кетган яна икки кишига бир кечага хона бериш ҳақидаги илтимосига қўнмади.



Ноилож қолган Ғиёс чўнтагидан бир даста пул чиқариб, Муқаддамнинг кўлига тутди:

— Опажон, илтимос...

Жувон кескин бош чайқади:

— Бунинг ҳеч иложи йўқ. Мен паспортсиз одамга хона беролмайман. Истаган маҳал текшириб келиб қолишлари мумкин.

— Бир кеча минг кеча эмас-ку, опажон.

— Кўза ҳар кунни эмас, кунда синади деган гап ҳам бор, укажон. Хайрли тун.

Муқаддам қайтиб кетди. Ғазабланган Ғиёс тишларини ғижирлатганча хонага кирди. Акбарали нарсаларини шкафга жойламоқда эди. Ғиёс шошиб бориб деразани очди, ташқарига қаради. Автомобиллар тўхташ жойидаги машина ёнида Дилобар билан Тамара гаплашиб туришарди.

Ғиёс қизларга кўл силкиганди, бунга жавобан Дилобар ҳам шундай қилди.

Ғиёс кўлидаги сумкани столга қўйиб, Акбаралига буюрди:

— Майда-чуйдаларни олиб столни безатиб тур. Мен hozир.

— Сен каёкка?

— Эшиқдан бўлмаса тешиқдан олиб қираман бу жононларни!

Акбарали иккиланиб қолди:

— Шарт эмасдир, Ғиёс.

— Қара, ўзлари ўлиб туришибди. Аёлнинг раъйини қайтариш гуноҳ. Мен гуноҳкор бўлиб қолишни истамайман.

Ғиёс деразадан ошиб ўтди-да, илдам юриб қизларнинг ёнига келди ва уларга ним эгилиб, таъзим қилган бўлди:

— Жон қизлар, жонон қизлар, оққушлар, оппоқ қушлар... Хуллас, камтарона дастурхонимиз сизларга мунтазир. Фақат кириш эшигимиз сал торроқ бўлади, холос. Лекин кўнглимиз кенг...

Аввалига қизлар гап нимадалигини тушунишмади. Ахири Ғиёс режасини баён қилгач, улар бир оз тайсалланиб туришди, аммо йигит илтимос қилавергач, ахири кўнишди.

Йўлда чеккарокка ўтган Тамара кимгадир кўнғирок килиб, шивирлаб кўйишга ҳам улгурди:

– Ҳаммаси жойида, Жора. План “Б”, “Қирғок” дамиз.

Бу ёғи ҳамирдан кил суғургандай осон кечди: кизлар очик деразадан мушукдай чакконлик билан ошиб ўтишдики, хатто Ғиёснинг кўмаги ҳам керак бўлмади.

Акбарали столга у-бу кўйиб улгурган экан, қолганига Ғиёс кўмаклашди. Столда нон, колбаса, “кола”, пишлок, помидор-бодринг, битта арок шишаси пайдо бўлди.

Ғиёс пиёлаларни тўлдириб арок кўйди.

– Қани, танишганимиз учун оламиз!

Улар пиёлаларни чўкиштиришди. Ғиёс арокни бир кўтаришда ичиб юборди, “ок” қилганини кўрсатиш учун пиёласини кизларга кўрсатди, кейин мактанди:

– Бизда биринчисига закуска қилинмайди.

Жилмайиб кўйган Акбарали ўзининг пиёласини столга қайтариб кўйди-да, “кола” тўла пиёладан бир хўплади. Буни кўрган кизлар бир-бирига қараб кўйишди.

– “Қизил”ига ўтиб кетибсизми, ака? – жилмайди Дилобар.

– Мен ўзи умуман ичмайман. – деди Акбарали.

Дилобар хайрон қолди:

– Нахотки? Ростдан-а?

– Ҳа, – кулимсиради йигит. – Шунақа айбимам бор.

Тамара одатига кўра шифтга қараб гапирди:

– Бу кизиқ...

– Қани, олинглар, кизлар! – вағирлади Ғиёс. – Шеригимга қараманглар. Ўзи ичмайди, лекин бошқа ҳамма томондан зўр йигит.

– Қанақа томонларини айтяпсиз, Ғиёс ака?

– Э, Дилобархон, буни кейин ўзларинг билиб оласизлар.

Қулги кўтарилди. Қизлар пиёлаларга лаб текизиб кўйишди. Буни кўрган Ғиёс норози бўлди:

– Э, бунақа ичилмайди-да, жонон қизлар.

– Қанақа ичилади, жонон йигит?

– Мана бундай!



Ғиёс Акбаралининг ҳам пиёласини қўлига олиб, ичиб юборди ва уни ҳам “оқ” қилганини қизларга намоён этди, кейин яна мактанди:

– Бизда иккинчисига закуска қилинмайди.

Қизлар чапак чалиб юборишди. Ғиёс стол ёнига қўйилган қўл телефонининг тутмачасини босган эди, чет элнинг шовкинли мусикаси янграй бошлади.

– Энди бир вальсга тушсак, – таклиф қилди Ғиёс.

– Вой, – деб юборди ногоҳ нимадир эсига тушган Дилобар, – машинанинг эшиги очик қолди-ку.

Ҳалидан буюн стол атрофида ўзини сал ўнғайсизроқ хис қилаётган Акбарали шошиб ўрнидан турди:

– Мен бориб қулфлаб келаман.

Бу таклифга Ғиёс “маъқул” маъносида бош ирғади. Акбарали хонадан чиққан маҳал Дилобар кўзлари сузила бошлаган Ғиёсга ишвали қараб қўйгач, сумкачасини очди-да, қалам билан лаб бўёғини чиқазди:

– Ғиёс ака. Танцага тушадиган бўлсак, биз сал у ёқ-бўёғимизга қараб олсак дегандик. Ахир онангниям отангга бепардоз кўрсатма деганлар.

– Марҳамат. – Йигит кириш эшигининг чап тарафидаги яна бир эшикка ишора қилди: – Ванна сизларнинг ихтиёрингизда.

Дилобар норози бўлиб қош чимирди:

– Э, тор жойда юрагим сикилиб кетади. Ундан кўра сиз кириб туринг ваннага, биз сал ўзимизга оро бериб олайлик. Олдингизда пардоз-андоз қилишга уяламиз ахир.

– Майли, жонон қизлар, майли.

Ғиёс салгина гандираклаганча бориб ювиниш хонасига кираркан, эшикни қия очик қолдирди.

– Мўраламанг! – дея буйруқ берган Дилобар дугонасига ишора қилди.

Тамара бориб эшикни қизларни пойлашга уринаётган Ғиёснинг юзига “қарс” этказиб ёпди-да, елкаси билан суяниб турди. Дилобар шоша-пиша сумкачасидан кичкина са-лафан халтачага солинган оқ кукунни олди, бўш пиёлага кукуннинг ярмини солиб, унга ароқ қўшиб аралаштирди. Сўнг

қолган қуқунни “кола” ли пиёлага солиб аралаштиргач, салафанчани сумкасига яширди-да, жойинга ўтириб, лабига бўёқ сурган бўлди. Тамара ҳам чўнтагидан кўзгуча олиб, лабини бўяди.

Дилобар буйруқ берди:

– Марҳамат қилсинлар, жонон йиғит!

Тамара илдам келиб жойинга ўтирди. Ювиниш хонасидан оғзи қулоғида Фиёс чиқиб келди, қизларга мастона термилди:

– Ў, очилиб кетибсизлар, жононалар!

Дилобар ароқ тўла пиёлани Фиёснинг қўлига тутди:

– Қани, биз учун эллик грамм олмайсизми энди?

– Оламинз, жонидан, оламинз.

Фиёс бу пиёладаги ароқни ҳам “оқ” қилиб ичиб юборди.

Акбарали кириб келганида кўзлари юмилиб кетаётган Фиёс Тамара билан танцага тушмоқда эди.

Дилобар машина калитини стол четига қўйган Акбаралининг каршисига келиб ўтирди. “кола” тўла пиёлани унинг ёнига сургач, ўзи бир қултум ароқ солинган пиёлани қўлига олди.

– Қадах сўзи айтмоқчимисиз? – сўради йиғит.

Дилобар негадир маъюс қолди:

– Мен ўзи ичмасдим, ака. Лекин агар жуда қадах сўзи эшитгингиз келаётган бўлса, марҳамат. Мен эркакларнинг камтарин бўлишлари учун ичаман!

Дилобар бир кўтаришда пиёлани бўшатди. Қизга ялт этиб қараб қўйган Акбарали хайрон бўлганча “кола” тўла пиёлани оғзига яқин олиб борган маҳал Фиёс текис жойда қоқилиб кетди, кейин, ўзини ўнглашга уриниш асносида Тамарани маҳкам қучоқлаганча ёнбошга, Дилобарнинг устига оға бошлади. Тамара бир амаллаб йиғитни тутиб қолди. Афти буришиб кетган Дилобар уларни нари итарди:

– Ўзларингни тутсаларинг-чи, Тамарчик!

Тамара яна шифтга қараб жавоб қайтарди:

– Ҳаракат қиламан.

Хавотирга тушган Акбарали пиёлани жойига қўйди:

– Фиёсга бир бало бўлдими?

Шу сўзлар билан Акбарали ўрнидан турмоқчи бўлганда Дилобар унинг кўлидан тутиб қолди:

– Қадаҳ сўзим ёқмадим, ака? Ё сизам эркакларнинг камтаринлигига қаршимисиз?

– Нега энди? Аксинча...

– Ундай бўлса олинг. Охиригача. Кейин бирга танца тушамиз. Хоҳласангиз, албатта.

Акбарали баттар ҳайрон бўлганча “кола”ни ичди. Шу аснода кўзлари деярли юмилиб қолган Ғиёснинг иккинчи бор қулаб бораётгани кўриб қолдию, отилиб ўрнидан туриб, шеригини ушлаб қолди:

– Ғиёс! Ғиёс! Сенга нима бўлди?

Ғиёс жавоб ўрнига бир нималар деб ғўлдираб бошини Акбаралининг елкасига қўйди ва шу заҳоти кўзичоқдек пишллаб уйқуга кетди.

– Ғиёс! Ғиёс дейман! – Ажабланган Акбарали шеригини қаттиқ силталади, бироқ бундан фойда йўқлигини кўргач, қизларга қараб узр оҳангида деди: – Биз ҳозир.

Акбарали Ғиёсни судраб ювиниш хонасига олиб кирди, бошига совуқ сув қуя бошлади. Дилобар бориб очиқ қолган эшикни ёпди-да, Тамарага бош ирғади:

– Мижозлар тайёр! Сен у ёқ-бу ёқни қара-чи.

Мамнун Дилобар машина калитини ички чўнтагига жойлаётган маҳал Тамара хонага бир қур кўз ташлади, шкафни очиб, нарсалар орасида турган дипломатни олди. Дипломатнинг қулфланганини кўрган қиз қизиқиш билан сочидан тўғнагич чиқарди ва бир уринишда қулфни очди. Дипломат бир текис таҳланган даста-даста пулларга тўла эди...

Буни кутмаган Тамара қафтларини жуфтлаштирганча, шифтга қараб:

– О Худойим! – деб юборди.

Дилобар телефонида рақам тераётган жойида анграйиб қолди.

Иккала қиз бир-бирига саволомуз қарашди.

Қутилмаганда бунча пулни кўриб, ҳаяжонланган бўлса-да, мияси тез ишлаб кетган Дилобар буйруқ берди:



– Опкетамиз!

Тамара дипломатни кўтарди. Иккала киз очик дераза томон шошишди. Шу махал ювиниш хонаси эшиги очилиб, пишиллаб ухлаётган Ғиёсни аранг судраган Акбарали чикиб келди. У очик дераза раҳига осилаётган Дилобарни кўриб хайрон колди:

– Қаёкка?

Ҳали киз жавоб бериб улгурмасидан Акбаралининг кўзи Тамаранинг кўлидаги дипломатга тушди-ю, ранги бўзариб кетди:

– Ие!

Акбарали шеригини ташлаб олдинга интилди, полга “гурс” этиб қулаган Ғиёсга эътибор ҳам бермасдан Тамарага отилди. Киз чакконлик билан ўзини четга олди. Дилобар дераза раҳидан кайтиб тушишга мажбур бўлди. Акбарали жон алфозда деразани ёпди, зулфинни туширди. Кейин ғазаб билан кизларга каради, аранг гапира олди:

– Ўғ... ўғрилар!

Акбарали кизлар устига бостириб келаверди, улар аста-секин ортга чекинишди. Акбарали ҳамон хориж кўшиғи янграётган телефонга талпинди, аммо уни биринчи бўлиб олиб кўйган Дилобар йигитдан кўз узмаган кўйи дугонасига шивирлади:

– Кўрқма! Ҳозир тамом бўлади...

Гавдаси чайкалиб кетаётган, кўзларини базўр йириб очаетган, алпанг-талпанг кадам ташлаётган Акбарали ўзининг ахволи оғирлашиб бораётганини сездими, эшик томон юрмоқчи бўлди. Бунинг сезган Дилобар лип этиб ўтиб эшикни тўсиб олди.

Вужудини сўнгги кучлари тарк этаётган Акбарали иложсиз холида жойида чайкалиб туриб колди. Сўнг ногоҳ стуллардан бирини олди ва то Дилобар унинг мақсадини англаб олгунга қадар жон-жаҳди билан деразага урди. Дераза жангларга синди.

Бундай бўлишини кутмаган кизлар эсанкираб қолишди.

Йўлақдан шу томонга чошиб келаётган одамларнинг қадам товўшлари эшитилди. Кимдир эшикни урди.

Эшик ортидан Муқаддамнинг овози эшитилди:

– Очинг! Эшикни очинг! Очинг деяпман!

Ранги ўчиб кетган Тамара дугонасига қаради. Дилобар бир сония ўйланиб қолди, сўнг дугонасини кўлидан тутиб ювиниш хонасига олиб кирди. Бу ерда у аввал дипломатни ваннанинг тагига яшириб қўйди, кейин Тамаранинг кўйлагини ёқасини, енгини йиртди-да, жон алпозда дод солди:

– Ёрдам беринг! Зўрлашмоқчи! Ёрдам беринг!

Дилобар кичкириш асносида Тамарага “Сен ҳам бақир” маъносида ишора қилди. Гап нимадалигини унчалик тушунмаган бўлса-да, дугонасининг топқирлигига, ҳар қандай вазиятдан силлиққина чиқиб кетишига ишонадиган Тамара одатига кўра шифтга қараган кўйи кичкирди:

– Помогите! Насилуют!

– Ёрдам беринг! Зўрлашмоқчи!

Дод-войни эшитган Акбарали эшик томон юрди, лекин кўзлари юмилиб кетаётгани, дармони қуригани боис жуда кийналиб аранг бир қадам ташлай олди, холос.

Бир неча лаҳзада ичкарида кизлар ёрдам сўраб дод солаётган хона эшиги ёнида беш-олтита одам тўпланди. Қўрқиб кетган Муқаддам пишиллаб турган бақувват, сочини тақир олдирган, майкачан эркакка – меҳмонхонанинг доимий мижозларидан бўлган Ибодуллаевга қаради:

– Бузинг эшикни, ака!

Худди шу илтимосни кутиб тургандай, Ибодуллаев уч-тўрт қадам ортга чекинди, сўнг чошиб келиб эшикка елкаси билан урилди-ю, қўпорилган эшик билан бирга ичкарига кулади. Унинг ортидан Муқаддам билан бошқалар ҳам хонага отилиб киришди.

Иккала қиз ҳамон зор йиғлаб кўмак сўрашарди:

– Ёрдам беринглар!.. Помогите!..

Ўрнидан турган Ибодуллаев нафрат билан бир столга, бир базўр ўзини ушлаб турган Акбаралига қаради ва бир оғиз:



– Тушунарли. – деди.

Кирганлар орасида Мукаддамни таниди шекилли. Акбарали унга меровсираб караб, аранг ғўлдиради:

– О-опа...

– Ифлос! – бўкириб юборди Ибодуллаев. – Сендакаларни ўлдириш ҳам кам!

У кутурган кўтосдай кўкрагига бир калла уришдаёқ Акбаралини ерга кулатди-ю, уриб-тепиб, аёвсиз калтаклашга тушиб кетди.

Жон-пони чикиб кетган Мукаддам хонага кирганларга ялинди:

– Ўлдириб қўяди! Ёрдам беринглар!

Уч-тўрт эркак Ибодуллаевни Акбаралидан ажратишга тушишди.

Мукаддам милицияга телефон кила бошлади.

\* \* \*

Одамларнинг асабларига бир нима бўлгани рост. Бўлмаса, ёшгина йигит, бор-йўғи йигирма олтида-ю, юраги кисиб қолиб...

Ҳалиям вақтида етиб боришгани. Шунақа пайтлари қўл телефонини ўйлаб топган донишмандга раҳматлар айтгисен келади одамнинг.

Дониёр кислород никоби кийдирилган беморни марказий шифохонага топшириб ҳовлига чиқдию, ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди:

– Улгурдик.

– Бир ўлиб тирилди, энди узоқ яшайди бечора, – деди унинг ортидан бир даста қоғоз кўтариб чиққан Гўзалой.

Дониёрнинг сигарета тутатаётганини кўрган ҳамширанинг афти буришди:

– Яна бошладингизми? Ахир бизни ўқитишган, бунинг бир грамма эшакни...

– Отни.

– Ҳа, ўшани ўлдиради.

– Бунинг эмас, никотиннинг бир грамма.

– Э, нима фарқи бор. Дониёр ака! Нима, ўзингизда қасдингиз борми? Ўпка раки орттириб олиб, ажалингиздан беш кун бурун...

Дониёр кулимсираб кўйди. Сўнг, юлдузлар чараклаб турган осмонга қараб кўйгач, ўйчан тарзда деди:

– Бусиз ҳам ҳаётнинг ўзи ўлим салтанати томон узлуксиз яқинлашувдан иборат. Гўзалоӣ. Биз туғиламиз, ўсамиз, сиймиз, ичамиз, гаплашамиз, ухлаймиз, вояга етамиз, уйланамиз, эрга тегамиз, лекин умримиз дақиқама-дақиқа ўша салтанат томон шиддат билан яқинлашиб бораверади. Буни тўхтатиб қоладиган кучнинг ўзи йўқ.

Гўзалоӣнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

– Сизга нима бўлди. Дониёр ака? Гапларингиз аллақандай жумбоқлимни-сӣ.

– Чарчаган бўлсам керак-да.

Ҳамшира мавзунӣ ўзгартирмоқчи бўлди:

– Келинг, бошқа гаплардан гаплашайлик.

– Майли. – рози бўлди Дониёр. – Лекин гаплашмасак ҳам майли. Ҳавони қара, қанчалар тоза, симириб ичгинг келади.

– Лекин сиз шу тоза ҳавони булғаб... – асабийлашди Гўзалоӣ. – Майли, майли, ўкрайманг, айтдим-ку, энди бошқа гаплардан гаплашамиз деб... Дониёр ака, янгам билан Тошкентга кўчиб кетмоқчи эмишсизлар, шу ростми?

Шифокор қизга ҳайрон бўлиб қаради:

– Ким айтди сенга бу гапни?

– Одамлар. – аниқ жавобдан ўзини олиб қочди қиз.

– Одамлар гапираверади-да.

– Лекин шамол бўлмаса дарахт қимирламайди.

– Дарахтнинг учи.

– Ҳа, ўша-да.

– Одамлар яна нима дейишяпти?

– Гаплар ҳар хил. Сизлар пул йиғиб, шаҳардан катта ховли олармишсизлар-да, кўчиб кетармишсизлар. Кейин сиз илмий иш қиларкансиз. Шунинг учун оилани режалаштириб, ҳозирча... ҳозирча... яъни ўттиз беш ёшгача чет элликларга ўхшаб... аввал карьера, кейин бола деб...

“Бола” сўзини эшитган Дониёрнинг бирдан авзойи ўзгарди, у сигаретасини жаҳл билан ерга ташлаб, туфлисининг учида босди:

– Кетдик!

Дониёр асабий тарзда бориб машинага ўтирди. Эсанкираб қолган Гўзалоё унинг ортидан шошди.

Йўл бўйи индамай кетишди. “Тез ёрдам” “Ором” ресторанидан ўтиб, “Қирғоқ”ка яқинлашаётган маҳал Дониёр зўр бериб эгилиб, меҳмонхонага қарай бошлайди. Буни кўрган Эркин ака тезликни пасайтирди. Гўзалоё энсаси котиб лаб бурди, сўнг ўзи томон ўгирилган хайдовчи билан кўз уриштириб олгач, гаши келгандай бош чайқади. Кулиб кўйган Эркин ака шифокорга қаради:

– Дониёржон, агар зарурат бўлса тўхтатай...

Анча вақтдан бери бирга ишлаётганликлари сабаб хайдовчи Дониёрнинг одатини яхши билиб олганди: хотини сменада пайти шифокор меҳмонхонага серкатнов бўлиб қоларди. Тўғри, бундан ўзи уялар, ўнгайсизланар, натижада ҳеч қовушмаган баҳоналар ўйлаб топар, аммо барибир шу томонга йўли тушса бас, рафикасидан хабар олмай кетмасди.

Ҳозир ҳам Дониёр аввалига хижолат чекиб:

– Йўғ-э... – деган бўлди. Кейин чўнтақларини қовлади, ахири айбдорона қиёфада хайдовчига қаради: – Эркин ака. Калит қоп кетиптими дейман-да. Келингизнинг сменаси кечроқ тугайди...

Эркин ака астойдил афсусланиб бош чайқади:

– Ёмон бўпти-ку. Ахир ҳеч замонда уйга калитсиз кириб бўладими? Ҳозир, ҳозир...

Гўзалоё мазахомуз тарзда “пик” этиб кулиб қўйди.

“Тез ёрдам” меҳмонхона кириш эшиги ёнида тўхтади. Дониёр тез машинадан тушди:

– Мен ҳозир-а...

– Бемалол, Дониёржон, бемалол. Ҳеч шошилманг. Чакирик йўқ, биз синглимиз билан гаплашиб ўтириб турамиз.

Ҳамшира истехзоли оҳангда дукма ташлади:

– Чақчақлашиб.

– Раҳмат. Лекин барибир мен тез...

Дониёр ичкарига шошди.

– Калит эмиш. – ҳамон пичинг қиларди Гўзалоӣ. – Топган баҳоналарини. Ҳалиям туморим демади.

Ҳайдовчи мийингида илжайиб кўйди:

– Дониёржон учун тумори – хотини.

– Буни каранг-а, – баттар жаҳли чиқди ҳамширанинг. – Доим кўйинида об юрсин унда.

Эркин ака ётиғи билан гапиришга уринди:

– Лекин сиз, Гўзалоӣхон, кўпам унинг жиғига тегаверманг.

– Жиғига тегиб нима қипман?

– Кўриб турибман-ку. Сиз билан гаплашиб бўлгандан юзига қизил тошиб кетади.

– Шунақа, бировларнинг юзига қизил тоширадиган ёмон қизман-да.

Ҳайдовчи қизга бир муддат караб турди-да, ногоҳ завкланиб қулиб юборди:

– Эҳ, йиғирма ёш орқага қайтсам эди. Гўзалоӣ!

– Нима қилардингиз, Эркин ака?

– Шартта сизни опкочиб кетардим-кўярдим. Бахтли яшардик. Сизам буйтиб юрмасдингиз.

Ҳамшира хушёр тортди:

– Хўш, мен нима қилиб юрган эканман?

– Биласиз, мен дангал одамман. Шап-шап деб ўтирмайман, – қизга қаттиқ тикилди ҳайдовчи. – Хуллас, синглим, Дониёржоннинг гулдай хотини бор... Дониёржон уни рашк қилади, демак яхши кўради...

– Чақчақлашишимиз... – алам билан гапирди Гўзалоӣ, – гийбатга ўтиб кетди-ку, ака.

– Мен сизни синглимдай кўриб, кўнглимда борини айтдим, Гўзалоӣ. Сизга чакиртиканак бўлиб юриш ярашмайди. Ҳали тенгингиз чиқади...



Бу сўзлар маъносини англаб, ногоҳ юраги симллаб оғриб кетган, кўзларида филт-филт ёш халкаланган Гўзалоёй машинадан тушиб, қоронғилик кўйнига юрди. Эркин ака бош чайкаганча унинг ортидан ачиниб қараб қолди.

Қабулхона бўм-бўш эди. Вужуди музлаб кетган Дониёр атрофга аланглади. Қани у...

Шу пайт биринчи қават охиrhoғидан келаётган шовкин эшитилди. Кўллари мушт бўлиб тугилган Дониёр шу томонга чопди.

Очиқ эшик олдида тўрт-бешта бекорчи томошатаблар тўпланиб олишганди. Шифокор уларни туртиб-суртиб олдинга ўтди.

Хонада эса майкачан Ибодуллаев юзи қонга беланган Акбаралининг кўлларини орқасига қайириб боғламоқдайди.

Оқ халатли Дониёрга кўзи тушган Дилобар ёкасини тутамлаб олган Тамарага шипшиди:

– Эксперт келди.

Эрини кўрган Муқаддам адоён тамом бўлди: ранги қув ўчиб, бутун вужуди калтираб кетди.

Иккала киз Дониёрга қараб бараварига шикоят қилишга тушишди:

– Улар бизни зўрламоқчи бўлишди, ака! Зўрламоқчи бўлишди! Кўркитишди!..

Ибодуллаев бир силташда Акбаралини оёкка турғазди. Кўзларини аранг йириб очган хайдовчи қаршисида қалт-қалт титраб турган Муқаддамни кўрди-ю, у томон юришга уринди:

– Биз...

Кўтосдай бақувват Ибодуллаев бир силташда Акбаралини бир коп пахтадай осонлик билан бир кўлида кўтариб олиб, курсига ўтказиб қўйди.

Дониёр Муқаддамга қаради:

– Бу ерда нима бўляпти?

Муқаддам жон ҳолатда:

– Мен ҳозир сизга ҳаммасини тушунтириб бераман... – деб бошлади.

Аммо Ибодуллаев жуссасига унчалик мос келмайдиган чийилдок овозда жувоннинг гапини кесди:

– Ўртоқ доктор. Одатдаги ҳол. Дальнобойшиқлар меҳмонхонада қолишган, бу ернинг чўталчи кўшмачилари эса, – у нафрат билан Муқаддамга ишора қилди, – шопирларнинг олдига қизларни киритиб юборишган. Нарх масаласида келиша олишмаган ва орада жанжал кўтарилган. Шу:

Бундай талқиндан буткул эсанкираб қолган Муқаддам:

– А-а... – дея эътироз билдиришга ҳаракат қилди, ҳолос.

Ранги бўзариб кетган Донпёр хотинига ўқдай нигоҳини тикди:

– Шу ростми?

– Мен...

– Мен вилоят ободончилик бошқармасининг масъул ходими Ибодуллаевман, – ўзини таништиради майкали эркак. – Мен ҳам онгли бир фуқаро, ҳам ҳокимият вакили сифатида бу меҳмонхонада бўлаётган ифлосликлар ҳақида тегишли идораларга билдирги ёзиб беришга мажбурман, ўртоқ доктор. Марҳамат қилиб исм-фамилиянгиз, иш жойингизни айтсангиз, мен ўз билдиргимда сизни ҳам гувоҳ сифатида тиркаб қўяман. Мен бу ердаги ифлосгарчиликлар шу ерда, шу ҳолида қолиб кетишига йўл қўймайман. Йўл қўймайман!

– Лекин мен... – оқизона эътироз билдиришга уринди Муқаддам, – лекин мен милицияга хабар бердим.

Ибодуллаев бўш келмади:

– Балки сиз хабар берган милиционер ҳам сиздан чўтал олиб турар, а. ўртоқ нозир? Балки тилларингиз бирдир, мен қаёқдан биламан.

– Вой, бу нима деганингиз?

– Бу мен сизни фош этаман деганим, ҳаммангни, меҳмонхонага жойлашиб олган мафияни илдиз-пилдизинг билан қуритаман, деганим. Тушундингизми! Мана, шунча гувоҳим бор! – Вилоят ободончилик бошқармасининг масъул ходими эшик ёнида турган биринчи кишига мурожаат қилди: – Исм-фамилиянгиз нимади...

“Гувоҳ” сўзини эшитган эшик ёнида турган томошабинлар фавқулодда тезликда бир-бир ғойиб бўла бошлашди.

Очиқ эшикдан ўттиз ёшлардаги, новча, мўйловли эркак кириб келди.

– Мана сиз гувоҳ бўласиз! – Ҳеч тап тортмай унга мурожаат қилди Ибодуллаев. – Исм-фамилиянгиз нимаиди?

– Шаҳар ички ишлар бошқармаси терговчиси капитан Жавлон Сулаймоновман. Кечасиям тинч қўймайсизлар-а? – У синган деразадан қарши тарафдаги тўрт қаватли уйга ишора қилди. – Анави “дом” да тураман. Шовкин-суронларингга ярим шаҳар уйғониб кетди-ёв.

Худди шу маҳал Акбарали “гуп” этиб ерга қулади.

Хонага милиционер кирди:

– Ким милицияга қўнғирок қилганди?

– М-мен... – дея олди Мукаддам...

\* \* \*

Юк машинаси тўхтамай ўтди-кетди.

Йўл бўйида турган икки мотоциклчи “КамАЗ”нинг тез узоклашаётган орт қизил чирокларига ажабланиб қараб қолишди.

Тожибой тақир бошини қашиди:

– Тушунмадим.

Жўрабой ўзича тахмин қилди:

– План “Б” га ўтишди-ёв. Майли, би роз кутайлик-чи, хабар бўлиб қолар.

Улар қахвахонага киришди, чеккароқдан жой олишди. Жўрабой егулик айтди, Тожибой ароқ.

Буюртмаларни олиб келган хизматдаги йиғитча қўлини кўксига қўйди:

– Камчилик йўқми, акалар?

– Камчиликлар... етарли, – тўнғиллади шоша-пиша ароқни очаетган Тожибой. – Менга қара, ука, ресторанингнинг алоҳида хонаси борми?

– Тушунмадим, ака.

– Нимасини тушунмайсан? Яхши нарса бўлса, пулига гап йўқ, ука.

Йиғитча ўта жиддий тарзда жавоб қайтарди:

– Манзилда янглишибсиз, ака. Бу ерда унақанги ишлар билан шугулланилмайди. Биз қўшмачилик қилмаймиз.

Шу сўзларни айтгач, ходим нари кетди.

Тожибойнинг ковоғи осилди:

– Тушунмадим. Мен ҳаммага отнинг кашкасидай танилиб қолганманми, нима бало. Жора?

Жўрабой кулимсиради:

– Танимаган одамгайм ўзингни танитяпсан-ку, Толян.

Тожибой алам билан бир пиёла ароқни ичиб юборди.

Йингитлар овқатланиб бўлай деганлари маҳал Тамара кўнгироқ қилиб, Жўрабойнинг тахминини тасдиқлади. Энди, келишувга кўра, булар шаҳарга бориб, меҳмонхонага яқин жойда чакирувни кутиб туришлари лозим эди.

Шаҳарга-ку, бирпасда етиб келишди. Аммо кайфи ошган Тожибойнинг кўнгли меҳмонхонани тусаб қолди:

– Кўзга чиққан сўгалдай бўлиб кўчада турамизми? Йўқ, мен бир соат бўлса ҳам одамга ўхшаб яшашим керак!

Охири унинг ўзига бир хона олишга келишишди. Жўрабой ховлида кутиб турадиган бўлди. Тожибойнинг бахтига шу яқин атрофда хусусий меҳмонхона бор экан.

Тожибой ҳали ишора қилиб улгурмасдан бурун қирк ёшлардаги, ёшига нисбатан анчайин очик-сочик кийинган маъмуранинг ўзи сирли илжайганча, секин шивирлади:

– Агар керак бўлса, яхши кизларим бор, юбораман. Овқатни ҳам хонангизга олиб келишади.

Тожибой жонланиб қолди:

– Ростданми?

Маъмура кўз қисиб қўйди:

– Ўзлари массаж қилиб қўйишади. Бошқа хизматлар бўлса ҳам бемалол. Анавинисини келишиб олсак бўлди.

Тожибой мамнун тарзда қафтларини бир-бирига ишқади:

– Қўлоққа мойдай ёқадиган бир гап айтгандай бўлдингизми?

– Кал бўлсангиз ҳам мард экансиз лекан! – қувончини изҳор этишга шошди маъмура ҳам.

– Мен кал эмасман, опажон. Имржим шунака. – Тожибой Маъмурага шубҳаланиб қаради: – Ё кизларингиз калларга хизмат кўрсатмайdimи?



Маъмура кикирлаб кулиб юборди. ўзига яқин олганини билдиргиси келдимми, тирсаги билан йигитни туртди:

– Йўғ-э, нега унақа деяпсиз? Калликнинг бунга нима алоқаси бор?

– Ундай бўлса калликни тинч кўяйлик-да, мақсадга ўтайлик, опажон.

Маъмура оғзининг таноби қочиб илжайди...

Ховлида ўтиравериб чарчаган Жўрабой ахири хабар олгани “Қирғок” меҳмонхонаси яқинига бордию, кизларни милиция машинасида олиб кетишаётганини кўриб қолгач, ёв қувгандай ортига қайтди ва гумбаздай хотиннинг қучоғида ётган жўрасини тўшагидан деярли суғуриб олиб чиқди. Жўрасининг оғзидан чиққан бир оғиз “Атас!” сўзиданок вазият жиддийлигини англаган Тожибой ортиқча савол-сўроқсиз унга эргашиди: шаҳардан кетиш керакми, кетаверадил: унга барибир. Жўрабой эса зўр бериб ўзини ўзи ишонтиришга уринарди:

– Дилия тегирмонга тўшса бутун чиқадиганлардан... У эплайди... Бир йўлини топади... Мана кўрасан...

\* \* \*

Амалдаги тартиб-қоидага кўра инспектор давлат мулкига етказилган ҳар қандай зарар ҳақида ўз бошлиғига ёзма билдирги топшириши шарт. Зарар миқдоридан келиб чиққан ҳолда билдирги тақдирини бош инспекторнинг ўзи ҳал қиладил ёки тегишли ҳайъатга топширади.

Икки қаватли маъмурий бинодаги иккита кенг-мўл кабинетни эгаллаган Равшан ака ичига ғалла тўлдирилган канордай семириб кетган одам эди. Жуфт рақамни ёктиради шекилли, икки машинали, икки ховлили ва ҳаттоки икки хотинли бош инспектор кейинги пайтлари буркситиб олифталик билан сигара чекишни ўрганиб олган ва ўрни келса-келмаса бу қилиғини қабултига келганларга кўз-кўзлашни ёктирарди.

Мана шу одам кийимлари қуйган, юзига қора қуя сурилиб қолган Тоҳирнинг билдиргисини сигара тутунига кўмилган кўйи ўқиб чиқар-чиқмас тутаклиб, бақир-чақирга ўтди:

– Мен бунни шундай қолдирмайман, Холиёров. Нима, давлат сизга ишониб топшириб қўйган моторли қайиқ ўйинчोक бўлдимикки, истасангиз сувга чўктирасиз, истасангиз ёқасиз!

Бошлиқ олдинги гал рўй берган ҳодисани тилга олаётганини тушунган Тоҳир изох беришга шошди:

– Чўкиб кетган қайиқнинг пулини тўладим-ку, ўрток бошлиқ.

– Тўламадингиз! Ойлигингизни бир йил мобайнида босиб қолдик. Ҳалиям раҳмат денг, бирдан ҳаммасини қуртдек санаб олмадик. Ана унда уйингизни тополмай қолардингиз.

– Раҳмат, Равшан ака, раҳмат. Лекин бу сафарам тасодифан рўй берди. Эҳтиётсизлик оқибати. Ўлай агар атай қилмадим. Мотордан бензин оқиб кетган экан. Билмай чақилган гугуртни ташлаб юборибман.

– Билмай эмиш... – Бош инспектор бирдан Тоҳирга шубҳаланиб қаради: – Чекмасдингиз шекилли?

– Ҳа, энди, баъзан-баъзан. Жуда хумори тутиб қолганда.

Негадир бу гапни эшитган Равшан аканинг мамнунликдан кўзлари чакнаб кетди:

– Кўрдингизми яширинча чекишнинг оқибатини! Чексангиз бизга ўхшаб очик-ошкор чекинг-да, ука. Ошинг халол бўлса кўчада ич, деганлар машойишлар. Ана ўшанда қайиғингизам ёниб кетмасди. Тўғрими?

– Тушунмадим, ўрток бошлиқ.

– Бунинг нимасини тушунмайсиз? – Равшан ака чўнтагидан зажигалка чиқарди. – Агар ҳақиқий кашанда бўлганингизда эди, чўнтагингизда гугурт эмас, зажигалка олиб юрардингиз. Зажигалкани эса ёкиб ташлаб юборолмасдингиз. Демак қайиғингизам ёнмаган бўларди. Сизам таъмирлаш ҳақини тўлаб юрмаган бўлардингиз.

Тоҳир эътироз билдиришга уринди:

– Лекин Равшан ака...

– Бўлди, гап тамом-вассалом! Сизга охирги хайфсан эълон қиламиз. Қайиғингизни таъмирлашга кетадиган пулни тўлаш шарт билан, албатта. Майли, шунча йил бирга ишлаганимиз ҳурмати, нақд тўлаб юрманг, ойлигингиздан босиб кўя қоламиз.

- Шунисигаям раҳмат. ўрток бошлик.
- Боринг. Айтгандай. сизга бир акалик маслаҳатим бор.
- Эшнтаман.

Равшан ака паға-паға тутунни кўкка пуфлади:

– Чексангиз очик чекинг. Айримларга ўхшаб пана-пасткамда тутатиб юрманг. Мана, кўрдингиз оқибатини. Агар жуда сигарет ёкмаса, мана, – у чўнтагидан носковок чикарди, – носга ўтинг. Бунинг дахмазаси камроқ. Гугурт-зажигалкаям деб бошингизни оғритиб юрмайсиз.

Тохир беихтиёр кулимсираб кўйди:

- Хўп. Раҳмат, Равшан ака.
- Шунака бўлсин, ука... Хайр....

\* \* \*

Кенг-мўл ётоқхона юракни сиқиб юборадиган даражада торайиб қолгандай эди. Диванга эса тўшак эмас, янтоқ солингандай...

Дилшод асабий тарзда у ёкка юрди, бу ёкка юрди, чирокни ўчирди, диванга ётди, аммо шу заҳоти ўрнидан сапчиб туриб кетди, яна чирокни ёкди, яна юрди. Ахири у ўзини бир оз бўлса-да қалғитиш учун компьютерни ёкди, интернетга кирди.

Янгиликлар... Ҳамма ўзи билан ўзи банд... Ҳеч кимнинг Дилшод билан иши йўқ... Бахтиёр одамлар...

Интернетда алоқага чорловчи сигнал пайдо бўлди. Дилшод беихтиёр керакли тугмачани босиб, митти камерани ўзига тўғрилади.

Компьютер экранида қулоғига наушник тақиб олган Ноила кўринди:

- Қалайсиз, Дилшод ака.
- Ёмонмас. Ўзингиз яхшимисиз?
- Ярим кечаси нега ухламаяпсиз?
- Ўзингиз-чи?
- Мен дарс қиляпман. Эртага имтиҳон.
- Мен шундай ўзим. Уйку қочиб кетди.
- Уйқусиз кеча денг.

– Биласизми. Ноила, ҳозир...

– Ёлғиз қолгингиз келаяпти шекилли, – ҳафсаласи пир бўлганини яшириб ўтирмади қиз. – Бемалол. Менинг ҳам сиз билан суҳбатлашаман деб кўзим ўчиб тургани йўқ.

Қиз жаҳл билан компьютерини ўчириб қўйди. Йингит оқариб қолган экранга маънисиз тикилиб ўтираверди.

Ахири охишта мусиқа эшитилган маҳал Дилшод ўзига келди ва жон ҳолатда қўл телефонига ёпишиб, ваҳима ичида сўради:

– Нима бўлди?

Мансурнинг шивирлагани эшитилди:

– Ўйланма, ўртоқ. Ҳаммаси жойида.

– Бу нима деганинг?

– Қисқаси, анавини... қопга жойладим. Ичига беш-олтита тошам қўйдим. Ўзиям оғир экан аммо-лекин. Бир қоп гўшт. Хом гўшт.

Дилшод буткул гарангсиб қолди:

– Тош?

– Чўкиб кетсин учун-да. Бўлмаса мурда сув юзасига қалкиб чиқади.

– Сен... ўзи қаердасан?

– Қамишзорда.

Дилшоднинг нафаси ичига тушиб кетди:

– Энди... энди нима қилмоқчисан?

– Айтдим-ку, ҳаммаси жойида бўлади деб. Мен ҳозир бунини... сувга чўктираман. Шу билан... шу билан тамом-вас-салом. Туя кўрдингми – йўқ!

Дилшоднинг тишлари тақиллади, пешонасига муздай тер тепчиди:

– Мен... мен кўрқиб кетяпман.

Мансур дўстини хотиржам қилишга уринди:

– Сен кўрқма. Бунинг ҳаммасини туш деб қабул қил. Ёмон туш деб. Эрталаб туриб сувга айтасан, бўлди, шу билан эсингдан чиқади-кетади... Бўпти. Шошилишим керак. Яна битта-яримтаси кўриб-пўриб қолмасин. Хайр. Кўришгунча. Сен ухла.



Буткул эсанкираб қолган Дилшоднинг кўлидан тушиб кетган телефондан қиска гудоклар эшитилди...

Йилнинг энг қиска туни яна бир сирнинг шоҳиди бўлди.

Мансур оғир қопни кўтарганча қамишзор ичидан, тизза бўйи сувдан кечиб ўтгач, оқар сувга чиқди. Дарё ой ёғдусида сут қаби оқарди.

Мансур елкасидаги юкни аста пастга туширди-да, қопни оқим бўйлаб сураверди. Қоп аста-секин сувга бота бошлади. Ниҳоят сув юкни олиб кетди. Мансур диққат билан қараб турди, қоп сув юзасига қалқиб чиқмади.

Енгил тортган Мансур қафтларини бир-бирига ишқалади:

– Мана энди бўлди.

Йигит қамишзор оралаб орқага қайтди, қирғоққа чиқиб, “Москвич”га ўтирди ва қаттиқ газ берганча машинасини вориллатиб хайдаб кетди.

\* \* \*

Тоҳир билан гаплашгандан сўнг ротакамига хавотирга тушиб қолган Гулноза сумкасига нарсаларини жойлаб бўлгач, ётоққа бўйлади. Эри хириллаб-пишиллаб ухларди.

Гулноза ғилдиракли жомадони туткичидан ушлаганча йўлакка ўтди. Қўлида китоб билан хонасидан чиқиб келган Ноила онасини бу аҳволда кўриб хайрон қолди:

– Тинчликми, ойижон?

– Бобонгнинг мазалари кочиби қолибди. Қўнғироқ қилишди.

– Вой, нима бўпти?

– Шамоллаш дейишди.

– Бир ўзингиз кетяпсизми? Адам-чи?

Гулноз аввал иккиланиб туриб қолди, сўнг ростига кўчди:

– Адаг... ҳали анча ухлайдилар. Бегофта қилмай қўя қолай.

Ноила типирчилаб қолди:

– Менам жон деб сизга қўшилиб борардим-у, лекин сессия пайти...

– Сен дарсингдан қолма. Борганимдан ўзим қўнғироқ қиламан, кизим.

– Хўп, ойижон, телефонингизни қутаман. Яхши етиб боринг. Уйдагиларнинг ҳаммасига салом айтиб қўйинг. – Бир муддатлик мулоҳазадан сўнг Ноила ўз режасини айтди: – Мен яхшиси, агар унғача қайтиб келиб қўймасангиз, шанба кuni тушдан кейин йўлга чиқаман. Якшанба кuni бирга қайтамыз. Хўпми?

– Телефонлашамиз. Дарсга кетишинг олдидадан адангга нонушта тайёрлаб қўй. Устидан сочиқ ёпиб қўйсанг, совиб қолмайди.

– Биладан, ойижон. Эртага бемалолман. Имтихон тушдан кейин. Адамни овқатлантириб, кейин кетаман. – У жомадонга қўл чўзди: – Ёрдамлашвораман.

– Ўзим.

Ноила ойисининг икки юзидан чўлпиллатиб ўпди:

– Хаёр, ойижон.

\* \* \*

Дарё бўйида ўсган одам оқимнинг қаерда кенгайиб, қаерда торайишини, инчунун, фалон жойда ташланган сувда чўкмас нарсани пистон жойда бемалол тутиб олиш мумкинлигини жуда яхши билади.

Қаҳҳорнинг эскирок “Жигули”си бор экан. Бердиқул билан Самад йўл кўрсатиб туришди. Ишкилиб, учовлон бирпасда дарё торайган жойга етиб келишди-да, сувдан кўз узмай, сабр билан ўлжаларини кута бошлашди.

– Бердиқулжон, – деб қолди Самад хушомадомуз оҳангда. – анави аблаҳни бопладингиз лекин. Бир яйрадим, бир яйрадим.

Бердиқул бепарво қўл силтади:

– Гапирманг. Бу бошланиши ҳали. У билан ўзимнинг алоҳида ҳисоб-китобим бор.

Ногоҳ Қаҳҳор қичкириб юборди:

– Ана! Ана!

Дарҳақиқат, ой ёғдусида дарё сатҳида оҳиста оқиб келаётган қайиқ кўзга ташланди.

Бердикул Қаххорга каради. Бунинг маъносини тушунган Қаххор дарҳол ўзини оклашга тушди:

– Мен сузишни билмайман. Чўкиб кетаман!

Бердикул нигоҳини Самадга тикди. Самад ҳам ўзини олиб қочишга уриниб кўрди:

– Хайр қилсанг бутун қил. деганлар. Бердикулжон. Бу ёғиниям ўзингиз тўғрилаб берасиз-да, а?

Бердикул унга ўқрайиб каради:

– Балиғингизни бозорга опчикиб сотиб, пулингиям опкелиб беришим керақдир балки? Бўлди, тушинг!

Ноилож қолган Самад ечина бошлади:

– Нима бўлса Самад, Самад! Ўлмаган жоним!

– Мендан битта яримта! – таклифини айтди Қаххор.

Самад хурсанд бўлиб кетди:

– Бу бошка гап!

Самад трусичан холида ўзини сувга ташлади, ух-ухлаганча пишкириб сузиб бориб, қайикка чикиб олди. Кейин қалт-қалт титраган холида бир амаллаб эшкак эшиб, яқин келди. Бердикул билан Қаххор қайикни кирғокка тортиб олишди. Қайикда балиқлар ҳам, тўр ҳам, Тохирнинг қайиғидан олинган эшкаклар ҳам бус-бутун турарди.

Шоша-пиша кийинаётган Самад Қаххорга буюрди:

– Қопларни опке!

Энди машинага караб югурмоқчи бўлаётган Қаххор дарёга кўз ташладию:

– Анавини каранглар! – дея бақириб юборди.

Бердикул билан Самад шу томонга қарашди. Сувда оғзи боғланган қоп оқиб келарди.

Самад хайрон бўлди:

– Чўкмапти.

– Ичи тўла пул бўлса-я! – ширин тамшанди Қаххор.

– Пул бўлса чўккан бўларди, каллаварам! – шеригини жеркиб ташлади Самад.

Ўз тахмини ўзига маъкул туйилиб кетган Қаххор бўш келмади:

– Салафанга солинган бўлса-чи?

Бу сафар Самад иккиланиб қолди.

– Нима бўлсаям қизик... – нягини қашлади Бердиқул ва Самадга маънодор қаради.

Энди кийиниб бўлган Самад тўнғиллай-тўнғиллай ечина бошлади:

– Нима бўлса Самад. Самад! Бу дунёда мендан бошқа одам йўқдай.

– Мендан яна битта яримта! – ҳаяжонланиб хитоб қилди Қаххор.

Самад дарҳол мулоҳим тортиб, рози бўлди:

– Майли, қўймадиларинг-қўймадиларинг-да.

Самад сузиб бориб, суриб келган қопни Бердиқул билан Қаххор қирғоққа тортиб олиб чиқишди.

Қаххор хансираб қолди:

– Оғир экан. Ишқилиб, овора бўлганимизга яраша нарса бўлсин-да.

Бердиқул ерда ётган қоп шаклига қараб қолди:

– Менимча, бу одам.

Самад кийинаётган жойида такка тўхтади:

– А?

– Тўғрироғи, одам мурдаси, – мулоҳазасини давом эттирди Бердиқул. – Қаранглар, мана боши, мана гавдаси, мана оёқлари.

Қаххор бир қадам ортга чекинди:

– Бердиқулжон ука, қайтариб ташлаб юбора қолайлик дарёга.

– Ҳа, шундай қилайлик, – дарҳол рози бўлди Самад. – Ҳов бир йили далада ўра қазитганимда бир суяк чиқиб қолганида милиса қанча овора қилганди. Кейин аниқлашди, у эшакники экан. Бу одам бўлса.

Қаххор гапни илиб кетди:

– Оч қорнимиз – тинч қулоғимиз, Бердиқулжон ука.

– Қани, аввал кўрайлик-чи, бу эркакми, аёлми. – Бердиқул шерикларига тик қаради: – Балки қулоғида зираги бордир. Балки оғзида тилла тиши.



Самад шошиб ўзини четга олди:

– Йўк, йўк, унака нарсадан худонинг ўзи асрасин.

Қаххор титраб кетди:

– Мен унака нарсалардан кўркаман, Бердикулжон ука.

– Мен барибир очаман.

Бердикул коп оғзидаги ипни еча бошлади. Самад билан Қаххор яна бир неча кадам оркага чекиннишди.

Ип ечилиб бўлгач, Бердикул коп ичига қаради ва ҳуштак чалиб юборди.

– Бердикулжон, – сўради Самад, – эркакмикан ё аёлми?

Бердикул бош чайкади:

– Ҳм-м... Менимча... ҳунаса.

– Йўғ-э?

– Бемалол якин келаверинглар. Кўркманглар, бу тишлаб олмайди.

Барибир Самад яқинлашмади:

– Бердикулжон, укажон, менинг кўришим шарт эмасдир.

Ўзи юрагим слабийроқ.

– Мен ўликдан кўркаман, – унга жўр бўлди Қаххор.

Бердикулнинг жахли чиқди:

– Нима, мен сизларга ғассоллик қилинглар деяпманми?

Келиб кўринглар деяпман. Балки танирсизлар. Нимагадир менинг кўзимга жуда иссиқ кўриняпти, лекин қаерда кўрганимни эслолмаяпман.

Самад билан Қаххор кўрка-писа копга яқинлашишди.

– Э, Худо! Ишкилиб, бир балога гирифтор қилма! – Аянчли нола қилган Самад Қаххорга шивирлади: – Бундан кўра кайиғимиздан айрилиб, отнинг калласидай жарима тўлаганимиз яхшимиди...

– Шунакага ўхшаб турибди.

Икковлон яқинлашган маҳал Бердикул копни шартта кўтарганча:

– Жон кирди! Ўликка жон кирди! – дея уларга ташланиб колса бўладими!

Самад билан Қаххор жон халпида диконглаб қочишди. Қаххор хатто додлаб юборди:

– Вой, ўлдим!

Қотиб-қотиб қулаётган Бердиқул ахири тўхтади. Анча нарига борган Самад билан Қаххор унга хавфсираб қарашди.

– Қайтинглар-э, қуён юраклар! Шу юрак билан эркакман деб юрибизларми ҳали?!

Самад билан Қаххор ноилож бир-бир босиб яқинлашиб келаверишди. Бердиқул тантанавор тарзда қопни ағдарди.

Қопдан бўйин ўртача одамга тенг полиз кўриқчиси чиқди. Қалла ошқовоқдан қилинган. Гавда, қўллар ва оёқлар одамникига ўхшаш.

– Мана сизларга тирик мурда!.. Танидиларингми?

Ўзини босиб олган Самад кўриқчига диққат билан қаради:

– Бир нарса дейиш кийин. Олтибой бобонинг даласида шунақаси турарди шекилли.

– Йўк, менимча бу Каромат опанинг томорқасидан, – билагонлик қилишга уринди Қаххор. – Яна билмадим.

– Болалар... хазиллашишган шекилли, – тахминини ўртага ташлади Самад.

– Ҳа, ўшаларнинг иши бу! – деди Қаххор ишонч билан. – Бировнинг юрагини ёриб қўйишдан ҳам тоймайди шумтакалар!

Бердиқул диққат билан қоп ичини кўздан кечиравди:

– Ким билади, балки бу катталарнинг ишидир... Тажрибаси йўқрок шекилли. Қопга тош ўрнига кесак солганга ўхшайди. Кесак сувда эриб кетган. Шундан кейин қоп сув юзасига чиқиб қолган.

– Полиз кўриқчисини чўқдириш кимга зарил кепти? – сўради Самад.

– Менам шунини айтаман-да... Қани, сизлар баликларни жойлайверинглар-чи.

Самад билан Қаххор “Жигули” юкхонасидан қопларни олиб келиб, қайиқдаги баликларни сола бошлашди. Бердиқул ҳамон сирли полиз кўриқчисига тикилиб турарди.

Қаххор шеригига шивирлади:

– Ошнасини кўриб қолдимин дейман уқангиз?

– Қўявер, – қўл силтади Самад. – У ёқдан сал анакарок бўлиб қайтган ўзи бу.

– Бизга ёрдами тегди. Ишкилиб, беғаразмикан?

Самад сассиз кулди:

– Мушук текинга офтобга чиқармиди. Қаҳҳорбой. Униям бир улушга қўшамиз-да. Майли, унгани фойда. Бизга така бўлсин – сут берсин. Шунча балиқни биров йўлимизга чиқариб қўярмиди?

– Буям тўғри лекин.

– Хўш, гап бундай, акалар, – деб колди ногоҳ Бердикул. – Мени кишлокка ташлаб ўтасизлар. Ўзларингиз тўғри бозорга бораверасизлар. Мен оркаларингиздан тез етиб бораман.

Самад қўлини кўксига қўйди:

– Хўп, ука, хўп.

\* \* \*

Дадаси кийимининг у ер-бу ери куйган, юзига қорақуя чапланган холда кириб келганини кўрган Дилмурод анграйиб қолди.

– Нима бўлди, дада?

Тоҳир кулимсираб, хотиржам жавоб берди:

– Бандитлар ўки. Шунинг учун сени ўзим билан олиб кетмоқчи бўлгандим-да.

– Жиддий сўраяпман, дада.

Тоҳир келиб ўғлининг ёнига ўтирди:

– Э, арзимаган нарса. Қайик ёниб кетди.

– Шундай, ўз-ўзидан ёниб кетдими?

– Анави қисқа туташув... кейин бензин оққан экан, қарамабман. Қисқаси, Равшан ака топиб айтганидай, давлат мулкига масъулиятсизларча муносабатда бўлганлигим оқибати бу.

– Охири нима бўлди?

– Нима бўларди, яна битта хайфсан-да. Қайиқни таъмирлаш учун кетадиган пулни ойлигимдан олиб қоладиган бўлишди.

Сал ўзига келиб олган Дилмурод истехзо қилишдан ўзини тийиб туролмади:

– Демак бу оӣ ҳам ойликсиз коларкансиз-да.  
– Бир амаллармиз, ўғлим. Жон саломат колди, шунгайм шукр. Майли, мен бир ювиниб олай-чи.

Тоҳир ўрнидан турди.

– Дада, шу ишингизни ташласангиз бўлмайдимми? – деб колди тўсатдан Дилмурод.

Тоҳир ювиниш хонаси томон кетаётган маҳали жойида тўхтади:

– Бу нима деганинг, ўғлим?

– Инспекторнинг кайиғида бензин ўз-ўзидан оқиб ётмаслигини мен ҳам билтаман. Демак буни уюштиришган, тўғрими?

Тоҳир аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Ёмонлар жазосини олади, ўғлим.

– Қачон? – Асабий равишда сўради ўғил. – Қайиқ билан кўшилиб ёниб кетганингиздан кейинми?

– Нафасингни иссиқ кил-э.

– Ахир буни бегоналар қилмаганини ўзингиз ҳам билиб турибсиз-ку. Шу, ўзимизнинг ҳамқишлоқлар. Улардан бир-иккитаси қариндошимиз чиқиб қолсаям ажаб эмас. Шу даражага боришибдимми... Дада, нима қиласиз ҳамманинг кўзига ёмон кўриниб?

– Мен ўз ишимни бажаряпман, – ўғлининг таънаси нафсониятига теккан бўлса-да, иложи борича совуққон бўлишга уринди Тоҳир. – Бировга ёқиш учун ишламаяпман, ўғлим. Буни сенга айтганман.

– Хўп, шу иш сизнинг жону дилингиз экан, шу ишсиз яшай олмас экансиз, ҳеч бўлмаса бошқа жойга бориб инспекторлик қилинг.

– Бу ер-чи?

– Ахир... – фикрини тушунтиришга уринди Дилмурод, – ахир кишлокнинг ярми қариндош-уруғларимиз. Гоҳ унисини ушлайсиз, гоҳ бунисини. Акт тузасиз. Жарима соласиз. Қайиқларини, тўрларини олиб қўясиз.

– Қонун шуни талаб қилади, ўғлим, мен эмас.

– Ахир, дада, қонунниям одамлар ёзгандир, роботлар ёзмагандир.



– Ўғлим. – Тохир қайтиб Дилмуроднинг ёнига ўтирди. – Сенам мени тушун. Бугун биттасига тоғам деб кўзимни юмсам, эртасига бошқасига жияним деб... унда бир-икки йил ичида дарёда балиқ зоти қолмайди-ку.

– Ваҳиманиям қиласиз-да. Саккизта одам овлагани билан катта дарёда балиқ қолмас эмиш.

– Қўйиб берсанг, одамнинг нафси ёмон, ўғлим. Одамнинг ўзи тўйгани билан кўзи тўймайди. Дарё нима экан, денгиз, океаниям шип-шийдам қилиб ташлайди. Ахир балиқ етти хазинанинг бири деб айтгандим-ку сенга.

– Хазина эмиш! Ундан кўра ўзингизни ўйласангиз яхши бўларди.

– Менга нима кепти, ўғлим?

Хис-туйғуларини ортиқ яшира олмай қолган Дилмурод титраб-қакшаб гапирди:

– Дада, ахир кўр эмасман, ҳаммасини сезиб-билиб турибман. Одамлар кейинги пайтлари сизни тўй-маъракаларга чакирмай қўйишди-ку.

– Ҳамма эмас, айримлар. Аламзадалар.

– Нима, энди иш деб яккамоховга айланиб қолмоқчимисиз? Ахир... Иш, иш деб... – Товуши титраб кетган Дилмурод ўрнидан сакраб турди: – агар... агар шу ишингиз бўлмаганида эди, балки ойижоним... ойижоним... ҳозир тирик юрган...

Дилмурод хўнграб йиғлаганча ўзини ташқарига урди.

– Ўғлим!

Тохир боласининг ортидан интилган ҳолида гандираклаб кетиб, пойгакка ўтириб қолди, бошини қўллари орасига олиб чангаллади, кейин беҳол ўрнидан туриб дераза ёнига, деворга осилган рамкали суратлар ёнига борди. Мана, ўртадаги сурат. Унда қайиқда учовлон: ўзи, рафикаси, матросча қўйлақ кийган Дилмурод.

Тохир суратга узок тикилиб қолди, кейин деразадан ташқарига бўйлади.

Тонг ёришиб келмоқда эди...

## II боб

Ким билди, нимадандир шубҳаланганми ё ишлардан унчалик кўнгли тўлмаяптими, ишқилиб, Муҳиддинбой кейинги пайтларда иш юритувчисини кўп тергайдиган бўлиб қолган. Ваҳоланки, яқин-яқингача уни ҳаммага ибрат қилиб кўрсатарди, оғзидан бол томиб мақтарди, бир сўз билан айтганда, бошига кўтариб юрмасди ҳисоб.

Бугун ҳам шундай бўлди.

Одатига кўра тонг ёришар-ёришмас юмушига жўнаётган Муҳиддинбойни Ҳикоятхон дарвоза ёнига қадар қузатиб қолди:

– Яхши бориб келинг, дадаси.

Маҳобатли дарвоза ёнида зулукдай қора хизмат машинаси турарди. Муҳиддинбойни кўрган Рустам шошиб орқанги эшикни очди ва шу ҳолида ним эгилиб турди.

– Ассалому алайкум, хўжайин.

– Ваалайк...

Муҳиддинбой ўтиргач, эшикни охишта ёпган Рустам хайдовчининг ёнидан жой олди. Машина текис йўлда гўёки сузиб кетди.

То ўзи оғиз очмагунга қадар иш бошқарувчисидан сас чиқмаслигини билган Муҳиддинбой сўради:

– Келишдимми?

Рустам шу заҳоти жавоб берди:

– Келишди.

– Ҳайтовур одамга ўхшаб кутиб олдиларингми?

– Ҳаммаси айтганингиздай бўлди, хўжайин.

– Мен айтгандай эмас, айтганимдан ҳам ортиқроқ, талаб қилганимдан ҳам зиёдароқ бўлганида кўнглим тўлади. Шунга билиб қўй, Рустам.

Рустам итоатқорона бош эгди.

Дадасининг ишга кетганини кўрган Дилшод чала-чўлпа ювинди-да, хонасидан туриб пулт тугчасини босиш билан машинаси моторини юрғазди. Кейин кийиниб, ҳовлига чиқди.

Дилшод машинасига ўтирган маҳал Ҳикоятхон шошиб етиб келди:

– Нонушта килмабсан-ку, болам?

– Иштахам йўқ, ойи.

– Даданг сенга неча марта айтган ахир, эрталабки на-  
сибангни... – Ҳикоятхон ўғлига шубҳаланиб қаради: – Ҳай,  
тинчликми, болам? Рангингда ранг йўқ, кўзларинг қизариб  
кетибди. Ё яна туни билан интернатда ўтириб, бировлар би-  
лан хат ёзишиб чиқдингми?

– Ойи, шошиб тургандим.

– Мана мени айтди дерсан, бу интернат деган бало сени  
яхшиликка олиб бормади. Ахир қайси эс-хуши нармалний  
киз интернатда йигит билан танишади, а? Шуни билиб қўй,  
унақа жойларда фақат ненармалний кизлар бўлади. Бўлди,  
шу бугуноқ дадангга айтиб, ҳаммасини уздириб ташлайман.  
Етар шунча чидаганим!

– Ойи, “интернат” эмас, “интернет”.

– Э, нима фарқи бор... Айтгандай, сенга нима демоқчи  
эдим-а... Ҳа, эсимга тушди. Даданг каттиқ тайинлади, эрта-  
индин бир Тошкентга ўтиб келишинг керак экан.

– Бирон иш биланми?

Ҳикоятхон илжайди:

– Гўёким билмайдилар. Учрашувга, ўғлим, учрашувга.  
Дадангнинг оғайниларининг кизлари билан.

– Ойижон, келинг шу гапларни... кечқурун гаплашайлик.  
Ҳозир ростданам шошиб тургандим.

Кайфияти тез ўзгариб турадиган Ҳикоятхоннинг бирдан  
жаҳли чиқиб кетди:

– Сен қанақа бола бўлдинг, а. Қип-қизил бекорчисан-у,  
онанг билан гаплашишга икки минут вақтинг йўқ. Кечқурун  
эрталаб дейсан, эрталаб кечқурун. Нима, мени мазах  
киляпсанми, а?

– Ойи. Келаман-ку шу уйга.

– Йўқ, биратўла келмай қўя қол. Юравер маза қилиб дай-  
диб. – Ҳикоятхон йиғламсиради: – Тўғри-да, энди катта бўлиб  
қолдинг, сенга энди она нега керак? Она чакалоқлигингда

керак эди, болалигингда керак эди, касал бўлганигда керак эди...

Дилшод машинадан тушиб, онасини кучиб олди:

– Ўзимнинг ойи-жоним!

Ҳикоятхон пиқиллади:

– Лекин билиб кўй, бола, саёк юрган таёк ейди. Қоронғида юрган... бир нарсани босиб олади, а? Палакат оёқ остида деганлари шунақа бўлади, болам. Кейин минг оҳ чек, афсус қил, барибир уч чакалик фойдаси бўлмайди.

Бирдан ҳушёр тортган Дилшод қайтиб машинага ўтирди.

– Сен саёғам юрма, қоронғидаям юрма, – насиҳат ўқишда давом этарди она. – Кимнинг боласи эканлигингни унутма.

– Хўп, ойи.

– Шунақа бўлсин, болам.

Машина дарвозадан чиқди. Кайфияти кўтарилган Ҳикоятхон ўғлининг ортидан ғурур билан қараб қолди:

– Туф-туф, кўз тегмасин!

\* \* \*

Ноила ойисига берган ваъдасининг устидан чиқди: адасининг уйғонишига қўймоқ ҳозирлаб қўйди. Аммо кўзлари киртайиб қолган адасининг дастурхонга иштаҳасиз тикилиб ўтирганини кўргач, қаҳва тайёрлай бошлади.

– Қанча шакар солай, ада? Сут-чи?

– Керак эмас. А-аччиқ бўлсин, – қийналиб гапирди Файзулла.

– Шакар спиртни ўзига ютиб олади дейишарди-ку.

Файзулла қулган бўлди:

– Э, қанақасига ютади? Спирт деганинг ўзи шакардан тайёрланса.

– Шунча ўзингизни қийнаб зарилми, ада. Ичманг-қўйинг ўша зормандани. Эрталабдан бош тарс ёрилиб кетай деяпти, кўнгил айниган, иштаҳа йўқ. Шу-унча ташвишни пулга солиб оласизлар-а. Мана.

– Опке-чи. – Файзулла чашкадаги қаҳвадан хўплаб кўрди. – Бунча иссиқ, лабимни куйдириб олдим-ку.



– Лабим қўймасин десангиз шошмасдан ичинг-да, адажон. Ёв қувяптими бунча?

– Бўлди, бўлди, сенга гапир-у, коч. Айтгандай, ойинг кани?

– Хайрият-эй. Ахири сўрадингиз-а. Кечаси хабар келди, бобомнинг мазалари бўлмайдими. Шунга тонг саҳарда жўнаб кетдилар. Сизга айтиб қўйишимни тайинладилар.

Файзулла номаълум нуқтага тикилган қўйи бир муддат ўйланиб қолди, кейин алам билан гапиришга уринди:

– Шунака, бизнинг хоним эр деган жонивордан бир оғиз сўрамайди, хоҳлаган маҳал хоҳлаган жойинга кетаверади.

Ноила бош чайкади.

– Ўхшамадимми?

– Ўхшамади, адажон. Лоқайдлигингизни билдириб қўйяпсиз.

Файзулла ўзини оқлашга уринди:

– Бу ичкиликнинг таъсири бўлса керак.

Ноила дадасига ён босди:

– Эҳтимол.

Файзулла девордаги соатга қаради:

– Кетмайсанми энди дарсингга? Тураверасанми бошимда қакқайиб?

Ноила мийиғида жилмайиб қўйди:

– Адажон. Бўлди, айтганингиздай ойимларга телефон қилиб, бобомларнинг аҳволини сўрайман, уларга сизнинг қизинг саломингизни етказаман. “Бирон нима керакми? Бемалол айтавераркансиз”, дейман. Кейин ойимларга тезроқ қайтишларини тайинлайман. Сизнинг номингиздан, албатта. Агар шанбагача келолмай қолсалар, ўзим бориб қолишим мумкинлигини ҳам айтиб қўяман. Яна бошқа топшириқлар борми?

– Ўзимнинг ақлли қизгинамдан! – Тўлиқиб кетган Файзулла ўрнидан турди ва кизининг пешонасидан ўпиб қўйди. – Ҳаммасини шундай қил... Хўп, мен кетдим бўлмаса.

– Аввал қаҳвани ичиб олинг, адажон.

Файзулла тик турган ҳолида шошиб чашкани кўлига олди.

\* \* \*

Ёш Турғунбой кўча адоғидаги дарёга энг яқин уйни танлаганида бир-иккита ўртоқлари роса ваҳима қилишганди. Йўқ, мана, орадан деярли ярим аср ўтди ҳамки, бирон марта бўлсин тошқин-сел хавфи пайдо бўлмади. Тўғри, уч-тўрт марта, ундаям ёғин-сочин кўпайган кўклам чоғлари дарё суви кўпириб-тошиб, то ҳовли эшигига қадар етиб келди, аммо хар сафар – Худонинг қудратини қарангки! – баайни буйрук берилгандай, бу ёғига ўтмади, ҳеч бир зиён-захмат отказмасдан ортга қайтди...

Дўхтир кетганидан сўнг мана шу уйда жўраларининг хазил-хузил гапларини жилмайиб эшитиб ўтган Турғунбой ота ҳе йўқ-бе йўқ бирдан ухлаб қолса бўладими! Эҳтимол бу уқолнинг таъсиридир.

Шундай бўлса ҳам бу ҳолдан Ўктабр ота бир оз оғринди. ҳатто:

– Ҳой, жўра, мен гапиряпман, атла айтмаяпман, – деб ҳам кўрди.

Бирок Турғунбой ота пишиллаб ухлайверди. Гурунғ совида.

Аллақачон бўшаган қадини қучоқлаб ўтирган Серсенбой ота бир-икки ўрнидан кўзгалтиб кўйди, ҳатто энгашиб, жўрасининг қулоғига “Кетебизма?” деб шивирлади ҳам. Бунга жавобан Ўктабр ота унга муштини ўқталди: “Мана кетасан!”.

Ниҳоят тонг отди.

Маърифат хола иккага буги чиқиб турган қоса кўтариб кирди.

– Бу не, келин? – деб сўради Серсенбой.

– Озгина ширчай қилгандим.

Серсенбой қўлини силтади:

– Жўк-жўк, келин, абар бунни. Қимиздан сўнг сут ишбеймин. Қара шай бўса мейли.

Жўрасини гап билан эзишга баҳона кидириб ўтирган Ўктабр ота яйраб кетди:

– Келин, Саке қариб, одамлик сиёғидан чиқиб қолди ўзи. Қимиздан кейин сут бўлмасмиш. Қўнғизга арпа баҳона-да. Ўзи бўлмайди бунинг. Бир пиёла сут ичса, кўзи олма-кесак териб, хала жой кидиргани-кидирган. Бу ёкка ол. Ширчойни бизга ўхшаган соғлом одам ичсин-да. Иккаласиниям.

Маърифат хола иккала косани ҳам Ўктабр отанинг олди-га қўйди-да, бўш чойнакни олиб чиқиб кетди.

Ўктабр ота шошилмасдан, хузур билан косага патир тўғрайверди. Буни кузатиб турган Серсенбой отанинг гайирлиги келди:

– Ў, мешкей!

– Мечкай эмас, ошқозони темирни ҳам хазм қилиб юборадиган соғлом одам де. чол!

– Сен ўзинг шал, билдингме?

– Чолсан, чолсан!

Буларнинг баҳс-мунозарасини эшитдим, Турғунбой ота кўзларини очди. Буни кўрган Серсенбой ота бирдан гапдан тўхтади. Ўктабр ота эса хотиржамлик билан, гўё хозиргина гаплашиб турган одамлардай косага ишора қилди:

– Ширчой ичасанми, жўра. Қайноқкина экан.

Турғунбой ота кулимсиради:

– Сендан ортадим, ишқилиб.

– Кўрма, ортади, жўра, ортади. Бугун нимагадир иштахам йўғрок. Биттасиям етади.

Турғунбой ота бош ирғади:

– Ундай бўлса ичаман.

Ўктабр ота Серсенбой отага қараб ўпкалади:

– Киннанг киришига сал қолди-я, чол.

– Ай, адем, менде кинне не қилади?

– Кўзинг бор сенинг, кўзинг. Яширасан-а?

Ўктабр ота беморнинг ёнига ўтириб, унга ёғоч қошиқда ширчой ичира бошлади. Чойнак кўтариб қирган Маърифат хола бу манзарани кўриб ҳайрон бўлиб туриб қолди. Серсенбой ота унга ўгирилди:

– Келин, мағанда бир каса апкеш. Ўлдирсе-де сут ўлдирсин! – Ўктабр отага ишора қилди: – Минави шалнинг-да овзи тинсин.

Ўктябр ота бўш келмади:

– Э. сенинг олдингда мен хали ёш боламан.

– Бекер айтипсин. Менден бар-жўғи уч айлик киш-кинесин.

– Бир кунлик кичкина бўлсам ҳам барибир, факт бу, кўке. Энди тан ол-да.

Маърифат хола чойнакни хонтахтага қўйгач, яна ширчай опкелгани шошди.

\* \* \*

Овул кўринмайдиган қирғоқ бўйида машинасидан тушган Дилшод атрофга аланглади.

Оркадан эски “Москвич” етиб келди. Дилшод ховлиқиб унга пешвоз чиқди:

– Нима гап?

– Ҳаммаси жойида, ўртоқ. Атай ўзим бориб келдим ресторанга. Ҳамма ёқ тинч. Аммо-лекин яхши хабар ҳам бор: тиланчи хотин қулаган жойни фаррош супуриб юборибди. Қон доғини кўрган бўлса ҳам, маст-аластлар ёқалашишган бўлса керак деб ўйлагандир-да. Шунини ўз кўзим билан кўриб анча хотиржам тортдим.

Дилшод “Москвич”га қараб қолди. Мансур ўртоғининг нима демоқчилигини тушунди.

– Йўғ-э, ўртоқ! Нима, ёш боламанми? Бунини уч соат ювдим. Шампунлаб... Ресторанга таксида бориб, қайтишда автобусда келдим.

Дилшод қизариб кетди, ерга қаради:

– Тўғри... тўғри қипсан. Эҳтиёт бўлиш керак.

– Жуда ўзингни олдириб қўйибсан-ку. Ўртоқ, бўлди, бу ҳақда қайтиб бошқа оғиз очмайман. Ўша келишганимиздай: бирон милиса-пилисани, терговчими сўрамаса, мен “миқ” этиб оғиз очмайман, аммо-лекин сўраб қолсам айбни юз фоиз ўзимнинг бўйинимга оламан.

Дилшод бошини кўтарди:

– Нима бўлса бирга бўламан!

– Уф-ф, бунақа гапни бас қил дедим-ку! Токи танамда



жоним бор экан, бир нарса бўлиб қолган тақдирдаям сени бўишга аралаштирмайман.

– Раҳмат... – аранг шивирлай олдди ўпкаси тўлган Дилшод. – Раҳмат, ўртоқ. Яхши кунларингда хизматингда бўлай.

Мансур гап мавзунини ўзгартиришга шошди:

– Хўш, бугунги режа қалай?

– Режами?... Ҳа, бир жойга мен билан бирга бориб келсанг дегандим.

– Ҳозирми?

– Ҳа.

– Кетдик бўлмаса. Ҳарқалай, мени ёмон жойга обормасан, ўртоқ.

Дилшод иккиланиб қолиб, “Москвич”га ишора қилди:

– Иложи бўлса... бундан кейин бунини... минмасанг...

– “Мерс”имними? – ҳайрон бўлди Мансур. – Роса ўрганиб қолганман-да аммо-лекин... Майли, сен нима десанг шу. Уйда эскироқ велосипедим бор. Ўшани созлаб оламан. Буни бўлса шу ҳафтанинг ўзида бозорга опчиқаман.

– Кетганига сотавер.

– Хўп, ўртоқ. Бўлмаса ҳозирам бориб эшигини қулфлаб келай. Айтган жойингга сенинг машинангда бора қоламиз.

– Биров тегинмайдим бу ерда қолса?

– Э, эшигини очик ташлаб кетганимда биров қарамаган-у... Мен ҳозир.

Мансур чопиб бориб машинасининг эшикларини қулфлаб келди. Кейин Дилшоднинг машинасига чиқди. “Нексия”шиддат билан олдинга интилди.

\* \* \*

Шифохонага “Тез ёрдам”да олиб келинган икки ҳайдовчи то қуёш терак бўйи кўтарилгунга қадар қотиб ухлашди.

Биринчи бўлиб Акбарали аранг кўзларини очди. У қаддини ростлаб ўзи ётган каравотга, ёнидаги каравотдаги Ғиёсга қаради. атрофга аланглади. Ярмигача парда тутилган дераза ортида дарахт шохлари кўриниб турарди. Шифт

оппоқ. Деворлар ҳам. Каравот ёнидаги тумбочка устида турли дорилар, осма укол жиҳози. Акбарали яланғочланган биллагига қаради. Укол изи.

Акбарали енгини тушириб, шошиб ўрнидан турди, жон ҳолатда пишиллаб ухлаб ётган шеригини уйғота бошлади:

– Ғиёс! Ғиёс! Тур дейман!

Ғиёс кўзларини очди, Акбаралига жилмайиб қаради, керишди:

– Бирпасда тонг отдимми?

– Тур, жўра, балнисага тушиб қолганга ўхшаймиз.

– А?

Ғиёс шошиб қадини ростлади, атрофга аланглади, сўнг Акбаралига ваҳима билан қаради:

– Дипломат қани?

– Билмадим. Машинани қулфлашга кетаётганимда хонада турганди.

– Хонада? Меҳмонхонада, а?

Акбарали бош силкиди.

– Қизлар қани?

Акбарали елка қисди.

– Қанжиқлар!

Ғиёс ўрнидан отилиб турасола каравот ёнида ётган туфлисини кийдию, эшикка отилди. Эшик ёнида, шундоққина коридорда стул қўйиб ўтирган милиционер учиб ўрнидан турди-да, Ғиёснинг йўлини тўсди:

– Мумкин эмас.

Сержант йигитча Ғиёсни ичкарига киритиб, унинг ортидан эшикни ёпди. Ғиёс гарангсиб, бошини чангаллаб қолди:

– Ўлдик! Аввал ўлмасак ҳам энди ўлдик.

Бу пайтда меҳмонхонага қўшни уйда истикомат қилувчи терговчи Жавлон Сулаймонов ўз кабинетида Дилобарни сўроқ қилмоқдайди.

Қиз саволларга шошмасдан жавоб қайтарар, дераза ёнидаги столда ўтирган катта сержант Асқарали компьютерда сўров баённомасини ёзишга бемалол улгурарди.

– Демак, тўйдан чикиб “КамАЗ”га ўтирдиларингиз. Шундайми?

– Ҳа. Биз уларни маданиятли, инсофли йиғитлар деб ўйлагандик-да. Лекин одамнинг оласи ичида бўларкан.

– Давом этинг.

– “Дарёга боряпмиз, йўлимиз бир экан”, дейишди. Биз хурсанд бўлиб, ҳеч қандай ёмон ҳаёлга бормаи келавериб-миз. Исмингиз нимаиди, ака?

– Бунинг аҳамияти йўк. Мен ҳозир сиз учун ўрток терговчиман, холос. Давом этаверинг.

Дилобар самимий оҳангда гапида давом этди:

– Йўғ-э, сизни “ўрток терговчи” деб атаيمانми. Ноқулай-ку.

– Марҳамат қилиб давом этинг, Одилова.

Дилобар тагдоррок оҳангга ўтди:

– Сизнинг соҳангизда ҳам яхши-яхши акахонларимиз ишлайди... ўрток терговчи. Бир кўнғирок қилиб қўйсам...

Бунақанги илмокли гапларни эшитавериб, эти ўлиб бўлган терговчи писанд қилмади:

– Бунга улгурасиз.

Аммо Дилобар дарров таслим бўлиб қоладиганлардан эмасди, таъбир жоиз эса, у охиригача курашарди:

– Нурхўжаевни танисангиз керак, а? Бетонкада турадиган ГАИларнинг бошлиғи. Ўша киши бизнинг яқин кишиларимиздан бўлади. Танийсиз-а?

Жавлон қизга диққат билан қараб тураверди:

– Бундай бахтга мушарраф бўлмаган эканман. Энди чалғимасдан, гапингизда давом этинг.

– Дарёга етиб келдик. Ҳайдовчилар олиб келиб қўйганлари эвазига ҳақ талаб қила бошлашди. Биз пул берамиз десак кўнишмади. “Озрок бирга ўтирамиз”, дейишди. Биз ноилож кўндик.

– Нима, улар мажбурлашдимиз? Ахир кўнмасликларингиз ҳам мумкин эди-ку.

– Қандай кўнмаймиз? Ярим кечаси бўлса. Кўзига кон тўлиб турган иккита барваста эркак. Мажбур бўлдик-да.

– Унда... деразадан ошиб ўтишга ҳам мажбур бўлдиларингизми?



– Ҳа. Мажбур бўлдик. Биттаси жаҳл билан ҳадеб кўлини чўнтагига обораверди. Менимча у ерда пичок бор эди.

– Кейин-чи?

– Кейин едик, озгинадан ичдик. Мен ўзим ичмайман. Лекин мажбур бўлдим бир қултум ичишга.

– Кейин-чи?

– Кейин нима бўларди. Эркак зоти ичгандан кейин қутуриб кетади-ку. Бизга тирғала бошлашди. Биз илтимос қилдик. “Ҳой акалар, сизларнинг ҳам сингилларингиз, опаларингиз бордир. Кўлларингизга эрк берманг”, дедик. Лекин бунақа пайти маст одамнинг қулогига гап кирармиди?

Терговчи қулмисираб кўйди:

– Одилова, мени бир нарса қизиқтиряпти. Ўзингиз айтгандай иккита барваста эркак. Бор-йўғи биттагина ароқ ичилган. Унинг ҳам ҳаммаси эмас. Бунинг устига сизлар ҳам оз бўлса-да ўз ҳиссаларингизни қўшгансизлар. Наҳотки тахминан икки юз граммдан ичилган ароққа иккита кап-катта одам ўзини билмайдиган даражада маст бўлиб қолса?

Дилобар бу саволга киприк қокмай жавоб қайтарди:

– Ўртоқ терговчи, ахир улар йўл бўйи ҳам ичиб келишди-да.

– Рулда-я?

– Э, бунақалар ичаверади. Тўхтатиб қолишса, пул билан қутулиб кетишади.

– Уларнинг йўлда ичиб келганлигини айтмагандингиз.

– Эсимдан чиққан экан. – Қиз кўзига ёш олди. – Ахир ўзингиз тушунасиз-ку қанақа аҳволдалигимни.

– Хўш, кейин нима бўлди?

– Қаерга келиб тўхтагандим?

– Уларнинг тирғала бошлашганига.

– Ҳа. Кейин биз “Бизга тегманглар, илтимос” деб илтимос қилганимиз сайин улар ҳаддиларидан ошиб кета бошлашди. Қарасак, уларнинг нияти ёмон.

– Ўшангача уларнинг нияти ёмонлигини билмаганми-дингиз?

– Йўк. Озгина ўтирамыз, кейин ака-сингиллардай хайрлашамиз деб ўйлагандик-да.



– Кейин нима бўлди?

– Кейин биттаси танца баҳона мени маҳкам қучоклаб олди. Иккинчиси Тамарчикни. Қўрқиб кетдик.

– Демак аввал сиз рақсга тушгансиз. Шундайми?

– Мажбур бўлдим. ўрток терговчи. Айтдим-қу уларнинг қандай аҳволда эканлигини.

– Давом этинг.

– Мен шундаям ўзимни қучоклаб олганга яхши гапириб, инсофга чакириб турдим. Қарасам, шериги Тамарчикнинг кўйлаги ёқасини мана бундай қилиб йиртиб юборди. Мана бундай қилиб.

Қизишиб кетган Дилобар беихтиёр бу қандай бўлганини кўрсатмоқчи бўлдими, ёқасини тортиб, ҳақиқатан ҳам озгина йиртиб юборганди, кўпчиб турган сийнаси кўриниб кетди.

– Тўхтанг! – жон ҳолатда кўлини кўтарди терговчи. – Шарт эмас! Тўхтанг! Кўрсатиш шарт эмас.

Баённома ёзаётган Асқарали оғзини очганча анграйиб қолганди.

– Бекитинг-э! – деди кўзларини олиб қочган терговчи.

Қиз шошиб ёқасини бекитаркан, йиғламоқчи:

– Шунақа қилишди яшшамагурлар! Биз уларни одам десак...

Ёқа жойига келганига ишонч ҳосил қилган терговчи яна қизга диққат билан қаради:

– Келинг, аниқлаштириб олайлик, демак улардан биттаси сизнинг эмас, Маратованинг... ёқасига ёпишди, шундайми?

– Ҳа, лекин биз Тамарчик билан битта одаммиз. Унга ёпишгани, менга ёпишгани. Шундай деб ёзаверсангиз ҳам бўлади. – Дилобар ёқасига ишора қилди: – Энди Нурхўжаевни чақирмасангиз бўлмайди. Бу аҳволда қандай кетаман?

– Бунинг йўли топилар. Кўрсатма беришда давом этсангиз, Одилова. Фақат ўзингизни босиб, хотиржам.

Дилобар ҳикиллади:

– Уларнинг бундай қилиқларидан кейин хотиржам гапириб бўладими, ўрток терговчи.

– Шундай қилиб, хайдовчилардан бири дугонангизнинг ёқасини йиртди. Улардан қайси бири эди?

– Қорачадан келгани.

– Уларнинг иккаловиям қорачадан келган. Мўйлови бори ми ёки йўғими?

– Мўйловлиси. Аблаҳ! Ўзи шуниси бошидан менга ёқмаганди.

– Одилова. Ҳис-ҳаяжонга берилмасдан нима бўлганлигини аниқ ва қисқа қилиб тушунтириб беринг.

– Буни кўрган экан, мени қучоқлаб олганиям... мени тўшакка торта бошлади. Улар бизни зўрламоқчи бўлганини сезиб қолдик. Тамарчик иккаламиз дод солиб ёрдамга чақира бошладик. Зўравоннинг қўлидан бир амаллаб чиқиб эшикка борсам, эшик қулфланган. Деразага борсам дераза қулфланган. Шунда битта стулни олиб деразага бир ургандим, дераза синиб кетди. Ёрдам сўраганимизни эшитган одамлар чоғиб келиб, бизни зўравонларнинг қўлидан қутқариб қолишди. Дунёда шундай яхши одамлар ҳам бор экан. Ўшаларга раҳмат.

– Гувоҳ Ибодуллаев хонага бостириб кирганида сизларни зўравонларнинг чанғалида эмас, ваннага яшириниб олганча ёрдамга чақираётган ҳолда кўрган. Шундайми?

– Ҳа, биз бир амаллаб уларнинг қўлидан чиқдик-да, ваннага яшириниб олдик.

– Демак, хайдовчи Мўминов ва Умиров томонидан сизларни зўрлашга уриниш бўлган. Шундайми?

– Э, афти қурсин уларнинг! – нафратланиб гапирди Дилобар. – Эркак эмиш. Садкаи...

– Ҳарқалай, саволимга аниқ жавоб бермадингиз.

– Агар эшикни бузганлар яна озгина кечикканида эди...

– Ваннага яшириниб олдик деяписиз-ку.

– Ванна эшиги ичкаридан қулфланмас экан.

– Тушунарли. Яна нима қўшимча қилишингиз мумкин?

– Ўртоқ терговчи. Ўша хонада менинг шахсий косметикамдан у-бу нарсалар, кийимларим солинган сумкам ту-

шиб колибди. Ўшаларни бориб олишим мумкинми, шунни сўрамоқчийдим.

– Албатта олишингиз мумкин. Факат ҳозир эмас. Ҳозирча хона муҳрланиб турибди. Тергов тугаган заҳоти бу ҳақда сизга хабар бераман.

– Унча қиммат эмас-у, лекин мен учун жуда азиз нарсалар-да.

– Хўп, Одилова, бунни эътиборга оламиниз. Марҳамат килиб баённома билан танишинг ва имзо қўйиб беринг.

– Майли.

Дилобар ёқасини тутамлаганча ўрнидан турди ва сержант Аскарали принтердан чиқариб турган коғозларни диққат билан ўқишга тутинди.

Жавлон иш дафтарига бир нималарни кайд эта бошлади.

– Ўртоқ терговчи. Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Марҳамат, Одилова.

– Нега Тамарчик билан мени алоҳида-алоҳида хоналарда ушлаб турибсизлар?

– Бу саволингизга жавоб беришим мумкин. Тергов манфаати шунни такозо қилади. Лекин сиз чўчиманг, ҳозир дугонангиз билан суҳбатлашиб олайлик, кейин яна бирга бўласизлар.

Бу жавобдан энсаси қотган Дилобар елка учуриб қўйганча баённомани ўқишда давом этди.

\* \* \*

Турғунбой отанинг бир эмас, бир неча марта “Ўзи сенларнинг рўзгорларинг борми ё йўқми?” деганидан кейингина Ўктабр ота билан Серсенбой ота уйларидан хабар олгани кетишди.

Маърифат хола мудраб ётган чолининг оёқларини укалаб ўтирган маҳал ташқаридан машина сигнали эшитилди.

Турғунбой отанинг кўзлари “ярқ” этиб очилиб кетди:

– Қизинг келди.

– Йўғ-э. – ишонмади Маърифат хола.

Отанинг сал жаҳли чиқди:

– Сигнал чалди, эшитмадингми, Раҳмонкул чегачининг кизи?

Маърифат хола барибир ён бермади:

– Кўча тўла машина бўлса.

– Кўча тўла машина бўлса бордир, лекин бу кизинг. Ё ўзим чиқиб очайинми дарвозани?

– Ётаверсин, ўзим.

Маърифат хола ховлига чиқди. Дархақиқат, кия очик дарвоза ёнида таниш “Нексия” кўринди. Шошиб эшикдан киниб келаётган, кўлида каттагина сумка тутган Гулноза онасини кўрган захоти:

– Энажон! – дея бакириб юборди.

Она-бола бир-бирининг бағрига отилишди.

– Отам! Отам яхшими? – ховликиб сўради Гулноза.

– Яхши, болам, яхши. Сенинг келганингни мендан бурун билиб ўтирибди.

Гулноза онасини бағридан бўшатасола, сумкани ҳам қолдирган кўйи ичкарига чопди.

Турғунбой ота ёлғиз кизини бошқача меҳр билан яхши кўрарди. Бунни тушунгани боисми, бир оз хаяллаб, сўнг ичкарига кирган Маърифат хола ота-боланинг энтикиб гурунглашиб ўтиришганини кўрди.

– ...Неварангиз алламбало киз бўлган, – мактанарди Гулноза. – Мен тугул, адасига ҳам гап бермайди. Бирам пишик, бирам пухта. Уйга келган меҳмонлар билан ҳам тил топишиб кетади. Билмайман, кимга ўхшади экан?

Турғунбой ота кўзлари чакнаб қулимсиради. Кўрпача четига ўтирган кўйи кизи олиб келган ширинликларни сумкадан олиб, дастурхонга қўяётган Маърифат хола гуруннга кўшилди:

– Қиз бола ўзи шунака бўлади. Сенам ёшлигингда шундай эдинг. Қизимнинг феъл-хўйи кимга тортган дейсан. Кимга бўларди, кизим, ўзингга тортган-да, ўзингга.

– Ишкилиб, қисмати менга ўхшамасин.



Бу гап Гулнозанинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди. Маърифат хола лаб тишлади, бош чайқади. Турғунбой ота ялт этиб кизига каради, безовталаниб қолди, изтироб билан шивирлади:

– Қизим...

Дарров ўзига келган Гуноза ўқтам овозда жавоб қайтарди:

– Лаббай, отажон.

– Ё... ё ажрашиб кўя қоласанми, а?

Маърифат хола тиззаларига шапатилади:

– Вой, бу нима дегани? Бошида арслондай эри, ёнида гулдай кизи...

Шу маҳал хонага кўлида каттагина сумка тутган Ўқтабр ота кирди.

– Ие, ие! Ўзингмисан, Гулноз?

Гулноза ирғиб ўрнидан турди:

– Ассалому алайкум, Ўқтабр амаки. Келинг, келинг.

– Ваалайкум асалом. Бемор тузалгиси келса табиб ўз оёғи билан келади деганлари шу-да, кизим.

– Тўрга ўтинг, амаки.

Ўқтабр ота тўрга ўтиб ўтирди, фотиҳа қилиб, хол-аҳвол сўрагач, изох берди:

– Кўчадан ўтиб бораётгандим. Машинага кўзим тушиб қолди. Кўзимга иссиқ кўринди, қарасам, номери Тошкентники. Сенмикансан деб тусмоллаб келавердим. Қара, отанг пишиқ, шаҳри азимдан меҳмон келди деб кўнокқа чақирмайдиям.

– Ўзи ҳозиргина келдим, амаки. Энди сизни йўқлаб тургандим.

Турғунбой ота илжайди:

– Чақирмасамам келишингни биламан-да.

Ўқтабр ота пинак бузмади:

– Ҳа, энди, келмай юрган жойиммиди. Келаман-да. Тўғрими, кизим?

– Тўппа-тўғри, амаки. Бу ерни ўз уйингиздай билиб, хоҳлаган пайти эшикни тепиб кириб келаверинг.

Ўқтабр ота бирдан ғамгин тортиб қолди:

– Бошқа касергайм борардим, кизим. Уй хувиллаб ётибди. Кимсасиз уй худди лаҳадга ўхшаб коларкан. Бирам муздай. Одамнинг юраги сиқилиб, нафаси қайтиб кетади-ей...

Гулноза отани ғамгин ўйлардан чалғитишга уринди:

– Амаки, дастурхонга қаранг.

Ўктабр ота синиқ жилмайди:

– Қараб турибман, кизим, қараб турибман.

Турғунбой ота ҳам манзират қилди:

– Ол, жўра, ол. Қизим атайлабдан биз учун Тошкентдан олиб келган ноз-неъматлардан ол.

Ўктабр ота бир ширинликни оғзига солиб, хузурланганидан бош чайқади:

– Воҳ-воҳ-воҳ, оғизда эриб кетади-я!.. – Сўнг Турғунбой отага зингил солиб қаради: – Жўра, кўзинг чакнаб, юзинг қирчиллама йигитларникидай таранг тортилиб қолибди. Роса ичкикиб ўтирган экансан-да ўзиям.

– Ичкикиш ҳам гапми? – деди Маърифат хола. – Машина овозини эшитиши билан ўрнидан учиб туриб кетгудай бўлди.

Ўктабр ота ўзини содаликка солди:

– Ким? Ким туриб кетгудай бўлди?

Маърифат хола Турғунбой ота томон ишора қилди:

– Ким бўларди?

Ўктабр ота шараклаб қулиб юборди:

– Қонуний равишда “чолим” десанг ҳам бўлади-ку, келин. Энди, соқоли оқариб, алиф қадди дол бўлганида ҳам учинчи шахсда гапираверасанми?

Турғунбой отанинг жаҳли чиқди:

– Кимнинг қадди дол бўлибди?

Ўктабр ота дарҳол иккала қўлини тепага кўтарди:

– Меники, меники! Мен касал бўлиб ётиб олдим, мени шифохонага обормоқчи бўлишди.

Турғунбой ота жўрасининг ёнида ётган хўжалик сумкасига ишора қилди:

– Бозорга отланиб қолибсанми?

– Э, қанақа бозор? Пенсия беришяпти деб эшитдим. Шунга сумкамни кўтариб боряпман-да.

Турғунбой ота пикирлаб қудди:

– Пенсиянг бир сумка бўладими? Меникидан камроқ эди шекилли?

– Эшитмадингми, хаммасини юз сўмликларда беришармиш. Шунинг учун сен биратўла иккита сумка оборавер, жўра.

– Меникини уйга опкелиб беришади! – мағрур кўкрак керди Турғунбой ота.

– Тўғри. Почтахонага етиб ололмаётганларникини уйга опкелиб беришади. Менга, Сакега ўхшаган диконглаган ёшларнинг ўзлари борсаям бўлаверади.

Турғунбой ота жўрасига шубҳаланиб қаради:

– Ҳали Сакеям диконглаб қолдимми?

– Э, унинг кетганига бир ош пишгулик вақт бўлди. Ҳойнахой йўлда келаётгандир пулини оркалаб.

– Унда... – Турғунбой ота ўйланиб қолди. сўнг қатъий қарорини эълон қилди: – менам бораман.

– Ота! – деб юборди Гулноза.

– Вой, бу нима дегани?

– Буми, бу пенсиямни ўзим бориб олиб келаман дегани, – кўтаринки оҳангда жўрасининг ўрнига жавоб қайтарди Ўқтабр ота. – Ётаверадими ёш болага ўхшаб ҳархаша қилиб. Бунинг ёшида бир ётиб қолса ёмон, кейин пайлари чўзилиб, суягини ер тортади, ўзиям ётонғич бўлиб қолади, ҳа.

– Ё пирим-ей! – Худди шу гапни кутиб тургандай, Турғунбой ота ўрнидан туриб, пойгакка юрди. – Кампир, бор, қоп опчик.

Ўқтабр ота Гулнозага қараб кўз қисди:

– Пулнинг кучини кўрдингми, қизим?

Эрининг ўжар феълени билса-да, Маърифат хола тайсалланди:

– Ҳеч бўлмаса овқат еб кетсин... Ҳозир сузиб келаман.

– Келин, нима, ошми? Унда яхшилаб дам еб турсин. Юмшоқкина бўлиб. Биз тез қайтамыз. Бир қоп пул билан ва учта бўлиб. Йўлда Сакениям оллоламыз.

– Ота, жуда боришингиз шарт бўлса, мен обориб кела қолай. – деди Гулноза.

Ўктабр ота бу таклифга кўнмади:

– Йўк, йўк, кизим. Жўрамни кўп эркалатаверма. Икки оёк соғ турганда машинага бало борми?

– Лекин ҳали мазалари...

– Бўлдида-эй! – Гулнозани жеркиб берди Ўктабр ота. – Мазасига нима кипти? Мана, кўриб турибсан, отдай. Сени соғинганидан экан эркалиги. Энди кунбўйи сен билан гийбатлашиб ўтириши шартми? Эркак киши деган мундак кўча айланади кўкрагини кериб, ҳаво алмаштиради. Шундайми, жўра?

Тургунбой ота аввал аксириб, кейин жавоб берди:

– Ҳақкас рост.

– Келин, қоп қани?

Маърифат хола қопга чопди...

\* \* \*

Қирғоқ бўйлаб ярим соатча юрганлари маҳал Дилшоднинг қўл телефони жиринглаб қолди.

Рақамга қараган Дилшод дарҳол аппаратни қулоғига олиб борди:

– Салом.

У томондан Ноиланинг овози эшитилди:

– Салом. Халакит бермадимми?

– Йўғ-э. Узр, ишлар билан бўлиб телефон қилолмадим...

– Мен узрингизни эшитиш учун кўнғироқ қилаётганим йўк. Минавваров қанақа домла, шуни билмоқчийдим.

– Минавваровми?.. Зўр домла. Билимингиз бўлса қўйиб беради, бўлмаса ректорни “танка” қилсангизам қўймай тураверади.

– Хайрият.

– Имтихонми?

– Ҳа. Эртага. Болалар ҳар хил гап қилиб юришганига чўчиб тургандим.

– Унақа гапларга ишонманг. Ўқисангиз оласиз. Ўқимасангиз йўк. Ўзингиз қандайсиз?

– Яхшиман. Онамларни овулга юбориб, адамлар билан қолдим.



- Тинчликми?
- Бувамнинг сал мазалари йўк экан.
- Тузалиб кетсинлар.
- Айтганингиз келсин.
- Кенг уйнинг бекаси бўлиб ўтирган экансиз-да.
- Ўтириш қаёқда. Ҳозиргина кутубхонадан чиқдим. Айтгандай, агар ойим эртага қайтмайдиган бўлсалар, имтихондан кейин мен ҳам йўлга тушаман.
- Жуда яхши бўпти-да. Келар вақтини аниқ айтсангиз, ўзим қутиб оламан.
- Ноила йиғитни гап билан чимдиб олишдан ўзини тийиб туролмади:
  - Кўйинг, овора бўлмаг. Сиз банд одамсиз, вақтингиз бўладими-йўкми...
  - Ноила. Аччиғингиз чиқмасин. Айтдим-ку, ташвишлар билан бўлиб... Ҳали келсангиз, бир гаплашамиз.
  - Қиз гапни киска қилди:
    - Хайр унда.
    - Хайр.
  - Дилшод телефонни ўчирди.
  - Бунча узр сўраб қолдинг, ким у? – хайрон бўлиб сўради Мансур.
  - Бирга ўкиганмиз. Факат мендан икки курс пастда. Онаси Сайхуновулдан. Ўзиям бобоси билан момосини кўргани келиб туради. Ўтган йилиям келганди.
  - Эсимда йўк. Кўрсатмаган бўлсанг керак-да. Агар кўрсатсанг, эсимда қоларди. Бирон бойваччанинг қизими?
  - Уни қўйиб тур, Мансур. Кеп қолдик. Ҳозир сенга бир нарсани кўрсатаман. Факат бу орамизда қолади. Вақт-соати етгунча. Майлими?
  - Гап бўлиши мумкин эмас, ўрток!
  - Машина тўхтади. Дилшод билан Мансур пастга тушишди.
  - Ёйилиб оқаятган дарёнинг янада кенгайган жойи эди бу.
  - Қирғоқ бўйидаги дарахтга осиб қўйилган рамкали ойна ичига олинган тахтачада “55” Масъулияти чекланган жамият” деб ёзилган.

Деярли кирғоққа туташ сунъий кўл. Иккита ишчи кичкина қайиқда махсус идишдаги эритилган озукани сувга ташлашмоқда. Қайиқ ортидан тилладай товланаётган майда балиқлар тўдаси сузиб бормоқда.

– Ҳорманглар! – деди Дилшод ишчиларга қараб.

Ишчилардан бири, сокол кўйгани бўғиқ овозда жавоб қайтарди:

– Бор бўлинглар, акалар.

– Балиқлар қалай?

Ишчи қайиқдан кичкина тутқичли юмалоқ тўрча чиқариб, сувдан бир неча балиқчани сузиб олиб кўрсатди:

– Ҳақиқий сибир бакрабалиғи. Жуда тез кўпаядиган хилдан.

Йиғитларга афтини бўриштириб қараган иккинчи ишчи рус тилида қўшимча қилди:

– Ленская популяция. Отличные мальки. Чудесная осетра будет. Вот увидите.

Биринчи ишчи гапини давом эттирди:

– Гўштиям мазали, тош босадиган бўлади.

Дилшоднинг юзи ёришди:

– Спасибо, Володя ака. Раҳмат, Абулкосим ака. Айтганларингиз келсин.

Ишчилар балиқларни озиқлантиришда давом этишди. Мансур атрофга ҳайрон бўлиб аланглади. Дилшод ишчиларга ишора қилди:

– Зўр одамлар-да. Увилдирикни атайин ўзлари Россияга бориб, олиб келишди. Мана энди қара...

Шундагина Мансур гап нимадалигини тушунгандай бўлди:

– Э, қойил! Аммо-лекин бошлабсан! Бунинг ҳаммаси ўзингникими?

– Шунга ўхшашроқ, – камтарона жавоб қайтарди Дилшод.

– Қойил, қойил... Ишчиларингни айтаман, ойлик олиб ишлашадими?

– Ишига яраша олишади, ўрток.

– Аммо-лекин мен бунаканги ишларни тушуна-вермайман-да. Менга така бўлсин-у, сўт берсин. Мен икра-пикра, популяция-мопуляция қилиб, бошимни оғритиб юрмайман. Менинг ишим тайёр балиқ бўлса бозорда сотиш, бирдан фойдасини кўриш...

– Оғайни, сенга бир илтимосим бор эди.

– Хўш-хўш.

Дилшод сунъий кўлга ишора қилди:

– Шу ишни... бирга давом эттирсак.

– Бу нима деганинг, ўртоқ? Анавиларга ўхшаб. – Мансур ишчиларни кўрсатди. – балиқларга ем бериб юрасан демокчимисан?

– Йўк. Бошка муҳим ишлар бор. Бу ёкка юр-чи.

Дилшод ўртоғини катта дарахт ёнига қурилган уйчага туташ чорпояга бошлаб борди. Дарахтга боғланган бахайбат ит ириллаб бошини кўтарди, аммо Дилшодни кўргач, яна бошини оёқлари орасига олиб ётди.

– Бу ёкка.

Мансур чорпояга кўтарилди. Дилшод илдам бориб уйчадан бир даста қоғоз кўтариб чиқди-да, Мансурнинг қаршисига ўтириб, уларни хонтахтага қўйди.

– Ҳозир сенга бутун карталарни очиб ташлайман, ўртоқ! Кейин зўр бир маслаҳатли иш бор.

Худди шу маҳал... эшитилган машина овози иккаласини ҳам бош кўтаришга мажбур этди.

“Нексия”га бақамти тўхтаган милиция машинасидан тушган милиционер илдам шу томонга, пастга тушаркан, тўппончасини ушлаб-ушлаб кўярди. Унинг ортидан иккита фукаро кийимидаги йигит келишмоқда.

Ранги қув ўчиб кетган Мансур Дилшодга қаради, бундан баттар алпоздаги Дилшод Мансурга. Алоҳа Мансур шошиб пичирлади:

– Гап шу, ҳаммасини мен бўйнимга оламан, ўртоқ.

– Йўк... Нима бўлсак бирга бўламиз.

– Бас қил! Биз келишганмиз. Гап тамом. Шу соатдан сен гунгсан! Фақат мен гапираман!

Мансур ўрнидан турди.

Капитан формасидаги милиционер хансираб етиб келди. Унинг ортидан жой олган икки фукаро кийимидаги йигит Дилшод билан Мансурга синовчан тикилишар, гўё hozир капитан “бос!” деса, дарҳол уларни босиб олиб кетгудай важохатда эдилар.

Милиционер честь берди:

– Участка нозир капитан Сайдазим Ҳамробоевман. Булар овулимиз посбонлари.

“Қулт” этиб ютинган Мансур салом берган бўлди:

– Яхшимсиз, Сайдазим ака.

– Раҳмат, яхшиман. Ўзларингиздан сўрасак.

– Биз ҳам яхшимиз, ака.

Шапкасини ечиб, бошини рўмолчасида артган Ҳамробоев калласини сарак-сарак қилди:

– Нима ишлар қилиб юрибсизлар-а, йигитлар? Нима ишлар қилиб юрибсизлар? Айни ишлайдиган, ўйнаб-куладиган пайтларинг бўлса.

– Нима... нима қилибмиз, ака? – Мансурнинг товуши бўғилиб чиқди.

Томоғи қуруқшаб кетган Дилшод бир амаллаб:

– Мен... – дея олди, холос.

Аммо капитан уларни гапиргани қўймади:

– Қонунни ҳурмат қилиш керак, укалар. Сизлар бўлса...

Эҳ!

– Қонунни ҳурмат қилмай, биз нима қилибмиз, ака?

Бу гапни Мансур айтди, аммо Ҳамробоев негадир Дилшодга диққат билан қаради:

– Шу, юзингиз жуда таниш кўринадими, укам? Мабодо картотекада кўрмаганманми? Қидирувдаги хавфли рецидивистлар рўйхатида?

Адойи тамом бўлган Дилшоднинг томоғидан биргина сўз ситилиб чиқди:

– Мен...

Посбон йигитлардан бири эгилиб, капитаннинг қулоғига нимадир деб шивирлади, “Мингбоев...” фамилияси эшитилгандай бўлди.



Дилшод қийналиб гапира бошлади:

– Хуллас, ўша қуни мен...

Бирок капитан яна унинг гапини бўлди:

– Сиз, укам, Мингбоевнинг ўғилларимисиз?

Дилшод эътироз билдиришга уринди:

– Бунга дадамнинг ҳеч бир...

Аммо йигитчанинг гапларини мутлако эшитмаётган капитан яна афеус-надомат билан бош чайкади:

– Муҳиддинбой аканинг-а! Муҳиддин аканинг-а!.. Эҳ! Шундай серсаховат, сахий, олийжаноб одамнинг ўғиллари бўла туриб шу ишга қўл урдингизми? А?

– Мен...

– Бўлди! Тамом! – кескин оҳангга ўтди Ҳамробоев. – Ортиқча бир оғиз ҳам гапингизни эшитмайман! Америка киноларида айтилганидай, бундан кейинги ҳар бир сўзингиз ўзингизга қарши ишлатилиши мумкин, укам. Ҳа! Именно ўзингизга қарши. Шунинг учун ё сукут саклашни, ё бўлмаса ҳаммасига иқроп бўлишни таклиф қиламан.

– Мен...

Мансур садо берди:

– Аммо-лекин ўзи нима иш қилибмиз, айтмадингиз-ку, ака?

Ҳамробоев бу эътирозга эътибор бериб ҳам ўтирмади, қулоғи тагида гинғиллаган пашшани ҳайдагандай қўл силкиб кўйди, холос.

– Буни айтиш шарт эмас, укам. Ҳаммаси ойдаи кўриниб турибди. Ана!

Ҳамробоев қайиқда сузиб, майда балиқчаларга озуқа тарқатиб юрган ишчиларга ишора қилди. Дилшод билан Мансур анграйиб қолишди.

– Улар... улар нима қилишибди? – ахири сўрай олди Мансур.

– Улар эмас, сизлар содир этгансиз қонунбузарликни. Тўғри, улар ҳам айбдор. Лекин улар билвосита. Сизлар эса бевосита. Бе-во-си-та. Тушунарлими?

– Йўқ.

Ҳарқалай, Мансур дадиллаша бошлаган эди. Бунни сездим. Ҳамробоев ёнига осиб олган папкасидан нималардир ёзилган қоғоз олди.

– Бунинг нимаси тушунарсиз, укаларим? Ахир бу икки карра икки тўрт бўлишидай оддийгина ҳақиқат-қу. Бизга келиб тушган маълумотларга кўра сизлар, хўш, ҳа, мана, ўзаро олдиндан тил бириктириб, бойиш мақсадида, амалдаги тартиб-қоидаларни қасддан бузган ҳолда иккита хориж фукаросини оғзаки келишув асосида ишга олгансизлар ва уларга нақд пул тўлаб ишлатяпсизлар. Бу эса айни пайтда ҳам солиқдан қочганлигингизни, ҳам амалдаги паспорт режимини бузганлигингизни кўрсатиб туради. – Капитан Дилшодга қаради: – Тўғри, укам, Муҳиддинбой акани жуда ҳурмат қиламиз, аммо қонун ўз номи билан қонун, у ҳаммага баробар.

Мансур сўради:

– Бўлдимми?

– Бўлди.

– Ҳаммаси шуми?

– Шу. Ҳа, камми? Етмаса яна кўшишим мумкин.

– Етади, ака, етади.

– Хўш, ундай бўлса баённома тузишга ўтамиз. Марҳамат қилиб хориж фукароларини чақиринглар ва уларнинг паспортларини менга тақдим этинглар.

Ниҳоят онг-шуурига бўлаётган гап-сўзлар маъноси етиб борган Дилшод бирдан типирчилаб қолди:

– Тўхтанг, ака... Бир дақиқа. Мен ҳозир.

Дилшод машинаси томон чопди.

Ҳамробоев чорпояга бемалол жойлашиб ўтириб олганча, баённома ёза бошлади.

Дилшод машинасидан каттагина файл билан иккита папка олиб келиб, уларни Ҳамробоевнинг олдига қўйди:

– Мана.

Капитан хансираб турган Дилшодга ажабланиб қаради:

– Бу нима?

Дилшод қоғозларни бир-бир очиб кўрсата бошлади:

– Манавилар Абулқосим Идрисов билан Володя Еро-

феевларнинг паспорт нусхалари. Кўриб турибсиз, иккаласи ҳам Ўзбекистон фуқаролари. Манавилар уларга тегишли ИНН, яъни СТИР, булар пенсия жамғармаси копиялари. Манавилар улар билан тузилган меҳнат шартномалари. Манави БЭМ орқали йўлланган, манавиниси эса солиқ инспекцияси тасдиқлаган чораклик ҳисоботи. Ҳар ойда ишчиларга тўланган маош ва ушлаб қолинган даромад солиғи кўрсатилган. Пенсия жамғармасидан ҳам ҳеч қанақанги қарзимиз йўқ. Мана маълумотнома.

Ҳамробоев пешонасини тириштирганча ҳужжатларни бир-бир қараб чиқаркан, ўйланиб қолди.

– Ҳм-м... Ишлар бунақа экан-ку... Бизга нотўғри сигнал тушган шекилли... МЧЖнинг раҳбари ўзингиз, а?

– Ҳа. Ҳам раҳбари, ҳам ҳисобчиси, ҳам кадрлар бўлими бошлиғи.

Посбонлардан бири Ҳамробоевнинг қулоғига нимадир деб шивирлаганди, бу сафар “Ведомость...” деган сўз эшитилгандай бўлди.

– Бунга ўзимам эътибор бердим, – бўш келмади капитан ва Дишодга қаради. – Укам, унда ойлик нега икки кишига ёзилган? Ўзингиз-чи?

– Мен рамзий маошга ишлайман.

– Бу нима дегани?

– Бу мен бир йилга ўзимга бир сўм ойлик ёзаман деганим. Рамзий.

Посбон йигитлардан бири эгилиб, Ҳамробоевнинг қулоғига нимадир деб шивирлади, “Чет элларда...” деган сўзларни сал қаттиқроқ айтди.

Капитан норози бўлиб афтини буриштирди:

– Менам Мингбоевнинг ўғли бўлганимда текинга ишлайверардим... Майли, укам, ҳаммаси жойида. Паспорт режими талаблари бузилмаган, қонунбузарлик йўқ. Бизга шунинг ўзи етади. Безовга қилганимиз учун узр.

– Ҳечкиси йўқ, ака, – деди Мансур.

Ҳамробоев қоғозларни йиғиштириб, ўрнидан турди:

– Хайр. Ишларингизга омад тилайман.



– Хаёр, – деди Дилшод.

– Яхши боринглар.

Ҳамробоев шериклари билан қайтиб кетди.

Оғир уф тортган Дилшод чорпоя четига ўтириб қолди. Унинг пешонасига реза-реза тер тошганди.

Милиция машинаси жўнаб кетгандан сўнг Мансур жўрасининг ёнига ўтирди:

– Қораларинг ўчсин!.. Ичим ўтиб кетишига сал қолди-я... Иқтисодда бекорга ўқимаган экансан-да, ўрток. Мот қилиб ташладинг аммо-лекин.

– Қонуний... ишлаган яхши-да, – тишлари орасидан аранг гапирди Дилшод.

– Албатта, ўрток, албатта.

– Юр, айланиб келамиз.

Дилшод кўл бўйлаб сокин оқаётган дарёга қараб йўл бошлади. Мансур унга эргашиди.

– Биламан, ўрток, кўпчилик мени отасининг эркатоёи, такасалтанг, ишэкмас, деб ўйлайди, – деб қолди ҳамон қайфиятсиз Дилшод. – Ҳатто дадам ҳам...

– Гапниям олдинг-да аммо-лекин. Бир-иккита кўролмаслар айтса айтгандир, эътибор бериб ўтиришгаям арзимайди. Ит ҳуради, ўрток...

Дилшод маъюс қолди:

– ...дарё эса оқаверади. Шундайми?... Йўқ, гап буни ким айтганида эмас. Гап шундаки, мен тўрт йил бекорга ўқимадим. Иқтисодда у-бу нарсаларни тушунгандай бўлдим.

– Унда яна ўқиб нима қиласан? Қузда бир жойга кетаман деётгандинг шекилли?

– Ҳа, насиб қилса Англияга. Майли, тинчлик-хотир-жамлик бўлса ўқиш бир гап бўлар. Мен бошқа бир нарсани айтиш учун сени бу ерга таклиф қилгандим.

– Бемалол, ўрток.

– Нимагадир кўнглим ғаш. Кечагини ҳеч унутолмаяпман.

– Айтдим-ку, ўрток...

– Барибир, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолган тақдирдаям... энди яшаш осон бўлмайдиғанга ўхшайди.



– Шунга айтиш учун чакирганмидинг мени?

– Йўк, йўк. – Дилшод сунъий кўлга ишора қилди: – Мен очган МЧЖдан уйдагиларнинг хабари йўк.

Бу Мансур учун қутилмаган янгилик эди.

– Ростдан-а?

– Рост. Биринчи бўлиб бу хўжаликни сенга кўрсатяпман. Биласанми нега унга “55” деб ном қўйганман? Қўзда дадам 55 ёшга тўладилар. Насиб қилса, ишлар мен режалагандай кетса, шу ердан 55 тонна балик чиқади.

Мансур хайратини яшириб туролмади:

– 55 тонна?

– Ҳа. Камида. Бу шунақа нав балик. Шаронт яхши бўлса, жуда тез кўпаяди. Бу менинг дадамга совгам бўлади.

– Э, қойилман аммо-лекин! – ҳаяжонланиб кетди Мансур. – 55 тонна-я. Бу ахир бир олам пул-ку!

– Бу ҳали ҳаммаси эмас. – Дилшод дарё яқинидаги камишзорни кўрсатди: – Бизнес-режамга кўра, манави бекор ётган ерни ҳам сотиб олишим керак. Қара, икки кадам нарида шунча сув.

– Буни нима қиласан? Яна балик кўпайтиришгами?

– Йўк. Бу ерга шоли экдираман. Гуруҳимизда бир хоразмлик бола ўқирди. Шундан шоли экиш, уни парваришлаш ҳақида роса сўраб-суриштиргандим, фойда бериб қолди, етмаганини китоблардан ўқиб олдим.

– Ҳа, анча иш бор экан.

– Булар бошланиши, холос. Манави ерда, – Дилшод уйчага ишора қилди, – консерва цехи қурилади. Ёнида балик дудлайдиган цех.

Мансур хайрон бўлди:

– Улар нимага керак?

Кўнгли тубида асраб юрган режаларини ниҳоят дўсти билан ўртоқлашаётганидан мамнун Дилшоднинг юзи ловуллаб, кўзлари чакнай бошлади, овози ҳам ўктамлашди:

– Керак-да. Биласанми японлар нега дунёда энг узок умр кўришади?

– Бир марта ўзинг “Улар ярим кечаси туриб олиб наҳорги ошга боришмайди-да”, дегандинг шекилли.

– Бу мен эмас, бир шоир айтган ҳазил эди. Хуллас, японларнинг узоқ умр кўришига сабаб битта – улар балиқхўр халқ. Балиқ бўлса витаминнинг кони. Ҳам ҳазми енгил, қанча есанг ҳам организмни зўриқтирмайди, пишиллаб қолмайсан. Бунинг устига семиртирмайди, холестеринсиз...

Мансур ҳам билагонлик қилди:

– Кечаси ёнади, фтори бор.

– Мен атай ўрганиб кўрдим. Кейинги беш йил ичида ўзимизда балиқ овлаш икки баробарга ошибди. Бу ҳали бошланиши. Мен аниқ биламан, яқин уч-тўрт йил ичида баликка талаб беш, ўн баробар ошиб кетади.

Мансур ишонқирамай бош чайқади:

– Шу нарх бўлса, ҳай билмадим-ов. Ўзинг бориб кўр, бозор тўла балиқ. Саккизта балиқни сотиб бўлгунимча тинкам қуриб кетади.

– Бу вақтинча. Талаб кўпайса таклиф ҳам кўпаяди, кейин ўз-ўзидан нарх тушади. Бунинг бозор деб қўйибдилар. Талаб эса албатта кўпаяди. Чунки энди бизнинг одамлар ҳам ўз соғлиқларининг қадрига ета бошладилар. Сал акли борлар куйруғининг мойини оқизиб ғарчча мой буюртма сомса егандан кўра балиқни афзал кўра бошладилар.

Мансур бозордаги сават кўтарган йигитларга таассубан бақира бошлади:

– Заказ сомса! Уйланмаган кўчқорнинг думбасидан тайёрланган заказ сомса! Сомсанинг додаси!

Дилшод қулиб қўйди:

– Ҳали кўрасан, катта-катта кафеларда, ресторанларда мисол учун “Пайшанба – балиқ куни” деган эълонлар пайдо бўлади.

– Фақат пайшанба эмас, оғайни, – дўстининг гапини ҳазилга бурди Мансур. – Уйланадиган йигитлармиз-а.

– Мисол учун айтдим-да. Хуллас, ўртоқ, мен бу ишни ота-отамга, яқинларимга билдирмасдан қилдим. Ҳаётда нимагадир фақат ўз кучим била эриша олишимни ўзимга ўзим исботламоқчи бўлдим. Бошланиши ёмон эмас. Агар уч-тўрт ой шу ерда мен билан ишлаб турсанг, худо хоҳласа, ёмон

бўлмайсан. Кейин... агар мабодо ўқишга кетсам, буларнинг барини сенинг номинга ўтказиб кетаман. Фойда эллик-ка-эллик. Яхши ҳисобчи ҳам топиб бераман. Ишни ўзинг юритаверасан. Мен икки йилда қайтаман. Кейин иккаламиз катта корпорация тузамиз. Акция чиқарамиз. Банк очамиз. Ишкилиб, режаларим катта. Келажакда қилинадиган ҳамма ишларимизнинг ҳамиртуруши эса мана шу дарёда. Бу сув, бу дарё бизга ўхшаганларнинг миллион-миллионтасини боқади. Шунинг учун қийинчиликларга чидаб бўлса ҳам, тўрт-беш ой қаттиқ ишлашимиз керак. Меҳнатимизнинг роҳатини кейин биргаллашиб кўраверамиз.

– Лекин мен... ўқимаган бўлсам. Бир оддий балиқфуруш...

– Гап ўқишда эмас, ўртоқ. – Дилшод юраги устига кафтини қўйди, – гап мана бу ерда. Биламан, сен ҳалол ўртоқсан. Садоқатли. Ишни бемалол юрита оласан.

Мансур чиндан ҳам довдираб қолганди:

– Энди бу... қутилмаган таклиф бўлиб қолди.

– Ўйлаб кўр. Ҳали ёшмиз. Катта-катта ишлар қиладиган пайтимиз. Кунига саккизта балиқ сотиб ҳам ўтказса бўлади тирикчиликни. Лекин келажакда саккиз юз миллион сўм соф фойда келтирадиган иш қилиб ўтказса ҳам бўлади кунни... Ўзинг айт, қачонгача бориға қаноат қилиб яшаймиз? Қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлса стадими? Яшашдан мақсад нима? Одам орзу қилмайдими? Шунга... олисдаги қуйруққа биргаликда интилиб кўрайлик, ўртоқ. Мана кўрасан, ҳали дунёга чиқамиз. Лондон, Дехли, Вашингтон, Париж бир кадам бўлиб қолади.

Мансур тамомила эсанкираб қолди:

– Париж. Дехли. Лондон... Бухорони кўрмаганман-у... Одамнинг оғзининг сувини келтирасан-а.

Дилшод дўстининг елкасига қўл ташлади, ишонч билан таъкидлади:

– Шундай бўлишига ишониб ишласанг, шундай бўладиям!

Мансур жимирлаб турган сувга тикилганча ўйланиб қолди...



Улар ортга қайтаётган маҳаллари Мансур катта йўлда елиб кетаётган хориж машинасини кўриб қолди.

– Ис, Рустам ака бу ёқларда нима қилиб юрибди?

Дилшод ҳайрон бўлди:

– Сен Рустам акани қаёқдан танийсан?

– У кишини ким танимайди? Балик бозорининг эгаларидан бири-ку.

– Ростданми?

– Ҳа, Тўғри, икки-уч марта бориб, шундай бемалол савдо қилишинг мумкин. Ҳеч ким мушугингни “пишт” демайди. Аммо-лекин шундан кейиннам Рустам аканинг ўзига ё у кишининг одамларига бош эгиб бормасанг, тамом.

– “Тамом” деганинг нимаси?

– “Тамом” деганим кейинги сафар ё балигингдан айрилсан, ё пулингдан деганим, ўртоқ. Улар бегилаган нархдан паст сотиб қўйсанг-ку, биратўла тамомсан. Бозорнинг шунақанги қондалари бор.

– Буни қара-я. Билмас эканман, – бош чайқаб қўйди Дилшод.

– Булар китобларингда ёзилмаган-да. Шунинг учун билмайсан... – Мансур узоқдан кўринган “Москвич”га ишора қилди: – Қара, бизнинг “Мерс” дулдулдай гижинглаб турибди. Аммо-лекин кўрган одам камида сигнализацияси бор деб ўйлайди...

\* \* \*

Сўроқ навбати Тамараники эди. Қиз кўнглидаги гапларини узоқ ўйлаб ўтирмасдан, шартта-шартта айтиб ташлар экан. Терговчининг “Демак, сиз дугонангиз Дилобар Одилова билан ярим тунда мехмонхона хонасига ўз ихтиёрларингиз билан деразадан ошиб тушдиларингиз. Шундайми?” деган саволига жавобан заррача ҳам иккиланмасдан, мовий кўзларини шифтга тикканча:

– Ҳа, ўз ихтиёримиз билан. Лекин биз шундай қилишга мажбур эдик, – деди.

Бу жавоб терговчини ҳайрон қолдирди:



– Тушунмадим.

– Ахир улар бизга яхшилик қилишди. Шундан-шунга олиб келиб қўйишди. Бунинг эса ҳақини тўлаш керак эди.

Бу мантик терговчини кизиктириб қўйди:

– Яъни?

– Бу дунёда ҳеч бир иш шунчаки “рахмат” учун қилинмайди. Ҳаммасининг ўз тўлови бор.

– Демак, сизларнинг мисолингизда...

– Худди шундай, ўрток терговчи.

– Лекин улар барибир ҳам шу ёққа келишаётганди-ку. Бунинг устига бу дунёда яхшилик, олийжаноблик деган тушунчалар ҳам бор.

– Менинг бундай эртақларга ишонмай қўйганимга анча... тахминан йигирма йил бўлган.

Бунга нима деб ҳам бўларди? Ноилож қолган терговчи тайёрлаб қўйган саволларини беришга ўтди:

– Ҳайдовчилар йўлда ичиб келишдимми?

– Йўқ. Улар машинани алмашиб ҳайдашди-ку, қандай ичишади?

– Хонада ўтирганларингизда ким биринчи бўлиб рақсга тушди? Сизми, Одиловами?

– Мен, аввал мен.

– Демак аввал сиз рақсга тушгансиз. Шундайми?

– Шундай.

– Дугонангиз-чи?

– Диля улгуролмади. Тўполон бошланиб қолди.

– Аниқроқ айтсангиз, қанақа тўполон бошланди?

– Улар бизни зўрламоқчи бўлишди.

– Хўш, йиртилган ёқа... Менга қаранг, Маратова, айтингчи. яхшилаб эслаб кўринг, ойнани ким уриб синдирди?

– Ойнаними? Шу... – киз биринчи бор иккиланиб қолди, – аниқ эсимда йўқ. Дилянинг эсида бўлса керак. У нима деди?

– Дугонангизнинг бу ҳақда нима дегани ҳозир аҳамиятсиз, Маратова. Марҳамат қилиб саволимга жавоб берсангиз.

– Лекин... ростданам эсимда йўқ. Стресс ҳолатида эдим. Бир пайт ойна синди. Биз ваннага яшириниб олдик. Одамлар

бостириб киришди хонага... Йўқ, эсимда йўқ. Ҳаммасини Дилия биллади.

– Тушунарли. Маратова, баённома билан танишинг ва имзо қўйиб беринг. Кейин кетишингиз мумкин.

Тамара баённомани ўқимасдан ҳам имзо қўйиб берди.

Қиз чиккач, Жавлон ўйланиб қолди.

– Биринчидан келса, иккинчиси боғдан келади-я, – деди баённомани яна бир бор ўқиб чиқаётган Асқарали.

– Ҳа, келишиб олишга улгуришмаган-да... Ҳайдовчиларнинг аҳволи қалай экан?

– Ошқозонларини ювишибди. Керакли муолажалар ўтказилган. Анча ўзларига келиб қолишган, дейишяпти.

– Яхши. Ундай бўлса аввал меҳмонхона навбатчиси... – у қоғозга қаради. – Мукаддам Латиповани чақиринг. Ҳайдовчиларни эса опадан кейин.

– Хўп бўлади.

Асқарали ёнида турган телефон гўшагини кўтарди.

\* \* \*

Тор жойда гўшт егандан...

Яхши мақол. Аммо унинг нега айтилганини бошидан ўтказган биларкан.

Аввалига катта ака уйланди. Кейин, ёв куваётгандай, кичиги ҳам бошини иккита қилиб олди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас болалар туғилишди, кейин яна....

Вақт ўтаверди. Болалар туғилаверишди, катта бўлаверишди... Ўзи каталакдай-каталакдай бешта хонали ховли бўлса.

Э, одамнинг “дод” деб юборгилари келади. Айниқса нафақат орқаворатдан, балки олдинда ҳам сени шафкатсизларча “қариқиз” деб атаб бошлаган янгаларинг туғул бир қориндан талашиб тушган иккита жигаринг ҳам “Қачон жойини топиб кетаркан бу?” дегандай ўқрайиб туришса... Тўққиз ой тор қорнида авайлаб-асраган волиданг нима қилиб бўлса ҳам сени бир амаллаб, кимга бўлса ҳам узатиб юбориш, сен эгаллаб турган лаънати тўрт қарич

жойни тезроқ невараларига таксимлаб бериш. келинларни болаларига яхши кўриниш пайида бўлса...

Гўзалой уйга келишдан безиб қолган. Шунгами, ишдан кейин ҳам "Тез ёрдам" станциясида бирон баҳона топиб ўтираверади. ўтираверади... Сўнг оёғини судраб босганча катлга кетаётган банди мисоли уйи томон йўл олади...

Мана, эни-бўйи нари борса олти қулоч келадиган торгина ховлида беш-олтита турли ёшдаги болалар чопкиллаб ўйнаб юришибди. Ховлининг бу четида катта янғаси Шарофат тоғорада кир ювмоқда, у четидаги ошхонада кичик янғаси, ковоғидан қор ёғаётган Одина қозонга қапгирни даранглатиб урганча овқат қиляпти.

Майда-чуйда олиб ўрганиб қолишган эмасми, болалар чопкиллаб Гўзалойнинг ёнига келишди. Қиз болаларга ширинлик, сакич улаша бошлади.

– Менгаям!.. Менгаям, амма!.. Раҳмат...

Улушини олган болалар нари кетишгач, Гўзалой Шарофат янғасининг ёнига борди.

– Ҳорманг, янга.

– Бор бўлинг. Келдингизми?

– Келдим. – Қиз бир уюм кирга ишора қилди. – Ўзим ювиб кўярдим-ку.

– Э-э, ювган билан адо қилиб бўлармиди. – қўл силтади Шарофат. – Бир соатда сизга етарлигиам йиғилиб қолади. – У болалар томон ишора қилди: – Конвейер ишлаб турибди.

– Мен ҳозир, кийимимни алмаштириб чиқай.

– Сиз ишдан келдингиз. Туни билан ухламай чиқишнинг ўзи бўладими? Аввал озроқ дам олинг. Анави, – Шарофат ўзига ўқрайиб қараб турган овсини томон ишора қилди, – бир коса шўрвасини аямаса, овқатланиб олинг.

– Қорним тўқ. Тинчликми? Яна уришиб қолдингизми?

– Уф-ф! – Дардини дoston қила кетди Шарофат. – Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим бу нокасинг дастидан!..

Бунақа гапларни тез эшитадиган Одина ўчоқ бошида туриб кичкирди:



– Ким нокас, а, ким нокас?

Шарофат энгашиб, шивирлади:

– Буники кулок эмас, докатор! Бунинг дастидан бу уйда гаплашиб ҳам бўлмайди.

Одина эса тобора авж қиларди:

– Мени нокас деганларнинг ўзлари нокас! Тўрттагина бола билан учта хонани эгаллаб олишгани-чи. Биз бўлсак етти жон иккита каталакдай хонада тикилиши-иб яшаймиз. Яна нокас эмишман! Э, ўргилдим!

Хона масаласи – ўта нозик масала. Яра жойига тегилгандай афти тиришиб-буришиб кетган Шарофат бобиллаб берди:

– Қаторлаштириб туғиб ташлайвермаслик керак эди!

Бунақа жанжаларни сотиб оладиган Одина иккала кўлини белига тиради:

– Мен туғсам ўзимнинг законний эримдан туғдим...

Меҳмонхона эшиги “ғийк” этиб очилди. Ичкаридан чиқиб келган Меҳри хола аввал Одинага, кейин Шарофатга қараб “уят” дегандай бетини чимчилади, сўнг атайин кўтаринки оҳангда, баланд овозда буйрук берди:

– Овкатни сузавер, келин.

Меҳри хола шу орада кизига “хонангга ўт” ишорасини қилди-да, қайтиб меҳмонхонага кирди.

– Меҳмон борми? – жигари эзилиб сўради Гўзалоӣ.

Шарофат бажонидил жавоб берди:

– Ҳа. Шунга анавининг елкаси тиришяпти-да.

Қиз индамай ховлини кесиб ўтиб, ўзининг хонасига кирди.

Бу яшаётган банданинг нафаси қайтиб кетадиган даражада тор хона эди. Тўрда сандик, кўрпалар, эски телевизор, каравот. Ўртадаги хонтахтада 12–14 ёшлардаги иккита киз дарс тайёрлаб ўтиришибди.

Биринчи киз салом берди:

– Ассалому алайкум, амма.

Иккинчиси:

– Ҳай! – деб қўйди.



– Яхшимисизлар. Дарсми?

– Дарс.

Беҳад чарчаган Гўзалоӣ елкасидаги сумкасини телевизор устига кўйди: бошка бўш жойнинг ўзи йўқ эди. Ўтирмакчи бўлиб жой излади. Факат каравот бўш. Гўзалоӣ каравотга ўтирди, унинг аянчли ғижирлаб юборишига карамадан деворга суянди, кўзларини юмиб олди.

Биринчи киз “пик” этиб кулиб юборди. Синглиси унга саволомуз қаради.

– Чой опкирганда эшитиб қолдим. Ичкарида амманнинг рекламаси зўр бўляпти лекин.

Сесканиб кўз очган Гўзалоӣ кийналиб нафас олди. Аста ўрнидан турди. Қизлар ўзларини зўр бериб дарс тайёрлаётгандай тутишарди. Гўзалоӣ даҳлизга чиқди, меҳмонхона ёнидан ўтаётган маҳал кия очик эшикдан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Гўзалоӣ ичкарига қаради.

Тўрда маҳалланинг доимий совчиларидан бўлган, қошкўзига ўсма-сурма сурган қирк беш ёшлардаги Рисолат сатанг ястаниб ўтирганча баҳузур овкатланарди. Рисолатнинг қаршисида муштдайгина бўлиб қолган Меҳри хола, дарҳақиқат, ташвиқотга зўр бермоқда эди:

– ...Йиққан сепи тўрт хоналик уйни тўлдиради. Пардаларининг ўзи аллақандай “Элит” деганидан, бир миллиондан ошиқ туради, ўзи атай бориб Тошкентдан олиб келиб қўйган. Хрусталларига-ку, қараган одамнинг суки қиради. Бари жуфт-жуфти билан. Ишлайди, кўлида гулдай ҳунари бор, яхши пул топади. Ойлигини бир сўмигача қўлимга олиб келиб беради. Худо хоҳласа, эрининг топганига шерик бўлиб ўтирмайди. Қисқаси, Рисолатхон, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ўзингиз бош бўлиб, бирон жойга бошқарсангиз дегандим. Бу ерда янгаларининг, акаларининг қош-қовоғига қарайвериб сиқилиб кетди бечора. Уйда камроқ бўлай деб оқшомги сменагайм чиқяпти. Яхшилигингиз ерда қолмайди. Эл қатори атаб қўйганимиз бор.

– Хола, – кўлидаги сомсанининг ичини очиб кўргач, кўнгли тўлмади шекилли, қайтариб ликопчага қўйди Рисолат сатанг. – Гап бўлиши мумкин эмас, албатта ҳаракат қиламан.

Испискадан кизингизга мос бир-иккита номзод чикибам қолса керак. Лекин олдиндан айтиб қўяй, энди уйланмаган йигитдан умид қилманг.

– Вой, бу нима деганиниз, Рисолатхон? – эҳонаси чикиб кетди Мехри холанинг. – Гулдай қизим турмуш кўрган эр-какка тегадимми?

– Ҳали шунақаси топилсаям шукр қилинг, хола. Бу буринчидан. Иккинчидан, “эл қатори” атаганингизни икки баробар оширасиз. Чунки, хола, мен хизматимга яраша оламан, қариқизларга эр топиш имконияти эса икки баравар кам.

– Вой ўлай! – беихтиёр бетини чимчилади шўрлик она. – Бу нима деганингиз, Рисолатхон? Менинг гулдай қизим... қариқиз бўлиб қолдимми?

Бунақанги савдоларда қатнашавериб, пишиб кетган Рисолатхон пинагини бузмади:

– Ўттизга бориб қолган қиз қариқиз бўлмай, нима, боғча боласи бўладими? Мен очигини айтаман, хола. Тўғри келса, ишни бошлайман, тўғри келмаса, марҳамат, мажбурламайман. Шусизам клиентларим тикилиб кетган.

Мехри хола ялинишга ўтди:

– Вой Рисолатхон, унақа деманг. Оғзингизга сиққанини сўрамайсизми. Мен қизимнинг бахти учун керак бўлса жонимни беришга тайёрман...

Юраги сиқилиб кетган, оғир-оғир нафас ола бошлаган Гўзалоё бил амаллаб болалар шовқинига тўлган ховлига чиқди.

Шарофат унинг ёнига келиб, меҳмонхонага ишора қилди:

– Кўринмай турсангиз яхши бўлармиди дейман-да.

Иккинчи тарафдан Одина зипиллаб етиб келди-ю, вишиллаб, дабдурустдан мақсадга ўта қолди:

– Айтиб қўяй, бу қизнинг хонаси бизники!

Бу масалада Шарофатнинг жавоби тайёр эди, ҳозирам овсинининг гапини оғзидан олиб ёқасига ёпиштирди:

– Шусизам хонага иккита қизингизни тикиб қўйгансиз-ку.

– Тикқан бўлсам ноиложликдан тикқанман. Ахир етти бирдай жон иккита товукнинг катагидай хонада яшаймиз!

Сизга ўхшаб “Мен катта келинман, ўзим хон кўланкам майдон” деб учта хонани эгаллаб олмаганмиз!

– Шошманг, – ётиғи билан гапиришга уринди Шарофат. – Аввал кайнсинглимизнинг тўйини қилайлик, янги уйга қузатиб қўяйлик. Хонани кейин бўлишсак ҳам бўлар.

– Ҳеч қанақанги бўлишиш-мўлишиш йўқ. Хона бизники, кизларимники, тамом-вассалом!..

Ранги баттар оқариб кетган, кийналиб нафас олаётган Гўзалоё ховлига аланглади, аммо бирон бўш жойи, нафас ростлаб олишга, бу шармандагарчиликдан, бу хўрлик-ҳақоратдан, маломатдан яширинишга макон тополмагач, жон алпозда дарвоза томон чопди.

Эшикдан отилиб чиққанча энтикиб-энтикиб нафас олаётган, вужуди терак баргидай дир-дир титраётган кизнинг мижджатарига аламнинг аччиқ ёшлари қатқиб чиқди...

Аммо... аммо ўз уйининг дарвозаси ёнида, яна бу аҳволда узок туриб бўлмасди. Одамлар... одамлар ҳаммасини кўришади. Кўриш билан кифояланмасдан, ўзларича хулоса ҳам чиқаришади: “Қон йиғлаб турган экан... бежиз эмас... ташлаб кетган... балки қорнида... балки эмас, аниқ, айланай...”

Ва киз бошини эгганча яна халоскор шифохонаси томон юрди...

“Тез ёрдам” бўлимида навбатчи шифокор Камол, ҳамшира Мунира ширинлик билан чой ичиб ўтиришарди.

Кабинетга руҳсиз тарзда “Яхшимисизлар” дея кириб келган Гўзалоёни кўрган Мунира яшнаб кетди:

– Наҳотки нолаларим Худога етган бўлса?!

Гўзалоё ўзини мажбурлаб жилмайди:

– Шундай... уйда ўтириб зерикиб кетдим. Агар ишпишинг бўлса, ўрнингга чиқишим мумкин.

Мунира хаяжон оғушида Гўзалоёнинг юзидан ўпиб олди:

– Вой, дилимсиз-а, Гўзалоё опа, дилимсиз! Ўзи кайнонам “Энди чилласи чиққан келинчакка ишда бало борми?” деб минғирлайвериб-минғирлайвериб, миямни қоқиб қўлимга берганди. Ҳозир уйга кириб борсам, ўзиям



қувонганидан бир қарич ўсса керак. “Айтганимни қипсанда” деб алқашинчи!

– Бўлмаса бориб қайнонангни бир қаричга ўстир.

Мунира шифокорга қаради:

– Майлими. Камол ака?

Шифокор Гўзалоёга синовчан тикилди:

– Ўз оёғи билан келиб турганидан кейин... нимаям дердим. Ишқилиб. Гўзалоёхон, ишга ярайсизми?

– Ярайман.

Мунира чапак чалиб юборди:

– Вуӣ! Зўр бўлди-да!.. Мана, опажон, чой, мана ўзим пиширган паҳлава. Раҳмат. Илойим яхши кунларингизда қайтараӣ бу яхшилигингизни. Тўйингизда ўйнаб бераӣ!

Мунира халатини ечиб, шкафга илдию, сумкасини елкасига ташлади ва хайрлашини ҳам унутган кўйи чопкиллаб кетди.

Камол ширинликни киз тарафга сурди:

– Марҳамат, гўзал хоним Гўзалоё.

– Раҳмат, қорним тўқ.

Шифокор ҳамширага яна синовчан тикилди:

– Шунақа денг. Ўз хоҳишим билан келдим денг.

Бўларкан-қу.

Гўзалоё ундан кўзларини обқочиб, деразага қараб олди.

\* \* \*

Ғалати бўларкан...

Ўйлаб кўрса, шунча йил яшаб, ҳали бирон марта сўрок бермаган экан.

Ҳали бу гапни Латипов эшитиб қолса нима бўлади, тасаввур этиш ҳам қийин. Роса тутакса керак ўзиям! Бошидан тутун чиқиб кетишим ҳеч гап эмас...

Мукаддам бошидан, сочлари орасидан қуюқ тутун чиқаётган эрини кўз олдига келтирмоқчи бўлди, аммо эплай олмади. бунинг ўрнига қаршисида худди ичида нима гаплар борлигини билиб олмоқчидай ўзига диққат билан тикилиб турган терговчини кўрди.



– Демак, сиз қизларга жой бермайман дедингиз. Шундайми?

– Мен жой сўраганларнинг қизлар эканлигини ҳам билганим йўқ, – тушунтиришга уринарди Муқаддам. – Мўйловли хайдовчи яна икки кишига жой берасизми, фақат уларнинг паспортлари уйда эдан чиқиб қолиб кетибди, деди. Мен қўнмадим. Шу:

– Лекин улар барибир қизларни ўз хоналарига олиб киришган.

– Ҳа, олиб киришган. Лекин, эътиборингиз учун, эшикдан эмас, деразадан. Яширинча..

– Бу билан агар хайдовчилар қизларни эшикдан олиб келишганида киритмасдим, демокчимисиз?

– Ўртоқ терговчи. Меҳмонхона ўз номи билан меҳмонхона. Казарма эмас. Миждозларимиз ўз хоналарига истаган меҳмонларини таклиф этишлари мумкин. Биз бунни ман этолмаймиз. Миждоз хамиша ҳақ деган қоида бизгаям тегишли.

– Бу меҳмонхонанинг эшиги куну тун очик дегани эмас-ку. Йўриқномага қўра, агар янглишмасам, меҳмонхонангиздаги меҳмондорчиликларга тунги ўн биргача рухсат этилган. Ана шундан кейин миждозларингиз амалдаги тартибларга риоя қилган ҳолда дам олишлари лозим.

– Биз учун кун билан туннинг фарқи қолмайди. Бунинг устига бизнинг миждозларимиз асосан кечаси келишади. Хайдовчилар, балиқчилар, овчилар, савдогарлар. Улар билан бир марта яхши муомалада бўлмасангиз, инжиқликларига чидамасангиз, кейинги гал хусусий меҳмонхонага ўтиб кетишади. Шу шаҳарчамизнинг ўзида бунақанги мини-меҳмонхоналардан учтаси бор. Норасмийлари қанча! Шу сабабли биз ҳар битта миждоз учун курашишга мажбурмиз. Рақобат катта. Бу воқеаям миждозларимизни чўчитиб қўйиши мумкин. Шуни ўйлаб эзилапман.

– Шунақа денг. Энди бир савол. Сиз Дилобар Одилова билан Тамара Маратовани олдиндан танийсизми? Ёки улар билан аввал ҳам учрашганмисиз? Шошилмасдан ўйлаб қўриб жавоб беринг. Бу жуда муҳим.

Муқаддам ўйланиб қолди.

– Анави икки кизми... Ўзбегини каердадир кўргандайман. Лекин аниқ эсимда йўқ. Ўрисини...

– Маратова татар миллатига мансуб. Ўзбекчани сувдай билади.

– Унисини биринчи кўриб туришим.

– Балки улар меҳмонхонангизнинг доимий... миждо-ларидир.

Муқаддам сесканиб кетди:

– Уларни келган миждоларнинг қўйнига ўзингиз солиб қўясиз, демоқчимсиз? Сиз анави... кал...

– Фуқаро Ибодуллаев. Вилоят ободонлаштириш бошқармасининг масъул ходими.

– Ҳа, ўша кишининг гапларини такрорлаясиз. Лекин бу бўлмағур сафсата, курук тухмат. Бошқа меҳмонхоналарни билмадим, аммо бизда ҳеч ким бунақанги иш билан шуғулланмайди.

Жавлон стули сўянчигига сўянди:

– Майли, ўртоқ Латипова, бориб ишингизни давом эттиришингиз мумкин.

– Дераза...

– Деразага ҳозирча тегмай тулинг. Эшик ҳам ҳозирча муҳрланган ҳолда туради.

– Хўп.

– Марҳамат қилиб сўров баённомаси билан танишиб, имзо қўйиб беринг.

Муқаддам шаҳар ички ишлар бошқармаси биносидан чиқаркан, “Булар мени бошқа безовта қилишмайди шекилли. Яхшиси тергов берганимни Латиповга айтмай қўя қоламан”, деган қарорга келди. Жим ётган арслонни уйғотишдан нима наф...

Аммо... дарвоза ёнида қовоғи солиқ, хурпайган Дониёр уни кутиб турарди. Капалаги учиб кетган Муқаддам айбдорона қиёфада эрининг ёнига борди. Дониёр индамай олдинга юрди, жувон унга эргашди.

– Латипов, бу сиз ўйлаган нарса эмас, – шоша-пиша ўзини оқлашга тушди Муқаддам. – Мени шунчаки, гувоҳ си-

фатида сўроқ қилишди. Воқеа менинг навбатчилигимда юз бергани учун, холос.

Дониёр тўхтади, хотинига диққат билан тикилди:

– Нима учун воқеа айнан сенинг навбатчилигингда юз беради?

– Бу тасодиф-да. Дониёр ака. Шунча вақтдан бери бунақа воқеа рўй бермай келаётганди-ку.

Дониёр яна юра бошлади:

– Кўза кунда эмас, кунда синади.

– Мени ҳамиша қилмаган гуноҳим учун ўзингизнинг олдингизда ўлиб-тирилиб оклашга мажбур қиласиз. Латипов, Ахир, айбим нима? Ишлаётганимми? Навбатчилигим шу кунга тўғри келиб қолганими?

Дониёр хужумга ўтди:

– Хайдовчиларнинг қони таркибида клофелин чиққани ҳам тасодифми?

Мукаддам ваҳимага тушиб қолди:

– Нима у, қорадорими?

– Уйқу дориси.

– Хайрият-эй. Мен бўлсам... Туф-туф.

– Лекин бу жинойт.

– Уйқу дорининг нимаси жинойт. Латипов? Ичса ичгандир уйқуси келмагандан кейин. Шунгайм мен жавоб бераманми?

Дониёр яна тўхтаб, хотинига қаттиқ тикилди:

– Мукаддам! Бу қасддан қилинган жинойт. Тушуняпсанми? Ўша... қизлар хайдовчиларга атайлабдан уйқу дори беришган. Ухлатиб қўйиш учун.

Мукаддам йиғлағудай бўлди:

– Қизлар уйқу дори берган бўлса, бунга менинг нима дахлим бор?

– Дахлинг шундаки, улар бемалол, ўз уйларида ўтиргандай хотиржам ҳаракат қилишган. Демак, улар сенга ишонишган, сенинг... шерикларинг бўлишган. Бу бир. Иккинчидан, менинг сумкамда худди шунақа доридан бор эди.

– Барака топгур, шунақа доридан бўлса нима кипти?

– Энди эса йўқ!



Бу сафар Мукаддам эрига узоқ тикилиб қолди:

– Нима дейин, нима десам ишонасиз. Латипов. Ўша клофе... уйку дорингизни мен ўғирладим, сменамга келаётиб йўл-йўлакай беш-олтитасини заҳарладим, қолганини сиз айтган ўша шерикларимга бериб, иккала ҳайдовчини ҳам ўлдириб, меҳмонхонанинг ҳовлисига кўмиб ташламоқчи эдим десам ишонасизми?

– Одамни майна қилма. Мен сенга бор гапни айт-япман.

– Мен ҳам бор гапни айтаяпман. Ҳеч қанақанги дори-порингизни кўрганим йўқ, сумкангизни титкилаш одатим ҳам йўқ.

– Чўнтакларни титкилаган одам учун сумкани титкилаш нима деган гап!

– Ҳой инсон, – хайкириб юборди Мукаддам, – умримда бир марта чўнтагингизни титкилаган бўлсам... ундаям... ундаям...

Аёл гап тополмасдан, йиғлаб юборди.

– Хўп, гапларинг чин ҳам дейлик, – сал паст тушди Дониёр. – Лекин ўша кизлар касдан сени шеригимиз эди, йўқ, шерик эмас, раҳбаримиз эди деб туриб олишса нима қиласан, а?

Пикиллаб йиғлаётган Мукаддам хайрон бўлди:

– Нега энди бунақа гапни айтишаркан?

– Айтишади. Дўппи тор келиб қолганда ўзлари қутулиб қолиб, сенга ўхшаган лақмани қамокқа тикиш учун шунақанга гапларни айтишадики, ўзингнинг туя эмаслигингни исботлаш учун бутун умринг ҳам камлик қилади!

Шу гапларни айтгандан сўнг Дониёр жаҳл билан ўнгга қайрилиб кетди.

– Қанақа қамок? Қанақа туя? Бу... бу нима деганингиз, Латипов?

Бирон саволига жавоб ололмаган Мукаддам юлқиниб, чапга қараб юрди.

\*\*\*

Браконьер балиқни қаерга олиб боради? Албатта, бозорга-да. Эҳтимол, улгуржи сотиб кетар, эҳтимол, доналаб. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг гирибонидан тутиб



“Сен бунни ноқонуний овлагансан!” дея олмайсан. У ҳам аҳмок эмас. Жуда тирғалиб келсанг. “Бир нотаниш одамдан оптом олдим!” деб тураверади. Ҳакки бор. Бозор чиптасини тўлаган. Кани, эндиём бир нима деб кўр-чи бу тадбиркорга...

Бозор қайнайди. Тирик балиқларнинг ўзи неча хил. дудланган балиқлару, пивоҳўрлар учун тайёрланган майда шўр балиқчаларгача тур-тури билан бор.

Самад билан Қаҳҳор растадан жой олишди, балиқларни сотишга ўтиришди. Бир четда уларнинг ишини қузатиб ўтирган Бердиқул ёнига келган фуқаро қийимидаги Тохирни кўриб қолдию. “дик” этиб ўрнидан турди.

– Бизга нима хизмат, начайник? Балиқнинг қилтиксизидан бор, берайми, томоғингиздан силликкина ўтиб кетади. Айтишларича, мусодара қилинмай қолган балиқнинг гўшти бошқача ширин бўларкан.

Ғазабдан ранги ўчиб кетган Тохир Самад билан Қаҳҳорга ишора қилди:

– Ўғирлик балиқларини сотишяптими?

– Ҳай-хай, унақа деманг, начайник. Тухмат қилманг. Нима, уларни ўғирлик устида қўлга туширдингизми, қўлингизда ашёвий далил борми, гувоҳларингиз-чи? Эски мақолни унутманг, камандир: ўғри ўғри эмас, қўлга тушган ўғри. Мен бунга қўшимча қилган бўлардим: қўлга тушган эмас, ўғрилиги исботланган ўғри.

– Ҳали қўлимгаям тушиб қоларсан! Бу сафар энди ситилиб чиқиб кетолмайсан!

– Омон бўлсак кўрамиз, камандир. – Бердиқул соатига қаради. – Адашмасам, сизнинг инспекторлик сменангиз тугаганига беш соату ўттиз етти дақиқа бўлди. Шундай экан, бозорга келиб, ҳалол тирикчилик қилаётган, лицензияли балиқчилардан арзонроққа улгуржи балиқ сотиб олиб, қимматроққа пуллашга уринаётган бечораларни ҳақорат қилишингизни мен инсон шаъни ва ғурурини топташ, мансаб ваколатини суниестемол қилиш деб ҳисоблайман. А, сиз ўзингиз бунни нима деб ҳисоблайсиз, камандир?

Тохир жаҳл билан ерга түпурди-да, нари кетди. Бердиқул унинг ортидан мазахомуз қараб қолди.

– Ана кибру: ана хаво! Отдан тушсаям эгардан тушмайди бу! – деди у сотувчиларнинг ёнига боргач. – Нега бунча имиллайсизлар? Жонни бордай бакириб-чакіриб, мактаб-мактаб ўтказиб юбормайсизларми! На овозларнинг чиқади, на...

– Бугун ўзи ҳамма ёқ балиқ экан, – ўзини оклади Самад. – Ўзи боя улгуржи бериб кетаверсак бўлар экан.

– Сув текинга-я?! Топибсиз аҳмоғингизни!

Қаххор гапга аралашди:

– Лекин бу аҳволда кечгача турсак ҳам бунинг кетиши кийин.

Бердиқулнинг росмана жаҳли чиқди:

– Э, оғизларингга чайнаб берса, ютишним эплолмайсизлар! Ландавурлар! Сал арзон қилинглар бўлмаса! Шуним ўргатиш керакми?

Самад хавотир ичиди у ёқ-бу ёққа аланглаб, шивирлади:

– Бундан арзон қилолмаймиз.

Бердиқул хайрон бўлди:

– Нега?

– Йўл кўйишмайди, – яна шивирлади Самад.

– Ким? – таажжубланди Бердиқул.

– Бу ернинг ўз эгалари бор, ука, – энди пичирлашга ўтди Самад.

Бердиқул қаддини керди:

– Ким экан ўша эгалари? Қани, бир эркакча гаплашиб кўйайлик-чи. Мен уларга бировнинг халол йўл билан овлаб келган балиғига хўжайинлик қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб кўяман!

Самад жон ҳолатда Бердиқулни елкасидан тутиб, унинг қулоғига шипшиди:

– Бас қилинг. Улар гаплашиб ўтиришмайди. Балиқ-малиғингиз билан кўшиб керакли жойларга топшириб юборишади. Кейин у ердан осонликча қутулолмайсиз.

– Нега энди топширишаркан? Балиқ бизники-ку.

– Балиқ бизники, лекин бозор уларники. Арбоб билан олишмаган маъқул, ука. Ундан кўра балиқни шундай ташлаб кетган яхшироқ.

Бу жумбок Бердикулнинг бошини оғритиб юборди:

– Уф-ф!.. Бу нима деганингиз?

Самад дарвоза томонга ишора қилди:

– Ана, яна битта гўшт.

Бердикул шу ёкка қаради. Эллик ёшлардаги, озгин эркак балиқ тўла ғилдиракли аравани итариб келмоқдайди. Унга қабарик кўзойнак таккан, бозор ходими кийимдаги, боягина Самадга балиқларини улгуржи нархда сотиб кетишни маслаҳат берган семиз йигит ҳарсиллаб-пишиллаб яқинлашиб, йўлни тўсди:

– Мумкин эмас! Олибсотарларга мумкин эмас!

Эркакнинг жаҳли чиқди:

– Э, қанақа олибсотар? Бу ўзимизнинг ҳовузда кўпайтирилган балиқ! Тушундингми, ўзимизнинг ҳовлидаги ҳовузда! Қишлоқ фуқаролар йиғинидан маълумотномам ҳам бор.

– Жа ишондим-да, – сурбетларча тиржайди йигит.

– Сенга ўхшаганлар учун олиб кўйганман ўзи. Мана!

– Қани. – Йигит маълумотномани олди. – Хўш, "...қишлоқ фуқаролар йиғинидан шул ҳақдаким... ҳақиқатан ҳовлисида балиқ етиштирадиган ҳовузи бор".

– Бўлдими, ука?

Йигит маълумотномани қайтариб бераётган маҳал бирдан тўхтаб қолди:

– Лекин масаланинг бошка томони ҳам бор-да, ака.

Эркак ҳайрон бўлди:

– Тушунмадим, ука, яна қанақа томони?

– Гап шундаки, сиз ўтган ҳафта ҳам келиб балиқларингизни сотиб кетгандингиз. Ҳеч ким ҳеч нима демаганиди. Ёқиб қолди шекилли, ё яхши фойда кўрдингизми, яна қайтиб келибсиз. Лекин бу ерни бозор деб кўйибдилар. Бозорнинг эса ўз эгалари, раҳбарлари бор. Бозор бедарвоза эмас. Манави туфта маълумотномани эса, – йигит маълумотномани йирта бошлади, – кўпи билан битта лаққа эвазига ёздириб олган бўлсангиз керак. Демак, сиз ҳақиқатан ҳам олибсотарсиз. Меҳнат қилмасдан даромад кўрмоқчи



бўляпсиз. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр деганлари шу-да. Бу эса яхши эмас. Яхшиси келишинг. Келишганингиз ўзингизга яхши. Бўлмаса ишингиз солиққа ўтиб, отнинг калласидай жарима тўлашингизга тўғри келади. Кейинги сафар яна шунақа қиладиган бўлсангиз, текис йўлда келаётган аравангиз чуқурга қулаб кетиши мумкин. Нимагадир чуқурга қулаган араванинг ичидаги баликларни шу ернинг ўғрилари бир зумда хомталаш қилиб кетишади. Бир зумда! Одамларда инсоф йўқ-да, ака, инсоф. Кейин араванинг эгаси минг югурсинелсин – бир тийин: ҳеч нарсани ибсотлай олмайди. Эришгани бозордан қувилиш бўлади. Бундай одам қайтиб бу ерда корасини кўрсатмагани маъқул.

Эркак довдираб қолди, ранги қумдай оқарди:

– Лекин, ука...

– Яхшиликча келишамиз-а, ака? Улгуржи ташлаб кета қолинг, йиғитларга айтаман, олишади.

Эркак бош эгди.

Бу воқеани кўз остидан қузатиб турган Бердиқул тутаклиб кетди:

– Э, кетдик-э!.. У-бу нарса еб олайлик.

Бердиқул бозор адоғидаги ошхона томон юрди. Ҳайрон бўлган Қаҳҳор шеригига қараб, баликларга ишора қилди.

– Бўни бўри ермиди! – деди Самад. – Ана, қўшниларга айтамин, қараб туришади.

– Майли, майли.

Бердиқул чеккароқдаги столда уч косада ош, бир шиша ароқ, бир ликопчада шўр бодринг олиб ўтирган экан. Самад билан Қаҳҳор қўлларини ювиб келишди.

Бердиқул ароқ шишасини олифталарча тагига уриб очгач, учта пиёлага тўлдириб қуйди. Самад бир пиёлани нари сурди:

– Биз рулда-ку.

Бердиқул бу пиёлани ҳам ёнига олди, учинчи пиёлани Қаҳҳорга тутди:

– Ичим ёниб кетяпти.

Самад қулди:



– Ёнаётган ичингизга яна олов куйиб нима қиласиз?

– Бу нима деганинг? – шеригини жеркиб берди Қаххор. – Ичмагандан кейин жим ўтир-да бировларнинг иштахасини бузмай. Аччикниям аччик кесади билсанг. Олдик.

Пиёлалар тўкиштирилди.

– Олдик. Банияти шифо.

Бердикул аввал биринчи пиёлани, кейин иккинчисини ичиб юборди. Қаххор ҳам пиёласини бўшатди.

Самад ош солинган косани кўлига олди:

– Козоки пиёладай келаркан-а. Каттарок ошасанг ё бир ошам келади ё келмайди. Чап ичакка ҳам юк бўлмайди-ку бу.

– Бу ерни шаҳар дейдилар. – илжайди кўзлари ёшланган Бердикул. – Шаҳарликларнинг ошқозони юпка бўлади. Ҳалиям бу бутуни, яримта олганимда нима қилардингиз?

– Ҳеч нарса қилмасдим. Нон бор экан-ку, шундан кўймасин.

– Балик бунақа сотилишида кабоб ея олмайдиганга ўхшаймиз, жўралар, – деб қолди Қаххор. – Қани энди Тошкентга оборсак. Бу ердан уч баробар баланд нархга супуриб олиб кетишаркан.

– У ёкнинг ҳам ўз бўрилари бор. – дархол шеригининг попугини пасайтиришга тушди Самад. – Ҳар ерни қилма орзу...

Бердикул тўсатдан пешонасига бир шапатилади:

– Қалла энди ишлаб қолди. Ўзи олдинроқ ичсам бўларкан! – У кўл телефонини олиб ракам терди, аппаратни қулогига олиб борди. – Тош! Ўзингмисан!.. Ҳа, бу мен... Раҳмат... Раҳмат... Хизматми? Бир оз балик бор эди, шунини тузукрок нархда ўтказиб бероласанми? Ҳа, тирик балик... Ўзи Тошкентда қилоси қанчадан? Қанча дейсан?.. Албатта, албатта, Тош. Бу гапинг ҳам тўғри. Хўп. Етказаман... Хизмат дейсанми? Ҳа, агар имконинг бўлса, бир қичкина илтимосим ҳам бор эди... Ҳа, уч мингча... Келишдик. Раҳмат, оғайни. – Бердикул телефонни ўчириб, шерикларига ғурур билан боқди. – Анави ёқда бирга ўтиргандик. Тошкентнинг бозорлари кўлимда, кел, бирга ишлаймиз, олти ойда тувагингни тиллодан қилиб ташлайман дерди. Телефонини эслаб қолганим яхши бўлган экан.

Самад ховликиб қолди:

– Нима деди? Килосини қанчадан оларқан?

– Тош унақа майда йиғитлардан эмас. Опкелсанг эллик-олтмиш кило қилиб ўтирмасдан, бир йўла уч-тўрт тонна олиб келакол. Тузукрок фойдаям кўрасан. Менга сенинг бир тийининг керак эмас, деди.

– Э, қойил! – ҳайратланиб бош чайқайди Қаххор.

– Бу гапи тўғри лекин, – бирдан қалласи ишлаб кетди Самаднинг ҳам. – Эллик-олтмиш кило оборадиган бўлсак, кўрган фойдамиз бензин пулидан ортмайди. Лекин бунча балиқни қаердан оламиз? Балиқ-қу, топилар. Лекин қайси пулга оламиз?

Бердиқул билан Қаххор худди келишиб олишгандай Самадга тикилиб қолишди.

– Нега менга қараб қолдиларинг?

– Мен яқинда укамни ўйлантирдим, – тушунтирди Қаххор. – Сен бўлса энди келин туширасан. Демак, пулинг бор.

Бердиқул кўшимча қилди:

– Пулингизни бир айлантириб, икки-уч баробар кўпайтириб оласак ёмонми?

Самад иккиланиб қолди:

– Ўзи у одам... ишончлими?

– Унақа одамларга бунақанги саволлар берилмайди. Шарт-та юзингизни тилиб ташлаши мумкин.

Бердиқулнинг бу гапи Самаднинг шубҳаларини тарқатиб юборгандай бўлди.

– Во-ей... Балки насяга гаплашиб кўрармиз. Бу ердан оладиган балиғимизни айтяпман.

– Унақа аҳмоқларни қаердан топасан? – қулди Қаххор.

– Уф-ф!.. Нима бўлса Самад, Самад! Ўлмаган жоним!

Бу Самаднинг рози бўлгани эди. У ўрнидан турди.

– Мен бўлмасам уйга бориб, борини қиртишлаб келай-чи.

– Бир машина балиққа етадиган бўлсин, – тайинлади Бердиқул. – Машинани ўзим гаплашиб қўяман. Бир-иккита ходка қилайлик, кейин бунақа ишлар учун алоҳида пул ажратиб қўямиз.

Самад кетди. Бердиқул пиёлаларга тўлдириб арок қуйди:

– Қани, олдик! Бўлғуси муваффақиятлар учун! Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлсин!

– Байрам бўлсин!

Бердикул арокни ичиб, пиёлани жойинга қўйгач, столдаги нарсаларни Қаҳҳор томон сурди:

– Сиз бемалол. Самад ака қайтгунича бир жойга ўтиб келаман. Бир йўла машинани ҳам гаплашиб келаман.

Шўр бодринг газак килаётган Қаҳҳор бошини силкиди:

– Хўп, хўп.

Бердикул шошиб ошхонадан чиқди.

Худди шуни кутиб тургандай, эшикдан чиққан маҳали унинг ёнига кўзойнакли бозор ходими ҳарсиллаб-пишиллаб этиб келди:

– Ака, нима бўлди, оптом ташлаб кетаверасизми?

– Боя айтган нарҳинггами?

– Ҳа, ака. Ёмон нарҳ айтмадим-а.

– Энди... – Бердикул бош бармоғини кўрсаткич ва ўртанча бармоғи орасига сукиб кўрсатди: – мана сенга балиқ, бақалоқ!

Кўзойнакнинг ранги ўчиб кетди:

– Ака, ҳадингиздан ошманг, яхшиликча таклиф қилдим-а. Хўжайинлар эшитса хафа бўлишади. Бунинг оқибати...

– Қўлингдан келганини кил, тўрткўз! – беписанд оҳангда гапирди Бердикул. – Хоҳласанг, ҳозир мен билан биттама-битта чиқ. Эзиб ташлайман! Хоҳласанг чоп, бориб суюнчи ол. Беш йил ўтириб келган биттаси балиғини биз айтган нарҳда сотмасдан, шаҳарга олиб кетди дегин. Бор!

Кўзойнак жойида анграйиб туриб колди, сўнг балиқ рас-таси томон зипиллаб жўнади.

Ўз-ўзидан мамнун бўлиб бораётган Бердикул эса бозордан унча узок бўлмаган “Кўз зиёси” хусусий шифохонасига деярли югуриб келди. Деворларига “Барча кўз касалликларини тўзатамиз”, “Кўз нуруни қайтарамиз!”, “Янгилик: лазер жарроҳлиги!” ёзувлари осиб қўйилган шифохонанинг



кўз таниш бўлиб қолган ёшгина жарроҳи Бердиқулни мулозамат билан қутиб олди.

– Ўша гап – гап, ака. Худо хоҳласа момойни олиб келасиз, уч кунда кўрмагандай бўлиб, тойинс, тамомила тузалиб кетадилар, – дея ваъдани қатта бериб юборди шифокор.

– Раҳмат, ука, – қўлини кўксига қўйди Бердиқул. – Бутун умидим сиздан.

– Биз сизга ўхшаганларнинг умидини оқлаш учуноқ шу ерда ўтирибмиз-да, ака, – янада баланддан келди шифокор. – Нарх ўша келишганимиз. Олдиндан юз фоиз. Лекин буни бировга айтиш шарт эмас.

– Албатта, ака, албатта. Насиб қилса эртага ё индинга бус-бутун қилиб олиб келаман.

– Бу яхши. – Бердиқулнинг қувончига шерик бўлди шифокор. – Лекин ўтган кунни бошқача гапиргандингиз. Нима, хазина топдингизми, а?

Бердиқул лаб-лунжини йиғиштиролмади:

– Э, йўк. Бир кадрдон дўстимни топиб олдим бугун. Шунинг олдига кетяпман. У хазинадан ҳам авло.

– Унда яхши бориб келинг, ака. Эслатиб қўяй: эрталаб пул, кечқурун операция. Бизники хусусий. Навбат-павбат, дори-пори деб ўтирмаймиз. Пулни олдикми, ишга киришамиз. Натижа гар-рантия!

– Раҳмат, дўхтир. – Бердиқул ўрнидан турди. – Раҳмат.

– Э, раҳматни кейин, момойнинг кўзлари чароғон бўлиб кетганидан кейин айтасиз...

Шундан кейин ҳам одам қувонмай бўладими!..

Мана шу кайфият таъсирида бўлса керак. Бердиқул қолган ишларни жуда енгиллик билан, ҳатто, айтиш мумкинки, ўйнаб-қулиб бажарди: ёнбошига “Тирик балиқ” деб ёзилган машина шопири билан гаплашди, кадрдони Тошга кўнғироқ қилиб:

– Биз йўлга тушяпмиз, – деб айтиб ҳам қўйди.

Бунга жавобан Тош аллақачон бозорни гаплашиб қўйганини, бемалол келаверишлари мумкинлигини айтганида эса ногоҳ босиб келган шодон хаяжон пўртанасидан Бердиқулнинг боши айланиб кетгандай бўлди...



Хайдовчилар сўроғи узокка чўзилмади. Бунинг устига ҳар иккалови жойида типирчилаб, учиб кетгудай бўлиб ўтиришарди.

– Терговчи ака, – охири ялинишга ўтди иккинчи бўлиб терговчининг олдига кирган Акбарали. – Энди, агар саволларингиз тугаган бўлса, бизга жавоб берсангиз. Тез гастинсага бормасак бўлмайди. Уйимиз қуяди!

– Бунча ваҳимага тушяпсиз? Машинангиз турибди, ўзим кўрдим, пломбалар жойида.

– Ахир биз почтачилик ҳам қилиб турамыз-да.

Терговчи жойлашиброқ ўтириб олди:

– Тушунтириброқ гапиринг. Мўминов. Қанака почтачилик?

– Гиёснинг тоғаси бор. Кабир ака деган. Ўша кишининг укаси Тошкентда ҳовли сотиб олаётган экан. Кабир ака “Нексия”сини сотиб биздан укасига пул бериб юборганди. Жигарига ёрдам-да. Тошкентда ҳовли олишнинг ўзи бўладими?

– Қанча?

– Ўн тўрт миллион сўм.

Терговчи ҳуштак чалиб юборди:

– Шунча пул меҳмонхонадаги хоналарингизда турибди, демокчимисиз?

– Ҳа. Дипломатда. Лекин... – иккиланиб қолди Акбарали, – менинг кўркқаним...

– Давом этинг.

– Бошим ҳалиям гувиллаб турибди. Ҳушимдан кетишдан олдин ўша дипломатни анави кизларнинг қўлида кўргандайман...

– Дипломат қулфланганмиди?

– Ҳа.

– Унда чўчимасангиз ҳам бўлади. Одилова билан Маратова меҳмонхонадан олиб чиқиб кетилаётганида қўлларида ҳеч қанақанги дипломат йўқ эди.

Акбарали енгил нафас олди:

– Хайрият-эй... Лекин, ака, яна бир нарса бор-да. Шундан кўркаяпман-да.

– Нима экан у’?

– Мен дипломатни кизларнинг қўлида очик ҳолда кўргандайман.

– Буниси энди қизик. Демак, калитни ўзларингиз бергансизлар.

– Йўғ-э! – жон ҳолатда эътироз билдирди Акбарали. – Калит Ғиёснинг бўйнида осилиб турибди, ўз кўзим билан кўрдим.

– Шунақа денг. Қизик... Одилова билан Маратова машинага чиққанидан кейин сиз шерингиз билан пул ҳақида гаплашмадингизми?

– Йўқ.

– Дипломат қаердайдди?

– Ёстиқнинг тагида. Кўринмай турганди.

– Ҳм-м... Сиз чўчиманг. Хона муҳрланган. У ерга ҳеч ким киролмайди.

– Лекин барибир, ака, катта пул...

Акбарали баённомага имзо қўйиб чиққач, терговчи савол назари билан ёрдамчисига қаради.

– Ҳайдовчиларнинг кўрсатмалари бир-бирига тўғри келяпти, – деди Асқарали. – Афтидан, бу ерда гапнинг ҳаммаси аёлларда. Шерше ля фам.

Жавлон бош ирғаб қўйди:

– Мени бир нарса ўйлантиряпти. Наҳотки Дилобар Одилова тўйга кийимлари солинган сумка кўтариб борган бўлса?

Асқарали керакли баённомага кўз ташлаб, ўкиди:

– “Хонада менинг шахсий косметикамдан у-бу нарсалар, кийимларим солинган сумкам тушиб қолибди. Ўшаларни бориб олишим мумкинми?” Балки тўйда кийимини алмаштиргандир?

Жавлон бир муддат ўйланиб қолди, сўнг ўрнидан турди:

– Асқаралибек, меҳмонхонага ўтиб келишимизга тўғри келади. Машина чақиринг.

– Хўп бўлади, ўртоқ капитан.

Шаҳар кичкина эмасми, орадан чорак соат ўтар-ўтмас улар меҳмонхонада эдилар.

Мухрланган хонадан арзирли бирон далилий ашё чиқмади. Хонани тинтийвериб чарчаб кетган Асқарали:

– Уф-ф! – деб юборди. – Бу ерда косметиканинг “к” харфи ҳам йўқ-ку. Жавлон ака.

Кўлкоп кийган терговчи индамай ювиниш хонасига кирди, диққат билан ҳар ёққа карагач, энгашиб, ванна тагига кўз ташлади-ю, кўл чўзиб, каттагина дипломатни суғуриб олди.

Жавлон дипломатни полга қўйиб, қулфчалар тепасидаги бўртикларни босган эди, иккала қулф ҳам “ширк” этиб очилди. Дипломат ичи дасталанган пулларга тўла эди.

– Косметика йўқ, лекин бошқа нарса бор. – дея мийиғида илжайиб қўйди терговчи.

\* \* \*

Вақт пешинга яқинлашди ҳамки, “уч оғайни ботир”дан дарак бўлавермади.

Хавотирга тушган Гулноза онаси билан дарвоза ёнидаги кўлбола ўриндикка чиқиб ўтирди-да, йўлнинг карши тарафидаги дарахт соясида майда-чуйда сотиб ўтирган, беўхшов семириб кетган Зухрани ер остидан бир оз қузатди.

Ў, бир пайтлар сочи тақимиини ўпадиган қилчдай қиз эди Зухра! Мактабнинг қайси бир тадбирида битирувчи синфда ўқиётган Гулнозани спорт залига алдаб олиб кирган ва титраб-қакшаганча: “Тоҳирни тинч қўй, бўлмаса!...” дея худди бўғиб ўлдириб қўядигандай пўписа қилган шу кўккўз қиз эди-да. Ўшанда, албатта, Гулноза мағрур тарзда “Э, бор, пишириб е ўшанингни!” деган, аммо барибир Тоҳирнинг бу қизга қайрилиб карамаслигига ишончи қомил бўлганидан, бадхоҳларча қувониб ҳам қўйганди... Ў, ёшлик! Ана, иккаловига ҳам насиб қилмади-ку Тоҳирбой... Зухраой қўшни кишлокка эрга чиққанди, аммо турмуши бўлмади: икки боласи билан қайтиб келди.

Ғалати томони – мактаб давридан бери Зухранинг Гулнозани кўргани кўзи, отгани ўки йўқ. Бўлмаса қанча сувлар оқиб кетди... Йўқ, барибир, Гулнозага кўзи тушса бас, Зухра



бирдан тумшайиб қолади. унинг саломига алик олмайди. ўзи биринчи бўлиб сўрашишни-ку; хаёлига ҳам келтирмайди. Бунни кўриб Гулнозанинг энаси котади, бир кўнгли тўғри бориб бу аразчи жувонга: “Нима, мен еб, сен қурук қолдингми? Оч-да энди ковоғингни!” демоқчи ҳам бўлади, аммо шайтонга ҳаё беради... Зеро ўзи йўқ пайтлари Зухраой ота-онасининг ёқасидан кириб енгидан чиқишини, елиб-югуриб уларнинг хизматида бўлишини Гулноза яхши билди... Мана, ҳозир ҳам уни кўриб кўрмаганга оляпти, атай шу томонга қарамаёпти. Ў. доғули!..

Қариб қолибди шўрлик... Дарвоқе, адашмаса, Зухра ундан икки ёш кичик эди. Демак ўзи ҳам олма билан ўрик эмас...

Ёқимсиз ўйлардан тезроқ қутулишни истаган Гулноза онасига ўгирилди:

– Почтага ўтиб келсаммикан?

Маърифат хола хотиржам эди:

– Қўявер. Учласи йиғилса, гурунглириям тутамайди, бахслариям. Келиб қолишади.

– Ишқилиб, отам чарчаб қолмасмиканлар?

– Чарчамайди. Ўзи менга билдирмайди-ю, лекин ҳар кунни шуларнинг йўлига илҳак кўз тикиб ўтиради. Одам қаригандан кейин дўст-биродарларигаям суяниб қоларкан-да.

– Мен бўлсам отам сизга, сиз отамга суяниб қолишингизни истаймман.

– Ҳалиям шундай.

Гулноза онасига ҳайрон бўлиб қаради:

– Бунни оддий гапдай айтяпсиз-а, эна.

– Ўзи шундай бўлади-да, қизим, – кундан кейин тун келиши ҳақидаги жўнгина ҳақиқатни тушунтираётгандай таъкидлади она. – Қариганингда биласан.

Гулноза ўйчан бош чайкади:

– Йўқ, эна, бизда... бизда бундай бўлмайди. Биз бир-биримизга суянмаймиз.

Сал жаҳли чиккан Маърифат хола қизини тергаб қўйди:

– Отангинг олдида ўйиб мўлтирайверма. Қизинг бўй етиб турибди, ахир.



Гулноза уф тортди:

– Аввал кизим тугилди деб чидадим, кейин хали кичкина деб. Мана энди бўйи етиб қолди деб чидаяман. Худо хоҳласа, энди неварали бўлдим, деб озрок чидаб берсам, қарабсизки, шу билан умр ўтиб турибди-да.

Она – сал кескинрок оҳангда бўлса-да – дилидаги гапни тилига чиқарди:

– Биз сени мажбурлаб узатмаганмиз, қизим.

– Биламан... Ўзим пиширган ош. Шунинг учун айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичавериб чарчадим-да, эна. Меъдамга зиғир ёғдай урди. Энди биратўла тўкиб кўя қолмоқчиман.

Маърифат хола сесканиб кетди:

– Нафасингни иссиқ қил-э!.. Ана, келишяпти. Айт-мовмидим.

Дарҳақиқат, қайрилишда гурунглашиб келаётган чоллар кўринишди. Қўлларидаги сумка, қоплари бўш қариялар Зухранинг ёйма хонтахчаси ёнида тўхташди.

Ўктабр ота яшил салафан халтачага солинган, бир бармоқ энлилигидаги носни қўлига олди, кўзига яқинлаштириб, унинг ёнидаги ёзувни ўқиди:

– “Чорсу. Нигинахон”. Бу нима дегани, кизим?

Зухра бажонидил изох берди:

– Чорсуда ишлаб чиқарилган, Нигинахоннинг цехида дегани, амаки. Фирма.

– Ё кудратингдан! – бўш қўли билан кўксини чангаллади Ўктабр ота. – Аёллар нос ишлаб чиқаришгаям ўтса-я! Замонанинг зайлини қаранглар.

– Олаверинг, амаки. Ўткиридан бу.

– Жуда ўткирми? – синчковлиги тутди Ўктабр отанинг.

– Жуда.

– Йўқ, жуда ўткири менга тўғри келмайди. – У носни қайтариб жойига қўйди.

Зухра бошқасини узатди:

– Ўртачасиям бор.

Отахон бош чайқади:

– Ўртачасиям тўғри келмайди.

– Мана, буниси қуввати пастроғи.

– Буниси умуман тўғри келмайди.

Отахон ўзини майна қилаётганини сездим, сотувчининг жаҳли чиқди:

– Оласизми-йўқми, амаки?

– Жон деб олардим-у, – чин дилдан афеусланиб бош чайкади Ўктабр ота, – ошқозоним бунингга кўшилган оҳакни хазм қилолмаса керак-ов. Бўлмаса балодек ишлайди.

Турғунбой ота лукма ташлади:

– Ошқозонинг темирниям хазм қилиб юборарди-ку. Энди нега ноз қилиб қолдинг?

Ўктабр ота бўш келмади:

– Оҳак, жўра, темирниям чиритиб юборади.

Зухранинг баттар энсаси котди:

– Ҳеч нарса олмасангиз, нега менинг бошимни қотириб ётибсиз?

Ўктабр ота унга ажабланиб, кўзларини катта-катта очиб қаради:

– Ким ҳеч нарса олмаймиз деди? Оламин, қизим, оламин... Саке, невара-чевараларга алсей.

– Казир – деди Серсенбой ота ва пичирлаб, бармоғида невара-чевараларини санай бошлади.

Буни кўрган Ўктабр ота қутичадаги ширинликларни са-лафан халтачага ағдара бошлади:

– “Казир-пазир” қилиб ўтирмай ҳаммасини олавер. Ичингда минг ҳисоблаганинг билан барибир саноғига етолмайсан. Уч-тўртта кўп бўлса ҳеч нарса қилмайди.

– Ўй-баёв...

– Ўй-байлама, Саке. Бугун акшанг кўп сенинг. Лекин, майли, охирги марта ўзим тўлайман. Фақат невараларингга “Ўктабр бобонгдан” деб айтиш шарти билан. – Отахон чўнтагидан ўнта минг сўмлик чиқариб сотувчига берди:

– Етадимми?

– Етади, амаки.

Гулнозанинг шу томонга келаётганини кўрган Зухра ранги ўчиб, тез-тез нарсаларини йиғиштира бошлади.

– Ҳорманглар. Бозорга барака. – деб кўйди жувоннинг бу килиғидан қулғиси кистаган Гулноза. Сўнг қарияларга қаради: – Ие, қоплар бўш-қу. Пенсия бўлмадимми?

Турғунбой ота Ўктабр отага ишора қилди.

– Бу қалласи йўқ чол...

– Тўхта, тўхта! – жўрасини гапиргани кўймади Ўктабр ота. – Мана, ўзинг айт, қизим, ўзи аслида йўқ нарсага хато қилган одамни хато қилди деб айтиш мумкинми?

– Йўқ, – иккиланиброк жавоб қайтарди гап ўзани қаёққа кетаётганини илғамаган Гулноза.

– Маладес, қизим. Шахар кўргансан-да, тўғриси айтасан. Менам аслида йўқ биттагина “нол”га адашибман. Шунга шунча миннат, таъна.

– Тушунмадим.

Яйраб қулиб юборган Ўктабр ота қаппайиб турган кўкрак чўнтагига уриб-уриб кўйди:

– Пенсия минг сўмликлар экан, мен бўлсам юз сўмликлар деб эшитибман. Бор-йўғи биттагина “нол”га адашибман. Йўқ нарсага...

Шу лаҳзада отахоннинг ранги оқарди, кўзлари катталашди, нафас олиши оғирлашди. Буни билдирмасликка уринган Ўктабр ота шошиб кета бошлади, бироқ ота қандайдир ишончсиз тарзда, сал гандирақлаб қадам ташларди:

– Бор-йўғи битта нолга-я! Ўзи йўқ нарсага-я!.. Мен борай. Тезроқ уйга етиб олай...

Гулноза хайрон бўлди:

– Амаки. Овқат тайёр. Келишгандик-қу.

Турғунбой ота ажабланиб, жўрасининг ортидан бақирди:

– Ўзи ёмоннинг бир килиғи ортиқ бўлади-да!.. Ҳой, бу яна нимаси? Қайт!

– Ўй-ба-ёв, наснинг исине маст бўлдингба?

– Ҳа, ҳа, мен... ҳозир...

Пешонасига реза-реза тер тошган, иложи борича тезроқ бу ердан узоқлашишга ошиқаётган Ўктабр отанинг қўлидан сумкаси тушди, отахоннинг ўзи жон алпозда кўкрагини гижимлади ва шу холида “гурс” этиб ерга қулади.

– Амаки!

– Жўра!..

Ўктабр отани уйга олиб киришди, яқинда Турғунбой ота ётган ўринга ёткизишди. Бир ош пишгулик фурсатда туман марказидан Гулноза чақирган “Тез ёрдам” етиб келди.

Беморни кўриб бўлган Камол журналга нималарнидир ёзди. Сўнг унинг кўрсатмаси билан хамшира Ўктабр отанинг юмшоқ жойинга игна санчди.

– Ҳаммаси жойида. Беморга тинчлик, хотиржамлик керак. Тез-тез хонанинг ҳавосини алмаштириб туринглар.

Камол жомадонини йиғиштира бошлади.

– Раҳмат, ўғлим, – деди жўрасидан кўз узмай ўтирган Турғунбой ота.

– Арзимайдди, отам... Бўпти, кетдик.

– Дори-пори керак эмасми? – шошиб сўради Гулноза.

– Ҳозирча хотиржамлик ва тоза ҳаводан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Мен касалхона журналига ёздириб қўяман, эртага ҚВП врачлари келиб хабар олади.

Шу маҳал кўзларини юмиб ётган Ўктабр ота пичирлаб қолди:

– Касалхона эмас...

– А, нима дедингиз, отам?

Турғунбой ота тушунтирди:

– У “касалхона” деган сўзни ёмон кўради. “Шифохона” бўлса бошқа гап.

Камол ўрнидан турди:

– Умуман олганда, Алихўжа-Хўжаали. Лекин, майли, талабларга кўра шифохона бўла қолсин. Омон бўлинг, отам.

– Хайр...

– Жаҳси барингдар...

Камол ҳовлига чиққан маҳал ортидан келаётган Гўзалоини беҳосдан қўлтиқлаб олди ва... шеър ўқиб юборди:

– Бу дунёда гўзаллар кўп,

Ва лекин сиз ягона...

Чўчиб кетган Гўзалои сапчиб ўзини четга олди. Уларни кузатиб чиқаётган Гулноза йўталиб қўйди-да, илдам келиб Камолнинг ҳалати чўнтагига пул солиб қўйгач, сўради:



– Доктор, диагнозни айтмадингиз.

– Инфаркт. Шунинг учун отахонни иложи борича кимирлатманглар. худа-беҳудага безовтаям килаверманглар. Гапирганда эса фақат яхши гапларни айтинглар. У кишига хаяжонланиш, безовта бўлиш мумкин эмас.

Фурсатдан фойдаланган Гўзалоӣ Камолнинг ёнидан сирғалиб ўтди ва дарвозадан чиқиб, машинага ўтирди.

Гўдайиб чиқиб келган шифокор ҳайдовчининг ёнидан жой олди.

– Сизга катта раҳмат, доктор.

– Арзимаиди.

Машина кетди. Ҳовлига қайтиб кирган Гулноза чўнтагидан кўл телефонини олиб, эрига кўнгироқ қилди.

Узун гудоклар. Афтидан. Файзулла яна бирон зиёфатда бўкиб ичиб ўтирибди...

Пешонаси тиришган Гулноза молхона ёнига ўтиб, қизига телефон қилди. Салом-алиқдан сўнг унинг имтиҳони билан қизикди.

– “Беш” бўлди, ойижон. “беш”!

– Жуда яхши бўпти. Аданг қалай?

– Вой, хозиргина гаплашдим, – шубҳали тарзда жудаям тез жавоб қайтарди Ноила. – Соппа-соғлар. Сизни сўрадилар. Кейин кечқурунга бир чўқим ош қилиб қўй, ота-бола биргалликда еймиз дедилар.

– Ундай бўлса яхши, – ноилож қизининг йўриғига юрди Гулноза. Кейин Ўқтабр амакининг ётиб қолганлигини айтди.

– Унда сиз яна бир-икки кун қоласиз шекилли, а, ойижон?

– Ҳа, шундай қилмасам бўлмайди.

– Сиз бемалол, ойижон! Бизни ўйламанг. Келишганимиздай мен эртага тушдан кейин йўлга чиқаман.

– Яхши. Айтгандай, телефон қилганимнинг сабаби, мабодо сенда Коммунанинг телефони йўқми?

– Қайси Коммуна?

– Ўқтабр бобонгнинг қизини айтяпман. Уч-тўрт йил бунинтернетданми топдим дегандай бўлувдинг-ку.

Ноила эслади:

– Ўшанда топгандим. Почтасига хат ёзгандим. Инглизча жавобам келганди. У пайт Коммуна опа Латвияда эди. Шенген визам бор, яқинда Финляндиягами, Швециягами ўтаман деяётганди. Кейинги хатим ўзимга қайтиб келди. Коммуна опа электрон почтасини ёпиб ташлаган экан. Бошқа очган бўлса керак.

– Яна излаб топсанг бўладими ўша интернетингдан?

– Уриниб кўрса бўлади. Лекин бу энди гарам ичидан игна қидиргандай гап, ойижон. Майли, ҳозирок қидирув бериб кўраман.

– Бўпти, қидир. Иложи борича топ.

– Коммуна опа нимага керак бўлиб қолди, ойижон?

– Чақирсакми дегандим. Инфаркт билан ҳазиллашиб бўлмайдди.

– Ўктабр бобомнинг ўзларидан ола қолинг телефонини. Мен ўзим бу ердан кўнгирак қиламан. Интернетдан текинга тушади.

– Дўхтир беморга ҳаяжонланиш мумкин эмас деди. Телефонни сўрасам...

– Тушунарли.

– Топсанг, ваҳима қилмасдан, ётиги билан тушунтириб хат ёзиб юбор ё телефон қил.

– Хўп, ойижон.

– Эртагача, қизим. Ошни тирик қилма, аданг ётиш олдидан газ сув ичса кечаси безовта бўлади.

– Биладан, ойижон. Газ сув ошқозондаги гуручни шишириб юборади... Эртагача.

\* \* \*

Кичик шифохонада гап ётармиди! Айтишларича, анча йиллар вилоят марказий шифохонасида уролог бўлиб ишлаган Камол ғалати бизнесини йўлга қўйган. Яъни у аввал ҳузурига жўнгина “энурез” ташхиси билан келган болаларнинг ота-онаси кимлигини обдон сўраб-суриштирган. Сўнг, улардан беш-олтита сармоядор ва амалдорини танлаб олиб, бу шўринг қурғурларни том маънода соғиб ичган. Ахир, ваҳима билан: “Бола тамом бўпти-ку! Энди муола-

жанинг фойдаси йўқ. Фарзандингиз катта бўлганида ҳам кўрпани хўллаб кўйиши майлику-я, бепуштлиқ, хаттоки жинсий ожизлик эҳтимоли жуда-жуда катта", деб турган оқ халатли шифокорга қайси ота-она ишонмайди?! Бечоралар минг ялиниб-ёлворганларидан кейин ахири "Бир уриниб кўрса бўлади... Операция ўта хавфли, лекин операциясиз ҳам даволашнинг инновацион усули бор... Факат сиз учун..." дея садо берган, айниқса тушунарсиз "инновацион" деган атамани тилга олган дўхтирга тиз чўккудай бўлишар, улар орасида ўз миннатдорчиликларини қандай изҳор этишни билмасдан, хўнг-хўнг йиғлайдиганлари ҳам учрарди... Камолга эса айнан шу керак бўлган. У "бемор"ларини уч пулга қиммат дори-дармонлар билан йиллаб даволаб юраверган. Ахир, аслини олганда ҳам, ўн икки-ўн тўрт ёшига етгандан сўнг бундай болаларнинг тўксон фоизи ўз-ўзидан тузалиб кетиши аён-қу. Камол мана шу жараённи ўз "инновацион усули"нинг ғалабаси сифатида тақдим этишни боплаган. Натижада миннатдор ота-оналар уни пул ва совға-саломга кўмиб ташлашган...

Мазахўрак бўлиб қолган Камол иккита ховли, иккита машинага ҳам қаноат қилмасдан, мухташам савдо маркази қуришни ихтиёр этади ва, табиийки, бу мақсадига етиши йўлида ўз қурбонларига солинаётган солиқ миқдорини оширади. Айрим тахминларга кўра мана шу очкўзлик хушёрроқ оталардан бирини сергак торттирган ва у ўғлини олиб, Тошкентга келган. Пойтахтдаги нуфузли шифохоналарда ўтказилган бир эмас, бир неча тиббий текширувлар ҳам Камолнинг ташхисини мутлақо тасдиқламагач, ота ҳаммасини тушунади...

Ана шунда Камолнинг пихини ёрган тулрак эканлиги яна бир қарра аён бўлади. Зеро, дарғазаб ота ўз амалидан фойдаланиб, таниш-билишлари кўмагида Камолнинг ишини судга ошириши ҳам мумкин эди. Аммо унда айрим тафсилотлар, хусусан, қайси бемор кимнинг фарзанди эканлиги ошкор бўлади. Бу эса амалдорга мутлақо керак эмас. Шу боисдан Камолни ими-жимиди ишдан бўшатиб

---

Дарё юборишади. хайрлашниш асносида эса шифохонада қайтиб корасини кўрсатмасликни яхшиликча маслаҳат беришади.

Қора булутлар босиб келди, аммо бўрон турмади. Осон қутулган Камол ўзининг “акахон”ларини ишга солди ва бир юмалаб мана шу шаҳарчага, “Тез ёрдам” станциясига ишга келиб қолди. Уч-тўрт йил фақир киши панада қабилда, кўпчиликнинг кўзига кўринмасдангина ишлаб турсин-чи, қорлар ёғилиб, излар босилганидан кейин яна аста бошини кўтарар...

Шифохонада кўпчилик Камолни ёқтирмасди. Гўзалоӣ ҳам шулар жумласидан эди. Мана, қанча шифокорлар кун демай, тун демай, иссиқ демай, совуқ демай навбатчиликка чиқишади, катта туманнинг у бошидан бу бошига қадар кезишади, қанча одамларнинг жонига ора киришади, аммо уларнинг биронтаси лоақал бир марта бўлсин беморнинг ўзи у ёқда турсин, яқинларининг қўлига қараганини эшитмаган, Донийёр акага ўхшаганлари эса мажбурлаб пул тутказишганларида ҳам қайтариб берганликларига ўзи неча марта гувоҳ бўлган.

Камол бўлса...

Ховлидан қўл телефонида гаплашган кўйи чиқиб келган Камол тез ўзининг ўрнига ўтирди:

– Бос, Дамин! Микрорайон, 5-уй. Биттаси ўлим тўшагида!

Ёш хайдовчи “Тез ёрдам” сиренасини ишга туширган кўйи машинани учириб хайдаб кетди.

– Бемор ким экан, Камол ака? – сўради Гўзалоӣ.

– Ёш йигит. Биз катори, – деди Камол “биз” сўзига урғу бериб .

– Нима бўпти?

– Юрак шекилли.

Гўзалоӣ сумкасини очиб, дориларни тайёрлай бошлади.

Машина беш қаватли уй ёнига келиб тўхтагач, отилиб тушган Камол биринчи подъездга кириб кетди. Гўзалоӣ унинг ортидан югурди.

Зиналардан тез кўтарилаётган қадам товушлари эшитилди. Сўнг тепадан овоз келди:



– Бешинчи!

– Хўп.

Ҳарсиллаб сўнги кават майдончасига чикиб келган киз очик эшикдан кирди, йўлакда туфлисини счганча ичкарига отилди. Шу маҳал эшик ортида яшириниб турган Камол аста жойидан чиқди ва эшикни ёпиб, қулфлади.

Хонама-хона ховлиқиб беморни излаётган Гўзалоӣ йўлакда хотиржам турган шифокорни кўриб, бакириб юборди:

– Камол ака! Бемор кани?

– Биз беморни йўкотиб бўлдик.

Қиз ваҳимага тушди:

– Кечикибмизми?

Камол бош чайкади:

– Йўк. Кечикканимиз йўк. Ҳали умид бор. Чунки ўша бемор камина қўлингизман.

Ҳамшира шифокорнинг сўзлашиш оҳанги, ўзига суқ билан тикилаётганидан хушёр тортди:

– Бу нима деганингиз. Камол ака?

– Бу шу деганимки, Гўзалоӣхон, сизнинг дардингизда юраги адоӣи тамом бўлган ошиғингиз қаршингизда турибди. Уни даволаш сизнинг қўлингизда.

– Ҳазиллашяпсизми, Камол ака?

– Мен сиз билан бир-икки марта ҳазиллашиб юрганмидим?

Ҳамшира сесканиб кетди:

– Камол ака. Эс-хушингиз жойидами?

– Эс-хушим сизни кўрган маҳалим кирди-чиқди бўлиб қолади.

Шу сўзларни айтиш асносида Камол Гўзалоӣнинг устига бостириб кела бошлади.

Қиз икки кадам ортга чекинди.

– Камол ака! Бу нима қилиқ? Уялмайсизми? Янгам бор, болаларингиз...

– Шу уй сизники, Гўзалхон. Калитини бериб қўяман. Хоҳлаган пайти келиб, дам олишимиз мумкин.

– Камол ака!

– Гўзалхон, кўп таранг қилманг энди. Мен сизни мажбурламадим, ўз оёғингиз билан келдингиз сменамга. Ёш бола эмассиз. Кўнглингизда бир ният бўлганки...

– Қоч-э, ифлос!

Гўзалою Камолни итариб юбориб, эшикка чопди. Аммо эшик берк эди.

Қизнинг ортидан келган Камол эхтирос билан гапира бошлади:

– Гўзалою!.. Ёш танангизни бекорга қаритиб нима қиласиз? Сиз кўркманг. Керак бўлиб қолса кейин ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Сиз мени тушуняписиз-ку, а?

Кўзи қонга тўлган Камол эшикка қапишиб қолган қиз устига босириб келарди. Гўзалою жон-жаҳди билан эшикни тепди.

– Ёрдам беринг!.. Ёрдам беринг!..

– Бефойда, Гўзалоюхон. Қундузлари бу “дом”да ҳеч ким бўлмайди.

Камол кўлини чўзиб, титраб турган Гўзалоюнинг ёноғини силади.

Гўзалою қалтираб кетди. Сўнг пичирлади:

– Камол ака... Илтимос, мен сал ўзимга келиб олай.

– Бу бошқа гап. Лекин, ишонаверинг, менинг қайноқ кучоғимда дарров ўзингизга келиб оласиз, жоним.

– Ҳеч бўлмаса... кўлимни ювиб чиқай.

– Бу ҳаяжондан. Лекин майли, юринг-чи.

Камол қизни кўлидан тутиб ваннага бошлаб бораркан, абжирлик билан унинг халати чўнтагидан кўл телефонини олиб кўйди.

– Бу ҳар эхтимолга қарши. Ана энди марҳамат.

Гўзалою кўз қирини ташлаб, ошхонадан балконга чиқадиган эшик очиқлигини кўрди. Камол ванна эшигини очаетган маҳал Гўзалою жон аччиғида балконга чопиб ўтди. Дераза ўрнатилмаган балкондан шаҳар кўриниб турарди.

Қиз бир сакраб балкон деворига чиқиб олди-да, ортидан чопиб келган Камолга тик боқди:

– Тўхта! Агар яна бир қадам кўйсанг, ўзимни пастга ташлайман!

Бу гапни эшитган Камол жойида такка тўхтади-қолди. Гўзалои пастга қаради. Кўчадан ўтиб турган бир-икккита йўловчи, подъезд ёнида “Тез ёрдам” машинаси.

Вазият калтислигини англаган, хуши бошидан учган Камол ваҳима ичида ялинишга тушди:

– Гўзалоиҳон! Тушинг! Тушинг деяпман! Пастга қулаб кетасиз!

– Қимирлама!

– Жон Гўзалоиҳон! Тушинг. Илтимос, пастга тушинг. Ахир, кўчадаги одамлар кўриб қолади.

– Кўришсин! Билишсин кимлигингни! Ўзиям тўғри машинамизнинг устига тушарканман. Қайтанга яхши бўлади.

Камол нажот излагандай атрофга аланглади, охири, ҳеч бир иложи қолмаганини англади шекилли, дир-дир титраган кўйи тиз чўқди:

– Жон Гўзалоиҳон! Мени тириклай сўйманг. Худо урсин агар сизга қўлимни теккизсам. Тушинг энди! Эҳтиёт бўлиб тушинг!

– Гапингга кўнадиган аҳмоқ йўқ.

– Қасам ичаман! – кичқириб юборди Камол. – Худони ўртага қўйиб қасам ичаман! Мен аҳмоқ ўзингиз ўз оёғингиз билан келганингизга...

– Ҳозир эшикни очасан!

– Мана! Мана! – Камол чопиб бориб эшикни очиб келди, негадир яна тиз чўқди. – Бўлдими? Энди тушасизми?.. И-и, эҳтиёт бўлинг!

Пастда, деярли оёқлари тагида тиз букиб турган эркак кизнинг кўзига жуда кичкина, иркит махлуқдай кўриниб кетди.

– Сен учун менинг тиригимдан кўра ўлигим қиммат-да, а? Шунинг учунам ўзимни пастга ташлайман!

– Гўзалоиҳон! Кечиринг! Ўлдирманг мени! Ахир болачакам бор, не-не орзуларим бор!

– Бола-чақанг энди эсингга тушдими, палид?.. Калитни қолдириб, пастга туш. Қачон машанамизнинг олдида кўринасан, кейин бу ердан тушаман.

– Менга ишонмайсизми. Гўзалоӣхон, Ахир қасам ичдим-ку. Эркак сўзим...

– Йўкол-э! Эркак эмиш! Садқан эркак кет!

– Ташқари эшикники английский, – деди зипиллаб жўнаб кетаётган Камол. – Қаттиқроқ итарсангиз, эшикнинг ўзи ёпилиб қолади. Мен учдим!..

Гўзалоӣ пастга қараб тураверди. Тезда машина ёнида тепага хавотирланиб қараб қўяётган оқ халатли Камол кўринди.

Шундан сўнггина Гўзалоӣ пастга тушди...

Подъезддан бўғриқиб чиқиб келган хамширани кўргачгина эшик ёнида асабий тарзда у ёқдан-бу ёққа юриб турган Камолнинг рангига қон югурди:

– Хайрият-эй. Иккинчи бунақанги... ахлатни емаганим бўлсин!

Гўзалоӣ индамай машинага чиқди. Рулга бошини қўйиб ухлаб ётган Дамин кўзларини очиб атрофга қаради:

– Бўлдим, Камол ака?

– Бўлди. – деди жойига ўтирган Камол.

– Ишкилиб, қутқариб қолдиларингизми?

Шифокор қисқа жавоб қилди:

– Ҳа.

– Шу, менимча, сиз жаннатий бўлсангиз керак, Камол ака, – деди калитни бураётган хайдовчи. – Ахир қанчадан-қанча одамларни ўлимдан қутқариб қоласиз. Ҳар қуни қанча савоб оласиз...

– Кетдик.

– Камтарсиз-а, Камол ака, камтарсиз. Мақтовни ёқтирмайсиз. Тўғрим, Гўзалоӣ опа?

Асаблари чарчаган, ҳорғин хамшира базўр жавоб қайтарди:

– Тўғри, жуда камтарлар.

– Кетдик.

– Нима, яна биронтаси ўлим тўшагида эканми?

– Кетдик деяпман-ку! Юрмайсизми энди.

– Лекин қасқа юришни айтмадингиз-ку.



– Станцияга, – деди Гўзалой. – Нимагадир мазам бўлмапти. Журналга белгилаб, уйга кета қоламан. Бу ёғини камтарин акангизнинг ўзлари эплайдилар.

Ҳайдовчи савол назари билан Камолга караганди, у шоша-пиша бош ирғади...

\* \* \*

Қабулхонага ховликиб кириб келган Дилобар на салом бор, на алик, Мукаддамни шоширди:

– Тез хонани очинг! Нарсам қолиб кетганди, олишим керак.

Мукаддам хайрон бўлди:

– Лекин у муҳрланган-ку.

Дилобар сумкачасидан бир парча қоғоз чиқариб кўрсатди:

– Манавини терговчи берди. Кейин эшикни мехмонхонангиз печати билан яна печатлаб кўяркансиз. Бўлинг тезроқ! Шошиб турибман.

Мукаддам терговчи берган қоғозни олиб кўрди. Дарҳақиқат, бу фуқаро Д.Одиловага муҳрланган хонадан ўзининг шахсий буюмини олиш учун берилган рұхсатнома эди.

Мукаддам бориб эшикни очди. Икковлон хонага киришди.

Дилобар хонани кўздан кечирди, стол-стуллар тагини караган бўлди:

– Қаерга тушиб қолган экан-а?

Мукаддамнинг синган дераза ёнига келиб, ташқарига қараётганини кўрган киз тез ювиниш хонасига ўтди-да, сумкасидан қаттагина қора салафан халта чиқариб, ванна тагидан суғуриб олган дипломатни халтага жойлади.

– Топдим!

Мукаддам шу томонга ўгирилди:

– Бўлдими?

– Бўлди. Бўпти, мен чопдим!

Дилобар шошиб хонадан чиқди ва шундоқ йўлақда ўзини кутиб турган Жавлон Сулаймоновга урилиб кетди.

– Ҳой! Кўзми бу ё пўстакнинг тешигимми?.. – Бирдан терговчини таниб қолган қизнинг нафаси ичига тушиб кетди: – Вой, бу сизми?

– Демак, асосий мақсад дипломат бўлган, шундайми, Одилова?

Дилобар терговчига анграйиб қараб қолди.

– Саволимни қайтараман: демак, асосий мақсад дипломат бўлган, шундайми, Одилова?

Ниҳоят қиз ўзига келди, иложи борича беписандлик билан гапиришга уринди:

– Нима деяпсиз, тушунмаяпман, ўртоқ терговчи? Қанақанги дипломатни айтяпсиз?

Жавлон қора халтага ишора қилди:

– Манавининг ичидагини, Ҳаркалаёй, иккита қалам билан битта лаббўёқ бунча жойини эгалламаслигини ўзингиз ҳам тушуниб турган бўлсангиз керак.

Инкор қилиш бефойда эканини англаган Дилобар ҳужумга ўтди:

– Тўғри, бунинг ичида дипломат бор. Меники! Ўзимники!

– Наҳотки?

– Ҳа, Нима, менинг дипломат тутишга ҳаққим йўқми?

Жавлон истехзоли илжайди:

– Ҳали тўйгаям шунга кўтариб борганман дерсиз?

– Кўтариб борганман.

– Қизик, бу ҳақда дугонангиз нима деркин?

– У эътибор бермаган бўлиши мумкин. Чунки хашиша икки кўзи осмонда бўлади. Бунинг устига худди мана шундай эди, сумканинг ичида эди.

– Эҳтимол, эҳтимол.

– Энди кетсам бўладими?

– Бир дақиқа. Марҳамат қилиб айтсангиз, дипломат ичида нима бор?

Дилобар сира иккиланмасдан жавоб қайтарди:

– Ўзимнинг нарсаларим. Шахсий нарсаларим.

– Ҳарқалай, аниқроқ айтсангиз дегандим. Мана, – терговчи ўзларини ажабланиб кузатиб турган Муқаддамга ишора қилди. – меҳмонхона ходимаси фуқаро Латипова иштирокида очиб кўрамиз. Тўғри айтсангиз, ўзингизники, ҳалол. Лекин нотўғри айтсангиз, бу ҳақда гувоҳимиз иштирокида далолатнома тузишимизга тўғри келади.

– Дипломатда менинг... – Дилобар чайналиб қолди, – менинг... қисқаси, озроқ пулим бор.

– Озроқ деганингиз қанча? Қандай қийматдаги купюралар?

– Эсимда йўқ. Лекин бу бир умр йиғиб келаётган жамғармам.

– Уни доим ёнингизда олиб юрасизми?

– Ҳа. Камбағалнинг моли ёнида бўлгани маъқул.

– Унда марҳамат қилиб, дипломатни очсангиз. Гувоҳ иштирокида.

Дилобар ноилож сумкасидан дипломатни олди, очмоқчи бўлди, бирдан ниманидир эслаб қолгандай терговчига қаради:

– Қулфланган.

– Ростдан-а? Ҳойнаҳой, қалити тухумнинг ичида, тухум сандиқда, сандиқ ертўлада, ертўла дарёнинг тагида бўлса керак. Шундайми, Одилова?

– Қалит йўқолган, – ўзига келиб улгурган Дилобар пинак бузмасдан жавоб қайтарди. – Шунинг учун бунни ўзимам очолмай юрибман. Анчадан бери.

– Балки дугонангизни ёрдамга чақирармиз. Ахир болалар уйида унинг лақаби “Тамарка қулфбузар” бўлган. Шундайми? У оддийгина соч тўғнағичи билан ҳаттоки инглизча қулфларни очиши билан машҳур бўлган.

Бунақа гапларни кутмаган Дилобар эсанкираб, аранг:

– Лекин сиз... сиз... – дея олди.

Жавлон жиддий оҳангга ўтди:

– Одилова, сичкон-мушук ўйинини бас қилинг.

Қўллари титрай бошлаган Дилобар ноилож дипломатни очди. У даста-даста эски газета-журналларга тўла эди. Бунни

Дарё  
кўрган Дилобар эс-хушидан ажралган одамдай анграйиб  
қолди.

– Яхши жамғарма экан. Энг муҳими – ишончли. Одилова, мен билан боришингизга тўғри келади.

– Қаерга?

– Ишни ёпадиган пайт келди, деб ўйлайман. – Терговчи Муқаддамга қаради: – Хонани тартибга келтиришингиз мумкин. Келтирилган зарар, яъни синган ойна айбдорлардан ундириб олинади... Марҳамат, Одилова. Ўзингизнинг дипломатингиз билан.

Зўр бериб вазиятдан чиқиб кетиш йўллари ўйлаётган Дилобар шуурсиз тарзда терговчининг олдига тушди.

Ташқарида уларни машина кутиб турган экан, бир зумда шаҳар ички ишлар бошқармасига етиб келишди.

Терговчининг кабинетида иккала ҳайдовчи, Тамара ўтирган экан.

Дилобарни бошлаб кирган Жавлон кафтларини бири-бирига ишқалаб олгач, мақсадга ўтди:

– Хонимлар ва жаноблар. Энди бу ишни ёпсак ҳам бўлади. Ўйлашимча, ҳаммаси жой-жойинга тушди.

Шундай қилиб, Дилобар Одилова, сиз шеригингиз Тамара Маратова билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Фиёс Умиров ва Акбарали Мўминов бошқараётган “КамАЗ” юк машинасини овлоқ жойда кутиб тургансиз. Чунки сиз бу ҳайдовчилар катта миқдордаги нақд пулни олиб кетаётганидан хабардор бўлгансиз.

Ҳеч кимни писанд қилмаётгандай гердайиб ўтирган Дилобар пичинг қилди:

– Ўзимда ғойибдан билиш таланти борлигидан беҳабар эканман, ўртоқ терговчи. Аммо қайтариб айтаман: биз тўйда эдик. Бизни хафа қилмоқчи бўлишди. Биз қочдик.

– Буниям текшириб кўрдик. Ўша оқшом сизлар турган жойдан ўн беш километр радиусда биронта ҳам тўй бўлмаган. Ундан ортиқ жойдан пиёда келишингизни эса тасаввур этиб бўлмайди.



Хуллас, сизлар “КамАЗ”га чикиб оласизлар. Режангиз бўйича бирон жойда тўхтаб, овкатланишларингиз, ана ўшанда сизлар хайдовчиларнинг овкатига клофелин кўшиб беришларингиз керак эди. Хайдовчилар ухлаб колгач, дипломатни олиб кўздан ғойиб бўлардингизлар.

– Бу чўпчагингизга биронта далилингиз борми? – эйтироз билдирди Дилобар. – Ё шундай тўкиб кетаверасизми?

– Давом этамиз. Аммо йўлда хайдовчи тўхтамайди. Сизлар ноилож “Қирғоқ” меҳмонхонасигача бирга келасизлар ва ўз режаларингизни шу ерда амалга оширишга уриниб кўрасизлар. Дарвоқе, мен сизга меҳмонхона қаршиидаги уйда яшайман деб айтгандим. Ўша кечаси ҳам сизларнинг меҳмонхона деразасидан ўз ихтиёрларингиз билан, ҳеч қандай пичоқ тирашларсиз ошиб ўтаётганлигингизни кўрганман.

– Балки демидрол сўраб навбатчи аптекага югуриб борибам келгандирман.

– Йўқ, Одилова, сиз ишни пухта киласиз. Ахир болалар уйдан сўнг тиббиёт коллежини битирган дипломли хамширасиз. Дориларни яхши биласиз. Бу сафар ҳам олдиндан сумкангизга солиб олган кичкинагина салафан халтачадаги клофелин моддасининг бир қисмини хайдовчи Ғиёс Умировга берасиз, қолганини эса Акбарали Мўминовга. Аммо шошганингиздан салафан халтачани йўқ қилишга улгурмайсиз. Мана, экспертиза хулосаси. Сумкангиздан топилган кичик салафан халтачада ҳақиқатан ҳам клофелин моддасининг юки қолган. Бу дори эса хайдовчилар ошқозони ва қонида топилган уйқу дориси билан бир хил таркибда.

– Вой муғомбир-эй! – деб юборди Ғиёс беихтиёр.

Дилобар бу лукмага парво ҳам қилмади:

– Сизда бунақанги салафанчалардан йигирматасини сумкамга солиб кўйиш имконияти бор эди. Бу далил эмас, уюштирилган тухмат, холос. Ўртоқ терговчи, менга қарши тўплаган далилларингиз бир пулга қиммат эканлигини ўзингиз ҳам яхшигина билиб турибсиз шекилли. Шундай экан, оғзингизни чарчатиб, ортиқча гап қилишнинг нима

кераги бор. Гапбозликни тўхтатиб, уй-уйимизга таркала қолайлик.

Терговчи, кизнинг ўзини совуққон тутишига қойил қолгандай бош чайкаб кўйди:

– Давом этаман. Гиёс Умиров уйқуга кетган махал сиз ҳар эҳтимолга қарши дипломатни текшириб кўришга қарор қилдингиз. Бунинг учун “Тамарка қулфбузар”нинг маҳорати кўл келди. Дипломатни очдиларингиз. У ҳақиқатан пулга тўла эди.

Дилобар эътироз билдиришга уринди:

– Лекин...

Аммо бу сафар терговчи уни гапиртирмади:

– Иш битгандай эди. Аммо машина эшигини қулфлашга кетган Акбарали Мўминовнинг қайтиб келиб қолиши, айниқса унинг сизларни бу аҳволда кўриши яна режангизни бузиб юборди. Сизлар дипломатни олиб чиқиб кетмоқчи бўлдингизлар. Аммо Акбарали Мўминов қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Тўполон кўтарилди, дераза ойнаси синди. Хонага одамлар бостириб киришди. Шунда сиз кўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилда иш тутиб ҳайдовчиларни ўзларингизни зўрлашга уринишда айблашга ўтиб, дод-вой кўтардингиз. Дугонангиз сизга кўшилди. Сиз шу тўполон пайти дипломатни ваннанинг тагига яшириб кўйдингиз.

Гиёс ўрнидан ирғиб туриб кетди:

– Вой палакат-эй!

Бесабр ҳайдовчига ўқрайиб кўз ташлаб қўйган Дилобар иложи борича хотиржамлик билан терговчига мурожаат қилди:

– Кейин сиз кўзбойлоғичлик қилдингиз, яъни ўша сумманинг эгасига айландингиз, шундайми? Ўроқда йўк, машоқда йўк, хирмонда ҳозир дегандай, а?

Қизнинг нимага шама қилаётганини тушунган Жавлон қулиб қўйди. Ҳа, Одилованинг асабларию, ўз манфаати учун тез фикрлашига қойил қолса бўлади.

– Адашдингиз. Мени сизнинг зўр бериб яна ўша хонага боришга баҳона қидиришингиз шубҳалантирди. Шунда ўзимиз бориб хонани текширдик. Дипломатнинг қулфи бу-

зилганлиги, айниқса унинг ушлагичида сизнинг бармоқ изларингиз борлиги мени хайрон қолдирди. Шунда мен ўйлай бошладим.

Бу сафар қиз истехзо қилишдан ўзини тийиб туrolмади:

– Наҳотки?

– Ҳа, афсуски, шундай... Биз пулни баённома асосида дипломатдан олиб, ўрнига эски газета-журналлардан солиб кўйдик. Қолгани биз кутгандай бўлиб чиқди. Сиз қопқонга тушдингиз, Дилобар Одилова.

– Асло! – кескин бош чайқади қиз. – Агар тўғриси айтиладиган бўлсам, манави такамўйлов ҳайдовчи, Ғиёсмиди исмингиз, ҳуллас, шу одам мен сени севиб қолдим, иккаламиз узоқ-узоқларга қочиб кетамиз, мана, топганим сеники, шу кеча мен билан қол, деб ялиниб-ёлвориб туриб олди, тиз чўкди. Дипломатни оёқларим тагига ташлади.

– Ҳой, ҳой, тухмат қилма! – бакириб юборди юзига қон тепчиган Ғиёс. – Тухмат қилма!

– Нега энди тухмат бўларкан? Мана, – қиз дугонасига ишора қилди, – гувоҳим бор. Тўғрими, Тамара?

Одатига кўра шифтга қараб ўтирган Тамара дарров дугонасининг гапини маъқуллади:

– Тўғри.

– Ана, кўрдингизми, ўртоқ терговчи, – тантанавор тарзда гапида давом этди Дилобар. – Биз аёллар бир кўришда мухаббатга ишонамиз, ҳатто жонимизни қурбон қиламиз. Соддамиз-да, соддамиз. Эркақлар бўлса айёр, маккор.

Терговчи эътироз билдирди:

– “Содда” деган таъриф сизга тўғри келмас-ов.

– Нега энди? – таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди Дилобар. – Мана ҳозир бошлигингиз номига қарсиллатиб битта ариза ёзаман, аслида воқеа қандай бўлганини баён қиламан. Гувоҳим бўлса бор. Мен терговчингизнинг кўкнори хаёллари қурбони бўлдим деб ёзаман. Шуми хотин-қизларга ҳурмат деб ёзаман! Орада сизнинг обрўйингиз тушгани қолади.

– Менинг обрўйим учун ташвиш чекмай кўя қолинг, Одилова.



Ранги кўкара бошлаган, тез-тез нафас олаётган Дилобар ҳужумга ўтди:

– Сиз ҳам бўлмаса менинг айбимни исботлайдиган тузукрок далил топинг! Тўй бўлмаган эмиш! Бўлмаса нима кипти? Эҳтимол мен у ерга севгим билан учрашувга чиққандирман. Бошим очик қиз бўлсам. Кейин уришиб қолганман-у, йўлга чиқиб кетаверганман. Дугонам билан. Ҳайдовчиларга эса “Тўйдан келяпман” деб кўяқолганман. Бу гўрсўхталарнинг бири бирдан мени севиб қолиб, муҳаббати исботига дипломат совға қилиб юборишини туш кўриб билибманми?

– Ҳали клофелингаям бирор баҳона ўйлаб кўйганман дерсиз.

Дилобар бўш келмади:

– Баҳона эмас, сабаб, ўртоқ терговчи. Беш-олти йил бўлиб қолди, асабийлашиб, кечалари ухломасдан чиқаман. Шунақа пайти озгина уйқу дорисидан ичиб олмасам бўлмайди. Врачларнинг ўзлари тавсия қилишган. Касаллик тарихидан кўчирма олиб келиб беришим мумкин. Ишонмасангиз, мен ҳисобда турган поликлиникага қўнғироқ қилиб билишингиз ҳам мумкин.

– Лекин сиз ҳайдовчиларга тухмат қилдингиз. Улар бизни зўрламоқчи бўлди деб ёзиб бердингиз.

Дилобар кўзларини маъсумона пирпиратди:

– Бу рост! Ростданам уларнинг нияти ёмон эди. Биласизку, эркаклар ичган пайтларида шер бўлиб кетишади, ишлари битганидан кейин эса қуёнга айланишади. Хайрият жонажон милициямиз бизни бундай шармандалиқдан қутқариб қолди.

Қизга кўзларини катта-катта очиб қараб турган Ғиёс:

– Ўзиям лекин илоннинг ёғини ялаган хотин экансан! – деб юборди беихтиёр.

– Ўзлариям фаришта эмас шекилли, – йигитга мазахомуз қаради Дилобар. – Кечагина “қулингиз бўлай” деб тиз чўкиб турган, оҳ, бир кўришда севиб қолдим, ёндим-қуйдим деб оёқларим тагида эмақлаб юрган ким эди? Дарров



Ўзгариб қопсиз-да, а? Муҳаббатингизнинг умри шунча қисқа бўлдим, жоним?

Ғиёс, қап-қатта эркак, довдираб, титраб-қақшаганча Жавлонга қаради:

– Ўртоқ терговчи! Мен ҳозир... мен ҳозир бу тухматчи хотинни бир бало қилиб қўяман.

– Ҳеч нарса қилолмайсан! – пинак бузмай ўтираверди Дилобар. – Агар мен ҳақимда яна битта ёмон гап гапирсанг, расмийлаштириб қўяман, кейин бир пок қизга тухмат қилганинг учун маънавий зарар тўлаб юрасан!

Ғиёс алам билан қўл силкиди:

– Э, агар сенки пок қиз бўлсанг...

Дилобарнинг туси ўзгариб келаётганани кўрган Жавлон столни уриб қўйди:

– Бас! – Ҳайдовчилардан сўради: – Пул бутми?

– Ҳа. Ўзим санаб кўрдим, – деди Акбарали.

– Унда аввал меҳмонхонага бориб, синган ойна пулини тўлайсизлар. Кейин эса... кетишларингиз мумкин... Сизларнинг эса, қизлар, қолишларингизга тўғри келади.

– Асос?

Жавлон ўзига ўқрайиб қараб турган Дилобарга қалингина папкани кўрсатди:

– Бу ҳайдовчиларнинг аризалари, суд-экспертиза хулосалари. Асос етарли.

Қиз ҳайдовчиларга беписанд қаради:

– Сизлар ҳали менинг совунимга кир юлмаган экансизлар. Ариза ёзганларингга шундай пушаймон қилдирайки... Ҳали кўрасанлар, охири бориб ўзларинг айбдор бўлиб қоласанлар. Уйлариингга бостириб бораман! Хотинларингнинг сочларини юламан! Бутун эл-юрт олдида шундай шармандаи шармисор қиламанки, бош кўтариб юролмайдиган бўласанлар!

Иккала ҳайдовчи турган жойларида қотиб қолишди. Ахири Ғиёсдан садо чиқди:

– Э-э... Ўртоқ терговчи. Қўйинг, шу худонинг балоси билан тенглашиб юрамизми? Кўриб турибсиз-ку. Биз иш

одами бўлсак. Терговга, судга қатнаб юришга вақтимизам бўлмайди. Келинг, аризани қайтариб ола қолайлик.

Дилобар мамнун илжайди:

– Қовок каллангиз энди ишлай бошлади.

Жавлон ҳайрон бўлди:

– Жиддий айтяпсизми?

– Ҳа, ўртоқ терговчи. Қўйинг, оғримаган қулоғимизга олтин исирганинг нима кераги бор... Кўриб турибсиз-ку... Қайтариб бера қолинг аризамизни. Биз ҳамма даъвойимиздан воз кечдик...

Дилобар терговчига қулимсираб қаради:

– Фуқаролар калласи ишламай турган пайти ёзган аризаларини, кейин, эс-хушлари жойига қайтганидан сўнг қайтариб олишга ҳақлидирлар. Уларнинг бу ҳуқуқларидан фойдаланишларига қаршилик қилмасиз, ўртоқ терговчи...

Иложсиз аҳволда қолган Жавлон қўлларини икки ёнга ёйди.

Аризаларини қайтариб олишган ҳайдовчилар меҳмонхонага ўтиб, жой, синдирилган ойна ҳақини тўлашгач, шоша-пиша шаҳарни тарк этишди.

Ақбарали бошқараётган “КамАЗ” қирғоқ йўлидан борарди. Қумушранг дипломатни маҳкам бағрига босиб олган Ғиёснинг қовоғи солиқ.

Ҳайдовчи қуёш нурида товланиб оқаётган дарёга бир қаради, икки қаради, сўнг бирдан рулни буриб, машинани сув лабида тўхтатди, моторни ўчирди.

– Нима қиляпсан? – деди норози бўлиб Ғиёс. – Машинани Тошкентга киришда ювдириб оламиз.

– Машинани у ёқда ювдирармиз. Бу ерда ўзимиз бир ювиниб олайлик. Ҳамма жойимизни ғубор босиб кетди-ку.

Ғиёс Ақбаралига ҳайрон бўлиб қаради.

Ақбарали индамасдан пастга тушди, кийимларини ечиб, ўзини дарёга отди.

Ақбарали оқар сувда роҳатланиб, шўнғиб-шўнғиб чўмиларди.

Ғиёс дипломатни кабинада қолдириб, пастга тушди:

– Етти марта юмала, шунда ҳалол бўласан.

Акбарали Ғиёснинг бу гапига парво қилмасдан чўмилишда давом этаверди. Унга бир муддат қараб турган Ғиёс завкланиб кетиб, шоша-пиша ечинди-да, чопиб келиб сувга калла ташлади.

Иккала ўртоқ қуёш нурида товланиб оқаятган, сатҳида сон-саноксиз тилла тангачалар ҳосил бўлган дарёда узоқ чўмилишди. Ғўё тўлиб оқаятган дарё вужудлари, кўнгиллари, руҳиятларидаги ғуборларни олиб кетаётгандай хайдовчиларнинг кайфиятлари тобора кўтарилиб бораверди. Улар бир-бирларига сув сепиб, бир-бирларининг бошларини сувга босишиб, кийкиришиб-қулишиб чўмилардилар...

### III боб

Кўнгил – душман. Айниқса, хотиннинг чиройли бўлса...

Бўлмаса неча марта ўзини тергашга уринди. “Рашк – ишончни ҳақорат қилади. Ана, Отелло ҳам ишончсизлик қурбони бўлган” ёинки “Ишонолмаслик – ўзлари ишончдан маҳрум кимсаларга теккан касаллик”, қабилдаги ҳикматли гапларни ён дафтарига кўчириб ёзиб олди, уларни ёдлашга, энг асосийси, уларга амал қилишга уриниб кўрди. Аммо воқелик игнаси теккан заҳоти буларнинг ҳаммаси совун пуфагидай “пақ” этиб ёрилади-ю, яна бариси бошидан бошлади...

Кичикрок қаҳвахонага овқатланиш учун кирган Дониёр чеккадаги столлардан бирида, нимкоронғиликда бегона эркак билан шакаргуфторлик қилиб ўтирган Муқаддамни кўрди. Тўғри, у нариги тарафга қараб олган, аммо соч турмаги, кийими... Ўзи! Худди ўзи! Демак, ишхонасига бориш ўрнига...

Ғазаб миясига урган Дониёр чайкалиб келиб шу стол ёнида тўхтади, қаҳр билан аёлга ўгирилди... ва унинг Муқаддам эмаслигини кўрди. Бу шу қадар қутилмаган ҳол эдики, додираб қолган Дониёр бир муддат бегона аёлга бақрайиб қараб тураверди.



Эркакнинг жаҳли чикиб кетди:

– Бировни йўқотиб қўйдингми, оғайни?

Шундагина Дониёр ўзига келди:

– Узр.

Аммо иш узр билан битадиганга ўхшамасди. Важохати бузилган бақувват эркак аста ўрнидан тура бошлади:

– Нега бегона аёлга кўзингни лўк килиб караяпсан?

– Узр. Бировга ўхшатибман.

– Узрингни пишириб е! – пўписага ўтди эркак.

Аёл жон ҳолатда эркакнинг мушт бўлиб тугилган қўлидан ушлади:

– Қўйинг. Шариф ака, тинчланинг.

Аммо Шариф деганлари тинчланадиганга ўхшамасди. билъақс, тобора қутуриб, кўзи конга тўлиб борарди:

– Биладан, буни Холда шпюнкликка юборган! – деган катъий ҳукмини чиқарди у ногаҳон. – Ахир ажрашганимга уч йилдан ошди, яна қачонгача ҳаётимни захарлайди у? Унинг дастидан бир ерга боролмасам, биров билан танишолмасам! Шуюм ҳаёт бўлдимми?

Гап нимадалагини тушунмаган бўлса-да, Дониёр ҳар эҳтимолга қарши:

– Яна бир бор узр, – деб қўйди.

Аёл ялинишга ўтди:

– Шариф ака, қўйинг, эътибор берманг бунақаларга.

– Эътибор бермай бўладими? – баттар жазавага тушди негадир хўрлиги ҳам келаётган, шунданми, овози қалтираб кетган эркак. – Мен энди кўрсатиб кўяман бунақанги ёлланма жосусларга! Жонимдан тўйдириб юборишди. Ҳар нарса-нинг чегараси бор-да!..

Ва мутлақо қутилмаганда Шариф гурзидай мушти билан Дониёрнинг жағига солиб қолса бўладими! Оркага учиб кетган Дониёр қўшни столга қулади. Стол-стуллар тарақлаб қулади, идишлар жаранглаб синди. Аёл чинкириб юборди...

Етказилган зарарни ошиғи билан тўлаб, қаҳвахонадан бир амаллаб қутулиб чиққан Дониёр ўтган-кетганлардан кўқарган кўзи, шишган юзини яширганча мехмонхонага келди.



Қабулхонада Мукаддам нарсаларини йиғиштирмоқда эди.

Дониёр хотинини ойнадан бир оз кузатиб турди, сўнг бу аҳволда киришга уялдими, ичкаридан чикиб колган фаррош аёлдан хотинини чакириб беришни илтимос қилди. Уни таниган, аммо ўзини аллатовур тутишидан ажабланган бўлса-да, хар тугул, фаррош орқага кайтди.

– У ёқда сизни хўжайинингиз сўраяпти, – деди қабулхонага ҳовликиб кирган фаррош.

Аллақачон эрининг шарпасини илғаган бўлса ҳам, атай ўзини бепарво, иш билан машғулдай тутаетган Мукаддам сўраган бўлди:

– У ёғи каер?

– Эшик олдида.

– Қизиқ, – елкасини учирди Мукаддам, – нега киравермаяпти? Бостириб кириб юрган жойи бўлса.

– Билмадим, лекин менимча ичган. Нукул юзини яширяпти. Уялаётган бўлса керак.

– Ростдан-а? – бирдан ишини тўхтатди Мукаддам ажабланиб. – Ичган?.. Бу Латиповга ўхшамаяпти. Сиздан илтимос, опа, бориб айтинг, ҳозир ишим кўп, кўлим бўшаган заҳоти чиқаман.

Аёл чўчиб кетди:

– Шундай деб айтишинми? Эрингизга-я?

– Айтаверинг. Кўраминиз, Латиповнинг сабри қанчага старкан?

Фаррош елка қисиб қўйди-да, эшик томон юрди.

Мукаддам соатига қараб турди, роппа-роса олтмиш сониядан кейин “тарс-турс” қадам товушлари эшитилди ва Дониёр қабулхонага ғазаб билан кириб келди.

– Нега чақирсам чиқмайсан? Нима экан у қолиб кетаётган ишинг?

Мукаддам эрига диққат билан тикилди:

– Қизиқ, нега юзингизни яширяпсиз? Юзингизни яширадиган нима иш қилиб улгурдингиз. Латипов? Яна умримда бир марта чўнтагингизни ковлаганимни юзимга соласиз?

Ёдингизда бўлса, ўшандаям шу аҳволда келгандингиз, Латипов.

– Мен боғдан келсам...

Дониёр бўшашиб, хотинига қаради. Унинг юзининг бир томони шишиб кетган, кўз атрофи кўқарган эди. Бунни кўрган Муқаддамнинг эси чиқиб кетди:

– Вой ўлай! Нима бўлди? Муштлашдингизми?

Дониёр яна юзини яширди:

– Йўқ. Йиқилиб тушдим.

– Кўриб турибман, жуда муваффақиятли йиқилибсиз. Юринг-чи.

– Қаёққа?

– Яна шифокор эмишлар. Юринг “Биринчи тиббий ёрдам” хонамизга.

Муқаддам келиб меҳрибонлик билан эрининг билагидан тутди ва тиббиёт хонасига бошлади.

Бу ерда аёл Дониёрнинг юзини спирт сурилган пахтада артаркан, сўнгги соатларда меҳмонхонда бўлиб ўтган воқеани гапириб берди:

– ...Кейин терговчи менга қараб деразани кўрсатди-да: “Келтирилган зарарни айбдор тўлайди” дедию, ўша аёлни олдига солиб хайдаб чиқди-кетди. Дипломати билан.

– Яхши бўпти. Бир балодан қутулиб қолибсан.

– Сиз-да, бало-бало деб бошидан бошимни котириб ташладингиз.

– Ўзингга эҳтиёт бўл, хотин. Шунда кейин пушаймон чекмайсан. Ҳозир шундай устомон аёллар борки...

Муқаддам лабини чўччайтириб, аразлаган бўлди:

– Кўрқитинг-а, кўрқитинг. Мен қанча кўрксам, сизга шунча яхши.

– Кўрқитмаяпман, бор гапни айтяпман... Уф-ф, ачитиб юборди!

– Ачитади-да, – эрига ачиниб қаради Муқаддам. – Ўзиям аввал роса мўлжаллаб туриб, кейин йиқилгансиз шекилли, а, каскадёр Латипов. Аслида-ку, сизга буям кам.

– Ичиқоралик қилма, – хотинининг қўлига аста уриб кўйди Дониёр.

– Бу ичикоралик эмас. Ҳақиқат шунака аччиқ бўлади. Бир бегуноҳ аёлнинг кўнглини ранжитган, унга тухмат қилган эркак албатта жазоланади. Мана исботи! Ё ҳалиям ўрлик қилиб, “бў!” деб тураверасизми?

– Бегуноҳ эмиш! – ён бермади Дониёр. – Тили бир қарич дедам қўшиб қўй.

– Тилимга нима қилибди, Латипов?

– Нима қилибди эмиш? Кимнинг оғзига қарасанг шу гап: “Пул йиғаётган экансизлар, қатта ҳовли олиб Тошкентга қўчиб кетармишсизлар...” Бу гап сендан чиққани аниқ.

Муқаддам стулга беҳол ўтириб қолди, аммо аҳволини билдирмасликка уриниб, жилмайган бўлди:

– Хўп, ким айтяпти шунака гапларни?

Дониёр беҳафсала қўл силтади:

– Ким бўларди, хотинлар-да.

– Хотинлар айтаётган бўлса... демак бор гап.

Дониёр хотинига ўқрайиб қаради:

– Яна без бўлиб “Тилимга нима қипти?” дейсан. Ҳали хом режага ҳаммадан суюнчи олишнинг нима кераги бор эди.

– Ажаб қилдим, хўп қилдим! Нима учун яширишим керак, нима учун сир сақлашим керак? Пул йиғаётганимиз рост, Тошкентни кўзлаётганимиз рост. Яна нима керак? Нима, режамизга кўз тегади деб ўйлаяпсизми? Қўрқманг, уйнинг ҳамма ёғига кўзмунчоқ осиб ташлаганман, кўз-пўз тегмайди. Чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди. Латипов. Биз эса Тошкентнинг нонини еган чумчуқлармиз, Маккатиллодан ҳам қайтиб борамиз.

– Мен аниқ кетамиз демаганман, ўйлаб кўрамиз деганман.

– Ўзингизни тарозига солишни бошламанг, Латипов. Бу қарорни биргаликда қабул қилганмиз. – Муқаддам энгашиб, эрининг юзига диққат билан разм солди. – Ҳечқиси йўқ, қўчиб кетгунимизгача тузалиб қолади. Шу ерда чорак соатча кутиб турсангиз, кейин уйга бирга қайтамиз.

Пахтани қоғозсаватга ташлаган Муқаддам кабинетдан чиқа бошлади.

Дониёр норози бўлди:

– Нега энди бу ерда? Нега энди ёнингда ўтирмас эканман?

– Об-бо! – Муқаддам стол жавонидан кўзгу олиб, эрининг юзига тутди. – Қаранг. Ахир бу кўринишингиз билан келаётган меҳмонларни кўрkitиб юборасиз-ку.

– Бахона кидирма, – бўш келмади Дониёр. – Меҳмон келган пайти ерга караб туришим мумкин.

– Жуда ишондим-да. Бўпти, юринг. Фақат айтиб қўяй. дуч келган одамни менинг танишимга чиқариб, жанжал кўтармайсиз.

– Бўлмаса ўзинг хам дуч келган одамга тиржайиб карайверма-да.

Муқаддам кабинетдан чиқаётган жойида тўхтади, эрига ўгирилди:

– Касбим шу. Латипов. Ҳар қандай меҳмонга илжайиб карашга мажбурман. Бизни шунга ўкитишган.

Дониёр тутакитб ктеди:

– Бекор айтибсан! Менам ёш бола эмасман, кўп меҳмонхоналарда бўлганман, лекин сенга ўхшаб тиржайиб турадиган биронтаям ходимани кўрмаганман!

– Уф-ф... – иложсиз бош чайқади Муқаддам. – Эгри одам эгри ўйлайди-да... Лекин айтиб қўяй, Латипов, сиз одам бўлмайсиз!

– Аввал ўзингга бок...

– Мен яхшиси ўзим бориб сменагни топшириб кела қолай.

– Ана, кўрдингми, менинг бирга боришимни истамаяпсан. Бир гап бор сенда. Бўйнида айби борнинг оёғи калтирайди деганлари шу-да...

– Латипов!.. Э, худойим-ей...

Мана шу тарздаги даҳанаки жанг асносида Муқаддам сменасини топширди.

Эр-хотин кўчага чиққанлари маҳал Муқаддамнинг эти жунжикиб кетди. Бунни Дониёр сезди:

– Нима бўлди?



– Ҳеч нима. Шунчаки, чарчаган бўлсам керак.

Дониёр хотинининг пешонасини ушлаб кўрди:

– Иссиғинг бор. Дори ич.

Бирдан эрини кўлтиклаб олган Муқаддам кўтаринки оҳангда гапиришга ўтди:

– Бу қувонганимдан. Мукофот чиқадиганга ўхшайди. Бузмасдан, кўшиб кўяман. Ҳарна жамғармамининг кўпайгани-да.

Эр-хотин йўлга тушишди.

– Ўзингга бирон нима керак бўлса олақол.

– Менинг ўзимга ҳозир ҳеч нарса керак эмас. Ҳеч нарса. Тезроқ йиғиниб, тезроқ кўчиб кетсак бас.

– Бунча ошиқма, хотин. Улғураминг.

Муқаддам тўхтаб, эрининг кўзларига қаради:

– Йўк, мана энди ошиқаман, Латипов. Умр ўтиб кетаяпти. Вақтида сизга ажарашайлик дедим, ажрашмадингиз.

– Астойдил сўрамагансан-да, – ҳазил қилишга уринди Дониёр.

Бироқ Муқаддам жиддий оҳангда гапирарди:

– Сўраш ҳам гапми, ялиниб-ёлвордим-ку.

– Йиғинг ёлғон эди. Умуман, аёл киши кўз ёши тўка бошладими, ақлли эркак у айтаётган гапларининг тескарисини қабул қилавериши керак. Бу аксиома! Замонлар синовидан ўтган.

– Нима бўлганда ҳам ўшанда жавоб бермадингиз. Мана энди кетмайман. Сизни маҳкам қучоклаб оламан-да, ҳеч қаёққа кетмайман, Латипов.

– Ҳеч ким сенга кет деётгани йўк шекилли.

– Лекин бу ерда бугун ишдан чикиб, эртасига туғруқхонадан бола олиб келишга ҳам чидамайман. Шаҳар кичкина, ҳамма бир-бирини танийди. Эрта-бир кун бирортаси болажонимни “асранди” атаб, кўнглига озор етказиши мумкин. Мен бунга чидай олмайман. Шунинг учун тезроқ Тошкентга кетайлик, Латипов. Тошкент катта шаҳар. Унга бизга ўхшаганлар сингишиб кетади. Икки йил-уч йил бор-йўқлигимизни бировга билдирмаймиз ҳам. Майли, ўн олти

каватли “дом”нинг ўн олтинчи каватидаги бир хонали каталакда яшайлик. Бола олгандан бошқа жойга кўчамиз. Кейин яна бошқа жойга. Изимизни йўқотамиз. Қўни-қўшнилар билан ҳам борди-келди қилмай турамыз. Майли, бизни “ёввойи” дейишсин, майли, бизни яккалаб қўйишсин. Биз ҳаммасига чидаймыз. Боламыз учун, унинг бахти учун, ўзимиз учун ҳаммасига чидаймыз! Ана ундан кейин, ана ундан кейингина биз бу ерга келаемиз. Меҳмон бўлиб, уч киши бўлиб. Болажоним қўйиб қўйгандай ўзимга ўхшаган бўлади. Биронтаси шубҳаланмайдиам.

Кўзлари жикка ёшга тўлган хотинига қараб Дониёр ҳам беихитёр ҳаяжонланиб кетди:

– Нега энди шубҳаланишлари керак экан? Инсон, жумладан аёл танасида бунданам ғаройиброқ мўъжизалар юз берганига тиббиёт гувоҳ! Мисол учун, москвалик бир аёл ўн тўққиз йил тирноққа зор юрган. Бачадони операция бўлганда. Ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган аёл бир кун қараса...

Ўз орзуларидан сархуш Муқаддам титраб-қакшаб эрининг гапини бўлди:

– У томони сизга тан, Латипов. Мен учун бола муҳим! Ҳаммасидан муҳим! Аммо унинг бирон кун келиб боши эгилишини истамайман. Шунинг учун Тошкентга тезроқ кетайлик, Латипов, кетайлик. Кўнглим сезиб турибди, ажойиб чақалоқ асраб оламиз. Мен уни тушимда кўрдим. Шунчалар аниқ кўрдимки, ҳатто кўкрагимга сўт келди...

Муқаддам йиғларди...

\* \* \*

Қишлоқ бозори ёнидан нималарнидир ўйлаганча, боши эгик ҳолда ўтиб бораётган Тоҳир таниш овозни эшитиб, сесканиб кетди.

– Тоҳир?!

Йигитнинг қаршисида Гулноза турарди!

Жувон биринчи бўлиб салом берди:

– Ассалому алайкум.

– Яхшимисиз, – дея олди Тоҳир. Сўнг бундай меровенраб туриши аёл учун нокулайлик туғдиришини сизди чоғи, гапида давом этган бўлди: – Бу ердалигингизни... билмагандим. Гулноз.

– Ўзи эрталаб келгандим.

Тоҳир чуқур нафас олди. У эркак киши, ўзини босиб олиши керак, ўзини ўйламаган тақдирда ҳам қаршисида жилмайиб турган жувонни ўйлаши лозим.

– Узр, иш билан бўлиб хабар ҳам ололмадим. Кечқурун ўтсамми деб тургандим ўзимам. Турғунбой амаким яхшимилар?

– Раҳмат. Оёкка туриб кетдилар.

– Яхши бўпти. Сал эркалик қилган эканлар-да.

– Шунакага ўхшайди. Энди эркалик навбати Ўктабр амакига ўтган.

– Тинчликми?

– Кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганлар.

Тоҳир безовталаниб қолди:

– Уйларидами? Ёлғиз...

– Йўқ, бизникидалар.

– Унда яхши... Қизингиз қалай?

– Ўқияпти.

– Ўтган йили келганида кўргандим. Ўзингизга ўхшабти. Худди мактаб даврингиз.

– Ҳа, вақт ўтиб кетяпти. Ўзингизнинг ўғлингиз қалай?

Коллежни битиради дегандингиз. Ишлаяптими?

– Ҳозирча бекор. Армияга бормоқчи.

– Омон бўлсин. Отасига тортибди-да. – Гулноза бирдан маънос тортиб қолди. – Эсингиздами, “Армияга бормаган йигит йигитми?” дегандингиз.

– Ҳа, эсимда. Ёш бўлганман, гўр...

Гулноза шошиб гап мавзунини ўзгартирди:

– Айтгандай, телефон қилганингиз, тўғрироғи, SMS юборганингиз учун раҳмат.

– Қўйсангиз-чи. Арзимаган нарса.

– Ўтган гал қўнғироқ қилганингизда эрим телефонни кўтариб қолиб, анча асабингизни бузган шекилли.

– Йўғ-э. – кўзларини олиб кочди Тохир. – Шунақа бўлганмиди? Эсимданам чикиб кетибди.

Гулноза кулимсиради:

– Шунинг учун рақамни ўзгартирган экансиз-да.

– Э. йўк. Ўзи шусизам шунақа қилиб, тез-тез сим-картани янгилаб тураман. Ишимиз шунни такозо қилади.

– Нега?

– Рақам эскираверса гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан бўладиган телефонлар кўпаяди.

Гулноза яна кулимсиради:

– Аёлларданми?

– Қаёқда. – очиғига кўчди Тохир. – Раҳбарлардан. Кимларнингдир қандайдир “акахон”лари балиқ овига чиққан бўладими-ей.

– Тушунарли.

– Қишлоқни айланиб юрибсизми?

– Ҳам саёҳат, ҳам тижорат. Бир оз лаҳм гўшт олсам дегандим. Уч оғайни ботирга қайнатма шўрва қилиб бермокчийдим. Уйда сабзи-пиёз, шолғом бор экан-у...

– Сиз шахарликлар гўштнинг фарқини билармидингиз?

– Ҳо, биз ҳали шахарлик бўлиб қолдикми?

– Ҳа, ахир йигирма икки йилдан бери шахардасиз.

Тохирнинг гап оҳангидаги ғуссани англаган Гулноза маънос тортиб қолди. Бунни сезган Тохир ўзини ноқулай ҳис қилганча кассобхонага шошди:

– Сиз шу ерда туриб туринг. Мен хозир... Кейин... кейин сиз билан бориб Ўқтабр отадан хабар олсам дегандим.

– Яхши бўларди...

Ўқтабр ота ҳамон ухлаб ётган экан. Турғунбой ота азалий эрмагини давом эттириб, ёғочдан кемача ясарди.

Тохир Сарсенбой ота билан бир оз гурунглашди.

Елкасига сочиқ ташлаган Гулноза дастшў, қумғон кўтариб кирди:

– Овкатам пишиб қолди. Серсенбой амаки, қўлингизни ювасизми?



– Қўл таза, кизим.

Гулноза савол назари билан отасига каради. Турғунбой ота шошмасдан пичокни кўрпача тагига яширди:

– Опке.

Гулноза илдам бориб отасининг ёнига дастшў кўйди, сув куйиб турди. Турғунбой ота кўлларини ювгач, кизи тутган сочикка артди.

– Барака топ. Сувдай сероб бўл, кизим.

Гулноза Тохирга каради.

– Қўл тоза, – деди у шошиб.

Шу маҳал Ўктабр ота ингради, кейин нимадир деб пичирлади. Турғунбой ота энгашиб, қулоғини жўрасининг оғзига яқин олиб борди.

– Ком... Коммуна...

– Қизини сўраяпти, шўрлик, – афеус билан бош чайкади Турғунбой ота.

Серсенбой ота лаб тишлади:

– Бавур-да, бавур.

Турғунбой ота Гулнозага каради:

– Хабар беришнинг иложи топилмадимми, кизим?

– Неварангизга тайинладим, ота, излаб кўради. Лекин, тўғриси, топилишига ишонмайроқ турибман.

Турғунбой ота ўйланиб қолди:

– Унда... уйига бориб қараб кўр-чи. Балки бирон жойга адрес-падресини ёзиб қўйгандир.

– Майли, ота. Ҳозироқ бориб келаман.

– Ҳовлида бўрибосар бор. Нақ эшшакдек келади. Эҳтиёт бўлинг-а, – деди Тохир.

Серсенбой ота қўл силтади:

– Э, ўл кўклемде қариб-шириб ўлдиғўй.

– Билмаган эканман, – деди ноқулай аҳволга тушиб қолган Тохир.

– Барибир эҳтиёт бўл, кизим. Овлоқ уйга ҳар хил дайди ҳайвонлар кириб олиши мумкин.

Тохирга жон кирди:

– Сменаюм бошлангунча бекорман. Мен бирга бориб келишим мумкин.

– Яхши бўларди, ўғлим.

Чойнак кўтарган Маърифат хола кирди. Тоҳир ўрнидан тура бошлади.

– Овкат-чи? – сўради Турғунбой ота.

– Раҳмат. Қорним тўк эди. Бориб кела қолайлик.

– Майли...

Ўктябр отанинг уйи икки кўча нарида эди. Кўп йиллардан буён таъмирланмаганиданми ё мол-ҳол ҳам сақланмаганиданми, қандайдир нураб қолгандай таасурот уйғотадиган ҳовли бошқа уйлар ёнида шумшук, ғариб кўринарди.

Улар ранги ўчиб кетган дарвоза ёнида тўхташди.

– Эсимда, – деди Гулноза, – бу дарвозани охириги марта... йигирма йилча бурун кўргандим. Ўзгармапти.

– Ўзгарган. Қаранг, ранглари ўчган, – деди Тоҳир ва дарвозани итариб кўрганди, ғижирлаган овоз эшитилди.

– Ошиқ-мошиқлариям занглапти. Мойлаб қўйиш керак... Дарвоза қарипти.

– Одам қариб кетяпти-ю.

Икковлон ичкарига киришди. Кимсасиз, файзсиз ҳовли. Яқин орада одам кўли тегмаганлиги шундай кўриниб турибди.

Ўктябр отанинг чанг босган хонаси. Жавонлар тўла китоблар. Деворга суратлар осилган. Қозикда тўн, дўппи.

Тоҳир бир суратни кўлига олди. Оқ-қора суратда сочи орқага таралган, галстук таққан, галифе шим кийган жиддий киши уч яшарлар чамаси болакайни кўлидан тутиб турибди. Тоҳир суратнинг орқасига қаради.

– 1940 йил. Райком секретари Мэлс Мэлсович уч ёшли ўғли Октябрь билан.

Бошқа бир сурат рангли эди. Кексарок, орқага таралган сийрак сочи оқарган, галстукли жиддий одам чақалоқни бағрига босиб олган.

– 1980 йил. Иттифоқ аҳамиятига молик пенсионер Мэлс Мэлсович невараси Коммуна билан.

– Эшитишимга қараганда, – деди Гулноза, – бунақанги ғалати исмларни Мэлс Мэлсовичнинг ўзи қўйган экан-а?

– Ҳа. Шахсан ўзи. – Тоҳир суратларни кўрсатди: – Мана. Октябрь амакининг акалари Жонрид. Тельман. Буниси опаси Клара. Илоё жойлари жаннатда бўлсин. Байналмилаллик тарафдори бўлган Мэлс Мэлсович атайлаб рус кизига уйланган дейишади, Хрущёв бош котиб бўлганида эса келини украин бўлишини талаб қилиб туриб олган экан.

Гулноза эслади:

– Лекин Ағния янга тоза ўзбек бўлиб кетганди. Ўқтабр амакиниям бошига кўтарарди раҳматли.

– Мана, ниҳоят латиш неvara қуёв.

– Билишимча, неvara қуёвга у кишининг алоқаси йўқ. Ёшлар ўзлари топишишган.

– Ҳа, алоқаси йўқ. Лекин барибир суяк сурган-да. Энди Европанинг қайси бир бурчагида юрган мана шу Коммунахонни излаб топишимиз керак.

– Хўш, кидирувни нимадан бошлаймиз?

– Ҳайронман. Ўқтабр амаки авваллари “Қизимдан ҳар ҳафта хат олиб тураман” деб мақтаниб юрарди.

– Тўғриси, бу гапга ишониниш кийин. Майли, шундай бўлсаям бир излаб кўрайлик-чи. Зора адресими, телефон рақамими чиқиб қолса.

Тоҳир жавонларни очиб, нарсаларни бир-бир кўра бошлади. Гулноза китобларни, ёндафтарларни варақлашга ўтди.

Бир соатлардан сўнг ортга қайтаётган Тоҳир билан Гулноза қирғоқда ёғочдан кема йўниб ўтирган Турғунбой отага дуч келишди.

– Ҳорманг, ота, – деди Гулноза.

– Ҳорманг, – деди Тоҳир ҳам.

– Бор бўлинглар. Топдиларингми бирон нарса?

Тоҳир изох берди:

– Амаки кизидан келган хатларни алоҳида қутига солиб асраган экан. Лекин охирги хат бундан икки йил бурун келган.

– Жўрам “Қизим ёнига чакиравериб чарчади, охири аразлаб хат ҳам ёзмай қўйди”, дегандай бўлувди.



– Шунақага ўхшайди. – деди Гулноза. – Қизи ҳар бир хатида отасини чақирган. Хатто икки марта “Виза масаласини ҳал қилиб қўйдим”, деб ҳам ёзган.

– Лекин негадир жўрамнинг у ёқларга оёғи тортмайди. Саке билан неча марта уришиб, сўкиб ҳам жўнатолмадик-ку. Жуда қўймасак, “У ёққа борсам ўлиб қоламан, шуми ниятларинг?” деб туриб олади.

– Одам боргисен келмаган жойинга бормаганиям маъқул, – деб қўйди Тохир.

Турғунбой ота бу фикрни маъқуллаб бош ирғади.

– Хатлардаги ҳамма манзил, телефон рақамларини кўчириб олдим. Ноила келса, бераман. Интернетдан яна бир излаб, телефон қилиб кўради.

– Майли, бир уриниб кўринглар. Боя алаҳлаб, яна кизини чақирди. Шамдай сўниб боряпти бечора. Асли ўзи кизининг йўлига илҳак экан-да бояжиш.

– Ҳалиям жўрангиз мард одам. Ичидагини билдирмайди. – деди Гулноза.

– Ҳа, ичи йиғлайди-ю, сирти кулиб туради.

Тохир қуёшга бир қараб қўйди:

– Хўп, амаки, мен борай. Сменам бошланишига ҳам оз қолди... Айтгандай, кизим келади деётгандингиз, Гулноз. Телефон қилсангиз, кирғоққа келиб тураман. Кечқурун дарё жуда чиройли бўлади. Агар хоҳласаларингиз, иккалангизни бир айлантираман.

Гулноза жилмайиб қўйди:

– Қизим билан гаплашиб кўрай. Лекин у шумтака бунақанги саёҳатларни жуда яхши кўради.

– Унда келишдик. Хайр. Яхши қолинг, амаки.

Тохир кетди. Гулноза унинг ортидан қараб қолди.

– Одам... вақт ўтганини ўзига қараб билмас экан-а, ота. Бировга қараб биларкан. Қиличдай йиғит эди-я. Эсингиздами, ота? Букчайиб қолибди.

– Тохир унча-мунчага бўйин бермасди. Лекин буни ҳам каритди, кизим. Осонми хотиндан ажраб қолиш. Энди яшай бошлаганларида. Ҳалиям садоқатли экан, бошқа уйланма-



ди. Хотинининг кирки ўтмай боши очик жувонларга совчи кўйиб ётганларам бор ўзимизнинг шу кишлогимизда.

Гулнозанинг лаби қимтилди:

– Демак... хотинини яхши кўрган. Яхши кўрган.

Турғунбой ота кизига диккат билан тикилди, сўнг ёнига чақирди:

– Бери кел-чи.

Гулноза бориб отасининг ёнига ўтирди.

– Хўш, кизим, ўзингдан гапир. Онангнинг олдида кўп сўраб-суриштириб ўтирмадим. Оиланг қалай? Кувим хафа қилмаяптими?

– Ҳаммаси яхши, отажон, ҳаммаси яхши. Бундан ортиғи бўлмайди.

Турғунбой ота ишонмади:

– Ростдан-а? Унда нега...

Шу томонга пилдираб келаётган аёлини кўрган Турғунбой ота жим бўлиб қолди. Маърифат хола ҳарсиллаб етиб келди.

– Яна нима бўлди, Раҳмонқул чегачининг қизи? – сал но-рози оҳангда сўради Турғунбой ота.

Гулноза ўрнидан турди:

– Тинчликми, ойижон?

– Жўраси... ўтириб олди. Тураман деяпти. Бу кишининг бу ёқдалигини эшитиб, менам дарёга бораман деяпти.

Турғунбой ота беҳафсала кўл силтади:

– Келса келар. Қайтанга яхши-ку. Шунга шунча ва-ҳимами?

Гулноза ойисининг ёнини олди:

– Лекин доктор Ўктабр амакини жойидан қимирламай ётсин деганди.

– Духтир айтаверади-да. Мениям касалхонага юбор-моқчи бўлганди.

– Юринг-чи, ойижон.

Она-бола овул томон юришди. Турғунбой ота нарсалари-ни йиғиштира бошлади:

– Ваҳимакашлар-эй...

Ўктабр ота ўрнидан тураман дегани рост экан. У Гулнозанинг:

– Яна озгина ётиб туринг, амаки, – деган илтимосига ҳам кўнмади.

– Хай кизим-а, айтдим-ку, яхшиман деб. Нима, ётганим билан бунданам яхши бўлиб қолармидим?

Хонага кириб келган Турғунбой ота жўрасини снгилгина уришиб берди:

– Ётмасанг шундай ўтир. Дарёга ликиллаб бориб нима қиласан?

Ўктабр ота жўрасига ўпкалаб қаради:

– Хой одам, сен бемор пайтинг кўнглингга қарадик-ку. Нега менга қолганда тихирлик қилипсан?

Турғунбой ота бўш келмади:

– Менга духтир тоза ҳавода юрсин деган, сенга ўраниб ётсин деган.

– Бекор гап! – тан олмади Ўктар ота. – Менга ўраниб ётишни маслаҳат берадиган духтир ҳали онасининг қорнида. Қани, бўл, кетдик, жўра. Иккаламиз бир айланиб келамиз. Аёлларни овора қилма. Анов нарсаларингниям олвол.

– Чикмасанг бўлмайдима?

Ўктабр ота бош чайқади:

– Бўлмайди. Сен билан менинг дардимни сув олади.

– Бўпти, дардинг шу билан ариса юр!

– Ота! – деб юборди Гулноза кескин оҳангда. Сўнг зўр бериб беморнинг қимирламай ётиши кераклигини кўл ишоралари билан тушунтира бошлади.

Турғунбой ота бош чайқади:

– Энди бу “кўй” десанг қўядиган ёшда эмас. Қирғоқда ўтирамиз. Тўғри-да, бу ерда ўтирди нима, у ерда ўтирди нима?

– Сенданам ақлли гап чиқаркан-ку, жўра, – хурсанд бўлиб кетди Ўктабр ота. – Жилдикми?

– Сен яхшиси бориб Сакени чақириб кел, – қизига таъинлади Турғунбой ота. – Невара-чевараларидан бўшаган бўлса, олдимизга келсин.

Ўқтабр ота жўраси кўмагида ўрнидан турди.

Уч қария ўзларининг қирғоқдаги севимли жойларига етиб келишди. Бу ерда дарё жуда кенг бўлиб, соқин оқарди.

Турғунбой ота кемачаси билан машғул бўлди. Жиддий тортиб қолган Ўқтабр ота оёқларини тиззасигача сувга тикиб ўтириб олди. Серсенбой ота эса, чарчаган эканми, ёнбошлаган ҳолида бошини кафтига қўйганча мудрашга тушди.

– Энди кўнглинг жойинга тушдимми, жўра? – сўради Турғунбой ота.

– Тушди, – деди Ўқтабр ота. – Сен менга қарамай ўзингнинг ишингни қилавер.

– Ҳалиям ишимни қиялман.

– Шу кетишинг бўлса, – ҳеч чидаёй олмади шекилли, ба-рибир гап билан нишини суқиб олди Ўқтабр ота, – шу кетишинг бўлса яна бирон йилларда тугатарсан-а бу эрмагингни?

– Нега энди бирон йил? – хайрон бўлди Турғунбой ота. – Битди ҳисоб. Бўясам, елкан билан ғилдирак қўйсам, тайёр-да.

– Жуда ишондим-да. Агар менинг маслаҳатимга қулоқ солиб, шунинг қисмларини станокда ясаганингда, ҳозиргача камида саккизтаси тайёр бўларди.

– Қўйсанг-чи, қўл турганда станокка бало борми?

Энди илжая бошлаган, недир ҳазил қилмоққа чоғланаётган Ўқтабр ота бирдан маънос тортиб қолди:

– Қизим “Бу ерда қўл меҳнати жуда кадрланади. Агар қўлда тайёрланган нарса совға қилсангиз, бу ердагиларнинг боши осмонга стади. Фақат бола меҳнати бўлмаслиги керак”, деб ёзганди.

Турғунбой ота кўлидаги кемани кўз-кўзлади:

– Жўра, мана шу битган заҳоти сеники. Бемалол олиб кетавер. Хоҳласанг, яна битга ясаб бераман.

– Кейинги йил тайёр бўлади-да, а?

– Нега энди кейинги йил? Сен меҳмонга бораман десанг бўлди, мен тун-кун ухламай чиқсам ҳам, айтган пайтингга ясаб ташлайман буни.

– Айтган пайтим... – Ўқтабр ота тиниқ осмонга, ёйилиб оқётган дарёга, қирғоқ бўйини қоплаган ўт-ўланларга,

қўлида ғимирлаб кетаётган чумолига аллақандай харислик билан, тўймай тикилди. – айтган пайтим ўтганга ўхшайди, жўра. Аввал эрта дедим, унинг ўзи келсин дедим... Энди бўлса... кеч...

– Бу нима деганинг, жўра! – жеркиб берди Турғунбой ота. – Муштдай болалар бу ёғи Америка, у ёғи Ҳиндистон деб юрганда сен...

– Менам муштдай бўлганимда, албатта борардим..

– Бугун сенга бир бало бўлганми? Индамасам, хўнг-хўнг йиғлаб ҳам оласан шекилли?

– Балки шундай қилганим яхшийди, лекин... йиғламайман.

– Тўғри қиласан. Қари одамнинг кўнгли бўш бўлиб қолади. Демак ҳали қариганинг йўқ.

Ўқтабр ота яна дарёга қаради.

– Икки-уч кун кўрмасам, сув кўзимга ўтдек кўринадиган бўлиб қолибди.

Яқинлашётган моторли қайиқ овози эшитилди. Серсенбой ота чўчиб кўзларини очди. Инспектор формасидаги Тоҳир таъмирдан чиққан қайиғида уларга яқинлашиб, моторни ўчирди.

– Ассалому алайкум, отахонлар. Яхши бўлиб қолдингизми, Ўқтабр амаки?

– Отдайман! – бош бармоғини бигиз қилиб кўрсатди Ўқтабр ота. – Ўзинг келиб қолмаганимда, энди сувга тушиб балик овласамми деб тургандим. Бир браконьерлик қилай.

– Сизга бемалол, амаки. Хоҳласангиз бир-иккига балик олиб келиб берай.

– Э, йўқ! – кўнмади Ўқтабр ота. – Ўзинг тутганимга нима етсин!

– Сиз қалайсиз, Серсенбой кўке?

Серсенбой ота ҳам бош бармоғини кўрсатди:

– Миқдай.

– Хўп, амакилар, мен борай. Хизматчилик.

– Бемалол, болам, бемалол, – деди Турғунбой ота.

Тоҳир моторни юрғазиб, узоқлашгач, Турғунбой ота жўрасига қулиб қаради:



– Балиқ овлар эмиш. Бош бармоғингга чувалчанг-пувалчангдан кистириб кўй, бирон каттарок лакка келиб гарчча тишласа, шартга тортиб оласан-кўясан.

– Шўртан тисдесе, бармағингдан айрилиб қаласин, – ваҳимага зўр берди Серсенбой ота.

Ўктабр ота жўраларига синовчан тикилди, сўнг ҳужумни бошлади:

– Саке, уйқтаб бўлдингба?

– Бўлдим. Уйде уйку жўк. Балдар, неверелер, шеверелер...

– Бемалол эваралар деявер. Сенгаям қийин. Ўзиям бир вагон бўлди-ёв.

– Вай-бў-ёв, ў не дегенинг? Қаят балдарминен, балдарнинг балдаримен татти.

Ўктабр ота кўлини кўксига кўйди:

– Хўп, хўп, тан бердик. Мен бошқа нарсани айтмоқчийдим. Эсларингдами, болалагимизда курук кўл билан тутиб олардик баликни.

– Ҳа, энди у пайтлар чаккон эдик, – деб кўйди Турғунбой ота.

– Келинглар, яна бир уриниб кўрамыз.

Турғунбой ота жўрасига хайрон бўлиб қаради:

– Эсинг жойидами?

Серсенбой ота Турғунбой отага қараб бош бармоғини чаккасида айлантирди:

– Бунинг миеси кеткен.

– Қўрқдиларинг-а? – тантанавор хитоб қилди Ўктабр ота.

– Нимадан қўрқарканмиз?

– Биронтаям балиқ тутолмай, шарманда бўлиб қолишдан қўрқдиларинг. Мен эса тутаман. Мана кўрасанлар!

– Бириншиден...

Ўктабр ота бирдан дарёга тушиб, энгашди ва кўлларини сув ичига тиккканча аста-секин илгарилай бошлади.

– Оббо тентаг-эй!

Шундай деган бўлса-да, Турғунбой ота ҳам ноилож маҳси-калишини ечиб, Ўктабр отанинг ёнига тушди. Серсенбой

ота уларга қараб турди-турди, кейин жаҳл билан пойабзалини оёғидан суғура бошлади.

Ўктабр ота кўрсатма бериб турди:

– Тез-тез қимирласаларинг-чи!.. Вой!

– Не бўлди, Ўктабр? – шошиб сўради Серсенбой ота.

– Битгаси кўлимга тегиб ўтди. Катта баликка ўхшайди.

– Балки илондир? – тахмин қилди Турғунбой ота.

– Бу ерда илон нима қилади. Турғунбой?

– Кеча иккитасини кўрдим сув юзасида, ўйноклашиб сузиб ўтиб кетишганди. Балки улар қайтишгандир.

– Ўйноклашиб сузишган бўлса демак сув илонлари, – сир бой бергиси келмади Ўктабр отанинг. – Сув илондан ҳам кўрқасанми, Турғунбой?

– Барибир одамнинг эти сесканади-да.

– Э, унақа сесканадиган терининг боридан йўғи. Қани, жўра, сен бор баликни менга қараб ҳайда... Бўлсей, Саке. Тўс жўлини.

– Казир, казир... Ў, қудайим...

\* \* \*

Тушга яқин шаҳарга етиб келишди. Ҳайдовчининг ёнида Бердиқул билан Самад.

Қўл телефони йўлбошловчидан яхшироқ хизмат қилди. Яна беминнатлиги-чи! Ош сўрамайди, нон сўрамайди, ҳар замонда уч-тўрт сўм томизиб қўйсанг бас...

Ёнига “Тирик балиқ” деб ёзилган машина шундай бозор дарвозаси ёнида тўхтади.

Ичкаридан кун иссиқлигига қарамасдан қалин костюшим кийиб, энли қора галстук тақиб олган Тош қучоғини кенг очган ҳолда чиқиб келди:

– Э, ошна! Сени кўрар кун ҳам бор экан-ку!

– Бормисан, Тош!

Иккалови қучоклашиб кўришиб кетишди.

– Қандай шамоллар учирди, оғайни?

Бердиқул машинага ишора қилди:

– Айтдим-ку, озроқ балиқ бор эди деб...

– Баликни қўй, дўстим, ўзингдан гапир, ўзингдан.

– Шу, юрибман ернинг устида, осмоннинг остида. Бир-иккита иш таклиф қилишганди, унчалик ёкмади. Қоровулман.

Тош нафрат билан лаб бурди:

– Э, дўстим, саккиз жойда қоровул бўлсанг ҳам, дўржи-дўржи пул келиб турмаганидан кейин қуруқ ойликнинг ўзига оилани бокиб бўлармиди?

– Шунга, – эҳтиёткорлик билан гапни ўз мақсади томон бурди Бердиқул, – тадбиркорлик қилсаммикан деб...

Аммо Тош уни гапиргани қўймади:

– Тўғри ўйлабсан. Замон ишбилармонники. Чикканимга канча бўлди, олти ойми? Шундан бери эски ишимни давом эттириб юрибман. Мана, кам бўлмадим. Ҳовли олдим, машина, ўғлимга данғиллама суннат тўйи қилдим. Тўйимга келмаган артист қолмади ўзиям.

– Қойилман, оғайни, – деб юборди Бердиқул хавас билан.

– Энг муҳими — қандай бизнесни қаерда, қандай қилишни билиш керак, ошна. Қолгани чепуха, – бирдан маъруза ўқиб кетди Тош. – Ишнинг кўзини билсанг пулнинг ўзи оқиб келаверади. Фақат санашга улгурсанг бас. Ҳозир. Бир дақиқа. Зарур бир ишни ҳал қилиб қўйишим керак эди. Банкда кутиб туришибди.

Тош чўнтагидан қўл телефонини олиб, бир тугмачани босди-да, аппаратни қулоғига олиб бориб оқ дўк ура кетди:

– Манга қараларинг, анави ўн бир миллионни ҳозир оқ хайдаларинг! “Қўк”ини санаб олларинг... Россиядан диллерлар келяпти, ўшаларни кутиб олишни ташкиллаштирларинг. Рестораннинг додасидан бўлсин... Бўлади. Фақат бутун зални заказ қилларинг. Бегона пашша ҳам кирмасин... Саксон тўрт миллион ҳам эрдан чиқмасин. Саксон тўрт миллион бутуноқ ўтиши...

Шу маҳал... Тошнинг қулоғидаги телефон жиринглаб қолди. Унга анграйиб қараб турган Самад бирдан ҳушёр тортди. Бирок Тош пинак бузмасдан телефонининг бошка тугмачасини босаркан, изоҳ берган бўлди:

– Соткам кўп каналли. Бирданига иккита одам билан гаплашса бўлади... Хўш, Бердиқул ошнам, нима масалада хизмат бор дегандинг? Узр, оғайни, ишлар билан бўлиб эсимдан чиқиб қопти.

Бердиқул яна бир бор машинани кўрсатди:

– Озрок балиқ бор дегандим-ку.

Тош машинага қаради, кейин эгилиб, унинг ортига, сўнг ажабланиб сўради:

– Бор-ийўғи биттагинами?

– Ҳа. Ҳозирча. Яхши ўтказиб берсанг, менга уч юз-тўрт юз қоларди-да.

Тош хафсаласи пир бўлганини яшириб ўтирмади:

– Тўрт юз ҳам пулми, оғайни? Овора бўлганингга арзимайдми-ку. Сен менга миллиондан гапир! Камида миллион қоладиган ишни гапир, ана шунақа ишга овора бўлса арзийди... Қолганлари эса, эҳ-хе, вақт сарфлашгаям арзимайдми...

– Айтдим-ку бу бошламасига деб, – хижолат аралаш тушунтиришга уринди Бердиқул. – Қолганини кейин кўраверамиз.

– Келган жойидан давом эттираверамиз де. Ҳа-ха-ха. Майли. – У ҳайдовчига буюрди: – Ичкарига ҳайда, ука... Бердиқул, дўстим, сенлар шу ерда туриб турларинг. Сенларни кўрса оптовикчилар хитланиб қолишади, нархни ерга уришади. Мен ўзим оборсам “ғинг” демасдан айтган нархимга олишади. Соққасини ўзим опчиқиб бераман.

– Хўп, Тош, хўп.

– Айтгандай, бир оз “кўк”идан керак бўлиб қолди деганмидинг?

Бердиқул баттар хижолат чекиб ён-атрофга аланглади, сўнг овозини пасайтириб гапирди:

– Ҳа, оғайни. Қарзга. Онамни зудликда операция қилдиришим керак. Мени қачон келади деб йўлимга сарғайиб қараб йиғлайверганидан кўзлари кўрмай қолибди бечоранинг. Менга айтишмаган экан.



Тош афсусланиб, астойдил бош чайқади, ҳатто мижжаларида ёш ҳам пайдо бўлди чоғи:

– Шўрлик она... Шўрлик она-я... Юрагимни эвзордингку, ошнам. Майли, кўп куйинаверма. иложини қиламиз.

Бердикулнинг ўпкаси тўлди, димоғи ачишди.

– Раҳмат... раҳмат...

– Мени кутгил, – Тош бола каби беғубор жилмайди: – ва мен қайтарман...

Тош машинани ичкарига бошлаб олиб кириб кетди. Бердикул билан Самад унинг ортидан ҳаяжонланиб қараб қолишди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас машина қайтиб чиқди. Сўнг ярим соат ўтди, бир соат...

Самад тоқатсизланиб телефонига қаради:

– Икки соат бўлди.

– Парво қилманг, ака, – деди мутлақо хотиржам, ўз ўйлари оғушида ора-сира мийиғида кулимсираб кўяётган Бердикул.

– Кўнгил – душман, ука, – ўзини оклаган бўлди Самад.

Бердикул ҳар эҳтимолга қарши телефон қилиб кўриб, бир зум узун гудокларни эшитиб тургач, Самадга жилмайиб қаради:

– Э, Тош унақанги йигитлардан эмас. Биз камерада у билан битта майизни тенг бўлишиб еган вақтларимиз бўлган. Бизга чой-пой ташкиллаштириб юргандир-да.

Самад барибир кўнгил ғашлигидан қутула олмаётганди:

– Шундайдирку-я, лекин...

Бердикул шеригини хотиржам қилиш учун ҳайдовчидан сўради:

– Ука, Тош бошқа ҳеч нима демадимми?

– Йўқ. Баликни тўртта аравага тушириб олишганидан кейин олдимга келиб “Бориб кутиб тур”, деди.

Самад асабийлашиб сўради:

– “Қанча кутаман?” деб сўрамадингми?

– Мен бировларнинг ишига бурнимни сукмайман, ака.

Самаднинг хуноби чиқди:

– Э, қанча кўп ўтирсанг, сенга шунча яхши-да. Сеники соатбай...

– Бўпти, бўлмаса мен бир бозорни айланиб келай, – деди Бердиқул. – Баҳонада нарх-навониям билиб келаман. Яна Тош мардлик қилиб, ёнидан бизга пул қўшиб юрмасин. Шунақа йиғит у!

Самад дархол рози бўлди:

– Майли, оғайнингиз бу ерга келиб қолса, дарров ўзим сизга телефон қивораман.

– Келишдик.

Бердиқул бозорга кирди. Балиқ растаси ғала-ғовурга тўла бозорнинг охирироғида экан.

Бердиқул бир сотувчи олдига бориб нархни суриштирди, кейин иккинчисига, баттар ажабланиб учинчисининг ҳам ёнига ўтди.

Бердиқул гаранг аҳволда дарвоза ёнида депсиниб турган Самаднинг ёнига қайтди:

– Тош келдими?

– Йўқ. Ўзингиз кўришдингизми?

Бердиқул ўйланиб туриб қолди:

– Бир нарсага ҳайронман.

– Нимага?

– Бозорда балиқ нархи ўзимиздаги билан теппа-тенг, хатто сал арзонроқ ҳам. Улгуржи олувчилар икки баробар тушириб сўрашяпти. Бунақада биз қанақа қилиб фойда кўрамиз? Наҳотки... – Бердиқул иккиланиб қолди, ахири ўша сўзни тилига олди: – наҳотки шимон қилиб кетган бўлса? Мени-я?

Самад дилидагини тилига чиқарди:

– Шунақага ўхшайди, ука.

Бердиқул гарангсиб, дарвозага суяниб қолди:

– Бўлиши мумкин эмас. Биз ахир у билан...

Бердиқул телефонини олиб, шошиб рақам терди. Яна узун гудоклар.

– Энди у... – Самад бош чайқади, – телефонни кўтармаса керак-ов.

Бир зумда юзи корайиб, яшин урган дарахтдай сўппайиб колган Бердикул шошиб бошка ракамларни терди:

– Калта! Менга Тошнинг адреси керак. Ернинг остидан бўлсаям топасан!.. Ҳовлиси... Шунаками? Э, эскисини айта-вер унда. Хўп, эслаб колдим. Тўккизинчи кават. – У телефонни ўчирди. – Юринг-чи. Самад ака! Агар мени алдаган бўлса... ичак-чавогини бошига салта килиб ўрайман!

Бердикул ҳайдовчининг ёнига борди.

– Қўйликка ҳайда, ука.

Ҳайдовчи тайсалланди:

– Лекин биз бозоргача келишгандик, ака. Ҳисоб-китоб шу ерда бўлади дегандингиз.

Бердикул унга чақчайиб қаради:

– Ҳисоб-китоб мен хоҳлаган жойда бўлади. Нима, қочиб кетяпманми? Ё бир жойнинг одами эмасмизм?

– Тўғри-ю, – ожизона минғирлади Бердикулнинг авзойидан чўчиб кетган ҳайдовчи, – лекин мени ким туширган бўлса ҳаммаси ўзимизнинг жойнинг одамлари. Биронта беғонаси йўқ. Ҳаммаси бошида лафз килишади...

Бердикул ҳезланиб, ҳайдовчининг елкасидан маҳкам чангаллаб олди:

– Мен ҳамма эмасман! Мен Бердикулман! Ё менинг кимлигимни эсингдан чиқариб қўйдингми?! Эсингга солиб қўяйинми?

Самад жон алфозда Бердикулни қучоқлаб, нари судради:

– Қўйинг, ука, қўйинг. – Сўнг ҳайдовчини жеркиб берди: – Сен энди оловга мой сепмай тургин, ука. Оласан ўша хақкингни!

Ҳайдовчи машинага чиқди:

– Менга барибир. Меники соатбай...

Бердикул билан Самад унинг ёнидан жой олишди.

Қўйлик деганлари катта жой экан. То айтилган манзилни сўраб-суриштириб топгунларига қадар кеч тушди.

Тош лифти ишламайдиган тўккиз каватли уйнинг тўқ қизинчи каватида яшаркан.



Лаби пир-пир учаётган, қўллари мушт бўлиб тугилган Бердикул тўккизинчи каватга пиёда кўтарилди. Иккита эшик: биттаси темир, иккинчиси оддий.

Кават майдончасига тўшалган газетада икки киши ўтирарди. Бердикул қарз саломини берди.

– Ваалайкум ассалом, – деди биринчи киши сира ажабланмасдан. Сўнг оддий эшикка ишора қилди: – Тошгами?

– Ҳа.

Иккинчи киши қўлини кўтариб қўйди:

– Мендан кейин яна тўрттаси навбат олган.

Бердикул гарангсиб қолди:

– Тушунмадим.

– Сиздан қанча қарз? – сўради хушмуомала биринчи эркак.

Бердикул очингига кўчди:

– Бир машина тирик балиғимизни *сотиб бераман деб ол* ганди.

Иккинчи эркак қўл силтади:

– Э-э, арзимаган нарса экан-у. Индамай кетаверсангиз бўларкан. Бир машина балиғам гап бўлибдимми? Мана менадан ўн минг олган у занғар. “Кўк”идан. Бир ойга деб. Уч ойдан бери орқасидан қуваман. Охири, мана, *уйинга келиб элиб олдим*.

– Менинг қирқта гиламимни *сотиб бераман деб* еб кетди бу даюс! – Кўзларида *ёш билан хикиллади* биринчи эркак. – Бўлмаса тайёр харидор кеп турганди. Бу қимматига *сотиб бераман* деса лаққа ишониб турибман-да. Билмайман ўша пайти нима жин урди мени?

– Сиз бунни айтасиз. – кўзларини ола-кула қилди иккинчи эркак, – у қиррик менадан кейин навбатда тургандан қирк миллион сўм олган.

Бердикул ўз қулоқларига ишонмади:

– Қирк миллион?

– Ҳа. Доллар қиб бераман деган. Мана энди сўмам йўқ, долларам. Бечоранинг эси қирар-чиқар бўлиб қолган.

Биринчи киши оғир уф тортди:

– Шу кетиш бўлса яқинда биз ҳам ўшанақанги аҳволга тушамиз.



Бир зумда юзи қорайиб, яшин урган дарактдай сўппайиб қолган Бердиқул шошиб бошқа рақамларни терди:

– Қалта! Менга Тошнинг адреси керак. Ернинг остидан бўлсаям топасан!.. Ҳовлиси... Шунақами? Э, эскисини айта-вер унда. Хўп, эслаб қолдим. Тўққизинчи кават. – У телефонни ўчирди. – Юринг-чи, Самад ака! Агар мени алдаган бўлса... ичак-чавоғини бошига салла қилиб ўрайман!

Бердиқул ҳайдовчининг ёнига борди.

– Қўйликка ҳайда, ука.

Ҳайдовчи тайсалланди:

– Лекин биз бозоргача келишгандик, ака. Ҳисоб-китоб шу ерда бўлади дегандингиз.

Бердиқул унга чақчайиб қаради:

– Ҳисоб-китоб мен хоҳлаган жойда бўлади. Нима, қочиб кетяпманми? Ё бир жойнинг одами эмасми?

– Тўғри-ю, – ожизона минғирлади Бердиқулнинг авзойидан чўчиб кетган ҳайдовчи, – лекин мени ким туширган бўлса ҳаммаси ўзимизнинг жойнинг одамлари. Биронта беғонаси йўқ. Ҳаммаси бошида лафз қилишади...

Бердиқул ҳезланиб, ҳайдовчининг елкасидан маҳкам чангаллаб олди:

– Мен ҳамма эмасман! Мен Бердиқулман! Ё менинг кимлигимни эсингдан чиқариб қўйдингми?! Эсингга солиб қўйинми?

Самад жон алфозда Бердиқулни кучоклаб, нари судради:

– Қўйинг, ука, қўйинг. – Сўнг ҳайдовчини жеркиб берди: – Сен энди оловга мой сепмай тургин, ука. Оласан ўша ҳаққингни!

Ҳайдовчи машинага чиқди:

– Менга барибир. Меники соатбай...

Бердиқул билан Самад унинг ёнидан жой олишди.

Қўйлик деганлари қатта жой экан. То айтилган манзилни сўраб-суриштириб топгунларига қадар кеч тушди.

Тош лифти ишламайдиган тўққиз каватли уйнинг тўққизинчи каватида яшаркан.

Лаби пир-пир учаётган, қўллари мушт бўлиб тугилган Бердиқул тўккизинчи каватга пиёда кўтарилди. Иккита эшик: биттаси темир, иккинчиси оддий.

Қават майдончасига тўшалган газетада икки киши ўтирарди. Бердиқул қарз саломини берди.

– Ваалайкум ассалом, – деди биринчи киши сира ажабланмасдан. Сўнг оддий эшикка ишора қилди: – Тошгами?

– Ҳа.

Иккинчи киши қўлини кўтариб қўйди:

– Мендан кейин яна тўрттаси навбат олган.

Бердиқул гарангсиб қолди:

– Тушунмадим.

– Сиздан қанча қарз? – сўради хушмуомала биринчи эркак.

Бердиқул очигига кўчди:

– Бир машина тирик балиғимизни сотиб бераман деб олганди.

Иккинчи эркак қўл силтади:

– Э-э, арзимаган нарса экан-у. Индамай кетаверсангиз бўларкан. Бир машина балиғам гап бўлибдимми? Мана менадан ўн минг олган у занғар. “Кўк”идан. Бир ойга деб. Уч ойдан бери орқасидан қуваман. Охири, мана, уйига келиб ётиб олдим.

– Менинг қирқта гиламимни сотиб бераман деб еб кетди бу даюс! – Кўзларида ёш билан хиқиллади биринчи эркак. – Бўлмаса тайёр харидор кеп турганди. Бу қимматига сотиб бераман деса лаққа ишониб турибман-да. Билмайман ўша пайти нима жин урди мени?

– Сиз бунни айтасиз, – кўзларини ола-кула қилди иккинчи эркак, – у қиррик менадан кейин навбатда тургандан қирк миллион сўм олган.

Бердиқул ўз қулоқларига ишонмади:

– Қирк миллион?

– Ҳа. Доллар қиб бераман деган. Мана энди сўмам йўқ, долларам. Бечоранинг эси кирар-чиқар бўлиб қолган.

Биринчи киши оғир уф тортди:

– Шу кетиш бўлса яқинда биз ҳам ўшанаканги аҳволга тушамиз.

– Нафасингизни иссиқ килинг-э! – деди иккинчи киши.

– Ҳа, нима, бўладиган гапни айтияпман-да. Мол аччиғи – жон аччиғи, деб бежиз айтишмаган. Пул одамнинг жигар қонидан бунёд бўлади, биродар.

– Олинг-а. Пул қоғозга босилади, сифатлироғига. Қолгани қраска, холос...

Даҳанаки баҳс анча давом этишини сезган Бердиқул орага гап суқишга улгурди:

– Тош ҳозир... уйидами?

– Э, биродар, – кўксига шапатилади биринчи эркак, – Тош уйида бўлганида биз бу ерда сарғайиб ўтирармидик! Келмаяпти зангар!

Шериғи унга жўр бўлди:

– Қаерлардадир яшириниб юрибди.

Сўнг иккалови бири қўйиб, иккинчиси ғийбатга тушиб кетишди:

– Яшириниш қаёқда, яна одамларни чув тушириб юрибди деб эшитдим. “Ҳовлим бор, тўй қилдим, катта артистларнинг бариси келди” деб оғзини кўпиртириб юрган у туллак.

– Бунақаларга бизга ўхшаган содда одамларнинг йўликавергани-чи!

– Ҳа, худойим ҳаммани ўзининг ризкию ўзининг кушандаси билан яратиб қўйган, дегани рост экан...

Бердиқул бир амаллаб сўрай олди:

– Унда... Тош келмаса... нима қиламиз?

– Билмадим, – елка қисди иккинчи эркак. – Бизам шу саволга жавоб тополмасдан шу ерда ўтирибмиз гаранг бўлиб.

– Ахир бир кун келади-ку.

– Келгани билан пули бўлмайди. Орқасига эллик марта тепсангиз ҳам киссасидан эллик сўм тушмайди.

– Вақтингиз бемалол бўлса келинг. Гурунглашиб ўтирамиз-да. Ҳарқалай, икки кишидан уч киши яхши.

Бердиқул шошиб қолди:

– Йўғ-э. Пастда машина кутиб турибди.

Икковлон яна бири биридан ўзиб маслаҳат беришга тушиб кетишди:

– Ундай бўлса келинга исм-шарифингизни ёздириб кета қолинг. Зора инсоф бериб, телефон килиб қолса.

– Қилмайди. Мен йнгирма марта ёздириб кетганман.

– Айтяпман-ку, зора инсоф бериб қолса деб.

– Бунақаларда инсоф нима қилсин? Инсоф бўлганида шунча одамни қон қақшатиб юрармиди?

Бердиқул нима қилишини билмай қолди:

– Сира... бунақа бўлади деб ўйламагандим. Биз у билан ахир...

Бердиқул эшик қўнғироғи тугмачасини босди.

Жимлик.

Бердиқул эшикни аввал секин, сўнг қаттиқ-қаттиқ урди, эшикка қулоғини босиб турди.

Ниҳоят ичкаридан “шип-шип” қадам товушлари эшитилди.

Бердиқул ўзини жангга шайлаб турган маҳал эшик очилди ва остонада ўттиз беш ёшлардаги қорни қаппайган жувон пайдо бўлди.

– Келинг. Марҳамат, ичкарига кириг.

Шу сўзларни айтгач, жувон орқага чекинди. Бердиқул беихтиёр ичкарига кирди, довдираб, узуқ-юлуқ гапирди:

– Узр... Мен Тош билан... қисқаси, озроқ олди-бердимиз бор эди.

– Кириг.

Жувон лапанглаб ошхонага ўтди, Бердиқул унинг ортидан юрди. Бу йўқсиллик ва фақирликнинг тимсолига айланган бир хонали уй эди. Поллар яланғоч, деворлардаги гулқоғозлар кўчиб кетган, қандайдир қўланса ис ўрнашиб қолган...

Йўлақдан бораётиб, Бердиқул ягона хонага бўйлади. Учта турли ёшдаги бола газета тўшалган полда ўтириб дарс қилишмоқда эди. Бир сочи тақир олингай болакай эса ногиронлар аравачасида сўлаги оқиб, номаълум нуқтага тикилиб ўтирарди. Бердиқул, айниқса шу ногирон болага узоқ қараб қолди. Бола уни сезмадиям.



Ошхона янада ғариброк эди. Қоп-қорайиб кетган газ плитаси, ис босган шифт. Умивальникда қалашиб ётган ювилмаган идишлар.

Иккикат жувон ҳарсиллаб-пишиллаганча омонат стулга ўтирди, кейин ликилдок столдаги қоғоз ва чўлтоқ қаламни ёнига тортди, кураша-кураша чарчаган. ахирини аччиқ қисматиға тан берган банда янглиғ хазин овозда сўради:

– Ким деб кўяй, ака?

Бердикул тамомила гарангенб қолди:

– Мен...

– Сиздан қанча олган?... Уф-эй, ўлар ўлсам ўлиб бўлдим бу одамнинг дастидан!

– Мендан... майли, келин, безовта бўлмагн. Арзимаган нарса эди. Арзимаган...

Бердикул ортга қайтмоқчи бўлаётган маҳал ошхонадан балконга ўтиладиган эшикнинг ёрилиб кетган ойнасида кимнингдир кораси кўрингандай бўлди. Бердикул шу томонга отилди.

Балконнинг бетон полида Тош мунғайиб ўтирарди. Бир четга сасиб кетган пиёз ёйиб кўйилган. Иккинчи томонда оқариб, моғорлаб кетган қотган нонлар.

Бердикул ўлдириб қўйгудай важоҳатда Тош устига бос-тириб борди. Тош бетон полдан кўз узмай ўтираверди.

Бердикул Тошнинг елкасидан чангаллаб, ўзига қаратди.

Тошнинг кўзлари тўла ёш эди... Бердикулнинг кўллари бўшашди.

– Тилингдан осайми, аблах! – аранг шивирлай олди у. – Ҳеч бўлмаса болаларингнинг уволини ўйламадингми, паст!

Тош яна бетон полга қаради.

Бердикул жаҳл билан Тошни итариб ташлади-да, ортга қайтди. У майдончага чиқиб, эшикни ёпаётган маҳал биринчи эркак умид билан сўради:

– Ёздириб қўйдингизми?

Бердикул бўғиқ овозда:

– Ҳа, – дея олди.

Иккинчи киши унга яқин келиб, негадир пичирлаб гапирди:

– Ака, мабодо ичкарида Тошнинг ўзи кўринмадими? Агар шу ердалигини билсам, эшикни кўпориб бўлсаям кириб, таъзирини берардим унинг! Ногирон бола-поласига қараб ўтирмасдим!

Бердикул кескин бош чайқади:

– Йўқ! Тош уйида йўқ!

Нафаси қайтиб бораётган Бердикул икки-уч зинани бир қилиб ҳатлаганча пастга ошиқди.

Бердикул адоғи йўқдай кўринаётган зиналардан тушаётган маҳал подъезд ёнида асабийлашиб турган Самаднинг ёнига мотоцикл келиб тўхтади.

Қандайдир ресторан номи ёзилган нимча кийган йигит мотоциклдан тушиб, шлемини рулга илди-да, орт ўриндиқдаги махсус кажавага боғланган тўртта кутидаги пиццани оларқан, Самаддан сўради:

– Ака, 69-уй шуми?

– Билмадим, ука.

Йигит унга ишонқирамай қараб қўйгач, уч-тўрт кадам ортга чекиниб, уй рақамига қаради. Сўнг пиццаларни кўтариб, подъездга кирди-ю, зум ўтмай қайтиб чикди.

– Лифт ҳам ишламаяпти-ку, ака.

Ўзи бўлари бўлиб турган Самад портлаб кетди:

– Нима қилай шунга, суюнчи берайми?

Чўчиб тушган йигит яна подъездга қайтиб кирди:

– Тавба, заказ беришга бериб қўйишади-да, лифт ишламаётганлигини айтишмайди. Тўққизинчи қаватга пиёда чиқишнинг ўзи бўладими?

Йигит тўнғиллаганча зиналардан юқорига кўтарила бошлади. У иккинчи қаватга етай деганида юқоридан бўрондай отилиб тушаётган Бердикулга дуч келди. Йигит кўлидаги пиццаларни четга тортиб қолишга аранг улгурди.

– Бу “дом”да соғ одам борми ўзи?

Бердикулни кўрган Самад ховлиқиб колди:

– Бердими? Бердими?..

Бердикул индамай машинага чикди, ҳамон шеригига умидвор термилаётган Самад унинг ёнига ўтирди.

Бердикул хайдовчига “хайда” ишорасини килди. Машина ўрнидан кўзгалди.

– Хўш, ундими? – яна сўради Самад.

Бердикул индамади, коронгиликка тикилганча ўтираверди.

Худди шу маҳал...

Қоп-қоронғи хонанинг очик деразасидан пастга караб турган болалардан бири кичкириб юборди:

– Кетишди! Кетишди!

Ўзини ногиронга солиб ўтирган бола аравачадан учиб туриб чирокни ёқди. Қолган болалар ўйнаб кетишди:

– Кетишди! Кетишди!

Ошхонадаги иккикат аёл илжайиб, этагини кўтарди, корнидаги ёстикни олиб, омонат табуреткага кўйди. Балкондан оғзи кулоғида Тош чикиб келди.

– Кетишди! – деди Тош фахр билан.

Жувон жилмайди:

– Илойим келган бало ўзлари билан қайтиб кетган бўлсин!

Бешовлон хурсанд ҳолда ирғишлашиб кават майдончасига чиқишди. Икки эркак ҳавас киларли садоқат билан ҳамон газетада ўтиришарди.

– Кетдими? – деб сўради улардан бири.

Бахтиёр жувон лаб-лунжини йиғиштиролмамай қолди:

– Қорасини ўчиришди.

Иккала эркак ҳам хурсанд ҳолда ўринларидан сакраб туришди. Тош бориб қарши тарафдаги темир эшикни очди.

– Энди зиёфатга марҳамат! Бугун кўп нарса унмади, лекин камбағалга бедана қабоб ҳам овқат, деган экан машойихлар. Эртага яна бир марта артистлик қилишга тўғри келади. Лекин унинг зиёфати бошқача бўлади.

Ҳамма хонадонга шошиб-ошиқиб кирди. Йўлақдан бошлаб юмшоқ гиламлар, деворларда алламбало ювиладиган гулкоғозлар, шифтда минг чирокли қандиллар, энг сўнгги русумдаги мебеллар... Умуман, жуда, жуда бой одамларга тегишли эканлиги шундоқ кўриниб турган уй.



Катта хонадаги стол, тўкин-сочин дастурхон.

Болалар шу хонага ёпирилишди. Ҳамма ёкни шодон кулгулар босиб кетди.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Ажабки, ҳамма бирдан жим бўлиб қолди, бааийни бўйруқ берилгандай.

Тош оёқ учида бориб "глазок"дан қаради ва тантанали тарзда эълон қилиб юборди:

– Пиццалар келди!

Болалар шовкин-сурон билан эшикка отилишди:

– Менга қўзиқоринли!.. Менга пишлоқли!..

Тош болаларга ғурур билан боқаркан, ёнига етиб келган жувонни кўлтликлаб олди.

– Булар бола эмас, ҳақиқий талант, аяси. Анавиларга ўхшаш, – у меҳмонхонада жон-жаҳдлари билан еб-ичаётган, ликопчаларга егуликларни уйиб солаётган икки эркакка ишора қилди, – хашаки артистлар эмас.

– Нимасини айтасиз, дадаси.

– Юринг энди, аяси, пиццаларнинг пулини тўлаб қўяйлик.

– Кечикдинг, деб ярим пулини беринг, дадаси. Кўнмаса катталарига телефон қилинг. Мижозларни ҳақорат қилди, бир тийин бермаймиз денг. Мана биз гувоҳ бўламиз.

– Э, ақл ўргатманг, бунақа ишларни ўзим ҳам бошлаб таштайман! Мана ҳозир кўрасиз!

Бахтиёр эр-хотин кўлтликлашганча буюртмаларни олиб келган бечора йиғит томон юришди...

Одамзод пасткашлигига сарҳад бормикан?..

Яхшиям буларни Бердикул кўрмади. Кўрганида, эҳтимол юраги сиқилиб, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетарди...

Бу маҳал...

Бердикул ҳамон қоронғиликка тикилиб кетарди.

Самаднинг фиғони фалакка чиқди:

– Ука, ёрилсангиз-чи бундоқ. Одамни пичоқсиз сўйиб юбордингиз-ку.

Ахири Бердикул тилга кирди:

– Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди катикнинг пули... Бизга катикнинг пули ҳам қолмади, ака.



– Бу нима деганингиз? – анграйиб қолди Самад. – Ўлгандан Абдужаббор ўлди, деганларидай, яна мени балога гирифтор қияпсизми?

Бердиқул яна қоронғиликка тикилиб қолди.

Ҳайдовчи алам билан пешонасига муштлади:

– Бошланди... Ҳозир акам минг битта баҳонани қалаштириб ташлайдилар. – У тезликни пасайтириб, Бердиқулга қаради, йиғламсираб гапирди: – Ака, нима бўлди, нима қўйди – менинг ишим йўқ. Лекин сиз лафз халол дегансиз, қўл ташлагансиз. Келишилган пулни бермасангиз бўлмайди. Топганим болачақамнинг ризқи.

– Ука, мени ким деб ўйлаяпсан? – баланддан келди Бердиқул. – Зонада сенга ўхшаган жмотларни биласанми нима қилардим?

– Билмайман, билишнIAM истамайман! Менинг у ёқларга бориш ниятим йўқ. Агар ўзингиз яна бориб қолсангиз, билган ишингизни қиларсиз. Лекин ҳозир ҳаққимни берасиз!

– Ўзимни бошлаб тушириб кетишган бўлса, шир-яланғоч қолдиришган бўлса, нима, битимни сотиб бераманми ҳаққингни? – жаҳл билан гапирди Бердиқул.

– Бу энди сизнинг проблемангиз. Буни олдинроқ ўйлаш керак эди, ака.

Жанжал бошланиб келаётганини сезган Самад ҳайдовчига ётиғи билан тушунтиришга уринди:

– Энди, ука, ўзингизам кўрдингиз, бизам бировга орқа қилиб келгандик бу ерларга...

Аммо ичи тўкилиб бораётган ҳайдовчи насиҳат эшитадиган аҳволда эмасди:

– Аввалам айтдим: кимга орқа қилиб келдингиз, кимга олдин қилиб, бу сизларнинг ишингиз! Мен ўзимнинг вази-фамни бажардим. Энди хизмат ҳаққимни олишим керак! Бошқаси билан ишим йўқ.

Бердиқул унга олайиб қаради:

– Лекин ўзиям бир уриб ўлдирадиган бола экансан!

– Бердиқул ака! – чийиллади ҳайдовчи. – Мен уйингизни биламан, холамни яхши танийман. Бугун мени уриб, бур-

нимни қонатиб юборганингиз билан эртага холамнинг олди-га бораман...

– Бас! – бўкириб юборди Бердикул. – Холангни қўшма бу ерга! Қанча гапинг бўлса мен билан гаплаш!

Бердикулнинг важоҳатини кўрган ҳайдовчи сал паст тушди:

– Ортиқча гап қилиб ўтирмайман, менга келишган ҳақ-қимни берсангиз бўлди.

Бердикул бир муддат ўйланиб қолди, кейин, бир қарорга келди шекилли, хотиржам оҳангда гапирди:

– Уйга кирамиз. Битта боқувдаги қўчқорим бор. Хизмат ҳақинг эвазига ўшани опкетақол. Хоҳла сот, хоҳла сўйиб е. Розимисан, ука?

Ҳайдовчига жон кирди:

– Розиман, ака, розиман.

– Сизнинг масалангиз оғирроқ, Самад ака... Уйдан ҳамма пулни опчиққанмидингиз?

Шундай қилсам бир нарса ундираман деб ўйладими, энди Самад йиғламсиради:

– Ҳаммасини, ука, ҳаммасини. Тўйга деб йиғилган пул эди. Ой охирига тўй деб овозалаб кўйганмиз. Энди нима қиламан?

Бердикул маслаҳат солди:

– Кимдан пул топса бўлади? Қарзга.

– Бунча пулни бериб турадиган мард топилмас-ов, – бош чайқади Самад. – Шаҳарда битта Мухиддинбой ака бор. Ўшанинг олдига бош эгиб борилмаса...

– Наилож, борсак бораверамиз-да.

– У сўраган пулингизни бериб туради, дейишади. Лекин эвазига қўлдай эзиб ишлатаркан ҳам.

– Лафз ҳалол, ака. Пулингизни қайтараман дедимми, қайтараман.

– Майли, ука, фойдасиям керакмас. Ўзи қайтса бўлди.

– Кўп хавотир олаверманг, ака. Иложи бор экан-ку.

– Э, бунақанги иложи қурсин, ука... Лекин нима қилай, менам мажбурман-да. Пулсиз тўй қилиб бўлмаса...

Машина тезлашди.

Бирон соатларда овулга етиб келишди. Ҳайдовчи машинани тўғри Бердикулнинг уйига ҳайдади.

Бердикул молхонадан катта қўчқорни етаклаб чиқди-да, арқонни дарвоза ёнидаги ҳайдовчига тутди.

Йигит юришни истамаётган, маърай бошлаган қўчқорни даст кўтариб, машинасига ортди.

Ўз хонаси деразасидан бошини чиқариб, ховлини диққат билан эшитиб турган Солиҳа эна овоз берди:

– Ўзингмисан, болам?

– Ўзимман, эна, ўзимман.

– Кечаси нима ташвиш қилиб юрибсан?

Бердикул тан олди:

– Қўчқорни сотдим, эна. Керак бўлиб қолди.

– Майли, болам, майли. Керак бўлиб қолган экан. Бемалол сотавер.

Ташқарида мотор ўт олди, кейин машина юриб кетди.

– Сиз ётиб дам олаверинг, эна. Менам ҳозир ухлайман. Эрталаб мен шаҳарга бориб келаман.

– Яхшиликками, болам?

Бердикул чайнади қолди:

– Шу бир... тузукрок иш қарасамми девдим.

– Ҳозирги ишинг ҳам яхши-ку, болам. Кеч қайтишингни айтмасак.

– Яхши-ю, лекин... ойлиги ҳам шунга яраша бўляпти.

– Кам бўлса етади, кўп бўлса кетади, болам. Шукр, оч қолмаяпмиз. Бир нарса керак бўлса, ана, аканг бор.

– Шундайку-я, лекин акамнинг ҳам бола-чақаси бор, ўз ташвишлари ўзига етарли. Шунга бир сўраб-суриштириб кўрай-чи.

– Майли, болам, майли. Ўзинг биласан.

– Шунга, эртагаям кеч қолсам хавотирланманг.

– Эҳтиёт бўл, болам. Кўчада яхши бор, ёмон бор.

– Хўп, эна.

– Оч эмасмисан, ишқилиб?

– Йўқ, эна, тўқман.

– Унда ухлайкол. болам. Чарчаганинг овозингдан биллиниб турибди.

Бердикул ўз хонасига кириб, ўринга чўзилди. гарчанд бу кеч ухлай олмаслигини билиб турса ҳам...

\* \* \*

Бу кеча ҳам Дилшод учун уйку ҳаром бўлди. Аввал кўрпа ўрнига янтоқ тўшалгандай у ёқдан-бу ёққа ағдаралиб, тўлганиб ётди. Алоҳа сат кўзи илинганида эса кўркинчли туш кўрди. Бу туш эмас, босинкирашга ўхшарди. Узук-ютук манзаралар: садака сўраётган тиланчи аёл, унинг ерга йиқилиб тушиши, ваҳимадан кўзлари олайиб кетган Мансур... Дилшоднинг қонга ботган қўллари... Мансурнинг ваҳимали овози акс-садо беради: “Ўлиб қопти! Мияси билан бетонга урилпти аммо-лекин, Юзи мажақ бўлган, миясининг қатиги чиқиб, ҳаммаёққа сочилиб кетган”...

Қора терган ботган Дилшод учиб ўрнидан туриб кетди.

Ҳансираб нафас олаётган йигит бир муддат қўлларига тикилиб қолди. Йўқ, уларда қон йўқ эди...

Дилшод ўрнидан турди, телефонини олиб, бир тугмачани босди.

У томондан Мансурнинг норози овози эшитилди:

– Нима гап, ўртоқ? Соат неча бўлганини биласанми?

Дилшод чуқур нафас олди:

– Ўртоқ, бундай яшаб бўлмас экан. Ўзлари келиб, кўлимга кишан солиб олиб кетмасларидан бурун, ўзим бориб қўяқолай. Ахир, бу тасодиф, бахтсиз ходиса-ку.

Мансурнинг капалаги учиб кетди:

– Аммо-лекин энди бу гапга қим ҳам ишонарди? Ғишт қопидан кўчган, оғайни.

– Мен... мен ҳаммасини тушунтираман.

– Нимани тушунтирасан? Қандай қилиб мурда “Москвич”нинг юкхонасида пайдо бўлиб қолганинимни?

– Бу ишга сени қўшмайман, ўртоқ.

– Энди бунинг иложи йўқ... Сен яхшиси ҳозир ётиб ухла. Эртага гаплашамиз.



– Ухлай олмаяпман-да.

– Уйқу дориси ич. Анави реклама қилинадиган дори борку, “Новопассит” миди, ўшандан ич. Айтгандай, сенга эртага айтмоқчи бўлиб тургандим, мен бир зўр нарсани аниқладим.

– Нимани?

– Шаҳардаги тиланчилар бизнинг фуқаролар эмас экан. Бошқа жойдан келишган экан.

Дилшод тушунмади:

– Нима қипти шунга?

– Нимасини тушунмайсан? Бизнинг фуқаромиз бўлмаган одамни ким излайди, нега излайди, қаердан излайди? Улар бугун бу ерда бўлса, эртага Тошкентда, индинга Самарқандда. Ундан кейинги куни балки Россияда юрар. Қайга борса битбилдиқ!

Дилшод иккиланиб қолди:

– Барибир...

– Нима барибир? – сал асабийлашиб сўради Мансур.

– Барибир уям одам.

– Одам бўлса уйда тинчгина ўтирсин эди. Ўртоқ, ваҳиманинг уяси бўп қопсан аммо-лекин. Жуда уйқунг келмаса олдингда турган катта-катта ишларни ўйла. Ё бўлмаса минггача сана.

– Ҳаракат қиламан.

– Ҳаракат қил, ўртоқ!

Дилшод “тут-тут” овози келаётган аппаратга руҳсиз тикилиб қолди.

Туннинг бу қисми уйқусиз ўтди...

Хўрозлар кичқира бошлаган маҳал боши ғувиллаб турган Дилшод ўрнидан турди, бориб деразани очди.

Ҳовлидаги мрамар ҳовуз ёнида ғимирлаб юрган Хиқоятхон шу тарафга қаради, ўғлидан садо чиқмагач, пичинг қилди:

– Ассалому алайкум. Яхши ётиб турдингизми? Яхши тушлар кўрдингизми?

– Кечирасиз, ойижон. Ўзингиз...

– Нима “ўзингиз”?

– Юзингни ювмасдан салом берма деганингизга...

– Айтган бўлсам бажар. Бор, юзингни юв. Ё ўрнингга кофе олиб бориб беришимни қутяпсанми?

– Йўғ-э.

Дилшод ховлига чоғиб чиқиб, шоша-пиша ювинди. Ҳикоятхон ўғлининг ёнига келди:

– Сен бола бугун Тошкентга борасанми ё яна кун-бўйи саланглаб юрасанми?

– Тошкентда нима бор, ойижон? – хайрон бўлди артинаётган Дилшод.

Ҳикоятхон чапак чалиб юборди:

– Вой, вой, кеча эрталабдан қулогинга танбур чертдимми? Айтдим-ку, даданг “Ўғлим эрта-индин боради” деб тайинлаб қўйганлар деб.

Дилшод гап нимадалигини тушунди:

– Ўша кизлар билан учрашмасам бўлмайдим, ойижон?

– Бўлмайди, ўғлим, бўлмайди. Унда орада турганларни беҳурмат қилган бўласан.

– Лекин ёкмаса ёкмади деб айта оламан, а, шундайми?

Она ажабланди:

– Яхши ният қил. Ниятинг – йўлдошинг. Ундан кейин, нега энди шундай одамларнинг қизи сенга ёқмас экан?

– Олдиндан сўраб қўйяпман-да, ойижон.

– Ҳеч ким сени мажбурлаб уйлантирмоқчи эмас, ўғлим. Бор, учраш. Бахтинг очилиб турган бўлса хай-хай, ёкмаса кўнгилга буюриб бўлмайди дейсан-у, индамай қайтаверасан.

– Бу бошқа гап, – хурсанд бўлиб кетган Дилшод ойисини маҳкам қучиб олди. – Ўзимнинг ойижонимдан!.. Айтгандай, биттасининг сартарошхонаси бормиди?

Ҳикоятхоннинг жаҳли чиқди:

– Сартарошхона эмас, гўзаллик салони! Ота-онаси битиб кетган бўлса ҳам қизнинг ўзи очибди салонни, ўзи бошқаряпти экан.

– Яхши кипти. Бир нима деяпманми?.. Иккинчисида дўкон бормиди?

– Қанақа дўкон, нодон? – ўғлининг пешонасига кўрсаткич бармоғида уриб-уриб кўйди Ҳикоятхон. – Буттик! Бу-тик! Қиммат моллар сотилади дегани.

– Эсладим. Битта галстук юз доллар турадиган магазин-да.

– Қиммат беҳикмат бўлмас, ўғлим. Бир сабаби борки, нархи осмон.

– Бугун... – Дишод ўйланиб қолди. – Бугун... Майли, ойинжон, бугун бир шаҳарни айланиб келай. Ҳозирок йўлга тушаман. Ҳозирок!

Ҳикоятхон ўғлига шубҳаланиб қаради:

– Алдамаяпсанми, бола?

– Чин сўзим. Ҳозирнинг ўзида йўлга тушаман деяпман-ку.

Она яшнаб кетди:

– Болажонимдан ўргилай! Лекин сени нонуштасиз чиқармайман.

Ҳикоятхон ошхонага шошди...

\* \* \*

Овул одамлари эрта уйғонишади.

Шунгами, тонг палла уйидан чиқиб кетаётган Бердиқул ўзи томон шошиб келаётган нотаниш одамни кўрганида унчалик ажабланмади: кишлоқда тўй бордир, маърака бордир.

– Мен кишлоқ врачлик пункти шифокори Шамсидиновман.

– Келинг, духтир.

– Сиз Бердиқул акамисиз?

– Ҳа.

– Хайрият-эй, сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку! Ассалому алайкум. – Бердиқулнинг кўлини маҳкам сиқиб кўришди шифокор. – Менинг ҳисобимга кўра, келганингизга уч ойдан ошди, лекин ҳалигача бир марта кўришиш насиб этмади-я. Бўлмаса ойда бир келиб кетаман.

– Иш-пишда бўлган бўлсам керак-да.

– Эхтимол. – Шифокор ёнига осиб олган сумкасидан дорилар солинган кутичаларни олиб. Бердикулга топширди. сўнг журнални очди. – Марҳамат, манави ерга қўл қўйинг.

Бердикул ҳайрон бўлиб имзо чекди.

– Энди асосий мақсадга ўтайлик. – деди Шамсиддинов. – Бердикул ака, онахонни қачон даволанишга обorasиз?

– Энамними? Кеча гаплашиб келдим духтир билан. Насиб килса яқин кунлар ичида.

– Худога шукр. – худди ўз онаси тўзалаётгандай шодланиб кетди Шамсиддинов. – Катта иш қилибсиз лекин. Онахон бежиз сизни интиқ бўлиб кутмаган эканлар. Айтдим-а, сиз келгандан бери юришлари ҳам ўзгариб қолди деб. Хабарингиз борми-йўқми, икки марта бир амаллаб шифохонага оборгандик. Икки сафар ҳам операцияни кутмай келиб қўйдилар. Топиб олган гаплари: “Улим келиб қолса, уй хувиллаб турмасин...” Ё бўлмаса: “Улим келсин, кейин”. Гўё сиз билан қўшилишиб мўъжиза келадигандай.

– Бундан хабарим йўқ экан, – тан олди Бердикул.

– Онахоннинг сабрларига балли! Лекин, ака, мен бундай фидоийликни қабул қилолмайман. Тўғриси, бундай фидоийликлари учун онахонни хажга кўтариб олиб бориб келсангиз ҳам кам. – Қайтиб кетишга чоғланган Шамсиддинов дориларга ишора қилди: – Буларни узмай туринглар. Айтгандай, операция Тошкентда бўладиган бўлдимми? Хабариниз бордир, одамлар яқинларини у ёғи Москва, бу ёғи Ҳиндистонга оборишяпти.

Бердикул баттар ҳайрон қолди:

– Операция... шаҳарда, ўзимизда. Хусусий балниса бор экан-ку. “Кўз зиёси” деган.

Шамсиддинов кетаётган жойида тўхтаб, Бердикулга “жиннимисан?” дегандай қаради:

– “Кўз зиёси”нинг бунга нима алоқаси бор? Мен сизни тушунмаяпман, Бердикул ака.

– Духтириминан гаплашдим, – шошиб изох берди Бердикул. – Операция қиламан, гарантия бераман, деди.



Шифокорнинг аччиғи чиқди:

– Кўз дўхтирининг кўкрак ракига нима алоқаси бор, Бердикул ака? Нима, одамни мазах қилипсизми?

Бердикул гарансиб қолди:

– Қанака рақ?

Шамсиддинов тутакиб кетди, юзинг-кўзинг демай Бердикулни жеркиб берди:

– Сиз ўзи одамсиз, ака? Фарзандсиз? Онангизда кўкрак саратони аниқланган. Оғир формаси. Мана, эсон-омон қайтибсиз, уч ойдан бери ҳеч бўлмаса уч дақиқа вақт топиб, онангизнинг соғлиғи билан кизикмадингизми?.. – Доктор жаҳл билан қўл силтади: – Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши! Бўлди, эртагаёқ ўзимизга оборинг. Ўзимиз машинада Тошкентга жўнатамиз. Сиз ёнларида ўтирсангиз бўлди! Сиздан бошқа нарса талаб қилинмайдиам!

Шамсиддинов нималарнидир тўнғиллаганча кетди-борди. Бердикул анграйиб қолаверди...

“Гап бу ёқда экан-да...”

Бердикул ховлига қайтиб кирди.

Кўлида дори-дармонлар тутган, бирдан қариб қолгандай қадди букчайган Бердикул онаси ўтирган хонага ўтди.

Солиха эна сергак эди.

– Иш сўрашга бораман деётгандинг-ку, болажоним, бормадингми?

– Эна... – томоғи қурукшаб кетган Бердикул дориларни онасининг ёнига қўйди. – Булар сизга экан.

Солиха эна дориларни пайпаслаб кўрди:

– Духтир болам ташлаб кетдимми? Сенга тўғри келиб қолганини. Шу... сал шамоллагандим. Кампир одам қийналмасин деб дори-пориларни ўзлари бериб кетишади, барака топгурлар...

– Эна... – изтироб билан шивирлади Бердикул. – Мен ҳаммасини биламан, эна. Нега... нега бундай қилдингиз?

Бир неча лаҳзалик сукутдан сўнг Солиха эна нурсиз кўзларини енгида артди:

– Болажоним, келинам кетиб қолди... Уни айбламайман... Лекин... менга бир нарса бўлиб қолса... ҳувиллаган уйга бир

ўзинг кириб келасанми деб кўрқдим. Сен келганча... суд-  
ралиб бўлсаям юраман дедим ўзимга ўзим... Мана, худога  
шукр, шу ниятимга етдим. Энди бу ёғига худо пошшо...

Бердикул титраб кетди.

– Эна... сиз тузалиб кетасиз... Сизни... Москвага обо-  
раман... Ҳиндистонга... Албатта тузаласиз...

– Болажоним-эй, – тишсиз оғзини очиб кулди Солиха  
эна. – Энди бу ёғига тўримдан гўрим яқин. Мана, худога  
минг қатла шукр, эсон-омон қайтганигни кўрдим. Армоним  
йўк, болам. Энди шу уйда келинимни кўрсам, худо насиб  
қилса, неварамни бағримга боссам, дунёда мандан бахтли  
одам бўлмайди, болажоним... Сен энди мени эмас, ўзингни  
ўйла, болам, ўзингни. Энди менга аперасанинг нима кераги  
бор? Бу дунёда ким абадий қолибдики... Олтмиш беш йил  
ёруғ дунёни кўрдим, тўйиб-тўйиб кўрдим. Бунинг олдида  
тўрт йил нима деган гап...

– Эна...

– Сен боравер, болам. Бу дорилар менга ёд бўлиб кет-  
ган. Ўзим керак пайти керагини ажратиб олавераман. Ҳеч  
ўйланма. Мени ўйлама...

Бердикул маст одамдай гандираклаб хонадан чикди, дар-  
воза томон юрмоқчи бўлди, аммо бунинг ўрнига бўм-бўш  
молхонага кирди-ю, пичан устига кулади. У ёқасини маҳкам  
тишлаганча титраб-қакшаб, овозини чиқармасликка уринган  
ҳолда гавдаси силкиниб-силкиниб бўзлаб юборди:

– Энажон... энажон...

\* \* \*

Дилшод бетон йўлга чиккани маҳал телефони жиринглаб  
қолди.

Мансурнинг хавотирга тўла овози эшитилди:

– Қаердасан, ўрток?

– Йўлдаман.

– Қайси йўлда?

– Тошкент йўлидаман.

Мансур баралла кулиб юборди:

– Шунақа демайсанми, ўрток! Окшомги гапларингдан кейин айбни бўйнига олиш учун милисага боряптими деб кўркиб кетибман. Кечаси юрагимни ёриб юбординг аммо-лекин.

– Бугун бир дам олмоқчиман. Ҳеч нарсани ўйламай.

– Жуда тўғри кипсан, ўрток, жуда тўғри кипсан. Менам ўзи сендан шуни илтимос килмоқчи бўлиб тургандим. Ҳеч нарсани ўйлама. Ҳаёт гўзал.

– Айтгандай, таклифимни ўйлаб кўрдингми? Рози бўлсанг, бугун балиқчалардан хабар оласанми? Бўлғуси бош директорсан, ахир!

– Бунақа таклифга йўқ деб бўлармиди? Аммо-лекин бугунга биттаси билан бир оз балиқ гаплашиб кўйгандим. Шунини сотай. Эртадан бошлаб хизматингдаман.

– Раҳмат, ўрток. Мени жуда хурсанд килдинг. Кўрасан, хали ҳамма ишларимиз зўр бўлиб кетади!

– Зўр ҳам гапми!

– Омон бўл. Кечкурун қайтиб келаман, гаплашамиз. Хайр...

“Малика” гўзаллик салони шаҳар марказида жойлашган экан. Дилшодни кўғирчоқдай кийиниб олган киз мулозамат билан қарши олди.

– Марҳамат. – У рангли журналлар ташлаб қўйилган стол ёнидаги креслога ишора килди. – Эркаклар сартароши ўн беш дақиқада бўшайди. Ўшангача сиз бемалол чой ёки қахва ичиб, журналларни ўқиб ўтиришингиз мумкин. Агар хоҳласангиз, телевизорни бошқа каналга қўйиб бераман.

– Йўқ, йўқ. Биласизми, менга Маликаҳон керак эдилар.

– Сизнинг келишингиздан уларнинг хабарлари борми?

– Албатта.

– Ким деб айтай?

– Дилшод. Дилшод менинг исмим.

Қиз, афтидан, фамилия ҳам айтилишини кутиб бир муддат кутиб турди, аммо йигитдан бошқа садо чиқавермагач, кейинги аниқлаштирувчи саволини берди:

– Кечирасиз, қайси ташкилот ёки корхонадан деб айтай?

– Менми? Мени... Муҳиддин аканинг ўғиллари деб айта қолинг.

Қиз эслади:

– Ҳа. “Муҳиддин энд санз” корпорациясиданми?

Дилшод кулиб юборди:

– Йўқ, шунчаки Муҳиддин аканинг ўғиллари десангиз бўлди.

– Хўп бўлади. Маликахон Аббосовна бир оз ушланиб қолишлари ҳам мумкин. Балки унгина чой ичиб турарсиз.

– Яхшиси қаҳва. – Қизнинг яна савол беришга чоғланаётганини кўрган Дилшод кўшиб кўйди: – Сутсиз, шакарсиз.

– Хўп. “Нескафе”ми...

– Фарқи йўқ. – узун рўйхат айтилиши эҳтимолини сезган Дилшод қизнинг гапини бўлди. – Қаҳва бўлса бўлди.

– Хўп бўлади.

Қиз ичкарига кириб кетгач, Дилшод креслога ўтириб, столдаги мода журналини варақлай бошлади.

Қиз бир финжон қаҳва олиб чиқди:

– Марҳамат.

– Раҳмат.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас қиз яна унинг каршисида пайдо бўлди:

– Маликахон Аббосовна сизни кутяптилар.

– Раҳмат.

Қиз Дилшодни Маликанинг кабинетига бошлаб кирди. Бу ихчамгина, дид билан безатилган кабинет эди.

Сипо кийинган, истараси иссиқ, йиғирма ёшлардаги Малика йигитни ўрнидан туриб кутиб олди. Салом-алиқдан кейин улар стол атрофига ўтиришди.

– Чой, қаҳва?

– Раҳмат, ҳозир ичдим. Ходимларингиз жуда сермулозамат экан.

– Ҳа. Аста-секин ўрганишяпти. Яқинда Францияда бўлиб, тажриба ўрганиб кайтдик.

– Зўр-ку.



– Шунақа. У ерда сервис хизмати яхши йўлга қўйилган. Ўзимиздаям шундай бўлсин деб ҳаракат қилипмиз-да.

– Яхши. Маликаҳон, хўш... бугун бирга тушлик қилсак нима дейсиз?

– Жон дердим. Афсуски, вақтим сат зикрок. Тушлик маҳал бир элчихона ходимаси келиши керак эди. Ўзим шу ерда бўлмасам бўлмайди.

– Майли-ю... Ота-оналаримиз, биздан бесўрок дегандай... ўзларича... Шунга...

Дилшод кутганчалик, қиз ўзини ёлғондан уялганга солиб ўтирмади, аксинча, самимий жилмайган кўйи очигига кўчди:

– Хабарим бор, Дилшод ака. Тўғриси, бунақа ишлар менга унчалик ёқмайди. Йигирма биринчи асрнинг ўн йили ўтибам... Ўзимга келсак, ҳали ўқимокчиман, мустақил оёққа туриб олмоқчиман. Беш-олти йил ишласам, кейин балки... Шундаям кўнгил кўнгилга тўғри келса. Ахир бу дунёда муҳаббат деган нарса бўлиши керак-ку.

– Бўлиши керак, – дарҳол тасдиқлади Дилшод. Сўнг кўшиб қўйди: – Ҳаттоки бор ҳам.

Қиз ялғ этиб унга қаради:

– Муҳаббатсиз турмушни мен... совиб қолган ошга ўхшатаман. Балки бир кун келиб қимнидир бир кўришда севиб қоларман.

Дилшод қиз айтмоқчи бўлаётган гапни тушунди:

– Лекин ўша йигит мен эмасман.

– Афсуски...

Йигит ўрнидан турди:

– Нимаям дердим. Танишганимдан хурсандман.

– Мен ҳам.

– Очигини айтсам, ота-она кистови билан танишиш менга унчалик ёқмайди. Лекин на илож.

Қиз кулимсиради:

– На илож.

– Хайр.

– Яхши боринг. Йўлингиз тушганда қиринг, сочингизни чиройли қилиб олиб қўямиз.

– Албатта. Бугундан бошлаб миждозларимиз сони биттага кўпайди деб ҳисоблайверинг.

Дилшод кабинетдан мамнун тарзда чикди.

Кейинги учрашув онаси оғзини тўлдириб айтган “бутик” ёнидаги ойनावанд қахвахонада кечди.

Официант столга пирожний, шарбат қўйиб кетгач Муштарий исмли бу қиз Дилшодга қизиксиниб қаради:

– Исмингиз нимаиди?

Йигит исмини айтди.

– Эслаб қоламан. Демак, ичмайсиз, чекмайсиз, шунақами? Ишлайсиз ҳамми?

– Шунақароқ.

Муштарий аниқ ҳулосага келди:

– Типик “пепси” экансиз-да.

– Кечирасиз, тушунмадим, нима дедингиз?

– Ҳали тушуниб оласиз. – Қиз қарши тарафдаги дўконга ишора қилди: – Бутик менга қарашли.

– Хабарим бор.

– Номиниям адамлар махсус “Муштарий” деб қўйганлар. “Муштарий” нима деганини биласизми ўзи?

– Ўқиб юрганимизда бир домламиз “Ким газета ё журналга обуна бўлса, ўша муштарий саналади” дерди.

Афтидан, бундай жўн талқинни кўп эшитган шекилли, қизнинг энсаси қотди:

– Йўк, унақамас. Осмондаги планеталардан биттасинг номи ўзбекчасига шунақа бўларкан. Бу исм ўзимгаям маъқул бўлиб қолди. Паспорт бўйича ўзи исмим “Мухтарам”. Лекин паспортимни алмаштирганимда исмимни ҳам ўзгартириб олмақчиман.

Бу режага қандай муносабат билдиришни билмаган йигит ҳар эҳтимолга қарши:

– Яхши-да, – деб қўйди.

Шарбатини столга қўйган қиз бир зум ниманидир эслашга уриниб кўрди, буни эпломач, яна бир бор сўраб қўя қолди:

– Кстати... исмингиз нимаиди? Дилшод. Эслаб қоламан... Мен олдиндан айтиб кўйишим керак. Мен замонавий қизман. Ўз ҳаққимни яхши биламан. И истаган жойдан ажратиб ҳам оламан. Шунинг учун бўлғуси эрим билан албатта шартнома тузиб қўяман. Албатта!

Дилшод ўзига тик қараб турган қизнинг нима демоқчи бўлаётганини англай олмасдан қийналиб кетди, сўнг, нима бўлса бўлар дедию, очигига кўчди:

– Кечирасиз, яна бир марта тушунмадим.

– Ни-коҳ шарт-но-ма-си! – таъкидлади қиз. – Масалан, сиз Муҳиддин аканинг ўғилларисиз, шундайми?

– Шундай шекилли.

– Адам Муҳиддиннинг нафақат уйидан, ўзидан ҳам балиқ иси келиб туради, дейдилар. Менинг бўлса бунақа исга ҳушим йўқ. Аллергиям бор.

Дилшод юзига совуқ сув сепилгандай сесканиб кетди... Қизнинг гап оҳангида аллақандай менсимаслик ҳам бордай эди... Йигит ўзини қўлга олишга, ётиғи билан гапиришга уринди:

– Тўғри, дарёга яқин шаҳарда турамиз. Лекин уйимиздан балиқ иси келмайди, Муштарийхон.

Қиз пинак бузмай, гапида давом этди:

– Хуллас шартномада бизнинг Тошкентда, ҳовлида яшашимиз...

– Шу ерда яшаймизми? – ажабланиб сўради Дилшод.

– Албатта. Айтдим-ку балиқ исига аллергиям бор деб. Сиз мени чалгитмай туринг. Исмингиз нимаиди?

Ғаши келган йигит тишлари орасидан такрорлади:

– Дилшод!

– Эслаб қоламан. Хуллас, агар бир йилдан кейин ажрашсак сизнинг менга қанча товон тўлашингиз, икки йилдан кейин ажрашсак қанча тўлашингиз, ҳамма-ҳаммаси ёзиб қўйилади. Агар ўртада бола бўлса, унга тўланадиган товон пули...

– Алиментми? – аниқлаштиришга уринди йигит.

– Йўқ, бу алиментдан ташқари тўланадиган товон пули бўлади. Хуллас, ўшаниям қанча тўлашингиз аниқ ёзиб



қўйилади. Долларда. Кейин тушунмовчилик бўлиб юр-маслиги учун-да. Агар уч йилдан кейин ажрашсак...

Йигит суҳбат бошлашганидан бери биринчи марта қизнинг гапини бўлди:

– У ёғи тушунарли. Лекин олдиндан ажрашишни шартномага киритиб қўйиш шартмикин. Муштарийхон? Яхши ният қилиш керакдир балки. Мени маъзур тутасиз-у, бу энди... бу энди қичмаган жойини олдиндан қайиб қўйишдай гап-да. Балки поччам билан бир умр бахтли яшаб кетарсизлар.

– Поччам билан? – энди эсанкираш навбати Муштарийга келди. Зеро, у шу лаҳзагача мендай қизга уйланиш, амалдор кайнотага эга бўлиш бу пулдор қишлоқи учун катта бахт деб мутлақо ишониб ўтирганди. – Кетати, исмингиз...

– Исмин Дилшод. Эслаб қолдинг. Сизга балиқ иси қанчалик ёқмаса, менга ичкүёвлик шунчалик ёқмайди. Аллергиям бор. Хайр, Муштарийхон. Омон бўлинг.

Йигит стол четида турган меню китобчаси ичига бир даста пул солди-да, Муштарийхоннинг “хай-хай”ига ҳам қарамадан қаҳвахонадан чиқди-кетди.

Дилшод йўл-йўлакай Ноилага қўнғирок қилди:

– Мен Тошкентдаман. Кеча эртага овулга бораман дегандай бўлгудингиз. Мана. Учиб келдим... Айтган жойингизга етиб бораман...

Ноила кўп қаватли уй ёнида кутиб турган экан.

Дилшод қизнинг гилдиракли жомадонини юкхонага жойлагач, йўлга тушишди.

– Қалайсиз энди. Ноилахон? – кўтаринки кайфиятда сўради Дилшод.

Арази ҳамон тарқаманнинг билдириш учунми, қиз совуққон оҳангда жавоб қайтарди:

– Яхши деб айтдим шекилли. Дарвоқе, ўзингизни оппок қилиб кўрсатиш учун шундан-шунга атай сиз учун келдим деб чўпчак тўкиб ўтирманг. Барибир ишонмайман.

Дилшод кулиб юборди:

– Тўғри, атайлаб келмагандим. Шахарда ишларим бор эди. Шуларни битириб телефон қилгандим.



– Яхшиям битгани, – кесатди киз. – Битмай қолса, телефон ҳам қилмас экансиз-да.

– Узр, Ноилахон, ишлар билан бўлиб кейинги кунлари интернетгайм вақт тополмадим.

Салонга жимлик чўкди. Ахири Ноила пичинг қилди:

– Бўлдими? Давом этмайсизми?

– Яна нимани айтай?

– Айтаверинг. Ҳаммасини. Уйқусиз кечаларда ёлғиз қолгингиз келганиниям айтинг. Мен билан гаплашгингиз келмай қолганиниям айтинг.

– Узр дедим-ку; Ноила. Ростданам ишларим кўп эди.

Анча аламзада бўлиб юрган эканми, киз гап билан ўйиб олишни бас қилмасди:

– Ҳа, бечора, сизга қийин. Анча озибам копсиз.

Дилшод “уф” тортиб, машина тезлигини оширди. Ноилага бу ҳам ёкмади:

– Эътиборингиз учун, сизни билмадим-у; аммо менинг хали яшаш умидим бор. Аҳоли пунктидамиз. Марҳамат қилиб қоидага риоя қилинг.

Дилшод тезликни пасайтирди:

– Хўп, хўп.

– “Уф” ҳам тортманг. Бу менга машинангизда опкортаётганингиз учун миннатдай бўлиб эшитиляпти. Мен бемалол юмшоқкина “Мерс”да ҳам кетишим мумкин эди. Хотиржам. Беминнат.

– Таксидами? – сўради Дилшод.

– Автобусда. Мана! – киз машинани қувиб ўтаётган “Мерседес” автобусига ишора қилди.

– Ҳа... Янглишмасам, буям аҳоли пунктида кетаяпти шекилли, Ноилахон?

– Унинг шопириям сизга ўхшаган ўпкалардан бўлса керак-да.

Йигит таслим бўлди:

– Хўп, Ноилахон, хўп. Мен айбдорман. Мен айбдорман.

Киз ғалабасини мустаҳкамлаб олишга ўтди:

– Бунга шубҳангиз бормиди?

– Шубҳа нима қилади? Мутлоқ ҳақиқат бу.

– Ҳа, ўқиган пайтларингиз ора-сира фалсафа дарсигаям кириб турганингиз кўриниб турибди.

Яна бир фурсат жим қолишди. Гинахонлик ўтиб кетди деб ўйлаган Дилшод мавзунни ўзгартирмоқчи бўлди:

– Ноилахон, биласизми нима?

Жавоб кескинрок бўлди:

– Билмайман.

Аччиғи чиқа бошлаган Дилшод:

– Сиз... сиз оғримай ўласиз, – деб юборди.

Ноила энди йиғитни очикдан-очик мазах қилишга ўтди:

– Бундай оламшумул ҳулосага қачон келдингиз? Уйқусиз кечаларда ёлғиз юрганингиздами?

Йиғит ҳам бўш келмади:

– Йўқ, ҳозиргина. Қайноққина факт бу.

– Наҳотки?

– Ўйламай гапирган оғримай ўлади. Шундай ўйламасдан ҳар хил пичинг гаплар айтаверсангиз-айтаверсангиз, бир куни жонидан тўйиб кетган шўрлик эрингиз гурзидай мушти билан бошингизга битта уради. Тамом! Оғриқниям сезишга-ям улгурмайсиз. Эътиборингиз учун, бу халқ ҳикмати.

– Ҳа-ҳа-ҳа! – мазах қилишда давом этди қиз. – Тасаввур қилаяпман. Гурзидай муштга эга шўрлик эр! Гурзидай-а. Бир зарбада тиззамга қадар, иккинчи зарбада елкамга қадар, учинчи зарбада... Йўқ, йўқ, бир зарбанинг ўзида миямнинг қатиғи чиқиб кетса керак-да ўзиям...

Дилшод беихтиёр рулни кескин буриб юборди. Машинанинг йўлдан чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Шундагина ўзига келган Дилшод жон-жаҳди билан тормозни босиб, рулни айлантирди. Машина чийиллаб, бир томонга оғиб бўлса ҳам яна йўлга чиқиб олди. Орқадан узлуксиз сигналлар эшитилди. “Нексия”ни қувиб ўтаётган “Жигули” ойнасидан бир эркак бош чиқариб, бўқирди:

– Мошина ҳайдашни билсанг рулга ўтир-да. олифта!

Дилшод тер тошган пешонасини артди.

Ранги ўчган, кўзлари катта-катта очилиб кетган, лаблари пир-пир учаётган Ноила аранг гапира олди:

– Ҳа, жуда узокни кўзлаб юборибмиз. Бу кетишда пешонаси яркираган шўрлик эрга етиб боролмай, бетонканинг ўзидаёқ омонатимни топшириб қўядиганга ўхшайман, жаноб Шумахер.

– Узр, Ноилахон.

– Уйқусиз кечаларнинг таъсирини кўрдингизми? Мана энди ўзингизам кўрдингизми? Тўхтатинг машинани!

– “Мерс” да кетасизми?

– Самолётда!

Машина йўл четига ўтиб тўхтади. Рулга Ноиланинг ўзи ўтирди:

– Кўркманг, правам бор.

Бир оз юрганларидан сўнг киз радиони кўйди. Унда бошловчи киз ўзига телефон килган тингловчи йиғит билан савол-жавоб ўтказмоқда эди.

– ...Афсуски, афсуски бу саволнинг жавобини ҳам топа олмадингиз. Кейинги саволга ўтамиз. Мен икки қатор шеър ўқийман. Сиз шеърда гап қайси асар ҳақида кетаётганлигини айтсангиз етарли. Хўш, тайёрмисиз?

– Тайёрман, – деди тингловчи йиғит.

– Унда эшитинг: “Қимор ўйнар экан Достоевский. Кампирларни чопар шум Раскольников”. Вақт кетди. Хўш, тахминлар борми?

– Им-м... – мулоҳаза юрита бошлади тингловчи йиғит. – Асарнинг номи тилимнинг учиди турибди-я. Ҳозир эслайман... ҳозир... Балки биринчи харфини айтиб юборарсиз.

– Биринчи харфини айтолмайман, – сайраб кетди бошловчи. – Лекин асар жиноятчи йиғит тўғрисида эканлигини айтишим мумкин. Энди эсингизга тушдимми?

– Ҳозир, ҳозир... Нимайди-я... Билардим ўзи...

Ноила жаҳл билан радиони ўчирди:

– Бефаҳм! Тўнка!

– Қизик, – деб кўйди нималарнидир зўр бериб ўйлаётган Ди.шод

– Нимаси қизик экан? Бесавод бир кимсанинг оғзига чайнаб берилган оддийгина саволга жавоб беролмаётганими?

– Йўқ, мен бошқа нарсани айтмоқчийдим. Наполеоннинг жангларида юз минглаб француз ўлган. Лекин у миллий қаҳрамон. Иккита кампирни чопган Раскольников эса кипкизил жиноятчи. Қани бу ерда ҳақиқат? Мақсад воситани оклайверадими?

– “Жиноят ва жазо”нинг ўзида бу саволга қандай жавоб берилган, жаноб иктисодчи?

– Савол очиқ қолган.

– Ана. Агар Минавваров домла шу ерда бўлганларида эди, сизга “Жавобнинг саволинигдаур”, деган бўлардилар.

– Одам одатда аниқ жавобдан ўзини олиб қочганида шунақа деб қутулиб қўя қолади.

Ноила йиғитга қаради:

– Билсак бўладими, нима учун энди бу савол сизни кизиқтириб қолди.

– Шунчаки, – шоша-пиша жавоб қайтарди Дилшод – Бир қалламга кеп қолди-да. Сиз чалғиманг. Йўлга қаранг.

– Ҳалиям чалғиганим йўқ... Мана, очиқ майдонгайм чиқиб олдик. Энди юзга боссак бўлади.

Ноила тезликни оширди.

Дилшоднинг кистови билан қатта йўл бўйидаги қаҳвахонада овқатланиб олишди. Овулга яқинлашганларида эса улар ўринларини алмашишди.

Машина Турғунбой отанинг уйи ёнига келиб тўхтаган маҳал ичкаридан Гулноза шошилиб чиқиб келди.

Она-бола кучоклашиб-ўпишиб кўришишди.

Гулноза ўпқалади:

– Автобус яқинлашгандан хабар қил, ўзим марказга чиқиб қутиб оламан дегандим-ку. Нега телефон қилмадинг?

Ноила машинага ишора қилди:

– Тайёр такси бор экан. Сизни овора қилгим келмади.

Юкхонадан жомадонни тушираётган Дилшод салом берди.

– Яхшимисиз. Сизга қатта раҳмат, ука.

– Арзимайди.

Гулноза эгилиб, қизининг қулоғига шивирлади:



– Ҳамёним ичкаридайдди. Ҳозир опчиқаман.

– Керакмас, ойи. Бу ернинг таксичилари йўл ҳақини олдиндан йиғиб олишмаса юришмас экан.

– Муҳими соғ-саломат етказиб келипти-ку. – Гулноза Дилшодга мулозамат қилди: – Ичкарига киринг, ука. Овқат тайёр.

– Раҳмат. Мен... мени миқозларим кутиб қолишди.

Ноила дарҳол орага гап суқди:

– Бу кишининг бозори чаккон экан.

– Яхши ишлаган, машинасини кўзига қараб ҳайдаган таксичининг бозори чаккон бўлади-да, қизим... Сизга яна бир марта қатта раҳмат.

Машина қайтиб кетгач, Гулноза қизини уйга бошлаб қираркан:

– Даданг қалай? – деб сўради.

– Сизга қизғин салом айтиб юбордилар. Ичмаяптилар. Уйга ҳам вақтида келяптилар.

Ошхонада ўчоқдан чўғ олаётган Маърифат хола Ноилани кўриб қолдию, оташқуракни ташлаганча шу томонга шошди:

– Ноилажон!

– Бувижон!

Буви билан невара ялаб-юлқашаётганлари маҳал Гулноза ичкарига хавотирланиб қараб кўйди.

Хонадаги узунасига солинган учта ўринда Турғунбой ота, Ўктабр ота, Серсенбой оталар ётишарди. Кун димлигига қарамасдан, уларнинг устига кўрпача ташланган. Ҳар бирининг ёнида дори, пиёла.

Қариялар ётган жойларида ниманидир ўзаро баҳс-лашишмоқда эди.

– Энди ҳалолига айтадиган бўлсак, балиқни барибир мен ушладим-да. Тан беринглар! – деди Ўктабр ота.

– Ҳечам-да! – бу фикрга кўшилмади Турғунбой ота.

– Агар мен ҳайдаб келмаганимда тутиб бўлсан эди, жўра!

– Ўй-баёв, бу не деген ўтрик? – ёқасини тутамлади Серсенбой ота. – Эгер мен жўлини тўсиб турмаганимда, балигинг кашарди-кетерди. Сўнг ўни тусингде кўр эди.

Ўктабр ота пикиллаб қулиб юборди.

– Ҳа, – пичинг килди уй эгаси, – бирон гап энди етиб бордимми?

– Йўк. Мен ўзгармаганимни айтаман. Ҳалиям болалигимдагидай қолибман.

– Ё тавба!

– Таминг кетген сен баланинг.

Ўктабр ота ўз фикрини исботлашга тушди:

– Болалигимда қачон балиқ овига борсам, албатта шамоллаб қолардим. Мана, яна шундай бўляпти. Ўзгармаганим шу-да, жўралар.

Турғунбой ота ётган жойида маънодор бош чайқади:

– Одам қариса яна қайтатдан бола бўлиб қолади дейишарди. Лекин миясиям боланикидай бўлиб қолишини мана сенда кўриб турибман.

Эшик секин очилди. Учала чол бирдан кўрпачаларини бурунларига тортиб, кўзларини юмиб олишди: ўзларини ухлаганга солишди.

Бу хийладан беҳабар Гулноза кизига шивирлаб тушунтирарди:

– Мана, учта эси оккан чол. Ўзларича балиқ овламоқчи бўлишган! На қармоқ бор, на тўр. Тасаввур қиласанми, кўлда! Оқар сувдан! Ушлаганлари биттагина балиғ-у... энди учалови ҳам шамоллаган. Асал чой ичириб, базўр ухлатиб чиқдим.

Турғунбой ота секин кўзларини очиб, бирдан қувонч билан қичқириб юборди:

– Кимни кўряпман? Ноиламисан?

– Бобожон!

Ноила Турғунбой отанинг қучоғига отилди. Ўктабр ота билан Серсенбой ота ҳам кўзларини очишди-да, меҳмонни кўргач, ўзларига шунча меҳрибончиликлар қилган Гулнозанинг олдида бирдан ўринларидан туриб кетишга истиҳола қилишдими, ёнбошлаб олишди.

– Баҳона қилиб ётган экансиз-да, бобожон!

Гулноза уф тортиб, ҳовлига овоз берди:

– Ойижон, опкелаверинг, булар ухлашмаган экан.

Маърифат хола оташкуракдаги чўғда куюк тутаетган исирик кўтариб кирди.

\* \* \*

Хар қанча оғир бўлмасин, яшаш керак. Ҳеч бўлмаганда хаста онанг учун...

Бердиқул Муҳиддинбойнинг офисига бош эгиб борди.

“Қабул соати”га тўғри келиб қолган эканми, уни ортиқча оврагарчиликларсиз ичкарига киритиб юборишди.

Кабинет эгаси Бердиқул билан анча гаплашиб ўтирди, унинг ўтмишини сўраб-суриштирди.

– Бизга яхши ишчилар ҳамиша керак, Бердиқул. Кечмишингизга келсак, шахсан мен учун ўша адашинингиздан олган тўғри хулосангиз муҳимроқ. Мени тушундингизми?

– Тушундим.

– Яхши. – Муҳиддинбой қўл телефонини олиб, бир тугмачасини босди. – Бир йигит олдингга боради. Ишга ол. Каттароқ харажати бор экан, қарашвор. Сўраганини бериб тур. Кейин ойлигидан секин-аста босиб қолаверасан... Бўлди. Бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ, Бердиқул. Ўзимизда бир мақол бор-ку, яхши бўлсанг ошингни ейсан, ёмон бўлсанг бошингни, деган. Мен бундан орттириб бир нима деёлмайман.

– Раҳмат.

– Бораверинг. Сизни қузатиб қўйишади.

– Раҳмат.

Кабинетдан чиққан Бердиқулни икки каватли маҳобатли офиснинг ертўласига бошлаб боришди. Бу ерда мўъжазгина спорт зали бор экан.

Кимоно кийган, профессионал спортчиларга хос келишган коматли Рустам қаратэ билан шуғулланаётган экан. У бир йўла иккита ракиби устидан ғалаба қозонгач мамнун тарзда, шотирларидан бири елкасига ташлаган сочиққа терлаган юз-бўйинини артганча эшик ёнида қўл ковуштириб турган Бердиқулнинг ёнига келди.

Бердиқул салом берди.

– Пул керак бўлиб қолдими? – бирдан мақсадга ўтди Рустам.



– Ҳа.

– Пул ҳаммага керак. Тушиб қолдингми?

– Ҳа.

– Сени тушириб кетган одамдан ўч олмоқчимисан?

– Йўқ.

– Нега?

– Унинг ахvoli меникидан ҳам оғир. Бир боласи ногирон. Мен фақат олган қарзимни қайтармоқчиман. Кейин...

– Тузук. – Бердиқулнинг гапини бўлди Рустам. – Лекин бундан кейин биз билан ишлашинг учун иккита синовдан ўтишинг керак бўлади. Биринчиси эҳтимол бугунги кечаси бўлар. Кейингиси эҳтимол эртага, эҳтимол индинга.

– Тайёрман.

– Тузук. Шу синовлардан ўтсанг, ўтдинг, ўтолмасанг, икки қўлингни бурнингга тикиб қайтаверасан. Шикоятга ўрин йўқ. Бизда тартиб шунақа.

Бу шартни эшитган Бердиқул каловланиб қолди:

– Лекин Муҳиддин ака...

– Муҳиддин ака ҳаммамизнинг хўжайинимиз! – яна унинг гапини бўлди Рустам. – Лекин одамларга бериладиган пулга мен хўжайинман. Менда эса пул печать қиладиган станок йўқ. Менинг одамларим пулни ишлаб топишади. Билдингми?

– Билдим-у. – очингига кўчишга қарор қилди Бердиқул, – аммо олган қарзимдан ташқари онамнинг операцияси учун ҳам бир оз керак эди.

– Майдалашма! – жеркиб берди Рустам. – Аввал синовдан ўт. Мен сенинг жуссангга қараб пул берадиган аҳмоқ эмасман. Яна бир нарсани яхшилаб эслаб қол: мен сенга нақд пул бермайман, мен сенга катта пул ишлаб олиш учун имконият бераман. Имкониятдан фойдаландингми – қандингни ур. Эплай олмадингми – кетаверасан сўппайиб. Ё қўрқяпсанми? Қўрқсанг, ҳозирнинг ўзида индамай қайтиб кетавер. Ё қарзингни қайтаришинг шартми?

– Лафз қилганман.

– Лафз... – кинояли илжайдди Рустам. – Сенга биринчи ва



охирги марта айтиб қўяй: бундан кейин бунақанги олифта гапларни унут. Сен учун лафз – менман. Сен учун қонун – менман! Кимсан, нима иш қилгансан, характеринг қанақа – ҳаммаси манави эшик ортида қолади. Менда ишляяпсанми, менинг айтганим – айтган, деганим – деган. Худди армияда-гидай. Буйруқ муҳокама этилмайди. бажарилади. Тушунар-лими?

Бердикул қаддини ростлади:

– Ҳа.

– Тузук. Сени у ёқларда бўлиб келган дейишади. Ка-мерангга зўравонлар чигилини ёзиш учун келганида ўзинг-ни қандай ҳимоя қилардинг? Кўрсат.

Бердикул кўрсатди: ерга ғужанак бўлиб ётиб олиб, бармоқларини мушт қилиб тугди-да, тирсақлари билан қорнини, муштлири билан юзини яширди.

– Тузук. Тур ўрнингдан.

Бердикул турди.

– Бу ерда ҳеч ким сенинг олдинга келиб, қалтаклайман деб эълон қилиб ўтирмайди. Бу ҳаётда ҳаммаси қутилма-ганда ва тўсатдан рўй беради. Бу ҳаётда аввал сени маҳкам қучоқлаб олиб, кейин биқинингга пичоқ санчадилар. Шунинг учун ҳаммиша, ҳамма нарсага тайёр туришинг керак. Ҳаттоки менинг олдимда ҳам.

Бердикул бош ирғади. Рустам кўз илғамас даражада тез ҳаракат билан ўнг оёғи қиррасида Бердикулнинг кўкрагига қаттиқ зарба берди. Зарбани қутмаган Бердикул орқага гандираклаб кетди, аммо йиқилмади.

– Тузук. Эслаб қол: ҳаттоки менинг олдимда ҳам.

Шу яқин атрофда булбул сайрагандай бўлди. Бояги чаққон шотир ошиғич тарзда Рустамга митти қўл теле-фонини узатди:

– Ўзлари.

Рустам телефонни олди:

– Лаббай, хўжайин?... Икки кишими? Уюштирамиз... Ўзим қатгаси билан гаплашиб қўяман... Хўп...

Телефонни ўчирган Рустам Бердикулга яна бир бор синч-ков назар ташлади ва залдан чиқди.

Йигитлардан бири келиб ишора қилди, Бердиқул унинг ортидан юрди.

\* \* \*

Йиқилган курашга тўярмиди...

Дилобар ҳам ўзича янгидан-янги режалар туза бошлади. Лекин қутилмаганда Тамара тўннини тесқари кийиб олди.

Шу қунгача Дилобар “Саратонда қор ёғди” дейишса ишонши мумкин эди: табиатда нималар бўлмайди, аммо “Тамара сендан юз ўғирди” дейишса бу гапга у дунё-бу дунё ишонмасди, шу хабарни етказиб турган одамни эса телбага чиқарарди... Аммо, мана, воқеа содир бўлди...

Улар шаҳардаги ягона истироҳат боғида кетиб боришарди. Мақсадлари сув-пув ичиб, музқаймоқ ейиш эди, бироқ гапдан гап чиқиб, суҳбат жанжалга айланиб кетди.

– Яна бир ўйлаб кўр, Тамарчик! – бўғриқиб бақирарди Дилобар.

Тамаранинг жавоби қатъий эди:

– Ўйлаб кўрдим. Бунақанги ҳаёт мен учун эмас!

– Бунинг нимаси ёмон ахир? – ахири шаштидан тушиб, дугонасини алдаб-аврашга ўтди Дилобар. – Турган-битгани романтика-ку. Ҳар куни ҳар хил саргузаштлар, адреналин...

– Мен эса оддий аёл бўлишни истайман. Бошимда эрим бўлишни истайман. Бола туғишни истайман. Кечқурун уйда эрим, болаларим билан телевизор кўриб ўтиришни истайман.

– Тамарчик! Сен дарров чекинма. Ахир бошимиздан бунданам қийин кунлар ўтган-ку, тўғрими? Шундаям бир тола сочимиз тўқилмай чиқиб кетганмиз. Бу нима бўпти! Анов терговчига эса тупур! Билиб қўй, у шоҳида юрса, биз баргида юрамиз.

– Лекин у ҳаммасини билиб олибди-ку, – эътироз билдирди Тамара.

– У ҳеч нарсани билмайди! – бу гапни беихтиёр айтиб юборган Дилобар бирдан тилини тишлаб қолди. Сўнг бирдан дугонасини маҳкам қучиб олди: – Билса билар. Лекин

ҳеч нимани исботлай олмайди. Ҳеч қачон! Қурук гапни эса делого тикиб бўлмайди.

– Балки исботлай олмас. Лекин... тўғриси, мен ўзим чарчадим, Диля. Оддийгина ҳаёт кечирмоқчиман, ҳолос. Ишга тинчгина бориб келмоқчиман. Кечқурун хотиржам ухламоқчиман, эрталаб ўрнимда хотиржам уйғонмоқчиман.

– Каттик нон қавшаб яшамоқчимисан? – пичинг қилди Дилобар.

– Зато кўнгил тинч бўлади. Лекин оч қолмаслигим аниқ. Ўзимизда ўқиган Ҳалима бор-ку.

Дилобар эслагандай бўлди:

– Сочини иккита қилиб ўриб юрадиган қоп-қора қизми? Бетида қатта холиям бормиди?

– Ҳа, ўша. Торт цехи очибди. Ишга чақиряпти. Биласан-ку, пишириш-қуйдириш жон-дилим.

Боғда одам кам эди. Қарши тарафдан келаётган йигирма беш ёшлардаги йигит дарахт ёнида тўхтаб, қизларни қизиқиб қузата бошлади.

– Биладан, биладан. Лекин балки бошка жойга таклиф қилишгандир. Хунаринг бўйича. Менга билдирмасдан, имижимида қатта иш қилмоқчидирсан.

– Диля!

– Балки Ҳалима торт цехи баҳона сени бошка ишга чақираётгандир? Ўзининг-ку, бозори ўтмаслиги аниқ.

– Диля!

– Тамарчик, орзуларимиз нима бўлади? Қатта бизнес қилмоқчийдик, ховли, машина, супермаркет сотиб олмақчийдик.

Тамара енгил уф тортиб қўйди:

– Ҳамма орзулар ҳам амалга ошавермайди, Диля.

– Лекин анави американский кинодаги иккита қиз биргалашиб роса пул топишади-ку! Ўшалардан қасримиз кам? Қалламиз ишласа, ёш бўлсак, соғлом, чиройли...

– У кино эди, Диля! Кино! – Тамара дугонасининг кучоғидан чиқди. – Мен кетмасам бўлмайди. Хохласанг бирга юр. Ҳалима хурсанд бўлади.

– Албатта хурсанд бўлади-да. Кеча ўзини писанд қилмай юрган қиз бош эгиб келиб турса...



Шу маҳал йигит уларнинг олдига келди-да, қўлидаги машина калитини намоёншкоруна ўйнатганча:

– Дам оламизми, кизлар? – деди. – Таклиф қиламан.

Дилобар унга бир ўкрайиб караб қўйди-ю, ўхшатиб жавоб қайтарди:

– Бор, тошингни тер!

Аммо йигит сурбетгина экан:

– Ие, киз бола деганиям шунака қўпол бўладими?

– Ҳозирнинг ўзида туёгингни шиқиллатиб қолмасанг, ўзингга ёмон бўлади. Яхшиси эсинг борида кетакол! – таклиф қилди Дилобар.

– Қўрқитманг, яхши киз. Мен эркин кураш бўйича спорт мастериман. Любой телехингиз билан гаплашавераман...

Йигит гапини тугатолмади, Дилобар унинг чоти орасига куч билан тепди. Йигит “И-ий!” деганча афти бужмайиб, чотини чангаллаганча ўтириб қолди. Дилобар унга бошқа эътибор бермасдан Тамарани нари бошлади.

– Яна бир ўйлаб кўрасанми, Тамарчик?

Тамара бош чайқади:

– Йўк, Диля. Мен қарор қабул қилиб бўлдим.

Улар боғдан чиқишди, Дилобар дугонасини катта кўча томон бошлади.

– Майли, унда нимаям дердим, – хўрсинди қиз. – Агар қайтадиган бўлсанг...

– Қайтмайман, Диля. Лекин агар сен бизнинг ёнимизга борсанг, хурсанд бўлардим.

– Ширинликка ўчсан-ку, пучук, – дугонасининг бурнига аста чертиб қўйди Дилобар. – Эҳтиёт бўл, айниган крем еб заҳарланиб қолмагин-а тагин.

– Эҳтиёт бўламан.

– Унда... – атрофга аланглади Дилобар, – кетар жафосига бир яйраб ўтирмаймизми? Энг қиммат ресторанда. Спонсор бор.

Тамара дугонасига хавотирланиб қаради:

– Яна бир нимани бошладингми, Диля?



– Ҳеч нима! Ҳеч нима! – ўзини оқлашга шошди Дилобар. – Шунчаки бир... йигит билан танишиб қолдим. Хотини билан ажрашган. Ўзига содик, вафодор, сочи супургино қўли косов ёр излаётган экан. Ким билади. – Ёлғондан хомуза тортди киз, – балки бахтим оёғим остидан чикиб тургандир.

Тамара ишонқирамай бош чайқади.

Қизларнинг ёнига оппоқ “Нексия” келиб тўхтади. Рулда қаҳвахонада Дониёр билан жикиллашиб қолган Шариф ўтирарди.

Жажки сумкачасини елкасига ташлаб олган Дилобар бир сўз демасдан, таманно билан ҳайдовчининг ёнидан жой олди.

– Дугонангиз ҳам биз билан кетадими? – деб сўради ҳайдовчи.

Бунақа маҳаллари одамларнинг ички ўй-хаёлларини уқиб олиш бўйича қандайдир яширин истеъдоди юз кўрсатиб қоладиган Дилобар:

– Биринчидан, – дея таъкидлаб гапирди ҳайдовчи томон ярим ўтирилгач, – бу аёл менинг дугонам эмас, шунчаки танишим. Иккинчидан эса, яхши йигит, эътиборингиз учун, бу аёлнинг қиличдай эри бор. Шунинг учун, сузилавермасдан, ҳайданг!

Шариф газни босди:

– Мен бир нарса дедимми...

Йўқ, Шариф қизни “энг қимат ресторан”га бошлаб бормади. Улар кичикроқ қаҳвахонага киришди.

Майин мусиқа эшитилиб турган ўртачароқ залда мижоз кам эди.

Шариф мусиқадан узокроқ жойни, энг чеккадаги столни танлади.

Залга мамнун аланглаган Дилобарнинг кайфияти бирдан бузилди: бу чеккада фуқаро кийимидаги терговчи Жавлон Сулаймонов ёлғиз овқатланмоқда эди.

Ҳар тугул, мардлиги ҳам бор шекилли, илдам етиб келган официант жувонга Шариф бир дунё егулик айтиб ташлади,

лекин ичкиликдан воз кечди, “рулдаман” деди, Дилобардан номига бўлсин “Нима буюрай?” деб сўрамади: афтидан, қиз боланинг спиртли ичимлик ичмаслиги унга кундай равшан эди.

Дилобар овқатларни танлаб-танлаб ея бошлади.

Қиз кутганидай, орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас Шариф куйиб-пишиб арзи ҳол қилишга тушиб кетди:

– Йўқолган пичокнинг сопи олтин бўларкан, Дилобар-хон. Бўлмаса законний ажрашганимизга уч йилдан ошди. Холида бўлса, кун бермайман деб қасам ичганми нима бало, ҳалигача ортимдан одам қўйгани-қўйган. Унинг дастидан бир ерга боролмайманам, борсамам хотиржам ўтиролмайман, биров билан танишолмайман! Шуям ҳаёт бўлдим, тўғрими?

– Тўғри. Нима ҳаққи бор сизнинг шахсий ҳаётингизга аралашингиз? Расман ажрашган бўлсаларингиз.

Ўзига ўзи ачиниб, хўрликлари келиб кетган Шариф “қулт” этиб ютиниб қўйди :

– Менам шунга айтаман-да. Энди мен билан нима иши бор? Ахир менинг ҳам бахтли яшашга, иккинчи яримни қидириб топишга ҳаққим бор-ку, тўғрими?

– Буям тўғри.

– Биламан, Холида бу ергаям ўзининг биронта шпониини юборган. Ҳозир ўша аблах “қилт” этмай бизни кузатиб ўтирган бўлса керак.

Бу гапни бош ирғаб маъқуллаган Дилобар атрофга аланг-лаган бўлиб, терговчига қараб қўйди:

– Кўрдим, биттаси биздан кўз узмай ўтирибди.

– Қаерда? Қани? – питирлаб қолди Шариф.

Қизик, Дилобарнинг назарида, айни пайтда бу одам шундай бўлаётганидан ич-ичидан хурсанддай эди. Шундай бўлса-да, қиз ўйинни давом эттирди:

– Орқангизда. Охирги столда. Кўзини узмай қараб турган экан. Мен қарасам, дарров ўзини овқат еяётганга солди. Тажрибалиларидан бўлса керак-да.

Эркакнинг қўллари мушт бўлиб тугилди:

– Мен ҳозир бориб унинг таъзирини бериб қўяман.

Бунақа пайтлари Дилобар пишанг беришни бошлайди:

– Эҳтиёт бўлинг. Шариф ака. Спортменга ўхшайди.

Шариф ортига ўгирилиб, хотиржам овқатланаётган терговчига синчков назар ташлади:

– Э, мен ундан зўрлариниям чалпак қилиб ташлаганман, Дилобархон.

– Из қолмайдиган қилиб уринг, – маслаҳат берди киз. – Муғомбир-да, муғомбир, сизнинг караганингизни кўрганидан дарров овқатига ёпишиб олди. Кўрқди! Сиздан кўрқди лекин! Лекин энди аяманг!

Шариф ўрнидан турди:

– Қип-кизил жосуслиги башарасидан кўриниб турибди.

– Ҳа, менгаям шубҳали кўринди, – оловга мой сепишда давом этди киз. – Жўда шубҳали. Чўнтагида камерасиям борга ўхшайди. Билдирмай видеога оламан деган-да!

– Олса-олаверсин! Ундан кўркадиган аҳмоқ йўк!

Шариф тўғри Жавлоннинг ёнига келиб, қўлларини столга тиради:

– Менга кара, олифта, сен...

Кутилмаган ташрифдан хайрон бўлган, аммо буни билдирмасликка уринган терговчи санчкини ликопчага қўйиб, Шарифга қаради:

– Ассалому алайкум. Менда ишингиз бормиди, ака?

– Менга кара, сен... сен нега менинг... – Шариф шу томонга мазахомуз тикилиб турган Дилобарга ишора қилди: – хотинимга ёмон қараяпсан?

Дилобарни таниган Жавлон қулоқларига ишонмади:

– Кимга? Хотинингизга? Одилова қачондан буён сизнинг хотинингиз бўлиб қолди? Ё бугун ЗАГСдан ўтдиларингизми?

Шариф кутуриб кетди:

– Ҳали унинг фамилиясиниям билиб олдингми, исковуч? Мана сенга!

Шариф муштини сермади, аммо терговчи осонлик билан унинг қўлини маҳкам тутиб қолди-да, қайирди. Оғриқдан додлаб юборган Шариф “гуп” этиб ерга қулади.



Тўполонга официантлар билан қаҳвахона мудири чоғиб келишди.

Жавлон уларга чўнтагидан гувоҳномасини олиб кўрсатди:

– Ҳаммаси жойида. Хўрандангиз сал кўпроқ ичиб кўйибди.

Жавлон ғалаба нашинасидани суришга ҳозирлик кўраётган Дилобарга бир қараб кўйгач, хотиржам тарзда овқатланишда давом этди. Мудирнинг ишораси билан официантлар оҳ-вой қилаётган Шарифни ердан турғазиб, столига суяб боришди ва жойинга ўтказиб кўйишди.

Ҳафсаласи пир бўлган Дилобар афтини бужмайтирганча овқатланишда давом этаверди.

– Ростданам спортемен экан, энағар! – ўзини оқлашга уринди Шариф.

– Хотинингиз... собиқ хотинингизни айтаман, – ачиқ гапирди қиз, – яхши йигитни танлабди лекин. Дидига қойилман.

Шариф бунақанги вазият учун фавқулудда тез сергак тортди:

– Бу нима деганингиз?

– Келишган, ёш, бақувват йигит экан. Бунақалар билан менам жон-жон деб танишган бўлардим. Хотинингиз бало!

Дилобарнинг нима демокчилигини фаҳмлаган Шариф довдираб, аранг гўлдиради:

– Лекин... лекин Холида унақа аёл эмас.

– Қанақа аёл эмас? – темирни қизигида босиб қолишга уринди қиз.

– Эркалар билан танишадиган аёл эмас. У... жуда одобли...

– Сизнингча, – Жавлон томон ишора қилди Дилобар, – сизнингча бу йигит хотинингизга... ҳа, майли, собиқ хотинингизга текинга хизмат қилиб беряптими?

– Текинга эмас, албатта. Пулга-да! – енгил тин олди эрка.

– Пулга эмас, Шариф ака. Бошқа нарсага...

Гавдаси баҳайбат бўлгани билан Шарифда ёш боладек ишонувчанликми, соддаликми бор эди. Ҳозир ҳам қизнинг қармоғига илинди-қолди.



– Ни-нимага?

– Нимага эканлигини ўзингиз яхши тушуниб турибсиз. Ахир бу йигитга пул керак эмаслиги шундоқкина кўриниб турибди-ку.

Эркак жон-жаҳди билан собиқ хотинини оқлай бошлади:

– Лекин... лекин Холида виждонли... Холида унақа аёл эмас!

– Унақа аёл эмас... эди! Мана энди эркин қуш. Хоҳлаган одами билан танишади, хоҳлаган жойига боради. Маза! Хоҳласа майиз еган хотин бўлади, хоҳламаса майиз емаган.

– Холида... ахир у мени пойлаб юрибди-ку, – сўнгги дастагини ишга солди эркак.

Қиз пинак бузмади:

– Бу шунчаки ниқоб, холос. Агар сиз айтгандай, виждонли бўлса, у ер-бу ери тутаб қолаётган виждонига сув сеппиб қўйиш учун бу ўйин.

Шариф бир муддат анграйиб колди, сўнг кўзларига қон қуйилиб, пешонасига реза-реза тер тошганча ўрнидан тура бошлади:

– Мен ҳозир бориб уни... уни...

– Агар мен эркак бўлганимда, аввал анавининг, – Дилобар яна Жавлонни кўрсатди, – бошлаб таъзирини берган бўлардим. Бирон қоронғироқ жойда пойлаб турардим-да, калласига лўм биланми, ғишт биланми қарсиллатиб солардим. Ё бўлмаса оч биқинига “ғарч” этказиб пичоқ санчиб, бураб-бураб олардим. Кейин биларди бу олифта бировнинг собиқ хотинига кўз олайтириш қанақа бўлишини!

– Йўқ, – бош чайқади бу йўриққа юргиси келмаган Шариф, – мен аввал бориб... Холида билан гаплашаман... Нима ҳаққи бор унинг, а? Нима ҳаққи бор...

Шарифнинг ростдан ҳозирнинг ўзида собиқ хотинининг хузурига чопиб кетишга тайёрлигини сезган Дилобар уф тортиб қўйди:

– Ҳеч бўлмаса ҳисоб-китоб қилиб кетарсиз, жигит. Ё хотинингизнинг... собиқ хотинингизнинг хиёнати баҳона думингизни ҳода қилиб қочиб қоласизми?

Шариф чўнтагидан икки даста пул олиб, столга қўяркан, дунёда ўзининг собиқ хотинидай яхши аёл борлигини билмайдиган кизга ғазаб аралаш ачиниб қаради:

– Холида... Холида ҳеч қачон менга хиёнат қилмайди. Шунни билиб кўйинг! У... у бошқача хотин! Бошқача!

Шариф қаҳвахонадан деярли югуриб чиқиб кетди.

– Кайфиям тарқаб кетди-я.

Дилобар терговчи ўтирган столга қаради. Аммо стол бўш эди. Қиз телефонини олиб, рақам терди:

– Тамарчик!.. Олдимда бир стол овқат. Пули тўланган. Ейишга одам керак, холос. Келмайсанми?.. Жа ишондим-да. Кечадан бери тўз тотмагансан-ку... Бўпти, унда аввал ўзим иссиқ-иссиқ еб оламан-да, қолганини олиб кетаман. Айтаман, чиройли қилиб ўраб беришади...

Чиройи очилган Дилобар телефонини ўчириб, жилмайиб кўйди-да, иштаҳа билан овқатланишга тушди.

\* \* \*

Уйда деярли овқатланмаса-да, Гўзалоё хар ҳафта ҳовлига кўтарганича бозор қилиб келади: картошка-пиёз, сабзи, кўкат... Ойлик ёки аванс олганида эса албатта бир ярим-икки кило гўшт. Ахир, онасининг сўзлари билан айтганда, бу хонадонда нечта “тешик томоқ” бор...

Қанча бозорлик қилса ҳам қиз уйга таксида келишга ийманади. Бекатдан бу ёғига эса анча йўл. Аммо нима ҳам қиларди...

Кун иссиғида майда-чуйдага тўла икки хўжалик сумкасини кўллари узилгудай аҳволда терлаб-пишиб кўтариб келаётган Гўзалоё дарвоза ёнида тўхтаб, нарсаларни пастга кўйди-да, увишиб қолган бармоқларини, қизариб кетган қафтларини силади.

Ичкаридан болаларнинг қий-чувини эшитиб жилмайиб кўйган қиз шошиб энгашиб, сумкаларни олаётган маҳал қия очик дарвозанинг у тарафида гурунглашаётган янгалари Шарофат билан Одинанинг гап-сўзларини эшитиб қолдию, жойида таққа тўхтади. Улар Гўзалоёни гийбат

килишмоқда эди. Дарвоқе, иккала овсин бир-бирига нисбатан ит-мушук, сув-олов бўлганлари ҳолда баъзан бир масалада якдил бўлиб, бир-бирларига дардларини дастурхон килиб ёйиб қўярдилар. Бу, табиийки, қайнсингил масаласи бўларди.

– ...Овсин, – дерди катта янга Шарофат, – ўзи кўнглига қарайвериб, ёлғиз қиз деявериб қайнонамиз бунни жуда эрка килиб юборган-да.

– Э, ҳаммаси кизнинг ўзига боғлиқ, – ҳовлиқарди овсинининг олдида мактаниб кўйиш имконияти туғилгани боис ийиб кетган кичик янга Одина. – Мана биз беш қиз эдик. Ўзимиз ёмон эмас эканмизки, ота-онамиз ёмон эмас эканки, ҳаммамиз жой-жойимизни топиб кетдик. Биронтамиз уйда ўтири-иб қолмадик.

Бу ёғи энди ҳамишаги гаплар:

– Қиз бола вақтида жуфтини топмаса, палақда қолиб кетган қовундай сарғайиб қоларкан, овсин. Ишқилиб, кеч бўлсаям, бўям жойини топсин, борган жойида тош бўлиб қолсин. Тўйида бир маза килиб ўйнайлик.

– Ҳай билмадим-ов. Бунинг бу осмонга сакрашида тенгини топиши қийин. Ўзи қал-у, кўнгли нозик. Кўрасиз, танлаб-танлаб тозисига йўлиқади. Хотини ўлганми, хотин қўйганми биттасига тегади-да, кўзи мошдек очилади. Лекин унда кеч бўлади.

– Ана унда бизнинг аҳволимизниям тушунади. Ахир тор жойда гўшт егандан, кенг жойда мушт еган яхши.

– Сиз ўпкаламасангизам бўлади, – нишини суқиб олди осмондан ерга тушган кичик келин. – Ахир уч бирдай хонани эгаллаб ўтирибсиз-қу.

Катта овсин ўқланган милтиқдай тайёрланиб турган экан, шу заҳоти зардали жавоб келди:

– Сиз ўзингизам Гўзалоининг хонасига иккита қизингизни элдан бурун тикиб олгансиз-қу.

– Яхши ният-да, ўргилай, яхши ният.

– Э, ният қилавериб ҳам чарчадим. Мен келин бўлиб тушганимда бўй етган қиз эди бу. Энди бўлса ўзимнинг қизим бўй етай деб турбиди...



Кўчадан одамлар ўтмоқда эди. Ўз уйингнинг дарвозаси тагида узок туриб қолиш ҳам ноқулай. Ранги ўчган Гўзалоёй дарвозанинг бир тавақасини очиб, ичкарига кирди. Унга кўзи тушган Шарофат янга бирдан гапдан тўхтаб, ёйилиб илжайди:

– Вой, кизгинажон, келдингизми? Бир дунё бозор кип кепсиз-ку яна... Эй, қулоқсизлар, аммаларинг келди!

Гўзалоёйнинг ишдан қурук қайтмаслигини яхши биладиган болалар унинг ёнига шошишди. Қиз сумкачасидан ширинликлар олиб, уларга улаша бошлади.

Шу маҳал аммаси томон пилдираб чопиб келаётган бир кизалок сўпурғига қоқилиб йиқилса бўладими! Чириллаб йиғлаб юборган боласини ўрнидан турғазган Одина болаларга чакчайди:

– Палакатни қайси биринг ерга ташладинг, а, қайси биринг? Ҳозир қулоқларингни узиб оламан!

Ширинликларни талашиб-тортишаётган болалар бирдан жим бўлиб қолишди. Бунақа пайти ким ҳам айбни бўйинига оларди.

Буни кўрган Одина дийдиё қилишга ўтди:

– Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку сенларнинг дастингдан, ўлиб бўлдим-ку! На қундузи халоват бор бу уйда, на кечаси. – У жаҳл билан қизининг орқасига шапатилади. – Янги кўйлакни расво кипсан-ку, аҳмоқ. Бугун эрталаб кийгандинг-а. Сенга неча марта айтдим бу тор ховлида чопма, чопма деб! Нима, менинг сенларнинг кирларингни ювишдан, сенларга овкат қилишдан бошқа ишим йўқми? Мен бу уйга қулман-да, а, қулман! Онам мени шунақа ишлар учун туғиб қўйган!

“Қизим, сенга айтаман, овсиним, сен эшит” кабилидаги бу шама Шарофатга тегиб кетди:

– Ҳой овсин, оғзингизга қараб гапиринг. Ким қул? Ювсангиз тўртта кир ювгандирсиз, дарров шунгаям оғзингизни ўн биринчи қалишнинг оғзидай очиб, тепадан келасиз?

– Ким қалиш?

– Сен қалиш!

Катта жанжал бошланаётгани сезган болақайлардан икки-учтаси йиғлаб юборди.



– Ҳали мен калишманми? Етти жонни иккита каталакдай-каталакдай хонага сиғдирган мен калиш бўлиб қолдимми? Айримларга ўхшаб “Мен катта келинман, ўзим хон, кўланкам майдон” деб учта хонани эгаллаб олмаганмиз!

– Алам қилсин! Сенам катта келин бўлганингда эгаллаб олган бўлардинг!

– Закон бўйича она кенжа ўғил билан яшаши керак. Сенлар бўлса бетимнинг калини, жонимнинг ҳузурини деб учта хонани эгаллаб олгансанлар!

– Иккита каталак эмиш! – Енгини шимараётган овсинига “қўлингдан ҳеч нарса келмайди” дегандай мазахомуз тикилиб турган Шарофат Гўзалоюга ишора қилди: – Қизгинанинг хонасига ҳам иккита болангни тикиб қўйгансан-ку...

Ҳаммаси бошидан бошланади энди!..

Уят-номусдан ерга кириб кетгудай бўлаётган Гўзалою шоша-пиша нарсаларни ошхонага обориб қўйдию, хонасига киришга ҳам ҳадди сиғмасдан, яна қайтиб кўчага чиқди...

Даханаки жангни авжига чиқарган овсинларнинг овозлари бу ерга ҳам баралла эшитилиб турарди. Мана, Одина вишилламоқда:

– ...Чунки у хона бизники, законний бизники!

– Шошилма, келин, шошилма! Аввал қиз ерга чиқсин, хонани кейин бўлишамиз.

Одина изиллаб йиғлади:

– Камбағални туянинг устида ит қопади ўзи. Тезроқ эр олсин деганим сайин буям тайсаллайди...

Юзини маҳкам бекитиб олган Гўзалою жон алпозда дарвозадан узоқлашди. Аммо барибир овозлар уни қувиб етди:

– Бўлмаса ўзинг ҳам топ, кидир.

– Қаердан топаман? Нима, кўчага чиксам қуёв деганлари қаторлашиб дарахтда осилиб турибдими...

Ахири овсинларнинг саси эшитилмай қолди. Шундагина кадамини секинлаштирган Гўзалою бекатдан шу томон келаётган онасини кўрдию, шоша-пиша юз-кўзини артди.

– Ҳа, қизим, йўл бўлсин?

– Ишга.

Меҳри хола хайрон бўлди:

– Ҳали вақтли эмасми?

– Сал эртароқ бориб турмоқчийдим.

– Ҳм-м... – Ниманидир тушунган она бош чайкади. – Янгаларинг яна жанжаллашишдимми?

– Йўғ-э, ойижон.

– Сен уларга эътибор берма, қизим. Ҳали кўрасан... сенга шундай жойлар ато этилганки, булар аламдан бармоқларини тишлаб қолишади...

– Ойи!

– Айтгандай, эртага туш пайтлари уйда бўласан-а?

– Ҳа. Нимайди?

– Рисолат бир кириб ўтарман дегандай бўлувди.

Қизнинг энсаси қотди:

– Янами, ойи? Ўша хотинни кўрсам жиним кўзийдиган бўлиб қолган.

– Чида, қизим, озгина чида, – қизини юпатди Меҳри хола.

– Бизга така бўлсин, сут берсин. Хўпми, қизим?

– Хўп... Айтгандай, ойи, сиздан бир илтимосим бор эди.

– Илтимос?

– Шу... квартирага чиқсам дегандим.

Меҳри хола сесканиб кетди:

– Квартирага? Ижарагами?... Ўйлаб гапиряпсанми, қизим? Икки бирдай аканг, онанг тирик туриб сен бировнинг уйида яшайсанми? Ё... янгаларинг бир нима дедими?

– Йўғ-э, ойижон. Улар нима дейишарди. Бири биридан меҳрибон. Мен ўзим. Ишхонамизга яқинроқ уй топилса...

– Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма. То мен тирик эканман, сен шу уйда яшайсан. – Ўпкаси тўлган онанинг товуши титраб кетди. – Ўлиб кетсам, кейин билмадим...

Томоғига муштдай бир нима тикилган Гўзалоё она-сининг елкасига бош кўйди, сўнг, нимагадир аҳд қилгандай, алам билан шивирлади:

– Ундай бўлса... ундай бўлса... чакиринг ўша Рисолатингизни. Мен розиман. Ким бўлсаям...

– Кўй, қизим, унақа дема. Бузма кўнглимни. Ҳали сен... хали сен... болам... сени ахир...

Меҳри хола ортиқ гапиролмади.

Она-бола бир-бирларини маҳкам қучганларича пикиллаб йиғлаб юборишди...

Бугун Гўзалоӣ учун кўз ёшлари кўп тўкиладиган кун шекилли...

Қиз "тез ёрдам" станциясидан ташқари шифохонада ярим ставка ҳамширалик қиларди. Ҳарна-да...

Онаси билан ҳикиллаб-энтикиб ажрашган Гўзалоӣ ишга келиб, эмлаш хонасида қизарган кўзларини ҳамкасблари, беморлардан яширганча кундалик юмушларига киришди.

Аввал бир жувон кирди. Сўнг қоп-қора юзини тўрлаган қовундек ажинлар босган, биткўз, тор пешона, уккидек кўзлари ёшига номутаносиб равишда ўйнаб турган, ўнг кўли бир томонга қийшайиб қолган ва шу ҳолида бир дона эзилган атиргул тутган, калта сочининг ҳар жой-ҳар жойи кул теккандай оқариб қолган эллик беш ёшлардаги эркак. Айниқса, атиргул беморнинг кўлига монанд равишда эгилиб қолганлиги ажабтовур ҳолат эди.

Эркак ҳамширага ўта диққат билан, ҳатто, айтиш мумкинки, сук билан термилиб қарарди. Гўзалоӣ журнал саҳифасини очди:

– Ассалому алайкум.

– Мен Михлибойман.

Эркак ўз исмини шу қадар сирли тарзда ва яққол кўзга ташланиб турган ғурур билан айтдики, ҳамшира ажабланиб, беихтиёр бошини кўтарди.

– Келинг, Михлибой ака. Уқолгами?

Михлибой деганлари пикиллаб қулди:

– Уқолди ҳали кўп қўясиз, Гўзалхон. Аввал танишиб олайлик. Мени Рисолатхон юборди.

Ҳамшира эслолмади:

– Рисолатхон? Қайси Рисолатхон? Терапияданми?

– Унинг ҳамсоясин бўламан. – Саволни эшитмагандай, бирдан мақсадга ўтди Михлибой ака: – Сиз ёлғиз экансиз, биз ҳам.



Гўзалою анграйиб колди.

– Шунака бўлиб колди. Гўзалхон, – сира афсус чекмасдан, аксинча, бирон муждани айтаётгандай яйраб маълумот беришда давом этди Михлибой ака. – Эртага тўксон кун бўлади аёлимни ерга қўйганимга.

Қон миясига тепган ҳамшира аранг гапира олди:

– Лекин сиз... хали раҳматли хотинингизнинг тупроғи совимасдан...

Михлибой ака янаям яйраб кетди, баайни шу саволни кутгандай ва жавобини олдиндан тайёрлаб келгандай:

– Ўтган ўтди, Гўзалоюхон, қолганларини ўйлаш керак. Ўзи қирқи ичида топ деб маслаҳат беришувди. Ҳалиям мен шунча кутдим. Мана, бекорга эмас экан. Сизни топдим. Сиз ёлғиз экансиз, биз ҳам.

Гўзалоюнинг хўрлиги келди.

– Ишдан чиқишингизни кутиб тураман. Яқиндан танишиб-билишиб дегандай. Кафега борардик, шашлик-пашлик ердик...

Ҳамшира баногоҳ кичкириб юборди:

– Йўқ!

Бунака жавобни эшитишни кутмаган эканми, Михлибой ака кўп ҳайронлар бўлди:

– Лекин Рисолатхон айтгандики...

– У кишига... у кишига ҳаммасини ўзим тушунтираман.

Кайфияти тез ўзгариб турадиган одам эканми, бу гапдан сўнг Михлибой ака яна яшнаб кетди:

– Шундай қилинг, Гўзалою. Аёл кишининг тилини аёл биллади-да. Бўпти, биз кетдик эмаса... Э, мана бу сизгайди.

Михлибой ака гулни тутди, аммо уни олиш учун ҳамширада қўлини кўтаришга ҳам мажол йўқ эди. Бироқ буни ўзича киз ҳаяжонланыпти, уяляпти деб тушунган ва янада яйраган Михлибой ака гулни стол четига қўйди-да, деярли ирғишлаб кабинетдан чиқди.

Гўзалою чопиб бориб унинг орқасидан эшикни ёпди, бунга қаноат ҳосил қилмасдан ичкаридан қулфлаб ҳам олдию, гандираклаб келиб қушеткага ўзини ташлади ва



бармоқларини маҳкам тишлаганча, бутун вужуди титраб-  
какшаб, сас чиқармасдан кўз ёшларига ғарқ бўлди...

\* \* \*

“Тик” этса эшикка қараб ўтирган Ҳикоятхон машина  
овозини узоқданок танидию, дарвоза ёнига келиб турди.

Дилшод “Нексия” сини ҳовлига олиб кирди.

– Ассалому алайкум, ойижон.

– Ваалайкум, – Ҳикоятхон машинадан тушиб келаётган  
ўғлига ички ҳавас, ғурур билан қараб турарди. – Яхши бориб  
келдингми, бўйларингдан айланай?

– Бориб келдим. – Дилшод машинанинг орқа ўринди-  
ғидан торт қутисини олди. – Манави сизга, Ўзингиз яхши  
кўрадиганидан.

– Барака топ, ўғлим... – Кўзлари чакнаётган она асосий  
саволга ўтди: – Хўш, қалай?

– Нима “қалай”?

– Ўзингни анқовликка солма-да, ростини айт: қай бири  
ёқди?

– Ҳа, анави қизларми?

Бепарво қўл силтаб қўйган Дилшод ҳовуз томон юрди,  
онаси унга эргашди.

– Юрагимни сикмай, айтадиган гапингни айт, болам.  
Ўзи учрашдингми?

– Сизнинг гапингизни қачон икки қилганман, ойижон.  
Иккаласи биланам учрашдим.

– Яша, ўғлим, яша! Бу бошқа гап.

– Аввал Маликахон Аббосовна билан учрашдим.

– Аббос аканинг кизларими? Ота-онаси зўр одамлар-да.  
Жуда меҳнаткаш, ҳаммасига ўзлари эришишган.

– Қиз ҳам шу йўлдан бормоқчи.

– Куш уясида кўрганини қилади-да, болам. Ҳар- қалай,  
меҳнаткаш келиним бўлгани яхши-да.

– Шунинг учун уч-тўрт йил тинчгина ишласам, дейди.  
Ундан кейин, ойижон, сиз менинг дидимдаги йигит эмассиз  
деб тўғриси айтди-қўйди.

Ҳозиргина масрур жилмайиб турган Ҳикоятхон бирдан “пов” этиб ёнди:

– Вой дидига ўт тушсин! Ҳали сендай йигитга ноз қилдимми?!

– Ноз қилиб ўтирмади, тўғрисини айтди.

– Майли, болам, майли, – ўғлини юпата бошлади она. – Сен хафа бўлма, Ҳали кўрасан, ўзи афеусланиб қолади. Бошига кўнаётган бахт қушини кўрмаётган қандай қиз экан у. Хўш, кейингиси-чи?

– Муштарийми? – Дилшод бош бармоғини тикка қилиб кўрсатди. – У мана бундай қиз экан лекин.

– Кўрдинг! – Хурсандлигидан ўзини кўйгани жой тополмай колди Ҳикоятхон. – Сен бўлсанг бормайман дейсан! Отини қара, отини, шунча чиройли бўлганидан одамнинг тилиям келишмайди-я!

– Лекин у қиз сизга ёқмаслиги аниқ, – очиғига кўчди Дилшод.

– Вой, нега унақа дейсан, болам? Сенга ёққан қиз менга-ям ёқади-да.

– У қиз... Муштарийхон... ҳуллас, ичқуёв бўлсангиз сизга тегаман деган шарт қўйди. Бўлмаса тегмасмиш.

– Нима? – Ҳикоятхоннинг нафаси ичига тушиб кетди. – Ичқуёв? Менинг ўғлим-а? Кимсан Мухиддинбойнинг ўғли-я? Эсини еганми унинг?

Дилшод темирни кизигида босди:

– Менам шунга айтдим-да.

– Ичқуёв эмиш! – тобора ғазаби ортиб борарди онанинг. – Ичқуёв – итқуёв... Бўлди, йўқот унингни! Қайтиб отини тилга олма! Ичқуёв эмиш-а! Топибди аҳмоғини! Менинг ўғлим хотинсиз ўтса ўтади, лекин ичқуёв бўлмайди. Ҳа!

– Тўппа-тўғри, ойижон!

Ҳикоятхон ўғлига синовчан қаради:

– Ишқилиб, жавобини бериб келдингми? Аччиқ ичакдай чўзиб юрмайсанми?

– Йўғ-э, ойижон. Тўғрисини айтдим. Ойим бу таклифингизга икки дунёдаям кўнмайдилар, дедим.

– Бўлди, бас!.. Дадангнинг гапига кирган мен аҳмоқ ўзи. Келин танлаш масаласини эркак кишига ишониб бўлармиди? Бўлди, бу ишга энди ўзим киришаман. Атрофда шунча кизлар турганда... Ичқуёв эмиш-а! Топган гапини!.. Кир, у-бу нарса еб ол, тайёрлаб қўйганман.

– Ойижон, йўлда овқатлангандим.

Тортни ошхонага олиб кетаётган она ҳамон норози бўлиб тўнғилларди:

– Ичқуёв эмиш-а! Отинг курсин! Тилингга қуйдирги чиқкур...

Дилшод шошиб хонасига кирди-да, Мансурга кўнгирок қилди.

Салом-алиқдан сўнг Мансур хайрон бўлиб сўради:

– Чарчамагансан шекилли. Овозинг ҳам анча бардам аммо-лекин.

– Э, чарчаш қаёқда! Бир томондан, борганим яхши бўлган экан. Анча кўнглим ёзилиб келдим.

– Тўғри-да, бир уйда ваҳимага тушиб ўтирганнинг фойдаси йўқ.

– Ўзиям оқшом қотиб ухласам керак.

– Яхши-да.

– Ишни эртадан бошлайверасанми, шуни сўрай деб телефон килаётгандим.

– Келишдик-ку. Эртага эрталаб саккизда ўша ерда бўламан.

– Мен сал эртарок бориб тураман. Айтгандай, бозорга ўтмайсанми?

– Шарт бўлмай қолди. Машинага харидор топдим. Шундай ён қўшним анчадан бери сўраб юрганди. Гилам сотсанг қўшнингга сот дедим-у... Нархиниям келишдик. Бир ҳафтада тўғрилаб берадиган бўлди. Пулини тўлагандан нотариусга борамиз.

Дилшод бирдан жиддий тортиб қолди:

– Майли-ю... мабодо иложи бўлса, узокрок жойга сотиб юбор.

– Тушундим, ўртоқ, тушундим. Албатта шундай қиламан. Майли, кўздан ўзоқроқ бўлсин. Унда эрталаб чиқиб кўшнимга узримни айтиб кўяман.

– Хўп, ўртоқ, эртага кўришамиз.

– Эртагача.

Дилшод гўшакни жойига кўйган маҳал унинг чехрасига яна ташвиш ўз кўланкасини солиб ўтганди. Намозшом билан биргаликда йиғитнинг қалбига қандайдир безовталик, хавотир бостириб келмоқда эди.

У ўрнидан туриб, дераза ёнига келди, чароғон ховлига қараркан, ойнада тиланчи хотиннинг юзини кўргандай бўлиб, сесканиб кетди.

Дилшод қайтиб яна диванга ўтирди, аммо барибир юраги хаприкиб, чидай олмади: ирғиб ўрнидан туриб кетди. Ховлига чиқди, ундан кўчага. Оёқлари йиғитни ўз-ўзидан “Ором” томон бошлаб кетди...

Ресторанда тўй бўляпти экан. Ҳамма ёқни қундуздай ёритган чироқлар. Мусика, ғала-ғовур. Турли-туман машиналар.

Катта кўчадан шу томонга қайрилган Дилшод мармардай ялтираб турган ўша майдонча чеккасигача келди, ён томонга, бетон суянғичга қараб қолди. Йиғитнинг кўз ўнгидан ўша тунги мудҳиш воқеа аралаш-қуралаш ҳолда ўтаверди: садақа сўраётган тиланчи аёл, унинг пастга қулаши. Мансурнинг ваҳимадан қийшайиб кетган юзи...

Вужуди қалт-қалт титраётган Дилшод зиналардан бир-бир босиб пастга тушди, тиланчи аёл қулаб тушган жойга қаради. Зина ёнига бир қадамча энлиликда мармар тўшалган. Бу ёғига ер, гуллар.

Дилшод мана шу мармарга илон ҳушини олган бақадай термилиб қолди.

Юқорида “тақ-туқ” қадам товушлари эшитилди. Дилшод ўзини ўнглаб олишга, бу ердан ўзоқлашишга уринди, аммо улгуролмади: майдончада пўрим кийинган, басавлат Рустам пайдо бўлди.

– Дилшодбек? Сизмисиз?

Иложсиз аҳволда қолган Дилшод бошини кўтарди:



– Саломалайкум, Рустам ака.

– Яхшимисиз. Дилшодбек, у ерда нима қияпсиз? Чекишга чиқдингизми?

– Ҳм-м...

– Мен бўлса тоза хаво олишга чиккандим. Бунни қаранг, тўйда сизни кўрмабман. Ўзи одамам кўп экан-да.

Рустамнинг зинадан тушаётганини кўрган Дилшод унинг ёнига шошди.

– Сизам куёв тарафданми? – сўради кўл бериб кўришганларидан сўнг Рустам.

Дилшод мубхамрок тарзда бош чайкаб қўйди.

– Ҳа, келин тарафданми? Мухиддин акамни чақирмаганларига...

Рустам сўраб-суриштиришдан эринмайдиган одам. Шу туриши бўлса, ҳали бориб Дилшоднинг дадасига айтиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунни сезган йигит гапни ортиқча чувалаштириб ўтирмасликка қарор қилди:

– Мен тўйга келганим йўқ. Шунчаки... айланиб юргандим. Тоза хавода. Шу ердан ўтаётгандим. Кимнинг тўйи экан деб...

Рустам бажонидил маълумот берди:

– Куёв бизнинг маҳалладан. Раҳмонқул сомсапазнинг кенжаси.

– Ҳа, – деб қўйди Дилшод.

– Юринг, бирга кирамиз. Ўз оёғингиз билан келибсиз, бирпас ўтириб кетасиз энди. Қудаларам сизни кўришса хурсанд бўлишади.

– Раҳмат, Рустам ака, – кескин бош чайкади Дилшод. – Уйга борақолай. Сал чарчабман шекилли. Дам олай.

– Йўғ-э, сизни шундай қўйиб юбориш менга ноқулай, Дилшодбек.

– Йўқ, Рустам ака, тўй эгалариниям безовта қилиб юрмайлик. Уларни табриклаб қўйинг.

– Албатта, Дилшодбек, албатта.

– Хайр.

– Хайр. Яхши боринг.

Дилшод шошиб катта йўл томон кета бошлади. Рустам хайрон бўлиб сўради:

– Дилшодбек. Машинангиз қани?

– Машинасиз чиққандим.

– Унда ўзим обориб қўяман.

– Йўк. Рустам ака, айтдим-ку, бир оз пиёда юрмоқ-чиман.

– Ундай бўлса майли. – Сўнг, илдам узоклашган йиғит ортидан, ўзига ўзи гапиргандай қўшиб қўйди: – Сиз унақа демаркетингиз. Дилшодбек. Сиз “Чарчадим, уйга бориб дам олай” дедингиз...

\* \* \*

Тоҳир она-болани кечки маҳал, дарё ой ёғдусида қумушдай товланиб, сирли-сирли оқаётган пайти сайрга олиб чиқди.

Гулноза-ку, шу ерда ўсган, бундай сўлим, гўзал манзараларни кўп томоша қилган. Мотори ўчирилган, оқим измида оҳиста сузаётган қайиқда ўтирган Ноиланинг хайрати эса чексиз эди.

– Вой, бунча чиройли! – дерди у жойида типирчилаб.

– Мен бунга адамга гапириб беришим керак! Антенна бор-а, Тоҳир ака.

– Ҳозирча бор. Ичкарироқка кирсак йўқолади.

Ноила шоша-пиша ракам терди, аппаратни қулоғига олиб борди. Узун гудоклар. Қиз анча кутиб турди. Охири, онасининг саволомўз нигоҳига жавобан:

– Йиғилишда бўлсалар керак. – деди. – Бўлмаса албатта кўтарардилар.

– Ҳа, – мунгайиб қолди Гулноза. – Кечаси ўнда... жуда муҳим йиғилиш бўлса керак... Ие, анавини қаранглар!

Қармоқ тутган бир киши қирғоқда худди хайкалга ўхшаб қилт этмай ўтирарди.

– Браконьерми? – шошиб сўради Ноила.

Тоҳир қулиб қўйди:

– Йўқ, бу ўзимизнинг Коля ака. Қўлибин. Балиқ ови жинниси. Қармокни сувга ташлаб қўяди-да, тунбўйи пашшаларга таланиб ўтириб чиқади.

– Фамилияси танишдай, – деб қўйди чўнтагига телефонини солаётган Ноила.

– Бу ўзининг фамилияси эмас. Лақаби.

– Ихтирочими? – сўради киз.

– Ҳа. Қўли гул уста. Токаръ. слесаръ. фрезерчи, пайвандчи... Ўғли билан автосервис очиб олган. Машинамни Коля акага кўрсатаман деган шопирлар ойлаб навбат қутишади. Керакли нарсани ўзи ясаб ташлайверади. Одамлар ташлаб юборган эҳтиёт қисмлардан ўзига иккита машина йиғиб олган. Ана, биттаси.

Тоҳир қирғоқдаги машинага ишора қилди.

– Кўп балиқ овлайдими? – кизиқди Гулноза.

– Э, қаёқда, – завқланиб қўлди Тоҳир. – Коля ака кармоққа қараб ўтирса бас. Тунбўйи ушласа битта ушлайди. Уям “ухо”га. Кейинги илинганларини қўйиб юборади.

Тоҳир эшак эшиб, қайиғини қирғоққа яқинлаштирди. Уларни кўрган Коля ака бошидан шапкасини олиб, силқитди.

– Ҳорманг, Коля ака.

– Бор бўлинг, инспектор, – деди Коля ака соф ўзбек тилида.

– Қалай, илиняптими?

– Илиниб қолар.

– Майли, сизга халакит бермайлик.

– Бу нима деганиниз, инспектор. Яхшиси хонимларингиз билан икки-уч соатлардан кейин айланиб келинг. Ажойиб балиқ шўрва тайёрлаб қўяман.

– Раҳмат, Коля ака. Бошқа сафар. Яхши қолинг.

– Хайр. Сменангиз яхши ўтсин.

– Раҳмат.

Тоҳир моторни юрғазиб, қайиғини қирғоқдан узоқлаштирди.

Бир оз юрганларидан сўнг қайик дарё ўртасидаги оролчага келиб тўхтади. Тоҳир Гулнозага қаради:

– Бу жой эсингиздами?

Жувон атрофга, оролчага қаради, жилмайди:

– Эсимда. Бундан йигирма уч йил бурун, сўнгги қўнғироқдан кейин бутун синфдошлар, синф раҳбаримиз билан шу ерга келгандик. Сиз қўй сўйгандингиз. Кейин кабоб қилгандик. Кейин магнитофонни баланд қўйиб, роса ўйнагандик.

– Тўппа-тўғри. Ҳайитмуроднинг “Весна” деган магнитофони эди. “Чингизхон” деганми қўшиққа роса сакрагандик.

– Ҳа, ҳа. – Гулноза хиргойи килди: – “Чинг-чинг-чингизхан”... Сакрайвериб терлаб кетгандик. Саид ака “Сакраган пайтларинг вибрация бўлиб, оролча қимирлаб кетяпти, энди жойидан силжиб кетса керак”, деб бизни кўрkitганди.

– Ҳа, агар магнитофоннинг батареяси тугамаганида, оролча ўрнидан силжиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Тоҳир оролчага сакраб тушиб, қайиқ арконини дарахтга боғлади.

– Марҳамат, хонимлар.

Оролга тушишгач, Гулноза бирдан безовталаниб, сўраб қолди:

– Биз билан жуда бемалол юрибсиз. Ишингиздан гап эшитиб қолмайсизми ишқилиб?

– Сменадошим билан ўрин алмашганман.

– Ҳа, унда яхши.

– Бу ёққа.

Қўл чироғини ёққан Тоҳир меҳмонларни орол ичкарисига бошлади.

Бунақа ишларга уста бўлиб қолган эмасми, омонат чайлага етиб келишганида Тоҳир бирпасда гулхан ёқди, буталардан сих тайёрлаб, балиқ кабоб пиширди.

Ўртага қўлбола дастурхон ёзилди, овқатланишга ўтиришди.

– Даҳшат! – деб юборди балиқ кабобдан татиб кўрган Ноила.

– Бу нима деганинг, қизим? – ҳайрон бўлди Гулноза.

– Жуда зўр экан деганим.

Гулноза бош чайқаб қўйди:



– Ўқтабр бобонг эшитиб қолсами шу гапингни! Ўзиям бир соат насихат эшитишингга тўғри келарди.

– Ўтган йили эшитиб бўлганман.

– Таъсир қилмапти-ку, демак камлик қилган. Яна эшитишингга тўғри келади.

– Майли, эшитсам эшитавераман-да. У киши аяб гапирдилар, – парво қилмади киз, сўнг чўнтагидан кўл телефонини чиқарди. – Ҳа, антенна йўқолибди... Худди дунёнинг бир чеккасига келиб қолгандаймиз. Ҳаттоки алоқа ҳам йўқ... Сизларни суратга олиб қўйсам бўладими?

– Йўғ-э, – деди Гулноза шошиб. – Бетим роса куя бўлгандир.

Тоҳир жувоннинг юзига қаради:

– Роса эмас, лекин озгина тегибди. Ҳозир.

Тоҳир чўнтагидан рўмолчасини олиб, эҳтиёткорлик билан Гулнотанинг устки лабидаги қорақуяни суртаркан, улар бир-бирларига тикилиб қолишди. Ноила томоқ қириб қўйди.

Гулноза дарров ўзига келди, ноқулай аҳволда кизини тергаган бўлди:

– Ҳеч тинч ўтирмайсан. Шу... шартми расмга олишинг?

– Нима кипти, эсдалик учун-да, – бўш келмади Ноила. – Кейин сиз мени оласиз Тоҳир ака билан.

– Майли. Олақол.

Ноила кўл телефонини уларга тўғрилади:

– Мана, оляпман. Кадрга сиғмаяпсизлар. Сал бир-бирларингга яқинлашинглар. Тоҳир ака, сурилсангиз-чи. Бир чақирим нарида ўтирибсиз-а! Нима, ойим сизни еб қўядиларми?

Тоҳир салгина сурилганди, елкаси Гулнотанинг елкасига тегди. Ноила суратга олди.

– Мана, – кўрсатди у. – Қалай? Зўрми?

Тоҳир билан Гулноза суратни макташди.

– Энди мени.

Она бола ўрин алмашишди, Гулноза суратга олди.

Тоҳир ўрнидан турди:

– Мен яна озгина ўтин териб келай.

Инспектор коронғулик каърига сингиб кетди. Гулноза чирсиллаб ёнаётган оловга тикилганча ўйланиб ўтирарди.

– Биласизми, ойи, нима? – деб қолди Ноила шивирлаб.

– Нима, қизим?

– Сизни... кейинги йиллар ичида... биринчи марта бундай бахтиёр кўришим. Ёшариб ҳам қолгандайсиз...

Гулхандан кўз узмаётган Гулнозанинг ёноғидан бир томчи кўз ёши юмалаб тушди. Ноила онасини елкасидан кучоқлаб олди.

Бир қучоқ ўтин кўтарган Тохир келди.

Яна бир соатча гулхан ёнида гаплашиб ўтиришгач, оркага қайтишди.

Тохир уларни ўйлари яқинидаги қирғоққа олиб келиб кўйди.

Ноила миннатдорчилик билдирди:

– Сизга катта раҳмат, Тохир ака. Биз учун унутилмас саёҳат бўлди.

– Сизни анча овора қилиб кўйдик, – деди Гулноза.

– Овораси бор эканми? Уйгача қузатиб кўйайми?

– Йўғ-э. Икки қадам жойга ўзимиз бороламиз.

– Ундай бўлса хайр. Амакиларга салом айтиб кўйинг. Учаласига ҳам.

– Айтаман.

– Айтгандай, – бирдан эслаб қолди Тохир, – уйда озгина айиқ мойи бор эди. Смена тугасин, ўзим обориб бераман. Ҳар қандай шамоллашни енгадиган дори у:

Тохир қайтиб кетди. Она-бола уй томон юришди.

Ноила қўл телефонидаги тугмачани босиб, аппаратни қулоғига яқин олиб борди.

– Хўш? – сўради Гулноза.

– Ўчирилган.

– Тушунарли.

– Ойижон... Бунақа пайти адамнинг ухлаб ётишлари табиий-ку, тўғрими?

Гулноза ёқтирмайгина жавоб қайтарди:

– Агар уйда бўлсалар.

– Уйдалар, ойижон, уйдалар. Уйда бўлмамай яна каерда бўлардилар?

– Буни билмадим. Лекин... Сулаймон ўлганида девлар кутулиб қолишини биламан...

Гулноза тез-тез юриб кетди. Бир муддат жойида туриб қолган Ноила ойисининг ортидан чопди.

Кўп йил ишлаган, тажрибага эга бўлиб улгурган инспекторларда савки табиий туйғусига ўхшаш нимадир пайдо бўлади. Улар қонунбузарликни кўришдан аввал сезиб, ҳис қила бошлайдилар.

Қанчалик масрур кайфиятда, дунё кўзига янада чиройли кўриниб қайтаётган бўлмасин, дарёнинг чеккароғида, сув юзасида қалқиб турган ягона пўкак Тоҳирнинг эътиборини тортди.

Инспектор қайиғини шу томонга бурди.

Пўкак ёнида қайиғини тўхтатган Тоҳир моторни ўчириб, атрофга аланглади. Ҳеч ким кўринмади.

Тоҳир энгашиб, пўкак ёнини, сув ичини пайпаслаганди кўлига тўрнинг бир учи илинди.

Инспектор аста-секин тортиб олаётган, каттагина эканлиги билиниб турган тўр ичида потирлаётган балиқлар кўринди.

– Аблахлар!

Тоҳир пичоғида тўрни кесиб, балиқларни сувга ташлаб юбораверди.

Қирғок бўйидаги камишзор ичига биқиниб олган Самад билан Қаххор инспекторнинг жаҳл билан тўрни кесиб-бўлаклаб ташлаётганини юрак-бағирлари эзилиб, йиғлагудай бўлиб кузатиб туришарди.

– Ух-ҳ! – инграб юборди Самад. – Қиркиб-қиркиб ташлаяпти, аблах! Энди бу тўр одам бўлмайди.

– Қандай қилиб топди-я?

– Э, унинг саккизта кўзи бор! Энди нима қиламиз-а! Янги тўр эди-а. Биринчи ишлатилиши-я!

– Ё олдига борамизми?

– Хаёлинггаям келтирма. Кўрса бўлди, ўзимизниям олиб кетади у расво!.. Ух-ҳ! Қирқаяпти! Қирқаяпти!

– Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр. Қўй, эзилаверма, унга боккан бало бордир.

– Бирон овлок жойда кўлимга тушса соғ қўймайман лекин. Тилиб ташлайман! Кесиб ташлайман!

– Ўзингни бос! Унга аталган жазоям бордир!

Икковлон ночор аҳволда, зўр бериб мушт бўлиб тугилган кўлларини инспектор томон силкитишарди...

– Ўшанда лекин мен уни... мен уни... ўлдираман!.. Им-м!.. Тўрим... Янгигина эди-я!

– Ҳали жазосини олади бу аблаҳ! Қон қусади!..

\* \* \*

Кўзибойнинг ўзи келиб, ош бериб кетибди. Она-бола шунга баҳам кўришди.

Уч-тўрт қошиқ еганидан сўнг Бердиқул лагани ўзидан нари сурди.

– Ҳеч нарса емадинг-ку, болам?

– Йўғ-э! Мен-ку, роса едим, ўзингизнинг чимхўрлигингиз қолмаяпти-да.

– Қаригандан кейин шу, бир бурда нонга қорнинг тўяди.

– Янгамнинг кўли ширин-да. Ошини қаранг, жуда маза-ли бўлибди.

– Илоё умридан барака топсин, фарзандларининг ро-хатини кўрсин.

Бир зум жим қолишди. Солиҳа эна кўлини сочикка артди.

– Айтгандай, аканг бир маслаҳатли иш билан келибди.

– Айтаверинг, эна.

– Ҳамсоясини Тиркаш тегирмоннинг кизи билан кайтиб келиб қўйганига йилдан ошибди. “У ўйни ел-камнинг чуқури кўрсин”, дейганмиш. Жуда зулм кўрган бўлса керак-да шўрлик. Шунга... агар Бердиқул кўнса, оғиз солиб кўрсак деб келибди аканг.

Бердиқул ерга қараб ўйланиб қолди, сўнг:

– Эна... сал шошмай турайлик-чи. – деди. – Уйланиш бўлса қочмас. Аввал кўзингизни операция қилдирайлик. Яна ёруғ дунёни кўринг.



– Болам-а, менинг кўзимнинг нури – ўзингсан-ку. Сен қайтиб келган кунингдан буён ҳамма ёк мен учун чароғон бўлиб кетган.

Бердикул ҳазин қулимсиради:

– Эсингиздами, эна, келинингиз билан... бола асраб ола-миз деганимизда нима дегандингиз?

– Нима деган эканман, Берди?

– “Сотиб олмагунча кул бўлмас, туғиб олмагунча ул бўл-мас”. Шундай дегандингиз, эна.

– Жаҳл устида айтсам айтгандирман. Бу гапимни юзимга солма, болам.

– Юзингизга солаётганим йўқ, эна. Шунчаки... биров-нинг пушти камаридан бўлган болани уйга олиб келсак...

– Болада нима айб? То ўзингнинг фарзандинг ту-ғилгунича, ундан кейин ҳам мен бу болани ўз неварамдай, хатто унданам ортик кўраман.

– Акам шу гапни айтиш учун келибдимми?

– Ҳа. Кейин яна ўша гап: юринг, биз билан яшанг, дей-ди. Менам айтдим: аввал Бердижонимнинг бошини иккита қилай, кейин майли деб.

– Келинингиз... у ёқда... яна ўғилли бўлибди, эна. Эшит-дим.

– У иккита ўғилли бўлган бўлса, худо хоҳласа сен уч ўғилли бўласан, тўрт ўғилли бўласан, болам. Факат буйтиб юравермай, уйлан, болам. Кўзибой топган аёл ёқмаса, ана, Насибаям бир аёлни айтаяпти. Эрдан қуйганлардан экан, бе-чора. Бор, кўр, гаплаш. Ҳеч ким сени мажбурлаб уйлантира-ётгани йўқ-ку. Зора иккита ярим кўнгил бирлашиб...

– Мен кўнгли яримлардан эмасман, эна. Худога шукр, бо-шимда сиз борсиз. Акам бор.

– Мен расамади гапни айтяпман-да, болам. Тунов кунн шаҳардан Рисолат келганди. Бир-иккита қарикизларам бор дегандай бўлди. Биттаси ўзимизга узоқроқ қариндош ҳам чиқиб қолди. Агар рўзғор қилганини кўнглинг тусамаса...

– Бу гаплар кейин, эна. Насиб қилса, тез орада пулимиз бўлади. Аввал кўзингизни операция қилдирамиз. Кўздан

кейин сизни Тошкентга обораман. Бир йўла... нариги касалликниям даволаб келамиз. Энди бошқача яшаймиз, эна. Мана кўрасиз. Шунча заҳматларни бекорга чекмаганингизни ўзингизам кўрасиз... – Шу маҳал кўл телефони “ти-ти” лаб қолди: хабар келди. Бердикул хабарни ўқиб, шоша-пиша бармоқларини юзига сийпади. – Омин. Эна, мени ишга чақириб қолишди.

– Шу пайт-а? – ҳайрон бўлди Солиха эна.

– Айтдим-ку янги ишга кирдим деб. Бу ишнинг тунги сменасиям бўлиб тураркан. Бормасам бўлмайди. Майли, сиз яхши ўтиринг. Ё невараларингиздан биронтасини чақирайми?

– Мени бўри ермиди, болам. Сен бемалол ишингга бориб келавер. Менга бурилма.

– Хўп.

Бердикул шошиб уйдан чиқди, дарё бўйига чопиб борди. Қирғоққа бурни тақалган иккита моторли қайиқда бешолтита йигитнинг қораси кўринди.

Йўлда, машинаси ёнида Рустам турарди. Бердикул унинг ёнига ҳансираб келди.

– Ёмон эмас, – деди Рустам соатига қараб кўйиб. Сўнг қайиқлар томон ишора қилди: – Сени кутишяпти.

– Хўп.

– Замоннинг тезкорлигини кара, – истехзо билан гапида давом этди Рустам. – Эрталабки гапимга фаришталар “омин” деб юборишган эканми, мана, биринчи синовдан ўтадиган бўлдинг. Ишингга пухта бўл. Йигитлар сени кузатиб туришади.

– Хўп.

Бердикул қайиқлардан бирига борди, Рустам жўнаб кетди.

Йигитлар жим ўтиришарди. Бердикул ҳозир бирон нима сўраш ўринсиз эканлигини ҳис этди. Яхшиси, улар нима қилса, шунни қилиб тургани маъқул.

Қайиқлар тун қоронғилигида бўтана сув каби оқётган дарёда шиддат билан сўзиб кетди.

Тез орада дарёнинг чеккасидаги қирғоққа туташ жойга, понтонлар билан ўраб олинган сув бўйида тўхташди.

Бердикул бунинг нима эканини биларди: баликлар кўпайтириладиган ховуз.

Кайиклардан отилиб тушган йигитлар ёнларидан пичок чиқариб, понтонларни ёриб-кесиб ташлайвердилар, иккита йигит эса ховуз четидаги дамбани очиб юборди.

– Эй, кто вы такие? – тун зулматида ваҳимага тушган эркакнинг овози эшитилди. – Это частная собственность!

– Хой, кимсанлар? – унга жўр бўлди яна бир эркак титрок овозда.

Йигитлар миқ этмасдан чакконлик билан бу икки одамга ташланиб, уларнинг оғизларига латта тикишди, кўлоёқларини боғлаб ташлашди.

Сунъий кўл ичидаги баликчалар сув билан кўшилиб дарёга оқди-кетди.

Йигитлар абжирлик билан кайикларига сакраб чиқишди. Моторлар гувиллади ва улар ортга учиб қайтишди.

Индамас йигитлар йўл-йўлакай Бердикулни овули яқинида қолдириб кетишди.

#### IV боб

Эрталаб МЧЖдан хабар олгани келган Дилшод ховуз бўшаб қолганини, Абулқосим билан Володя эса оғизларида латта, кўлоёқлари чандиб боғланган ҳолда ётганини кўрди... Дилшод ишчиларига кўмакка отилди.

Аркон қийиб кетган кўлларини ишкалаётган Володя алам билан бошига муштлади:

– Варвары! Эх, какая популяция была!

– Абулқосим ака?

– Ярим кечаси канақадир одамлар бостириб келишди. Сувдан. Иккита кайикда. Ўшаларнинг иши...

“Москвич”ини “Нексия” ёнида қолдирган Мансур ҳалтослаб чопиб келди.

– Нима... нима бўлди, ўртоқ? Понтонлар қани? Баликлар қани?

– Ҳаммаси... тамом бўлди... – беҳис пичирлади Дилшод. Мансур унга анграйиб қараб қолди...



Ёмон хабар тез тарқалиши рост шекилли, бирпасда участка нозирни Ҳамробоев ҳам етиб келди.

Ишчилардан у-бу нарсаларни сўраб олган капитан Дилшодга мурожаат қилди:

– Менга ариза ёзиб беринг, укам. Мен сизнинг аризангизни олишга, расмийлаштиришга мажбурман. Бу менинг бурчим. Мен эса бурчимни ҳалол бажариб ўрганганман. Тўғри, сувда из қолмайди, укам. Мингбоевнинг фарзанди бўлсангиз ҳам буни очик айтишга мажбурман. Аммо мен барибир...

– Илтимос, ўртоқ капитан, дадамни аралаштирманг.

– Майли, майли. Мен бу ишни барибир очаман, демокчийдим. Шунинг учун, сиздан яна бир марта ариза топширишингизни илтимос қиламан. Кейин яна бир нарсани ўйлаб кўринг: балки ўзингизнинг душманларингиз бордир, бу уларнинг ишидир.

– Менда душман нима қилади, Сайдазим ака?

– Э, бу дунёда душмани йўқ одам борми, укам! Ҳатто гадонинг душмани ҳам бор, уям бўлса гадо. Шунинг учун душманни узоқдан излаб овора бўлиб ўтирманг. У балки ҳамкасбларингиз орасидадир, балки шерикларингиз... Лекин агар дадангизга бир оғизгина шипшитиб кўйсак борми, менимча, ҳаммаси осонгина ҳал бўларди-кўярди-да...

Дилшод асабийлашди:

– Бу масалада келишиб олдик-ку; Сайдазим ака.

– Хўп, дедим-ку. Ана, мен сизга ён беряпман, илтимосингизни бажаряпман. Сизам энди менинг таклифимни бир ўйлаб кўринг-да, укам. Шошилманг, ўйланг. Майли, аризани ҳозир ёзманг. Ҳозир қизишиб турибсиз, бир соат ўйланг, икки соат ўйланг. Кейин яхшилаб, хотиржам ёзиб беринг. Шунақа-шунақа бўлди, шунча моддий зарар етказилди деб. Мен жон-жон деб аризангизни қонунан расмийлаштираман. Бу атрофдагиларни ишлашга қўймаётган тунги қароқчилар билан кўпдан бери кўришгим келиб юрганди ўзи. Мана, укам, менинг визиткам. – Ҳамробоев ташриф қоғозини узатди. – Агар ариза топширишга қарор қилсангиз,



телефон қилсангиз бас, қаерда бўлсангиз ҳам ўзим олдингизга етиб келаман.

– Майли.

Ҳамробоев кетишга чоғланди, Мансур уни машина-сигача кузатиб қўйди.

Мансур қайтиб келганида Дилшод дарё бўйида, сокин оқаётган сувдан кўз узмай ўтирарди.

Дилшоднинг телефони жиринглади. Йигит экранчада пайдо бўлган Ноиланинг суратига бир лаҳза қараб тургач, телефонни ўчирди.

– Мен... мен синдим, – шивирлади у.

– Бу нима деганинг? – ўртоғига далда беришга уринди Мансур. – Кетса пулинг кетгандир. Пул одамнинг жони эмас-ку.

– Бу ерда... – Дилшод керакли сўзни кидириб қолди, – бу ерда пулдан ҳам муҳимроқ нимадир бор эди. Пулдан ҳам азизроқ. Бу иш менинг ҳаётимнинг мазмуни, интилган мақсадим эди. Мен ўзимнинг мустақил одам эканлигимни шу ишим билан исботламоқчи эдим.

– Кимга, ота-онанггами?

– Йўқ. Ўзимга.

– Қўй, кўп ғам чекаверма. Йўқ нарсадан фожиа яшашга устасан-да аммо-лекин. Даданга ётиғи билан тушунтирсанг яна оёққа туриб олишингга ёрдам берадилар. Ахир аслини олганда бу фирманг у кишининг туғилган кунларига, э, юбилейларига совға эди-ку, шунаками?

– Йўқ, мен дадамга бу ҳақда айтмайман. Нима, иш бошлагандим, эпполмадим дейманми? Ё айбдорларни топиб беринг дейманми? Шармандалик-ку бу! Ўлим-ку. Йўқ, мен энди оёққа турмайман. Шу ҳолимда ўқишга кетаман. Чет элга.

Мансур ўртоғини кўндиришга урина бошлади:

– Балки даданг билан гаплашиб кўрармиз. Иккаламиз бир амаллардик аммо-лекин...

– Йўқ, ўртоқ, йўқ! Мени кечир. Сен менга шунча яхшилик қилдинг. Мен бўлса сени иссиқ жойингдан совутиб, мана энди шунақа аҳволга солиб ўтирибман. Кечир.

– Участковойга телефон қилмайсанми?

– Нима кераги бор? Бир камим аризабозлик қилиб юриш эди. Бош кетгандан сўнг сочга ачинмайдилар...

Жимлик чўкди. Дилшод дарёга ташлаган тошининг чўкишини кузатиб ўтираверди.

\* \* \*

Панама шляпа кийиб олган иккита хорижлик меҳмон ва уларнинг таржимони, Азизбек исмли кўзойнакли йигитни балиқ овига олиб чиқиш учун сувга учта қайиқ туширилди.

Дарёни кўриб, оғизлари қулоқларига етган меҳмонларнинг кўлларига яхши қармоқлардан берилди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас қувончларидан териларига сиғмаётган меҳмонларнинг бири иккита, бири битта балиқ ушлади-ю, оппоқ тишларини кўз-кўзлашганча таржимон билан чуғурлашиб кетишди.

Азизбек орқа қайиқда келаётган Рустамга ўғирилди:

– Ака, меҳмонлар қайтишмоқчи.

Рустам истехзоли илжайиб қўйди:

– Айтиб қўйинг, ҳақиқий балиқ ови энди бошланыпти.

– Рустам ака, – тушунтиришга ўтди таржимон. – Буларга шуюм етади. Булар учун балиқ ови дам олишга чиқишдай гап. Сув асабларни юмшатади. Унинг шунақа хусусияти бор. Тиббиётдаям, руҳшуносликдаям исботланган бу. Бунинг устига жаноб Боб вегетариан. Балиқ гўштиниям емайди у.

– Емаса емас! – қўл силтади Рустам. – Биз ҳозир уларга ҳақиқий балиқ ови қанақа бўлишини кўрсатиб қўйиб, хайрон қолдирамиз. Анча пайт эсларидан чиқармай юришади. – У хизматдаги йигитларга буюрди: – Бошланглар!

Иккита қайиқда ўтирган шотирлар – улар орасида Бердиқул ҳам бор эди – энгашиб, олдиндан ташлаб қўйилган тўрнинг чеккасидан кўтаришди.

Тўр кўтарила борган сайин унда потирлаб, ўзини ҳар томонга ураётган балиқлар кўринаверди.

Балиқ овининг ўз завқи бор-да! Тўрдаги балиқларни “Торт!.. Кўтар!.. Ол!.. От!..” дея шод-хуррам бақир-чақир қилганларича қайиққа ағдарган йигитлар ғайрат билан ик-

кинчи тўрга ўтишди. Хорижликларнинг оғизлари ланг очилиб қолди ўзим.

Нихоят меҳмонлардан бири таржимонга мурожаат қилди:

– Жаноб Азизбек. Бунча баликнинг нима кераги бор? Ёки булар лицензияли овчиларми?

– Ҳа, жаноб Смит. Шунақа. Улар сизларга ўзларининг овчилик маҳоратларини намойиш қилишяпти.

Смит деганлари сал безовталаниб қолди:

– Лекин бу... яхши эмас... Боб ҳайвонларни асраш ташкилотининг аъзоси.

Ов эса ёввойи завқ билан давом этар, Рустам бакириб буйруқ беради:

– Тортинглар! Қаттиқрок!.. Чеккасидан ушла! Тўк!..

Ахири буларнинг ҳаммаси тугади.

Деярли икки қайикни тўлдирган балиқларни кирғоқ бўйида махсус тайёрланган жойга олиб чиқишди.

Ерга тўшалган гилам устида аллақачон тўкин дастурхон, турфа ичимликлар. Чеккароқда шаҳарда номи чиққан ака-ука ошпазлар Ҳамроқул билан Санақул самовар қайнатишмоқда, бир қозонда ош пиширишиб, балиқ кабоб учун манқал тайёрлашмоқда.

Меҳмонларни тўрга ўтказишди, “олинг-олинг” бошланди. Чарчаганми, ранги оқариб кетган жаноб Боб шунча қисташса ҳам фақат мева-чевалардан тотинди. Смит деганлари эса Рустам тутиб турган бир пиёла ароқни қўлигаям олмади.

– Жаноб Смит ростданам ичмайди, Рустам ака, – деб қолди таржимон. – Фақат баъзан-баъзан юз грамм мусаллас демаса.

Рустамнинг ҳафсаласи пир бўлди:

– Одам эмас экан-ку буларинг. Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Лекин боя балиқ овлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйганимиздай, энди ароқ ичиш қанақа бўлишини ҳам кўрсатамиз.



– Балки керак эмасдир, – эътироз билдиришга уриниб кўрди таржимон.

– Керак. Хўжайиннинг топшириғи бу. Зўр кутиб олинглар деган. – Таъкидлаб гапирди Рустам ва оркага ўгирилиб, чакирди: – Ҳамроқул!

Ака-ука ошпазларнинг катгаси бўлган қирқ беш ёшлардаги, катта қорин қўйиб юборган Ҳамроқул лапанглаб чопиб келди.

– Лаббай, хўжайин.

– Меҳмонларга арок ичиш канака бўлишини кўрсатиб қўй! – буюрди Рустам.

– Хўп бўлади.

Ҳамроқул кўлини кўксига қўйганча тиз букиб пойгакка ўтиргач, арок шишасини олиб, тагига бир урганди, пўкак отилиб кетди. Шундан сўнг ошпаз арокнинг ҳаммасини дастурхон четида турган бўш косага қўйди. Коса арокка лим тўлди.

Ҳамроқул косани кўтарди ва худди сув ичаётгандай хотиржамлик билан арокни охирига қадар симириди-да, косани дастурхонга тўнкариб қўйди. Умрлари бино бўлиб бунақа томошани кўрмаган меҳмонларнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

Оғзини кафтининг орқаси билан артган Ҳамроқул Рустамга қараб бош эгди:

– Менга яна хизмат борми, хўжайин?

– Ҳозирча йўқ. Бор, ишингни қилавер.

Ҳамроқул кўлини кўксига қўйганча ўрнидан турди ва ҳаттоки гандиракламасдан ҳам укаси ёнига борди.

– Хўш, қалай? – меҳмонларга ўгирилди Рустам.

Меҳмонлар ўз ҳайратларини изҳор этиб улгурмасидан бурун чайла ёнига “Жип” машинаси келиб тўхтади. Ҳайдовчи ёнида Муҳиддинбой ўтирарди.

Рустам сапчиб ўрнидан турди:

– Мана, ўзлариям келиб қолдилар.

Муҳиддинбой меҳмонлари билан қайтадан кўришиб, уларнинг ёнига ўтирди. Яна мулозамат, яна “олинг-олинг”...



Муҳиддинбой учун аччиқкина кўк чой дамлаётган Санакул тўсатдан дарё томонга қаради ва хотиржамлик билан қайиғидан тушиб келаётган Тоҳирни кўрдию, анг-танг аҳволда туриб қолди, чойнақдан қайноқ сув тошаётганини ҳам сезмади.

– Ўлдик! – ваҳима ичида шивирлади у. – Ошга пашша тушди!

Укасининг гапидан ҳайрон бўлиб шу томонга кўз ташлаган Ҳамроқул ҳам инспекторга кўзи тушган захоти “гуп” этиб ерга ўтириб қолди.

Тоҳир кўл телефонида қирғоқда уйилиб ётган балиқларни, ошпазларни, қозон ва манкалларни, ҳатто даврада кўр тўкиб ўтирганларни ҳам узоқдан суратга ола бошлади.

Тоҳирни шу машғулот устида кўриб қолган Рустамнинг авзойи бузилди. У дастурхондан бўш чойнақни олаётган Бердиқулга “Анов томонга бор” дегандай билинар-билимас ишора қилди-да, ўзи ҳам ўрнидан туриб, чеккарокка ўтгач, чўнтагидан телефонини олди-да, Равшан аканинг рақамини терди.

У томондан бўлим бошлиғининг мулоғим овози эшитилди:

– Эшитаман, Рустамжон.

Асаблари ўйнаб бораётган бўлса-да, Рустам аввалига хотиржам гапиришга уринди:

– Ака, анави инспектор бало-қазодай бўлиб етиб келиб турибди-ку.

– Қайси бири?

– Тоҳир.

– А? – бу исмни эшитишини қутмаган бўлса керак, Рустам аканинг нафаси ичига тушиб кетди. – Бўлиши мумкин эмас! Ахир бугун унинг сменаси эмас-ку!

– Лекин у шу ерда! Қайиқларни расмга олаётгани-ей ўзича. Ўзингиз гаплашасизми? Телефонни берайинми?

Бўлим бошлиғи қалтираб қолди:

– Рустамжон, биласиз-ку, у одаммас, худонинг бир балоси. Унинг олдида менинг номимни тилга олмай турганингиз маъқул. Дарров дафтарига тиркаб, устимдан рапорт ёзиб бе-

Дарё  
ришданам тоймайди у зангар! Яхшиси “Катталарнинг хаба-  
ри бор” деб дўк қилиб кўринг, фақат исмларни айтмасдан.

– Ака, лафз қилдингиз, ҳаммаси жойида бўлади, тушга-  
ча хоҳлаган ишларингизни қилаверинглар, деддингиз, кафола-  
ти билан ярим кунлик тинч ов ваъда қилдингиз. Биз сизга  
ишондик. Одам гапига жавоб бериши ҳам керакми? Ахир бу  
ерда кичкина одамлар ўтиргани йўқ-ку.

– Рустамжон. Ўзингиз ҳамма нарсани тушунадиган,  
ақлли-хушли йигитсиз. Илтимос, шу аблаҳга мени рўпара  
қилманг. Бошқа истаган инспектор бўлса майлиди, бир  
дўк билан жойига ўтказиб қўярдим, фақат Холиёровни эмас.  
Ўзингиз гаплашинг, кўндиринг, пул ваъда қилинг, ишқилиб,  
бир амаллаб тинчитинг. Фақат менинг исмимни унинг олди-  
да тилга олманг, илтимос!

Рустам вишиллади:

– Иштонингизни булғаб қўйманг ака, сизни сотмайман!

– Минг раҳмат, Рустамжон, минг раҳмат! Муҳиддинбой  
акамларга вазиятни ўзингиз тушунтириб қўярсиз,а? Мен-  
дан асло ранжимасинлар. Сиздан қарздорман. Нима хизмат  
бўлса, тайёрман...

Рустам телефонни ўчиргач, тўғри Тохир томон юрди.  
Уни аллақачон уч-тўрт киши ўраб олганди.

– Қўйинг энди, ака... Кўриб турибсиз-ку, Муҳиддинбой  
акамнинг ўзлари... Чет эллик меҳмонлар олдида шарманда  
қилманг одамни. Улар нима деб ўйлашади...

Инспекторнинг бу ўтинчларни эшитмагандай ҳамон су-  
рат олишда давом этаётганини кўрган Бердиқулнинг ғазаби  
кўзгади.

– Камандир! – деб юборди у баландрок овозда.

Тохир уни кўрди:

– Ў, ўзлариям шу ерда эканлар-ку. Бузоқнинг югургани со-  
монхонагача деганлари шу-да. Қаранг, бутун қонунбузарлар  
бир жойга йиғилишибди. Кўр кўрни қоронғида топибди.

– Аввал айбимизни ибсотланг, бўйнимизга қўйинг, ка-  
мандир, – сал паст тушди Бердиқул. – Кейин тепадан келасиз.

Тохир қўл телефонида Бердиқулни суратга олди:

– Айбларинг ўн марта исботини топди. Энди мендан кочиб қутулолмайсиз. Кўрам хассасини бир марта йўкотади.

Жагида олхўридай ғудда пайдо бўлган Бердиқул инспекторга синовчан қаради:

– Ҳамма расмларам айтилган жойга етиб боравермайди, камандир.

– Мени кўрkitолмайсиз. Бердиқул. – У қўл телефонида ракам терди: – Алё. Милициями?.. Инспектор Тоҳир Холиёров гапиряпти. Тезликда каминшзор ёнига. 51-контурга етиб келинглр. Бу ерда катта жиноят содир бўлган. Қўтаман. Раҳмат...

Тоҳир телефонини ўчириб, Бердиқулга мазахомуз қаради:

– Мана, тамом, Бердиқул. Тамом.

Бердиқул оғиз жуфтлаган жойида колди, етиб келган Рустам уни гавдаси билан тўсди:

– Ҳорманг, Тоҳир ака.

– Бор бўлинг.

– Биласизми, инспектор, бу ерда, – Рустам дастурхон бошидаги даврага ишора қилди, – чет элдан келган жиддий инвесторлар ўтиришибди. Улар олиб келадиган маблағлар, технологиялар, линиялар, валюта нафақат Муҳиддинбой ака ёки у кишининг ходимлари учун, балки бутун шаҳримиз, вилоятимиз, республикаимиз, қолаверса сиз кўриклаётган мана шу дарё учун хизмат қилади. Янги очиладиган иш ўринларида эса неча-неча одамлар, балки сизнинг яқинларингиз, қариндош-уруғларингиз ҳам ишлашади. Мана шундай маҳобатли ишларнинг олдида тўртта балик нима деган гап, тўғри эмасми?

– Қонун ҳаммага баробар. Биз учун ҳам, ўша ҳамёни катта инвесторларингиз учун ҳам, – бўш келмади Тоҳир. – Ўзингиз қаранг: ов қонун йўли билан ман қилинган пайти ноқонуний фаолият юритиш, руҳсат этилмаган жойда олов ёқиш...

– Санаманг, баракаси кетади, – қулиб қўйди Рустам.



– Мен баённома ёзишга мажбурман. Қолган гапларни ўзларингиз судда тушунтирасизлар.

– Балки келишармиз. – таклиф қилди Рустам.

Тоҳир хотиржам эди:

– Бу таклифингизни ҳам баённомага киритиб қўйишга мажбурман.

Бармоғини чаккасига қўйиб айлантирган Ҳамроқул энгашиб Рустамнинг қўлоғига шивирлади:

– Бу шунақа. Ёзибам қўяверади.

– Тоҳир ака, балки бу гапларни дастурхон устида хотиржам гаплашармиз. Марҳамат, юринг, меҳмонимиз бўлинг.

Инспектор кўнмади:

– Ҳаққим йўқ.

Рустам асабийлаша бошлади:

– Ўзбекмисиз ўзи? Одамгарчилик деган нарсадан борми?

Ҳамроқул кесатди:

– Бу киши ичмайдиган, чекмайдиган сўфилардан.

Тоҳир индамасдан сумкасидан баённома қоғозини олиб, тўлдиршга тутинди.

– Хўп, ёзибам бердингиз дейлик, – яна муроса оҳангига ўтди Рустам. – Судам бўлди. Хўш, қози жаноблари биздан қанча жарима ундириш ҳақида ажрим чиқаради? Ўттиз минимал окладми? Элликтами?

– Буни суд ҳал қилади.

– Йўқ, шу ерда, ҳозир ҳал қиламиз! Дейлик, элликта. Стадимми? Ҳозирнинг ўзида тўлайман. Нақд!

– Менда жарима миқдорини белгилаш ёки ундириш ваколати йўқ.

– Мен ҳам ваколат суриштириб юрмоқчи эмасман. Мен шу ерда ўтирган меҳмонларнинг кайфияти бузилмаслигини, мисол учун, юзта минимал окладга тенг деб баҳоладим. Нақд ва ҳозирнинг ўзида.

– Баённомага бу таклифингизниям киритиб қўйишга мажбурман, – деди ёзишда давом этаётган Тоҳир.

– Ҳой, бу жуда катта пул, Тоҳир ака! – қаттиқ пичирлади Ҳамроқул. – Рози бўлаверинг. Биз ҳеч кимга айтмаймиз.



Тоҳирнинг бош чайкаб кўйганини кўрган Рустам пул миқдорини оширди:

– Юз эликта!.. Етадимми?.. Икки юзта!..

Бердиқул тутақиб кетди:

– Одаммисан ўзи? Ол, бор, кет. Яхшилик ёқадими сенга ўзи?!

Тоҳир индамай баённома ёзишда давом этаверди.

– Уч юзта!.. Тўрт юзта!..

Рустамнинг бу таклифини эшитган ака-ука ошпазларнинг тиллари калимага келмай, анграйиб қолишди.

– Охирги таклиф – беш юзта! Ўйлаб кўриш учун бир дақиқа вақт бераман, инспектор!

– Бу ахир ўттиз миллион сўмга яқин пул дегани, аҳмоқ! – ҳеч чидай олмасдан, жойида ирғишлади Ҳамроқул.

Тоҳир ёзаверди. Рустам унга диққат билан, ачиниб қаради.

– Демак, қарор қабул қилинди, шикоятга ўрин йўқ. Мен ҳозир.

Рустам дастурхон бошига бориб, аста:

– Хўжайин, – деди.

Меҳмонлар билан таржимон ёрдамида гаплашиб ўтирган Муҳиддинбой ёрдамчиси томон ўгирилди.

– Ҳаво айнияти. Сал шамол кўтарилса, ҳамма ёқни чанг-тупроқ босади. Меҳмонларнинг олдида ноқулай. Агар қарши бўлмасангиз, меҳмонлар билан дачага ўтсаларингиз. Биз ҳамма нарсаларни олиб орқаларингиздан етиб борамиз.

Муҳиддинбой таржимонга қаради:

– Агар меҳмонлар рози бўлишса.

Азизбек меҳмонлар билан гаплашди.

– Булар “Бугун соат ўн саккизу нол-нолгача бизнинг ихтиёримиз мезбонларда”, дейишяпти.

– Унда кетдик, – деди Муҳиддинбой. – Омин.

Меҳмонларни “Жип” томон бошлаб кетаётган Муҳиддинбой формадаги Тоҳирга ишора қилди:

– Муаммо борми? Ҳаммаси келишилган дегандинг-ку.

Қўл қовуштириб турган Рустам шу заҳоти ишонч билан жавоб қайтарди:

– Йўк, хўжайин, ҳеч қанақанги муаммо йўк. Ҳаммаси олдиндан келишилган.

Муҳиддинбой билан меҳмонларни кузатиб қўйган Рустам бурун катаклари керилган, қўзлари ғазаб ва нафратдан чакнаган ҳолда инспекторнинг ёнига қайтди.

– Келганингиз яхши бўлди, – деди уни кўрган Тоҳир. – Фамилиянгизни айтсангиз, Рустам.

Рустам қандайдир ғалати илжайди:

– Фамилиямми? Нахотки менинг фамилиямни билмасанг, палид?!

Рустамнинг гап оҳангидан ҳайрон бўлган Тоҳир бошини кўтарди. Шу сониянинг ўзида Рустам бир қўлочча сакраб, куч билан Тоҳирнинг юзига тепди. Орқага учиб кетган инспектор камишлар устига йиқилди.

– Бос! – буйруқ берди Рустам.

Уч-тўрт шотир бирдан Тоҳирга ташланишди. Инспектор жон алпозда типирчилади, аммо йигитларга кучи етмади. Бунақа бўлишини кутмаган Бердиқул ҳайрон бўлиб туриб қолди.

– Ичмайман, чекмайман де! Емайман де! Фариштаман де! Балки қўлтиғинг тагида канотинг ҳам бордир. – Рустам Ҳамроқулга қаради: – Оч!

Ҳамроқул қозон ёнидаги қоп тагидан ароқ шишасини олиб, тагига урди. Пўкак отилиб кетди.

Тоҳир хириллаб, бақирарди:

– Қўйворинглар! Ўзларингга ёмон бўлади! Қўйворинглар!

– Бер бу ёққа! – Рустам шишани олди: – Оғзини очинглар!

Иккита йигит зўр бериб типирчилаб қаршилиқ кўрсатётган Тоҳирнинг оғзини очиб турди. Рустам тик турган жойида инспектор оғзига ароқнинг ҳаммасини қўйди. Ичкиликнинг бир қисми Тоҳирнинг юзига, бўйнига тўкилди.

Рустам энгашиб Тоҳирнинг чўнтагидан қўл телефонини олди-да, уни очиб, суратларни кўргач, жаҳл билан дарёга иргитиб юборди. Сўнг кейинги буйруғини берди:

– Ҳамроқул, носдан ол!

Ҳамроқул шоша-пиша чўнтагидан носковоғини олди:

– Мана, Рустамжон ака.

– Сол манавининг оғзига! Ҳаммасини! Кайф қилганга яраша зўр кайф қилсин!

Ҳамроқул носковоқнинг оғзини очиб, ичдаги бор носни кўзлари олайиб бораётган Тоҳирнинг оғзига қуйди.

Тоҳир ўқчиди. Рустам ўчок ёнида турган ярим шиша ароқни унинг оғзига қуйди. Тоҳир носни ютиб юборди.

Рустам қўлида бўш шишани тутганча, бўлаётган воқеаларни қалт-қалт титраганча кузатиб турган Бердиқулга қаради:

– Сен биринчи синовдан ўтдинг. Мана, иккинчисига ҳам навбат келди. Бунданам ўтсанг, бўлди, ўзимизнинг одамсан. Бунга биласан-а?

– Биламан.

– Билганинг яхши. Унда мен ваъдамга вафо қиламан: сенга каттагина пул ишлаб олиш имкониятини бераман! Фақат бу ёғи энди ўзингга боғлиқ. Ундирганинг ўзингники, ҳалолнинг бўлсин. – У инспекторга ишора қилди: – Манави чиранчиққа муносабатинг қандай?

– Мен ундан нафратланаман!

– Бу яхши. Ўзинг нафратланган одам келиб катталик қилса, сени ҳақоратласа, сўкса, пул талаб қилса, буям камдай шиша билан бошингга уриб қолса нима қилардинг?

Бердиқулнинг тишлари ғижирлаб кетди:

– Ўлдирардим уни!

Шу маҳал Тоҳир ҳушини йўқотди. Рустам бунга кўрди, аммо эътибор ҳам бермади. У тобора кизишиб, жазава билан гапирарди:

– Жудаям яхши! Мен сенга шундай имконият бераман. Фақат аввал уни шир-яланғоч қил, токи охириги игнасиғача сотиб сенга берсин. Лекин шундаям сендан қутулмасин. Ўлибам қутулмасин! Икки дунё сендан қутулмасин! Тушундингми? Тушундингми деяпман? Агар тушунмаган бўлсанг мана энди тушунасан!



Рустам қутилмаганда шишани куч билан Бердиқулнинг бошига урди. Шиша синиб кетди. Бердиқул оғриқдан чинкириб юборди, бошини чангаллаганча ерга ўтириб қолди. Унинг бармоқлари орасидан қон сизиб чиқди.

– Буни. – Рустам беҳуш Тохирни кўрсатди. – анави қилди. Хизмат вазифасини бажараётган пайтида сени урди. Энди тушундингми?

Бердиқул бир амаллаб бош ирғади. Рустам энди Ҳамроқулга ўғирилди:

– Сендан эса пул талаб қилди! Дарё бўйида дам олиб ўтирганларнинг учун, ош қилаётганликларнинг учун пул талаб қилди! – У чўнтагидан бир даста пул чиқарди. – Манавини бердинг. У эса кам деди. Яна берасан деди. Кейин ичиб олиб Бердиқулни сўқди, урди, охири маст бўлиб ётиб олди. Тушундингми?

– Тушундим, Рустамжон ака, тушундим, – жон алпозда такрорлади кўрқувга тушган Ҳамроқул.

– Тушунган бўлсанг пулни киссасига солиб қўй!

Ҳамроқул кўрка-писа пулни инспекторнинг чўнтагига солди.

Рустам кейинги буйруқлар бера бошлади:

– Сен, Бердиқул, қула. Ёт. Сотрясения олгансан. – Санақулга: – Сен эса ҳаммасига гувоҳсан. Шунинг учун инспектор кайф бўлиб ётиб қолганидан кейин ўзинг “Тез ёрдам” чақирган бўласан.

– Хўп, акажон, хўп.

– Хўп бўлса... – Рустам қўл телефонидаги соатга қаради, – йигирма дақиқача вақтларинг бор. Милиция етиб келгунча ҳаммасини келишиб олинглар. Ҳаммасини. Айтадиган гапларингни, кўрсатадиган далилларингни. Ҳаммасини. Мен эртага орқаларингдан югуриб юрмайин.

– Хўп, акажон, хўп.

Рустам йигитларга ўғирилди:

– Бизнинг ўн беш дақиқа вақтимиз бор. Ҳамма нарса-ни йиғиштиринглар. Дачага олиб кетамиз. Тез! Биронтаям из қолдирманглар.



Йигитлар шоша-пиша нарсаларни йиштириб, кайикларга жойлашди. Ҳамроқул балик кабоб тайёрланаётган оловни ўчирди. Санақул қирғоқдаги изларни супуриб ташлади. Баликлар яна кайикларга ортилди.

Дарҳақиқат, орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас яқиндагина бу ерда базм бўлаётганлигини тасаввур этишнинг ўзи мушкул бўлиб қолди. Фақат камшзор ёнидаги ош дамланган қозон тагида чўғлар милтиллаб турарди.

Санақул чакирган “Тез ёрдам” милиция машинаси билан изма-из етиб келди.

Лейтенант Шомурод Назаров ака-ука ошпаздан дастлабки кўрсатмалар олаётган пайти Дониёр билан Гўзалоё Бердиқулга биринчи ёрдам кўрсатишди. Сўнг Тохирнинг ёнига ўтишди. Ароқ исидан афти буришиб кетган Дониёр Тохирнинг елкасидан бир-икки туртиб кўрди. Бунга жавобан инспектор шифокорнинг баттар ғашини келтирганча ихраб қўйди.

Дониёр хайдовчига ишора қилди:

– Эркин ака. Носилка!

Дониёр билан хайдовчи инграб ётган, юзи қонга беланган Бердиқулни замбилда кўтаришиб, машинага олишди. Гўзалоё беморнинг ёнига чиқди.

Шифокор лейтенантнинг ёнига борди:

– Беморнинг аҳволи оғир. Зудликда шифохонага олиб бормасак бўлмайди.

Назаров Тохирга ишора қилди:

– Буниси-чи?

– Э, – аччиғи чиқди Дониёрнинг, – буниси ғирт маст. Ғишт бўлиб ётибди. Ўзиям, кечирасиз-у, чўчкадай ичганга ўхшайди. Яна устида форма билан. Муздай сувга бир-икки пишиб олсангиз балки сал ўзига келиб қолар. Хўп, биз кетдик.

– Бўпти.

Дониёр хайдовчи ёнига чиққандан “Тез ёрдам” тез юриб кетди. Лейтенант ошпазларга ўгирилди:

– Давом этамиз. Кейин нима бўлди?

– Кейин, – ховлиқиб гапида давом этди Ҳамроқул, – кейин пул берасан деб туриб олди. Киссамдаги борини берсам, бу кам, бунга бозорга бориб семичка сотиб ол, деб мазах қилди.

– Нима учун пул сўраяпсан, демадингизми?

– Айтдим. Дарё ёнида ўтирганларинг учун, ўт ёққанларинг учун, рухсатсиз ош қилганларинг учун, деб туриб олди.

Назаров ажабланди:

– Бунинг учун пул тўланмайди, десангиз ҳам бўлардику.

– Бўларди. Лекин кўрқдим, ака. Инспектор ҳар қалай ҳуқумат вакили. Устида форма. Арбоб. Арбоб билан ҳазиллашиб бўлмайди, барибир камчилик топади. Унинг ўзиям “Обориб тикиб қўяман, қамоқда чиритаман!” деяверганидан кейин ҳар қандай одам ҳам чўчийди-да.

– Кейин-чи?

– Кейин ароғимиздан босиб-босиб ичди. Биз билан тинчгина ўтирган Бердиқул акага қараб сўқинди. Бердиқул ака ҳайрон бўлиб: “Ака, мени нега сўқасиз?” деганди, бутилка билан бошига солиб қолди. Бечора гуп этиб қулади.

– Унда Холиёров... инспектор нима учун бизни чақирди? Шунисига тушунмаяпман.

– Қайфи ошиб қолганди. Кейин Бердиқул аканинг қонга беланиб ётганини кўриб ўзиям сал чўчиди-ёв. Шунга сизларни чақирдим дейман-да. Яна ким билади.

– Хўш, кейин-чи?

Орага Санақул қўшилди:

– Кейин инспекторнинг кайф қилиб ухлаб қолганини кўриб соткамда “Тез ёрдам”га телефон қилдим. У кишига бир нарса бўлиб қоладими деб ёмон кўрқдим-да. Ё нотўғри кипманми, ака?

– Тўғри қилгансиз. – Лейтенант машина ёнида турган иккита милиционерни чақириб, чўзилиб ётган Тоҳирни кўрсатди: – Бунга машинага олинглар. – Сўнг ака-укага мурожаат қилди: – Сизлар шаҳар ички ишлар бошқармаси

бошлиғи номига тушунтириш хати ёзиб берасизлар. Нима бўлганини батафсил, эринмасдан, эркин ёзиб берасизлар. Ҳеч нарсани яшириб ўтирманглар. Қоғоз билан ручка беришади.

– Хўп бўлади, – деди Ҳамроқул.

Ука унга жўр бўлди:

– Бажарамиз!

Лейтенантнинг ишораси билан сержант йиғитча бир нечта қоғоз билан иккита ручка олиб келди.

Ака-ука ошпазлар тушунтириш хатини бир-бири билан маслаҳатлашиб, бири бошқасини тўлдириб ёзиб беришди. Ҳамроқул қоғозларни лейтенантга топширди.

– Мана, ака.

– Ҳаммасини ёздиларингми?

– Ҳаммасини, акажон, – қўл ковуштирди Санақул.

– Ҳеч нарсани яшириб қолмадиларингми?

– Худо сакласин, ака, – ўзини кўрқиб кетгандай кўрсатди Ҳамроқул.

– Яхши. – Назаров аризаларга бир кўз ташлаб чиқди. – Яхши. Хўп, ҳозирча хайр.

Санақул қозонга ишора қилди:

– Ош пишиб қолганди, акажон. Бир чўқимдан еб кетингизлар. Хизматда юриб чарчагандирсизлар.

– Вақт йўқ, – жавобни қисқа қилди лейтенант.

– Икки дақиқада қулинг ўргилсин қилиб сузиб келаман, акажон.

Назаров машинанинг очиқ эшигидан кўриниб турган Тохирни кўрсатди:

– Буни бу ахволда кўриб иштаҳаям бўғилди. Ўғри бўл, фар бўл инсоф билан бўл-да, номард.

– Бизам шунга ҳайронмиз-да, ака, – дарров орага қўшилди Ҳамроқул.

– Хўп, биз кетдик.

– Раҳмат, акажон. Яхшиям сизга ўхшаган ҳалол-пок милиционерлар бор. Қунимиз анавинақанги юлғич инспекторларга қолса нима қилардик, акажон?



– Гуручнинг ичида қурмак ҳам учраб туради. Бунни ўзингиз яхши биласиз.

– Албатта, акажон, албатта.

– Буларам қурмакдай гап. Лекин, мана ўзларингиз кўрасизлар, сизларнинг кўмагингиз билан биз бу жиноятчини фош қиламиз. Энди у жазодан қутулиб кетолмайди. Ҳаром барибир тешиб чиқади деганлари шу-да.

Милиция жўнаб кетди. Машина сал узоқлашгандан яйраб қафтларини бир-бирига ишкалаган Ҳамроқул укасига буюрди:

– Энди ошни суз! Яхшилаб суз!

– Аввал хўжайинга телефон қилиб кўймайсизми? – сўради Санақул.

– Телефон қиламан. Аввал кайфиятни кўтариб олай, кейин.

Ҳамроқул ўсик каминшлар орасига ўтиб, бир шиша ароқ олиб чиқди-да, одатига кўра тагига бир уриб, оғзини очди.

– Ҳар эҳтимолга қарши ташлаб кўйгандим. Тўғри қилган эканман.

– Барибир бир телефон қип кўйсангиз яхши бўларди, ака. Кейин, тилингиз айланмай қолса, Рустам хитланади. Ер тагида илон қимирласа билади у туллак.

Ҳамроқул ароққа термилиб қараб турди-турди-да, охири чўнтагидан телефон чиқариб, тугмачасини босди. У томондан Рустамнинг:

– Хўш? – деган овози келди.

– Ҳаммаси жойида, – ҳисоб бера бошлади Ҳамроқул. – Аризани дўндириб ёзиб бердик. Милиса талаб қилганидай, ҳеч нарсани яшириб ўтирмадик. Юз-хотир қилмадик.

– Кетишдимми?

– Кетишди, Милиция ҳам. “Тез ёрдам” ҳам.

– Кимни ким олиб кетди? Аниқ гапир.

– Бердиқул акани “Тез ёрдам”. Инспекторни милиция.

– Тўзук. Ўзларинг нима қиляпсанлар?

– Бир чўкимдан ош есақми деб тургандик.

– Яхши. Ҳалоллаб еб олинглар. Ош ейишга арзигулик



иш қилдиларинг. Бўлмаса мен ярим соатлардан сўнг қозон-позонни обкелишга машина юбораман.

– Хўп бўлади, хўжайин.

Ҳамроқул мамнун тарзда телефонни ўчирди. Санақул лаганга босиб ош сузиб келди.

– Балосан, ука, балосан. Гуручлар югуриб юрибди-я! Қани, аввал бизнинг буюртма пиёлани ол-чи. Ош тагида қолиб кетсин.

Санақул тутиб турган бўш косага Ҳамроқул қултиллашиб ароқ қуя бошлади.

\* \* \*

Бугун сменалари тесқари келган: унисиники тугаганида, бунисиники бошланади; бўлмаса-ку, меҳмонхонага неча марта кириб, хабар олиб чиққан бўларди.

Беморни шифохонага топширгунларига қадар иш вақти ҳам якунига етди. Дониёрнинг типирчилаб қолганини сездим, барака топкур Эркин ака уни уйингача ташлаб қўйди.

Ҳар тугул, улгурди: Муқаддам энди кийиняпти экан.

Кўнгли хотиржам тортган Дониёр ишдан оч қайтганлигини баҳона қилди, сўнг, бунга ўзининг ҳам ишонгиси келдими, ювиниб олишга қираётгани маҳал:

– Қўймоқ егим келяпти, – дея қўшиб қўйди.

Муқаддам музлаткичдан тўртта тухум олиб, товани газга қўйгач, шкафдан ниманидир излай бошлади. Излаганини тополмагач, жувон ванна ёнига келиб, эшик ортидан бақирди:

– Писта мойи тугабди-ку, Латипов.

Ичкаридан Дониёрнинг овози келди:

– Пахганикиям бўлаверади.

Муқаддам ошхонага қайтиб, шкафдан пахта ёғи солинган баклажкани олди-да, қизиган товага бир оз солди. Сўнг тухумларни косага чақиб, аралаштира бошлади.

Товадаги ёғдан оқ тутун кўтарилди. Ногоҳ Муқаддамнинг кўнгли айниб, ўқчиб юборишига сал қолди. Жон-жаҳди билан кафтини оғзига босган жувон балқонга отилиб чиқди. Йўк, ўтиб кетди. Кўзлари қизарган Муқаддам шошиб ошхо-

нага қайтиб кирди ва товага яқинлашган маҳал доғланмаган мой исига яна ўкчиб юборди.

Жувон жон ҳолатда энгашиб, совуқ сувни очди, вошил-лаб оқаётган сувга юзини қайта-қайта чайди. Сўнг, кўнгли баттар беҳузур бўлган кўйи бир амаллаб тухумларни ковордию, ликопчага солиб, дастурхонга қўйди.

Ошхонага кириб, стулга ўтирган Дониёр сувнинг очик колганини кўриб, хотинига танбех берди:

– Агар Исроилда яшаганингда эди, бунақа сув окизишингда бутун топган-тутганинг совуқ сувни тўлашга етмасди. У ерда одамлар бир стакан сув билан ювинишади.

– Энди сиз меҳмонхонасида тургансиз, Латипов. Бошқа жойларида сув унчалик киммат бўлмас.

Дониёр рафиқасининг сал қийналиб гапирганини сезмади, кизишиб, ўзиникини маъқуллаб кетди:

– Гўё ўзингнинг меҳмонхонангда сув исроф бўлмаётгандай гапирасан-а! Қачон борсам шовуллаб оқиб ётади. Библиб қўй, хотин, нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан.

– Биз энди ҳарқалай дарёга яқин жойда яшаймиз-ку, – ўзини оклаган бўлди совуқ сувни ўчираётган Муқаддам.

– Демак сувни икки баробар иқтисод қилиш керак. Зар кадрили заргар билади.

– Овқатга қаранг. Совиб қолади.

– Ҳа, ўзингга-чи?

– Нимагадир иштаҳам йўқ.

Дониёр хотинига ишонқирамай қаради:

– Балки меҳмонхонада алламбало таомлар кутиб тургандир, а?

– Бошламанг, Латипов, бошламанг.

Муносиб жавоб олмаганидан ҳайрон бўлган Дониёр хотинига диққат билан қаради:

– Нимагадир шаштинг пастрок. Кўзларинг ҳам қизарган. Уйқу яхши бўлмадимми?

– Яхши бўлмади.

– Нима, ишга оч кетмоқчимисан?

– Айтдингиз-ку, меҳмонхонада турли-туман овқатлар кутиб турибди деб.

– Хотин, энди сен бошлама.

– Хўп, тавба қилдим. Бугунни разгрузка кунни деб эълон қиламан. Ҳеч нарса емайманам, ичмайманам.

– Чарчаб қоласан. – бош чайқади Дониёр. – Сен яхшиси ишга борганингдан катик ичиб ол. икки соатдан кейин икки-та кўк олма е.

– Хўп, хўп.

Мукаддам бу сўзларни шошиброк айтди. Дониёрнинг назарида, хотини уйдан тезроқ чикиб кетишга ҳаракат қилаётгандай эди... Бу аллақандай шубҳали эди...

Мукаддам ишга кетди, аммо эрининг хотиржамлигини ҳам ўзи билан қўшиб олиб кетган экан. Бирдан иштаҳаси бўғилган Дониёр турди, ўтирди, турди, ўтирди, алоҳа, кўнгил ғашлигига, турли шубҳа-ғумонлар илонларининг юрагига оғули нишларини ботиришларига ҳеч чидай олмагач, бир банка катигу, салафан халтада олма кўтарганча меҳмонхонага йўл олди. Ҳар қалай, сабаб бор-ку.

Дониёр не кўз билан кўрсинки, қабулхонада... кўз таниш бошқа аёл ўтирарди.

Дониёр Мукаддамни сўради.

– Ҳозиргина кетди-я.

– Қаёққа?

– Билмадим-а. Айтмади. “Бир соатларда келаман, ўрнимга ўтириб туринг”, деди.

– Бир соатларда... – тамомила гарангсиб қолди Дониёр. – Қаёққа кетган бўлиши мумкин?

– Билмадим. Ўзи бир оз ҳаяжонланиб турганди. Мен “Тинчликми?” деб ҳам сўрадим. “Тинчлик” деди.

– Ҳм-м... Майли. Раҳмат. – У қўлидаги нарсаларни аёлга тутди: – Келса буларни бериб қўйсангиз.

– Албатта бериб қўяман.

– Қачон кетди дедингиз?

– Сиз келмасингиздан салгина олдин дедим-ку.

Дониёр шошиб ташқарига чиқди, эшик ёнида қаёққа боришни билмай ўйланиб турди. Ногоҳ дарвозадан қираётган фаррош холани кўриб қолиб, шу томонга юрди.



– Кечирасиз. Муқаддамни кўрмадингизми?

– Кўрдим. – Фаррош катта кўчани кўрсатди. – Тепага шошиб кетаётган экан. Қизариб-бўзариб кетибди бечора. Ёнгинасидан ўтсамам мени пайқамади. – Хола бош чайқади. – Яна уришибсизлар-да, а. болам? Уят эмасми?

Жавоб беришга ҳам вақтини қизганган Дониёр чопиб дарвозадан чиқдию, фаррош кўрсатган йўналиш бўйича илдам юриб кетди.

Шаҳар кичкина...

Беш дакика юрар-юрмас у кўчада шошиб кетаётган хотинини кўрди-ю, бирдан оёқлари калтираб, кадамини секинлаштирди.

Муқаддам чапга, кўп каватли уйлар томонга қайрилди. Дониёр масофа сақлаган кўйи изма-из келаверди.

Беш каватли уй ёнига борган хотини атрофга хавотирланиб аланглаётганини кўрган Дониёр ўзини юк машинаси ортига олди.

Шундан сўнг жувон ғойиб бўлди-қолди, афтидан, ичкарига кирди.

“Ўлдираман!.. Сўяман!..” Дониёр маст одамдай чайқалиб шу тарафга чопди.

Эр бинога отилиб қираркан, эшик тепасидаги “Маслаҳатхона” деган ёзувни кўрди, аммо бунга англашга, мулоҳаза қилиб ўтиришга вақти бўлмагани боис шувиллаб ўтиб кетди.

Узун йўлак... Ана, Муқаддам учиб бораёпти. Унинг орқасидан басавлат бир эркак. Бўғриқиб, тишлари ғижирлаб кетган Дониёр эркакнинг изидан тушди.

Муқаддам чапдаги хонага қайрилди. Эркак бу хона ёнидан бемалол ўтиб кетди.

Гарангсиб қолган Дониёр хона ёнида тўхтади, шундагина шифохонага хос таниш ҳидни сезиб, гарангсиди. Нахот... нахот учрашув...

Дониёр шахт билан эшикни очди-да, ичкарига бостириб кирди.

Тўрда, стол ортида оқ халатли кекса шифокор аёл ўтирарди. Унинг қаршисида титраб-калтираган Муқаддам.



Шифокор Дониёрнинг кирганига ажабланмади, кайтанга:  
– Келинг, ҳамкасб, – деди мулойимлик билан.

Муқаддам ортга ўгирилиб, Дониёрни кўрдию, ранги қордай оқариб кетди.

– Латипов? – дея олди у аранг. Сўнг шифокор аёлга қаради: – Бу киши эрим...

– Хўжайинингизни танийман, – кулимсиради врач. – Марҳамат, ўтиринглар.

Муқаддам беихтиёр ўтирди.

– Хўш, – врач столидаги қоғозни олиб, диққат билан қарай бошлади: – Муқаддам Латипова. 32 ёш. Натижа... натижа...

Сехрланган каби қоғозчадан кўз узмаётган Муқаддам инграб юборди.

– Натижа... ижобий, – деб қолди бир пайт шифокор. – Табриклайман.

Муқаддам нимадир демokka уринди, аммо оғзини бирикки қур очса-да, гапиролмади.

– Нима ижобий? – тажанг бўлиб сўради Дониёр. – Тушунмадим.

– Рафиқангиз ҳомиладорликни аниқлаш тестида ўзини текшириб кўрган экан. Шунинг натижасини айтяпман. Табриклайман, рафиқангиз ҳомиладор. Мана, – врач тест таёқчасини кўрсатди, – ўзингизам кўришингиз мумкин, ҳамкасб.

Дониёр довдираб, титраб-қалтираганча аранг сўрай олди:

– Лекин... бу... ишончлими?

– Юз фоиз!

Шифокорнинг бу гапини эшитган Муқаддам “шилқ” этиб ёнига қулади...

Орадан ярим соатлар ўтгандан сўнг аёллар мас-лаҳатхонасидан қўлтиқлашиб чиққан эр-хотин дунёдаги энг бахтиёр жуфтлик эди...

Чор-атрофга энг камида қаҳрамон онадай масрур боқётган Муқаддам кутилмаганда эрини... қиммат дўконга бошлади.

– Бир нарса кўрсатаман. дадаси.

– А? – деб юборди Дониёр бейхтиёр. Шу-унча йилдан бери хотинининг оғзидан фамилиясини эшитавериб, ўрганиб қолган экан.

Мукаддам ноз қилди:

– Нима. эндиам “Латипов” деяверайинми?

– Йўғ-э! – қулди Дониёр. – Қайтанга шуниси яхши экан. Одам исиб кетарканми-ей... Шу ёқимли гапни айтиш учун опкирдингми бу ерга?

– Йўк. Маслаҳатингиз керак бўлиб қолди. – Жувон кийим илгичда турган бир кўйлакни кўрсатди. – Шунини олсамми деб тургандим. Қаранг.

– Ўзингга ёқяптими, ишқилиб?

– Ёқяпти.

– Унда олавер.

– “Олавер”миш, – ўзини хафа бўлгандай тутди Мукаддам. Умуман, жувонга энди хафа бўлишу, аразлагандай лабини чўччайтиришлар ҳам ярашаётганди. – Ҳеч бўлмаса кўнгил учун ҳам бир кўринг, Латип... э-э, дадаси.

– Мана, кўрдик. – Дониёр кўйлакнинг у ёқ-бу ёғини ағдарди. – Хитойми?

– Йўк, Туркияники.

– Ҳа, тоза моллиги кўриниб турибди. – Дониёр кўйлакнинг ёқасига ёпиштирилган қоғозчани кўриб қолди.

– Буниси нимаси?

– Нархи.

– Йўғ-э? Бир, икки, уч, тўрт, беш... Бешта нол... Вой-бўй! Ичига тилла қўшиб тикилганми нима бало?

– Тоза мол қиммат бўлади, дадаси. Шунинг учун бу ерни “бутик” дейдилар.

– Лекин бу битта кўйлак ярим миллион сўм туради дегани эмасдир. Бунча пул учун ярим ой ишлайман, ахир.

– Хасислик қилманг, Латипов! – расмий оҳангга ўтиб олди Мукаддам.

– “Латипов” эмас, “дадаси”!

– Йўк, Латипов. Бундан кейин жаҳлимни чиқарсангиз сизни яна “Латипов” деб чакираман. – эркалаб эрининг бурнини чимчилади Мукаддам.

– Хўп, хўп, аяси. Ўзингга ёккан бўлса бемалол олавер деяпман-ку.

– Бу мenden ташқари сизгайм ёкиши керак-ку. Мен буни аввал бир кийиб кўрсатай, кейин айтасиз фикрингизни.

Мукаддам кийиниш хонасига кириб, бирпасда янги кўйлақда чиқди.

– Қалай?

– Гап йўк. Дахшат!

Дарҳақиқат, янги кўйлақ жувоннинг ҳуснини янада таъкидлаб кўрсатмоқдайди. Мукаддам жойида айланди.

– Шу сал... кенгроқми дейман-да, а, аяси. – деди яна беихтиёр рашк қутқусига уча бошлаган Дониёр. – Қара, этаги чувалашиб қолаяпти. Ё бунинг модаси ўзи шунақами?

– Хайрият-эй, дадаси! – яшнаб кетди Мукаддам. – Шу саволни охири ичингиздан тортиб олдим-а. Бу ахир... бу ахир шунақа... ҳалиги кенг киядиганлар учун... Тушунаяпсизми?

Аммо Дониёр тушунмади:

– Семиз хотинлар учунми?

– Уф-ф! Қанақа семиз хотинлар? Иккикат аёллар учун! Хомиладор аёллар учун! – Мукаддам қорнини кўрсатди. – Ахир энди бу ерим аста-секин мана бундай бўлади.

– Э-э, – пешонасига шапатилади Дониёр, – энди тушундим, аяси! Хомкалла! Сенга ярашди, жуда ярашди. Худди ўзингга атаб тикилгандай. Менимча ўзи битта чиққан, кейин фабрикаси ёниб кетган.

– Олаверайинми?

– Гап бўлиши мумкин эмас. Оламиз.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу ёкка юринг-чи. – Мукаддам эрини эркақлар кийимлари томон бошлаб борди-да, бир костюм-шимни кўрсатди. – Мана буни сизга мўлжаллаб кўйдим.

– Нима, бу махсус хомиладор аёлларнинг эрлари учун эканми?

– Йўк. Бу сизга ўхшаган келишган, меҳрибон эркаклар учун. Фақат битта шарт бор экан: буни кийган эркак рашк килишни бас килиши керак экан.

– Хо, бекорларни айтибсан! Бу киши янги кўйлақларда товусдай товланиб юрармишлар-да... – Дониёр бирдан костюм ёқасидаги нархни кўриб қолди. – Ёпирай! Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... Йўк, аяси, керак эмас. Янги костюмшим бор. Бундан ўлса ўлиги ортинк! Керак эмас.

– Дадаси, бу мендан совға. Туғилган кунингизга.

Нархни кўриб, пешонасига совуқ тер тошган Дониёр кўнмай туриб олди:

– Э, туғилган кунимга ҳали қанча бор!

– Нима қипти? Олдиндан совға килиб қўявераманда!

Атрофга аланглаб, ўзларидан бошқа харидор йўқлигига ишонч ҳосил қилса-да, Дониёр хотини томон энгашиб, шивирлади:

– Бунақа пул сарфлайверсак... Тошкент нима бўлади, аяси?

– Қанақа Тошкент? – ҳайрон бўлди Муқаддам.

– Ахир ўзинг неча йилдан бери “Тошкентга кўчмасак бўлмайди” деб пул йиғиб юрибсан-ку.

– Тошкент? – Муқаддам ғурур билан қорнига ишора қилди. – Мана Тошкент! У ёқда ким бизни қучоқ очиб кутиб турган экан? Бу ер бўлса ўрганган жойимиз. Шунча таниш-билишларимиз, яхши одамлар атрофимизда. Энди ҳеч қаёққа кетмаймиз, дадаси. Энди биз шу ерда яшаймиз! Болам шу ерда туғилади. Мен энди ҳомиладор аёлман! Ишга гердайиб келаман, ишда гердайиб юраман, ишдан гердайиб қайтаман. Дўст-душманнинг олдида бошим баланд! Баланд!

– Тўғриси, – иқроқ бўлди Дониёр, – менгаям шу ерда қолганимиз маъқул. Майли, ўғлимизнинг исмини “Тошкентбой” деб қўяколамиз.

– Шошилманг, дадаси, шошилманг. Сезиб турибман, бу қиз. Чиройли қизалоқ!

– Ҳечам-да! Биринчиси ўғил бўлади, майли, иккинчиси сен айтгандай қиз бўла қолсин.



– Кўнглингизнинг кўчасини! Қиз бола ота-онасига меҳрибон бўлади, шунинг учун тўнғичнинг қиз бўлгани яхши.

– Мен ўғлимни шундай тарбиялайманки, у ота-онасига қиз боладан ҳам меҳрибонроқ бўлади.

– Лати... Дадаси! – Мукаддам костюм-шимни кўрсатди. – Буни кийиб кўрасизми ё шундай олаверайинми?

– Кийиб кўраман! – деди шошиб Дониёр. – Кийиб кўраман! Шунча пулик нарсани кийиб кўрмай оламизми?

Дониёр ичкарига кириб, костюм-шимни кийиб чиқди.

– Ярашди, дадаси. Қўйиб қўйгандай... Буюрсин.

– Сенгаям ярашди, аяси. Яхши кунларда кий.

– Раҳмат.

– Аяси...

– Дадаси...

Ёноқларига иссиқ ёш оқиб тушаётган Мукаддам эрининг кўксига бошини қўйди, Дониёр меҳр билан хотинининг елкасидан қучди.

Уйга боргиси келмай, шаҳар айланиб юрган, йўл-йўлакай “бутик”ка ҳам кирган Гўзалоё эр-хотинни мана шу холларида кўрди-ю, жойида лол туриб қолди...

\* \* \*

Болалик пайтларида овулнинг Гулабза кушночи “Дарёга чиққанинда бирон балиқнинг кўзига караб туравер, шунда сарик бўлмайсан”, деб ўргатганди. Ёши улғайиб, ақли тўлишгач Турғунбой дарёнинг нафақат балиқлари, суви ҳам шифобахш эканлигига имон келтирди. Мана, ўзи. Қачон сал мазаси қочса, кирғоқ бўйига келиб ўтиради, гоҳ тўлиб-тошиб, гоҳ вазмин оқадиган, баъзан тиниқ, баъзан бўтана, қуёш нурларида жимирлайдиган, кўкни булутлар эгаллаганда қораядиган, тунлари эса осмонга бодрокдек сочилган юлдузларни тилла тангалардек ялтиратиб кўрсатадиган сувга тикилиб ўтираверади, ўтираверади. Бир пайт руҳи енгил тортганини, жисмидаги дардларидан фориг бўлганини хис этади... Барибир, шунда ҳам дарёдан узоқлашгиси келмайди, доимий эрмаги – ўйма кемачани қўлига олади...

Бугунги сайрдан бардам тортиб овулга қайтаётган Турғунбой ота ўзига салом бериб ўтаётган йигитчани таниб қолди:

– Дилмуродмисан? Қани, бери кел-чи... Яхши юрибсанми, ўғлим.

– Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз.

Улар сўқмоқ йўлдан бирга кета бошлашди.

– Эшитишимга караганда ўқишни битирибсан.

– Ҳа, коллежни.

– Хунар ўргандингми?

– Ҳа. Компьютер дастурчиси.

– Яхши-ку. Энди нима қилмоқчисан? Каттароқ ўқишга борасанми? Шунга тайёрланысанми?

Дилмурод бош чайқади.

– Ишга кирдингми?

Яна бош чайқаш.

– Ие, кип-қизил бекорчимисан? Яхши эмас, яхши эмас. Мен аниқ биламан, ҳамма иллат бекорчиликдан келиб чиқади. Айниқса, сенинг ёшингда.

– Армияга кетмоқчиман, – қарорини билдирди Дилмурод.

– Бу яхши. Йигит киши албатта хизмат қилиши керак. Кейин-чи, қайтиб келганингдан кейин нима қилмоқчисан?

– Қайтиб келмоқчи эмасман! – деди йигитча шартта.

– Ие, бу нима деганинг? – ҳайрон бўлди ота.

– Армияда қоламан. Ҳарбий бўламан.

Турғунбой ота тўхтаб Дилмуродга синчков кўз ташлади, бўйига қаради, билагини сиқиб кўрди, сўнг бош чайқади:

– Жуссанг аскарникига ўхшамаяпти. Бу холингда олишмайди-ёв.

– Унда... – таслим бўлмади Дилмурод, – Тошкентга кетаман. Ўша ерда қоламан. Мардикорлик қилиб бўлса ҳам қунимни кўраман.

– Эсинг жойидами сен боланинг? – жаҳли чиқиб кетди отанинг. – Кўлингга гулдай хунаринг бўла туриб мардикорлик қиласанми?

– Тошкентда ишга кириш осон эмас.

– Шу ерда ишла. Ким сенга Тошкентга югуриб бор де-япти?

– Мен... мен бу кишлокда колмайман, ота. Барибир кетаман!

– Болам-ов, кетганда қаергаям борардинг. Дунё тор...

Бир муддатлик сукутдан сўнг Дилмурод кўнглидаги гапни айтди:

– Бу кишлокда яшагим келмайди, ота.

– Ўзингга яхши баҳона топиб олибсан-да, а? – йигитчани уришиб берди ота. – Яшагим келмайди эмиш. Ўзингга ўзингнинг раҳминг келиб, кечалари йиғлаб ҳам чиқаётгандирсан. Вой бечора-ей! Мен сени йигит десам... Ётибсан туну кун осмонга қараб, қачон армияга кетарканман, шу кишлокдан қутуларканман деб. Баданинг бўлса пахтадай кўпчиган. Қуч йўк. Шу аҳволда армияга бориб, бизни химоя қиласанми? Ўзинг химояга муҳтожсан-ку. Армияга ҳозир чиниккан болаларни олишаяпти, сенга ўхшаган нимжон-йиғлоқиларни эмас. Қара. – Турғунбой ота белбоғига кистирилган пичокни кўрсатди. – Эшитган чиқарсан, шунга ўхшаган пичоқ билан олти йил бурун ёлғиз укамни тоғда ўлдириб кетишди. Нима, энди мен ҳатиям аза тутиб, уйдаги ҳамма пичоқларни жарга олиб бориб кўмиб ташлашим керакми? Ё бўлмаса бундан уч йил бурун тус жиянимни машина босиб кетди деб ҳамма машиналарга ўт қўйиб чиқишим керакми?... Бунчалар тор ўйламагин-да, болам. Ўзи анчадан бери сен билан гаплашмоқчи бўлиб юргандим. Жойи жаннатда бўлгур онангнинг ўлимида дарёнинг айби йўк, ўғлим. Сен бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйишни бас қил.

Дилмуроднинг кўзларига ёш тўлди, товуши титраб кетди:

– Ота...

– Йигитмисан? Кўтар қаддингни! Нима, сенинг шу аҳволда юрганингни кўриб, онангнинг руҳи шод бўляптими?

– Илтимос, ойижонимга тил теккизманг!

– Мен онангга эмас, сенга тил теккизьяпман! Қара. – Турғунбой ота дарёни кўрсатди. – Она дарё минг мил-



лион йиллардан бери тўхтамай оқаяпти. Худо хоҳласа яна минг миллион йиллар тўхтамай оқади. Биз йўқ эдик. Дарё бор эди. Биз келдик. Дарё бор. Биз ўтамиз. Дарё қолади. Дарёмиз худди ҳаёт каби абадий. У неча-неча минглаб, юз минглаб инсонларга жон бахш этди. сувга зорларнинг ташналигини кондирди, саҳроларни гулистонга айлантирди, яна бағрида айнан сен, мен учун балиқларни парваришлайди, уларни бизга такдим қилади. Дарё бизнинг беминнат онамиздай меҳрибон, ғамхўр. Шунинг учун биз уни Она дарё деб атаймиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интиҳоси йўқ. Ундан хафа бўлиш ношукурликдан бошқа нарса эмас.

– Турғунбой ота, мен дарёдан эмас, дадамнинг ишидан хафаман. Агар шу иш бўлмаганида...

– Агар даданга ўхшаган одамлар бўлмаса дарё эҳтимол биздан юз ўғирарди, эҳтимол қуриб қоларди, ё бўлмаса бошқа ўзанга бурилиб кетарди.

– Ота. Мен барибир дарёга хотиржам қаролмайман. Ойи-жоним... Очкўз дарё. Ҳеч бўлмаса онажонимнинг жасадини қайтариб бермади... – хиқиллади йигитча. – Бориб тавоф қилай десам онажонимнинг қабри бўлмаса. Мен қайси қабрга тош қўяй, ота? Мен қайси қабрнинг ёнига гул экай? Мен қайси қабрнинг атрофини панжара билан ўрай? Мен онам билан... онам билан қайси қабр ёнида туриб гаплашай. Турғунбой ота?... Шунинг учун барибир бу ерда яшай олмасам керак.

– Онанг бир инсонни кутқараман деб ҳалок бўлди. Онанг дарёда. Унинг ҳар бир томчисида, ҳар бир заррасида, ҳар бир ўт-ўланида. Онанг ўлмаган... Сен бўлсанг тирик туриб ўзингдаги ўзингни ўлдиряпсан. Сен онангга муносиб фарзанд бўлмаяпсан!

– Ота!

– Мендан хафа бўлсанг ҳам гапнинг очиғи шу. ўғлим! Сен менга чакчаявермасдан, яхшиси, вақт топиб бу гапларимни бир танангга ўйлаб кўр. Ёкмаса, ўзинг биласан. Ҳаёт сеники.

– Мен барибир кетаман!



Турғунбой ота жаҳл билан қайрилиб, тез узоқлашаётган Дилмуроднинг ортидан афсусланиб бош чайқаб кўйди-да, йўлида давом этди.

Ота ховлиси дарвозаси ёнига келиб, кўлбола ўриндикка ўтирди.

Ховлидан кизи билан неварасининг гап-сўзлари эшитилди.

– Ойижон, шаҳарга ўтиб келсам дегандим.

– Тинчликми?

– Интернетга кириб, сиз берган янги номерларга телефон қилиб кўраман. Балки омадим чопиб, топиб оларман бу сирли Коммунахон опани. Кейин йўл-йўлакай сизнинг топшириғингизга кўра адам билан ҳам гаплашиб, сизнинг кизгин саломларингизни етказиб кўяман.

– Телефон қиб тушолсанг.

Гулнозанинг овозида истехзо сезилиб турарди.

– Мен тушаман, ойижон.

– Яхшиси, бир оз сабр қилиб тур. Серсенбой амакининг уйдан бешбармоқ келаяпти экан. Шуни сузиб берайлик. Еб бўлишганидан кейин бирга кетамиз.

Аммо киз кўнмади:

– Сиз бу ерда бўлиб туринг, ойижон. Мен ўзим бориб келаман.

– Автобус қаерда тўхташини биласан-а?

– Бултурги жойидами?

– Ҳа.

– Унда биламан. Балки кечаги таксичини чақирарман.

– Телефонини олганмидинг?

– Ҳа. Ҳар эҳтимолга қарши.

– Ҳой киз, – пўписа қилди Гулноза. – Кўзингга қара.

Ноила муғомбирлик билан қулди:

– Қарайман, ойижон, қарайман...

Жилмайиб қўйган Турғунбой ота ичкарига кирди:

– Ҳа, пучуквой, йўл бўлсин?

– Шаҳарга, буважон, шаҳарга. Сиз рухсат берсангиз, албатта.

Гулноза отасига савол назари билан қаради. Турғунбой ота бош ирғади:

– Майли, бир айланиб кела колсин. Учта чолнинг бошида ўтирадимми зеркиб?

– Ўзимнинг буважонимдан! – Ноила Турғунбой отанинг юзидан чўпчиллатиб ўпиб олди. – Бу гапингизнинг биринчи қисми учун, Иккинчисини эшитмадим.

Ноила чопқиллаб чиқиб кетди. Гулноза отасини уйга бошлади.

Олдинма-кетин Ўктабр ота билан Серсенбой ота кириб келишди.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас уч қариянинг олдига катта товоқда сергўшт бешбармоқ олиб кирилди. Одатдагидай, “гуруҳ”да ёши энг кичик эканлигини пеш килиб, негадир шу сабабли ўзига алоҳида иззат талаб этишни хуш кўрадиган Ўктабр ота таомга биринчи бўлиб қўл узатди, кейин Серсенбой ота, охирида мезбон.

– Саке. Адеми татти бўпти, а? – деб қўйди Ўктабр ота.

– Ийя, бесбармакка ўхшапти, – дея бош ирғаб қўйди Серсенбой ота.

Турғунбой отага бу илимилиқ мактов ёқмади:

– Ўхшапти эмас, ҳақиқий бешбармоқ бўпти. Саке! Кампирингнинг қўли дард кўрмасин.

Серсенбой ота бу гал бош чайқади:

– Буни кишик келиним писирген.

– Гапниям опқочасан-да, Саке. – кулди Ўктабр ота. – Кичик келининг ошпазлик қилганини қаердан билдинг?

– Ўсиндай кўришиб турипти-ғўй. Несини сўрайсин?

– Энди кўп таранг қилмай нима кўришиб турганини бизга айт, – деди Ўктабр ота. – Кейинги сафар бешбармоқни ким пиширганини билиб, ўшанга раҳмат айтайлик.

– Эгер бесбармақни кемпирим писирсе...

Серсенбой ота шу гапни айтгач, оғзига бир бўлак гўшт ташлаб, бемалол чайнай бошлади. Турғунбой ота билан Ўктабр ота унга қараб тураверишди.

– Гапир энди, Саке! – деди охири тоқати тоқ бўлган Ўктабр ота. – Шундай тураверамизми сенга қараа-аб?

– Қазир. Этти жеб олай. – Серсенбой ота ниҳоят гўшти еб бўлди. – Эгер бесбармакни кемпирим писирсе...

Серсенбой ота яна оғзига гўшт бўлагидан солди ва хотиржам чайнай бошлади. Тутакиб кетган Ўктабр ота товоқдаги каттакон суякни қўлига олиб, жўрасига кўз-кўзлади:

– Ҳўв Саке, гапирасанми-йўкми. Ё манави устихон билан бошингга бир уриб, биратўла тилсиз-забонсиз қилиб кўяйинми? Ана ундан кейин юрасан “кемпирим” дейишга зор бўлиб.

Серсенбой ота мутлако хотиржам эди:

– Эгер бесбармакни кемпирим писирсе...

Серсенбой ота яна оғзига гўшт бўлагидан солмоқчи бўлди, аммо Ўктабр ота унинг қўлидан маҳкам чангаллаб қолишга улгурди:

– Агар шуниям оғзингга солсанг, ўзимга жавоб бермайман лекин, Саке! Аввал айтадиганингни айт, кейин гўшти кўйиб, мана, Турғунбойга ўхшаб хаширдан е! Тишингни ая!

Бунаканги ғиди-бидиларга ўрганиб қолган Турғунбой ота бемалол овқатланаверди.

– Кўп, – рози бўлди Серсенбой ота. – Эгер бесбармакни кемпирим писирсе...

Ўктабр ота тутаб кетди:

– Саке! Айтдинг буни!

– Кўп, тусундим. Хулласи, эгер бесбармакни кемпирим писирсе...

– Ҳов Саке! – суяк билан пўписа қилди Ўктабр ота. – Уриб ўлдираман лекин! Буни айтдинг дедим-ку: Мақсадга ўт!

– Қазир. Асикбай тур-сей. Эсит, эгер бесбармакни кемпирим писирсе...

Ўктабр ота атрофга иложсиз аланглади, суякни товоққа қўйиб, каттакон пичокни қўлига олди:

– Ум-м! Охирги сўзларинг шу бўладиган бўлди. Саке!

– Қўй пишақди! – масъум ўсмир каби кўзларини пир-пиратди Серсенбой ота. – Қан шақирма!

– Сўйла дедим! – ўқирди Ўктабр ота.



– Сўйлабатирман-ку. Эгер бесбармакни кемпирим писирсе алдин сўрпасини бериб, кейин кампиримен этини бередди. Тушундингме?

– Уф-ф... – чуқур нафас олди Ўктабр ота. – Тушундим-эй. Шу гапни аччиқ ичакдай чўздинг-а!

– Сўраган сен, айткан мен...

– Лекин кампиринг тўғри қилади. Бешбармоқнинг шўрвасидан терлаб-пишиб бир коса ичсанг, ҳар қанақанги шамоллашдан қутуласан-кўясан.

– Қани, овқатга қаранглар, – манзират қилган бўлди мезбон.

– Биз қараб бўлдик. Энди еймиз. Айтиб қўяй, ҳар ким олдидаги гўштга хўжайин. Ҳамсояннинг территориясига ўтиш йўқ.

Чоллар иштаҳа билан овқатланишга тушишди.

Дераза ёнида “уч оғайни ботир”нинг болаларча қилиқларини жилмайиб қузатиб турган Гулноза бўш чойнакни кўтарганча ошхонага бораётган маҳал телефон жиринглаб қолди.

Рақамиданок маълум: Файзулланинг офиси. Демак, бир амаллаб адвокатлик бюросига етиб келган.

– Яхшимисиз, хоним. Отахон қалай?..

Эрининг дастлабки жумлалариёқ жувоннинг ичини музлатиб юборди: булар совуққонлик билан тил учида айтилган, беҳис навбатчи гаплар эди, ҳолос; баайни Файзулла хотинидан аҳвол сўраб қўйиб, бўйнидаги қарзини узаётгандай; сўрамаса ҳам осмон узилиб ерга тушмаслигини биладигандай...

Ваҳоланки, Гулноза баъзан мўъжиза қутаётган ёш кизалок мисоли турмуш ўртоғида фавқулодда эврилишлар содир бўлишини интиқлик билан кутиб қоларди: дейлик, ёниб-қуйиб, хавотирга тушиб, ҳаттоки рашк оловида жизғанаги чиқиб қўнғирок қилса, ҳеч қутилмаган пайти етиб келса, майли, озгина жанжал кўтарса, сўнг даредан қочган ўқувчини жазолаган муаллимдай, хотинини қулоғидан тортиб қайтариб олиб кетса: қайнотасини “отaxon”, қайнонасини “онаxon” демаса, меҳр билан “отам”, “онам” деса...



– Биз яхшимиз, – саломга яраша алик тарзида совуққина жавоб қайтарди Гулноза. – Отам ҳам яхши бўлиб қолдилар. Ҳозир уч ўрток бешбармок ейишяпти.

– Ҳа, унда яхши. Уларга саломимни айтиб қўйинг. Она-хон яхшимилар, Ноила-чи?

– Ҳаммамиз яхшимиз. Ўзингиз қалайсиз? – Шунча гапирмайман деса ҳам барибир Гулноза нишини бир суқиб олди: – Қулогингиз тинчиб, анча дам олгандирсиз?

Файзулла кулди:

– Бу нима деганингиз, хоним? Уйда ҳеч ким йўқ, ютиб юборай дейди.

Гулноза ўз хоҳишига қарши кейинги зарбани берди:

– Шунинг учун шунча телефон қилибам сизни уйдан тополмаётган эканмиз-да. На кечқурун топиб бўлади сизни, на ярим тун.

– Йўғ-э. Кечқурун уйда бўляпман-ку!

– Ўзингизни оқламанг, Файзулла ака. Назаримда, бунақа пайтлари ўзингиз ҳам ўзингизга ишонмайсиз шекилли.

Иззаг-нафси озор еган Файзулла ҳам пичингга ўтди:

– Ҳа, энди, касби бировларни оқлаш бўлган одамга ўзини оқлаш осон эмас-да. Айтадилар-ку, бўзчи белбоққа ёлчимайди деб.

– Ноила кўнғирок қилдими? – гап мавзуини ўзгартиришга шошди Гулноза.

– Йўқ хали.

– Менда бирон ишингиз бормиди?

– Бу нима деганингиз? Қачон келасизлар, шуни билмоқчийдим. Агар бугунам келмасаларинг, эртага ўзим бориб келсамми деб режалаштириб тургандим.

– Овора бўлманг. Биз... бугун тушдан кейин йўлга чиқа қоламиз. Ноиланинг ўқиши бор.

Молхона тарафдан пилдираб келаётган Маърифат хола кизининг сўнгги сўзларини эшитиб қолди.

– Фақат қизимизнинг ўқиши боис қайтмасизми? Бошқа сабаб йўқми?

– Тилимни қичитманг, Файзулла ака.

Маърифат хола гапириб ўтди:

– Қўёвимми? Биздан салом айтиб қўй. Айт, келсин бир айланиб.

– Мана, ойим ҳам сизга салом деяптилар.

– Онахон саломат бўлсинлар. Менинг ҳам саломларим...

Хўш, унда кечқурунга кутаверайинми?

– Насиб килса, – аранг ғазабини ичига ютиб гапирди Гулноза.

– Бўпти. Унда ўзим яхши бир кўлбола ош дамлаб қўяман. Йўлда овқатланиб юрманлар тагин.

– Хўп.

– Кечқурун кўришгунча, хоним.

Телефон ўчди. Ўйланиб қолган Гулнозанинг ёнига бўш пакир тутган Маърифат хола яқинлашди.

– Эртага эрталабдан йўлга тушардиларинг-да, қизим.

Гулноза кўтаринки кайфиятда гапиришга уринди:

– Кечки салкин билан ҳам бемалол етиб оламиз, ойи. Қўёвингизгайм айтиб қўйдим.

– Унда майли. Ишқилиб, олис йўлда худонинг ўзи асра-син.

– Мана, келдик, кўрдик. Анча хотиржам бўлдик. Отам ҳам, Ўқтабр амаким ҳам, Серсенбой амаким ҳам яхшилар. Қайтанга энди ўзингиз биз билан кетаверсангиз бўларди, ойи. Бахонада уч-тўрт кун дам олиб қайтардингиз.

– Э, отанг ёш боладай бўлиб қолган. Бир кун ҳам ташлаб кетиб бўлмайди.

– Ишқилиб сизларга “дом”имиз ёқмади-ёқмади-да, – кулди Гулноза. – Шошмай туринг, ховли ҳам насиб қилиб қолар. Ана ўшанда иккалангизни боғлаб бўлса ҳам олиб кетаман.

– Вой, у нима деганинг, қизим? Қўғирчоқдай уйинг бор. Кўрган одамнинг суқи киради. Маза қилиб яшайсан...

Ногоҳ Гулнозанинг кўлидаги чойнак тушиб кетиб, чилчил синди. Чўчиб кетган жувон чойнак синиқларига ачиниб қаради:

– Эсизгина. Янгигина эди-я.

– Кўявер, кизим. Келган бало шунга урсин.

Гулноза энгашиб, чойнак синикларини бир жойга йиға бошлади. Маърифат хола кизига кўмакка ошиқди.

\* \* \*

Туриб-туриб Ноилага алам килди. Аввал кишлокдан чиқишда, сўнг шаҳарга етиб келганидан сўнг атай кўнғирок килди, аммо Дилшод телефонини кўтармади. Бўлмаса гудоклар кетаяпти...

Шу сабабли ўйинлар ўйнаётган болаларнинг гала-говурига тўлган интернет-кафеда интернет оркали кизлик фамилияси Мэлсова бўлган аллақандай Коммуна Октябрьовнани излаётгани маҳал Дилшод телефон килганида энгаси котиброк жавоб килди:

– Алё. Эшитилмаяпти... Ҳа, билмасдан кўнғирок қилиб кўйгандим. Узр... Менми? Интернет-кафедаман. Дилшод ака... Сиз бемалол юраверинг... таксичилик қилиб... Мениям вақтим йўқ, ишим кўп... Эшитилмаяпти...

Ваҳоланки йигитнинг айбдорона овози балодек эшитилаётганди. Шундай бўлса-да, Ноила телефонни ўчириб, сумкачасига солиб кўйди.

Ниҳоят излаган одамни тополмай, тарвузи қўлтиғидан тушган ҳолда интернет-кафедан чиқиб келаётган Ноила шундоқ эшик ёнида Дилшодга тўқнаш келди. Йигит гапни кечирим сўрашдан бошлади:

– Узр, Ноила, минг бор узр, эрталаб телефонда гаплашолмадим.

Ҳали алами таркамаган киз чимирилди:

– Бемалол, Дилшод ака, бемалол. Бунча ўзингизни оклайсиз? Нима, мен бир нарса деяпманми?

– Сиз демасдан туриб дейсиз-да.

– Ростданам бемалол бориб ишларингизни давом эттираверинг. Нима қиласиз кимматли вақтингизни менга сарфлаб? Ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр.

Ноила жаҳл билан йўлақдан юриб кетди. Дилшод унга эргашди.

– Узр сўраяпман-ку.

– Узрингизни балиқчаларингизга обориб, майдалаб-майдалаб беринг. Зора коринлари тўйиб қолишса бечораларингизнинг.

Дилшод бирдан ғамгин тортиб қолди:

– Балиқчалар энди йўқ. Ноила.

– Нега энди йўқ бўларкан?

– Бугун кечаси... йўқ қилиб кетишибди.

Қиз ишонмади:

– Қанақасига йўқ қилиб кетишади? Қимга зарил экан ўша балиқчаларингиз?

– Менам шунни тушунолмаяпман.

Ноила тўхтади. қўлларини жуфт қилиб, кўкка кўтарди:

– Нахотки ҳаётингизнинг мазмунидан бир кечада айрилиб қолган бўлсангиз. Дилшод ака? Энди нима қиласиз? Хойнахой, дунё кўзингизга қоронғи, мен эса шу қоронғи дунёдаги алвасти бўлиб кўринаётгандирмиз?

– Мазах қилманг. Ноила. Бу иш ҳақиқатан ҳам мен учун жуда қадрли эди.

Қиз шафқатсиз тарзда йиғитнинг устидан қулишда давом этарди:

– Ҳай-ҳай, ҳозир йиғлаб юбораман. Эҳтёт бўлинг-а, кўз ёшларим дарё бўлиб, балиқлари сизни ютиб юборишади.

Дилшод йўл чеккасидаги ёзги қаҳвахонага ишора қилди:

– Юринг, яхши музқаймоғи бор.

Аммо қиз ҳузурланиб ўч олишда давом этарди:

– Импорт балиқчалар дардида ёнган-қуйган юрагингизни сал совутиб олмоқчимисиз? Бунинг учун бир челақ музқаймоқ етадим. Дилшод ака?

– Ноила, илтимос, мазах қилманг. Ундан кейин, балиқчалардан бошқа гаплар ҳам бор.

– Майли, юринг. Ўшаларингизга бирга мотам тутамиз.

Қаҳвахонага кириб, чеккароқдан жой олишди. Дилшоднинг ишораси билан официант музқаймоқ, шарбат олиб келди.

Йиғит шарбат тўла стаканни қиз томон сурди:

– Марҳамат.



– Раҳмат. Бу дунёда сизни баликлардан бошқа нарса-лар ҳам кизиктиришини эшитиб, очиги, хайрон қолдим. Марҳамат, гапираверинг, нима демокчи эдингиз?

– Мендан бекорга жаҳлингиз чикяпти. – Дилшод шу томонга келаётган ўртоғини кўриб қолди. – Ис, Мансур!

Мансур улар ўтирган стол ёнига келди:

– Яхшимисизлар.

– Яхшимисиз, – деб қўйди киз.

– Кел, ўртоқ. – Мансур ўтиргач, Дилшод уни Ноилага таништирди: – Бу менинг энг яқин дўстим, Мансур. Синфдошим. Бу эса Ноила. Тошкентдан келган меҳмон. Айтгандим-ку.

– Айтгандинг. Яхшимисиз, Ноилахон. Уйдагилар яхши эканми?

– Раҳмат... – Қиз яна Дилшодга мазахомуз каради: – Мени бутун шаҳарга танитиб улгургансиз шекилли?

– Йўғ-э. Айтдим-ку, Мансур энг ишонган дўстим деб... Официант.

Официант киз чопкиллаб келди.

– Бизга яна музқаймоқ, шарбат... Ё бирон нарса ейсанми, ўртоқ?

– Менга ҳеч нарса шарт эмас. Ўтиб кетаётиб, машинангни кўриб қолдим. Ҳали бозорга боришим керак. Сизлар бемалол.

Дилшод кизга қараб изоҳ берди:

– Мансур бозорда балиқ сотади.

– Ҳа, тирикчилик шундан, – жилмайди Мансур.

– Озгина ўтир, ўртоқ, – ялинди Дилшод. – Бозор қочиб кетмайди.

Мансур кўнди:

– Майли, озгина бўлса ўтираман.

Официант музқаймоқ билан шарбат олиб келди.

Мансур киздан сўради:

– Шаҳримиз ёқдими сизга?

– Ёмон эмас. Лекин менга қишлоқ кўпроқ ёқади. Шундоқкина дарё бўйи. Салқин.

– Буни қаранг-а, – ёйилиб илжайди Мансур. – Дидимиз бир экан...

– Ростдан-а? – Танишганларидан бери киз биринчи марта Мансурга қизиксишиб қаради: – Сизга овулнинг яна нима-си ёқади?

Шу билан киз-йигит суҳбати бошланиб кетди. Ноила Мансурнинг ҳар бир гапини диққат билан эшитар, маъқуллаб бош ирғар, ундан кўзларини узмасди. Дилшод ҳайрон бўлиб Ноилага бир-икки қаради. Аммо киз намойишкорона тарзда Дилшодга эътибор бермас, гўё дунёда шундай йигит борлигини унутгандай, ўзини Мансурнинг гапларини берилиб тинглаётгандай тутарди...

Ўч олишнинг бунақанги қадимий усули қаҳвахонадан чиққан маҳаллари ҳам давом этди. Ноила атайлабдан фақат Мансур билан гаплашиб келар, қовоғи тушиб кетган Дилшод томонга қараб ҳам қўймасди. Учовлон Дилшоднинг “Нексия”си ёнига келишди. Машина ёнида Мансурнинг “Москвич”и ҳам турарди.

– Энди қаёққа, Ноилахон? – сўради Мансур. – Балки бир оз шаҳар айланармиз.

– Жон-жон деб айланардим-у; – афсусланиб бош чайқади Ноила, – лекин овулга етиб боришим керак. Насиб қилса бу-гун ойим билан жўнаб кетамиз.

– Энди танишганимизда жўнаб кетасизми?

Тоқати тоқ бўлган Дилшод орага сукилди:

– Ўзим обориб қўяман.

Қиз Дилшоднинг гапини эшитмагандай Мансурга му-рожаат қилди:

– Сизники анави “Москвич”ми?

– Ҳа, шу дулдул меники, – илжайди Мансур.

– Бунақа машиналарнинг салонини кенг дейишади. Шу ростми?

– Кенг ҳам гапми, сарой дейсиз, сарой! – ҳовликиб машинасини мақтай кетди Мансур.

– Ростдан-а. – Ноила машина ойнасидан ичкарига қаради, истехзо билан гапирди: – Айрим таксичиларнинг бибурдли-

ги роса жонга тегиб турганди ўзи. Овулгача неча пулга обориб қўясиз, Мансур ака?

– Тошкентгача десангиз ҳам текинга обориб қўяман, Ноилахон.

Қиз эшикни очди, хайдовчи ёнидаги жойга қаради, бирдан фикридан қайтди:

– Йўқ, кенг эмас экан. Мен яхшиси автобусда кетаман. Беминнатгина. Ҳам кенг-мўл...

– Ие, нега унақа дейсиз, Ноилахон? – хайрон бўлди Мансур. – Биз турганда тикилинч автобусда нима бор?

– Жойни мендан олдин банд қилиб қўйишибди-ку!

Қиз нари юрди. Мансур ажабланиб ўриндиққа қаради. Дархақиқат, унда тесқари ўгирилган бир сурат билан диск ётарди. Мансур қўлига олган суратда ўзининг дарёда, қамишзор орасида тиланчи аёлнинг майити солинган қопни чўқдираётгани акс этганди.

Ўйигитнинг ранги ўчиб кетди. Ўртоғига ўшшайиб қараб турган Дилшод бирдан хушёр тортиб, унинг ёнига келди ва суратни кўрди.

Оғир-оғир нафас олаётган Мансурнинг бўғзидан хир-қираган овоз чиқди:

– Ў-ў...

Дилшод аранг:

– Мен... мен ҳозир... – дея олди.

У гандираклар йўлга чиқди, йўлдан келаётган, томида “такси” белгиси бор “Матиз”га қўл кўтарди.

Машина тўхтади. Унинг хайдовчиси, олтмишлардан ошган, дўппили одам ойнадан бошини чиқарди:

– Тинчликми, Дилшоджон?

Дилшод хайдовчини таниди:

– Ҳа, бу сизми, Амиркул ака... Яхши бўлди. Мана. – У чўнтагидан бир даста пул чиқариб бергач, йўл четида шошмасдан кетиб бораётган Ноилага ишора қилди: – Илтимос, меҳмонни “Сайхун”га обориб қўйсангиз. Дарё бўйидаги қишлоқ бор-ку.

– Биламан.

– Турғунбой отанинг уйи десангиз ҳамма билади. Бу қиз отанинг невараси. Илтимос.

– Бемалол. – Хайдовчи пулга қаради: – Лекин бу кўп-ку. Дилшод кўл силтади ва чопиб қизга етиб олди.

– Ноила!

Қиз ўгирилди, коп-қорайиб кетган Дилшоднинг аҳволини кўриб ажабланмади, балки ўзича “рашк қияпти”, деган ўйга боргандир.

– Амиркул ака сизни уйингизгача обориб қўяди. Ўтиринг. Кейин гаплашамиз.

“Матиз” яқинлашди.

– Келинг, қизим. Баҳонада бобонгизниям кўриб келаман. Кўп йиллар бурун у киши билан балиқ артелида бирга ишлаганмиз.

Дилшод машинанинг орқа эшигини очиб турди. Ноила ўтирди.

Машина йўлга тушгандан кейин Дилшод энди Мансурнинг ёнига чопди.

Мансур машинасида гаранг аҳволда ўтирарди.

– Бер-чи! – деди Дилшод ҳарсиллаб.

Мансур суратни берди. Суратнинг паст қисмига сана билан соат ҳам ёзилиб қолганди.

– Буни... буни ким ташлади?

Мансур елка қисди.

– Эшикни қулфламаганмидинг?

– Йўқ. Кираману чиқаман деб.

– Бу нима? – қалт-қалт титрарди Дилшод. – Шантажми?

– Билмадим.

Оғир уф тортган Мансур алам билан бир неча маротаба машина рулига бошини урди.

– Яна борми?

Мансур ўриндикдаги дискни олиб узатди. Дилшод орасига диск солинган қоғозни очди. Унда “25 000 \$” ёзуви бор эди.

– Бизникига ўтайлик-чи.



Икковлон Дилшоднинг машинасига боришгач, Дилшод дискни ноутбукига кўйди.

...Экранда камишзор ичида маййит солинган копни кўтариб кетаётган Мансур... Копни дарёга чўктираётган Мансур...

– Ўчир! – кичкириб юборди бошини чангаллаб қолган Мансур.

– Шантаж қилишмоқчи! – алам билан муштларини тугди дискни компьютердан олган Дилшод. – Телефон қилишади. Мана кўрасан.

– Шунча пул? – кўзлари олайиб кетди Мансурнинг. – Ундан кўра мен ўзим ҳаммасини бўйнимга олиб, камалиб кетганим яхши... Қара, ҳаракатларим бекорга кетмапти. Бу ишни қилган одамлар сендан беҳабар.

– Сенингча мен ўзининг ўрнига ўртоғини каматиб юборадиган йигитга ўхшайманми? Ё сени жарга итариб ташлаб, ўзим маза қилиб юра оламанми?

– Лекин...

– Шошма. Ўйлаш керак, ўйлаш...

Дилшод алам билан пешонасини чангаллади. Унга илинж билан қараётган Мансур туйқусдан ойна артгич тагида турган кичкина конвертчани кўриб қолди.

– Бу яна нима? – Мансур машинадан тушиб, конвертни очди-ю, унинг ичидан чиққан кичик суратни кўрган захоти инграб юборди: – Им-м...

– Нима? Нима?

Мансур жавоб ўрнига қўлидаги суратни кўрсатди. Унда зинадан ерга қулаб тушаётган тиланчи аёлга ваҳима билан кўл чўзиб турган Дилшод...

Бу гал уларнинг ўзларига келиб олишларига анча вақт кетди... Ахири Мансур тилга кирди:

– Ўртоқ... Булар каттиқ олишди. Кўзир қарталарнинг бари буларнинг қўлида. Менимча...

– Нима демоқчисан? – руҳсиз пичирлади Дилшод

– Ҳеч бўлмаса сени қутқариб қолмоқчийдим. Ҳаммасини ўзим бўйнимга олмоқчийдим... Лекин буни кўргандан кейин... Менимча... менимча... улар сўраган пулни бериш ке-

рак. Видеонинг оригинали эвазига, албатта. Шу билан бизни тинч қўйишса... Мен камбағал бир балиқчиман. Буни уларам яхши билишса керак. Демак уларнинг асосий нишони сен бўлгансан. Балки... Пул одамнинг жонидан азиз бўлдим, ўртоқ. Балки савдолашсак, сал тушишса, бериб юборсанг-чи шу пулни. Қутулардик. Агар бермасак... Бир кун қамоқда ётганингга арзитайди бу...

– Тўғри, пул одамнинг жонидан азиз эмас, ўртоқ. Бироз йиққанимам бор эди. Лекин, ўртоқ, очиги, боримни анави ишга сарфлаб қўйгандим. Россиядан увилдирик олиб келиш, МЧЖ очиб, озука, қайиқ, маош... Ҳатто машинани гаровга қўйиб қарз олишимга ҳам тўғри келди. Шунинг учун, минг хоҳласам ҳам сенга битта тузукроқ машина оберолмадим-ку.

Бу гаплар Мансурни қарахт аҳволга солиб қўйди:

– Йўғ-э? Ростданми?

– Рост, ўртоқ, рост. Ишларим юришиб кетишига жуда ишониб тургандим-да. Ахир қанча ҳисоб-китоблар, уйқусиз тунлар... Охири бунақа бўлиши кимнинг хаёлига келибди?..

Велосипед қўнғироғи жиринглади. Уларнинг ёнига келиб тўхтаган болакай қўлидаги конвертни узатди:

– Саломалайкум. Буни сизларга бериб юборишди.

– Ким берди? – гарангиб сўради Дилшод.

– Бир амаки.

Болакай қайтиб кетди. Дилшод конвертни очди, ичидаги қоғозни олди. Компьютерда, катта ҳарфларда терилган матн: “СОАТ УЧДА. 12-КОНТУРДАГИ ҚАМИШЗОРДА. 25 000 \$ БИЛАН. БИТТАНГ КЕЛ!”

Дилшоднинг тишлари ғижирлади:

– Бошланди...

Хатни ўқиган Мансур сўради:

– Энди нима қиламиз?

– Билмадим... Менимча бизга битта йўл қолди: милисага бориб, ҳаммасини тан олиш. Ахир, мен атай қилмадим, эҳтиётсизлик...

Мансур қатъий бош чайқади:

– Ишонишмайди! Энди иккаланг тил бириктириб килгансан бу ишни деб ҳар биримизга ўн беш йилдан беришади. Балки йигирмадан илиб қўйишар. Шу билан ҳаммаси тамом: эртанги кун ҳам, келажак ҳам...

– Унда нима кил дейсан?

– Очиги... очиги, сен учун 25 минг арзимаган пул деб ўйлардим.

– Қўйсанг-чи, ўрток! Нима, мен миллиардернинг эркак-тойманми?

– Одамлар шунака дейишарди-да.

– Сен одамларга ишонасанми, менгами?

– Ўрток, хафа бўлмагин-у, менимча сен даданга ишона-япсан. Пахан зўр, барибир йўлини қилиб олиб чиқиб кетади деб ўйлаяпсан. Ҳаммасига битта Мансур айбдор бўлиб чиқаверади. Шунақами?

– Бу нима деганинг, ахир биз қиёматли ўртоқмиз-ку.

Негадир Мансурнинг жаҳли чиқа бошлади:

– Қиёматли ўртоқмиз дейсан, лекин шу ўртоғингдан арзимаган пулингни аяяпсан? Менга ўхшаб кунини аранг кўраётган йигит бўлганингдаям майлийд.

– Мансур, сени тушунмаяпман! Бу нима деганинг? Пул дейсан, мен сен учун жонимни ҳам аямайман.

– Тилда жонимни аямайман дейсан, лекин амалда... – ўпкаси тўлган Мансур гапиролмай қолди. Сўнг хатни Дилшоднинг қўлидан юлқиб олди. – Бу ёққа бер! Ўзим бораман. Тушунтираман, илтимос қиламан, керак бўлса тиз чўкиб ялинаман... Ишқилиб, емаган сомсамга пул тўлайман.

– Мансур! У ёққа боришнинг ҳеч бир кераги йўқ.

– Керак! Бу аблахларни ўз кўзим билан кўрай. – Мансур илдам бориб машинасининг ўриндиғи тагидан каттагина пичок олиб, қўйнига тикди. – Оч биқинига шартта сукаман! Ана ундан кейин ҳақиқий жинойатчи бўламан-қўяман. Сен оппоқ бўласан-қоласан. Ана шунда кечаси милиса келиб ўйимдан қўлимни қайириб олиб кетсаям биров ажабланмайди.

Дилшод ўртоғининг елкасидан маҳкам чангаллаб тўхтатди:



– Ўзингни бос, оғайни! Бундан бир нарса чиқишига ишонмаяпман, лекин жуда бориш керак бўлса ўзим бораман.

– Шундай... қуруқ қўл билан бораверасанми? Ахир улар сени нимталаб ташлашади-ку!

– Одам ўлдирриш осон бўптими, ўртоқ? Қани, бораини, кўрайин-чи. Балки келишиб олармиз.

– Қани энди шундай бўлса... – бирдан бўшашиб қолди Мансур. – Сен мендан хафа бўлма. Эркин юрган одам бирдан у ёққа тушишини ўйласа... ёмон бўларкан.

– Ҳечқиси йўқ. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, ўртоқ. – Дилшод соатига қаради. – Мен секин йўлга тушаверай.

– Мен изма-из бораман.

– Керак эмас. “Биттанг кел” деб шарт кўйилганми, битта ўзим бораман. Сен уйингда бўлиб тур. Бир нима бўлса, кўнғирок қиламан.

Дилшод машинасига чиқди, моторни ўт олдириб, тез юриб кетаркан, жойида қотиб қолган Мансурга қараб қўл силкиди, ҳатто жилмайиб ҳам кўйд...

Бу жойларни яхши биладиган Дилшод ярим соатларда айтилган манзилга етиб келди. Дарҳақиқат, бу ерлар ҳатто мол-пол кирса ҳам адашиб қоладиган даражада қалин ва анчагина катта ҳудудни эгаллаган қамишзор эди.

Машинасини тупроқ йўлда қолдирган йигит қамишзор томон юраркан, атрофга алаңлади. Ҳеч ким кўринмади.

– Ҳой, ким бор? Мен келдим.

Жимлик. Фақат қамишларнинг сокин шовуллашию, сувнинг жилдираб оқиши эшитилади. Дилшод олдинга юраверди.

– Ким бор?

Ногоҳ қамишлар орасидан учиб чиққан қушлар тўдаси йигитни чўчитиб юборди. Худди шу маҳал Дилшод ортида нимадир шитирлаганини ҳам эшитгандай бўлди. Шошиб шу томонга ўгирилмоқчи бўлган йигитнинг бошига оғир ғўла билан қучли зарба берилди. Дилшод “гуп” этиб қулади...

Кимдир беҳуш Дилшодни оёғидан тортиб судраб кетди.



Камерага ташланган Тохирнинг ўзига келиши кийин кечди. Токати тоқ бўлган, озрок хавотирга ҳам тушган лейтенант Назаров каравотда чўзилиб ётган инспекторни тиббий кўрикдан ўказиш учун шифокор чакирди.

Ора-сира ғудраниб кўяётган, кўтарилган кўлини ташлаб юбораётган, боши “шилк” этиб кўкрагига тушаётган Тохирни бир амаллаб текшириб кўрган кекса шифокор каддини ростлади:

– У маст. Ҳаёти учун бошқа ҳеч қандай хавф йўқ.

– Шунақа денг. Сержант, чўнтақларини кўринг-чи.

Тохирнинг ички чўнтагидан гувоҳнома билан биргаликда бир даста пул чиқди.

– Бунисиям тўғри келаяпти... – қошларини чимирди лейтенант.

– Кетсам бўладими, ука?

– Тиббий ҳулосангизни ёзиб бериб, баённомани имзолашингизга тўғри келади. Сизни ортиқ безовта қилмаймиз. Аммо биз жинорий иш очиб, делони терговга ўтказганимиздан кейин бирон ҳолатга аниқлик киритиш зарурати туғилса терговчи сизни чақириши ёки олдингизга ўзи бориши мумкин.

– Бемалол.

– Сержант. Инспекторнинг олдига ҳеч қимни киритманг!

– Барибир аҳволдан хабар олиб туриш керак менимча, – Тохирга ачиниб қаради шифокор. – Оғзи билан ётиб қолса, нафаси қисилиб, ўлиб қолишيام мумкин.

– Кўркманг, бунақаларни балоям урмайди, – жаҳл билан кўл силтади лейтенант. – Юринг, доктор. Фамилияси қанақа эди, Холиёровми? Қани, аввал текшириб кўрайлик-чи, шунақа одам ҳақиқатан ҳам инспектор бўлиб ишлайдими ёки йўқми? Эшитишимга қараганда, уч-тўрт олғир сохта гувоҳнома билан одамларни қон қакшатиб юрган эмиш. Буям ўшаларнинг бири бўлмасин.

Йўқ, инспектор Холиёров “ўшалардан бири” бўлиб чиқмади. Бош инспектор Равшан ака чиндан ҳам кўл остида шундай исм-фамилияли инспектор ишлашини айтди.

Унинг “Тинчликми?” деган саволига жавобан лейтенант пичинг қилди:

– Холиёров бизда. Чўнтагида жарақ-жарақ пул. Нима, ходимларингиз сменага чўнтақларида пул билан чиқишадими? Дарёнинг ўртасида дўкон бор-да, а? Хуллас, ортиқча савол бериб ўтирмаслигингиз учун олдиндан айтиб қўяй, ходимингиз ўйиндан ўт чиқарганга ўхшайди. Ўхшайди ҳам эмас, аниқ. Жабрланувчиларнинг аризалари кўлимизда. Қолганини тергов аниқлайди.

Лейтенант шу гаплари билан бош инспекторни ваҳима комида қолдирган кўйи телефонини ўчирди.

\* \* \*

Қариялар дарё бўйига чиқишди.

Қирғоқда Турғунбой ота одатига кўра ёғоч кемача яшашда давом этди, негадир кайфиятсиз Ўктабр ота эса дарёга термилиб ўтираверди.

– Умр ҳам худди шу сувдай оқиб ўтиб кетаверар экан-да, а, Турғунбой? – деди у ниҳоят оғир сўлиш олиб.

– Йўғ-э? – жилмайди Турғунбой ота. – Қариганингда катта бир ҳақиқатни тушуниб етибсанми?

– Авваллариям тушунардим, лекин ҳис қилмасдим. – Ўктабр ота жиддий эди. – Тушуниш бошқа, ҳис қилиш бошқа экан.

– Балки шундайдир... Менга эса ўтган умрим худди тушга ўхшаб кўринади, жўра.

– Туш эмиш! Ана. Сакени қара. Саккиз фарзанд, эллик не-вара, юздан ошиқ чевара, яна аллақанчаям эвара... Бечора санаб саноғигаям етолмайди. Ҳозирам бир вагон чурвақанингни ичида ўтиргандир.

– Буям бир бахт-да.

Ўктабр ота баттар маънос бўлиб қолди:

– Тўғри айтасан. Қизим болалигида неча марта “Нега менинги укам ё синглим йўқ?” деб сўраганида нима деб жавоб беришни билмай қолганман.

Йўлдан ўтиб бораётган Дилмурод кўринди. Ўқтабр ота йигитча томонга кўзини кисиб қаради:

– Тохирнинг боласими?

– Ҳа, ўша.

– Жуда қайсар деб эшитаман, шу ростми?

– Қайсар ҳам гапми? – уф тортди Турғунбой ота. – Икки гапининг бири “Кетаман”.

– Қаёққа кетаркан? – жаҳл билан пишқирди аста-секинлик билан бўлса ҳам одатий кайфиятига қайта бошлаган Ўқтабр ота. – Нима, уйдан илон чиқиптимми бунча?

– Биласан-ку.

Ўқтабр ота сабрсизлик билан Дилмурод томонга кўл силтади:

– Ҳой бола! Қани, бу ёққа кел-чи!

Йигитча истар-истамай қайрилди.

– Ассалому алайкум.

– Яхшимсан, – деб кўйди Турғунбой ота.

– Ваалайкум ассалом. Қани, бу ёққа чўк-чи.

Дилмурод Ўқтабр отанинг ёнига ўтирди.

– Мана сен ўкиган-билган, тушунган боласан, – гапни узокдан бошлади қария. – Мана шу олдимизда оқиб ётган дарё муборак дарё десам ишонасанми?

– Унчаликмас, – дарёга эмас, ерга қараб жавоб қайтарди Дилмурод.

– Нега энди “унчаликмас”?

– Ўзингиз бунга тўлиқ ишонасизми?

– Шак-шубҳасиз. Икки юз фоиз.

– Бунга далилларингиз ҳам борми?

– Бор бўлганда қандоқ! Кел, биринчи далилдан бошлаймиз. Она дарёмизда ҳазрати Юнус пайғамбарни ютиб юборган, уни уч кеча-кундуз қорнида асраган балиқнинг авлодлари яшайди.

Дилмурод истехзоли кулди:

– Китобларда Юнус пайғамбар Дажла дарёсидан кемада денгизга чиққанида наҳанг ютиб юборган деб ёзилган. Дажла қасқда-ю, бизнинг дарё қаёқда.

– Кўриб турибмиз, билимдон экансан, – бўш келмади Ўктабр ота. – Лекин унақа дема. Биринчидан, дарё бўлмаса денгиз бўлмайди. Иккинчидан, дунёнинг барча дарёлари бир-бири билан боғланиб туради.

– Бизга бунақа ўқитишмаган, – қайсарлик қилди Дилмурод.

– Дарёларнинг ер устидан бўлмаса ҳам ер остидан бир-бири билан боғланиб туриши аниқ. Хўш, ўзинг шунча ўқимишли экансан, балиқни нега тукман ҳалол дейишларининг сабабини биларсан?

– Ҳа, энди, балиқ сувда яшайди-да, – деб қўйди йигитча ҳафсаласиз.

– Бор-йўғи шуми? – ажабланди чол.

– Шу.

Турғунбой ота суҳбатга қўшилди:

– Балиқнинг ўлганиям ҳалол, тиригиyam. Шунинг учун олдиндан ойқулоғидан сўйиб қўйилган.

– Тушундинг, болакай? – мамнун қилди Ўктабр ота. – Майли, ҳозирча бугун эшитганларининг хазм қилиб тур. Энди мен сенга иккинчи далилни айтиб бераман.

– Кўпми далилларингиз? – сал бетоқатланиб сўради Дилмурод.

– Кўп. Лекин санамаган эканман.

– Санамаям, баракаси кетади, – жўрасининг гапини маъқуллалади Турғунбой ота.

– Эшитдингми, жигит?

– Эшитдим.

– Шунақа, ота ўғил.

Шу маҳал уларнинг ёнига Равшан ака ҳаллослаб етиб келди.

– Э, бормисизлар, оқсоқоллар!

– Тинчликми, бунча ит қувган соковдай ҳовлиқиб келаяпсиз, Равшанбой? – ҳайрон бўлиб сўради Ўктабр ота.

– Ҳозир, ҳозир. – Нафасини ростлашга уринаётган Равшан ака энтиқиб Дилмуроддан сўради: – Даданг қани?



– Ишда.

– Ишда? – Равшан ака ерга беҳол ўтириб қолди. – Нахотки ҳаммаси рост бўлса?

Дилмурод хавотирланиб қолди:

– Дадамга бир гап бўлдимми, Равшан ака?

– Сотканг борми? – “Ҳа” жавобини олган Равшан ака шоширди: – Тез, тез даданга телефон қил-чи. Овозини чиқариб қўй.

Дилмурод хайрон бўлиб қўл телефонида ракам терди. Аппаратдан “Телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида” деган овоз келди.

– Бир гап бор бу ерда... – Равшан ака бош чайкади.

– Ёрилсангиз-чи бундоқ, Равшанбой, – қаттиқ гапириб юборди Ўктабр ота. – Шундан-шунга, яна пойи-пиёда бекорга келмагандирсиз.

– Оксоқол, милисадан телефон қилишиб, “Холиёров бизда” деб қолишди. Телефон қилсам, соткаси доирадан ташқарида. Шунга юрагим ёрилиб чопиб келаётганим.

– Қанақа милиса, Равшан ака?

– Анигини билмадим-у, лекин даданг бир ёмон иш билан тушиб қолганга ўхшайди. Ҳарқалай, яхшилиқка эмас-ов бу. Телефон қилган милиса жуда дарғазаб эди.

– Яхши ният қилинг, ука, – деди Турғунбой ота. – Тохир унака одамлардан эмас.

– Туянинг думи ерга тегибди дейишса ишонаман, лекин Тохирнинг ёмон иш қилиб милисага тушишига ишонмайман! Кўз олдимда ўсган бола у, – ишонч билан таъкидлади Ўктабр ота.

– Шунака дейсиз-у, оксоқол, одамнинг оласи ичида бўларкан. Ўтган йилиям биттаси мулойим супургидай бўлиб юрди-юрди. Охир бир кун қарасак, – Равшан ака бармоқларини панжара қилиб кўрсатди, – шунинг орқасида ўтирибди. Орада менинг бир ой шаҳарга лўкиллаб чопиб, сўроқ берганим қолди.

– Сизга чопиш фойдали, – кесатди Ўктабр ота. – Лекин аввал ўйлаб, кейин сўйланг, Равшанбой. Бизнинг Тохир

сиз айтган мулоқим супурчилардан эмас. Эркак у; эркак! Маҳалла оқсоқоли сифатида айтиб кўяй: тўғри, Тохир ўжар, кайсар, ўзбилармонрок, лекин ҳалоллигига гап йўқ. Бунақа кадрни кундузи чирок ёкиб ҳам топиб бўлмайди, Равшанбой.

Равшан акага жон кирди:

– Агар у ёқдан сўраб қолишса, шунақа деб ёзиб бера-сиз-да, оқсоқол. Ҳаркалаёй, менгаям яхши. Ишга олганимда жамоатчилик фикрини ўрганганман деб туравераман. Ахир кадрларга мен жавоб бераман.

– Равшанбой! – жаҳдан лаблари пир-пир учди Ўктябр отанинг. – Элбўрутдан ваҳима қилманг. Арзимаган нарса бўлса, эртага ўзингиз уялиб коласиз. Ўзи ким сизга телефон қилди?

– Лейтенантман деди. Фамилиясини айтувди. Адашмасам... Назировмиди-ей.

– Назаров. Учрашувга келганида савол беравериб роса бошини котириб ташлаганман. Эсида бўлса керак. Хўш... Манави мўъжиза шунақа пайтлари роса кўл келади-да. – Ўктябр ота чўнтагидан кўл телефонини чиқариб, рақам терди.

– Сиз... сиз милисага телефон қиляпсизми? – ваҳимага тушиб сўради Равшан ака.

– Телефон қилсам нима қипти?

– Балки шарт эмасдир. Ортиқча ташвишнинг нима кераги бор, оқсоқол?

– Бу ерда ўзимизча фол очиб, ич-этимизни еб ўтиришимиз ташвиш эмасми?.. Алё. Шаҳар ички ишлар бошқармасими? Мен “Сайхун” кишлоғидаги Гулзор маҳалласи оқсоқоли Ўктябр Мэлсов бўламан. Октябр эмас, Ўктябр. Менга лейтенант Назаровни улаб берсангиз. Зудликда... Маҳалламиз фуқароси масаласида... Раҳмат. Қутиб тураман... Алё. Ваалайкум ассалом, Назаров болам. Мен Ўктябр амакингизман. Ҳа, ўша оқсоқол. Шу... инспектор Тохир Холиёров масаласида кўнгиروق қилаётгандим... Ҳа, у йигит бизнинг маҳалладан. Мана, ёнимда қарчиғайдай ўғли ҳам турибди... Кимдан дейсизми? – Ўктябр ота Равшан акага қаради, аммо у жон-

жаҳди билан қўлларини силкиб, “мени айтманг” ишорасини килди. – Тасодифан эшитиб қолдим. Энди, биласиз-ку: гап тез таркалади... Тохир ажойиб йигит... Ҳм-м... Шунақа денг... Йўғ-э?! У ичмайдиам, чек... Қанақа жиноний иш? Ўйлаб гапиряписизми?.. Майли. Назаров болам, бирон тушунмовчилик юз бергандир... Майли... Эртагами? Бўпти. Хаёр.

Ўктабр ота телефонни ўчирганча ўйланиб қолди.

– Нима бўлди? Бир гап бор эканми? – ҳовликиб сўради бош инспектор.

– Ҳозирча... ҳеч гап йўқ. Ҳеч нарса аниқ ҳам эмас.

– Дадамга нима кипти, Ўктабр ота?

– Айтдим-ку ҳеч нарса қилмапти деб. Бир тушунмовчилик юз берганга ўхшаб турибди.

– Бошқармадамикин? Мен ҳозир жўнайман.

– Шошилма, ўғлим, бирга борамиз. Назаров эртага келсаларинг яхши бўларди, дегандай бўлди.

– Эртага дедими? – баттар ҳовлиқди Равшан ака. – Ана, айтмадимми, бу ерда бир гап бор... Ўзи шу йигитдан кейинги пайтлари анча шубҳаланиб юргандим. Мана, бекорга эмас экан.

– Қизик, Равшанбой, нимадан шубҳаланиб юргандингиз, билсак бўладими?

– Марҳамат, Ўктабр ака. Масалан, Тохирни ичмасдиям, чекмасдиям дедингиз. Менам шундай деб юрардим. Лекин у чекаркан, ҳа, чекаркан! Чеккандаям яширинча чекаркан.

– Нахотки? Буни қандай фош қилдингиз, агент номер 007?

Оқсоқол ўзини майна қилаётганини сезмаган бош инспектор баттар ҳовлиқди:

– Жуда осон. Буни ўзи тан олди. Яширинча чекиб ўтириб, қайиғини ёндириб юборганидан кейин ноилож тан олди. Яқиндагина.

– Буни қаранг-а! Хўш, яширинча чекса нима кипти? Бу жинойятми?

– Яширинча чеккан одам яширинча ичадиям, – чуқур мантикий мулоҳаза юритишда давом этди Равшан ака. – Мана мени айтди дейсиз.

– Ичса нима қипти?

– Яширинча ичган одам... нима десак экан... халиги... ха. конунбузарликка мойил бўлади... Бизам ўкиганмиз... Эшитдик. жинной иш дедингиз. Демак. дело очилган. тўғрими? Касални яширманг. барибир иситмаси ошкор қилади. оқсоқол. Бизда бегуноҳларга дело очишмайди, ха... Хўп, мен идорада бўламан. Ҳар эхтимолга қарши Холиёровнинг ҳужжатларини тайёрлаб тураман. Ким билади, балки у кечадан бошлаб ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшагандир-у... Хўп, хўп, – дея кўлини кўксига кўйди у Ўктабр отанинг ўзига газаб билан яқинлашиб келаётганини кўриб. – Буни шунчаки айтдим-кўйдим-да. Вариант сифатида... Лекин бир нарса аниқ бўлса тўғри ўзимга тез хабар қилинглар... – Бош инспектор қайтиб кетаркан, тўнғиллади: – Э, худо, қилғиликни бошкалар қилади, жавоб бериш бўлса менга тан...

– Сен қаёққа? – сўради Ўктабр ота кишлоқ томон шошиб кетаётган Дилмуроддан.

– Шаҳарга, – деб қичқирди аллақачон узоклашиб бўлган Дилмурод.

– Ха, боласи тушмагур-а. – Ўктабр ота Турғунбой отага қаради. – Жўра, кемангни кейин битирасан энди. Бориб Тохирдан хабар олайлик-чи.

Турғунбой ота ўрнидан турди:

– Уйга юр. Гулнознинг машинасида бора қоламиз.

Иккала оқсоқол шошиб ҳовлига кириб келишганида Маърифат хола билан Гулноза нарсаларни “Нексия” юкхонасига ортишмоқда эди.

– Гулноз! Гулноз дейман!

Отасини ранги ўчган ҳолда кўрган Гулноза шошиб қолди:

– Тинчликми, ота?

– Бўл, машинангни юрғаз. Шаҳарга боришга тўғри келиб қолди.

– Шаҳарга? Биз қайтсакми деб тургандик-ку. Неварангиз йўлда экан. Ҳозир етиб келади.

– Аввал овқатланиб. кейин йўлга тушасизлар, – деди қизига Маърифат хола. Сўнг чолига қаради: – Шаҳарда нима қилади? Булар куннинг ёруғида ватанларига етиб олишсин.



– Агар зарил иш бўлса... – иккиланиб қолди Гулноза.

– Зарил ҳам гапми, кизим...

Ўқтабр ота энди гап бошлаган маҳал машина сигнали эшитилди. Дарвоза ёнида тўхтаган “Матиз”дан Ноила тушди.

– Ҳаммага салом! Топшириқлар бажарилди! – деди у кўнғирокдек овозда.

Гулноза кизига қараб бармоғини лабига босди, кўз ишораси билан Ўқтабр отани кўрсатди.

Турғунбой отага кўзи тушган ҳайдовчи шошиб машинадан тушди.

– Э, Турғунбой ака! Ассалому алайкум!

Қария унга кўзларини қисиб қаради:

– Амиркулмисан?

– Худди ўзи! Эсингиздами, армиядан келганимдан кейин рибартелда кўлингизда икки йил ишлагандим. Сиз бригадир эдингиз.

Улар кучоклашиб кўришишди.

– Ассалому алайкум, Ўқтабр ака. Қаранг, сизам ўзгармабсиз, бирдан танидим.

– Сениям танидим. Ўша пайтлариям машина жинниси эдинг. Қарибам қуюлмабсан-да, – қолди Ўқтабр ота.

– Пенсияга чикқандан кейин шунни эрмак қиялпман. Барибирам уйда бекор ўтираман-ку.

– Таксичилик қиялсанми? – шошиб сўради бирдан қувониб кетган Ўқтабр ота.

– Ҳа. Тирикчиликнинг...

– Э, қолган гапни йўлда айтасан! – ҳайдовчининг гапини бўлди Ўқтабр ота. – Ҳол-аҳвол сўрашишниям йўлга қолдирамиз. Сени бизга худонинг ўзи етказди... Гулнозни безовта қилма, жўра. Келин тўғри айтаяпти, йўл олис, ёруғ пайти манзилига етиб олишсин. Сен эса, Амиркул, бизни шаҳарга опкетасан. Йўл-йўлакай Сакени оламиз. Саке эсингдами?

– Серсенбой кўкеми? Албатта эсимда. “Қаҳрамон ота” бўласан деб ҳазиллашиб юрардингиз-а?

– Ҳа, ўша. Ҳозир у “Қаҳрамон бобо” бўлган. Хулласки, кетдик. Лекин сен кўрқма, ҳакингни икки барабар тўлаймиз.

– Бу нима деганингиз. Ўктябр ака? – ранжиди Амиркул ака. – Қанақа ҳақ? Хафа бўламан-а.

– Бўпти. Сени хафа қилмаслик учун бир тийинам бермай кўя қоламиз.

– Бу бошқа гап. Шошаётган бўлсаларинг кетдик.

– Вой, овқат тайёр. – типирчилаб қолди Маърифат хола.  
– Ҳозир сузаман.

– Томоқдан овқат ўмай турибди, келин. Биз яхшиси тезроқ бора қолайлик. – Ўктябр ота Турғунбой отага ишора қилди: – Кетдик, жўра. Ҳар дақиқа ғанимат.

Учовлон машина томон юришди. Гулноза отасининг кўлидан ушлаб тўхтатиб қолди:

– Нима гап, ота?

– Ўзимизам ҳайронмиз. Тоҳир милисага тушиб қолибди.

– Милицияга? – ажабланди Гулноза. – Милицияга тушса нима қилибди? Биронта ўзига бўйсунмаган браконьерни оборгандир.

– Шунанга бўлса керак. Ҳали ҳеч нарса аниқ эмас. Ўктябр телефон қилувди, у ёқдагилар Тоҳир маст. эргалабгача кўришиш мумкин эмас дейишибдимиз-ей... Шунга хавотир олиб бораётгандик. Сен айтгандай, арзимаган иш бўлса керак лекин.

“Матиз” кетди.

– Адамга телефон қилсам, алақачон кўнғироклашиб, гапни бир жойга қўйиб ҳам улгурган экансиз-да, ойижон, – деди Ноила. – Бизам йўлга тушамизми?

– Ҳа, албатта... албатта... – деди ҳардамхаёллик билан Гулноза. – Сен овқатланиб ол, кейин йўлга тушамиз.

– Сиз-чи, ойижон?

– Биз яқинда овқатлангандик.

– Унақа дема, қизим. – деди Маърифат хола. – Эргалабки чой билан юрибсан-ку.

– Иштаҳам йўқ, ойи.

– Мен эса ростданам яқинда овкатлангандим. Рост-камига. – ойисига хавотирланиб назар ташлади Ноила.

– Барибир йўлга чиқиш олдидан яхшилаб қорнингни тўйдириб ол.

Бу гапларни гапираётган маҳал Гулнозанинг хаёли бошқа жойда эди. Ноила бунни сезса-да, сир бой бермади:

– Хўп, ойижон, хўп.

Ноила ичкарига кирди. Маърифат хола қозон бошига шошди.

Гулноза жойида нималарнидир ўйлаб турди-турди, алоха кизи ўтирган хона ёнига келиб, деразадан бўйлади, иккиланиброк гапирди:

– Нарсаларингни йиғиштириб бўлганингдан сўнг йўлга тушамиз. Йўл-йўлакай... шаҳарга кириб ўтамиз.

\* \* \*

Кўзлари қизарган Гўзалоё онаси ўтирган кичкинагина хонага кирди.

– Ишдан эртароқ қайтибсанми, қизим?

– Ҳозир қайтиб кетаман, ойи. Сменага чиқадиغان бўлдим.

“Тез ёрдам” да. Шунга айтиб қўяй деб киргандим.

Меҳри хола бош чайқади:

– Қиз бола... Касалма-касал юрмасанггам бўларди.

– Шунга ўқиганман-ку, ойи. Мана, – киз сумкасидан икки

даста пул олди, – ойлик беришганди.

– Ўзингга бирон нарса керак бўлса ишлата қол, қизим.

– Ҳамма нарсам бор, ойи. Янгаларим нималарнидир керак дейишаётганди.

– Э, уларнинг ташвиши тугармиди?.. – асабий қўл силтаган она кизига яқинроқ сурилиб, овозини пастлатди: – Қизим, бир маслаҳатли гапим бор эди.

– Айтаверинг, ойи.

– Эсингдами, кўкламда Солиҳа холагнинг боласи қамқандан қайтганини айтгандим.

Гўзалоё эслай олмади:

– Қайси Солиҳа холам?

– Сен танимасанг керак. Отангинг ўгай синглиси бор эди. Борди-келдимиз йўқ ҳисобидайди. Шунинг боласи тухмат билан камалиб кетган экан. Беш йил деганда қайтипти.

– Қайтган бўлса яхши бўпти. – деб қўйди киз.

– Худойисига бориб келгандим.

– Эсимда йўқ. Нима, камокдан қайтган одам худойи қилиб берадимми?

– Ҳа, энди, келган бало ўша ёқларда қолиб кетсин деган ниятда қилади-да. Эл-юртни чақириб, бир чўқим ош беради.

Гап нишаби қасққа томон кетаётганини иллаган Гўзалоӣ аччиқ кулди:

– Ош устида камокхона хотираларини гапириб бериб ўтиради-да. Худди армиядан қайтган солдатдай.

Меҳри хола кизига мушт ўқталди:

– Тилинг курсин сенинг! Бердикул унақа ёмон бола эмас. Тухматга учраган-да, тухматга. У ёғини сўрасанг, бир пайтлар шу холанг қуда бўламиз, ўртада қариндошлик иплари узилиб кетмасин, деб роса югурганди. Сени келин қилмоқчийди. Ўша пайтлари отанг нимагадир унчалик рўйхушлик бермаганди. Сендан бир мучал катталигини рўқач қилиб туриб олганди.

– Отам яхши қилган экан. Бўлмаса шу пайт эри камокда ётиб чиққан хотин бўлиб юрарканман.

– Тилингни ел олсин сенинг! Бир гап айтиб бўлмайди сенга, чақасан-а, чақасан! Эҳтиёт бўл, бола, бошингга келган ҳар қандай балога аслида тилинг сабаб бўлади.

– Тўппа-тўғри. Ҳаттоки қарикизлигимга ҳам.

Меҳри холанинг чинакамига жаҳли чикди:

– Сен киз одам бўлмайсан... Вақтида бирини “ўпоқ”, бошқасини “сўпоқ” демай... Хуллас, сени сўраб келишмоқчи, қизим.

– ...

– Ёмон жой эмас, – ётиғи билан тушунтиришга уринди она. – Ўзим яхши билган-таниган одамлар. Қолаверса, қариндош. Бердикул ўзи ёмон бола эмас. Бир тухматга учради-да...



Гўзалою ажабланди:

– Ие, анави камокдан қайтгани айтяпсиэми?

– Нима, камокдан қайтган одам одам эмасми? – бобиллаб берди Меҳри хола. – Ё камокка факат жиноятчилар тушади-ми? Айтдим-ку, тухматга учраган деб.

– Ўзининг хотини-чи? – бўш келмади Гўзалою. – Агар мендан бир мучал катта бўлса, демак киркдан ошган. Беш йил ўтирган бўлса... Қамокка бўз бола холида кетмагандир унингиз?

– У хотин ўлгур эр камокка тушгандан ажрашаман деб судга ариза бериб, ўша пайтиёк бошини олиб чиқиб кетган якан, яшшамагур.

– Нима, – истехзоли қўлди киз, – сочини тараб, қўтиб ўтирсинми тухматга учраб камалган эрини?

– Ўзи у хотин туғмас экан-у, – воқсани дoston қилишга тушди она, – лекин бошка эрга теккандан кейин иккита туғиб олибди.

– Ундай бўлса хотин туғмас эмас, эр туғдирмас экан-да. Она бу гапни эшитмагандай тутди ўзини.

– Ҳаркалай, бегона эмас, ўгай бўлса ҳам холангнинг боласи. Борганда кўрганман, уй-жойи кенг-мўл. Рисолатхон шу масалада келиб кетганди. Шунга... бир олдиндан ўгай деб... Шўрлик Бердикул меҳрга зор. Сал меҳр кўрсатсанг, бошига кўтаради. Албатта, аввал кўришасан, гаплашасан. Буни каттиқ тайинладим. Кўнглингга сал маъқул келса...

– Ойи, бу Рисолатхон деганингиз... бугун ишхонамга бир... чолни юборипти. Энди бўлса... – ўпкаси тўлган кизнинг товуши титраб кетди: – Майли, ойижон, сизлар айтгандай бўла қолсин. Мен... розиман.

Нечукдир кўз олдида куппа-қундуз қуни қиммат дўконда бир-бирининг пинжига кириб кетгудай бўлиб турган эр-хотин – Дониёр билан Муқаддам пайдо бўлган Гўзалою хонадан чопиб чиқиб кетди.

Меҳри хола унинг ортидан:

– Қизим... – дея талпинганча қолаверди.

\* \* \*

Мукаддам неча йиллик яна бир пинхоний орзусига эришди: дўкондан чакалоқларнинг кийимларига бағишланган рангли журналлардан бирини намоёншкорона тарзда. “Кўриб кўйинглар!” дегандай шошмасдан, танлаб-танлаб сотиб олди. Иш бошлаган маҳали ҳам қандайдир кўшиқни мингирлаб хиргойи қилганча кириб-чиқиб турган меҳмонларнинг кўз ўнгида, очик-ошкора бири иккинчисидан чиройли суратларни томоша қилиб ўтираверди. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич. деганлари шу бўлади, ха...

Қабулхонага тўрсайиб кириб келган Дилобар ҳам жувонни шу машғулот устида учратди.

– Менга хона керак.

Журналдан бошини кўтарган Мукаддам Дилобарни кўриб, хайрон бўлди:

– Сиз?

– Ҳа, мен. Нима, менга сизнинг меҳмонхонангиздан хона олиш мумкин эмасми? – Қиз зарда билан сумкасидан паспортни чиқариб берди. – Кўркманг, абадий қолмоқчи эмасман. Бир суткага. Эртага эрталаб шаҳрингизни тарк этаман.

Мукаддам паспортни олиб, варақлаб кўрди:

– Бир кишилик бўлсинми?

– Албатта. Фақат биринчи қаватдан бўлмасин. Шовқинга тоқатим йўқ.

– Ҳўп.

Мукаддам қоғозларни расмийлаштириб, иккинчи қаватдаги хонага қўзатиб қўймоқчи эди, қиз кўнмади:

– Ўзим топиб оламан.

Шу маҳал “Тез ёрдам” машинаси меҳмонхона эшиги ёнига келиб тўхтади. Ундан бир даста гул кўтариб тушган оқ халатли Дониёр ичкарига кирдию, зинадан юкорига кўтарилаётган Дилобарни кўрди. Аксига олиб, тепадан тушиб келган меҳмонлардан бири, тақа- мўйловли, қирқ ёшлардаги киши Мукаддамдан ниманидир сўраб-суриштиришга тушди. Мукаддам одатига кўра табассум билан унинг саволларига

жавоб бериб турди. Буни кўриб, хозиргина чараклаб турган Дониёрнинг ковоғи уйилди.

Дониёр “тақ-тук” кадам ташлаган кўйи Мукаддамнинг каршисига борди-да, мўйловли одамнинг оркасида хўмрайиб тураверди.

– Демак аввал чапга, кейин яна чапга. Шундайми, синглим?

– Худди шундай. Иккинчи марта чапга қайрилган захотингиз дарвозага пешонангизни уриб оласиз. – Меҳмоннинг яна ниманидир аниқлаштиришга чоғланганини кўрган Мукаддам Дониёрга қаради: – Келинг, дадаси.

Меҳмон хайрон бўлиб ортига ўгирилди ва ўзини ғажиб ташлагудай тикилиб турган Дониёрнинг вазоҳатидан чўчидими, кетишга шошди.

– Раҳмат, синглим, раҳмат.

– Арзимаиди.

Дониёр меҳмоннинг ортидан ўқрайиб қараб қолди:

– Нима керак экан бу... хотинбозга?

Мукаддам кулиб юборди:

– Унинг хотинбозлигини қаердан билдингиз?

– Шундок башарасидан кўриниб турибди-ку! – тутақиб жавоб қайтарди Дониёр. – “Авал чапга, кейин яна чапга” эмиш! Бу гапни қандай маънодор айтганига эътибор бердингми?

– Қўйинг, дадаси. У бечора бозорга қандай боришни сўради?

– Бозорда нима бор экан? – тирғалишини қўймасди Дониёр.

– Шуни сўрамабман-а.

– Қара, сендан бозорни сўради, ўзи бўлса яна хонасига кўтарилиб кетди. Бу сенга шубҳали кўринмаяптими?

– Кўринмаяпти. Балки пулга чиққандир, балки сизнинг еб қўйгудай бўлиб тикилиб турганингизни кўриб... кистаб қолгандир.

– Сенга гап бўлса. Айтгандай, анави бу ерда нима қилиб юрибди?

– Яна ким? – ажабланди Мукаддам.

– Шопирлар билан жанжал бўлган киз. Ҳозир кўриб қолдим. Уям тепага кўтарилиб кетаётган экан. Ҳойнаҳой мўйловнинг олдиғадир. Кўр кўрни қоронғида топади-да.

– Ҳа. Одиловами? У ҳозиргина бир кишилик хона олди. Бир суткага. Эртага бизни ташлаб кетармиш.

– Кетса ундан нари. Лекин уни бу ерга киритиб бекор қилсан.

– Киритмасликка ҳаққим йўқ. Уям Ўзбекистон фуқароси. Паспорти бор.

– Барибир, бекор қилсан. Уни кўрганымдан негадир кўнглим ғаш бўлиб қолди. Бу нақаларнинг палакати бегуноҳга уради, дейишади.

Муқаддам жон ҳолатда қорнини қафтлари билан бекитди:

– Унақа деманг-э! Аввал-ку; оддийгина рашкчи эдингиз, энди кип-қизил ваҳимачи бўлиб қолибсиз. Бу кетишда ўзингизни даволатишингизга тўғри келади, Лати... э-э, дадаси.

Дониёр қутилмаганда пиқирлаб қулиб юборди:

– “Дадаси” деганинг пайти анави хотинбоз мўйлов бирдан шалвираб қолганини сездингми?

– Бўлди-да энди, дадаси. Нима, шаҳарнинг жами эр-қакларини меҳмонлари битта сизнинг хотинингизга қараб қолганми? Кўнглингни кенгроқ қилинг. Ўзи нимага келган эдингиз?

– Шундай, сендан хабар олишга. – Сал ўзини босиб олган Дониёр қутилмаганда яна тутака бошлади:– Кўрдингми, бекорга келмаган эканман. Кўнглим ниманидир сезгандай бўлувди-да.

– Об-бо, сизга худо бериб қолди, энди бир ҳафта кўзимни очирмайсиз. Яхшиси, менга пойлоқчилик қилгандан кўра ишингизга боринг.

– Бораман. Айтгандай, анави топилди...

– “Анави”ингиз нимаси? – эрининг хижолат чекаётганини кўриб, хайрон бўлди Муқаддам.

– Клофелин. Тумбочканинг пастига тушиб қолган экан.

– Ие, менга қарши ишлатадиган шундай далилингиздан маҳрум бўлиб қолсангиз-ку, дадаси! Энди нима қиласиз?



– Майли, мен кетдим.

Дониёр душман кидиргандай атрофга аланглаган кўйи эшик томон юрди.

– Дадаси-и!

Дониёр тўхтаб, ўтирилди:

– Нима дейсан?

– Кўлингиздагини айтаман, бутикка бостириб кирган, – Мукаддам “Тез ёрдам” га ишора қилди. – ҳозирам машинада ўтирган маъюс хамширангизга шекилли, а? Жуда чиройли экан. Мен гулдастани айтяпман, кизни эмас. Ҳаркалайти. Эркин акага эмаслиги аниқ.

– А... ха... – довдираб қолган Дониёр шошиб қайтиб келиб гулдастани тутди: – Бу сенга эди. Хаёл билан бўлиб.

– Раҳмат. Иккикат бўлиш яхши экан: ҳар кунни сак-кизинчи март... Ана энди яхши боринг. Бемалол сменангизни ўтказаверинг.

– Нимагадир кетгим келмаяпти.

– Боринг деяпман! Вос-вос касалига чалиниб қолдингизми? Мени жин урармиди?

– Барибир вақтим бўлганда кириб тураман.

– Ў, Худо!.. Нима, энди ёнимда қилич яланғочлаб турасизми?..

Мукаддам зипиллаб қабулхонадан чиққан эрининг ортидан адоксиз меҳр билан узок қараб қолди.

## V боб

Омадсизлик бир кўз тикдими, ўлжасини осонликча кўйиб юбормас экан. Биринчиси ортидан иккинчисига дучор қиларкан, кейин учинчисига...

Номаълум нуктага тикилганча оғир ўйларга ботиб ўтирган Дилобарни телефоннинг кескин жиринглаши сескантириб юборди. Қиз шоша-пиша столдаги қўл телефонини олди. унинг экранчасида “Засекреченный номер” деган ёзувни кўрди. Бу ўша...

– Эшитаман.

Зардали. дағал овоз:

– Қаердасан?

– 29-хона.

Қиска-қиска гудоклар.

Дилобар ваҳима ичида хонага нажотсиз аланглади. Бунақа пайти вақтнинг ўтиши ҳам кийин бўлади. Қиз телефонида рақам терди.

– Жора, келяписларми?

– Йўлдамиз. – деган жавоб келди мотоцикл тариллаши аралаш.

Қиз хиёл енгил тортди. Ҳаркалай, мадад...

Шу лаҳзада... “гуре-гуре” кадам овозлари тобора яқинлашаверди ва кимдир эшикни тақиллатиб ўтирмасдан ҳам очди.

Дилобар ҳукми кутаётган маҳкума янглиғ бош эгганча титраб-қакшаб ўрнидан турди. Қора кўзойнак таккан Рус-там хонага кирди, эшикни зич ёпди. Унинг биринчи гапиёк пўписа, дағдаға бўлди:

– Ишнинг расвосини чикардинг-ку!

– ...

– Очкўзлигинг ўзингнинг бошингга етди! Дипломат билан сенинг нима ишинг бор эди! Йигирма миллион олиб кетишмайдим, ўттиз миллион олиб кетишмайдим! Сенларга топширилган вазифа нима эди?

Дилобар кўрка-писа гапирди:

– Хайдовчиларни ухлатиб қўйиб... машина калитини олиб... кейин... хабар беришимиз керак эди.

– Бўлди, шундан кейин иккаланг мотоциклчиларинг билан жуфтакни ростлаб қолишларинг керак эди. Шунга келишганмидик, а, келишганмидик?

– Ҳа.

– Агар бу иш бўлмай қолса-чи?

– Унда... – кўрка-писа гапирди Дилобар, – “Б” режага кўра хайдовчиларни меҳмонхонада ухлатиб, машина калитини олиб чиқишимиз, кейин... калитни сизнинг одамингизга топшириб, мотоциклда шаҳарга қайтиб кетишимиз керак эди.

– Унда нега топширикни бажармадинг? Нега айтганини килмадинг?

– Мени кечиринг, Рустам ака.

– Кечирмайман! Сен арзимаган ўн-ўн беш миллион сўм пулга чалғиб, мени машинадаги беш юз миллион сўмлик молдан маҳрум қилдинг. Айтганимни қилганингда шунинг ўн фоизини қуртдай санаб олардинг. Шунин биласанми, а?

– ...

– Хўш, молни менга энди қим тўлайди? Сенми? Ё ахлақачон қўён бўлган дугонангми?

– Мени кечиринг, Рустам ака. Бошқа... бошқа топширик беринг. Мен... бажараман.

– Гўр қиларсан. Асли ўзинг назаринг пастлигини сезгандим-а. Айтиб қўяй, сендақалардан ҳеч қачон ҳақиқий ишбилармон чикмайди. Тўрт сўм пулга андармон бўлиб юраверасан! Ҳеч қачон катта иш қилолмайсан. Шу майда холингда ўтиб кетасан! Чунки пастсан! Бурнингнинг тагидан нарини кўрмайсан!.. Қазисан-қартасан, ўз аслингга тортасан деганлари шу-да. Отанг ҳам шунақа майда ўғри эди, майда ўғрилигича ўтиб кетди. Қонинг тортган-да... Тамом! Отангнинг ҳурмати учун охириги марта кечирдим! Бўйнингга беш юз миллионни илиб қўймаганимга, омон қолдирганимга шукр қил. Ўзинг ёрдам сўраб келдинг, мен қўлимдан келганини қилдим, лекин ишни эпломмадинг. Мен сенга ўхшаган очкўз-сукатойлар билан иш-ла-май-ман! Тамом! Энди менга қайтиб қорангни кўрсатма!

– Рустам ака...

– Эсингдан чикмасин, мен сенга пул бермадим, лекин катта пул ишлаб олиш имкониятини бердим. Шундан фойдалана олмадинг.

– Рустам ака... – ёлворди қиз.

– Яна нима?

– Пулим... қолмади. Уйга етиб олсам бўлди...

Ди.лобарга нафрат билан қараб турган Рустам “чирт” этказиб ерга тупурди.

– Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик де... “Пастсан” дедим-ку. Пастсан! Шунин эсингдан чиқарма, сенга ўхшаган судралиш-

га маҳкум кимсалар ҳеч қачон учолмайдилар, бир умр оёк остида судралиб, хор бўлиб, зор бўлиб ўтадилар! Сенга ўхшаганларнинг пешонасига шу ёзиб кўйилган!

Рустам чўнтагидан бир даста пул чиқариб, полга ташлади. Кейин “гурс-гурс” кадам ташлаганча хонадан чиқди. Дилобар унинг ортидан юрди.

Рустам биринчи каватга тушди, қабулхона ёнидан ўтиб, кўчада ўзини кўтиб турган оддий машинага ўтириб жўнаб кетди.

Дилобар бўшашганча меҳмонхонага қайтиб кирди. У қабулхона ёнидан ўтаётган маҳал журналдан бош кўтарган Муқаддам сўраб қолди:

– Рустам аканиям танийисизми?

– Бу киши бир пайтлар отам билан бирга ишлаган. Баъзан хабар олиб туради.

– Ҳозир Мухиддин аканинг ўнг қўли шекилли?

– Бунисини билмадим.

– Айтгандай, хонангизда бирон камчилик йўқми?

– Йўқ.

– Бирон нима керак бўлиб қолса, кўнғироқ қилинг.

– Хўп.

Дилобар ўз хонасига кирди, полда ётган бир даста пулга киё боқмасдан дераза ёнига борди, ташқарига қаради.

Сокин шаҳар ҳаёти.

Дилобар алам билан, тишлари безгак тутаётгандай қалтираганча шивирлади:

– Бурнингиз кўтарилиб қопти-да, а, Рустамбой! Отамнинг югурдаги бўлиб юрган пайтларингиз эсингиздан чиқибди-да...

Биз бу сўзлар замиридаги маънони илғаш учун ўн икки йил орқага қайтишимизга тўғри келади.

...Яқинда биринчи мучал ёшини нишонлаган Дилобар мактабдан сўнг отаси мудир бўлган оғборда чопкиллаб ўйнаб юрганди.

Бир марта инсультни бошидан ўтказиб улгурган Одил ака ишига ҳам, соғлиғига ҳам жуда эҳтиёткор бўлиб қолганди.



Бирок ўша куни Одил ака шогирди билан анча сан-манга бориб қолди. ҳатто овозини кўтариб гапириб юборди.

Албатта, кизалоқ отаси билан Рустам ўртасида бўлаётган гап-сўзларнинг мазмунига унчалик тушунмади. Бирок, афтидан, Рустам отасини нимагадир кўндиришга уринарди, ора-сира: “Устига жуда кам қўйяпсиз-да, уста. Сал оширайлик. Қўлимиз пул кўргандай бўлсин”, деб тақрорларди. Бунга отаси эътироз билдирарди: “Инсоф сари барака... Худога шукр, оч эмасмиз, яланғоч эмасмиз. кечқурун хотиржам ухляпмиз...” Бир гал ҳатто отаси у томонга ҳам ишора қилиб қўйди: “Ота-болага бундан ортик яна нима керак?” Лекин Рустам ўз билганидан қолмасди: “Қилгандан кейин катта-катта ишлар қилиш керак-да”... Хуллас, гурунг якунида орадан гап қочди. Отаси қандайдир КамАЗнинг хужжатини сўради, Рустам “Бизнес қиляпман”, деб ўзини оқлаган бўлди. Отаси “Еб тўймаган ялаб тўярмиди?” деб шогирдини жеркиб берди. Шу пайт омборга икки киши кириб келди. Улардан бири чўнтагидан кизил жилдли хужжатини олиб кўрсатди. сўнг у ҳам қандайдир КамАЗу, юкхатларни суриштира бошлади. Ранги пахтадай оқариб кетган, тез-тез нафас ола бошлаган отаси бир Рустамга қаради, бир чакирилмаган меҳмонларга. Сўнг... кўксини чангаллаганча ёнбошига қулади.

Орадан бир ойча ўтгач, мана шу Рустамнинг ўзи Дилобарни болалар уйига олиб бориб топширди. У қайтиб кетиш олдидан кизалоқни кучиб, бошини силаб қўйди:

– Шунақа қилишга мажбурмиз, Диля. Бу ерда вақт тез ўтади. Ҳеч нарсага муҳтож ҳам бўлмайсан. Қачон бир кун ёрдам керак бўлиб қолса, тўғри олдимига бораверасан. Тушундингми?

Кўркувдан дағ-дағ титраётган Дилобар бош ирғади, ҳолос.

Қизалоқ шу ерда Тамара, Жора-Жўрабой, Толян-Тожибой билан танишди, улар билан бирга улғайди...

“Ёрдам керак бўлса” эмиш! Ваҳоланки, Дилобарни Рустамнинг ўзи излаб топди, ўзи топширик берди. Энди бўлса...

Дилобар яна телефондан мадад излади:

– Яқин қолдиларингми, барака топқурлар?..

Бу бош не балоларни кўрмаган, не зарбаларга туриб бермаган, не жароҳатлар олмаган...

Реанимацияга олиб киришганида ҳам Бердикул кўзларини юмиб ётаверди, гўёки ҳушсиз. Уни бир эмас, икки шифокор текширди.

– Ёзинг, – деди биринчиси, – “Тўмтоқ нарса билан бошга кучли зарба берилган. Натижада мия чайқалиши ҳамда бошнинг тепа қисмида ёрилиш содир бўлган. Жароҳатларни ўртача хавфли деб айтиш мумкин”.

“Ўртача” сўзи ёкмадимми, Бердикул инграб кўйди.

– Балки “Ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли” деб ёзарман, – баайни беморнинг фикрини уккан каби таклиф қилди иккинчиси. – Ҳар эҳтимолга қарши-да.

– Ёзақолинг, ҳамкасаба.

Шифокорлар чиқиб кетишгач, боши боғланган Бердикул аста ўрнидан турди-да, дераза ёнига бориб, ташқарига қаради. Тахмин қилганидай, биринчи қават экан.

Палатага кирган ҳамшира беморни тик оёқда кўриб, шайтонлаб қолишига сал қолди:

– Вой, вой, сизга туриш мумкин эмас! Қани, дарров жойингизга ётинг-чи!

Бердикул ўз каравотига келиб ўтирди.

– Эҳтиёт бўлинг, бемор, эҳтиёт бўлинг.

– Сиз хавотирланманг, синглим, – куйинчак ҳамширани тинчлантиришга уринди Бердикул.

– Бу нима деганингиз, бемор?! Сал қопти-ку бошингиз мажақ бўлиб кетишига! Яна хавотирланманг дейсиз-а!

Бердикул қулимсираб, бинт устидан бошини ушлаб кўрди:

– Арзимаган нарса-ку.

– Бемор! – ер тепиниб дўқ урди ҳамшира. – Агар хозирок ўрнингизга ётмасангиз ё даволовчи врачингизни чақираман, ё бўлмаса тўрт куб тинчлантирувчи доридан укол қиламан!

– Бўлди, синглим, бўлди, – дарров таслим бўлди жойига ётаётган Бердикул. – Мана, қаранг, айтганингизни қиляпман.

врачнинг ҳам, укол-пуколнинг ҳам кераги йўқ. Мен бир нар-  
сани сўрамоқчийдим, синглим. Мумкинми?

– Сўранг.

– Кечкурун бир уйга ўтиб келсам бўладими? Онам ёлғиз.  
Бормасам бўлмайди.

Ажаблангани ва жаҳли чиққанидан кизариб-бўзариб кет-  
ган содда ҳамшира дастлаб гапира олмай ҳам қолди. Ниҳоят,  
кийналиб ютиниб олганидан сўнг унга забон битди:

– Сиз... сиз мени мазах қиялпсизми ё томингиз кетиб қол-  
ганми?

– Нега мазах қиларканман, синглим? Уйим яқингинада,  
“Сайхун” овулида...

– Нима? “Сайхун” да? Ахир у қишлоқ бу ердан... Бемор!  
Мен билан ҳазиллашишни бас қилинг-да, ҳозирок ўраниб  
ётинг. Ахир реанимация бўлимадасиз! Сиз фақат дам олиб  
ётишингиз керак. Сизга осойишталик керак. Руҳий ва жис-  
моний осойишталик.

– Менам шуни айтяпман-да, синглим. Агар чопиб бориб  
онамни кўриб келсам, анча яхши бўлиб қолардим, кайфияти-  
мам кўтариларди. Бошимдаги яра-чақаларниям кўрмагандай  
бўлиб кетардим.

– Бас қилинг, бемор! Чопиб бориб эмиш! Марафон-  
чи!.. Агар ҳозирок бунақанги аҳмоқона гапларни бас  
қилмасангиз... мен... мен...

Бердикул қўлини кўксига қўйди:

– Тушундим, синглим, тушундим.

– Мана, тинчлантирувчи таблеткадан иккита еб олинг-  
чи.

– Хўп, синглим, хўп.

– Ҳозирок! Кўз олдимда!

Бердикул қаддини ростлаб ҳамшира берган таблетка-  
ларни оғзига солди, устидан ярим стакан сув ичди. Кейин  
каравотга ётиб, кўзларини юмди.

Беморга бир муддат диққат билан қараб туриб, унинг бир  
текисда нафас олишга ўтганига ишонч ҳосил қилгандан ке-  
йингина ҳамшира палатадан чиқди.

Эшнк ёпилгандан кейин Бердикул кўзларини очди ва энгашиб, оғзидаги таблеткаларни чиқинди идишига туфлаб ташлагач, ўрнидан турди-да, дераза ёнига бориб, ташқарини кузата бошлади.

\* \* \*

Бошлиқларидан каттиқ топширик олишганми, қарияларнинг. Дилмуроднинг минг таваллолари иш бермади: кўрикчилар ҳеч кимни ичкарига кўйишмади. Ана шунда тутаб кетган Ўктябр ота милиционерларнинг "хой-хой"ига ҳам кулок осмасдан тўғри Назаровнинг кабинетига кириб борди. Аммо лейтенант ҳам гапга кўнмайдиганлардан экан.

– Отахон, сизни жуда яхши тушуниб турибман. Лекин бунинг ҳеч иложи йўқ. – деб туриб олди у. – Тартиб-қонда ҳамма учун баробар.

– Ахир шундан-шунга саргайиб келиб ўтирибмиз. Бир мартагина шу тартиб-қонданга ёпишиб олмасанг бўлмайдими, Назаров болам?

– Бўлмайди, отахон. Холиёров сизнинг маҳалладошингиз бўлганлиги учунгина унга имтиёз беролмайман. Қолаверса, мана, – Назаров коғозларни кўрсатди, – яқиндагина шифокорларнинг ҳулосасини олдик. Ўша сиз кўй оғзидан чўп олмайдиган ходим деб таърифлаётган Тохир Холиёров спиртли ичимлик ичган ҳолатда шиша билан бир бегуноҳ фуқаронинг бошига қаттиқ урган. Натижада жабрланувчи фуқаро мия чайқалиш, бош ёрилиши кўринишида инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи оғир тан жароҳати олган. Бунинг ҳаммаси Холиёров хизмат вазифасини адо этаётган пайти содир бўлганлиги эса оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун, Ўктябр ота, зудликда жиноий иш очиб, делони терговчига ўтказишдан бошка иложим қолмади. Ҳа, айтгандай, инспекторларнинг сменага чиқиш графигига кўра Холиёров ўша пайти ишда бўлиши керак эмасди. Демак, у ё атай қасд олиш учун формада дарёга чиққан ё бўлмаса таъмагирик мақсадида.



– Назаров болам. – бу гаплардан боши ишииб кетган Ўктабр ота яна ялинди. – Тохирнинг ўзи билан ҳеч бўлмаса икки оғиз гаплашиб кўрмабсиз-да. Балки буларнинг ҳаммаси бутунлай бошқача содир бўлгандир.

– Отахон. Менинг алкашлар билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Ана. ётибди камерада сасиб. ўз қусуғига ўзи беланиб. Кўтарсанг ич-да. дейдиган одамнинг ўзи йўқ у эркатойингизга. Яна менга бақрайиб туриб “Холиёров ичмайди”, дейсиз. Отахон, милицияни чалғитишга уриниш яхши иш эмас. Айниқса, сизнинг ёшингизда.

– Болам-ов, сизни чалғитиб менга зарил кептими? Мен бор гапни айтяпман, холос.

– Тўғриси, ҳозир камерага кирсангиз ҳам, Холиёровнинг сизни таниши гумон. Бекорга овора бўлганингиз қолади, отахон. Айтдим-ку, молдай ичиб олиб. чўчкадай юмалаб ётибди деб. Дунё билан иши йўқ.

Ўктабр ота бош чайкади:

– Жуда унчалик эмасдир. Назаров болам.

– Хўп, менга шунчалик ишонмас экансиз. ана. боринг. кўринг, тўйиб томоша қилиб олинг. Ссржант!

– Эшитаман, ўрток лейтенант.

– Отахонни вақтинчалик ҳибсда сақлаш камерасига олиб бориб, гумондор Тохир Холиёровни кўрсатинг. Ҳозирнинг ўзида.

– Хўп бўлади... Марҳамат, отахон.

– Раҳмат, Назаров болам.

Тохир каравотда уп-узун бўлиб ётарди.

Ўктабр ота шошиб унинг ёнига келди.

– Тохир!.. Тохир деяпман!

Аммо инспектор гап эшитадиган аҳволда эмасди. Эсанкираб қолган ота уни силқитди:

– Бу нима ётиш?

Тохир аранг кўзларини очди, қаршисида турган Ўктабр отани таниб, беўхшов илжайганча гўлдиради:

– А-ама-ки...

– Уф-ф... Ароқ сасиб кетибсан-ку, Тохир. Ўзингмисан? Сени нима жин урди?

Тоҳир сал гавдасини кўтарди, нимадир демокчи бўлди, бироқ “шилк” этиб жойинга қулади.

– Бунга бир нарса бўлган. болам, – сержантга ўгирилди Ўктабр ота. – Дўхтирга кўрсатдиларингми?

– Албатта. Диагноз: кип-қизил маст. Ўзингиз кўряписиз-ку, агар шу ерда яна бирозгина турсангиз, ўзингизам ароқнинг ҳидига маст бўласиз-қоласиз. Ҳи-хи-хи. – Қария ўқрайиб қараганди, йигитча дарҳол жиддийлашди. – Вақт бўлди, отахон. Мана, гумондорни кўрдингиз, аҳволи билан танишдингиз. Менимча, шарт-шароитлар юзасидан ҳеч қандай шикоят бўлмаса керак.

– А?

– Судда гумондор вақтинчалик ҳибсхонада қандай шароитда сақланганди, деган савол берилса, ўзингиз “яхши эди” деб гувоҳлик бериб турсангиз-да, отахон.

– Э, қанақа суд, болам? Нафасингни иссиқ қилсанг-чи!

– Мен бўладиган гапни айтдим-да. Қани, марҳамат.

Сержант эшикни очиб турди, Ўктабр ота Тоҳирга қарай-қарай камерадан чиқди.

Йўлакда сержант сўраб қолди:

– Хўш, лейтенантнинг айтганлари тўғри эканми?

– Ҳайронман, болам. Етти ухлаб тушимга кирмаган ҳодиса бу...

– Отахон, бир каттанинг, бир кичикнинг гапини ол дейишган. Сиз шу ёшингизда бежиз бу одамнинг ёнини олмайётгандирсиз. Менинг сизга бир таклифим, хоҳласангиз амал қилинг, хоҳламасангиз йўқ.

– Айтақол, болам.

– Холиёров устидан иккита ариза келиб тушган. Ёнидан порага олинган пул чиққан. Аҳволини бўлса ўзингиз кўрдингиз. Яна бу иш пайтида. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноий иш очилиши тайин. Бунақаларга каттиқ туришадди. Аммо аризаларни билвосита жабр кўрганлар беришган. Бевосита жабр кўрган, яъни Холиёров бошига ароқ шишаси билан урган одам эса шифохонада ётибди. Боринглар, кўринглар, агар жароҳати оғир бўлмаса илтимос қилинглар, даволанишига ёрдамлашинглар, хабар олиб туринглар. Агар

ўша одам, яъни жабрланувчи бизга ариза бермаса ёки судга даъво аризаси киритмаса, унда Холиёров амнистияга илинб қолиши мумкиндир эҳтимол. Яна билмадим. Ҳар-қалай, хизмат ваколатини ўтаётган пайти ичиб олиб юрган масъул ходим...

Ўктябр ота бутунлай довдираб қолди:

– Қанака амнистияни гапиряпсан, болам? Айтдим-ку, Тоҳир ўзимнинг ўғлим катори, уни жуда яхши биламан. Бунақа иш унинг кўлидан келмайди.

– Балки кўлидан келмас, аммо факт шуки, у шу ишни қилди. Шунинг учун жим юрган писмиқдан кўрк, дейишганда... Сиз бу ёққа. Майли, хайр. Яхши боринг. Кўп хафа бўлаверманг. Агар айби бўлмаса, Холиёровни ҳеч ким жа-золамайди.

Сержант йўлакдан тез-тез юриб кетди. Ўктябр ота у кўрсатган эшикдан ховлига чиқди.

Дарахт соясида турган Турғунбой ота, Серсенбой ота, Гулноза, Ноила, Дилмуродлар бирдан уни ўраб олишди.

– Нима бўлди, амаки? – ховлиқиб сўради Гулноза.

Ўктябр ота унга хайрон бўлиб қаради:

– Уйингга кетмадингми, қизим?

– Йўл-йўлақай нима гаплигини билиб ўтай дегандим...

– Жавоб беришмадимми? – жоникиб сўради Турғунбой ота.

Серсенбой ота ажабланди:

– Тайирни апиқмадингба?

– Дадам яхши эканларми?

Ўктябр ота иложи борича хотиржам гапиришга уринди:

– Хуллас, учрашдим бошлиғи билан. Ҳаммаси жойида. Арзимаган тушунмовчилик экан. Лекин бу ернинг тартиб-қоидасиям ўзига яраша-да. Шунга Тоҳирга эртагача жавоб беролмаймиз, дейишди.

Гулноза шошиб савол берди:

– Ҳеч бўлмаса ўзини кўрдингизми, амаки?

– Кўрдим, албатта кўрдим. Кўрмасдан чиқармидим?

– Нима қияпти, аҳволи қандай экан?

– Тоҳирми? Кўрдим. Ётибди... дам олиб.

– Тушунмадим. – норози бўлиб кошларини чимирди Гулноза. – Бу ерда шунча одам хавотирда, у киши бўлса бемалол ётибдимми? Арзимаган нарса экан, уйига бориб ётсаям бўлади-ку. Шартми шу ерда ушлаб туриш?

– Бу гапни менам айтдим. Лекин тартиб-қонда шунақа экан-да, қизим. Нима ҳам қила олардик.

– Майли, тартиб шундай бўлса амал қилайлик. Энг муҳими ўзи эсон-омон экан-ку. Бир кеча минг кеча эмас. Бирпасда тонг отади. Қишлоққа қайтамиз. – Турғунбой ота Гулнозага қаради: – Сенлар ҳам уйлариңга кетаверинглар, қизим. Олис йўл.

– Майли, ота. Шундай қиламиз. Лекин аввал сизларни уйга обориб қўямиз.

– Кўйсанг-чи, қизим. Кўчага чиқсак мингта машина.

– Бир неверемнинг жумиси ўси қалъада, – жонланиб қолди Серсенбой ота. – Шақирсам, “Нексия”сида овулға биздерди-де алиб кетеди.

Дилмурод:

– Мен шу ерда қоламан! – деди.

Ўктабр ота:

– Қизим, сендан бир нимани илтимос қилмоқчийдим, – дея кулиб, Турғунбой ота билан Серсенбой отага ишора қилди: – Манавилар эшитмай қўя қолсин. Қариб, буларнинг оғзида гап турмайдиган бўлиб қолган, эртагаёқ ҳаммага ёйиб чиқади.

Икков чеккароққа ўтишди.

– Амаки, агар қизингиз масаласида бўлса, биз янги топилган адресларнинг ҳаммасига...

– Йўқ, – жувоннинг гапини бўлди ота, – бошқа масалада. Тунда Тоҳир қизинг иккалангни дарёда айлантирган экан. Турғунбой айтганди.

– Ҳа, шундай бўлганди. Нимаиди?

– Ўшанда у... ичмаганмиди?

– Вой, бу нима деганингиз, амаки? У кишининг ичмаслигини ўзингизам яхши биласиз-ку.



– Яхши билардим. Лекин у... ичкарида... маст.

– Йўғ-э?

– Ҳа. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас...

Гулноза безовталаниб қолди:

– Яна нима?

– У дам олишда бўлиши керак пайти ишга чиққан экан.

– Ҳа, у қизим иккаламизни дарёда айлантириш учун сме-  
надоши билан алмашганини айтганди. Бунинг нимаси жино-  
ят экан, амаки?

– Билмадим. Ковласанг, тирноқ остидан кир топилади-ку,  
қизим...

Ўқтабр ота билан Гулноза яна бир неча дақиқа шивир-  
лашиб гаплашганларидан сўнг Гулноза имлаб Ноилани ёни-  
га чақирди-да, унга машина калитини берди:

– Сен бобонгни, Серсенбой амакини, Дилмуродни олиб  
кишлоққа кетавер. Бизнинг Ўқтабр амаки билан бу ерда  
киладиган озроқ ишимиз бор. Биз кейин ўзимиз етиб оламиз.

Бу таклиф ёқмаган Ноила ўшшайиб олди:

– Бу нима деганингиз, ойи?

– Бу ойингнинг гапига қулоқ сол деганим.

– Ахир... ахир уйга хабар бериб қўйдик-ку, – тушун-  
тиришга уринди қиз. – Бизни адам кутиб турибдилар-ку.

– Адангга кейин тушунтирамиз. Лекин ҳозир шундай  
қилишимиз керак, қизим.

Ноила онасига тик боқди:

– Тоҳир акани дебми?

– Ҳа, – очигига кўчди Гулноза. – У оғир вазиятга тушиб  
қолибди.

– Тўғри, Тоҳир ака яхши одам. Оғир вазиятга тушиб  
қолган бўлса ёрдам бериш керак. Лекин... Мана, ойи, теле-  
фон, ўзингиз адамга тушунтиринг бор гапни. Адам тушуна-  
дилар. Мана кўрасиз.

Ноила рақам териб, телефонни ойисига тутқазди. Гулно-  
за жаҳл билан аппаратни қўлига олиб, қизининг телефонини  
бутунлай ўчирди, кейин ўзиникини.

– Бекор бундай қияпсиз, ойи. Келинг, ҳеч бўлмаса мен  
вазиятни тушунтирай адамга.

Гулноза бош чайкади:

– Аданг Тоҳирни биладилар...

– Билсалар нима кипти?

– Нотўғри тушунишлари мумкин. Кўнглига бошқа ўй келиши мумкин.

Ноила ўчган телефонларга ишора қилди:

– Бу ахволда-чи? Тўғри тушунадиларми?

– Ҳозир шунини ўйлагим келмаяпти, қизим. Айтганимни қил.

– Кўнглим сезяпти, катта жанжал бўлади, ойи. Сиз туяқушга ўхшаб бошингизни қумга тикиб олманг-да, ундан кўра...

Гулноза қизини силтаб ташлади:

– Менга ақл ўргатишга ёшлиқ қиласан! Бор, айтганимни қил!

Изза бўлган Ноила машина томон юрди. Бу ерда Ўктябр ота иккала жўрасинию Дилмуродни машинага ўтказишга уринмоқдайди.

– Мен ҳеч қаёққа кетмайман! Шу ерда қоламан! – деб такрорларди Дилмурод ўжарлик билан.

Турғунбой ота ҳам тайсалланарди:

– Уйга бориб захар ютиб ўтиргандан кўра шу ерда жимгина ўтирганимиз яхши, жўра.

– Тусинмедим, бизди айдеб жериб, ўзинг не қиласин бул жерде?

Ўктябр ота Гулнозага қараб кўллари кенг ёзганча ноилложлигини билдирди.

– Бўпти, булар шу ерда ўтириб туришсин бўлмаса, – деди жувон. – Юринг-чи. Қаерда у шифохонангиз?

– Кўчанинг нарёғида.

Ўктябр ота йўл бошлади.

Вақтида не-не катта-кичик амалларда ишлаб, одамлар билан муомала қилишнинг роса хадисини олган Ўктябр ота бирпасда қабулхонада ўтирган навбатчи ҳамширалар билан апоқ-чапоқ бўлиб олдию, уч дақиқа ўтар-ўтмас керакли маълумотларни билиб қайтди.

– Аниқладим, бегона эмас. ўзимизнинг Бердиқул экан.  
Гулноза эслолмади:

– Қайси Бердиқул?

– Овулга кўчиб келишган йили отаси авария бўлиб ўлиб кетганди. Тегирмоннинг ёнида туришди. Онасининг оти Солиҳа. Оилада иккинчи ўғил-ов. ҳа. иккинчи ўғил. Қўзибой деган акаси бор. Акаси бола-чакали. ўзидан тинчиган. Фақат шунисининг ҳаёти ўнганмади-ўнганмади-да.

– Танаймайман. Қишлоққа ҳар йили қанча одам келади, қанчаси кетади.

– Адашмасам, булар сен ўқишга кетган йилинг кўчиб келишди-ёв.

– Ишкилиб, ўзи яхши одамми?

Ўктабр ота аниқ бир нима дейишга иккиланиб қолди:

– Тўғриси, овулда битта одамнинг кимлигини тушунмасам, уям Бердиқул. Бир қарасанг, жуда яхши. Қўли кўксида, “биздан нима хизмат?” деб такрорлаб чарчамайди. Шунинг учун уни “Хизмат кўрсатган хизматчи” деб атайдиман. Яна бир қарасанг ўлгудай ўжар, кўрс, инсон зотига қулоқ солмайди, ўтакетган чарс, минг гапирсанг ҳам без бўлиб тураверади, “миқ” этмайди. Шу феълига беш йилча камалибам келди. Ўзи фарзандсиз. Қамокда пайтида хотиниям кетиб қолди. Солиҳа шу боласини жуда яхши кўради. Бердиқул қамокда пайти бир ховлида бир ўзи шумшайиб қутди, тўнғичиникига бормади. Йиғлайверганидан кўзи кўр бўлиб қолди бечоранинг. Бердиқулнинг келганига уч ойлар бўлиб қолди-ёв. Кимдир уни шаҳарда қоровул бўлиб ишлайди дегандай бўлувди. Лекин...

– Яна нима?

– Бир-икки марта Бердиқул билан Тоҳирнинг орасидан оламушук ўтган деб эшитганим бор. Аммо бунинг сабабини билмайман. Балки қуруқ ғийбатдир, балки Тоҳир унинг тўр-пўрини мусодара қилган жойи бордир.

– Нима бўлсаям кириб илтимос қилиб кўрайлик-чи. Тўшунар. Ҳамқишлоқ экан-ку.

– Шунга айт. Юр-чи.

Бердиқул елкасига халат ташлаб олган меҳмонларни хушламаганини билдириш учунми, ковоқ уйиб ётаверди.



Ўктабр ота гапни хазилдан бошлади:

– Ҳа, хизмат кўрсатган хизматчи, бурга тепдимин?

– Бурга эмас, кўтос тепди. – кесатди бемор. – Ўзим роса семиртириб боққан экансиз.

Ўктабр ота қўлди:

– Тилинг бор экан-ку, болам, гапиравер.

– Бу тил ҳали керакли жойда керакли гапларни гапиради!  
– тепадан келди Бердиқул. – Ана ўшанда айрим зўравонларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.

– Болам, ўпка-гинани кўяйлик. Ўзингдан гапир, яхшимисан, кийналмаяпсанми?

– Аҳволимни сўраб нима қиласиз, оқсоқол? Аллақачон дўхтирлардан барини билиб олгандирсиз. Тўғри мақсадга ўтаверинг, мақсадга.

– Ишқилиб, сени кийнаб кўймаймизми?

– Қийнаб қўя бошлаган пайтингиз ўзим айтаман. Унгача бемалол.

Ўктабр ота Гулноза билан кўз уриштириб олгач, гапни узоқдан бошлади:

– Бердиқулжон. Худога шукр, бир юрт, бир кишлокнинг одамимиз...

– Оқсоқол, – унинг гапини бўлди бемор. – Бекорга ово-ра бўлманг. Тўғри, мен камалиб чиққанман. Лекин одамман. Тохирга ўхшаган қутурган кўппакларга ўзимни тала-тиб кўймайман. Ўз ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилишни яхшилаб ўрганиб келганман.

– Бердиқулжон. Эски гапни эсини еган қовлайди. Ях-шиси, янги гаплардан гаплашайлик.

Бердиқул Гулнозага қаради:

– Сиз адвокатмисиз?

– Йўғ-э. Тўғрунбой жўрамнинг кизи-ку. Шахарга тушган. Тохир билан бир классда ўқиган.

– Эшитганман, эшитганман... – мийиғида илжайди Бердиқул. – Биринчи муҳаббатнинг қуйиғи ёмон бўлади, дейи-шарди, тўғри экан. Мена, сиз Тохиржоним камалиб қолди, деб Тошкентдай жойдан учиб етиб келибсиз-а. Хойнаҳой



долларларингизни қўлтиғингизга кишиб олгандирсиз. Ё Бердикулдай ўтириб чикканларга сўмам бўлаверади, деб ўйладингизми?

Отанинг жахли чиқди:

– Бердикул. Оғзингга қараб гапир!

– Мен хоҳлаган гапимни гапираман, оксокол! – овозини кўтарди бўйин томирлари ўқлоғдай бўртиб чиққан бемор. – Ҳеч ким менинг тилимга хўжайин эмас! Эсларингдан чиқарманглар, сизларнинг эркатоингиз мени уриб, миямни чайқатиб қўйди. Энди балки бир умр даволаниб ўтарман, балки эртага, индинга ё бир йилдан кейин ногирон бўлиб қоларман. Шунда кунимга ярармидиларинг? Қаёқда? Бердикул қачон йикилади-ю, қачон тепиб ўтамиз деб ҳозирдан лабларингизни ялаб кутиб ўтирибсизлар. Қонундан озгина қўрқмаганларингизда-ку, аллақачон жанозамни ҳам ўқиб қўйган бўлардиларинг-а.

– Ўғлим, мени хайрон қолдирыпсан. Тўғриси, сенинг кимлигингни билмас эканман.

– Билмасангиз, энди билиб оласиз! Сўд билан мелисага шундай ариза топшириб, аризамга шунақанги справкаларни тиркаб қўяманки, Тоҳир зўравонларингиз охириги иштонини сотибам мендан қутулолмайди! Бир умр қутулолмайди!

Шу пайтгача жим турган Гулноза Бердикулнинг бошига келиб, тик қаради:

– Қанча?

Бердикул ўзини анқовликка солди:

– Нима деяпсиз, гапингизни тушунмаяпман.

– Ҳаммасини тушуниб турибсиз. Қанча?

Бердикул мушук-сичқон ўйинини йиғиштирди:

– Анча.

– Аниқ айтаверинг.

Гулноза Ўктябр отага қаради:

– Амаки, сиз чиқиб туринг.

– Бу нима деганинг, кизим! Ҳеч қаёққа чиқмайман. Шу ерда ўтираман.

– Илтимос, амаки.

Бердиқул қарияга мазахомуз қаради:

– Кўрдингиз. Шаҳарликлар қишлоқилар билан қандай гаплашишни билишади. Пул кўп-да буларда, пул кўп.

Ўқтабр ота ноилтож палатадан чиқди.

– Қанча?

– Анча деб айтдим-ку. Ҳадеб бир саволни такрорлай-верасизми? Лекин билиб қўйинг: мени арзимаган чақаларга сотиб ололмайсиз.

– Шунинг учун менга конкрет аниқ суммани айтинг.

– Ҳа, ишбилармон аёл эканлигиниз кўриниб турибди. Хўп, ана, ҳисобланг: беморни Москвага олиб бориб, операция қилдириб келиш керак. Кўкрак саратони.

– Лекин, менимча, – Гулноза беморнинг бошига ишора қилди, – бошингиз зарар еганди шекилли.

Бердиқул пинак бузмади:

– Бунақа бошлар шу ерда, текингаям даволанаверади. Гап бошқа бош ҳақида кетяпти. Ҳақиқий тилла бош ҳақида. Кейин худди шу беморнинг кўзини операция қилдириш керак. Шу ерда, хусусий шифохонада. Плюс озгина қарзим бор. Бир ярим мингча. “Кўк”ида ҳисоблаганда. Сиз шаҳарликлар шуни маъқул кўрасизлар-ку.

– Ариза ёзмаслигингиз, даъво қилмаслигингиз эвазига... – Гулноза ўйланиб қолди, сўнг машина калитини тумбочка устига қўйди. – “Нексия” сизники. Ҳали янги. Қирқ минг юрган.

Бердиқулнинг жаҳли чиқиб кетди:

– Бир уюм темир-терсакни бошимга ураманми? Менга пул керак. Ҳақиқий пул!

– Ишонч қоғози қилиб бераман. Хоҳлаган одамингизга сотишингиз мумкин.

– Марҳамат қилиб ўзингиз хоҳлаган одамингизга сотинг-да, менга пулини опкеб беринг-чи. Ўзингиз. Гувоҳларсиз. Ана ўшанда эҳтимол келишиб олармиз.

– Майли. Бир нарсани сўрамоқчийдим. Сиз... Тоҳир ака-ни нега бунча ёмон кўрасиз? Ҳатто исмини тилга олган пай-тингизам нафратдан қалтираб кетяпсиз.

Бердиқулнинг кўзлари ўт бўлиб ёнди:

– Тегиб кетдимми? Ҳаркалай, биринчи муҳаббат... Майли, майли, дарров жаҳлингиз чикмасин. Мана, каранг, узокка бормасдан, ўзингизни олинг. Орадан шунча йил ўтиб кетган бўлсаям Тоҳир деб қўйиб-пишаяпсиз. Бўлмаса у сизга бутунлай бегона-ку. Шундаям етса молим деб турибсиз. Кўнгилда. Кўнгилга буюриб бўлармиди? Ҳар кимники ўзига... Менчи, мен нима қилай? Ахир бу аблаҳ мен суйган қизни ўзига хотин қилиб олди, буям камдай, гўрга тикди. Йўқ, гўргаям тикмади, сувга оқизди-юборди.

Гулноза эслади:

– Жамила...

– Сиз бу исми тилга олманг! – кичкириб юборди Бердиқул. – Руҳини безовта қилишга ҳаққингиз йўқ!.. Тоҳирга келсак... Яхши кўриб уйлансаям майлийдди. Йўқ, сизга қасдма-қасд... Мен ҳаммасини биламан... Хўп, ана, уйланишга уйланибсан, хотинингни дарёда олиб юришга бало борми? Эр бўлиб битта аёлни қутқариб қололмагандан кейин... Аввал хотинингга карамайсанми, аблаҳ... Сиз мени тушунар-сиз балки. У ўлганидан кейин бутун олам ҳувиллаб қолди. Яшагим ҳам келмай қолди. Атай ўғирлик қилдим. Мақсадим бу ерлардан узокларга кетиш эди. Кетдим ҳам. Ўша ёқларда ўлиб кетаман деб ўйлагандим. Ўзимга ўлим тилагандим. Лекин одамни ҳаёт билан боғлаб турувчи ришталар мустаҳкам бўларкан, ҳатто боланг бўлмаса ҳам. Ўзингни ўйламасанг, яқинларингни ўйларкансан. Онангни... Шунақа гаплар. Лекин мен бу гапларни сизнинг раҳмингизни келтириш учун айтмадим. Сиз ҳозир мени сотиб олишга урinyaпсиз. Мен бўлса ўзимни қимматроқ сотишга ҳаракат қилаяпман. Бу бизнес, холос. Айтиб қўяй, савдомиз келишса-келишмаса то бу дунёда тирик эканман, мени бебахт қилган, фариштадай қизнинг умрига зомин бўлган Тоҳирни тинч қўймайман. Ҳеч қачон!

– Сиз... сиз шундай оҳангда гапиряпсизки, гўё Тоҳир акам қасддан...

Бердиқул Гулнозанинг гапини бўлди:



– Пул қачон бўлади?

– Эртага.

– Унда эртага кўришамиз. Хайр. Лекин айтиб қўяй, мен узок кутмайман.

Бердиқул устига ёпилган чойшабни кўтариб, бошини ҳам бекитди. Гулноза бир муддат иккиланиб тургач, калитни олди-да, палатадан чиқди.

Гулноза Ўктабр ота билан ички ишлар бошқармаси ховлисига қайтгани маҳал унга биринчи бўлиб кўлидаги телефонни кўз-кўзлаётган Ноила пешвоз чиқди:

– Эътиборингиз учун, дадам ўн икки марта кўнгирок килибдилар. Ҳатто дастурхонга қўйилган ажойиб тортнинг суратини ҳам юборибдилар. Бунга нима дейсиз, ойижон?

Гулноза нима ҳам дерди...

\* \* \*

Аввал Кўзибой келди.

Тўнғичининг дарди ўша-ўша:

– Бизниқига юраколинг энди, эна. Невараларингиз ҳам хар куни сўрашади.

Қолган гап-сўзлар эса маълум.

Дарвоза ёнидаги кўлбола ўриндиқда муштдайгина бўлиб, хассасига иягини тираганча нурсиз кўзларини йўлга тикиб ўтирган Солиха эна кўнмади:

– Сен боравер, болам. Бердиқулим келиб колса...

Кўзибой дили оғриганини яширишга уринди, аммо барибир сал кескинроқ гапириб юборди:

– Бердиқулингиз келса, бизнинг уйни биледи-ку, эна.

– Майли, болам, кута қолай. Нимагадир кўнглим гаш. Янги ишга кирдим, деганди. Ўрганолмай қийналаётгандир-да болам бечора.

– Эна, Бердиқул энди ёш бола эмас.

– Унинг ёш боладан фарқи йўқ.

– Юраколинг, эна.

– Сен бемалол боравер дедим-ку. Мени деб ишингданам қолиб юрма. Мен кўтиб тураман. Келиб қолади.



– Бўлмаса невараларингизни юбораман.

– Қўй, болам, уларниям овора қилма. Бердиқул келиб, кўнглим тинчигандан сўнг, икковимиз бирга ўтиб келамиз.

– Хўп, эна. Келинингиз ковок манти қилаётганди. Бўлмаса сузмай, сизларни қутиб ўтирамыз.

– Майли, болам. Сен энди ишингдан қолма. Мендан хавотир олма.

Қўзибой Солиҳа энасига қарай-қарай ишига кетди. Аммо тўнгич ўғил бир нарсани – энаси барибир бугун унинг уйига боролмаслигини ич-ичидан сезди. Ё Бердиқул кеч келган бўлиб чиқади, ё бошқа бир сабаб...

Шу боис Қўзибой кенжа ўғлидан бир товоқ ковок манти бериб юборди.

Солиҳа эна неварасини овозидан таниди.

– Овқатни ичкарига киритиб қўяқол, Ботиртой. Бердиқул келсин, бирга ермиз.

– Мен бугун шу ерда ётаман, эна. Ойим “Энанг билан бирга қолгин”, деб қаттиқ тайинлаб юборди.

Эна сал безовталанди:

– Шунақа дегин. Мен жон дердим-у... аммо бугун ҳеч иложи йўқ-да, болам.

– Нега, эна?

– Буни кейинги келганингда тушунтириб бераман. Майлими, Ботиртой?

– Майли, эна. Мен овқатни опкириб қўяй.

– Дастурхонга ўраб қўяқол.

Бола ичкарига кирди. Эна беихтиёр пичирлади:

– Бир нарса бўлиб қолсам... сен бола қўрқасан-да... Э, Худо! Ишқилиб, омонатингни олар чоғингда Бердиқулжоним ёнимда бўлсин-да!..

\* \* \*

Учрашув совуққина кечди. Дилобар бир қарашдаёқ сезди: дарди дунёйи қоронғи Тожибойни эплаб бўлмай қолганди ҳисоб... Ҳозир ҳам келганига чорак соат бўлгани йўқ-у, бир ўзи шишани яримлатиб қўйди.

Дилобарнинг ўзларини алдаб кетган Рустамдан бошлаб ўч олиш учун аввал пухта режа тузиш, кейин уни янада пухталик билан амалга ошириш тўғрисидаги қизгин таклифини эса икки ўртоқ ёқтирмайроқ тинглашди. Сўнг Жўрабой очикдан-очик:

– Рустам бизни ёллади, лекин биз топширикни бажаролмадик. Одамда лафз бўлиши керак. Агар бажариб, ҳақимизни ололмаганимизда эди, ичагини бошига салла қилиб ўрасак ярашарди. Ҳозир қайси томондан олма, ўзимиз айбдормиз, – деб туриб олди.

Ўзича бир нималарни орзу қилиб, ҳажонланиб ўтирган киз дами чиққан пуфакдай шалпайиб қолди.

Жўрабой яна ўзига ароқ қўяётган ўртоғини жеркиб берди:

– Бўлди-да! Етади!

Тожибой унга чақчайиб қаради:

– Нима етади, а, нима етади? Етмайди. Ҳеч нарса етмайди! – У стол четисидаги пулга ишора қилди. – Рустамбой кодирган садақа етадимми? Ё арзимаган умр кўриб, икки қўлим тепада кетаётганими? Йўқ, етмайди! Етмайди...

Жўрабой Дилобарга ўгирилди:

– Бунга эътибор қилма, Диля. Асаблари ишдан чиққан, ҳаммага тўнини тесқари кийиб олган ўзи.

Ҳамма гапдан хабари бор Дилобар Тожибойни юпатишга уринди:

– Хафа бўлма, Толян. Ҳаммамиз ҳам бир куни ўша ёкка кетамиз. Биров эрта, биров кеч.

– Бунақа аллаларни Жорадан ҳам кўп эшитдим. Энди таъсир ҳам қилмай кўйган. Хўш, мен бу дунёга келиб нима кўрдим, Диля? Онам тирик бўла туриб етимхонага тушдим. Шу билан болалик ҳам кетди қулоғини ушлаб. Ўзимнинг туғилган маҳалламга боролмасам. Ҳалигача одамлар фариштадай пок онамни “Ғоҳиша” деб аташади. Мени, муҳаббат туфайли дунёга келган болани “ҳароми!” деб бармоқларини бигиз қилиб кўрсатишади... Энди ишга кирдим, энди одамдай яшайман деганимда бу бало чиқиб турибди! Тузала-

диган касал бўлсаям майлийди! Э, оналарини эмсин бунақа хаётларининг!

– Сен хаётни сўкиб, ўчингни аёллардан оляпсан. Толян. Уларнинг айби нима? – орага қўшилди Жўрабой.

– Менинг-чи, менинг айбим нима? Нима учун энди мен айни кучга тўлган, навкирон ёшимда индамасдан ўлиб кетаверишим керак экан? Нима учун? Йўк, мен ўнтаси, йигирматаси, ўттизтаси, юзтасини ўзим билан олиб кетаман! Мен сизмагаган хаётда уларгаям ўрин йўк!

Дилобар оғир уф тортди:

– Яхшиям Тамарчикнинг кетгани.

Жўрабой кизнинг гапини маъқуллаб бош ирғади, сўнг жўрасига таънали каради:

– Ичиқоралик қилма, Толян. Сен кўр бўлсанг, қолганларам кўр бўлиши керакми?

– Бўлиши керак! Ҳамма басир бўлиши керак!.. Келинлар, бир базм қилайлик. Қирк йилда бир от ўйин бўлса бўлибди-да. Қўйинглар ўша бажарилмаган топширикниям, “А”-“Б” планларниям, қурумсоқ Рустам думига қисиб қолган пулларниям. Ўшасиз ҳам қунимиз ўтиб турибди-ку. Яхшиси ичамиз. Ахир ҳамма учун беш кунлик дунё келиб-келиб мен камбағал учун икки кунлик бўлиб қоляпти. Шуми инсоф? Шуми адолат?

Тожибой тўкиб-сочиб пиёлаларга ароқ қўя бошлади. Дилобар билан Жўрабой кўз уриштириб олишди.

Бу сафар ҳам ёлғиз ўзи ичган Тожибойнинг кўзлари қонгалаш тус олди, пешонасига реза-реза тер тошди.

– Хўш, нима учун мен? Нега бошқа эмас, айнан мен? Қайси гуноҳим учун ахир? – дея одатдаги дийдиёсини бошлаётгани маҳал у бирдан ҳушёр тортди: – Тамара қани?

– Тамара йўк! – кескин оҳангда гапириб юборди Жўрабой. – Бор бўлгандаям яқинингга йўлатгирмасдим.

Дарвоқе, Тожибой билан Тамара болалар уйидан ошиқ-маъшук эдилар. Коллежни битириб, заводга ишга кирганларидан сўнг тўй қилмоқчи бўлишди. Бироқ ўзи тутилган маҳалла аҳли ўртасида обрў орттирмоқчи бўлдим,



ишкилиб, қутилмаганда Тожибой тўйини айнан ўша маҳалла гузариди ва албатта эл қатори, яъни қаттагина ўтказишни орзу қилиб қолди. Табиийки, қатта тўй учун қатта пул керак. Ана шунда Тожибой – Толян “хайё-хуйт” деганча бир йилга Россияга кетди. Ҳарқалай, у ёқларда мардикорлик қилиб бўлса ҳам уч-тўрт танга топиб келди, бироқ никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг уларни мажбурий тиббий кўриққа юборишдию, шу ерда йигитнинг СПИДга чалингани аниқланди... Тожибойнинг ўзи бориб аризасини қайтариб олди. Балки шу “қаҳрамонлиги” эвазига у анча вақтгача Тамаранинг йўлини пойлади. Назарида қизнинг ўзи бош эгиб келадигандек эди. Аммо Тамара қурбонлик бўлиш йўлини танламади... Ана шунда аламига чидай олмаган, болалик орзусини амалга ошириб, пулига иккита мотоцикл сотиб олган, ўзига қўшиб жўраси Жорани ҳам байкерга айлантирган Тожибой ароққа ва ...нотаниш қиз-жувонларнинг бошларини айлантириб ёки пул эвазига тўшакка тортишга зўр берди...

– Унда менга бошқа Тамарани топиб берасан! – ҳозир ҳам қичқирарди у бўйин томирлари ўклогдай бўртиб.

– Бўлди-да энди, Толян. Шусизам беш-олтитасининг бошига етдинг шекилли.

Бу гапни эшитган Дилобар ваҳимага тушиб қолди:

– Шунақа қилдингми, Толян?

Тожибой бир кўтаришда пиёласини бўшатди, асабий қулди:

– Шунақа қилдим, қиламан ҳам! Айтдим-ку у ёққа бир ўзи кетадиган аҳмоқ йўқ деб. Қамида бир галасини олиб кетаман. У ёқда ўзимнинг ҳарамим бўлади. Юраман маза қилиб.

– У бечораларнинг айби нима эди, аҳмоқ?

– Айби шуки, учраб қолди қорним очганда... – Тожибой ўпкалади: – Дилля, шуям инсофданми, меҳмонхоналарда ўзларини сотиб юрадиган қандайдир суюқоёқ хотинларга раҳминг келади, менга бўлса бир тийинлик ачинмайсан?

– Унақа дема, Толян. Ростданам, шунақа бўлганингни эшитганимдан бери юрагим туздай ачишади.



Тожибой ишонқирамай бош чайкади:

– Ўхшамаяпти-да. Агар ростдан ачинаётган бўлсанг... ха, ана, чакир бу отелнинг қўшмачисини.

– Бу унақа отел эмас, Толян. – бош чайкади киз.

– Нима, бу отелнинг шохи борми?

– Бу тинчгина дам оладиган меҳмонхона. Шаҳар кичкина бўлса. Ҳамма бир-бирини таниса. Унақа аёллар сен айтган катта отел-мотелларда, катта шаҳарларда бўлади, – тушунтиришга уринди Дилобар.

– Бекор айтибсан! Алдама мени!

– Гапимга жавоб бераман, Толян!

Тожибой бўш шишага меровсираб тикилиб қолди:

– Унда... ҳеч бўлмаса битта ароқ топиб беринглар. Илтимос. Ароқ одамнинг жони эмас-ку.

Жўрабой уни жеркиб берди:

– Опкелганингни тугатдинг-ку!

– Шунинг учун сенлардан илтимос қиляпман-да. Юз граммгина топиб беринглар.

– Уф-ф. Жонга тегдинг-ку. Диля, меҳмонхонада ароқ сотадиган кафеми, ресторанми йўқми?

– Йўқ.

– Бу энди қўймайди. Юр, бир шаҳарни айланиб, бунга бирон нима топиб келайлик.

– Майли. Ўзи сиқилиб ўтиргандим. Унда... – Дилобар бир зум ўйланиб қолди, – унда кейин йўлга тушаверамизми? Энди бу ерда қолгандан нима фойда?

– Лекин бу йўлга ярамайди.

– Ўзим ҳайдай қоламан, Жора.

– Яхши, Диля. – Жўрабой ўртоғига тайинлади: – Толян. Сен дам олиб тур. Биз Диля билан ароқ топиб келамиз. Кейин кетамиз. Келишдикми?

– Майли-ю... Унда менга... ҳеч бўлмаса анави... ре-сепшнда ўтирган жувонни чақириб бериб кет, Жора. Дўм-бокқина экан. Айтганини тўлайман!

– Жуда сенга кўзи учиб турибди-да.

Тожибой кўкрагини керди:

– Ё ўзим борайми?

– Бунни хаёлинггаям келтирма! – Жўрабой муштини дўлайтирди. – Агар шу хонадан чиқадиган бўлсанг, қайтиб келганимдан кейин бир уриб бошингни мажақлаб ташлайман!

– Шундай қилсанг савобнинг тагида қолардинг, – пичинг қилди энгашиб, сумкасидан шприц чиқараётган Толян.

Шприцни кўриб, Дилобар баттар ваҳимага тушиб қолди.

– Бу... ахир...

Жўрабой кизнинг биллагидан ушлаб, йўлакка бошлади:

– Кўявер, Диля... Бу тамом бўлган, дедим-ку...

Икковлон пастга тушиб, қабулхона ёнидан ўтаётганлари маҳал Дилобар жойида баайни чарақлаб ўтирган, ниманидир ёзганча, ўз-ўзидан кулимсираб кўяётган Мукаддамнинг ёнига борди:

– Хонада шеригимиз қолди. Сал мазаси йўқ экан, дам олиб турсин. Биз тезда дори олиб қайтамыз.

– Бизда аптечка бор, – деди шошиб Мукаддам. – Қанақа дори керак?

– Уники махсус дори, – аниқ жавобдан ўзини олиб қочди киз. – Рецепт билан сотилади.

– Унда “Тез ёрдам” чакира қолайлик.

Дилобар кўнмади:

– Шарт эмас.

– Тўғри бориб, иккинчи чорраҳадан ўнгга қайрилсаларингиз, навбатчи дори хона бор.

– Раҳмат.

Дилобар йигитнинг ёнига қайтди.

Бирга ховлига чиқишаркан, Жўрабой Мукаддамга ишора қилди:

– Бахтиёрлиги юз-кўзидан бу қадар аниқ билиниб турган аёлни биринчи кўришим.

– Бахтиёрлиги? – сўради киз ҳардамхаёллик билан. – Эътибор бермапман. Ким билади, балки сигири эгиз тукқандир.

Жўрабой ҳайрон қолди:

– Шаҳарда сигир нима қилади?

– Билмадим. Менинг хаёлим Толянда.

Икковлон ҳовлининг чеккароғида турган икки мотоцикл ёнига боришди.

Шлем кийган йигит билан киз мотоциклда ҳовлидан чиқиб кетаётган маҳал дарвозадан “Тез ёрдам” машинаси кирди.

Яна ёзишда давом этган Муқаддам шошиб келаётган Дониёрни кўрдию, “ох” тортиб юборди.

– Латипов! – деб қичқирди шоша-пиша қоғозни стол галадонига яширган Муқаддам. Сўнг дарров ўзига келди: – Вой, узр, дадаси. Сиз ўзи ишлайсизми-йўқми? Ё фақат менга пойлоқчилик қилиб юрасизми?

– Пойлоқчилик қилганим йўқ, аяси. Мана. – Дониёр кўлидаги салафан халтачани тутди, – у-бу нарса обкелдим. Энди сен овқатни танлаб-танлаб, калориялисидан ейишинг керак. Фаст-фуд, кетчуп, майонез деган нарсаларни тамомилан унут.

– Раҳмат, – жувон халтачани очди. – Вой, мен яхши кўрадиган қийма кабоб-ку.

– Ҳа, фақат катикданам ич. Кабобнинг ўзи оғирлик қилиши мумкин. – Дониёр шубҳаланиб атрофга аланглади: – Яна...

– Яна нима?

– Ҳеч ким бозорнинг йўлини сўраб бошингни котирмаяптими, шуни сўрамоқчийдим.

– Асло ташвиш чекманг, дадаси. Мендан бошқа ҳеч ким ҳеч нарсани сўрагани йўқ.

– Мўйлов-чи?

– Эътиборингиз учун, мўйлов кетди. Командировка муддати тугабди.

– Индамай кетавердими? – тирғалашини қўймасди Дониёр.

– Йўқ, маданиятли одамларга ўхшаб раҳмат айтиб кетди.

– Барибир гаплашибсан-да.

– Дадаси! Нима, сизнингча эркак меҳмонларнинг ҳаммаси калитни узоқдан отиб юборасола қочиб қолиш-

синми? Мўйлов келди, калитни топширди, кейин кетди. Бўлди.

– Кетгани яхши бўпти. – деб қўйди Дониёр.

– Асли шунини аниқлаш учун келганмидингиз? Кабоб бахонада, а?

– Йўғ-э, тупканнинг тубидаги бир қишлоқка чакириб қолишди. Ўша ёққа кетаётгандик. Шунини айтиб қўяй деб киргандим. Уч-тўрт соат хабар ололмасман-ов.

– Вой, орқангизга ўгирилмасдан бемалол бориб келавринг. Мени бўри ермиди.

– Телефон қилиб тураман.

– Вой, қанақа одамсиз, а. Борсангиз-чи. У ёқда бемор илҳақ кутиб турган бўлса-ю, бу кишининг валаклашиб ўтиришларини! Чопинг.

– Бўпти. Чопдим. – Шошиб чиқиб кетаётган Дониёр бирдан тўхтади: – Менга қара, аясин. “Элёр” сенга ёқадими?

– Яна қанақа Элёр?

– Исмни айтяпман, аясин. Шу эли ёр бўлсин, деган маънода шунақа исм қўйсақ, нима дейсан?

Муқаддам тушунмади:

– Кимга?

Дониёр хотинининг қорнига ишора қилди:

– Кимга бўларди, тўнғичимизга-да?

– Э, худо! Тўғилмаган болага исм қўйиши нимаси?! Боринг, дадасин, ишингиздан кечикманг. Ҳали исм қўйишга улгурасиз. Қиз бўлса...

– Нега қиз бўларкан?

– Латипов! Ўзингиз кетасизми ё ҳайдаб чиқарайинми? Ахир у ёқда сизни бир бечора жавдираб кутиб ўтиргандир.

– Хўп, хўп, мана, мана. Кетяпман, кетяпман.

Ташқаридан “Тез ёрдам” сигнали эшитилди. Дониёр югуриб чиқиб кетди. Муқаддам эрининг ортидан бир муддат кулимсираб қараб тургач, ғаладондан бояғи қоғозни олди ва ундаги исмлар қаторига “Элёр” деб ёзаркан, кўзларини юмганча орзуманд шивирлади:



– “Элёр”. Яхши...

Бу дунёдаги энг бахтиёр эр-хотиннинг охириги кўришишлари эди...

Ички кўнғироқ жиринглади. Мукаддам шошиб гўшакни кўтарди:

– Ассалому алайкум. Меҳмонхона навбатчиси эшитади.

Кимдир гўлдиради:

– Тўккиз... ўн бир... Худди америка киноларидагидай...

– Қайси хонадансиз?

– Йигирма тўккиз.

Мукаддам бирдан безовталаниб қолди:

– Ҳа, ҳа, менга айтишганди...

– Айтишганмиди? – жувоннинг гапини бўлди Тожибой. – Унда тез келинг. Мен... мен ўляпман...

– А? – ваҳимага тушган Мукаддам учиб ўрнидан турди: – Вой, мен ҳозир! Ҳозир!..

Мукаддам иккинчи каватга чопиб чиқди, 29-хона эшигини жон-жаҳди билан очдию, ичкарига шошди.

Билагини чилвир билан боғлаб, томирига шприцдаги дорининг ярмини юбориб улгурган, хузурланганидан илжайиб кўяётган, нечукдир ўзини кучли, бақувват ҳис этаётган холида эшик ёнида чайқалиб турган Тожибой мўлжаллаб ҳам ўтирмасдан хонага отилиб кирган Мукаддамнинг яланғоч билагига шприцни санчди.

Мукаддам, билагида чайқалаётган шприц билан анг-танг аҳволда қотиб қолди. Тожибой унга ғолибона қаради:

– Мен бир ўзим кетмайман!

Тожибой шошмасдан эшикни ёпди, кулфлади. Унга хайрат аралаш ваҳима билан қараб қолган, нима бўлаётганини ҳалихануз тушунмаётган аёлнинг кўзлари олая бошлади...

Орадан ярим соатлардан сўнг Жўрабой билан Дилобар меҳмонхонага қайтиб келишди. Улар ичкарига киришаркан, қабулхонанинг бўшлиғи қизни хайрон қолдирди.

Тўсатдан ранги бўздек оқариб кетган Дилобар иккинчи каватга чопди, таажубланган Жўрабой унга эргашди.

Хона эшиги берк эди.

Ваҳимадан адоин тамом бўлган, оёқлари майишиб кетаётган Дилобар эшикни бир тортди, икки, сўнг жон-жаҳди билан ура бошлади:

– Оч! Оч эшикни, Толян!

Ичкарида калит “ширк” этди. Эшик очилди ва хонадан афтодаҳол, сочлари тўзгиган, паришон Муқаддам чиқиб келди.

Дилобар билан Жўрабой унга қарахт аҳволда қараб қолишди. Жувоннинг ортидан Тожибой кўринди.

Муқаддам йўлақдан бир-бир босиб кетаверди. У чайқалиб, деворга суяниб қолди, кейин яна йўлида базўр давом этди.

Жўрабой Тожибойни судраб хонага олиб кирди. Ғижим тўшак, столда чилвир, игнасида қон юқи қолган шприц...

– Нима бўлди, Толян?

Вужуди қалт-қалт титраётган Тожибой ўзини бепарво кўрсатишга уринди:

– Унинг ўзи келди. – Сўнг алам билан кўшиб қўйди:– Айтгандим-ку, у ёққа бир ўзим кетмайман деб!

Дилобар ваҳима ичида нарсаларини йиғиштира бошлади:

– Кетиш керак! Ҳозирок бу лаънати шаҳардан кетиш керак! Ҳозирок!

Жўрабой ўртоғининг юзига мушт туширди:

– Қалланг қурсин сен аҳмокнинг!

Диванга йиқилиб тушган Тожибой лабини артиб, чайқалганча бўш шиша билан шприцга ишора қилди:

– Менга бу дунёда шулардан бошқа ҳеч нима қолмади! Ҳеч нима!

– Жора, Толян! – бақириб юборди Дилобар. – Кетиш керак! Атае!

Учовлон оёқ учида пастга тушишганида қабулхона бўш эди.

Дармонсиз Тожибой Жўрабойнинг орқасига ўтирди. Иккинчи мотоциклни Дилобар ҳайдади.

Улар жуда тез юришиб, қатта йўлга чиқиб олганларидан сўнг ўзини тобора ёмон ҳис қилаётган Тожибойнинг ишораси билан дарахт тагида тўхташди.

Мотоциклдан чайкалиб тушган Тожибой чеккароқда тиз бўкиб ўтирди, йилтир бошини чангаллаганча анча кайт қилди.

Нихоят у кайтиб келди. Дилобар йиғитга нафрат билан қаради:

– Хўш, Толян, етдингми мақсадингга? Ўзингга яна битта хамроҳ орттирдингми?

– Унинг ўзи келди, – зўр бериб такрорларди йиғит. – Телефон қилиб чақиргандим, ўзи келди.

– Ростдан-а? – мазахомуз сўради Жўрабой.

– Ха... Кейин... кейин мен унга бор гапни айтдим.

– Нимани айтдинг?

Тожибой ерга тикилганча анча ўйланиб қолди, ахири садо берди:

– Ҳаммасини. Наркоманман дедим. СПИДман дедим. Оз қолган дедим.

– У индамай қараб туравердингми? Дод солиб милиция чақирмадингми?

– Йўк... Индамади. Лекин қадалиб қараб тураверди... Қараб тураверди... Мен кўркиб кетдим... Ёмон кўрқдим... Ичим музлаб кетди... Мен шунда... шунда бу аёлнинг суюкоёқ эмаслигини билдим... Бу аёл... онамга ўхшаб кетди...

– Ким бўлсаям, – енгил нафас олди Жўрабой. – милицияга хабар қилмагани бизга яхши бўлибди. Шундан кўрққандим.

Тожибой бу фикрга қўшилмагандай бош чайқайди:

– Бундай қарагандан кўра... хабар қилгани яхшийди... хабар қилгани яхшийди...

– Бўлар иш бўлди, ўрток, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Бу ерлардан қанча тез кетсак, изимизни қанча тез йўқотсак шунча яхши. Яна бир оз чидаб берасан, Толян.

Тожибой бошини кўтарди, ўртоғига тийрақ назар ташлади:

– Мен яхшиман. Аравамниям ўзим ҳайдаيمان.

– Қўйсанг-чи.

– Ўзим!

Қандайдир оғир ўйлар оғушида қолган, кўзлари жикқа ёшга тўлган Тожибой шошмасдан бориб мотоциклни ўт



олдирди. ўриндикка ўтирдию, шлемини ҳам киймасдан тез хайдаб кетди.

Жўрабой хавотирга тушиб қолди:

– Бунга бир бало бўлганга ўхшайди. Юр-чи.

Мотоциклинни учириб кетаётган Тожибойга етиб олиш осон эмас эди. Жон-жаҳди билан тезликни ошираётган Жўрабойнинг спидометрга карашга юраги дов бермасди.

Тожибой тўсатдан рулни кескин бурди ва даҳшатли тезликда қаршидан келаётган улкан “КамАЗ” тагига кириб кетди.

Дилобар додлаб юборди:

– Тол-я-ан!..

\* \* \*

Ишдан ҳориб қайтган Муҳиддинбойни хотини ховлиқиб кутиб олди:

– Дадаси! Ўғлингиз қуни билан йўқ.

– Телефон қилмадингми?

– Юз мартадан кўпроқ қилгандирман. Нуқул “хизмат доирасидан ташқарида”.

Муҳиддин пинагини бузмади:

– Шунга шунча ваҳимами? Юргандир у ер-бу ерда биронта ўртоғи билан.

– Дадаси, Дилшоджоним ҳар қуни ҳеч бўлмаса ҳар икки-уч соатда бир марта қўнғироқ қилиб турарди. Бугун жим. Қўнғилим жуда ғаш.

– Ваҳима қилаверма, хотин. Эр етган бола бўлса. Балки учрашув-пучрашувга чиққандир. Қиз боланинг ёнида телефон орқали онасига ҳисобот бериб ўтирмайди-ку, тўғрими?

– Шунақа дейсиз-у, лекин барибир юрагим ҳапқириб кетяпти. Ҳозир ким қўп – бой эр излаб юрган кизлару, бўлмаса бой қув излаб доғули хотинлар қўп...

Муҳиддиннинг ковоғи уйилди:

– Бу гапни айтгандинг. Қўй, болани бунақа папалайверма. Парникда ўсгандай нимжон бўлиб қолади. Пишисин бир оз. Одамлар ўғлини бир йиллик армияга юборади. Сен бўлсанг бир қунга “бў” деб ўтирибсан.



Муҳиддин ичкарига кира бошлади. Ҳикоятхон йиғлагудай бўлди:

– Дадаси!

– Бўпти, – рафикасини хотиржам қилишга уринди Муҳиддин, – Рустамга айтаман, йиғитлари билан бир излаштириб кўради. Лекин айтиб қўяй, бирон жойда учрашув-пучрашув қилиб юрган бўлса ўзинг уялиб қоласан.

– Майли, мен уялсам уялай. Фақат...

Хотинининг ортиқ гапиришини истамаган Муҳиддин ёрдамчисини чақирди:

– Рустам!

Худди сўраб қолишларини билгандай дарвоза ортида турган Рустам оёқ учида юриб, сассиз кириб келди.

– Гап шу. Бутун йиғитларни ишга сол. Менга деса шахарни тит-пит қилиб чиқ. Лекин бир соатдан кейин, кўпи билан икки соатдан кейин Дилшод шу ерда бўлиши шарт! Шарт! Тушундингми?

– Тушундим, хўжайин.

– Тушунган бўлсанг, бор. Ҳаракатни бошланглар! Биронтаям дискотека, биронтаям билярдхона, биронтаям ресторан-песторан қолмасин! Иложи бўлса аввал анави бирга юрадиган ўртоғи бор эди-ку... хаҳ оти нимаиди-я, қисқаси, ўшани топинглар!

– Хўп бўлади.

Рустам шошиб ҳовлидан чиқди.

Муҳиддин хотинига қаради:

– Бўлдими, кўнглинг тўлдими энди?

Ҳикоятхон жавоб ўрнига пикиллаб йиғлаб юборди. Муҳиддинбой асабий тарзда ичкарига кириб кетди.

Орадан бир ош пишгулик фурсат ўтар-ўтмас Рустам Мансурни бошлаб келди.

Қисқа салом-алиқдан сўнг Муҳиддинбой мақсадга ўтди:

– Бугун Дилшодни кўрдингми?

– Кўрдим, – деди Мансур.

Кўзлари қизарган, ранги сўлғинлашган Ҳикоятхон жон холатда сўради:

– Қаерда? Қаерда кўргандингиз боламни?

– Туш пайти кўчада кетаётиб, машинасини кўриб қолдим. Қарасам, Дилшод кафедра бир қиз билан ўтирган экан. Менам кафега кирдим. Иккаласи морожний еб ўтиришган экан. Қизнинг оти эсимда йўқ. Лекин Дилшод уни Тошкентдан келган деб айтди. Кейин иккаласи кетишди. Дилшоднинг машинасида.

– Қаёққа кетишди? – сўради Муҳиддинбой.

– Билмадим. Дилшод айтмади, мен сўрамадим.

– Вой, нега сўраб олмадингиз...

Муҳиддинбой бир ўқрайиб қараганди, Ҳикоятхон тилини тишлаб қолди.

– Тошкентлик қиз дегин... – Муҳиддинбой ўйланиб қолди. – Балки бу Аббос Усмоновичнинг қизидир? Ё Қаҳрамон Темировичнинг арзандасимикин?

– Дадаси, айтгандим-ку, ўғлингиз улар билан кўришган, лекин ёқтирмаган деб, – эътироз билдирди Ҳикоятхон.

– Балки ўзлари ими-жимиди топишиб олишгандир, – таҳмин қилди Муҳиддинбой. – Ҳарқалай, қиз Тошкентдан фақат музқаймоқ ейиш учун келмагандир.

– Лекин...

– Демак ўғлинг қизлар билан учрашувда юрибди. Сен бўлсанг бу ерда ваҳима қилиб ўтирибсан.

– Йўқ, дадаси, – кўнмай туриб олди Ҳикоятхон, – Дилшоджоним менинг хавотир олишимни билади, қаерда бўлсаям албатта телефон қилган бўларди. Бу ерда бир гап бор.

– Эҳ, хотин-а! Болангнинг олдида сулув қиз турганда сен эсига келармидинг? Ахир энди у ёш бола эмас, жигит.

– Дадаси, мен биламан, Дилшоджон унақа бола эмас... Нимагадир кўнглим ғаш.

– Бўпти. – Муҳиддинбой Рустамга буюрди: – Қидиришни давом эттиринглар.

– Хўп, хўжайин.

– Менам сизлар билан бирга борсам майлими, Рустам ака? – деб қолди Мансур.

Рустам саволомуз тарзда Муҳиддинбойга қараганди, у маъқуллаб бош ирғади.

Ҳикоятхон Мансурни алқай кетди:

– Умрингиздан барака топинг, ўғлим. Илойим тўйларингизда хизмат қилайлик...

Рустам Мансурни бошлаб чиқди.

\* \* \*

Кишлоқ чиндан ҳам “тупканнинг тубида” экан. Аксига олиб, йўл ҳам таъмирлашда. Ишкилиб, ҚВПда кутиб ўтирган иккикат аёл билан унинг жонсарак, ваҳимага тушиб қолган турмуш ўртоғини кишлоқдан олиб чиққунларига қадар кеч тушди.

Салонда куйи лабини маҳкам тишлаб олган жувоннинг тер босган юз-бўйинини артиб қўяётган Гўзалоёй хайдовчига қаради:

– Сал тезлашинг, Эркин ака.

– Хавотир олманг, Гўзалоёйхон, – деди хайдовчи бепарво тарзда. – Тўлғоқ тута бошлади дегани, ҳали бола туғилди дегани эмас. Баъзан бу икки-уч кунлаб чўзилади.

– Худди ўзингиз учта туғиб қўйгандай хотиржам гапирасиз-а, Эркин ака, – пичинг қилди ҳамшира.

– Ҳа, энди, учта туғмасак ҳам, шунча туғдириб қўйганмиз-да, Гўзалоёйхон. Амалиёт катта бизда, амалиёт.

– Менам шунга яқин фикрларни ўқиганман, – орага қўшилди Дониёр. – Шундай бўлсаям иложи борича тезроқ юрсангиз. Тўғриси, шунча йил врачлик қилиб, бунақанги вазиятга биринчи тушишим.

Жувоннинг гапирган одамнинг оғзига ялт этиб қараётган эри ҳам ялиниб қолди:

– Тезроқ юринг, шопир ака. Келинингиз кийналиб кетди-ку.

– Биринчисими, ука?

– Ҳа.

– Биринчисида ўзи шунақа бўлади. Лекин ҳалиям сизнинг асабларингиз мустаҳкам экан, ука. Мен биринчисида дўхтир билан ёкалашиб кетганман. – қулиб қўйди Эркин ака. – Лекин кейин шу дўхтир билан киёматли ота-бола бўлиб

кетдик. “Тез ёрдам” га ишга киришимгаям шу одам сабабчи бўлган...

Афтидан. Эркин ака хотираларини батафсил сўзлаб бермоқчи эди. Аммо аёлнинг каттик инграб юбориши уни гапдан тўхтатди.

– Бошланди... – шивирлади бужмайиб қолган, каттик тишлаганидан қўйи лабидан қон сизиб чиққан жувон.

Гўзалою жон ҳолатда қўлларини силкитди:

– Тўхтатинг! Тўхтатинг! Бошланди!

Ҳайдовчи ёнида кетаётган Дониёр ажабланиб, шу томонга ўгирилди:

– Нима бошланди?

– Нима бўларди, тўлғоқ-да.

– Йўғ-э, шу ерда-я? – далага ишора қилди Дониёр.

– Нима, чақалок аввал сиздан “Туғурукхонага етиб келдикми?” деб сўраб олиб, кейин дунёга келиши керакми? Тўхтатинг машинани деяпман!

Эр яна ёлворди:

– Тўхтатақолинг, ака! Келинингиз жуда кийналиб кетди.

Эркин ака машинани четга олди. Дониёр гарангсиб қолди:

– Энди нима қиламиз?

Бунақа масалаларда тажрибали Эркин ака дарҳол йўл-йўрик кўрсатди:

– Телефон қилинг, бирон гинеколог аёлни юборишади.

– Ҳа, ха.

Дониёр қўл телефонда шошиб рақам тера бошлади.

– Дониёр ака! Ёрдамлашворинг! – деб қичқириб қолди Гўзалою. – Бир ўзим эп.лолмаяпман.

Дониёр буткул довдираб қолди:

– Ким? Менми?

– Сиз! Сиз!

– Лекин мен...

– Бўлинг деяпман!

Дониёр шошиб пастга тушиб, салонга ўтди.



Эркин ака оёғи қўйган товукдай питирлаётган йигитнинг олдига бориб, уни пастга туширди. кўлига телефонни тутказди:

– Ука, сизнинг нарирок турганингиз маъқул... Мана телефон. “03”га телефон килиб. каерда турганимизни тушунтиринг. Мен сув иситиб тураман.

– А? Ҳа...

Кўзлари катта-катта очилиб кетган йигит телефонни чангаллаганча нари юрди. Эркин ака шошиб ўтин йиға бошлади.

Бу атрофда куруқ шох-шабба кўп экан, бирпасда гуруллаб олов ёнди. Эркин ака декчада сув қайнатиб олди.

Машинадан Гўзалоининг овози эшитиларди:

– Кучанинг!.. Ҳа, яхши. Яхши...

Тўсатдан тунги сукунатни бузиб чақалоқ ингаси эшитилди...

Йигит жойида лол бўлиб туриб қолди.

Эркин ака хотиржамлик билан унинг кўлини сиқди:

– Менимча, энди сизни табрикласак бўлади.

– А?

Салондан Дониёр тушиб келди:

– Табриклайман, ука. Кўчкордай ўғилли бўлдингиз!

– А?

– Ўғил, ука, ўғил. Мальчик, – тушунтирди ҳайдовчи.

Ниҳоят гап нимадалигини тушунган йигит бирдан қийқириб юбориб Дониёрни маҳкам кучоклаб олди-да, уни даст кўтариб, айлантира бошлади:

– Ўғил!.. Ўғил...

Тез орада етиб келган “Тез ёрдам” машинасидаги гинеколог врач чақалоқни, жувонни кўриқдан ўтказгач, “Професионал ишлабсизлар” дея Дониёр билан Гўзалоини мақтаб қўйди. Сўнг жувон, чақалоқ, бахтиёр отани туғуруқхонага олиб кетди.

Катта иш қилиб қўйганидан ўзида йўқ мамнун, ҳадеб оғзининг таноби кочиб бораётган Дониёр машина ортидан узок кўл силкиб қолди.

Эркин ака кабинадан бош чиқариб:

– “Сайхун”дан шошилинич чақирув, Дониёржон, – деб қолди.

– Ҳозир, бир дақиқа, Эркин ака.

Ўзалоининг шошиб ўз жойинга чиққанини кўрган Дониёр кўл телефонида рақам терганча уч-тўрт кадам нарига борди.

– Алё, аяси, аяси... – энтикиб гапира бошлади Дониёр. – Биласанми ҳозир нима бўлди? Мен умримда биринчи марта чақалокни қабул қилиб олдим. Бу... бу бир мўъжиза. Тасаввур қиласанми, чақалокни-я! Тирик одамни-я! Ким билади бу чақалок ҳали келажакда ким бўлиб кетади!.. Бир “инга-инга”лаб йиғлайди де. Кўрсанг, ҳалигача кўлларим қалтираяпти. Бу ҳаяжондан. Лекин зўр иш бўлди.

Муқаддамнинг:

– Табриклайман, – деган овози келди.

Ҳар қанча ҳаяжонланиб турган бўлмасин, Дониёр хотинининг овозидаги ҳиссизликни, ҳатто бегона оҳангни илғагандай бўлди.

– Овозингга нима қилди, аяси? Роса чарчагансан шекилли.

– Ҳм-м...

– Аксига олиб ҳозир яна шошилинич чақириб қолишди. Уч-тўрт соатсиз олдинга ўтолмасам керак. Сменанг тугагандан кейин уйга бориб, яхшилаб дам ол. Лекин овқат-повқат қилиб ўтирма. Токсикоз деган нарсалардан бизнинг ҳам хабаримиз бор. Ўқиганмиз. Ўзим тузукроқ егулик олиб бораман. Хўпми?

– Хўп, Латипов.

Барибир бу бошқача овоз эди.

– Яна “Латипов”ми? – ҳайрон бўлди Дониёр. – Қизиқ, қачондан буён гаплашяпмиз, лекин мени бирон марта “дада-си” деб чақирмадинг-а.

– ...

Машина сигнали эшитилди.

– Чинданам чарчабсан. Хўп, мен учдим... Кўришгунча, аяси. – Дониёр бу сўздан лаззат олаётгандай, қувонч билан хитоб қилди: – А-я-си!..

– Омон бўлинг... дадаси...

Қизик, сўнгги сўзни Муқаддам изтироб билан шивирлагандай бўлди. Аммо узок мулоҳаза қилиб ўтиришга вақт йўқ эди: Дониёр машинага шошди...

Бу дунёдаги энг бахтиёр эр-хотиннинг охириги марта гаплашишлари эди...

\* \* \*

Шаҳардан қайтиб келишганларидан сўнг Ноила адасига кўнғироқ қилишга бир неча марта уриниб кўрди, бироқ ҳеч тушолмади.

Охири Ноила дарвоза ёнига борди:

– Шу ерда антенна яхшироқ шекилли.

Ғамгин Гулноза бош ирғади:

– Кўр-чи.

Қиз рақам терди, аппаратни кулоғига тутди. Узок чакирув гудоклари эшитилди. Ниҳоят у тарафдан аппарат кўтарилди.

Ноила ҳовликиб-шошиб гапира бошлади:

– Ада! Адажон! Мен сизга ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Биз ҳалиям кишлоқдамиз. Айтган вақтимизда йўлга тушгандик, лекин...

Ноила бирдан жим бўлиб қолди. Гулноза унга саволомуз қаради.

– Телефонни ўчириб қўйдилар. – айбдорона бош эгди киз.

– Уф-ф.

Олдинда ўзини қандай дилхираликлар, асабий савол-жавоблар қутаётганини ўйлаб, ичи сиқилган Гулноза бармоқларини кисирлатганча ҳовли четига юрди. Ноила яна рақам тера бошлади...

\* \* \*

Ҳаммаси тамом бўлди... Ҳаммаси...

Кўзлари ҳеч нарсага кўрмаётган Муқаддам зулмат бағрида тентираб юриб-юриб... дарё бўйидан чиқиб қолди.

Жувон кимсасиз қирғоқ бўйида узок юрди, ой нурида



жимирлаб турган сувга узок-узок тикилиб қолди. Бир пайтлар бобоси такрорлашни ҳуш кўрадиган гапни эслади: “Сувда етти юмаласа ҳаром нарса ҳам ҳалол бўлиб қолади...”. Наҳот...

Анави ифлос кимса без бўлиб айтди: “Мен СПИДман. Оғир формаси. Яшасам яна ярим йил-бир йил яшайман. Мен ириб-чириб бораётган одамман. Энди сен ҳам шундай бўласан. Эрингга яқинлашсанг, эринг ҳам шундай бўлади... Сен ҳам тез орада менга ўхшаб ириб кетасан, йирингли сув бўлиб оқасан...”

Муқаддам сесканиб кетди ва шу лаҳзада яқингинада эри билан бўлиб ўтган суҳбати ёдига келди: “Майли, ўғлимизнинг исмини “Тошкенбой” деб қўя қоламиз... Шошилманг, дадаси, шошилманг. Сезиб турибман, бу қиз. Чиройли қизалоқ!.. Ҳечам-да. Биринчиси ўғил бўлади, майли, иккинчиси сен айтгандай... Кўнглингизнинг кўчасини! Қиз бола ота-онасига меҳрибон бўлади, шунинг учун тўнғичнинг киз бўлгани яхши... Мен ўғлимни шундай тарбиялайманки, у ота-онасига киз боладан ҳам меҳрибонроқ бўлади...”

Туйқусдан сумкадаги қўл телефони жиринглаб қолди. Чўчиб кетган Муқаддам атрофга аланглади ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўлларини буюк бир меҳр билан қорнига қўйганча, аччиқ кўз ёшларига ғарқ бўлган кўйи буюк муҳаббат билан шивирлади:

– Дадаси... дадажониси... Болам... болажоним...

Жувон мана шу ҳолида, қўлларини қорнига қўйган кўйи, узлуксиз жиринглаётган телефонини ҳам эшитмай, дувиллаб оқётган кўз ёшларини артмасдан бир-бир босганча негадир бирдан бўтана тус олган дарё қаърига кириб бораверди, бораверди... Оқар сув аввал Муқаддамнинг тиззасигача келди, кейин кўкрагигача... Ногоҳ шиддат билан оқётган сув ости окими жувоннинг оёқларига урилди. Муқаддам тойиб йиқилди ва ҳеч бир қаршилик кўрсатмасдан, аста-секинлик билан чўкаверди...

Дарё икки жонни ўз бағрига олди...

Йўқ, йўқ, келинг, воқеалардан бир оз олдинроққа ўтиб



бўлса-да, мухтасаргина маълумот бериб ўтайлик; илто, уларни батафсил тасвирламоқ имконимиз сарҳадидаги ишдир. Оқар дарё бу икки жонни бағрига қабул қилмади: тонг палла, қуёшнинг илк нурлари билан шишиб кетган жасад сув юзасига қалкиб чиқди... Балиқчилар майитни қирғоққа олиб чиқишди...

Бир кечада сочи кордай оқариб, қадди кекса чолникидек букчайиб қолган Дониёр хотинини ўликхонада кўрган лахзада бир оғиз сўз айтолмасдан “гуп” этиб қулади... Тилдан қолган Дониёр анча даволанди. Сал тузалиб, дудукланиб гапира бошлаган Дониёр хотинининг йилини ўтказгач, бир кечада кўчиб кетди. Кимдир уни Тошкентга кетган дейди, кимдир ота-онасининг ёнига. Ҳар нечук, ҳар ҳафта Муқадамнинг қабрида янги гуллар пайдо бўлиб қолишига караганда, Дониёр бу шаҳардан унча узоқлашмаганга ўхшайди...

\* \* \*

Навбатчи ҳамшира йўлакда мудраб ўтирганини кўрган Бердикул эшикни зич ёпиб, чирокни ўчирди-да, очик деразадан аста пастга тушди.

Шаҳардан овулгача анча йўл. Боши тангиб боғланган Бердикул айрим ҳайдовчиларни ҳайрон қолдириб, баъзиларини ваҳимага солган кўйи овулига бир амаллаб етиб келди.

Уйига яқинлашаркан, Бердикул узоқданок энасининг қув-қув йўталаётганини эшитди. Аммо шу ҳолида ҳам она ҳовлидаги “шип-шип” қадам товушларини эшитди, энг ажабтовур томони эса – ким келганлигини аниқ билди.

– Бердикулжон, яхши келдингми, болам?

– Мен яхшиман, эна.

Бердикул онасининг ёнига келиб ўтирди. Солиҳа эна уни қучиб олди.

– Хайрият-эй...

– Сизга нима бўлди, эна, йўталяпсизми?

– Томоғим кичишиб турибди. Чангдан-да. Ўзинг қаерларда юрибсан, болам? Хавотир олдим.

– Янги ишга ҳеч ўрганолмаёпман. Иш бўлса кун демай, тун демай чакираверишаркан. Лекин шунга яраша пул тўлаймиз дейишди.

Бирдан Солиҳа энанинг ранги қув ўчди:

– Бошингга нима килди, болам-ов? Дориларнинг иси чикиб кетди.

Бердиқул онасини тинчлантиришга шошди:

– Ҳеч нарса, эна, ҳеч нарса. Иш жойимизда совуқ шамол эсиб туради. Вентиляция. Шунга бошимни боғлаб олгандим. Битта маз суртиб. Бош нозик бўлади-ку.

– Ҳа, бош нозик бўлади... Ўх-хў... Киракол, болам. Қўзибой ошқовоқ манти бериб юборган экан. Дастурхонга ўраб қўйганман. Сал қутиб турсанг, қайноққина қилиб иштиб бераман.

– Мантини эрталаб ермиз, эна. Ҳозир олдингизда бирпас ўтирсам майлими?

– Қорнинг очмадими? Кунбўйи туз тотмай юргандирсан хойнаҳой.

– Йўк, эна, қорним тўк. Яхшиси бир чойнак аччиқ чой дамлаб келайин-да, олдингизда озроқ ўтирайин. Эрталаб яна ишга кетишим керак, эна.

Солиҳа эна қандайдир орзикиш билан, ичи куйиб сўради:

– Бормасанг бўлмайдими, Бердиқулжон?

– Бўлмайди, эна. Эртага яхши кун бўлади. Худо хоҳласа, биринчи ойлигимни оламан. Кейин иккаламиз бир жойларга борамиз.

– Унда майли, болам, майли, – дарҳол рози бўлди она. – Ўх-хў... Сен хурсанд бўлсанг бас...

Бердиқул ошхонага бориб чой қўйди. Букчайиб қолган Солиҳа эна ўғлининг қадам товушларини эшитганча маъюс ўтирарди.

Чойдан кейин Солиҳа эна ўзининг кўрпачасига ўтди ва бирпасда ухлаб қолди. Ҳар замонда курук йўталиб қўйишини ҳисобга олмаса, капир яхши ухлади. Бердиқул онасининг ёнида, унинг серажин юзига термилиб ўтираверди.

Ахири, осмонда юлдузлар сўниб, овулнинг у ер-бу ерида хўрозлар кичкира бошлаганида Бердикул аста ўрнидан турди-да, оёк учида юриб дахлизга чиқди, пойабзалини кийиб, ховлига ўтди, ундан кўчага чиқди.

Солиха эна бир неча сония тонгги сукунатда тобора узоклашиб бораётган кадам товушларига кулок солиб ётди. Кейин аста ўрнидан туриб, кафтларини дуога очди:

– Йўлинг... йўлинг ойдин бўлсин, болам... Ўх-хў... Ўх-хў...

\* \* \*

Арок билан носнинг кучи филни ҳам йиқитади, дейишарди. Рост экан. Деярли ўн беш соат ўликдай қотиб ётган Тоҳир бир маҳал кўзларини очди ва ўрнидан аранг тургач, ним ёруғ камерага ажабланиб қаради. Қаерга келиб қолганлигини англамасдан бир амаллаб ўрнидан турди-да, бориб эшикни аввал аста-секин, кейин каттиқроқ ура бошлади:

– Ҳой, ким бор?! Ким бор?

Темир эшик ортидан ғазабли товуш эшитилди:

– Ўчир овозингни!

– Мен қаердаман?

– Катта холангнинг уйидасан!

Гарангсиб қолган Тоҳир қайтиб жойига бориб ўтирди. У зўр бериб нима воқеа рўй берганини эслашга уринарди...

\* \* \*

Бердикул ҳисобни тўғри олган экан: у ўз палатасига деразадан ошиб кириб, каравотда ётганига чорак соат бўлар-бўлмас қўлида семизгина конверт тутган Гулноза кириб келди.

Жувон салом-палом бериб ўтирмасдан, конвертни тутди:

– Мана.

Бердикул қаддини ростлаб ўтирди, конвертни очиб, ичидаги долларларни санаб кўрди.

– Етадими?

Бердикул истехзоли илжайди:

– Етиб қолар. Етмаганини Тоҳирнинг ўзи қўшиб турар.

– Уни тинч қўйсангиз девдим.

– Шарт қўйманг, синглим. Сиз бу пулга менинг кўрсатмаларимни сотиб оляпсиз, ўзимни эмас. Агар муҳтожлик бўлмаганида эди, сиздан бир тийин олмасдим. Шунинг учун олдиндан айтиб қўяй, мен тирик эканман. Тоҳир душманим бўлиб қолаверади. Дунёнинг олтинларини бошимдан сочсангиз ҳам уни тинч қўймайман. Бу сафар уни сиз қутқариб қоляпсиз. Кейинги сафар нима бўлади, кўрамиз! Барибир бир кунни уни оёқларим остида топтайман, хор қиламан, зор қиламан!

Гулноза сесканиб кетди. Бердиқулга ғазаб билан қаради:

– Разил одам экансиз!

– Бир нарсани унутманг: менинг разиллигим оқибат, сабаб эса яна Тоҳирнинг ўзи бўлиб қолаверади.

– Хўп, шу сафарга ишонсам бўладими?

– Ха. Мен эркакман. Айримларга ўхшаб хотин кишининг орқасига яшириниб олмайман.

– Уф-ф. Тоҳирнинг ҳали бу гаплардан хабари йўқ десам ишонасизми?

– Хабарини бўлмаса, бўлади, – пинак бузмади Бердиқул. – Сизга тиз чўкиб миннатдорчилик билдирса керак ўзиям. Барибир икки ўн беш – бир ўттиз бўлиб қолаверади. У аввал ўғирлик қилмаган бўлса, энди мошинангизни тўлаш учун ўғирлик қилади. Катта ўғирлик қилади. Ана шунда копконга тушади.

– Бўлди қилинг, – энсаси қотганини яшириб ўтирмади жувон. – У томони билан сизнинг ишингиз бўлмасин.

– Сизнинг ҳам эртага менинг нима қилишим билан ишингиз бўлмасин!

Гулноза палатадан чиқди. Асабийлашганидан вужуди дир-дир титрай бошлаган Бердиқул ўрнидан турди, конвертнинг ички чўнтагига солиб, бошидаги бинтнинг сичиб ташлади.

Палатасидан чиққан, бошига боғланган бинтлари олиб ташланган Бердиқулнинг хотиржамлик билан йўлакдан кетиб бораётганини кўрган навбатчи ҳамшира анграйиб қолди:

– Бемор... Қаёққа?



Бердикул жилмайди:

– Бир тоза хавода айланиб келсам дегандим.

Ҳамшира Бердикулнинг бошига ишора қилди:

– Лекин сиз...

– Ҳа, буми? Бирдан тузалди-қолди. Соғ одам койкани ортиқча банд қилиб ётгани яхши эмас-да.

Шу сўзларни айтгач, Бердикул йўлида давом этди. Ҳамшира унинг ортидан оғзини ланг очганча қолаверди.

\* \* \*

Бердикулнинг ёнидан баайни вужудига ёмон бир нарса теккандай ижирганиб чиқиб келган Гулноза ички ишлар бошқармаси биносининг дарвозаси ёнида тонгги салкинда кунишганларича уймалашиб турган отаси, кизи, Ўктабр ота, Серсенбой ота, Дилмуроднинг ёнига келгач, қоровул милиционердан сўради:

– Капитан Сулаймоновларинг қачон келади, ука?

– Бизда иш соат саккизда бошланади, опа. Лекин капитан соат еттида кабинетида бўлади.

– Раҳмат.

Милиционер тўғри айтган экан. Терговчи Жавлон Сулаймонов соат етти бўлмасидан ишига келди ва биринчи бўлиб Гулнозани қабул қилди.

– Мен иш ҳужжатлари билан танишиб чиқяпман. Шунинг учун сиз шошманг. Аввал ҳаммасини ўрганайлик, баҳолайлик.

Терговчининг биринчи айтган гапи шу бўлди.

– Сиз ҳаммасини ўрганиб, баҳолаганингизга қадар Холиёров озодликда юриб турса бўларди. Ҳарқалай у одам ўлдирмаган-ку.

Сулаймонов жиддий тарзда делони варақлаб кўрди:

– Мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш... Хизмат вазифасини ўтаётган пайти фуқарога оғир тан жароҳати етказиш... Пора... Мастлик... Менимча, шуларнинг ўзиёқ гумондор Холиёровни вақтинчалик ҳибсхонада сақлаб туриш учун етарли асос бўла олади. Бундай одамлар ўз хулқ-атворлари билан жамоатчилик учун хавф туғдириши мумкин.

– Лекин у ичмайди. Мутлако! – таъкидлади Гулноза.

– Бу қуруқ гап, холос. Экспертиза бошка нарсани кўрсатиб турибди. Бунинг устига, Гулноза опа, мана шу ичмайдиган инспектордан калтак еган, тан жароҳати олган бечора фуқарони ҳам эздан чиқарманг. Ҳали у шундай ариза берсинки...

– Ўша фуқаро ариза бермайди.

– Наҳотки? – Сухбат бошлангандан бери биринчи марта Гулнозага кизиқиб қаради Сулаймонов. – Унинг оғзини мойлашга қачон улгура қолдингиз?

– Мен илтимос қилдим. У кўнди.

Терговчи ғалати илжайиб кўйди:

– Бунақа маҳаллари мушук текинга офтобга чиқмаслигини яхши биламиз. Лекин айтиб қўяй: мен жабрланувчининг аҳволи ҳақида суд-мед экспертнинг ҳолис ҳулоасини ишга тиркаб қўяман. Агар ҳаёт учун хавфли жароҳат етказилган бўлса, жабрланувчи ариза киритмаган тақдирда ҳам бу ҳолатни ҳисобга олишимизга тўғри келади. Ва бу Холиёровнинг фойдасига хизмат қилмайди.

– Ҳа, хурсанд қилдингиз, – кесатди жувон.

– Қонун талаби шу. Дарвоқе, Холиёров бу қонунбузарликларни ўз иш сменасида эмас, айтиш мумкинки, ишдан бўш вақтларида қилиб юрганни ҳам унутмаслик керак. Бу жиддий айблов.

– Бунга мен айбдорман.

– Сиз? – ҳайрон бўлди терговчи.

– Ҳа, мен.

– Ҳм-м... Унда, опажон, сизга аниқ бир таклифим бор: агар Тоҳир Холиёровнинг айбсизлигига ишонсангиз, тузукроқ адвокат ёлланг. қуруқ гап билан ҳеч нарсага эришолмайсиз.

– Менинг эрим адвокат.

Жавлон бир муддат жувонга анқайиб қараб қолди, сўнг тилга кирди:

– Унда янаям яхши. Хайр.

Гулноза ўрнидан турди:

– Хайр.

Йигитлардан бири камшзор яқинида Дилшоднинг "Нексия" сини топибди. Бу хабарни эшитган заҳоти Рустам шу томонга елдек учди.

Машина ўриндиғида компьютерда, катта-катта ҳарфларда ёзилган қоғоз бор эди. Рустам машинасини чийиллатиб кайирганча шаҳарга шошди.

Йўл-йўлакай кўнғирок килиб, вазиятни тушунтиришга уринганди, аммо барибир ҳеч нарса англамаган Муҳиддинбой ҳовлида, ҳовуз ёнида асабий тарзда у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турган экан.

Рустам дарвозадан одатига кўра бош эгиб кирган заҳоти Муҳиддинбой паст овозда сўради:

– Қани?

Рустам кўкрак чўнтагидан қоғозни тутказди, аммо кўллари титраётган Муҳиддинбой уни кайтариб берди:

– Ўки.

Рустам шивирлаб ўкиди:

– "Ўғлингни эсон-омон кўраман десанг, соат ўн иккида бетонкага уч юз минг доллар чиқар. Агар биз билан ўйнашадиган бўлсанг, ўғлингнинг мурдасини ҳам топмайсан!"

Муҳиддинбой турган жойида чайкалиб кетди:

– Аблахлар!.. Машинада бирон киши бормиди?

Шу маҳал ичкаридан Ҳикоятхон шошиб чиқиб қолди:

– Вой, Рустамжон иним, келдингизми? Топдингизми ишкилиб? Топдингизми кулоксиз боламни?

Тараддуланиб қолган Рустамнинг ўрнига Муҳиддинбой жавоб кайтарди:

– Топилибди, хотин, топилибди.

– Вой, хайрият! – яшнаб кетди Ҳикоятхон. – Қаерда экан?

Нега бизга кўнғирок килиб қўймапти.

– Тошкентда, ўртоқлари билан юрган экан, – ёлғон тўқишда давом этди Муҳиддинбой. – Соткаси ишламай қопти.

– Вой, қалласи жойидами унингизнинг? – тутақиб кетди Ҳикоятхон. – Бизни пичоксиз сўйди-ку. Кечаси билан мижажа қокқаним йўқ. Ҳа, ана, ўзининг соткаси бўлмаса...



– Хотин. – вазмин оҳангда гапирди Мухиддинбой. – Уйга кир. Бизнинг Рустам билан зарур ишларимиз бор.

Ҳикоятхон Рустамга ажабланиб қаради:

– Дилшоджоннинг ўзи қани?

– Йўлда экан. – яна ўзи жавоб беришга мажбур бўлди Мухиддинбой. – Кеп қолади.

– Ҳеч бўлмаса бир гаплашай. Эшнтай овозини у беўйнинг!

Мухиддинбой бакириб юборди:

– Хотин! Ишимиз бор дедим!

Аммо тунни билан ваҳимали ўйларга боравериб, бўларни бўлиб чиққан Ҳикоятхон таслим бўлмади:

– Ахир ўғлингиздан мухимрок қанақа иш бўлиши мумкин ҳозир, дадаси?

Мухиддинбой... бирдан мулоҳимлашди:

– Ҳикоят, уйга кир. Эркакларнинг гапига аралашма.

Ҳикоятхон ноилж, аммо орқасига қарай-қарай ичкарига кирди.

Мухиддинбой кўчага ишора қилди. Икков дарвозадан чиқишди.

– Кеча ўртоғи Дилшодни тошкентлик киз билан кўрдим дегандай бўлувдимми?

– Ҳа, хўжайин.

– Бу менга негадир шубҳали туюляпти. Инвесторлар билан айнан уч юз минг долларлик шартнома тузганимдан фақат Аббос Усмонович билан Қахрамон Темирович иккалови хабардор эди. Бошқа ҳеч ким билмасди. Ё сен биронтасига оғзингдан гуллаб қўйганмидинг?

– Йўғ-э, хўжайин.

Мухиддинбой ўйчан тарзда, ўзига ўзи шивирлади:

– Тошкент...

– Хўжайин, – деб қолди Рустам, – эҳтиёт бўлинг, сиздай одамга қарши чиқишибдимми... Мен, масалан, сизнинг ўрнингизда бўлганимда сўраганларини берардим. Боламинг бир тола сочи тўқилмаса бас дердим.



– Қанча вақтимиз бор?

– Икки соатча. Хўжайин, руҳсат берсангиз пулни ўзим опчиқардим. Уларнинг биттасини кўриб олсам бўлди, кейин ернинг тагидан бўлсаям кидириб топаман. Мени биласиз.

Ҳа, Муҳиддинбой Рустамнинг бунақа масалаларда қанақа абжир эканини яхши биларди. Ҳов қаҳратон кишда, бундан ўн йилча бурун, шаҳарда бизнес ишлари билан юрганида намозшом маҳал жомадонидаги каттагина пулни тортиб олиш мақсадида тўртта безори унга ёпишганида қайдандир пайдо бўлиб қолган мана шу Рустам уларни тўрт томонга ирғитиб ташлаганди. Кейинроқ, ўзига ёрдамчи қилиб олгач, Рустам уларни биттама-битта кидириб топди, ҳаммасини Муҳиддинбойнинг хузурига олиб келиб, тиз чўқтирди, кечирим сўратди... Ҳа, бунақа ишларни Рустам боқлайди... Лекин унда ўртада пул турганди, холос. Ҳозир эса...

– Сен йигитлар билан Дилшодни кидиришда давом эт, – деди бир муддатлик мулоҳазадан сўнг Муҳиддинбой. – Бир нарса бўлса тез телефон қил. Бир соатдан кейин офисда кўришамиз. Боравер.

– Хўп.

Рустам машинасида жўнаб кетди.

Ҳовлига қирган Муҳиддинбойни пиқ-пиқ йиғлаётган Ҳикоятхон қарши олди:

– Дадаси...

– Об-бо, хотин, ҳаммаси жойида дедим-ку сенга. Нима, менга ишонмайсанми?

– Ишонмайман. Ўзингизнинг аҳволингизни қаранг.

– Мен ишга боришим керак. Қутишяпти.

– Ҳеч қаяққа бормайсиз! – титраб-қақшаб гапирди Ҳикоятхон. – Мени шу аҳволда ташлаб кетмоқчимисиз? Ниятингиз тириклай ўлдиришми мени? Айтинг, дадаси, нима гап?

Муҳиддинбой ўзига тик қараб турган хотинидан кўзларини олиб қочди.

\* \* \*

Эр-хотин орасидаги суҳбат оғир кечди. Аввалига Файзулла сира телефонини кўтармади. Гулноза қасдма-қасдига қайта-қайта кўнғирок қилаверганидан сўнг, ниҳоят у гўшакни кўтарди ва гапни пичингдан бошлади:

– Нечук бизни йўқлаб коптилар?

Гулноза гапни калта килди:

– Ўзингиз келмасангиз бўлмайди, адаси. Қолган гапларни шу ерда гаплашамиз.

– Наҳотки? Наҳотки менсиз ишингиз битмаса, хоним?

– Ҳозир ўпка-гинанинг ўрни эмас, адаси. Тез етиб келмасангиз, бир бегуноҳ одам қамалиб кетиши мукин.

– Ким экан ўша бегуноҳ? Оиламизга тегишли одамми?

Бир муддатлик сукутдан сўнг жувон айтди:

– Тоҳир.

– Тоҳир? Ие, ие... Эски яралар яна тирналибди-да. Кечадан бери гум бўлиб кетганингиз сабабини тусмоллаб тургандим. Қаранг, адашмабман.

– Файзулла ака. Кесатманг. Орамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин сиздан илтимос қиламан, ёрдам беринг.

– Нима, у ерда адвокат йўқ эканми?

– Тоҳирга кучли адвокат керак дейишди.

– Нима учун энди келиб-келиб уни ҳимоя қилишим керак экан? Оиламга совуқчилик солгани учунми? Хотинимни менга бемехр қилиб қўйгани учунми?

– Адаси, келинг. Илтимос. Кейин... кейин сизнинг ҳар қандай талабингизга розиман.

– Ҳм-м, шунақа денг, – бу сафар Файзулла анча сукут сақлади. – Бу таклифни ўйлаб кўрса бўларкан.

– Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ, адаси. Сиз тез етиб келинг. қолган гапларни шу ерда гаплашамиз. Ҳамма шартларингизга олдиндан розиман деб айтяпман-ку...

Файзулла телефонни ўчириб қўйди.

Гулноза қайта кўнғирок қилмади. У эрининг одатини яхши билади: ҳозир адвокатларга хос совуққонлик билан “мусбат” ва “манфий” томонларни тарозига солмоқда, ҳар

битта далилни хидлаб, эзгилаб, ўлчаб кўрмоқда... Қарор ана шундан кейин, натижага караб қабул қилинади...

Терговчи "Дастлабки сўроқдан кейин гумондор билан учрашишларинг мумкин", деган экан. Шунга, бутун гуруҳ милиция биноси ёнида Тоҳир билан учрашишни қутиб ўтирган маҳал Ноиланинг қўл телефони жиринглаб қолди. Телефонига караб, бегона рақамларни кўрган киз чеккароққа ўтди:

– Эшитаман.

– Ноилахон, бу сизмисиз? – деган овоз келди.

– Менман. Кечирасиз, танимайроқ турибман.

– Бу мен, Мансурман.

Ноила эслолмади:

– Қайси Мансур?

– Дилшоднинг ўртоғи.

– Вой, Мансур ака, бу сизмисиз? Узр, танимабман, умрингиз узок бўлади. Айтгандай, номеримни кимдан олдингиз?

– Топдим-да. Тошкентга яхши етиб бордингизми? Уйдагиларингиз яхши эканми?

– Айтсам ишонмассиз, лекин мен халиям сизларнинг шаҳарларингиздаман.

Мансур қувониб кетди:

– Ростдан-а?

– Рост. Кеча ойимларнинг бир ишлари чиқиб қолиб, кетолмадик.

– Жуда яхши бўпти-да аммо-лекин.

– Мансур ака. Телефон қилганингиз яхши бўлди. Кеча Дилшод акам сизни хафа қилиб қўймадимми?

– Йўғ-э, Ноилахон, бу нима деганингиз?

– Ўртоғингиз сал жиззакироқ-да. Кўрдингиз-ку, кеча бир жойга ўт кетгандай ваҳимага тушиб қолди. Менданам хафа бўлгандирки, телефоним қилмаяпти.

Мансур мавзунини ўзгартиришга шошди:

– Ҳозир қишлоқдамисиз?

– Йўқ, шаҳарда. Шундоқкина шаҳар УВДсининг ёнида.



Мансур хайрон қолди:

– Миллисахонада нима қилиб юрибсиз? Тинчликми?

– Тинчлик, тинчлик. Ойимнинг бир танишлари тушиб қолган экан. Балки танирсиз. Тоҳир ака деган инспектор. “Сайхун” дан.

– Тоҳир ака... Йўқ, эшитмаган эканман. Ноилахон, кеча сизни ўзимнинг дулдулимда сайр қилдиrolмай армонда қолгандим. Ният холис экан аммо-лекин, каранг, учрашиб турибмиз. Мен сизга яқин жойдаман. Беш минутда етиб бо-  
раман. Шаҳар айланишга вақтингиз қалай?

– Сиз келавринг-чи. Ойимдан сўраб кўраман.

Гулноза кизининг ўзлари билан сарғайиб ўтиришига қарши эди, дарров жавоб бера қолди.

Мансур билан Ноила одам сийрак хиёбонда бир оз сайр қилишди.

– Балки бирон жойда овқатланармиз? – таклиф қилди йи-  
гит.

– Раҳмат, нимагадир иштаҳа йўқ. – Ноила телефонда рақам териб, қулоғига яқин олиб борди, бир неча сония эши-  
тиб турди. – Ўртоғингизни айтаман, ёш боладан фарқи йўғ-а. Аразгүй. Мансур ака, ўзингиз бир қўнғирок қилиб кўринг-  
чи. Балки сизникини кўтарар.

Мансур бу таклиф ўзига ёкмаганлигини сездирмасликка уринган кўйи хаяжонланиб гапирди:

– Ноилахон. Қўнғирок қилиш қочмас. Менинг сизга бошқа муҳим бир гапим бор эди. Жуда муҳим аммо-лекин.

– Нима гап экан?

– Ноилахон. Мен авваллари бир кўришда севиб қолиш мумкин дейишса ишонмасдим. Аммо-лекин, мана, бошимга шу савдо тушиб, бунинг чинлигини билдим.

– Нима, биронтасини яхши кўриб қолдингизми? – шун-  
чаки сўради ҳамон хаёли бошқа жойда бўлган қиз.

– Ҳа. Бир кўришда.

– Табриклайман. Накадар бахтли инсонсиз!

– Кимни деб сўрамайсиз-а?

– Нима, мен танийдиган қизми? – хайрон бўлди Ноила.



– Ҳа.

– Қизик, ким экан у?

– Сиз. Ҳа, сиз. Сизнинг ўзингиз.

Ноиланинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

– Ҳазиллашяпсизми, Мансур ака?

– Йўқ. Тўғриси айтяпман.

– Мансур ака, – жаҳли чиқди кизнинг. – Бу нима деганингиз? Ахир мен сизнинг энг яқин ўртоғингизнинг...

– Севгида ўртоклик кетмайди. – шартта кизнинг гапини кесди Мансур.

– Мансур ака. Бу гапларингиз билан Дилшод акамни бехурмат қиляпсиз. Ахир у сизни оғзидан бол томиб мактайди. Дилшод акам...

– Бас, Ноилахон, бас! Жонга тегиб кетди аммо-лекин. Нима бўлса Дилшод! Дилшод! Мактабда ким аълочи – Дилшод! Университетда ким ўқийди? Дилшод. Чет элга ким боради? Дилшод. Қизлар кимга қарайди? Яна Дилшодга. Нима, бу дунёда ундан бошқа одам йўқми?

– Шу Дилшод сизнинг энг яқин дўстингиз.

– Эди.

– Бўлди. Ҳаддингиздан ошманг! Худди мен сизга ваъда бериб қўйгандай осмондан келасиз! Хайр. Ортимдан юрманг, йўлни ўзим биламан!

Ноила жаҳл билан тез-тез юрганча йигитдан узоқлашди. Аклини таниганидан бери ичкиликка муккасидан кетган отасидан факат сўкиш, ҳақорат эшитадиган, уйда эр-хотининг адоғи йўқ жанжалларидан, бундай пайтларда бир-бирларига айтадиган энг разил, энг ифлос, энг тубан, илон пўст ташлайдиган қарғиш-иддаоларидан безиб қолган, алат-окибат буларнинг ҳаммасини ташлаб, олис-олисларга кетаман, янгича ҳаёт бошлайман дея аҳд қилиб юрган чоғида, мутлақо тўйқусдан кеча ўзидан кўз узмаётган нозанин бир киздан ширин гаплар эшитган, натижада зада кўнгилнинг бир четида “Балки бу мени ёктириб қолгандир”, деган ожизона илинж шарпаси ғимирлаб қолган, бироқ энди доғули саробга алданганини англаб етган Мансур Ноиланинг ортидан алам билан, тишларини ғижирлатиб қараб қолаверди.

\* \* \*

Тиниб-тинчимаган Рисолат Гўзалоёни "хотиндан куйган бир шўрлик" билан учраштирмоқчи бўлибди. Қиз кўнди...

Улар хибонда кўришишди, салом-аликдан сўнг истирохат боғи томон юришди.

Шариф деганлари сергап экан-у, аммо собик хотинидан бошқа мавзунни билмас экан.

– ...Мен бунни Рисолат опагаям тушунтирдим, Гўзалоё. Ахир законний ажрашганимизга уч йилдан ошди. Холида бўлса оркамдан одам кўйгани-кўйган. Кўпол ўхшатишим учун кечирасиз-у, ўзиям емас, бировгаям бермас деганлари шу бўлса керак-да, а? Ажрашганимиздан кейин мен билан нима иши бор, ҳайронман. Мана мени айтдим дерсиз, ҳозирам у ёллаган одамлардан биттаси бизни кузатиб турган бўлиши аниқ. – У атрофга шубҳаланиб аланглади. – Анави чолмикин? Менимча ҳув анави хотин. Бизга ўқрайиб қараб туришини қаранг. Точний шу. Мен бунакаларни кўзидан танийман, ҳа. Бир марта биттаси...

Охири тоқати тоқ бўлган Гўзалоё чидаб туролмади:

– Шариф ака, Бир гап айтсам дегандим. Агар мумкин бўлса.

– Бемалол, Гўзалоё, бемалол.

– Бир соатдан бери... собик хотинингизни тилдан кўймайсиз. Менимча... менимча сиз у кишини яхши кўрасиз. Иложини топиб, ҳалиям бўлса ёнига қайтинг.

– Йўғ-э, – чин дилдан ажабланди Шариф, – қанақасига яхши кўраман? Ахир ажрашганман-ку.

– Ким билади, балки яхши кўрганингиз учунам шундай қилгандирсиз. Хайр, Бахтли бўлинглар. Илтимос, мени кузатманг.

Гўзалоё шошиб ортга қайтди. Шариф жойида лол бўлиб туриб қолаверди...

\* \* \*

Шаҳар ички ишлар бошқармасидан чикиб келган Муҳиддинбой дарвозадан ўтиб, машинаси томон юраётган маҳал Рустамнинг машинаси унинг шундай ёнига келиб тўхтади.

– Тинчликми, хўжайин? – хавотирли овози эшитилди Рустамнинг.

Ўз ташвиши ўзига старли Мухиддинбой қўл силтади:

– Сен офисга боравер.

Бирок индамай кетиш ўрнига Рустам милиция биносига ишора қилиб сўради:

– Айтдингизми? Ахир улар талаб қилишганди-ку!

Бу савол сўнгги томчи вазифасини ўтадимми. Мухиддинбой бирдан портлаб кетди:

– Айтган мен, сенинг нега орканг куйяпти?!

Рустам довдираб қолди:

– Хўжайин... мен... халиги...

– Офисга!

– Хўп...

Рустам шу аҳволда машинасини тез ҳайдаб кетди. Баттар жаҳли чиққан Мухиддинбой унинг ортидан бақириб қолди:

– Офис бу ёқда-ку, тентак!

\* \* \*

Инспекторнинг барча айбларни ўйламай-нетмай инкор қилавериши охир-оқибат терговчининг жаҳлини чиқарди.

– Сиз қандай аҳволда эканлигингизни тасаввур қилмаяпсиз, шекилли? Шунинг учун ҳаммасини бўйнингизга олмасдан, силликкина кутулиб кетмоқчи бўлаяпсиз. Лекин бизда ҳозирча мавжуд далилларнинг ҳаммаси сизга қарши.

– Буларнинг ҳаммаси тухмат!

Терговчи истехзоли қолди:

– Нахотки ҳамма коп-кора-ю, биттагина сиз оппоқ бўлсангиз?

– Мен ҳақиқатни гапиряпман!

– Хўш, нима учун раҳбарингиз тасдиқлаб берган иш графиги асосида эмас, бошқа сменада ишга чиқдингиз?

– Мен сменадошим билан келишгандим.

– Қай тахлит? Бевосита раҳбарингизга билдирги билан мурожаат этганмисиз, у кишининг ёзма розилигини олганмисиз?



– Йўк. Биз оғзаки келишгандик.

– Сабаб?

Ўйланиб қолган Тоҳир аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Шунчаки...

– Кўрдингизми? – ғолибона илжайди терговчи. – Бу жавобингизга ўзингиз ҳам ишонмаяпсиз. Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, сиз соҳил бўйида дам олишга чиққан фуқароларга нисбатан олдиндан режа тузиб олгансиз ва шу режа бўйича иш юритгансиз.

– Мен ўз вазифамни бажардим.

– Тасдиқланган иш графиги бўйича сиз дам олишда эдингиз. Демак сиз ўзбилармонлик билан, мавжуд қондаларни писанд қилмаган ҳолда иш юритгансиз. Йўриқномага асосан эса сиз қонунбузарлик ҳолатини аниқлаганингиз заҳоти зудликда ўз сменасида ишлаётган ҳамкасбингизни чақиришингиз ҳамда бу жараёнда гувоҳ сифатида иштирок этишингиз лозим эди.

– Вазият тезлик билан иш юритишни тақозо этганди. Бўлмаса далиллар йўқ қилиниб ташланиши мумкин эди.

– Ҳарқалай, қўйингизда пайдо бўлиб қолган саксон минг сўмни айтмаётгандирсиз?

– Мен ҳеч кимдан пул олганим йўк. Олмайман ҳам.

– Яна ҳаммасини бошидан бошляяпсиз. Холиёров. “Олмаганман, олмайман. Қўйинимга солиб қўйишган. Ичмаганман, ичмайман. Мажбурлаб ичиришган. Урмаганман...” Тўтиқуш бўлиб кетинг-э. Бўлмаса ким олди пулни? Ким ичди? Ким шиша билан урди бегуноҳ фуқарони?

– Нималарнидир ғира-шира эслагандай бўляпман, лекин аниқ бир нарса деёлмайман.

Жавлон қўлларини икки ёнга ёйди:

– Яна нима дейсиз? Яхшиси ҳаммасига иқрор бўлиб қўя қолинг. Чин кўнгилдан айбига иқрор бўлиш жазони енгиллаштиради.

Тоҳир зўр бериб ўша жанжални эшашга уринди, аммо ғира-шира нималардир ёдига тушгандай бўлди, ҳолос. Инспектор оғир “уф” тортди...



Ичкарида дастлабки суриштирув-тергов ишлари олиб бо-  
рилаётган пайтда оппоқ “Нексия” ички ишлар бошқармаси  
биноси дарвозаси ёнида тўхтади.

Машинани таниб қолган Ноила кийқириб, шу томонга  
чопди:

– Адам! Адажоним келдилар!

Машинадан кулимсираганча Файзулла тушиб келди. Но-  
ила ўзини адасининг бағрига отди. Гуруҳнинг қолган аъзола-  
ри ҳам машина томон шошишди.

Кўришишлари ҳол-аҳвол сўрашишлар тугаганидан ке-  
йин эр-хотин чеккароққа ўтишди.

– Йўл бўйи ўйлаб келдим, хоним. Аслида-ку, ўша Тоҳир  
деганларининг қамоқда чириб кетганлиги менга маъқулроқ  
эди. – Файзулла хотинининг кескин тарзда ўзига ялт этиб  
караганини кўриб истехзоли илжайди. – Ҳай-хай, юрак  
пастга тушиб кетди-ёв... Хўш, хиссиётларни бир четга тугиб  
кўйиб, ақл билан иш юритамиз. Мен бу ишга киришаман.  
Ҳали ҳеч нарсадан хабарим йўқ, шу сабабли ҳеч нимага ка-  
фолат беролмайман. Биласиз, мен чангали маҳкам одамман.  
Бир киришсам, қаттиқ киришаман. Шу сабабли, виждонан  
ишлашимни олдиндан маълум қилганим ҳолда, натижа  
қандай бўлишидан қатъи назар, сизга ўз талабимни айтишга  
тўлақонли ҳақлиман деган қарорга келдим.

– Сиз уни олиб чиқасиз, – ишонч билан гапирди Гулноза.

– Насиб қилса, хоним. Хуллас, каминанинг камтарингина  
талаби шундан иборат: бундан кейин дунёда шундай одам  
борлигини тамомила унутасиз, табиийки, телефон-пелефон  
деган нарсалар ҳам буткул унутилади. Овулга ҳам баҳона  
бўлса-бўлмаса ёлғиз ўзингиз ликиллаб чопиб келавермай-  
сиз, фақат мен билан келиб, мен билан кетасиз. Келган пайт-  
ларимиз ҳам ёнимдан бир қадам нари жилмайсиз. Бахтли эр-  
хотинлардек яшаймиз. Маъқулми?

– Розиман. Сизам машинамни тилга олмайсиз. Мен уни  
сотдим.

– Битта машина сизнинг бош-кўзингиздан садақа, хоним. Оғзаки келишув шартлари ҳар икки томонни қаноатлантирди, деган қарорга келамиз ва ишга киришамиз. Чақиринг ўша қаҳрамоннинг яқинини. Ўғлимиди? Мен ордер тўлдиршим керак-ку ахир.

Гулноза дарвоза ёнида турган Дилмуродга қараб қўл силкиди:

– Бу ёққа кел!

Файзулла ҳақиқатан ҳам ўз ишининг устаси эди. Зарур ҳужжатларни тўлдирганидан сўнг у қонунни пеш қилиб, энди гумондордан айбланувчига айланган Тоҳир Холиёровнинг камерасига кириб борди. Адвокатнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолган Тоҳирга нима дегани номаълум, аммо ўн дақиқалик кириш сўзидан сўнг инспектор Файзуллага бор гапни айтиб бераверган, у эса эринмасдан буларнинг барини қоғозга тушираверган.

Хуллас, адвокат терговчи Жавлон Сулаймоновнинг кабинетига кириб борган маҳали старли даражада “қуролланиб” улгурганди.

Файзулла гапни талабдан бошлади:

– Мен ҳимоямдаги Тоҳир Холиёровнинг ҳаракатларида жиноят аломати йўқлиги сабабли зудликда озод этишингизни талаб қиламан.

Терговчи адвокатга “Бунинг эси жойидами ўзи” дегандай ажабланиб қаради:

– Қачондан буён хизмат вазифасини ўтаётган пайти катта миқдорда пора олиш, бировга тан жароҳати етказиш жиноят бўлмай қолди?

– Мен ўз ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда тергов ҳужжатлари билан танишиб чиқдим, – сайраб кетди адвокат. – Холиёровнинг қўйнидан чиққан 80 та минг сўмлик купюранинг биронтасида унинг бармоқ излари топилгани қайд этилмаган. Демак, бу пуллар менинг ҳимоямдаги Холиёровга кейинчалик қасддан солиб қўйилган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Шунингдек, жиноят қуроли бўлган ароқ шишаси далилий ашё сифатида ишга тиркалмаган, унда Холиёров-

нинг бармоқ излари кайд этилмаган. Демак бу айблов ҳам дастлабки суд терговдаёк совун пуфагидай ёрилиб кетиши аник.

– Балки гумондор Холиёровни мажбурлаб ичиришган ҳам демокчидирсиз?

– Худди шундай демокчиман.

– Талабингиз асоссиз. – хужумга ўтди терговчи. – Чунки Холиёров айёр одам сифатида кўйнига тикилган пора пулларга атай кўл теккизмаган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Арок масаласига келсак, бош инспектор берган тушунтириш хатида Холиёровнинг яширинча чекиб юриши келтириб ўтилган. Демак, у кўпчиликдан яширинча равишда ичиб юрган бўлиши ҳам мумкин. Жиноят қуролига келсак, зарба кучли бўлганлиги боис у синиб кетган.

Файзулла яйраб кафтларини бир-бирига ишқадбунаканги даҳанаки жанглар унинг жон-дили эди:

– Мухтарам терговчи. Мен ҳали ўша талабларимни пунктма-пункт исботлаб бераман. Унгача ҳимоямдаги Холиёровни гаров пули эвазига озодликка чиқариш тўғрисидаги илтимосимга нима дейсиз?

Терговчи ноилож қолди:

– Илтимосингизни тегишли тартибда расмийлаштиринг, ўйлаб кўрамыз.

– Хўп.

Ташқарига илжайиб чикиб келган Файзулла ўзини кутиб турганларга ётиги билан вазиятни тушунтирди: инспектор гаров пули эвазига чиқариб юборилади, буни расмийлаштириш учун икки-уч соат вақт кетади, холос. Умуман олганда эса, ишнинг судга оширилмасдан, терговдаёк ёпилиши ҳақиқатга яқин.....

\* \* \*

“Ўзи яқинда камоқдан қайтган одам бўлса... Унда пул нима қилади?... Айтди-қўйди-да... Шу билан йикқан-терганим ҳавога учди-кетди”, деб юрган эканми, қутилмаганда ўзини йўқлаб келган Бердиқул газетага ўралган бир даста пул ту-



тиб турганини кўрганида Самад кўзларига ишонолмай, тирчиллаб колди:

– Минг раҳмат, ука! Келаётган шанба тўй, энди нима қиламан деб сочимни юлгудай бўлиб ўтиргандим.

Бердикул илжайди:

– Пулингиз кисир экан, болалабди.

Ишорани тушунган Самад газетани очди. Долларлар. Самад шошиб санаб кўрди. Кўп. Анча кўп.

– Оббо укажон-ей, тўёнаси ҳам ичида денг.

– Ҳали уни топширишга алоҳида келамиз, ака.

Самаднинг кўзларида ёш ҳалқаланди:

– Илоё умрингиздан барака топинг, укажон. Тўғриси, умидимниям узиб қўйгандим. Минг раҳмат.

– Хўп, Самад ака, мен борай. Вақтингизни олмай, тўй ташвишлари билан юргандирсиз.

– Ёкимли ташвиш, укажон, бу ёкимли ташвиш. – Самад пулга ишора қилди: – Айниқса, белинг бақувват бўлса. Лекин, укажон, бир пиёла чой ичмасдан кетмайсиз.

– Тўйдан кейин, ака, тўйдан кейин бафуржа ўтириб чойлашамиз. Ҳозир ўзимам шошиб тургандим.

– Майли, укажон, майли. Фақат ваъдани унутмасангиз бас: тўйдан кейин алоҳида отамлашамиз.

– Хўп.

Бердикул қўлини кўксига қўйганча оғзининг таноби кочиб бораётган Самаддан узоқлашиб, кўчага чиққан чоғида қўл телефони жиринглади.

– Эшитаман.

– Қаердасан? – Бу Рустамнинг таҳдидли овози эди.

– Қишлоқда, Рустам ака.

– Анов масала ҳал бўлдимми?

Бердикул гап нима ҳақида кетаётганини тушунди:

– Ҳал бўлди.

– Тузук. Тез қамишзор ичидаги кулбага бор. Ҳамроқул кутиб турибди.

– Хўп.



Бердикул уйига шошди.

Тўшакда беҳол ётган Солиха энанинг ёнида Қўзибой билан оқ халатли шифокор.

– Эна! – ошикиб кириб келган Бердикул ўтирганларни кўриб, салом берди.

– Келдингми, ука, – деб кўйди Қўзибой паст овозда.

– Яхшимисиз, – деди шифокор.

– Энам яхшими?

Қўзибой шивирлади:

– Яхши. Ҳозиргина ухлади.

– Келганингиз яхши бўлибди, ака, – ҳовлиқди Бердикул.  
– Худо хоҳласа бугун ё эртага энамни дўхтирга обормокчи бўлиб тургандим. Операцияга.

Шифокор бу гапга ишонқирамагандай бош чайқаб кўйди:

– ҚВПга оборолмай турибмиз-у.

Бердикул онасининг ёнига ўтирди:

– Тинчликми, ака? Энамга бир гап бўлдим?

– Ҳаммаси жойида, ука. Сен безовта бўлмай кўяқол.

Ўзимиз...

Бердикулнинг жаҳли чиқди:

– Ака, менга ишонмаяпсиз шекилли? Мана!

Бердикул чўнтагидан оқ салафан халтачага солинган бир даста доллар чиқариб, кўрпача устига ташлади. Қўзибой пулга бир қараб кўйди.

– Бунингни олиб кўй, ука.

– Бу нима деганингиз?

– Энамга... фақат ҳалол пул ишлатаман деб ният қилиб кўйганман.

– Нима, сизнингча, бу ҳалол эмасми? – дир-дир титрай бошлади Бердикул. – Ахир буни мен пешона терим билан топдим.

– Фақат пешона тери билан бунча пул топиб бўлмаслигини иккаламизам яхши биламиз. Буни олиб тур.

– Лекин...

Шифокор орага гап қўшишга урингани маҳал Бердикулнинг телефони жиринглаб қолди. Рақамларга қараган Бердикул шошиб пойгакка ўтди.

– Эштаман, Рустам ака.

– Етиб бордингми?

– Йўк, энди...

– Тошбакамсан? Ўн минутда етиб бормасанг, тириклай терингни шилиб оламан!

– Хўп, хўп. – Бердикул телефонни ўчирди. – Ака, ишдан чакириб қолишди.

– Бемалол, дедим-ку, ука.

– Энам уйғонганида келганимни айтинг.

– Хўп. Факат. – Кўзибой пулга ишора қилди. – бунингни-ям опкетиб тур.

– Ака!..

Бердикул нимадир демокка чоғланди, аммо вақт зиклигини англаб тургани боис шошиб келиб пулни олди ва хонадан илдам чиқиб кетди.

Қамишзор ичида, сувга деярли туташ ҳолатда чайла қурилган экан. Чайланинг бир бурчагида, қамишлар устида қўл-оёғи боғланган, оғзига латта тикилган бир йигит ётибди.

Бердикул қўшоғиз милтигини маҳкам бағрига босиб ўтирган қоровул Ҳамроқулнинг ўрнини эгаллади.

Чайла четдаги банди кучаниб-ихраниб, қўл-оёғини арконлардан бўшатмокчи бўлди, аммо эплай олмади. Ўз ўйларига ғарқ Бердикул унга эътибор ҳам бермади.

Қамишзор ёнига Мансурнинг “Москвич”и келиб тўхтади. Ундан Мансур билан ўттиз ёшлардаги аёл тушишди. Улар тўғри қамишзор ичига кириб, уйча ёнига келишди.

Сергак Бердикул милтик милини шу тарафга тўғрилади:

– Ким у?

– Ўзимизникилар, – овоз берди Мансур. – Бизни Рустам ака юборди.

Бердикул милтигини туширди.

Мансур билан жувон чайла ичига киришди. Бердикул ўз жойини эгаллади ва ичкарини диққат билан кузатиб ўтирди.

Ўртоғини кўрган Дилшод типирчилаб, арконларидан халос бўлишга уринди. Мансур илдам бориб Дилшоднинг оғзидаги латгани олди.

Дилшод хурсанд бўлиб кетди:

– Уф-ф... Келдингми, ўрток! Мени яна қутқардинг-а! Ким билан келдинг? Мени қандай топдинг? Мени қим бў ерга опкепти? Нега?

Бирдан Дилшоднинг кўзи ўзига мазахомуз тикилиб турган жувонга тушиб, каловланиб колди:

– С-сиз?

Жувон таманно ила Дилшоднинг ёнига келиб, дўли лахжасида гапирганча уни қўл телефонида суратга ола бошлади:

– Садака килинг, амак. Садака радди бало дейдилар... Садака килинг, амак.

– Сиз... сиз тирикмисиз? – дея олди нафаси бўғилиб колган Дилшод аранг.

Мансур Дилшоднинг ёнига бемалол жойлашиб ўтириб олди:

– Шу хушхабарни сенга айтиб, суюнчи олиш учун атай келдим, ўрток. Аммо-лекин сен суюнчи беришгайм ярамайсан. Шунинг учун суюнчининг каттасини даданг тўлайдиган бўлди. Ахир қимсан Муҳиддинбой!

Дилшод энди Мансурга гарансиб каради:

– Ўрток...

– Агар сенга ўхшаган иккита ўртоғим бўлса, – илжайди Мансур, – менга душманнинг кераги йўқ экан.

Ҳаммасини тушунган Дилшод инграб юборди:

– Нега... нега бундай қилдинг?

– Нега? – ўзини ажабланганга солди Мансур. – Чунки сен шу қадар сип-силлик, яхши ўртоқсанки, одамнинг бўғиб ўлдириб қўйгиси келади.

– Сенга пул керакмиди? – ғазаб билан сўради Дилшод.

– Ҳа, керак эди. Аммо-лекин пулданам зўр нарса бор. Буям бўлса ўзини осмон санаб юрган одамнинг ер билан битта бўлишини, ўзингданам пастга тушиб кетишини кўриш. Аммо-лекин сен буни тушунмайсан. Чунки умрингда бир марта оч қолмагансан, умрингда бир марта ҳақорат эшитмагансан, умрингда бир марта балиқ бозорида сени ўласи қилиб қалтаклаб кетишмаган.

– Мансур!

– Нима Мансур? Мансур одам эмасми? Унинг орзу-хаваси йўқми? Ё бир умр итнинг кейинги оёғи бўлиб, сенинг хизматингда бўлиш учун дунёга келганми Мансур?! А, гапир!

– Аблах экансан!

– Чунки сенинг ўртоғингман-да. Сени бир умр виждон азобида қийналиб юрмасин деб сен аллақачон ўлиб кетди деб юрган тиланчини тириклай олиб келсам-у, раҳмат ўрнига айтган гапингни қара. Ўзинг Мухиддинбойнинг ўғли бўла туриб арзимаган йиғирма беш мингни топиб беролмадинг-ку. Ўшани берганинга эди, олам гулистон эди. Айтдим-ку ахир. Йўқ, сен ўз бошингга ўзинг ташвиш сотиб олдинг.

– Бу... – Дилшод жувонга ишора қилди, – бу тиланчи... сенинг шерингми?

– Ҳақорат қилма. Бу тиланчи эмас, собиқ актриса. Роҳатой. Умида бир марта сахнага чиққан, ундаям гадой лўлини ўйнаган. Шундан бери ҳаётдаям шу ролини ўйнаб юрибди. Аммо-лекин ҳақиқий режиссёр кимлигини сен барибир билмадинг. У тез орада мени олиб кетади. Роҳатой қолади, аммо уни хафа қилишни ҳаёлингга ҳам келтира кўрма... Сен билан хайрлашишга келдим, қурумсок. Отанг бутун пулни шиқирлатиб санаб беради, шу билан тамом. Биз эса узоқ-узоқларга кетамиз. Катта пули бор одам қаерга борса ҳам питпилдик!.. Аввал Қозоғистонга ўтамиз, у ердан Россияга, кейин Европага. Балки Америкадаям бир оз яшаб кўрармиз...

Қирғоқ тарафдан машина сигнали эшитилди. Бердиқул ўрнидан турди.

– Рустам аканинг машинаси.

– Мана! – хурсанд бўлиб кетди Мансур. – Хайрлашиш пайти келди, ўрток!

Шу маҳал Бердиқулнинг қўл телефони жиринглади. Бердиқул шошиб телефонни қулоғига яқин олиб бориб, паст овозда гапирди:

– Ака, мен ишдайдим. Кейинроқ ўзим...



Аппаратдан Кўзибойнинг ўкраб йиғлаётгани эшитилди:

– Энажонимиздан айрилиб колдик, ука!

– А?

Шуурсиз аҳволда котиб колган Бердиқулнинг кўлидан телефон аппарати тушиб кетди.

Уйчага дарғазаб Рустам кириб келди. Мансур шошиб унга пешвоз чиқди:

– Мен тайёрман, Рустам ака.

– Ҳаммаси тамом бўлди! Ҳаммаси! – Ғазабланган Рустам Дилшодга нафрат билан қаради. – Манави аблаҳнинг отаси ўз боласидан пулини аяди! Ўз боласидан-а!

Мансур кичкириб юборди:

– Бермадими?

Рустам Дилшоднинг устига бостириб бориб, алам билан уни тепкилай бошлади.

– Аблаҳ! Мен ўн йил отангнинг хизматини қилдим. Итдай ишладим. Лекин отанг ўзи тозалаб кўйган суягиниям мендан кизганиб келди. Сен бўлса бир пулга киммат боласан! Отанг ҳам буни исботлади! Осмондан тушиб турган уч юз мингни сендан кизганди! Бундан кўра болам ўлиб кетаверсин, деди! Нима ҳам дердик, Мухиддинбой. Сизнинг амрингиз вожиб! Болангиз ўлиши керак бўлса ўлади!

Рустам атрофга аланглади. Бунақа воқеалар бўлишини кутмаган бўлса керак, Роҳатой бир чеккада, ваҳима ичида ғужанак бўлиб турарди. Рустам ҳамон шуурсиз аҳволда, кўзларида жикка ёш билан турган Бердиқулни имлаб чақирди:

– Бери кел. От буни!

Бердиқул яқин келди, аммо милтигини ушлаб тураверди.

– От дедим!

Бердиқул бош чайқади.

– Менинг буйруғимни бажармайдиган бўлдингми? Пул кутуртирдими?

Рустам бир тепишда Бердиқулни икки қадам ортга учириб юборди. Милтик Бердиқулнинг кўлидан отилиб кетиб.

камиш тўшама устига тушди. Бердиқулнинг чўнтагидаги коғозга ўралган пул ҳам тушди, коғознинг бир чети очилиб, ундаги долларлар кўринди.

Рустам Мансурга қараб, пулга ишора қилди.

– Ол бунни! – Мансур буйрукни бажарди. – Энди милтикни ол. – Мансур милтикни олди. Рустам Дилшодни кўрсатди: – Энди от бунни!

Мансур жавдираб, ялинди:

– Рустам ака. Ахир биз келишгандик. Мен факат... Ахир у ўртоғим.

– От деяпман!

Мансур худди қўли қуйгандай милтикни бир четга отиб юборди.

– Шунақами? Ҳажикизлар! Қаранглар, кўриб қўйинглар, Муҳиддинбойдай пасткашни мана бундай қилиб бир умр қуйиб ўтишга маҳкум қиладилар!

Рустам милтикни олиб, Дилшоднинг пешонасини кўзлади. Роҳатой жон ҳолатда қулоқларини бекитиб олди. Бердиқул лабларидаги қонни енгига артганча ўрнидан турди.

Рустам тепкини босди. “Чирқ” этган овоз эшитилди, аммо ўқ отилмади. Рустам жон ҳолатда иккинчи тепкини босди. Милтик яна отилмади.

Рустам милтикни очиб, стволларни қаради. Уларнинг ичи бўм-бўш эди.

– Ўқ қани? – бўқирди Рустам.

Бердиқул ўнг кафтини очди, унда иккита ўқ бор эди:

– Мана.

– Бер бу ёкка! – қўлини чўзди Рустам.

Бердиқул бош чайқади. Рустам қутуриб унга ташланди. Иккалови олишиб кетишди.

Бердиқул ўзини сал орқага олиб туриб, қутилмаганда Рустамнинг қаншарига қучли зарба берди. Рустам “гурс” этиб йиқилди.

– Мен... мен ёмон одамман! – жазавага тушиб бақирди Бердиқул. – Ёмон!.. Мен... ўз онамни ўзим... Лекин мен сени ўзимданам ёмон кўраман. Ифлоссан!

Бердикул Рустамни судраб ташқарига олиб чиқди. Уйча ортида тўнкага боғлаб қўйилган эшқакли қайик турарди.

Бердикул сал ўзига келиб, қаршилиқ кўрсатишга ури-наётган Рустамнинг бошини дарё сувига тикди. Рустам жон-жаҳди билан типирчилар, аммо бу бефойда эди.

Мансур билан Роҳатой ортидан Дилшод судралиб чиқди. Бердикул Рустамнинг бошини сувга тикиб тураверди. Ахири Рустам тинчиб қолди. Шундан кейингина Бердикул ўрнидан турди ва қалтираётган Мансурга яқинлашиб кела бошлади:

– Ўрток эмиш! Сенам устозингнинг орқасидан равона бўл, соткин!

Мансур “гуп” этиб ўтириб қолди.

– Акажон! Жон ака! Анави, – у жон ҳолатда Рустамнинг жасадига ишора қилди: – анави мени мажбурлади! Ота-бола гўл, улардан катта пул ундирамиз-да, чет элда маза килиб яшаймиз, деди. Кўнмагандим, кўрkitди! Ўлдиртириб юбо-раман, деди! У... ҳаммасига у айбдор!

Бердикулнинг Мансурга хезланаётганини кўрган Дилшод:

– Қўйинг уни, ака, – деди. – Кўряписиз-ку кимлигини...

Ранги қумдай оқариб кетган Мансур қўлидаги долларлар ўралган қоғозни жон алпозда Бердикулга тутди. Бердикул қоғозни олиб, пулларни Рустамнинг мурдаси устига сочди. Кейин арконни ечди, сувни кечиб бориб қайикни оқимга итаргач, қайикка чиқди-да, эшқакларни отиб юборди. Сўнг шу холида, тик турганча, боши ҳам холда эшқаксиз қайикда, оқим ихтиёрида кетаверди.

Қайик аста-секин кўздан йўқолди.

Буткул довдираб қолган Мансур шошиб келиб Дилшод-нинг қўл-оёқларидаги арконларни еча бошлади.

Қамишзор ёнига милиция машиналари келиб тўхтади. Биринчи машинадан отилиб тушган Мухиддинбой милици-онерлар билан биргаликда чайла томон чопди.

Мухиддинбой узоқдан бақириб келарди:

– Ўғлим... ўғлим...

\* \* \*

Терговчи ҳеч қачон олдиндан аниқ тўхтамага келиб қўйиши керак эмас. Ҳатто далиллар аниқдай бўлиб турганида ҳам...

Терговчи Жавлон Сулаймонов инспекторни олиб кетишган майдонга ўзи келиб, воқеа жойини диққат билан кўздан кечирди.

Ўчок ўрнида қолган қул. Бир қисми ёнган камиш. Пой-абзаллар излари. Чеккароқда шиша синиклари. Бир шиша синиги қиррасида кизил доғ кўринди. Жавлон энгашиб, шиша синигини диққат билан кўздан кечирди. Сўнг ок қўлқопини кийиб эҳтиёткорлик билан шиша синикларини бир жойга тўплай бошлади. Аста-секин арок шишаси синиклари тўпланди. Энди бундан бемалол бармоқ изларини олса бўларди...

\* \* \*

Овулга келиб, озрок меҳмон бўлишгач, кечга яқин оила аъзолари Файзулланинг машинасида йўлга тушишди.

Турғунбой ота, Ўктабр ота, Серсенбой ота, Маърифат хола улар билан дарвоза ёнида хайрлашиб қолишди.

Машина катта кўчага чиқаётгани маҳал бекатда тўхтаган маршрутли таксидан Тоҳир ўғли Дилмурод билан тушиб келаверди. Уларни кўрган Файзулла Гулнозага саволомуз қаради. Гулноза ён томонга ўгирилиб олди.

Кулимсираб қўйган Файзулла газни босди...

\* \* \*

Кейинги кунлари хувиллаб ётган "55" Масъулияти чекланган жамият" балиқ етиштириш корхонасида бугун эрталабдан ҳаракат бошланди. Володя билан Абулқосим ишни бутун ҳудудни супуриб-сидиришдан бошлашди.

Бу ерга хизмат машинасида хотинини ҳам ола келган Муҳиддинбой эринмасдан корхонанинг ҳужжатларини ўрганиб чиқди, қуриб ётган ҳовузни бориб кўрди, энибўйини қадамлаб ўлчади, ахири юзи ёришиб, ўғлини мактаб қўйди:



– Очиғи, яхши бизнес-режа тузган экансан, ўғлим. Вақтида шуларни менга айтганигда бунча ташвишлар бўлмасмиди.

Ҳикоятхон дарров ўғлининг ёнини олди:

– Вой, дадажониси, сизга сюрприз тайёрламоқчи бўлганини тушунтирди-ку.

Мухиддинбой тахтачадаги “55” рақамига бир назар ташлаб кўйди.

– Ишни бошидан бошлаймиз, ўғлим. Балки банкдан кредит олишга ҳам тўғри келар. Факат менда бир таклиф бор.

Дилшод отаси каёкка караганини сезганди:

– “55”ни “56” килиб кўяйинми? Ахир бу йилги туғилган кунингизга барибир улгуролмайман.

– Нега энди “56”? – хайрон бўлди Мухиддинбой. – Менга колса “50” деб ёздириб кўярдим. Ҳаттоки “45” деб.

Ҳикоятхон ажабланди:

– Вой, нега, дадаси?

Мухиддинбой кулиб юборди:

– Чунки... чунки ўғлимнинг ақл билан тадбиркорлик килаётганини кўриб камида ўн ёш яшариб кетдим-да.

Мухиддинбой уялинкираб турган Дилшоднинг елкасига кокиб кўйди.

\* \* \*

Тожибойнинг ўлиmidан сўнг гарангсиб қолган Дилобар ўйлай-ўйлай ахири Тамара ишлаётган цехга кирди: бир оз кўзга чалинмай, тинч яшаб тургани маъқул.

Ўша куни юзига ун беланган қиз ҳовлига чиқиб, суви жилдираб турган фаввора ёнида ўтиргани маҳал кимдир ортига келиб турганини сезди.

Дилобар шошиб шу томонга ўгирилди. Бу фуқаро кийимидаги терговчи Жавлон Сулаймонов эди.

– Мен билан боришингизга тўғри келади, Одилова. Жўрабой машинада.

Дилобар пиқиллаб йиглаб юборди:

– Толян... Жойи жаннатда бўлсин.

– Хабарим бор. Юринг.

Кўз ёшларини тиёлмаётган Дилобар терговчига эргашиди.

\* \* \*

Серсенбой неварачевараларидан ажрала олмадими, келавермади. Икки қария ўзлари сув бўйида гурунглашиб ўтиришди.

Турғунбой ота ҳамон кемача ясар. Ўқтабр ота эса негадир хижил кайфиятда эди.

– Биров арпангни хом ўрдими, бунча қовоқ-тумшук қиласан? – охири сўради Турғунбой ота. – Бунақа одатинг йўқ эди, ўзингни ўзинг қитиқлаб бўлсаям тиржайиб юрардинг.

Ўқтабр ота айтсамми-айтмасамми дегандай бир муддат иккиланиб турди, алоҳа ёрилди:

– Бугун Марварид холамни туш кўрибман.

Турғунбой ота эслолмади:

– Қайси холанг эди у?

– Сен танимайсан. Аллақачон ўтиб кетган.

– Ўлик тушингга кирса яхши бўлади, умринг узок бўлади, жўра.

Ўқтабр ота дўстининг бу гапини эшитмади чоғи.

– Ўшанда еттинчими-саккизинчи синфда ўқирдим. Бир куни мактабдаги атеистик лекциядан кейин уйга югуриб келдим-да. “Марварид хола, худо йўқ экан!” дедим. У кишининг яширинча намоз ўқишини билардим-да. Холам менга анча пайт кўз узмай қараб қолди, кейин аста сўради: “Худо йўқ бўлса, унда нима қилиб яшаб юрибсан?” Ёш эдим, пионер эдим, комсомолга ўтишга тайёргарлик кўраётгандим, шунинг учун холамининг гапини омиликка йўйдим, ўзимча у кишига ачиндим ҳам... Кейинам уч-тўрт марта келиб шу гапимни такрорладим, лекин холам миқ этмасди, менга диққат билан қараб тураверарди; худди соқовдай. Кўзлари жуда ақлли қарарди одамга. Холамининг ўзиям зийрак аёл эди-да... Мен... уч-тўрт марта у кишининг қўлбола жойнамозини ўғирлаб, яшириб ташлаганман, лекин шундаям холам миқ

этмаган. Бўлмаса бу ишни ким қилганини билиб турарди... Кейин холамга диннинг нақадар афюн эканлигини тушунтиришга уриниб, маърузалар ўқиб кетардим. Шундайм индамасди бечора. Фақат жуда жўшиб кетган маҳалларим менга ачиниб қарарди...

– Хўп, тушингда шу холаңгни кўрибсан. У сенга бирон нима дедими?

– Деди.

– Нима деди?

– “Худо йўқ бўлса, унда нима қилиб яшаб юрибсан?” деди.

Турғунбой ота дўстига ажабланиб қаради:

– Сен нима дединг?

– Индамадим...

– Нима кипти шунга? Тушга нималар кирмайди.

Ўқтабр ота номаълум нуқтадан кўз узмай анча туриб қолди, сўнг тилга кирди:

– Кеча Булгаков деган ёзувчининг китобини ўқигандим. “Ҳар кимнинг қисмати ўзининг эътиқодига боғлиқ”, деб ёзибди. Демак, бир умр у дунёга, Яратганга яшониб ўтган холам жаннатий, шундайми?

– Албатта.

Ўқтабр ота жўрасига каттиқ тикилди:

– Унда... бир умр у ёқда ҳеч нима йўқлигига, фақат ва фақат абадий зулмат эканлигига ишониб келган одам ростдан ҳам шунақа жойга тушади-да, шундайми?

Турғунбой ота эътироз билдирмоқчи бўлди, аммо Ўқтабр ота уни гапиргани кўймади:

– Мен ўттиз беш йил бир мафкурага хизмат қилдим. Боғча ёшимдан менга худосиз бўл, дейишди, бўлдим; коммунизмга ишон дейишди, ишондим. Мен дунёдаги энг эркин жамиятда яшаётганимга мутаассибларча ишонардим. Мен мукамал механизмнинг оддий бир мурватчаси эканлигимдан, ўз вазифамни сидкидилдан бажарётганимдан мағрур эдим. Мен ёркин келажакни ўйлаб яшадим, шу келажакка ишониб яшадим, шу келажак учун



хизмат қилдим. Мен итоатли аскар эдим, буйруқни ба-  
жардим, зотан, буйруқ мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш  
менинг вазифам эмасди. Мен шундай яшадим. Аммо  
ниҳоя не бўлди? Мен ишонган кўприклар ёнди, мен су-  
янган тоғлар қулади, мен эътиқод қўйган мафкура йитди.  
Олтмиш йиллик умрим кўприкнинг у томонида, йиғирма  
йили бу томонида... Олтмиш йиллик адашиш... Олтмиш  
йиллик сўқирлик... Уялганимдан Октябрь отимни Ўктябр  
деб ўзгарттирдим... Лекин... агар ровийлар айтганлари  
рост бўлсаю, даҳрийлик эътиқоди билан ўстирилган мен-  
дек бир одам у ёқда сўроққа тутиладиган бўлса, нима деб  
жавоб бераман, нима деб? Менинг айбим – жамиятга их-  
лос билан хизмат қилганимми? Менинг айбим – зиммамга  
юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этганимми?

Турғунбой ота мийиғида жилмайиб қўйди:

– Ўзингни босиб ол, жўра. Топган гапингни қара! Биз  
ўлимдан кўрқмайдиган, уни ўйлаб ваҳимага тушмайдиган  
ёшдамиз. Бу ҳамманинг бошида бор савдо.

– Биламан, гапирсам-гапирмасам, инсон табиат қонун-  
лари олдида барибир ожиз, – оғир-оғир нафас ола бошлаган  
Ўктябр ота тобора кизишиб борарди. – Тирик нарса борки,  
унади-ўсади, етилади, камолотга етади, ниҳоят қарийди ва  
ана шундан кейин қуйига қараб аста-секинлик билан қулай  
бошлайди. Бу жараёни тўхтатиб қоладиган қуч йўқ ва умум-  
ман тўхтатишнинг ҳам кераги йўқ. Бунинг устига, мен ким  
бўлибман? Бир ожиз, хом сут эмган гумроҳ бандаман... Била-  
ман, одамзод яхши қариб, фарзандлари, яқинлари даврасида  
тинчгина, ақл-хуши жойида жон топширишининг ўзи ҳам  
бир саодат. Лекин қани ўша саодат? Нега энди мен қариб,  
бир оёғим гўрда бўлиб қолганида саҳродаги заранг дарахт-  
дай ёлғизман? Нега энди мен қариб...

Тўсатдан Ўктябр ота гапдан тўхтади, сўнг, фикрини да-  
вом эттирмоқчи бўлиб, бир неча бор оғиз жуфтлади, бироқ  
томоғидан хирқирашга ўхшаш товуш чиқди, холос. Ранги  
кўқариб кетаётган ота баногоҳ кўксини чангаллаганча гу-  
пиллаб йиқилди...



Бу сафар “Тез ёрдам”чилар Ўктабр отани шаҳарга, шифохонага олиб кетишди.

Икки-уч кунда отахон анча ўзига келиб қолди. Киришимли Ўктабр ота бирпасда бўлимдаги шифокорлару ҳамширалар билан апоқ-чапоқ бўлиб олди. Айниқса, Гўзалойни мақтагани-мақтаган эди:

– Қўлинг жуда енгил экан, кизим. Оғриқ сезмадим-а.

– Раҳмат, ота. Тузалиб, кўрмагандай бўлиб кетинг.

– Тўғриси, шу касалхона деганларини жиним сўймайди, – тан оларди Ўктабр ота. – Келиб-келиб охирги манзилинг касал-хо-на бўлса, бундан ёмони борми? Ўз уйингда бемалол оёғингни узатиб жон берганга нима етсин!

– Бу ер касалхона эмас, шифохона, ота, ши-фо-хо-на.

– Эсингда экан-а, – мамнун қолди ота.

– Кейин бу бўлимда даволанганлар отдай бўлиб тузалиб кетиб, камида яна эллик-олтмиш йил яшашади.

– Бу яхши экан. Менга қара, кизим, бир нарса сўрасам майлими?

– Бемалол, ота.

– Қишлоққа бориб ишлашга нима дейсан?

– Қишлоққа?

– Ҳа, ўша ўзинг борган “Сайхун”га. Э, бизнинг ҚВП ҳамширага ёлчимади-ёлчимади-да. Келишга-ку, келади, лекин ҳали таниб улгурмасингдан кетворади.

– Лекин “Сайхун”да танишим йўқ.

– Нима қипти? Танишинг бўлмаса, танишасан. Сен жой масаласида ўйланма. Ҳайҳотдай ҳовлида бир ўзим тураман. Бемалол яшайверасан. Чолнинг уйи ёкмаса ҚВПнинг ўзидан хона ажратиб берамиз. Хўш, қалай, келишдикми?

– Ота, буни ўйлаб...

– Нимасини ўйланасан, а, нимасини? Шаҳарда юрасанми сиқилиб, рангинг чиқмай? Бизнинг овул бошқача. Кенг дала. Дарё. Балиқлар. Ўзим лаққасидан тутиб бераман. Мана бундайидан. Хўш?

Гўзалой аввал кулиб юборди, сўнг ўйланиб қолди.

Дониёр ака оиласининг фожиасидан сўнг қиз шаҳарга сиғмай қолганди. қўлиям ишга бормасди. Балки четроқда ишласа бир оз чалғир. Ахир бу ерда ҳамма нарса Дониёр акасини эслатади...

Гўзалоӣ шу кунӣёқ онасига маслаҳат солди:

– Ойи. мени қишлоққа ишга таклиф қилишди. Жой беришаркан.

– Яна шу гапни бошладингми, қизим? – пешонаси тирришди Меҳри холанинг. – Айтдим-ку, тор қорнимга сикқан одам, энди кенг ҳовлимга сиғмай қолдингми?

– Гап фақат ҳовлида эмас, ойи.

– Нимада бўлмаса?

– Бунӣ... бунӣ тушунтириб беролмайман, ойи.

– Ўзи қаерга таклиф қилишяпти? – қизикди Меҳри хола. –

Одам бормайдиган чекка бир қишлоқ бўлса керак-да.

– “Сайхун”га.

– Вой, раҳматли Солиҳа холангнинг қишлоғи-ку! Шўрликнинг анави қамоқдан қайтган боласи бедарак йўқолибди-я...

– Сиз бўлса мени ўша одамга қўшқўллаб тутқазмоқчи эдингиз. Ҳозир ўтирарканман-да на бева, на эрли бўлиб...

– Шунинг учун бу қишлоқ бўлмайди! – кескин бош чайқади Меҳри хола.

– Мен у ерга ишлашга бормоқчиман. Нима дейсиз, ойи?

– Менга қолса шу ерда ишлайверганинг дуруст. Ҳарқалай, ўрганган жойинг.

Гўзалоӣ бирдан маънос тортиб қолди:

– Ўрганмаган жойимда ишласам дегандим. Янги одамлар билан.

– Маҳмадоналик қилма!

– Ойижон...

– Тушунтирибам ўтирма!

Кескин гапиришга ўтдим, бу Меҳри холанинг таслим бўла бошлагани аломати эди...

Эртаси кунӣ қиздан онасини кўндирганини эшитган Ўқтабр ота хурсанд бўлиб, бирдан “кетамиз”га тушиб

қолди. Шифокорларнинг “хай-хай” лашларига жавобан ота Гўзалоини кўрсатиб тураверди:

– Энди менинг ўзимнинг шахсий врачим бор!

Хуллас, отахонга ноилож жавоб беришдию, ёрдам сифатида олиб бориб қўйиш учун “Тез ёрдам” машинаси ажратишди.

Ўктабр ота уйига минг қўйли бойдаё гердаёиб кириб келди. Ҳайдовчи йигитча Гўзалоининг иккита жомадонини ичкарига олиб кириб бергач, қайтиб кетди.

Кўчадан ўтиб бораётган Тохир машинани кўриб қолиб, шу томонга қайрилди.

– Биз сизни кўришга борамиз деб турсак, ўзингиз келиб қўйибсизми, амаки?

– Биласан-ку, шунақанги шифохона-пифохоналарга ҳушим йўк.

– Кўз тегмасин, кўринишингиз зўр! – дея отахонни мактаб қўйди инспектор.

– Тузалмасам жавоб беришармиди! Ўзинг-чи, ўзинг қалайсан, ташвишлардан қутулиб олдингми?

– Раҳмат, Ўктабр амаки, Ишни бошлаб юбордим.

– Бу яхши.

– Кеча терговга чакиришди. Рустам деган йигит бошчилик қилган катта бир гуруҳни ушлашибди. Ўзимиздан Ҳамроқул билан Санақулниям олиб кетишган экан. Билганларимни айтиб бериб келдим.

– Анави... Бердиқул топилмадими?

– Йўк. На тириги, на ўлиги...

– Онасининг худойисига бордингми?

– Албатта. Қўзибой ака бирдан чўкиб копти...

– Ҳм-м... Ҳам онадан, ҳам жигардан айрилиш осонми?..

– Ўктабр амаки бир чеккада ийманиб турган Гўзалоини фаҳр билан кўрсатди: – Бу менинг қизим! Оти Гўзалоё. Ҳамшира. Ўзимизнинг ҚВПда ишлайди энди.

Қиз салом берди:

– Яхшимисиз.

– Ўзингиз яхши келдингизми, синглим...

Гўзалоӣ ичкарига кирди.

– Маӣли, амаки, мен борай. Сизга жуда катта раҳмат. Билмадим, агар сиз билан... – Тоҳирнинг товуши титраб кетди. – агар сизлар бўлмагангинизда...

– Бу гапларни кўй, болам. Ундан кўра кечкурун бемалол ўтирадиган бўлиб кел. Бир гурунглашамиз.

– Албатта, амаки, албатта.

Тоҳир ховлидан узоқлашаркан, ортига қараб-қараб кўярди.

\* \* \*

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди.

Гўзалоӣ ишга, қишлоққа ўрганиб кетди. Шанба кечга яқин шаҳарга жўнайди, якшанба қайтади. Уйидагилар ундан хурсанд. Айниқса, янгаларининг қувончини таърифлашга сўз ожиз. Бўшаб қолган хонани таллашиб қирпичок бўлишаётган эса-да, қайсиингил келган кунлари – “Балки менинг фойдамга бир оғиз сўз айтиб кўяр”, деган илнж-да бўлса керак – ундан минг айланиб-ўргилишади, соясига кўрпача солгудай бўлишади. Буни кўриб Гўзалоӣ ҳам мамнун бўлади. Меҳри хола эса бош чайқаб, ўзининг маталини айтиб қолади: “Яқиндаги тишлашади, узоқдаги кишнашади”...

Ўтган вақт ичида... Тоҳир ҚВПга икки марта келиб кетди. Инспектор умрида қилмаган ишни қилиб, укол олишга рози бўлди: шамоллаб қолган эмиш. Саратонда-я? Илгарилари, қаҳратон қишда ҳам баданига бўреик ё айик мойини суртиб, сменасига битта камзулда чиқиб кетаверадиган инспекторга нима бўлган, тушуниш мушкул эди. Ёши ўтиб, танаси нозиклашиб қолган десанг, ҳалиям тоғни урса талқон қиладиган кучи борки, унинг қувватига ҳали анча-мунча ёшлар ҳавас қилса арзийди...

Овулда гап ётармиди. Дилмурод аввал унисидан шамали гап эшитди, кейин бунисидан... Устига-устак, зингил солиб қараб кўрдик, дадаси кейинги пайтлари сокол-мўйловини киртишлаб олиб, арчилган бодрингдай бўлиб юришга



ўтибди, буюм камдай – шу пайтгача қилмаган яна бир ишни қилиб – қиммат атир ишлатадиган бўпти. Ана, уйда нозик ифор шу қадар гурқираб кетганки, уни исирик иси билан ҳам босиб бўлмади...

Охири жаҳли чиққан Дилмурод бу ҳамширанинг қанақалигини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди. Гўзалоёй ҳафтада икки марта овулдаги иккиқат аёллардан хабар олиб кетарди. Шундай кунларнинг бирини Дилмурод уни кўчасида пойлаб турди.

Гўзалоёйнинг яқинлашаётганини кўрган Дилмурод велосипедида ховлидан учиб чиқди ва рулни буриб юбориб, ўмбалоқ ошиб тушди. Йиқилиш ҳақиқий бўлди ва оғрик зўридан Дилмурод инграб юборди. Буни кўрган ҳамшира чопиб унинг ёнига келди-да, Дилмуроднинг туришига ёрдамлашди.

– Ҳеч нарса қилмадимми?

Дилмурод осилиб қолган ўнг кўлини кўрсатди:

– Кўлим...

– Қани, кўрайлик-чи...

Ҳамшира кўлни пайпаслаб кўра бошлади.

– Нимасини кўрасиз. Қаранг, синибди-ку.

– Ҳа, ёмон синганга ўхшайди, – бош чайқади ҳамшира.

Сўнг ачиниб сўради: – Оғрияптимми?

– Албатта оғрийди-да.

– Биз ўқиган пайтларимиз синган кўл аввал оғримайди, оғрик кейин билинади деб ўргатишарди, – йигитчага синовчан қараб қўйди Гўзалоёй.

– Тўғри, – дарров рози бўлди Дилмурод, – ҳозир унчалик билинмаяпти. Лекин зирқираб турибди барибир.

– Ўзи шунақа бўлади. – Ҳамшира ерда ётган велосипедни кўтарди, унинг қийшайиб қолган ғилдирагига афсусланиб қаради. – Ачиниб кетяпман.

– Кўлимгами?

– Ғилдиракка. Янги экан... Қани, буни уйга киритиб қўйайлик-чи, полвон.

Дилмурод кўлини намоёншкорона ликиллатганча йўл бошлади.

Гўзалоӣ велосипедни ховли чеккасига кўйиб, Дилмуродга ўғирилди:

– Хўш, полвон, кўлни нима қиламиз?

– Нима қилардингиз. – хайрон бўлди “полвон”. – гипслайсиз-да.

Ҳамшира атрофга аланглади:

– Нима, уйлариңда цемент борми?

– Йўқ, лекин керак бўлса чоғиб бориб дўқондан опкеламан.

– Майли, опке, – рози бўлди Гўзалоӣ. – Унғача мен тахтакач тайёрлаб тураман.

– Қанча керак? – ховлиқиб сўради Дилмурод.

– Ҳм-м... Ярим қопча бўлса этиб қолар. Бир қоп бўлса янаям яхши, – жиддий жавоб қайтарди қиз.

– Спирт-чи, спирт керак эмасми?

– Керак эмас.

– Шунисигаям раҳмат.

– Ҳа, дўқонда спирт йўқми?

– Бўлса керак. Лекин спирт, арок хиди дадамга ёқмайди-да.

– Ростдан-а?

– Ростдан. Тўғри, ойим вафот этганларидан сўнг озрок пайт ичиб юрдилар. Лекин кейин бутунлай ташлаб кетдилар. Ҳатто ярим пиёла ичса ҳам ҳушдан кетади ган бўлиб қолдилар... Бўпти, мен кетдим.

– Яхши бориб кел, – мийиғида жилмайди қиз. – Ўзингни эҳтиёт қил. Айниқса кўлингни, полвон.

– Эҳтиёт қиламан.

Дилмурод шошиб ховлидан чиккач, Гўзалоӣ атрофга аланглади, деразадан хонага бўйлади. Ҳа, бу ерда иккита эркак яшаётгани биллиниб турибди: нарсалар сочилиб ётибди, хона супурилмаган.

Гўзалоӣ бир четда ётган супурги билан ҳокандозни олиб, ишга киришди.

Орадан ярим соатлар ўтган. бир копча цемент кўтарган Дилмурод қайтиб келди. У ховлига киргандан бир кўлини худди сингандай ликиллатиб олган. овоз берди:

– Мен келдим. Гўзалоӣ опа.

Уйда ҳеч ким йўқ эди. Аммо ховли ёғ тушса ялагудай килиб супурилган. кўлоблатиб су в ҳам сепилган. Қопни ерга кўйган Дилмурод ҳайрон бўлганча шошиб хонага кирди. Бу ер ҳам саранжом-саришта. нарсалар жойи-жойида. Ўртадаги хонтахта устида бир варақ коғоз. Дилмурод шошиб бориб коғозни олди. Бу Гўзалоӣ қолдирган хат эди: “Шумтака! Оп-келган цементинг билан дераза ёнларини суваб кўй”.

Дилмурод ховлига чикиб қаради. Дарҳақиқат. дераза кесакисининг бир неча жойи кўчган эди. Изза бўлган йи-гитча беихтиёр “синган” кўли билан пешонасини эзғилай бошлади.

\* \* \*

Янги ҳамширанинг доимий ишлаб қолиш ниятида эканига ишонч ҳосил қилишди шекилли. кишлоқ врачлик пунктининг кенг-мўл бир хонасини унга ажратиб беришди..

Одатда, Ўктабр ота мук тушиб китоб ўқишдан ёки кишлоқ фуқаролар йиғини идорасининг ташвишларидан бўш пайтлари ё икки тенгдош ўртоғининг олдига югурарди, ё кирғок бўйига чикиб олиб, дарёни томоша қилиб ўтираверарди.

Гўзалоӣ отани кирғок бўйидан топди. Ўктабр ота дарраҳт соясида, майсалар устига тўшалган чопонида ёнбошлаб ўтирарди. Унинг қаршисида эса инспектор Тохир.

Шу томонга яқинлашаётган ҳамширани кўрган ота қаддини ростлади:

– Кел. қизим.

Салом-алиқдан сўнг Гўзалоӣ муддаога кўчди:

– Ота, ҚВПдан алоҳида хона ажратиб беришди. Шунга руҳсат берсангиз. бугун кўчсаммикин. деб тургандим.

Бунақа гапни қутмаган экан шекилли. чол эсанкираб қолди:

– Бу нима деганинг, кизим. Ё биздан бирон хатолик ўтдимми?

– Йўғ-э! – жон ҳолатда ўзини оқлашга тушди хамшира. – Сиздан факат яхшилик кўрдим. Лекин...

– Битта сен экансан, яна йигирма киши бўлса ҳам менинг ҳовлимга бемалол жойлашиб кетаверади. Кўнгил торликдан худо асрасин, кизим.

Гўзалоӣ эътироз билдиришга уринди:

– Лекин...

– Бўлди! Ҳеч қанақа “лекин-пекин”и йўқ! – Ўктябр ота бирдан яйраб қулиб юборди. – Мен-ку, сендан битта катаалакдай хонамни аямайман. Лекин айримлар, – ота ер остидан қизга тикилиб турган Тохирга ишора қилди. – сени уйининг тўрига ўтказиб қўйишни орзу қилиб юришибди. Кенг уйининг келинчаги дегандай... А. Тохир?

Айб иш устида қўлга тушиб қолгандай бирдан лавлагиси чиқиб кетган Тохир қўл силтади:

– Э, амаки...

– Нима, ёлғонми? – Ота Гўзалоӣга кўз қисиб қўйди.

– Сал тортинчоқлиги демаса, ўзи ёмон йигит эмас-а, кизим?

– Вой, бу нима деганингиз...

Юзи анордай кизарган Гўзалоӣ ортига ўгириласола овулга қайтди. Ўз-ўзидан мамнун бўлиб, пиқирлаб қулаётган Ўктябр отага бармоқ ўкталиб пўписа қилиб қўйган Тохир шошиб ўрнидан турди-да, қизга етиб олди.

– Гўзалоӣ, хафа бўлманг. Амаким ҳазиллашдилар. Яхшиси юринг, сизга она дарёмизни бир кўрсатай. Ишонавринг, қайиқда бир сўзсангиз бўлди, дарёга меҳрингиз тушиб қолади.

Ердан кўз узмай кетаётган қиз унсиз бош ирғаб қўйди.

Гўзалоӣнинг ҳамон хижолат чекаётганини сезган инспектор гапни бошқа мавзуга бурди:

– Гўзалхон, дарё деганлари битмас-туганмас хазина, сирасрор. Бир марта ишқингиз тушдим, тамом, кейин бир умр ундан нари кетолмай юрасиз.



Қиз бошини кўтарди:

– Сизга ўхшабми?

Тоҳир яшнаб кетди:

– Балки! Лекин одамнинг юраги жуда катта бўларкан. Гўзалхон. Катта дарёга муҳаббатнинг ёнида ҳаминша инсонга муҳаббат учун ундан ҳам каттарок жой коларкан...

“Булар келишиб олишганми. нима бато!” деган ўйга борган ва бу ўйдан нечукдир иссиғи чикиб кетган Гўзалої ёнбошига “Балиқ” деб ёзилган катта машина дарёга нимадир ағдараётганини кўриб қолиб, шунга ишора қилди:

– Анави нима?

– Ҳа, буми? – дарҳол изоҳ беришга ўтди Тоҳир: – Балиқчилик хўжалигида уруғдан стиштирилган бир йиллик балиқлар. Катталиги сигаретадай бўлгани учун биз уларни “сигареткалар” деймиз.

– Уларни нега дарёга ташлашяпти?

– Ахир балиқча бир умр ховузда қолиб кетмайдик-ку. У энди дарёда маза қилиб яшайди. бемалол сузади, ўсади. кенг дунёни кўради, муҳаббатини топади.

– Қизиқ экан. Хўш, мустақил ҳаётга кадам қўяётган балиқчаларни яқиндан кўрса бўладими?

– Албатта. Марҳамат.

Икков машина ёнига келишди, майда балиқчаларнинг дарёга тўкилишини томоша қилишди. Сўнг Тоҳир қизни причалга бошлади. Аммо дарвоза ёнида чайқалганча “Унга кўрсатиб қўяман!.. Чиккан жойига киритиб қўяман!.. Келиб-келиб мен билан ҳазиллашадими? Мен билан-а?!” қабилдаги гаплар билан ўзларини ўзлари кайраб турган. кун иссиқлигига қарамадан ҳарбийча пошнаси каттик ботинка кийиб олган иккита барзанги эркак уларнинг йўлини тўсди.

Тоҳир буларни танимади. Афтидан, янги кўчиб келганлардан ё ўшаларнинг хеш-уруғлари. Бунақа атамзадалар билан тўқнаш келавериб, тажрибаси ортиб қолган инспектор иложи борича хотиржамлик билан сўради:

– Сизларга нима керак?

Биринчи эркак дарҳол пўписага ўтди:

– Сенинг дастингдан тирикчилик ўтмай қолди-ку, аблаҳ!  
На ўзинг ейсан. на бировга берасан. ит!

Унга шериги жўр бўлди:

– Ҳамқишлоғимиз бўла туриб тўримизни тортиб олдинг.  
индамадик. қайиғимизни мусодара қилдинг. индамадик.  
мана энди отнинг қалласидай жарима ёзибсан!

– Бир бош баликка иккита минимал оқлад эмиш! Э, тан-  
гаси тиллоданми унингнинг! Айтиб қўй, сийиғинг битди  
сен ноқаснинг! Энди ўзингдан кўр!

Тоҳир Гўзалоёга қараб:

– Узр. сиз нарирокка бориб туринг, – деди. Қиз узоқ-  
лашгач, мастларга ўгирилди: – Акалар, аввало бу ердан кет-  
тинглар...

Биринчи эркак бош бармоғини иккала бармоғи орасига  
солиб кўрсатди:

– Мана кетамиз!

– Иккинчидан, нима даъволаринг бўлса идорага, хушёр  
пайтларинг келинглар. Ўша ерда бафуржа гаплашамиз...

Инспектор гапини тугатолмади: қутилмаганда иккала  
эркак унга ташланиб қолишди. Тоҳир ўзини ҳимоя қилишга  
уринди, аммо гавдали биттаси унинг устига ўзини отиб, ерга  
йикитди. Эркаклар Тоҳирни аёвсиз тепкилашга тушишди.  
Улардан бирининг қўлида пичок ялтиради.

Кўрқиб кетган Гўзалоё жон алфозда атрофга аланглади.  
Қўлга илингулик нарсалардан дарвоза ёнида синган эшкак  
ётарди, холос. Қиз эшкакни олдию, уришаётганлар ёнига  
чошиб келди-да, пичок кўтарган қўлга қаттиқ урди. Пичок  
отилиб кетди.

– Манжалақи!

Жон аччиғида бўқирган эркак Гўзалоёнинг қўлидаги эш-  
какни тортиб олиб, чеккага отди. Амаллаб ўрнидан тураёт-  
ган Тоҳирнинг бошига иккинчи маст бор қучи билан тепди.  
Қаттиқ пошнанинг суякка тегиб қарсиллагани эшитилди, инс-  
пектор “гурс” этиб йикилди.

Гўзалоё додлаб юборди.

Тоҳирнинг чаккасидан кон оқаётганини кўрган эркаклар шипиллаб жўнаб қолишди.

Ҳушдан кетган Тоҳирнинг ёнига тиз чўккан, конни, жароҳат ўрнини кўрган Гўзалоё телефонига ёпишди:

– “Тез ёрдам”ми? Тез “Сайҳуновул”даги причалга етиб келишсин! Инспектор оғир аҳволда! Ҳа, мен Гўзалоёман. Кутаман!..

Қиз бир нарсани биларди: бунақа жойларда албатта биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт қутиси бўлади. Гўзалоё шошиб причалга кирди, хоналарга бирма-бир кириб чиқаркан, ниҳоят излаган нарсасини топди.

Шу куни Тоҳирга ўз вақтида кўрсатилган биринчи ёрдам эҳтимол унинг жонини саклаб қолгандир...

Инспектор шифохонада бир ҳафта даволанди. Шу кунлар ичида Гўзалоё унинг ёнидан жилмади ҳисоб.

Ниҳоят хавф буткул бартараф бўлиб, Тоҳир оёққа турган куни биргаликда истироҳат боғига сайрга чиқишганида қизиқ воқеа юз берди.

Икков йўлакдан аста кетиб боришмоқда эди. Қарши тарафдан қўлтиклашиб келаётган жуфтликка Гўзалоё эътибор бермаганди. Аммо уларнинг ёнида ўтаётган маҳал қутилмаганда жуфтлик тўхтади.

– Яхшимисиз, – деб қолди эркак. – Узр, исмингиз эсимдан чиқиб қолибди.

Гўзалоё ҳайрон бўлиб бошини кўтарди. Унинг қаршисида ўша Шариф турарди. Ёнида сулув аёл.

Қиз бехиётёр исмини айтди.

– Ҳа, ҳа, Гўзалоё эди-я. – Шариф қувонч билан жувонга ишора қилди: – Танишинг, бу...

– Холида кеннойим. Топдимми? – деб юборди Гўзалоё.

– Э, қойил! Тўппа-тўғри топдингиз. – Шариф Холидасига гурур билан қаради: – Қанчалик машҳурлигингни энди билдингми?

– Уялтирманг, – кулимсиради Холида. Табассум бу аёлни янада чиройли кўрсатиб юборди. – Бизникига меҳмон бўлиб келинглар.

– Албатта. – деди Гўзалоӣ. – Ўзларингиз ҳам келин-гизлар.

– Раҳмат.

– Биз қайта топишдик! – ёш боладай мактанди Шариф.

– Кўриниб турибди. – жилмайдди Гўзалоӣ.

– Қайтатдан ЗАГСдан ўтдик. – қувончини баҳам кўришни кўймадди Шариф.

Холида уялинкараб эрининг биллагидан аста чимчиди:

– Кўйинг... Уят...

– Бахтли бўлинглар. – чин дилдан тилак билдирди Гўзалоӣ.

– Раҳмат. Хайр, – деди Шариф.

– Яхши боринглар. – хайрлашди Тохир.

Эр-хотин ўтиб кетишди. Гўзалоӣ бўлиб ўтган воқеани гапириб берганди. Тохир роса қулди...

\* \* \*

Учинчи инсулт жуда оғир кечди...

Ўктабр ота уйида, ёлғиз ўзи эски суратларни томоша қилиб ўтирган маҳал қулаб тушган экан...

Тилдан қолди шўрлик. Кўзлари филтиллаб, бошида ўтирган жўраларига нимадир демоқчи бўлади. аммо томоғидан хириллашдан ўзга бир сас чиқмайди... Охири қогозга, бармоқларини аранг қимирлатган кўйи кинғиркӣйишқ ҳарфларда ёзди: “У ёқдан сенларга жой олиб қўяй десам, менинг борар жойим маълум... Сен инқовинг ҳам жаннатисан...”

Шу пайтгача ўзини тутиб турган Тўрғунбой ота чидай олмади: ўкраб йиғлаганча жўрасини маҳкам қучоқлаб олди. Серсенбой ота бўзлаб уларга ёпишди...

Чоллар узок йиғлашди...

Кейинги нома қисқа бўлди: “Уйимдан...”

Эртаси кунни гоҳ ҳушини йўқотиб, гоҳ ўзига келаётган Ўктабр отани уйига олиб келишди...

Жўрасининг гаплари ёдида турган Тўрғунбой ота унинг бошида қалима қайтариб, билган дуоларини ўқиб ўтираверди...



Ўктябр ота тонг махал, безовта уйқусида узилди...

Жаноза кунн кишлокка одам сиғмай кетди...

Исм-шарифи Коммуна Октябровна Лопетайте бўлган бу аёл кишлокка отасининг вафотидан саккиз кун ўтгандан сўнг, олти яшарлар чамаси сап-сарик қизчаси билан кириб келди.

Албатта, Папакириакопулос фамилияли, ўзбекчани кийиб ташлайдиган “Саша грек”лар яшаб ўтган овулда бу ажабтовур фамилияни айтиш унчалик қийинчилик туғдирмасди. Аммо Коммунанинг она тилини аллатовур талаффузда, бунинг устига қийналиб гапириши, сап-сарик қизчасининг эса биронта ўзбекча сўзни билмаслиги ғалати эди.

Тез орада Комилахон – кишлок ахли Ўктябр отанинг ёлғиз қизини шундай деб атай бошлади – литвалик рассом эрининг фамилиясига ўтгани аён бўлди. Байналмилал оила аввал Вильнюсда яшабди, кейин Каунасада. Ҳозир эса Шенген визасига эга, демак катта имкониятлари бор ёшлар сифатида Оврупонинг гоҳ у давлатида, гоҳ бу давлатида истиқомат қилишармиш. “Иш топилишига қараб”, дея қўшиб қўйди Комилахон қизикувчиларнинг бундай қўнимсизлик борасидаги содда саволларига жавобан.

Уй дарвозасига “Продаётся” деб ёзиб қўйган Комила-Коммуна шошиб турган эканми, икки марта қабристонга бориб келганидан сўнг қайтиш тадоригини кўра бошлади. Шу боис ёлғиз қизи, ўзи кўрмаган невараси иштирок этсин, раҳматлининг руҳи шод бўлсин деган ниятда Ўктябр отанинг қирқи жуда тез муддатда ўтказилди.

Қандайдир нотаниш одамлар келиб, уйни сотиб олишди. Янги эгалар уйдаги бор эски-туски қоғозлар, суратлар, хужжатлар ва бир олам китобларни ёқиб юборишмоқчи эканидан хабар топган Турғунбой ота илдам бориб уларнинг ҳаммасини уйига опкелтириб қўйди...

Раҳматли падари бузрукворини “папуля” деб гапирадиган Коммуна Октябровна Лопетайтени кузатишга ярим кишлок чиқди. Отасининг мазоридан олинган бир сиқим тупроқ туғилган рўмолчани қўлидан қўймаётган жувон, баайни энди

бу овулга қайтиб келмаслигини сезаётгандай, озгина кўз ёши тўкиб ҳам олди...

\* \* \*

Турғунбой ота Дилмурод билан кирғоқ бўйида анча гурунглашиб ўтирди.

– ...Ўзинг бир ўйлаб кўр. Сен армияга кетсанг, даданг уйда ёлғиз қоладими? Қолади. Ёлғизлик ёмон, жуда ёмон. У худди бор қувватингни сўриб оладиган касалликка ўхшайди. Демак уйлариңга бир бека керакми? Керак. Шунга, жўрамнинг йиллини ўтказгандан кейин дадангнинг бошини иккита қилиб қўйсакми дегандим... Гўзалоё жуда яхши қиз. Оқила, камсуқум, ўқиган-тушунган... Кўрдинг-ку, касалхонадаям отангнинг бошида парвона бўлди, худди нажот фариштасидай. Гапим тўғрими?

– Гўзалоё опа... Гўзалоё опа яхши қиз... – Дилмурод нигоҳини ердан узиб, отага тик қаради: – Лекин... лекин ойи-жонимнинг ўрнини босолмайди...

Афсусланиб бош чайқаб қўйган Турғунбой ота унга ниҳоят ўзи битказган, янги бўёқлари қуёш нурида ялтираб-товланиб турган ғилдиракчали, елканли ўйма кемачани тутди:

– Ма, ол. Бунга дарёга қўйиб юбор.

Дилмурод бениҳоя чиройли кемачани ҳайратланиб томоша қилди, сўнг уч-тўрт кадам сув кечиб, ичкарига киргач, уни эҳтиёткорлик билан дарё сатҳига қўйди.

Ғилдиракча айланди ва кемача оқим измида сузиб кетди. Дилмурод кичқириб юборди:

– Сузди! Сузди-и!

Дилмурод тезлиги ошиб бораётган, ўркач-ўркач тўлкинларни писанд этмаётган кемачага қўшилиб кирғоқ бўйлаб чопарди...

Мўъжаз кемача эса тобора тезроқ, тобора шиддатлироқ ва айни пайтда улғувор тарзда сузарди...

\* \* \*

Она Дарё минг миллион йиллардан бери тўхтамай оқаяпти: яна минг миллион йиллар оқади. Биз йўқ эдик, Дарё бор эди. Биз келдик, Дарё бор. Биз ўтамиз, Дарё қолади. Вақт сув каби оқиб ўтади, деймиз, ваҳоланки, аслида Дарё вақт каби оқиб ўтаверади. У неча-неча минглаб, юз минглаб инсонларга жон бахш этди, сувга зорларнинг ташналигини қондирди, саҳроларни бўстонга айлантирди: яна бағрида балиқларни парваришлайди, уларни бизга тақдим қилади. Дарё ҳаёт мисоли: сиртдан сокин кўринган сув қаърида не-не пўртаналар, не-не гирдоблар, не-не шиддатли оқимлар яширин. Дарё бизнинг беминнат онамиздай меҳрибон, ғамхўр. Шунинг учун биз уни Она Дарё деб атаймиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интихоси йўқ...

*Тамом*

*2011-2014 йиллар*

---

## ОНА ДАРЁ ТАСВИРИ

Болалиги ва ёшлиги кечган макон ҳар қандай одамнинг ҳаётида ҳам қатта ўрин тутлади. Униб-ўсган жой кишининг нафақат хотираси, балки табиатида бир умр ўчмайдиган из қолдиради. Бундай из, айниқса, ижодкор шахсида чуқурроқ бўлади. Улғайган макон санъаткор учун фақат вужудини етилтирган жуғрофий маскангина эмас, балки шахсиятига хос сифатларни шакллантирган маънавий қайноқ ҳам саналади. Шу сабаб барча санъаткорлар илк бор олам ва одамлар билан танишган, дунё ва ундаги нарса-ҳодисалар тўғрисида дастлабки тасаввурлари юзага келган маконга кўзга кўринмас иплар орқали боғланган бўлади. Шундан бўлса керак, ўткир сюжетли қисса, ҳикоя ва романлари билан ўқирманлар эътиборини қозониб келаётган ёзувчи Абдуқаюм Йўлдош ҳам умрининг асосий қисми кечган ва ҳамон кечаётган Сирдарё ҳамда унинг одамларини кўплаб асарларида бот-бот тасвирлаб келарди. Ижоди гуллаган даврда “Дарё” отлиғ роман ёзиб, фарзандлик муҳаббатини йирик жанрдаги асари орқали билдирибди. Лекин бу битик муаллифнинг униб-ўсган юртига ёлғиз эътирофидангина иборат эмас, балки унда ёзувчини безовта қилган, ўйлантириб юрган қатор ижтимоий-маънавий муаммолар инсоний тақдирлар орқали ақс эттирилган.

Роман “Дарё” деб номланган бўлса-да, унда Сирдарёнинг турфа табиати тасвир қилиниб қолмай, кўпроқ дарёга қай даражададир тегишли бўлган одамларнинг чигалдан-чигал ва бетакрор қисматлари ақс эттирилган. *“Инсон бир дарё қабидир, сатҳи кўриниб туради, тубида не бўронлар қўнар, не пўртаналар тошар, сўзламас, жимгина оқарда*



кетар...”, — дейди хазрат Румий. Ёзувчи дарёга дахлдор одамлар рухияти ва ўзаро муносабатларида сиртдан кўзга ташланмайдиган пўртанаю бўронларни бор кўлами билан акс эттиришга уринган. Абдукаюмнинг кўпчилик асарлари сингари киши рухиятини камраб оладиган тезкор сюжет асосига қурилган “Дарё” романи ҳам шавк билан ўқилади. Бунга асар сюжети ривожига каркин (шиддат), ёзувчи тилининг жозибadorлиги ҳамда роман вужудига сингдириб юборилган адоқсиз дардчил юмор туфайли эришилган.

Ёзувчининг дарё тимсолидан воқеалар кечадиган жуғрофий маконгина эмас, балки асар ритмикасини белгилаш воситаси сифатида ҳам фойдалана билгани, айниқса, ўзгача жозоба бахш этган. Бутун асар давомида дарёга хос долға, кудрат, кўлам, кенглик, сокинлик сингари жиҳатлар бадий тасвир талабига мувофиқ ўрни билан бирма-бир намоён бўлади. Бошқача айтганда, тўхтовсиз оқётган дарёга хос турлича маром битикнинг ички мустикасини ташкил этади.

“Дарё” романидаги Рустам, Дилобар, Толян, Тош тимсолларини ўзбек адабиёти учун том маънодаги янгилик бўлган персонажлар дейиш мумкин. Адабиётимизда нафс куткусига учган кимсалар жуда кўп тасвирланган. Лекин кўпинча бундай тимсоллар тасвирида ўзига хослик, бетакрорлик, уларни ёвузлик сари ундаган омиллар табиийлиги етарлича кўрсатилмасди. Ушбу романдаги ҳар бир тимсол ўзига хос қайтарилмас жонли одам сифатида тасвирлангани боис уларнинг тутумлари ўқирманни ишонтирибгина қолмай, ўз тақдирларига шерик ҳам қилади.

Болалар уйида вояга етгани, ҳеч кимдан меҳр кўрмай ўсгани сабаб ҳаётдан норози, одамлардан аламзада, нафси етовиди ҳаром-хариш йўлларда юриб бедаво спид касалига йўлиққан Тожибой (Толян)нинг: *“Нима учун энди мен айни кучга тўлган, навқирон ёшимда индамасдан ўлиб кетаверишим керак экан? Нима учун? Йўқ, мен ўнтаси, йигирматаси, ўттизтаси, юзтасини ўзим би-*

лан олиб кетаман! Мен сизмаган ҳаётда уларга ям ўрин йўқ!" тарзидаги иддаосида унинг жохил ва ёвуз кифоаси намоён бўлади. Мутлақо гуноҳсиз одамларга ўз касалини атай юктириши, ёзиқсиз кишиларни ўлимга маҳкум этиб, қотиллик билан аламдан чиқишга уриниши унинг табиатидаги ёвузлик даражасини намоён қилади.

Романдаги асосий тимсоллардан бири Дилшодга узок вақт давомида ўта садоқатли дўст бўлиб кўринишнинг уддасидан чиқадиган сиртдан соддаваш, аслида устомон ва хиёнаткор Мансур ҳам аламзада ва норози. Лекин унинг норозилиги ва аламзадалиги сувланадиган қайнок ҳам, буларнинг миқёси ҳам ўзгача. Асарда тасвирланишича у: *"Ақлини таниганидан бери ичкиликка муккасидан кетган отасидан фақат сўкиш, ҳақорат эшитадиган, уйда эр-хотиннинг адоғи йўқ жанжалларидан, бундай пайтларда бир-бирларига айтадиган энг разил, энг ифлос, энг тубан... қарғиш-иддаоларидан бешиб қолган, алақоқибат буларнинг ҳаммасини ташлаб, олис-олисларга кетаман, янгича ҳаёт бошлайман дея аҳд қилиб юрган..."* омадсиз йиғит. Мансур – мунофиқ, омадсиз, аламзада, кинчи (ҳасадгўй), хиёнаткор, аммо қотил эмас. Шу сабаб энг яқин ва беғараз дўсти Дилшодни сота олгани ҳолда унга қарата ўқ узолмайди. Ҳа, узмайди эмас, айнан, узолмайди! Негаки, унинг шахсиятини ташкил этган ёвузлик сифатлари тўқимасида қотиллик хужайраси йўқ ва бу ҳол асарда жуда ишонарли кўрсатилади. Мансур Дилшоднинг мустақил бошлаган ишини барбод қилиб, унинг отасидан йиғирма беш минг доллар ундириб, *"...ўзини осмон санаб юрган одамнинг (яъни Дилшоднинг – Қ.Й.) ер билан битта бўлишини..."* кўриб завқланмоқчи бўлган олчоқ кимса эди. Бу нияти амалга ошмай қолгач, гувоҳни йўқотиш учун Дилшодни отиб ташлаш керак бўлганда, Мансур бу ишни қилолмайди. Кўринадики, ёзувчи асарда иштирок этган ҳар бир персонажнинг руҳий-амалий имкониятини ғоят аниқ ҳисобга ола билади.

Миллий адабиётимизда ёвуз кимсалар кўринишдан ҳам хунук ва ёкимсиз килиб кўрсатилар эди. Халкимиз орасидаги: "Туси яхшидан тугилма" нақлига бадний тасвирда ҳам кўпинча амал килинарди. Абдукаюм романда ўзгача йўлдан боради: у устомон ва шафкатсиз Рустамни ташкаридан ғоят бежирим, келишган, истеъдодли одам сифатида кўрсатади. Юзсиз, шаллақи ва тубан Дилобарни эса ҳар қандай қалтис ҳолатда ҳам ўзини тута биландиган, совуққон, топқир, ақлли, ғоят гўзал қиз сифатида тасвирлайди. Шунингдек, товламачи Тош, "бир нималик" бўлиб қолиш илинжида ҳар йўлга юришга ҳозир кўрқок ва очкўз Самад, Қаҳҳор сингари персонажларнинг руҳий дунёси ва хатти-ҳаракатлари ҳам ўта табиий, ишонарли аке эттирилган. Бу кимсалар қанчалик ақлли, уддали, топқир ва шафкатсиз бўлишмасин, уларни ҳаракатга ундайдиган омиллар иллатли ҳамда кўзлаган мақсадлари тубан бўлгани сабаб қисматлари мағлублик экани битикда ғоят ҳаётий ва табиий тасвир этилган.

Ғарчи, бутун асар микёсида персонажлар тилини индивидуаллаштиришга старлича эътибор қилинган деб бўлмаса-да, ёзувчининг ифода йўсини жозибали эканини алоҳида қайд этиш лозим. Асарда ўзбек сўзининг ҳар қандай нозик ва ингичка ҳаётий вазият ёки руҳоний ҳолатни борки мураккаблиги билан ифодалай олиш қудрати тўла намоён бўлган. Гулноз билан Файзулла, Мукаддам билан Дониёр, Ноила билан Дилшод, Тоҳир билан Бердикул тақдирларидаги чигалликлар тасвири, уларнинг ўзаро муносабатларидаги дардчил юмор аралашган чегарасиз пичинг ва кесатик аке эттирилган ўринларда бу жиҳат, айниқса, бўртиб кўзга ташланади. Турғунбой, Ўктабр ва Серсенбой ота сингари тимсоллар ҳам бадний сўз ёғдуси билан ичдан нурлантирилгани боис ўқирман ёдида қолади. Ҳатто, биргина лавҳада кўринадиган Маликаҳон, Муштарий (Мухтарам), фирибгар Тошнинг аёли, унинг уч ўғли, икки жўраси, истеъдодсиз актриса Роҳатой сингари тимсол-

лар ҳам шахсиятларидаги ўзига хослик кўрсатилган ҳолда тасвирлангани сабаб ўқирман хотирасига муҳрланади.

“Дарё”даги воқеалар ягона бош қаҳрамон атрофида кечади. Лекин бу бош қаҳрамон бошқа асарлардаги янглиғ бирор шахс эмас, балки Сирдарёнинг ўзи дейиш мумкин. Муаллиф тасвирга тортган тимсоллар қилмишу ҳаракатларининг қандайлигига қараб бош қаҳрамон – дарё турланиб-тусланади: гоҳ кечиримли ва сокин, гоҳ итоаткор ва покловчи, гоҳ долғали ва ғазабнок, гоҳ қутурган ва тажовузкор ҳолатда намоён бўлади. Дарёга муносабат романдаги ҳар бир персонажнинг шахсиятидаги эзгулик ёхуд ёвузликни билдирувчи лакмус қоғоз вазифасини бажаради. Асарда ҳаётнинг ўзидаги каби кўпчилик одам дарёга ҳеч нарса бермагани ҳолда ундан имкон қадар кўпроқ юлиб олишга интилиши ҳаққоний ақс эттирилади. Айни вақтда дарё ва унинг бағридаги бойликларнинг мангулигини таъминлаш йўлида, демакки, эзгуликнинг тантанаси учун жонини тиккан шахслар ҳам борлиги ҳаётий тасвирланади. Романдаги қарориди собит, дарё ва унинг бойликларини сақлаш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инспектор Тоҳир ана шундай жонкуяр шахсдир.

Маълумки, эзгулик осонлик билан амалга ошмайди. У кўнгли хотиржамлигидан бошқа нарса бермагани ҳолда ҳамиша кишидан қатта қурбонликлар талаб қиладиган аъмолдир. Эзгулик қилиш осон ва қулай бўлганида ҳамма ҳам яхшилик қуршовида умр кечирган бўларди. Романда ўйлаб иш қиладиган, фикрида собит, қатъиятли Тоҳир учун эзгу амаллар қилиш қанчалар қимматга тушгани кўрсатилар экан, унинг бу йўлга бирданига ўз-ўзидан келиб қолмагани бутун мураккаблиги билан кўрсатилади. Ёзувчи бу жараёни батафсил тасвирлаб ўтирмай, констататив динамика усулидан фойдаланиб иш кўради: *“Тоҳир... аста-секинлик билан, заррама-зарра, томчима-томчи... қалбидаги мутеликка монанд тўйғуни ситиб чиқара бошлади... Ў, осон кечмади бу жараён, осон кечмади! Эҳ-ҳе, бунинг эвазига не-не қора қунлар тушимди бошига, не-не*



қарғишларга учрамади, не-не яқин эсигарлари, қондош хешлари юз ўгириб кетишмади ундан! Ҳатто ёлғиз опаси... Алқаш эри ов ман этилган мавсумда бир қайиқ балиқ билан қўлга тушиб қолганида аввал оёқлари шишиб кетган опанинг ўзи эланиб келди... кейин... кимлар ақт ўргатишган, ноаён!... ..ягона бойлиги – болали сигирини етаклаб... Йиглади... Ранги қорайиб кетган укасини кўндиролмаслигини англагач... кўз ёшларига кўмилганча судралиб қайтиб кетди... Жиянларнинг-ку, ҳалигача Тоҳирни кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқ...". Инспектор шахсиятига хос етакчи хусусиятлар муаллифнинг ана шу тавсифида яққол намоён бўлади. Аслида ҳам пўлат оловда тоблангани янглиғ одам ҳам қийинчиликларда синалади. Эзгулик йўлидаги қийинчиликларга чидаб, манфат учун эътиқодига хиёнат қилмаган кишиларгина бундай синовлардан ўта олади. Тоҳирнинг ана шундай шахс экани бутун асар давомидаги турли воқеалар тасвири мобайнида аёнлашиб боради.

Тоҳирнинг шахсий ҳаётда омади келмаган: у севган қиз бошкага турмушга чиқади, кўнгилсиз бўлса-да, уйланиб фарзанд кўрган, меҳрибонлик қилган аёли Жамила бировни кутқараман деб, дарёга чўкиб кетади. Энг ёмони ўзи ҳаёлига ҳам келтирмаган ва истамаган ҳолда Жамилани севган Бердиқулнинг ҳаётини синдириб, унинг қаттол душманига айланади. Ҳалол бўлгани, фойда эмас, бурчни ўйлагани боис бири икки бўлмайди, боши ташвишлардан чиқмайди. Лекин у эътиқодига хиёнат қилмайди, ҳалоллигича қола биледи. Ўлим келганда ҳам ҳақ йўлидан қайтмайди. Айни вақтда у – ғоят кўнгилчан ва меҳрибон одам ҳам. Тоҳир фақат дарёнинг, яъни эзгуликнинг душманларигагина аёвсиз. Унинг: *“Қатта дарёга муҳаббатнинг ёнида ҳамшиша инсонга муҳаббат учун ундан ҳам каттароқ жой қоларкан...”*.- деган тўхтамида шахсиятига хос фазилатларни ҳаракатга келтириб турган одамий одамларга адоқсиз муҳаббатдай маънавий асос акс этган. Тоҳир дарёни қанчалик севса, унинг ёлғизгина ўғли Дилмурод она-

сини ютиб кетгани учун дарёни шунча ёмон кўриши билан ота ҳаётининг фоживийлик даражасини янада оширади. Қаҳрамонга ҳос бу жиҳатлар романда ўта таъсирли ифодасини топган.

Асарда Абдуқаюм Йўлдошнинг инсон концепцияси ғоят ўзига ҳос йўсинда намоён бўлган. У бадний тасвирда ҳар битта персонаж шахсияти ғоят хилма-хил маънавий иллардан тўқилган рангин мато эканидан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Шу сабаб тимсоллар тасвирида турфа ранглардан маҳорат билан фойдаланади. Ўрни келганда қайд этиш керакки, ҳозирги ўзбек адабиётида инсонга шундай концептуал ёндашув тобора ёйилиб бормоқда.

Ёзувчи бир-икки енгил чизги билан бирор тимсолга ҳос асл қиррани яққол кўрсатиш маҳоратига эга. Чунончи, Тоҳир Рустам уюштирган тухмат сабаб милицияга тушиб қолганда ўз нафси ва манфаатидан бўлак ташвиши йўқ бош инспектор Равшаннинг: *“Бизда беғуноҳларга дело очишмайди”*,— деган гапи унинг ёнидагиларга бефарқ, ҳақни ноҳақдан ажратишга уринмайдиган ғариб ички оламинини яққол кўрсатса, *“Кескин гапиришга ўтдимиз, бу Меҳри холанинг таслим бўла бошлагани аломати эди...”* ёхуд *“Ичкаридан чиқиб келган Меҳри хола аввал Одинага, кейин Шарофатга қараб “уят” дегандай бетини чимчилади”* тасвирлари ўзбек кайвониси табиатига ҳос бетакрор маънавий сифатларни акс эттиради. Ёзувчи тимсолларни даярли ҳеч қачон батафсил тавсифлаб ўтирмайди, балки ҳатти-ҳаракатлари орқали уларнинг табиатини кўрсатиб беришга уринади. Табиийки, бу ҳол тасвирнинг таъсир кучини оширади.

Кўлингиздаги романда одам деб аталмиш яратикнинг ўта чалкаш ва мураккаб ички дунёси, унданда чигал руҳий олами, англаш ҳам, изоҳлаш ҳам мушқул қисмати бутун мураккаблиги билан акс эттирилади. Бир-бирини қаттиқ суйганларидан бола кўрмаётган бўлсалар-да, ажралишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдиган Дониёр ва Муқаддам; оилали Дониёрга кўнгли кўйгани боис бошқа одамга те-

голмай ўтириб қолган покиза Гўзалоӣ: врачликдай касбни бойлик орттириш воситасига айлантирган уятсиз ва бузук Камол: ориятчил. ҳар қандай вазиятда ҳам гапида турадиган. аммо қайсар, жанжалкаш, шафқатсиз, ҳалолни ҳаромдан ажратавермайдиган, баъзан жоҳиллиги ёвузликка айланиб кетадиган Бердиқул: килни кирк ёрадиган даражада синчков терговчи Жавлон, корнидан ўзга ташвиши йўқ Ҳамроқул, барча оналардай жонқуяр ва қуюнчак Ҳикоятхон, барча оналардан ҳам фидоӣироқ Солиҳа эна, инсон кўнглига доир юксак туйғулардан ҳоли, қурук ва зерикарли, лекин ўз ишининг устаси бўлмиш адвокат Файзулла. Тоҳирни суйгани ҳолда ўқирманга номаълум сабабларга кўра зерикарли одам Файзуллага турмушга чиққан Гулноза, азбаройи ёшлигида Тоҳир кўнгли кўйгани учун Гулнозани ҳамон ёмон кўрадиган Зухра, янглиш коммунистик эътиқодга садокати сабаб ҳаёти тушунарсиз издан кетган Ўктабр чол, унга фақат бой тадбиркорнинг ўғли деб карашларидан уялиб, бойликка ҳам, муҳаббатга ҳам ўзи эришишга уринадиган Дилшод. Дилшодни ёқтиргани ҳолда уни пичинг ва қочириқлари билан қийнаб ҳузурланадиган Ноила, борингки, романдаги деярли барча тимсоллар ечилиши ўта кийин ҳаётини ва айниқса, рухий изтироблар оғушида кўрсатилади.

Айниқса, романдаги Бердиқул образи ўзининг чигал тақдири, маънавий кифасини ташкил этган ахлокий сифатларнинг аралаш-қуралашлиги, тақдирининг фожиавийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай кишиларга баҳо бериш ғоят мушкул, уларни тушуниш имконсиз. Асарда кайфиятининг етовида юрганидан исталган дақиқада карорини ўзгартириши мумкин бўлган, эзгу мақсадга эзгу воситалар билан бориш кераклигини тан олмайдиган бекарор шахсининг консиз фожиаси ёзувчи томонидан бутун мураккаблиги билан кўрсатилади. Бердиқулнинг маънавий олами ўзаро келиштириб бўлмайдиган турли ҳулкий тўқималардан ташкил топган. У – дадил, сўзидан

қайтмайдиган, адолатпарвар, қасд қилган ниятига эриш-  
маса тинчимайдиган йиғит. Аммо ўзгани тинглаш ва ту-  
шунишга уринмаслик ҳамда ўжарлик бу шахснинг энг  
катта нуқсонидир. Шу сабаб Бердиқулнинг қисқагина  
умри адоқсиз галвалар ичида кечади.

Ёзувчи Бердиқул табиатидаги ҳар бир товланишни  
мантикий ва руҳий жиҳатдан чуқур асослашга эришган.  
Тимсол ички динамизмининг ҳар бир босқичи теран ҳис  
этилгани образ тасвирининг максимал даражада ҳаётий ва  
таъсирли чиқишини таъминлаган. Асарнинг бошида ҳеч  
қандай гап-сўзсиз Тоҳирга ташланиб, уни калтакламоқчи  
бўлганида Бердиқул ўзини суюқлиси учун курашаётган  
ошиқ ҳисоблайди. Лекин суюқлини севишгина старли  
бўлмай, унга севилиш ҳам кераклигини ҳисобга олмаган  
йиғит Тоҳир билан Жамиланинг тўйи кунни маст бўлиб  
жанжал чиқарганда ва оқсоқолларнинг ишораси билан  
йиғитлар уни молхонага камаб кўйишганда, у суйганидан  
айрилган жабрдийда эди. Алаmidан маст бўлиб, бировлар-  
ни уриб майиб қилиб қамалиб кетганида эса алаmзадага  
эврилганди. Қамоқдан чиққач, унга атаи бирор ёмонлик  
қилмаган Тоҳирга панд бериш учун Самад ва Қаҳҳор син-  
гарни қонунбузар кимсаларни ҳимоя қилиб, инспекторнинг  
қайиғига ўт кўйганида у чинакам жинойтчи бўлади. Руста-  
мининг тарафига ўтиб, Тоҳир мени уриб оғир ярадор қилди  
деб, ёзиксиз инспекторга тўхмат қилиб қасалхонага ётиб  
олганида у ёвуз кимсага айланади. Персонаж табиатидаги  
мутлақо қарама-қарши жиҳатлар унинг гўё Тоҳир етказган  
жароҳат учун милицияга шикоят қилмаслик эвазига Гулно-  
задан пора ундириш ниятида айтган: *“Ўзингни ўйламансанг,  
яқинларингни ўйларкансан. Онангни... Шунақа гаплар,  
Лекин мен бу гапларни сизнинг раҳмингизни келтириши  
учун айтмадим. Сиз ҳозир мени сотиб олишга уриняп-  
сиз. Мен бўлса ўзимни қимматроқ сотишга ҳаракат  
қилаяйман. Бу бизнес, холос. Айтиб қўяй, савдомиз ке-  
лишса-келишмаса то бу дунёда тирик эканман, мени бе-*



*бахт қилган, фариштадай қизнинг умрига зомин бўлган Тоҳирни тинч қўймайман*”.- деган гапларида яққол намоён бўлади.

Шахс руҳияти мантиғига зуғум қилмаган адиб кўп ўринларда Бердиқулда ҳеч қачон йитмайдиган инсоний сифатлар ҳам борлигини кўрсатишдан қочмайди. Бердиқул иши битмаган бўлсада, сўзида туриб, ҳайдовчи йнгитга кўчқорини бериб юбориши; Самадга олганидан кўпроқ пул қайтариши; онасини операция қилдиришга астойдил уриниши; Тошнинг абгор аҳволини кўриб, ўзини чув туширган бўлса-да, жазоламагани; Рустамнинг асл мақсадини билгач, Дилшоднинг ўрнига уни ўлдириши, хиёнатчи Мансурни жазоламоқчи бўлган ўринлар тасвирида табиатидаги эзгу жиҳатлар бўртиб кўринади. Бердиқулга ўхшаш табиатга эга кишиларнинг эртанги кунини башорат қилиб бўлмайди. Чунки уларнинг тутумлари мантиққа эмас, балки кайфиятга боғлиқ бўлади. Кайфият эса ўзгарувчан ва тушунарсиздир. Бердиқул сингари ижтимоий-маънавий мезонларни тан олмайдиган шахслар – ҳар қандай жамиятга бегона. Унинг айнан эшқаксиз қайиққа чиқиб, дарё оқими бўйлаб кетиши ҳам рамзий маънога эга. Улар ҳаёт дарёсида эшқаксиз қайиқдаги йўловчи каби оқим ихтисрида юришга маҳқум шахслардир.

Абдуқайом Йўлдош романда ҳар бир персонаж руҳиятига хос қирраларни маҳорат билан тасвирлай олган. Чунончи, меҳрибон ва самимий қиз Гўзалойнинг янгалари унинг қариқизлигини ғийбат қилишадиганини тасодифан эшитиб қолгандаги ҳолатининг *“Эшикдан отилиб чиққанча этикиб-этикиб нафас олаётган, вужуди терак баргидай дур-дур титраётган қизнинг мизжисаларига аламнинг аччиқ ёшилари қалқиб чиқди...”* тарзидаги тасвири аниқ ва таъсирчанлиги билан диққатга лойиқ. Шафқатсиз, тезоб, ўрни келса, талончилигу котилликдан ҳам қайтмайдиган Бердиқулнинг онаси саратон касалига йўлиққанини билгандаги ҳолатининг: *“Бердиқул маст одамдай гандираклаб хонадан чиқди,*

дарвоза томон юрмоқчи бўлди, аммо бунинг ўрнига бўм-бўш молхонага кирди-ю, пичан устига қулади. У ёқасини маҳкам тишлаганча титраб-қақшаб, овозини чиқармасликка уринган ҳолда гавдаси силкиниб-силкиниб бўзлаб юборди: *Энажсон... энажсон...* йўсинидаги ифодаси тасвирида онасини чинакам суйган ўғил руҳияти ҳакконий кўрсатилган. Сулув хотинини ўринсиз кизганаверадиган. ўта рашкчи Донниёр руҳий ҳолатининг: *“Кўнгил – душман. Айниқса, хотининг чиройли бўлса... Бўлмаса печа марта ўзини тергашига уринди, “Рашик – ишонччи ҳақорат қилади. Ана, Отелло ҳам ишончсизлик қурбони бўлган”* ёинки *“Ишонолмаслик – ўзлари ишончдан маҳрум кимсаларга теккан касаллик”, қабиллидаги ҳикматли гапларни... ёдлашга, ...уларга амал қилишга уриниб кўрди. Аммо воқелик игнаси теккан заҳоти буларнинг ҳаммаси совун нуфагидай “нақ” этиб ёрилади-ю, яна ҳаммаси бошидан бошланади...*” шаклидаги тасвири шу персонаж хатти-ҳаракатларини англаш калитига айланади. Асарнинг бошқа бир ўрнидаги *“Эрини кўрган Муқаддам адоий тамом бўлди: ранги қув ўчиб, бутун вуъуду қалтираб кетди”* шаклидаги тасвирда, негадир, хўжайини олдида ҳамиша ўзини айбдор сезадиган ўзбек аёли табиати ёрқин намоён бўлади. Ёхуд ҳиссиз майдакаш эрига кўнгилсиз, имкон топса, ундан ажралмоқчи бўлган Гулнознинг кизига: *“Ошни тирик қилма, аданг ётиш олдидан газ сув ичса кечаси безовта бўлади”* тарзидаги гапи ўзбек аёлига хос бўлган азалий жонкуярлик, ҳатто, ёқтирмаса-да, болаларининг отасига бўлган аёвли муносабатнинг ғоят теран илдизларга эгаллигини кўрсатиши жиҳатидан тенгсиздир.

Асарнинг кўп ўринларида муаллиф тилнинг ифода имкониятларидан ғоят усталик билан фойдаланиши кўзга ташланади. Дилобар билан Жавлон, Муқаддам билан Донниёр, Дилшод билан Ноила, Ўктабр чол билан Турғунбой ота муносабатлари тасвирида ўзбек тилининг киноя, пичинг, кесатик сингари сифатларга, чуқур тағмаъноларга эга

экани бор бүйинча кўринади. Куйидаги суҳбат тасвири фикримизга далил бўла олади:

*“Муқаддамнинг эси чиқиб кетди:*

*– Вой ўлай! Нима бўлди? Муштлашдингизми?*

*Дониёр...юзини яширди:*

*– Йўқ. Йиқилиб тушдим.*

*– Кўриб турибман, эсуда муваффақиятли йиқилибсиз. ...Ўзиям аввал роса мўлжаллаб туриб, кейин йиқилгансиз шекилли, а?”*

Кўп йиллик азобли кутишлардан сўнг эндигина юкли бўлган нурдай пок Муқаддамнинг Толян тажовузидан кейин ўзини ўлдирмоқчи бўлгандаги ҳолатининг: *“Тўйқусдан сумкадаги қўл телефони эсиринглаб қолди. Чўчиб кетган Муқаддам атрофга алаңлади ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўларини буюк бир меҳр билан қорнига қўйганча, аччиқ кўз ёшларига гарқ бўлган кўйи буюк муҳаббат билан шивирлади:*

*– Дадаси... дидажониси... Болам... болажоним...*

*Жувон мана шу ҳолида, қўларини қорнига қўйган кўйи, узлуксиз эсиринглаётган телефонини ҳам эшитмай, дувиллаб оқаятган кўз ёшларини артмасдан бир-бир босганча негадир бирдан бўтана тус олган дарё қаърига кириб бораверди, бораверди... Оқар сув аввал Муқаддамнинг тиззасигача келди, кейин кўкрагигача... Ногоҳ шиддат билан оқаятган сув ости оқими жувоннинг оёқларига урилди. Муқаддам тойиб йиқилди ва ҳеч бир қаршилиқ кўрсатмасдан, аста-секинлик билан чўкаверди... Дарё икки жонни ўз бағрига олди...”* Бу тасвирдаги ҳар бир сўзгина эмас, балки тиниш белгилари ҳам бегуноҳ ўлимга маҳкум этилган одам фожиасини барча қирралари билан кўрсатишга хизмат қилдирилган. Чунончи, дарёнинг *“бирдан бўтана тус олган”*и ҳам бежиз таъкидланмаган. Ҳаётнинг адолатсизлиги, одамларнинг чегарасиз ёвузлиги тиниқ сувли дарёнинг бўтаналашувиға сабаб бўлади. Бундай лойқалик ўқирман руҳиятиға-да кўчади.

Ёзувчининг ушбу романи ёзишдан кўзда тутган бош нияти Турғунбой отанинг Дилмуродга айтган куйидаги гапларида намоён бўлган дейиш мумкин: *“Она дарё минг, миллион йиллардан бери тўхтамай оқаяпти. Худо хоҳласа яна минг, миллион йиллар тўхтамай оқади. Биз йўқ эдик, Дарё бор эди. Биз келдик, Дарё бор. Биз ўтамиз, Дарё қолади. Дарёмиз худди ҳаёт каби абадий. У печанеча минглаб, юз минглаб инсонларга жсон бахш этди, сувга зорларнинг ташналигини қондирди, саҳроларни гулистонга айлантирди, яна бағрида айнан сен, мен учун балиқларни парваришлайди, уларни бизга тақдим қилади. Дарё бизнинг беъмиллат онамиздай меҳрибон, гамхўр. Шунинг учун биз уни Она дарё деб атаيمиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интиҳоси йўқ”*. Кўрнадики, бу ўринда дарё – ҳаёт мангулиги ва эзгулик барқарорлигининг тимсоли. Дарё истиқбол сари элтувчи тинимсиз ҳаракатнинг рамзи сифатида барча хайрли юмушларга ҳамиртурушлик вазифасини бажарадиган омил. Одамга хос асл жиҳатлар унга муносабат йўсинида намоён бўлади. Ҳаётга, одамга, эзгуликка муҳаббат дарёга меҳр кўрсатишдан бошланади.

Шунингдек, асарда одам даврни яратгани янглиғ давр ҳам одамнинг нафақат турмуш йўсини, балки руҳият дунёсигада таъсир кўрсатгани Турғунбой отанинг кизи Гулноза билан, Гулнозанинг эри Файзулла билан, Малика, Муштарий ва Ноилаларнинг Дилшод билан, Муҳиддинбойнинг Аббос билан муносабатлари тасвирида яккол намоён бўлган. Бу шахсларнинг муносабат йўсинлари нафақат ярим аср, балки ўн беш-йигирма йил олдин ҳам ўзбеклар учун нотабиийгина эмас, балки уят саналарди. Яъни она ҳаёт бўла туриб, ота кизининг кўёвига кўнгилсизлиги ҳақида сўзлашмасди; канчалик ўктам бўлмасин, аёл қачондир севган кишини учун эридан сўроксиз миниб юрган машинасини сотиб, пулини сарф қилолмасди; ўзбек кизлари кўёвликка талабгор йигитлар билан бунчалар эркин муносабатда бўлишмасди; уйдаги бўй кизнинг отаси дўсти билан бўлсада уни эрга



бериш борасида асардаги каби очик гаплашолмасди ва х.к. Бугун эса, уларга биз қандай баҳо беришимиз, яъни маъқуллаш ёки инкор қилишимиздан қатъи назар, бундай тафаккур тарзи ва руҳият йўсини миллий миқёс қасб этиб бормоқдаки, романда айни жиҳат ёрқин акс этганини таъкидлаш лозим. Асарнинг макташга лойиқ яна бир қанча жиҳатлари борки, улар ўқиш асносида англаб олиншига умид қиламиз.

Айтиш керакки, шунча ютуқлари билан бир қаторда романда ўқирманни унчалик қониқтирмайдиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, деярли барча персонажларнинг руҳият олами индивидуаллаштирилгани ҳолда уларнинг тилига ўзига хослик беришга етарлича эътибор қилинмаган. Дярли барча қахрамонларнинг тили муаллиф тилидан сезиларли фарқ қилмайди. Шунингдек, Тошкентда врачликка ўқиган Гулнозанинг отаси ва Ўқтабр ота қасал бўлиб қолгандаги ҳолати тасвири профессионал тиббиётчининг тутумига мутлақо ўхшамайди. Айниқса, Тоҳирга туҳмат қилаётган Бердиқулнинг жароҳати қанчалик даражада эканини врач сифатида аниқлашга уринмагани ҳам тимсол табиатига мувофиқ эмасдай. Ўқтабр қолнинг отаси Мэлс Мэлсович тарзида номлангани ҳам ишончсизроқ чиққан. Ёзувчи ёлғон эътиқодга эргашишнинг суяк суришини, миллат тозалигига эътиборсизликнинг ёмон оқибатларини қучайтириб кўрсатиш ниятида сохталикка йўл қўйгандай. Негаки, 1940 йилда уч ёшларда бўлган Ўқтабр қолнинг отаси Мэлс деб аталганига ишониш мумкин дир, лекин унинг отасининг ҳам оти Мэлс бўлиши мантиққа унчалар мувофиқ келмайди. Зеро, нафақат XIX аср охирилари, балки XX юзйилликнинг 30-йилларигача ҳам бу тўртгала “доҳий” ўзбекларга деярли нотаниш эди.

Нима бўлганда ҳам Абдуқаюм Йўлдошнинг “Дарё” романи муаллифнинг улкан истеъдоди, қайноқ меҳри, заҳматли меҳнати натижасида дунёга келган бадий жиҳатдан бақувват, қизиқарли ва ўқишли асар дир. Унда дар-

ёли юрtda яшашга лoйик чинакам одам бўлиш учун одам бўлиб туғилишнинг ўзигина етарли эмаслиги. балки хар бир шахс одамийлик учун курашнинг азобли ва мушкул йўлини босиб ўтиши кераклиги махорат билан таъсирли тасвирлаб берилган.

*Қозoқбой ЙўЛДОШ*  
*2015 йил 25 октябрь–22 декабрь.*

---

## МУНДАРИЖА

I боб .....	3
II боб .....	87
III боб .....	164
IV боб .....	250
V боб .....	312
Она дарё тасвири <i>Қозоқбой Ўлдош</i> .....	399

*Адабий-бадний нашр*

*«Шарқ юлдузи» журнали кутубхонаси*

*Абдуқаном Йўлдошев*

*Дарё*

*роман*

*Лойиҳа муаллифи Л Тангриев*

*Мухаррир Собир Ўнар*

*Бадний мухаррир А. Мамасолиев*

*Мусаххих У. Юнусов*

*Техник мухаррир Е. Корягина*

*Саҳифаловчи У. Валижонова*



Нашриёт лицензия раками АИ № 290. 04.11.2016.  
2017 йил 2 мартда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Times New Roman гарнитураси.  
Офсет босма. 21.84 шартли босма табок.  
20,5. нашр босма табағи. Адади 1000 нусха.  
136 ракамли буюртма. Бахоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси. 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)

[info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)





ISBN 978-9943-03-762-5



9 789943 037625